



ИСЛОМ КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН
БУЮК
КЕЛАЖАК САРИ

ТОШКЕНТ – "ЎЗБЕКИСТОН" – 1998

66.3(5У)
К25

ISBN 5-640-02518-2

К $\frac{0804000000 - 55}{M351(04)98}$ 98

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёт. 1998 й.

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЎЗ ИСТИҚЛОЛ
ВА ТАРАҚҚИЁТ
ЙЎЛИ**

Чуқур ўзгаришлар бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб бормоқда. Содир бўлаётган туб силжишлар дунёнинг ҳозирги қиёфасини ўзгартириб юбормоқда. Халқларнинг озодлик, мустақиллик ва бахтсаодатга азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарори мана шундай ўзгартишларнинг ҳаракатга келтирувчи кучидир. Ўзбекистон чинакам мустақилликка эришиш мақсадини биринчилар қатори билдирганлигини жонажон ўлкамиз учун фахрифтхор туйғуси билан қайд этиб ўтиш керак. Собиқ Иттифоқдаги республикалардан биринчи бўлиб президентлик бошқарувини амалда жорий этган ҳам, кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгिलाш йўлига ўтиб олган ҳам бизнинг республика бўлди.

✦ *Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди.* 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Муқаддас орзу ушалди — Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу — халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”-ги конституциявий қонунда республикадаги кўп миллатли барча аҳолининг хоҳиш-иродаси мустаҳкамлаб қўйилди ва умумхалқ референдуми буни қатъий тасдиқлади. Бу тарихий воқеа давлатимиз йилномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.”

Ўртага қўйилган мақсадларнинг, танланган йўналишларнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи ишонarli тарзда ва яққол тасдиқлади. Республика мустақиллигининг бир йили ичида асрлар мобайнида амалга оширилмаган кўп нарсаларга эришишга муваффақ бўлдик. *Ўзбекистон халқи жонажон ўлкадаги беқиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди.* Республика ўз олгинини, бошқа нодир ва қимматбаҳо металларни мустақил қазиб чиқариб, қайта ишламоқда ва сақламоқда. Ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва равнақнинг асоси бўлиб хизмат қилади;

Ўзгармас бир тартиб қарор топди: Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди ва иқтисодий қудрати бўлинмас, унинг чегаралари эса дахлсиз бўлиб, давлат ҳимоясидадир.

✓ *Республикада демократик ҳуқуқий жамият асослари фаол равишда вужудга келтирилмоқда.* Аввалги яккаҳокимлик тизимининг иллатлари қатъиян тугатилмоқда. Кўппартиявийлик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-хиллигига тоқат қилиш реал воқеликка айланмоқда. Ягона мафқуранинг яккаҳокимлигига барҳам берилди. Умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги, чинакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг бутун дунё таъ олган маром ва қоидалари тобора кўпроқ қарор топмоқда.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш принципи изчиллик билан ўтказилмоқда. Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг чинакам эгаси бўлиб қолди ҳамда уни бевосита ва шунингдек ўз вакиллари — ноиблар орқали ҳам амалга оширмоқда. †

Республика парламенти қонун яратувчилик фаолияти билан фаол шуғуланмоқдаки, у ёш мустақил давлатнинг шаклланишини ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлашга қаратилгандир. Давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шаклланмоқда. Президентлик бошқарув усули — шу тизимнинг ўзагидир. Жойларда ҳам бошқарув тизими қайта ташкил этилмоқда — вилоятлар, районлар ва шаҳарларда ҳокимлик лавозими таъсис этилди. Суд ҳокимияти ислоҳ қилинмоқда, у Қонуннинг устунлигини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаши лозим. Фуқаролик жамиятининг турмуш тарзи таркибий қисмларини ташкил этувчи мана шу омилларнинг ҳаммаси қонунийлик ва ҳуқуқтартиботнинг, қаттиқ интизомнинг, ички уюшқоқлик ва масъулиятнинг негизи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини амалда намоен қиладиган ва рўёбга чиқарадиган ташкилий тузилмаларни шакллантириш жараёни давом этмоқда. Мудофаа ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси тузилди. Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш, Қимматбаҳо металллар, Фан ва техника қўмиталари, Олий Аттестация комиссияси биринчи марта ташкил этилди. Марказий иқтисодий идораларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди.

Банк тизими қайта ташкил этилмоқда. Республиканинг Марказий банки бошқарув идораларидан мустақил бўлди. Ўзимизнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимиз очилди. Кўпгина тармоқ вазирликлари ва идоралари тугатилди. Мустақил миллий авиакомпания, ахборот агентлиги, кинокомпания ва бошқа умумдавлат хизматлари ишлаб турибди.

Ўзбек халқининг мустақилликка бўлган интилишини жаҳон ҳамжамияти, халқаро жамоатчилик

қўллаб-қувватлади. Дунёдаги 125 мамлакат Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини тан олди. 40 дан зиёд хорижий мамлакатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Тошкентда Туркия Жумхуриятининг, Америка Қўшма Штатларининг, Ҳиндистон, Франция, Германия Республикаларининг ва бошқа давлатларнинг элчихоналари очилди. Бошқа хорижий давлатлар билан ҳам дипломатия ваколатхоналарини айирбошлаш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда.

Тарихда ilk бор, 1992 йилнинг 2 мартда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Республика Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашнинг Яқунловчи актини имзолаб, Хельсинки жараёнига қўшилди. Мана шуларнинг ҳаммаси республика тараққиётида мазмунан янги босқични бошлаб берди ва тенг ҳуқуқли асосларда халқаро иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш имкониятини очди.

Эндиликда Ўзбекистон бир қатор етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмаларнинг — Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Оврупо тиклаши ва тараққиёт банки, Қора денгиз мамлакатлари иқтисодий уюшмасининг аъзосидир. Халқаро валюта фонди, Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига ва бошқа бирлашмаларнинг таркибига аъзо бўлиш борасидаги тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Ўзбекистоннинг Қўшилмаган давлатлар ҳаракатига, БМТнинг Осиё ва Тинч океан учун Иқтисодий ва ижтимоий комиссиясига ҳамда бошқа ташкилотларга аъзо бўлиб кириши тўғрисида аризалар юборилди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганлиги шуни билдирадики, бундан буён республика муста-

қил ички ва ташқи сиёсатини олиб боради, ҳеч кимнинг воситачилигисиз ўзаро маънафатли муносабатларни ўрнатади. Республикани ҳақиқатан ҳам, унинг миллий маънафатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўникмаларини, мавжуд беқиёс табиий бойликларни ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди.

Ҳозир бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди. Республикани миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқишимиз зарур. Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаб турганларнинг тақдиригина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невараларининг ҳам тақдири, келажак авлодларнинг тақдири ҳам шунга боғлиқ бўлади. Республика танг ҳолатларни қай даражада тезроқ бартараф этиши, яккаҳоқимлик тизимининг иллатларини батамом тугатиши, ривожланган маданиятли мамлакатлар даражасига чиқиб олиши шу нарса билан белгиланади. Биз ҳозир узоқ йўлнинг бошида турибмиз.

Барқарор бозор иқтисодиёти очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш тировард мақсад бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин.

ЎЗ ЙЎЛИМИЗНИНГ ШАРТ-ШАРОИТИ ВА ЗАМИНЛАРИ

• Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини қўлга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қерда енгил ва осонлик-

ча бўлмаган. Мустақиликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан диний эътиқоди, руҳияти ва ҳуқ-атвор нормалари шуни тақозо этади. • Дунёда ижтимоий тараққиёт йўлининг турли вариантлари мавжуд. Туркия, Жанубий Корея, Швеция моделлари ва бошқалар бунга мисолдир. Бир қанча мусулмон мамлакатлари ва янги индустриал мамлакатларнинг тажрибаси ҳам шуни кўрсатади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Овруро мамлакатлари ва Япония халқ хўжалигини қайта тиклаш ҳам бунинг амалий намунаси.

Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади. Гап бирон-бир моделни, ҳатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам, кўр-кўрона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ. Аниқ-равшан воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига хос шароитидагина ижобий натижа беради.

Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўли-мизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир. Бу — ўтмиш йилларнинг католарини, давлат тузилишининг шакл ва усулларига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир. Бу — таркиб топган ижтимоий воқеликка берилган реал баҳодир. Бу — Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилишидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш — танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир. Одамларнинг онги ва турмушига ўнлаб йиллар мобайнида, кўпинча зўравонлик йўли билан сингдирилган нарсаларни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас. Бунинг учун ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига ва уларни бири-бирига қарама-қарши қўйишга барҳам бериш билан жамиятни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига одамларнинг ўзини ишонтириш, ҳаракатга келтирувчи кучларни ва меҳнатнинг раббатлантирувчи омилларини ўзгартириш мумкин.

Мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлиги, уларнинг ўзига хос хусусияти бу муаммоларни ҳал этишга алоҳида ёндашувни тақозо этади. Турмуш шароити ва тарзининг миллий хусусиятлари, Шарқ маданиятига мансублик ҳам шуни талаб этади.

Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги

катларга етказиб бериш учун ҳам зарур миқдорда етиштиришни таъминлайди.

Ўзбекистон республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли потенциалга эга. Ер бағрининг ғоят қимматли минерал хом ашёларга бойлиги чуқур таркибий ўзгартишларни амалга ошириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантириш имконини бермоқда. Шу жиҳатдан халқ хўжалигининг асосан хом ашё етиштиришга йўналтирилганлигини бартараф этиш ва шу сабабли иқтисодиёт тузилмалари ҳаддан ташқари бир томонлама ривожланганлигига, собиқ марказ ўтказиб келган яккаҳокимлик сиёсатининг натижаси бўлмиш қарамликка, яъни технология ва ресурс жиҳатдан бошқа республикаларга қарам бўлиб қолишга барҳам бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Кейинги ўн йиллар мобайнида маълум қадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланганлигини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас. Бир томондан, бу ижтимоий тенгликка, кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий хизматга қатъий тарафдорликка интилишида намоён бўлмоқда. Иккинчи томондан эса, яккаҳокимликдан иборат маъмурий-буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсонни мулкка эгаликдан ва хўжайинлик туйғусидан бегоналаштирилганлиги, тайёрга айёрлик руҳияти юзага келтирилганлигида кўринмоқда.

Юқорида қайд этилган ўзига хос шарт-шароитлар ҳам алоҳида, ҳам биргаликда ҳозирги босқичда Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Янгилиниш ва ижтимоий тараққиётнинг ўзимиз танлаган йўли — мураккаб жараён бўлиб, республика ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, иж-

тимой, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларини қамраб олади. Бу йўл мустақил Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг умумий стратегиясини белгилаб беради.

ЎЗБЕКИСТОН — ДЕМОКРАТИЯ ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ЖАМИЯТИ

Ички ва ташқи сиёсатнинг йўналишлари, уларнинг мантиқи тўлалигича пировард мақсад — чинакам мустақил Ўзбекистонни барпо этиш мақсади билан белгиланади. Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир. Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила — шу жамиятнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак.

Сиёсий соҳада бу қуйидагиларни билдиради:

— халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш. Халқ ҳам бевосита, ҳам

ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ имкониятга эга бўлиши лозим;

— қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш. Жамиятнинг сиёсий тизими-ни, давлат идораларининг тузилмасини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади.

Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонуний қарорларнинг рўёбга чиқарилишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар турмушга татбиқ этилишини таъминлайдиган президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни тақозо этади;

— барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устуңлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди;

— Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, Республикаимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қонидасини рўёбга чиқариш. Авлод-аждодлари ёки ўзлари ўтмишдаги фожиали воқеалар сабабли хорижга кетиб қолишга мажбур бўлган ўзбеклар ҳам бемалол Республиканинг фуқароси бўлишлари керак. Ўзбе-

кистон ҳудуди ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлган бирдан-бир ҳудуд эканлигини эътиборга олиб, Республика ўзбеклар қаерда яшамасин, уларнинг ҳаммаси учун маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши лозим;

— озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат тузилмаларининг фаолиятида ва жамоат турмушида фаол қатнашиш;

— бир мафқуранинг, бир дунёқарашнинг якка-ҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш. Биронта ҳам мафқура мутлақ ҳақиқатни билишга даъво қилиши мумкин эмас. Маънавийлик ва инсонпарварлик, республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатларини, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қоидаларига устуворлик берилиши;

— чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни амалда шакллантириш. Айни вақтда ҳокимиятни зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликлари ва маънавий негизларига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши керак.

Иқтисодий соҳада:

— миллий бойликнинг кўпайишини, республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо, этиш.

— ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солиш, тайёрга айёрликни батамом тутатиш;

— мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шакли — ширкат, давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шакллариининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтириш. Шу асосда инсоннинг мулкдан бегоналаштирилганига барҳам бериш;

— иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда яккаҳокимликка барҳам бериш, корхоналар ва ташиқлотларнинг мустақиллигини кенгайтириш. Давлатнинг ҳўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечиш. Буйруқбозлик билан ўз ҳукмини ўтказиб, тазйиқ қилиш, ҳамма нарсани тўраларча белгилаб, чеклаб қўйиш каби ўзини оқламаган эски усулларни қатъиян тутатиш. Иқтисодий воситалар устун мавқени эгаллайди;

— меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар йилги ҳақи тўланадиган таътилга чиқиш, ишсиз бўлиб қолган тақдирда ижтимоий муҳофазага бўлган конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш. Инсоннинг ҳаёт таъминоти учун зарур бўлган иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларнинг кафолатланган энг кам миқдорини жорий этиш;

— табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланишга, атроф-муҳитга зиён етказилишига ва республикадаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик. Бошқа давлатларнинг иштирокида Оролни қутқариш, Орол бўйидаги экологик шароитни соғломлаштириш борасида самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, мазкур минтақанинг иқтисоди ва

ижтимоий соҳасидаги фалокатли оқибатларни бар-
тараф этиш.

Ижтимоий ва маънавий соҳада:

— Инсонпарварлик ғояларига содиқлик. Бу ғояларнинг олий мақсади инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, шон-шарафи ва қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи. Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида инсон ҳуқуқларининг Умумий декларациясида мустақамланган меъёрларни изчиллик билан, оғишмай қарор топтириш;

— маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш. Халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш;

— қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш. Халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш, Республика ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий маданиятлари ва тилларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш;¹

— ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг яққаҳокимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динга амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислом — ота-боболаримизнинг дини — мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир. Давлат ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Маккага ҳаж қилишда зарур ёрдам беради;

— ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари — кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлаш. Энг тараққий этган мамлакатларда инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими кенг қўлланилади, бунга ниҳоятда муҳим аҳамият берилади, бизнинг шароитимизда эса бу — фуқаролар тотувлигини сақлаб қолиш кафолатидир;

— ҳамма учун маъқул сифатли тиббий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, чақалоқлар ўлимини камайтириш, одамлар умрини узайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш. Аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам олиш шаклларини эркин танлаш имкониятларини яратиш;

— умумий таълим олиш, касбни ва тегишли махсус тайёргарликни ўтишни эркин танлашда барчага барабар ҳуқуқ бериш. Янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади. Бунда ўзбек халқининг ва республика ҳудудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий, тарихий ва маданий аънаналари, маънавий тажрибаси таълим ва тарбия тизимимизга узвий равишда киритилиши зарур;

— ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш. Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди.

Фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор

топтириш мана шундай сиёсий, давлат ва конституциявий тузумга эришиш калитидир.

Оила — жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустақкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фарёвонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир.

« Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. *Мамлакатимиз тунроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.*»

Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир.

1 Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши — биз кўзлаётган олий мақсаддир. 1) Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси бунинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ҲАМКОРЛИККА АСОСЛАНГАН ТАШҚИ СИЁСАТ

Давлат мустақиллигига эришиш, БМТга ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириш Ўзбекистонга ўзининг ташқи сиёсатини мустақил равишда ўтказиш, жаҳон ҳамжамиятига киришнинг ўз йўллариини ишлаб чиқиш, давлатлараро муносабатларнинг йўналишлари ва устуворлигини белгилаш имконини берди.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш — давлат фаолиятининг янги ва амалда қўланилмаган йўналишларидан биридир. Яққоқимлик тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига, етарлича дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларига эга эмас эди. Сўнгги вақтларгача республикада шундай кадрлар тайёрлайдиган биронта ҳам институт йўқ эди.

Республика, унинг корхоналари тўғридан-тўғри ташқи алоқаларни мустақил равишда ўрнатиш имкониятидан амалда маҳрум қилинган эдилар, ташқи савдо соҳасида Марказ яккаҳокимлигининг қаттиқ тазйиқини доимо сезиб турардилар. Ҳамма валюта ҳисоб-китобларини фақат иттифоқ идоралари амалга оширар эдилар. Республика табиий, хом ашё ресурслари ва етиштирган маҳсулоти қаяққа кетишини, уни экспорт қилишдан тушган маблағ кимга тегишини билмасди. Айни вақтда хорижий техника ва технологияни, халқ истеъмол молларини етказиб бериш борасида батамом қарам эди.

Ўзининг халқаро обрў-эътиборини қозониш ва мустақамлаш, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзини қарор топтириш учун кўп ишларни қилиш, баъзида эса умуман бошидан бошлашга ҳам тўғри келади.

Қуйидаги асосий принциплар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига, уни амалга ошириш йўлларини белгилашга негиз қилиб олинган.

Биринчиси. Ўзининг миллий-давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш. Бизнинг мустақил давлатимиз бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсунуш учун мустақил бўлгани йўқ.

Иккинчиси. Республика одамлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий қадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш учун, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашади. Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиб қолади, тажовузкор ҳарбий блоklar ва уюшмаларга кириш нияти йўқ.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, ҳужум қилмаслик ҳақидаги, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан

воз кечиш тўғрисидаги Халқаро ҳужжатларни тан олади ва уларга оғишмай риоя қилади.

Учинчиси. Республиканинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қурилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида, бутун ташқи сиёсатда ҳам бизнинг шиоримиз — тенглар орасида тенг бўлиш, “катта оға”нинг қош-қовоғига қараб иш тутишдан узил-кесил ва абадул-абад халос бўлишдир.

Тўртинчиси. Мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик принципини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади.

Бешинчиси. Ўзининг миллий-ҳуқуқий тизимини вужудга келтираётган ёш мустақил Ўзбекистон ички миллий қонунларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олади. Бизнинг мустақил давлатимиз ўз қиёфасини йўқотмай, жаҳон ҳамжамиятига кирар экан, халқаро талабларга риоя қилишга тайёрдир.

Олтинчиси. Ўзбекистон тўла ишонч принциплари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юқорида айтиб ўтилган принципларга қатъий риоя қилади, уларни бойитиб ва кенгайтириб бориб, ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишларини қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этади.

Ўзбекистоннинг ғоят хилма-хил давлат, тарихий, иқтисодий, маданий, миллий ва диний анъаналари, манфаатлари дипломатиямизнинг устувор йўналишларини танлаб олишга таъсир ўтказмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил қилувчи мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик ғоясини қўллаб-қувватлади, унинг ташкилотчилари таркибига кирди, барча қатнашчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш кераклигини қаттиқ туриб ёқламоқда.

МДҲ таркибида ўз мақсадимизга, яъни чинакам мустақилликка тезроқ эришиш мумкин. Бунинг учун Ҳамдўстлик ўзининг номига тўла-тўқис мос келиши лозим. МДҲ давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг Тошкентдаги учрашуви Ҳамдўстликнинг келажаги борлигини кўрсатди. Мустақил давлатларнинг ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорликка, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш йўлларини биргаликда излашга, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга интилиши сақланиб қолинган.

Бир қарашда қанчалик ғайритабiiй бўлиб кўринмасин, айна тўлақонли давлат мустақиллиги ҳозирги куннинг ғоят мушкул вазифаларини биргаликда, ҳамкорликда ҳал этиш ва Ҳамдўстликни ривожлантиришдан иборат табiiй интилишни кучайтириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги иштирокини қуйидаги ҳолатлар белгилаб беради:

1. Янги мустақил республикалар илгари ягона давлатнинг таркибий қисмлари эди. Улар ҳам ҳудудий, ҳам жаҳон миқёсидаги сиёсий, ҳам ташкилий жиҳатдан бир бутун эдилар. Кўп йиллар мобайнида улар ўртасида таркиб топган муносабатлар ва алоқаларнинг кескин узилиши республикаларнинг ўзидагина эмас, шу билан бирга халқаро майдонда ҳам вазиятни чигаллаштиришга олиб келган бўлур эди.

2. Республика иқтисодиёти ягона транспорт ва энергетика тизимига эга бўлган собиқ умумиттифоқ иқтисодий макони доирасида шаклланди ва ривожланди. У бошқа минтақалар билан хўжалик алоқаларининг чамбарчас туғуни орқали боғланган бўлиб, улар юзасидан ўзаро ҳисоб-китоблар рубль маконида амалга оширилмоқда. Бу муносабатларни жаҳон хўжалик алоқалари билан тегишлича тўлдирмай узиб қўйиш (шундай алоқаларни ўрнатиш учун узоқ вақт талаб этилади) ишлаб чиқариш ҳажмларининг пассив кетишига, иқтисодий аҳволнинг ёмонлашувиغا, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашувиغا олиб келиши мумкин ва ҳозирдаёқ шунга олиб келмоқда.

3. Барча мустақил республикаларда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифоқ кўламида яқин қариндош-уруғчилик алоқаларига эга бўлган кўп миллатли аҳоли яшайди. Ҳамдўстлик доирасида чегараларнинг очиқлигини, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бориши ва ахборот узатиш эркинлигини сақлаб қолиш республикада фуқаролар ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш шарти, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

4. Ёш мустақил давлатлар ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабатларда ҳали етарлича обрў-эътиборга эга эмаслар. Уларнинг халқаро мақомини мустаҳкамлаш учун вақт зарур. МДҲга аъзолик хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишни заррача ҳам чекламайди, дипломатия соҳасидаги фаоллигимизга эса салмоқ қўшиши аниқ.

Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасида бошқа мустақил мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилаётганлиги туфайли қуйидагилар таъминланмоқда:

— Бирлашган Қуроли Кучлар орқали миллий мудофаани мувофиқлаштириш, миллий ҳудуд яхлитлигини ва давлат чегарасини ҳимоя қилиш;

— Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг фан-техника тараққиёти ютуқларидан, янгиликларидан, технологиялари, телекоммуникациялар, космик алоқа воситаларидан баҳраманд бўлиш, зарур хом ашё ва тайёр маҳсулотни, шу жумладан халқ истеъмол молларини жаҳон нархларидан паст нархларда сотиб олиш, шунингдек, ўз маҳсулотини сотиш учун кенг кўламдаги бозорнинг мавжудлиги;

— транспорт тармоғидан фойдаланиш, денгиз портларига чиқиш, хорижий мамлакатларга молларни транзит йўли билан етказиб беришда имкониятнинг кенглиги;

— кескин экология муаммоларини ҳал этиш чоратадбирларини биргаликда амалга ошириш, табиий офатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатишда ўзаро ёрдам бериш.

Ўзбекистон Ҳамдўстликдаги шериклари билан ўз муносабатларини кўп томонлама давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар доирасида ҳам, шунингдек тўғридан-тўғри икки томонлама мулоқотлар, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ўрнатиш асосида ҳам йўлга қўйиш ниятидадир.

Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан ўзаро муносабатларидаги энг муҳим масала — суверен Россия билан тенг ҳуқуқли алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлаш ҳамда унинг потенциалига таянишдир. Ўзимизнинг ички ва ташқи сиёсатимизни белгилар эканмиз, шуни ҳисобга олмаслик мумкин эмаски, 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистон билан Россия собиқ Иттифоқ таркибида бўлиб, ҳаётнинг барча соҳаларида, иқтисодиёт ва маданият соҳасида бири-бири билан чамбарчас боғланган бу алоқаларнинг илдизлари яна ҳам олисроқ ўтмишга бориб тақалади. Россиянинг Ўзбекистон ҳаётига, унинг тақдири ва келажакига реал таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳам-

корлигимизнинг аҳамияти етарли даражада катта эканлигини холисона эътироф этиш керак.

Оёққа мустаҳкам туриб олиш, иқтисодиётга жўшқин тус бериш, халқимиз ва ўлкамиздаги мавжуд имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш учун ижтимоий-сиёсий барқарорлик, чегараларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарур. Республика ичкарисидан куч-қудратимиз ишончли ва мустаҳкам бўлиши керак. Хонадонимизни авайлаб-асраш, мавжуд чегараларни сақлаб қолиш учун қудратли потенциалга эга бўлган Россия томонидан мадад ҳам зарур.

Иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, тангликдан чиқиш йўллари белилашда ҳам ўзаро таъсир боят катта. Ўзбекистоннинг иқтисодиётини соғломлаштириш учун Россиядан республикага ҳаётий муҳим ресурслар — металл, нефть, ёғоч ва тахта, транспорт воситалари, технология ускуналари ва бошқа моллар узлуксиз етказиб берилиши алоҳида аҳамиятга эга. Айни вақтда Ўзбекистон Россияга пахта толаси, кунжара, хом ипак, мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни етказиб бераётган асосий республикадир.

Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги Россия билан дўстликни сақлаб қолишни истаётганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Собиқ марказ билан эмас, балки айни Россия билан дўстликни сақлаб қолишни хошлашмоқда. Аслини олганда, Россия ҳам собиқ Иттифоқдаги бошқа республикалар каби мустақил эмас эди. У эндигина мустақил бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг тузилганлиги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришда қудратли омил бўлиб хизмат қиладди, ҳар иккала мустақил давлат халқларининг туб манфаатларига мос келади.

Мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон билан дўстона, қардошлиқ муносабатларини мустақкамлаш, улар билан қалин иқтисодий-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантириш илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг юят муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Ҳамкорликка интилиш шу минтақа мамлакатларига тарихан хосдир. Буни умумий чегараларгина эмас, балки аввало миллий маданиятларнинг, тил, урф-одатлар ва анъаналарнинг яқинлиги белгилаб берган.

Мазкур республикаларнинг иқтисодиёти ўзаро чамбарчас боғланган ва бир-бирига таъсир ўтказиб турган бўлиб, баб-баравар мушкул аҳволда қолган хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш ва мустақкамлаш зарурлиги яқин энергетика, транспорт, ирригация тармоқларидан, сув ва газ таъминоти тизимидан биргаликда фойдаланиш шарт-шароитидан ҳам келиб чиқади. Минерал-хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш соҳасида таркиб тошган ички минтақавий кооперация ҳам шуни тақозо этади.

Орол бўйидаги экология фалокати оқибатларини бартараф этиш, Орол денгизини қутқариш бўйича биргаликдаги чора-тадбирларни амалга ошириш минтақалараро ҳамкорлик доирасида алоҳида аҳамиятга эга. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мустақил давлатларининг самарали ҳамкорлиги чегарадош мамлакатлар, аввало мусулмон Шарқи мамлакатлари билан кўшма лойиҳаларни бирмунча муваффақиятли равишда рўёбга чиқаришга ҳам кўмаклашади.

Давлат мустақиллиги қарор топгандан кейин Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар руҳи, дини, урф-одатлари ва анъаналарига кўра яқин бўлган Осиёдаги мусулмон Шарқига мансуб мамла-

катлар билан бевосита мулоқот ўрнатиш имкониятини қўлга киритдилар.

Қондош-қардош мамлакатлар билан ҳамкорликни юқори давлат даражасида мустақкамлаш республиканинг ҳақиқатан ҳам тенг шерикчилик ва ўзаро ҳурмат принциплари асосида жаҳон хўжалик алоқалари тизимига киришига имкон беради. *Биринчи навбатда Осиё ва Тинч океани минтақасидаги мамлакатлар билан ташқи алоқаларни ўрнатишга интилишимиз худди шу билан белгиланади.*

Биз билан Туркия Жумҳурияти ўртасида айниқса яқин ва самарали муносабатлар таркиб топмоқда. Бу жумҳурият бизга амалий ёрдам бериш учун ҳозирдаёқ кўп иш қилди. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасидаги алоқаларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисидаги Шартнома, иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги Битим ҳамда бошқа аҳдлашувлар икки дўст давлат муносабатларида янги босқични очди. Туркиянинг тажрибаси, унинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўли, бизга ўхшаш этник-маданий шароитларда давлат билан дин ўртасида уйғун муносабатларга эришишдаги ютуқлари ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва давлат-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни белгилаш чоғида зўр қизиқишга моликдир. Ўзбекистон билан Туркия ўзаро манфаатдорликка асосланиб, газлама ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, турли фойдали қазилмаларни қидириш, қазиб олиш ва фойдаланиш, кичик ва ўртача корхоналарни куриш, кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, туризмни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш ниятидадирлар. Мунтазам ҳаво йўллари очиш, радио ва телевидение дастурларини ўзаро айирбошлаш муштарак маънавий илдизларга эга бўлган халқларнинг савдо-иқтисодий ва маданий соҳаларда самарали ҳамкорлик қилишларига, турмуш

тарзларини яхшироқ билиб олишларига хизмат қилади.

Ўзбекистон бошқа мусулмон давлатлари билан ҳам ўзаро муносабатларни — шу жумладан кўп томонлама асосда чуқурлаштиришга интилмоқда. Бу йўлда ҳам ҳозирдаёқ муайян силжишлар бор. Ўрта Осиёдаги мамлакатлар, Қозоғистон, Эрон, Покистон, Туркиянинг Ашгабат учрашуви яхши умид туғдирмоқда. Ана шу учрашув давомида Трансosiё темир йўл магистралини биргаликда қуриш тўғрисида аҳдлашувга эришилди. Бу лойиҳани амалга ошириш Ўзбекистоннинг Жаҳон океанига, халқаро савдо марказларига чиқиш йўлини очади, ташқи иқтисодий фаолият йўналишларини танлашда ҳаракат эркинлигини анча оширади.

Араб мамлакатлари билан, аввало Саудия Арабистони билан қалин алоқалар ўрнатиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Ўзбекистон халқи маданий ва диний меросдан баҳраманд бўлиш, савдо-сотиқ, туризмни ривожлантириш, кадрларни ўқитиш имконини олди.

Ўзбекистоннинг Осиёдаги Хитой ва Ҳиндистон каби буюк мамлакатлар билан ҳам муносабатлари самарали ривожланиб бормоқда. Ҳозирдаёқ савдо ва иқтисодий соҳалардаги битимлар имзоланди. Зарур ресурсларни, халқ истеъмоли молларини етказиб беришдан тортиб, меҳмонхоналар қуриш, соғлиқни сақлаш, дори-дармонлар ишлаб чиқариш, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий ҳамкорлик қилишгача кенг кўламдаги соҳалар ва тармоқларда жиддий ўзаро манфаатларнинг мавжудлиги шу муносабатларни чуқурлаштиришга кўмаклашади. Ўзбекистон билан Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни эркин алмаштириладиган валютани жалб қилмай, клиринг

асосида амалга ошириш мумкинлиги бу алоқаларнинг ўзига хос хусусиятидир.

Жануби-Шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйиш — Ўзбекистон ташқи сиёсатини кучайтиришнинг муҳим йўналишидир. Уларнинг иқтисодий янгилаш тажрибаси, ана шу давлатларнинг сармояларини ҳам техникавий қишлоқ хўжалик экинларини қайта ишлашга, ҳам саноатнинг илм-фанга асосланган тармоқларига жалб этиш республикамиз учун каттагина аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кўп томонламаллиги ва очиқлиги иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан мустаҳкам ўзаро фойдали муносабатларни ўрнатишга қаратилган ёндашувларни белгилаб беради. Бизнинг минтақамиз халқлари Оврупо маданий олами билан мана икки ярим минг йилдирки ўзаро алоқа қилади. Ҳозирги кунда Америка Қўшма Штатлари, Германия, Испания, Франция, Италия, бошқа етакчи давлатлар билан тенг ҳуқуқли ўзаро ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очилмоқда.

Ғарб олами билан ҳамкорлик қилиш замонавий технологиялар, инвестицияларни саноатнинг етакчи тармоқларига жалб қилиш, табиий хом ашёдан ҳар томонлама фойдаланиш йўлини очади. Етук мутахассислар, айниқса банк ва бошқарув соҳасида мутахассислар тайёрлашда, ахборот тармоқларини йўлга қўйишда, жаҳоннинг етакчи биржалари билан алоқалар ўрнатишда, хорижий қонунчилик тажрибасини ўрганишда кўмаклашиш муҳимдир.

Ўзбекистон Шарқий Оврупо мамлакатлари билан собиқ Иттифоқ доирасида шаклланган алоқаларни узиб ташламоқчи эмас. Республика улар томонидан технологик асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар, дори-дармонлар, озиқ-овқатлар ва бошқа товарлар етказиб берилишидан манфаатдордир. Шу

билан бирга биз пахта толамиз ва бошқа ресурсларимиз бу мамлакатларнинг иқтисодиёти учун қандай аҳамиятга эга эканлигини ҳам реал баҳолаймиз.

Иқтисодий омилар Ўзбекистоннинг ташқи сиеъатида муҳим ўрин тугади. *Бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни ташкил этишни чуқур ислоҳ қилишга тўғри келади.*

Республиканинг катта экспорт имкониятлари Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига чиқишини таъминлашнинг, халқаро ҳамжамиятда мавқеларнинг мустаҳкамланиши ва унинг миллий валютаси тан олинишининг муҳим омили ҳисобланади. Афсуски, бу қудратли имкониятлардан илгари асосан бутун собиқ Иттифоқ ва уни Маркази манфаатлари йўлида фойдаланилди, холос.

Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда устуворлик қуйидагиларга берилади:

— республиканинг экспорт имкониятларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш ҳамда импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни жадал ривожлантириш. Фурсати билан экспорт таркибини хом ашё ресурсларидан Ўзбекистон учун қулайроқ шаклларга: кишлоқ хўжалигининг қайта ишланган тайёр маҳсулотларини, енгил саноат ва кўп билим талаб қиладиган тармоқлар буюмларини экспорт қилиш томон чуқур қайта ўзгартиришни амалга ошириш керак бўлади. Таркибий қайта қуриш, аҳоли ҳаёт таъминотининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини ҳал этиш учун республиканинг валютага бўлган катта эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда дастлабки пайтларда пахта, тола, линт, пилла, рангли металллар, капролактама, карбамид ва бошқа маҳсулотлар асосий экспорт ресурслари сифатида сақланиб қолади;

— ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш бўйича аниқ мақсадни кўзлаган сиёсат юритиш, хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилишида катта эркинлик бериш, ўз маҳсулотларини чет элда сотиш, товарларни экспорт ва импорт қилишда имтиёзликроқ тартибни жорий этиш;

— имтиёзли бошқарув ва солиқ тартибини вужудга келтириш йўли билан экспорт ишлаб чиқариш соҳасида корхоналарнинг инвестиция ва инновация фаолиятини рағбатлантириш;

— хорижий инвестицияларнинг асосан тўғридан-тўғри капитал сармоялар кўринишида республика иқтисодиётига кенг жалб қилиниши учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа зарур шароитларни яратиш, қўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашиш, шунингдек инвесторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

— хорижий кредитлардан, экспорт қилишдан олинган валюта маблағларидан чет элдан ҳаёт учун муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ҳамда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишловчи, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш учун технологик асбоб-ускуналар сотиб олишда биринчи навбатда фойдаланиш;

— ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунларни яратиш. Чет эл инвестициялари, экспорт ва импорт учун солиқлар тўғрисидаги қонунларга амалиёт тақозо этган тузатишлар ўз вақтида киритилди, республиканинг валюта ишларини тартибга солиш тўғрисидаги, гаров ҳақидаги қонунларнинг, Божхона кодекси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари тайёрланди;

— дипломатия иши учун, шунингдек халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида, банк тизимида ва бошқа янги ташкил этилаётган тузил-

малар учун малакали мутахассислар тайёрлаш, Талабалар ва мутахассисларни чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларида, хорижий фирмалар, банклар ва компанияларда ўқитишни ҳамда малака оширишларини ташкил этишни кенгайтириш;

— халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар — Халқаро валюта фондига, Халқаро қайта тиклаш ва ривожлантириш банкига, Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлиш, Тарифлар ва Савдо бўйича Бош битим, Оврупо Иқтисодий Ҳамжамияти ва бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатишга доир ташкилий тадбирларни ўтказиш;

— ташқи иқтисодий фаолият тармоқлари мажмуини — ихтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмаларини, ташқи алоқаларни ривожлантириш манфаатлари ва шартларига жавоб берадиган транспорт, алоқа ва коммуникациялар тизимларини вужудга келтириш. Чет элларда ўз савдо ва ахборот ваколатхоналарини очиш;

— ўзимизнинг патент-лицензия ишлари тизимини йўлга қўйиш, республика фуқаролари ва юридик шахсларининг маънавий мулкани ҳимоя қилиш учун халқаро битимларга қўшилиш. Маҳсулотни стандартлаш ва сертификациялаш халқаро тизимига изчиллик билан ўтишни ташкил қилиш.

Мана шу йўналишларни рўёбга чиқариш Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кенг кўламда уйғунлаштириш учун иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

Ташқи алоқаларни ривожлантиришда, шунингдек, бир қанча ички ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда бизнинг ватандошларимиз катта ёрдам ва мадад бера олишлари мумкин. Чет эллардаги ўзбеклар хорижий савдо-саноат доираларининг намояндалари билан иқтисодий, маданий ва бошқа

муносабатларни йўлга қўйишда жонли боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Марказий Евроосиёнинг энг муҳим йўллари чорраҳасида бўлишини тарихнинг ўзи белгилаб қўйган. Бу эса “Буюк Ипак йўли” қабилидаги Евроосиё иқтисодий ва маданий кўпригини барпо этишни республика ташқи сиёсатининг стратегик истиқболи сифатида олға суриш имконини беради.

ИЖТИМОЙ ЖИҲАТДАН ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ҚУРИШ – МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ СИЁСАТИНИНГ НЕГИЗИ

Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат — Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир.

Бир неча ўн йиллар давомида республикада сценарийси узоқ Марказда тўқилган қарорлар амалга оширилди, “кампаниялар” ўтказилди. Ўзбекистоннинг чинакам манфаатлари, ўзига хос шароити ва имкониятлари писанд қилинмади. Натижада халқ хўжалигининг нуқсонли, бир томонлама хомашё тузилмаси шаклланди. Республика айрим хомашё турларини, ёқилғи, асбоб-ускуналар ва технологиянигина эмас, балки ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини, халқ истеъмоли молларини четдан келтиришга мажбурдир.

Мавжуд корхоналарнинг техникавий даражаси, чиқариладиган маҳсулот сифати ишлаб чиқаришни замонавий ташкил этиш талабларига, жаҳон рақобатининг қаттиқ талабларига мос келмаётир. Амалда барча соҳаларда технология асбоб-ускуналари жисмонан ишдан чиққан, маънавий эскирган ва янгилашни талаб қилади. Республиканинг табиий ресурсларига ва экологик муҳитига жуда катта ва кўп жиҳатдан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган даражада за-

рар етказилди. Бу ҳол, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келди.

Бунинг устига илгариги бир томонлама қарорларга кўра қабул қилинган қайта қуриш тажрибаси барбод бўлганлиги оқибатида Иттифоқнинг барча собиқ республиқалари узоқ иқтисодий инқирозга учради. Ёппасига пулнинг қадрсизланиши, турмушнинг қимматлашуви, бир вақтлар ягона бўлган молия, пул-кредит тизимининг барбод бўлиши, таркиб топган хўжалик алоқаларининг бузилиши Ўзбекистонни оғир аҳволга солиб қўйди. Ўз ички сиёсатимизни жуда ноқулай бошланғич шароитда қуришга тўғри келмоқда. Айни бир вақтда икки мураккаб масалани ҳал этиш — бир томондан, бозор иқтисодиётига ўтишда чуқур ислохотлар ўтказиш, иккинчи томондан, иқтисодиётни барқарорлаштириш, халқ фаровонлигининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Ўзбекистон ўтган йилларнинг оғир асоратини бартараф этиш, инқироздан чиқиб олиш, ўзининг иқтисодий мустақиллигига эришиш, ривожланган мамлакатлар қаторига кириш имконини берадиган старли имкониятларга эгадир.

Ички сиёсатнинг негизи — инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни рағбатлантириш кучли механизмига эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатдир.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, айрим мамлакатларда иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражаларидаги тафовутларга қарамай, жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги босқичига бозор иқтисодиёти жуда мос келади ва самарали ҳаракат қилади.

Фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера ола-

ди, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рафбатлантиришни ва йўқотилган хўжайинлик туйғусини қайта тиклайди.

Фақат бозоргина ишлаб чиқарувчининг ҳукми-ни синдириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчининг манфаатларига бўйсундириш, маҳсулотга бўлган талабни аниқ ҳисобга олиш, конъюнктура ўзгаришларига қараб тезликда иш тутиш имконини беради.

Фақат бозоргина тежамли хўжалик юритишнинг кучли оқилона жиҳатларини яратади, харажатларни камайтиради, талон-торож ва лапашангликка қарши курашади.

Фақат бозоргина янгиликларга сезгир қилади, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини дадил ва ғайрат билан жорий этади, ўз ишининг устасига, касб маҳоратига муносиб баҳо беради.

Лекин жаҳон тажрибаси бошқа томондан ҳам сабоқ беради. Бозор муносабатларининг шаклланиши ҳар қандай мамлакатда силлиқ ва осон кечавермаган. Бозор механизмларини идеаллаштириш катта янгилик бўлур эди. Акс ҳолда, илгарилари бўлганидек, янги афсоналар домига тушиб қолиш, яна ҳафсала пир бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига тик кўз билан, реал қараш керак. Бозор иқтисодиётининг фақат ижобий томонинигина эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билиш керак. Бозорга, айниқса унинг шаклланиш босқичида узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин табақалашуви, ҳуқуққа зид хаттиҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир. Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр ту-

риш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри ечимлар топа билиш керак.

Бозорга ўтиш муқаррар. Бу — давр амри, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуги ва воситасидир. Илғор мамлакатларнинг тажрибасига кўра, фақат бозор муносабатларигина халқ фаровонлиги, унинг турмуш даражаси ва равнақини ўстириш йўлида республика ишлаб чиқарувчи кучларидаги жуда катта имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаши мумкин. Вазифа шундан иборатки, ана шу жараённи юмшатиш учун уни аҳоли учун энг кам йўқотишлар билан амалга ошириш, ижтимоий ларзаларга йўл қўймаслик керак.

Ўзбекистоннинг ички иқтисодий сиёсати ҳам ўзимизнинг янгилашиш ва ижтимоий тараққиёт йўлимиз умумий принципларидан, ҳам ўзимизга хос хусусиятларимиздан келиб чиқади. Ўзимизга хос хусусиятлар деганда қуйидагилар назарда тутилади:

1. Реал таркиб топган иқтисодий вазият, кўпчилик оилаларнинг турмуш даражаси пастлиги туфайли республикада бозорга ўтишнинг “шок терапияси” йўли номақбулдир. У амалда “терапиясиз шок” бўлиб қайтади, яъни таркиб топган барча тузилмалар, меъёрлар, алоқалар тезда барбод бўлади, бошқача айтганда, батамом емирилади. Ташкилий, иқтисодий, молия-кредит тизимларини ўзгартириш, тегишли ҳуқуқий асосни, бозор тармоқлари мажмуини вужудга келтириш, кадрлар тайёрлаш учун вақт керак. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва қайта жиҳозлаш учун зарур бўлган технология вақти омилини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ва ниҳоят, эҳтиёж ва таклифнинг мутаносиблигига асосланган қонунлар кучга кирмас экан, қаттиқ ўрнашиб қолган тасав-

вурлар ва меъёрларни ўзгартиришга вақт керак бўлади.

Бозор иқтисодиёти сари *буюк сакрашлар*, инқилобий қайта ўзгаришлар *йўли билан эмас*, балки собитқадамлик ва изчиллик билан — *босқичма-босқич* ҳаракат қилиш керак. Бизнинг бозорга ўтишимиздаги ўзига хос хусусиятларимиз ана шундадир. Бир босқични тугатиб, зарур шарт-шароитлар яратиб бўлгандан кейингина янги босқичга ўтиш керак. Бунда ҳар бир босқичнинг ўз устуворликлари шаклланади. Уларни таъминлашнинг ўз механизми ишланади. Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар доирасига, ташқи омиллар қанчалик қулай бўлишига, аҳолининг меҳнат фаоллигига боғлиқдир.

Зарур шарт-шароитни яратмай туриб, одамларни жиддий ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, бозор муносабатларининг белгиларини ўта жадаллик билан, сунъий равишда ўтказиш кутилган натижаларни бермаслиги у ёқда турсин, ҳатто бозор иқтисодиётини қуриш гоёсига путур етказади.

Айни вақтда, иқтисодий ислохотни татбиқ этишда, етилган ечимларни қабул қилишда сусткашлик ва кечикишга йўл қўйиш шусиз ҳам иқтисоддаги ва ижтимоий соҳадаги ўта оғир аҳволни мураккаблаштиради.

Энг муҳими, ҳамма бозор муносабатларига *асосланган ривожланган жамиятни қуриш* — бу *узоқ мураккаб жараён* эканлигини, уни доимий равишда чуқур идрок қилиш ва зарур ҳолларда тузатишлар киритишни талаб қилишини англамоғи керак. Кишиларнинг тафаккурини, қотиб қолган тушунчаларни ўзгартириш айниқса муҳимдир. Фикрлашни қадам-бақадам ўзгартира бориб, амалда бошқа мамлакатларда юз йиллаб қурилган янги тизимнинг афзалликларига келамиз.

2. *Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим.* Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади. Давлат кишиларга, айниқса ёрдамга муҳтож бўлганларга, ижтимоий ночор қатламларга, етимлар, болалар, ўқувчилар, нафақахўрлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши керак.

Аҳолини ва, аввало, унинг ночор гуруҳларини ижтимоий муҳофаза қилиш қандай манбалар ҳисобидан таъминланиши мумкин? Миллий даромадни қайта тақсимлаш — давлат кўлидаги энг асосий манба ва воситадир. Тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг вужудга келган таркибига қараб қайта тақсимланадиган миллий даромаднинг улуши баъзида 30—50 фоизга етади. Ижтимоий-маданий соҳага, илм-фанга, техникавий тараққиёт ва мудофаага ҳам маблағлар мана шунинг ҳисобидан таъминланади.

Швеция, Германия, Австрия ва бошқа бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шунини кўрсатадики, кишиларни ижтимоий ҳимоялаш ва уни кафолатлашнинг кучли, таъсирчан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётига собитқадамлик билан ўтишни таъминлаш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш мумкин.

3. *Ички иқтисодий стратегия ҳар қандай сиёсий мафкура таъсиридан бутунлай холи бўлиши керак.* Ўтган йиллар иқтисодиёти ўта сиёсийлаштириб юборилган эди. Иқтисодий мақбулликдан сиёсий конъюнктуравий манфаатларнинг устун келиши собиқ Иттифоқ халқ хўжалигини парокандалик ёқасига, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг жиддий

бузилишига, ишлаб чиқаришнинг техника жиҳатидан қолоқлигига олиб келди. *Иқтисодиёт фақат унга хос бўлган ички қонуниятлар асосида ривожланмоғи даркор.* Бизнинг вазифамиз уларни яхши тушуниб етишдан ва ўз халқимиз манфаатлари йўлида моҳирона қўллашдан иборатдир. Шу билан бирга ҳозирги босқичда иқтисодий муаммоларни ҳал этишни асосий сиёсий мақсадга — мустақил демократик давлатни қарор топтиришга бўйсундириш ҳаётий муҳим ва объектив заруриятдир.

4. *Ички сиёсатнинг етакчи принципларидан бири ҳар бир кишининг, корхоналар, тармоқлар, минтақалар ва умуман давлатнинг манфаатларини монанд равишда уйғунлаштиришни таъминлашдан иборатдир.*

Инсонга муносиб ҳаёт шароити, унинг ўзини намоён қила олиши учун имкониятлар яратиш — иқтисодиётимизни ва бутун жамиятни ривожлантиришнинг олий мақсадидир.

Бу йўлни изчиллик билан ўтказишга ўтиш даврининг ҳар бир босқичида, унинг етилган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, айни шу паллада қайси манфаатлар устун келишини белгилаб олишни талаб қилади.

Бугунги кунда жамиятни янгилаш, эркин ишбилармонлик изига кўчириш вазифаларини ҳал этиш учун кучли мустақил давлат, унинг идоралари таркиби, ҳуқуқий асослари, мудофаа ва миқлий хавфсизлик тизимининг қарор топиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу босқичда давлат манфаатлари устун бўлиши керак. Фақат шундай қилингандагина ҳам ишбилармонларнинг манфаатларини, ҳам аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин.

5. Бозорга ўтилган сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгаради. *Давлат, унинг ҳокимият бошқарув тузилмалари тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига аралашшидан*

четда бўлиши керак. Бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солувчи механизмлари тобора катта роль ўйнайди. Давлатда фақат иқтисодий дастур ва рағбатлантириш вазифалари қолади.

Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш ҳаммага маълум дастурлар — молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нархларни назорат қилиш ҳамда билвосита таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади. Худди шу йўл билан ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва у учун зарур шароитлар яратиш мумкин.

Ўтиш даврида давлат халқ хўжалигининг, айниқса таркибий ҳал қилувчи тармоқларнинг ҳаётий қобилиятини қўллаб-қувватлаб нархларни тартибга солиш, имтиёзли солиқлар белгилаш, тўғридан-тўғри дотация бериш йўли билан реал ёрдам кўрсатади. Бозор хўжалигининг асосий талаблари ва шартларидан бири — эркин нархлардир. Аммо нарх сиёсати, айниқса ўтиш даврида, бозор тармоқларини қарор топтириш даврида мутлақо тартибга солиб турилмайдиган биронта ҳам давлат йўқ жаҳонда.

Давлатнинг бурчи таркиб топиб келаётган ишбилармонлик тузилмаларини қарор топтириш ва ривожлантиришга ёрдам кўрсатишдан иборат. Шу билан бирга давлат ўз тузилмалари орқали қаттиқ ислохот ишларини амалга оширади, таркиб топган психологик ва бюрократик тўсиқларни йўқ қилади, бозор механизмини жорий этишга ундайди.

Бозор муносабатлари йўлига кирган кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси давлат ҳар доим аҳолини ҳам, ишбилармонларни ҳам ислохотларга тайёрлаб келганлигидан далолат беради. Давлат уларни янги-часига яшашга маълум равишда ундаган ва рағбатлантирган. Шунинг ўзи билан бозорга тезроқ ва бозор киришга ёрдам берган.

Ички тузилмалар билан боғлиқ сиёсатни мақсадга мувофиқ амалга оширишда давлатнинг роли айниқса каттадир. Бу халқ хўжалигининг устувор соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш учун имтиёзли шароит яратишгина эмас, балки марказлашган маблағларни янги истиқболли ишлаб чиқариш қурилишларига йўналтириш ҳамдир.

Давлат ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бевосита иқтисодиётнинг давлат сектори орқали ҳам таъсир кўрсатади. Истиқболда унинг ҳиссаси жиддий равишда қисқаради. Давлат ихтиёрида фақат халқ хўжалигининг асосий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқлари қолади. Булар ёқилғи, нефть ва газ саноати, электр энергетикаси, йўллар, темир йўл, ҳаво ва трубопровод транспорти, алоқа, сув ва газ таъминоти, ирригация иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланишдир.

6. *Республиканинг барча фуқаролари ва юридик шахсларига ташаббус кўрсатиш ва ишбилармонликни ривожлантириш учун, хўжалик фаолиятининг қонун томонидан ман этилмаган барча турларини амалга ошириш учун тенг имкониятлар яратиш.* Монополияга қарши фаол сиёсат ўтказиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, меҳнатни рағбатлантириш механизмининг яратиш ана шунга ёрдам бериши керак. Кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий ислоҳот халқ хўжалигининг барча соҳаларида баб-баравар тез амалга ошмайди. Ўзбекистон учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини ажратиб олиш зарурдир, чунки уларни амалга ошириш республикани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради.

Биринчидан, кишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган саноатда қайта ишлаш тармоқлари устувор даражада ривожлантирилади. Иқтисодиётнинг аграр

секторини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш Ўзбекистоннинг бозорга ўтишдаги бутун стратегиясини ҳал қилувчи бўғиндир. Бу қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ролидан келиб чиқади. Аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Миллий даромаднинг 44 фоизидан кўпроғи бугунги кунда қишлоқ хўжалигидан олинади. Қишлоқ хўжалиги республика ҳаётини таъминлашнинг асоси, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш учун, шунингдек, экспорт ресурслари ва валюта тушумларининг энг муҳим манбаларидандир.

Бугунги кунда қишлоққа ўзининг асл кадр-қимматини қайтармоқ зарур. Қишлоқ хўжалиги қайта туғилиши керак. Қишлоқ меҳнаткашларига ишонч бағишлаш керак. Ўзбекистон барча аҳолисининг турмуш даражаси қишлоқ аҳолисининг фаровонлигига, уларнинг меҳнат шижоатига боғлиқ. Деҳқон тўқ бўлса, бутун республика ҳам бадавлат бўлади.

Республиканинг бутун аграр сиёсатида ерга эгаллик қилиш ҳақидаги масала айниқса муҳимдир. Бизнинг деҳқончилигимизнинг хусусияти шундаки, экин майдонларининг катта қисми, техника экинлари майдонининг аслида ҳаммаси — бу қудратли давлат ирригация тизими хизмат кўрсатадиган суғориладиган ерлардир. Республика аҳолиси зич яшайди, ер ёки сув бугуннинг ўзида етишмаяпти. Келажақда, аҳоли тез кўпайиб бораётган шароитда бу муаммо айниқса кескинлашади.

Ерни товарга айлантириш аҳолининг ҳаётий таянчларини кўпоради, ер участкалари билан чайқовчилик қилишни келтириб чиқаради, деҳқонни эртанги кунга ишончдан маҳрум қилади. Хусусий мулк бўлган ерга эгаллик қилиш учун асрлар мобайнида ҳукм суриб келган аёвсиз кураш халққа беҳад қийинчиликлар келтиргани яхши маълум. Ҳозирги бос-

қичда ерга давлат эгалигини сақлаб қолиш, уни талон-торож қилишга йўл қўймаслик керак. Бу суғориш тизимига ҳам тааллуқлидир.

Қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, деҳқонда ернинг эгаси эканлиги туйғусини қайта тиклаш — мерос қила олиш ҳуқуқи асосида ерни абадий фойдаланиш учун бериш йўлидан бориш керак. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигини юритишнинг шундай механизмини яратиш керакки, бу ҳар бир деҳқонга ўз меҳнатининг самараларидан мустақил баҳраманд бўлиш имкониятини берсин. Ана шундагина деҳқон ўзини ҳақиқатдан ҳам ернинг чинакам эгаси деб билади.

Қишлоқни қайта ўзгартириш демократик тарзда амалга оширилади. Деҳқон қалбига яқин ва тушунарли бўлган меҳнатни ташкил этиш шаклларини тиклаш зарур. Шарқда одамлар асрлар давомида жамоа-жамоа бўлиб яшашган ва меҳнат қилишган. Аграр ислохотнинг дастлабки босқичида қишлоқда ишлаб чиқаришнинг том маънодаги кооператив шаклларини қайта тиклаш вазифаси қўйилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ёппасига давлат тасарруфидан чиқаришдан воз кечиш бизнинг қатъий позициямиздир.

Биринчи навбатда, зарар келтирадиган давлат хўжаликларини (совхозларни) жамоа хўжаликларига (колхозларга) айлантириш устувор йўналишдир. Кейинчалик жамоа хўжаликларининг ўзлари ҳам йирик кооператив хўжаликларга айланади ва уларнинг асосини деҳқон (фермер) хўжаликлари, кичик корхоналар, катта бўлмаган кооперативлар, оилавий пудрат ва ижара жамоалари ташкил этади. Жамоа хўжалиги бошқаруви ва деҳқон хўжаликлари ўртасида шартнома муносабатлари бўлиши керак. Жамоа хўжалиги уларнинг ривожланишини рағбатлантирмоғи лозим. Унинг асосий вазифаси турли хил хизматларни

ташқил этишдан, зарур техника, минерал ўғитлар, уруғлик жамғармаси билан таъминлашдан, ерларнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга оширишдан, ирригация ишларини йўлга қўйишдан иборат бўлиши лозим.

Етарлича самара бермаётган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаб қолаётган ерларни деҳқон (фермер) хўжалиklarини ташқил этишга, шахсий томорқа участкаларини кенгайтиришга бериш йўли бундан кейин ҳам давом эттирилади. Кейинги йилларда 2,5 миллион оила биринчи марта ер участкалари олдилар ва ўз ер участкаларини кенгайтirdилар. Олинган ерларнинг умумий майдони эса 550 минг гектардан ошиб кетди. (Маълумот учун: 1990 йил 1 январда унинг ҳажми ҳаммаси бўлиб 205 минг гектарни ташқил қиларди.) Томорқа участкаларининг ўртача ҳажми 20 сотихдан ошди. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, меҳнат талаб этадиган янги соҳаларни ташқил этиш ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш имконини берди. Шахсий томорқалар ҳажмини янада кенгайтириш ва уларни 0,25 гектарга етказиш назарда тутилмоқда.

Аграр сиёсатнинг асоси — давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўғридан-тўғри бошқариб боришидан воз кечишдир. Хўжаликлар, деҳқонларнинг ўзи экин майдонлари тузилмасини белгилашлари керак. Мажбурий маҳсулот етказиб беришлар улушини камайтириш йўли изчил давом эттирилади. Деҳқон маҳсулотларни тобора кўпроқ ўз хоҳишича, эркин (шартнома) нархлари бўйича сотиши мумкин бўлади.

Умумдавлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулотларга адолатли чегараланган харид нархлари белгилаш муҳим рағбатлантирувчи омил ҳисобланади. Кейинги икки йил ичида амалда қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларининг барча турларига харид нархлари жиддий равишда оширилди. Фақат пахта-нинг харид нархи 6 баравар ошди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини саноат маҳсулотлари нархига мувофиқ келтириш юзасидан бошқа тадбирларни ҳам амалга ошириш мўлжалланган. Қишлоқ билан саноат ўртасидаги мувозанатни тиклаш фурсати етди.

Иқтисодий тартибга солиш билан бир қаторда давлат солиқлардан озод қилиш, мақсадли дотациялар орқали ҳам қишлоқ хўжалигига тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатади. Бутун дунёда қишлоққа дотация бериш мавжуддир.

Қишлоқ таркибини тубдан қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Хўжаликлар хом ашёни эмас, балки пахта толаси, уруғлик, қайта ишланган бошқа маҳсулотларни сотишлари керак. Бу меҳнат натижаларидан тўлароқ фойдаланиш, олинган даромадни адолатли тақсимлаш имконини беради. Қишлоқда, биринчи навбатда, ишчи кучлари ортиқча бўлган жойларда кичик мустақил корхоналарнинг кенг тармоқли қайта ишлаш шохобчаларини ташкил этиш зарурдир.

Қишлоқ турмуш даражасини шаҳар турмуш даражасига қадар кўтариш бутун аграр сиёсатнинг жуда муҳим вазифасидир. Қишлоқларимиздаги ижтимоий аҳволни яхшилаш, уларни сув ва газ билан таъминлаш дастурларини рўёбга чиқариш — бу сиёсий мазмунга эга бўлган давлат аҳамиятига молик вазифадир.

Иккинчидан, бозор таркибини шакллантиришга ва уни изчил ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ишончли кафолатлашни таъминлайдиган ҳуқуқий асосчи шакллантириш биринчи даражали вазифадир. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ўзини оқламаган лаёқатсиз

томонларидан воз кечмоқ даркор. Уларни бозор муносабатлари механизмининг самарали ва амалий жиҳатлари билан алмаштирмоқ лозим.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кенг тармоқли инфраструктурасини ташкил этишни талаб қилади. Авваламбор, банк-кредит тизимини мустаҳкамлаш, бериладиган кредитлар турларини ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда банкларнинг иштирок этишини кенгайтириш зарурдир. Шартнома тизимини янада кенгайтириш, биржа фаолиятини такомиллаштириш, тижорат марказлари, савдо уйлари, воситачилик фирмалари ва бошқаларнинг ишини ташкил этишни яхшилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Суғурта ва аудиторлик хизматларининг, юридик ва консалтинг ташкилотларининг, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга қобилиятли бўлган мутахассислар тайёрлайдиган ҳар хил марказлар ишини фаоллаштириш бозор шароитларида тадбиркорларнинг барқарор ишлашига кўмаклашади.

Солиқ тизими ҳам бозор инфраструктурасининг таркибий қисми ҳисобланади. Уни ҳали чинакамига ташкил этишга тўғри келади. Солиқ хизмати фақат солиқ тўплаш идорасигина бўлиб қолмасдан, балки тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилинишида кўмаклашиши керак.

Монополияга қарши кураш чораларини кўриш, маҳсулот етиштирувчининг истеъмолчи устидан ҳукмронлик қилишига барҳам бериш иқтисодиётнинг самарали ривожланишига, бозорнинг товарлар ва хизматлар билан тўлиши вазифасига жавоб беради. Айрим корхоналар ва тижорат тузилмаларининг яккахонлик мавқеини тугатиш нархларнинг сунъий равишда ошириб юборилиши, монопол юқори да-

ромадлар олинишига қарши турувчи соғлом рақобат муҳитини шакллантириш имконини беради.

Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим ўрин тутishi керак. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини меҳнат жамоаларининг манфаатларини ҳисобга олган, ижтимоий адолат принципларига риоя қилган ҳолда, давлат ва жамоатчиликнинг қаттиқ назорати остида, тасдиқланган махсус дастурлар асосида аста-секин амалга ошириш назарда тутилмоқда. Биринчи навбатда зарар кўриб ишловчи корхоналар, уй-жой фонди, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ва ташкилотлари, савдо, умумий овқатланиш, маҳаллий саноат хусусийлаштирилиши керак. Бошқа тармоқлардаги корхоналарни хусусийлаштириш жараёни устун даражада ижарага бериш, акциялаштириш, корхоналарнинг жамoa мулки шаклига ўтиши принциплари асосида амалга оширилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишдан олдин чуқур таҳлилий изланишларни бажариш, шу йўлни босиб ўтган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш лозим. Афсуски, ҳатто мутахассисларда ҳам хусусийлаштириш жараёнининг ўзиёқ ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, юқори даромад олишга олиб келади, деган тасаввур ҳосил бўлган. Амалиёт билан биринчи марта дуч келишдаёқ бундай тасаввур барбод бўлади. Одатда, зарар кўриб ишлайдиган корхоналар техника билан дуруст жиҳозланмаган бўлиб, буюртмалар мажмуи йўқ ва ҳатто хусусийлаштирилгандан кейин ҳам улар илғор технология билан қуролланган, мустаҳкам хўжалик алоқаларига ва барқарор молиявий мавқега эга бўлган корхоналар билан рақобат қилишга қодир эмас.

Бошқа бир нарсани ҳам эътиборга олиш муҳим — ўзгариб турадиган бозор иқтисодиётини яхши биладиган, маркетинг, менежмент, молия ва кредит масалаларини тушунадиган, тайёргарлик кўрган менежер, ишбилармон кадрларга эга бўлмай туриб ўйламай-нетмай корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, малакасиз кўлларга топшириш, уларни барбод бўлиш хавфи остида қолдириш мумкин эмас. Шу боисдан хусусийлаштириш ҳам ёппасига коллективлаштириш сингари кампаниябозлик, бирон-бир ишлаб чиқариш турини ким тезроқ хусусийлаштиради қабилдаги мусобақа йўли билан ўтказилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш билан боғлиқ ҳолда изчил ва ҳар томонлама ёндашувни талаб қилади.

Кичик тадбиркорликнинг янги иш жойлари ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарлар билан таъминлаш, бозор конъюнктурасининг ўзгаришига тезда мослаша олиши имкониятини ҳисобга олиб, турлича мулк шаклларидаги унча катта бўлмаган корхоналарни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади.

Учинчидан, иқтисодиёт барқарор мавжуд бўлган шароитдагина бозорга муваффақиятли ўтиш мумкин. Вужудга келган вазият тангликни баргараф этиш учун шошилиш, баъзан нооммабон чора-тадбирлар кўришни, ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайиб кетишининг олдини олишни, пулнинг қадрсизланишини тўхтатишни, аҳоли турмуш даражасининг кескин ёмонлашиб кетишига йўл қўймасликни талаб қилади.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бу бозорни шакллантириш йўлидаги зарурий ва муқаррар босқичдир. Уни таъминлаш учун қуйидагилар зарурдир:

— Республика бюджети тақчиллигини чеклашга ва уни изчил равишда энг кам даражага келтиришга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсат олиб бориш. Бошқарув аппаратини кескин камайтириш, зарар кўриб ишловчи корхоналарга дотациялар беришда давлат маблағлари сарфланишини янада қисқартириш. Бюджет маблағлари кечиктириб бўлмайдиган энг зарур давлат ва ижтимоий эҳтиёжларга берилиши керак. Солиқ сиёсатининг вазифаси — бир томондан, бюджет даромадларининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан — корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат;

— кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустақамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш. Банкларнинг кредитлари халқ истеъмоли моллари, бинокорлик материаллари ва бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш шарти билан берилади. Шу билан бирга асоссиз кредит эмиссиясига йўл қўймаслик қатъий тўтилган йўлдир. Нақд тўлов маблағлари муомаласини тартибга солиш ҳам пул муомаласининг соғломлашишга кўмаклашади. Бир вақтнинг ўзида ўзимизнинг миллий валютамизни жорий этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилади. Миллий валюта биринчи босқичда товар массаси билан ишончли равишда мустақамланган, дунё валютаси билан боғланган ва қафолат топган ҳолда республикада алмаштириладиган бўлади;

— ишлаб чиқаришнинг ниҳоят даражада пасайиб кетишига, оммавий ишсизликка йўл қўймаслик. Ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш учун шароитлар яратиш зарурдир. Республиканинг ишлаб чиқариш, қурилиш ва илмий имкониятларини сақлаб қолиш муҳимдир;

— эркин нархларга ўтилишидан иборат умумий йўлда товарларнинг алоҳида муҳим турлари тор доираси нархларининг давлат томонидан назоратга олиниши сақланиб қолади. Энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, болаларга мўлжалланган бир қанча буюмларнинг чегараланган нархлари, норма билан бериш ҳисобига улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, товарларни сотиб олишда аҳолига катта имкониятлар бериш манфаатларига хизмат қилади;

— пулнинг қадрсизланишига қарши амалий чора-тадбирлар кўриш, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини давлат йўли билан ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини яратиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва санъат ходимларининг моддий аҳолини мустаҳкамлаш.

Тўртинчидан, Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама — хом ашёвий йўналишига қатъий барҳам бериш республика ички сиёсатининг энг муҳим стратегияси ҳисобланади. Фақат хом ашё етиштирувчи ва сотувчи ўлка сурункали ночорликка гирифтор бўлади. Асосий вазифа — халқ хўжалигини чуқур таркибий қайта қуришни амалга оширишдир. Барча ресурсларимизни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконини берувчи тузилмани вужудга келтириш бизнинг мақсадимиздир.

Республика иқтисодиётини таркибий қайта қуриш юзасидан ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар куйидаги вазифаларни ҳал этишга бўйсундирилгандир:

— республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, талаб катта бўлган товарларга, айниқса болалар ва катта ёшдагиларга мўлжалланган товарларга бўлган биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлаш;

— ўз ишлаб чиқаришимизнинг МДХнинг бошқа республикаларидан ва импорт бўйича келтириладиган хом ашё, ёқилғи, комплектловчи буюмлар, технологик асбоб-ускуналарга, шунингдек, республика ўзи ишлаб чиқаришга қодир бўлган тайёр маҳсулотларга қарамликни камайтириш;

— тез ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини, биринчи навбатда, ёшларни иш билан оқилона таъминлаш, халқнинг тарихий анъаналари ва кўникмаларига, техника тараққиётининг замонавий талабларига жавоб берувчи иш жойларини ташкил этиш;

— қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқурроқ қайта ишлаш, рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган технологик циклнинг тугалланганлиги даражасини ошириш;

— илғор технологияларга, ишлаб чиқаришнинг замонавий тузилмаларига қатъий ўтиш минерал ресурсларни комплекс қайта ишлаш ва кўп билим талаб қиладиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича тармоқлар тизимини шакллантиришни талаб қилади;

— қишлоқ хўжалиги машинасозлигини деҳқон (фермер) ва томорқа хўжаликлари, чорвачилик ҳамда озик-овқат экинларини қайта ишлаш учун техника ва кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш;

— республиканинг экспорт имкониятларини кучайтириш, унинг валюта билан тўлаш қобилиятини мустаҳкамлаш.

Халқ хўжалигининг хом ашёвий йўналишини баргараф этиш республика иқтисодиётининг барқарор ва жўшқин ривожланишини таъминлаш имконини беради, иш билан таъминланмаган ишчи кучларини ишлаб чиқаришга жалб этишга, кадрларнинг

касб-корлик савиясини оширишга, маҳсулотларни келтириш ва четга чиқаришни мутаносиблаштиришга қўмаклашади, энг асосийси — Ўзбекистоннинг мустақиллиги, унинг халқи турмуш даражасининг ўсиши учун ишончли кафолатлар яратади.

Бешинчидан, бозорнинг ўзгарувчан шароитларида меҳнат қилишга лаёқатли бўлган ўзимизнинг юқори малакали маҳаллий кадрларимизсиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини тасаввур қилиш қийин. Нафақат умумий маълумот ва тарбияни, балки кадрларнинг касб-корга йўналиш олишини, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ўз ичига олувчи ягона узлуксиз миллий таълим тизимини яратиш вазифаси қўйилмоқда. Бунда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, халқнинг миллий-руҳий турмуш тарзи, таълимдаги бутун жаҳон ва Шарқ тажрибасининг энг яхши ютуқлари ҳар томонлама эътиборга олинishi керак. Олий ва ўрта махсус таълимнинг бутун тизимини тубдан қайта қуриш, талабалар ўқийдиган мутахассисликлар таркибини жиддий ўзгартиш керак бўлади. Ўқув юрталарининг янги шакллари — гимназиялар, лицейлар, коллежлар ривожланади. Малакали ишчи кадрлар тайёрлаш тизими янги хусусиятларга эга бўлади. Иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув, илмий марказлари ва фирмаларига ўқишга ва стажировкага юборишга муҳим аҳамият берилади.

Замонавий бозорга ўтишга доир мўлжалланган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, унинг янги индустриал мамлакатлар сафига қўшилишида чуқур сифат ўзгаришларига олиб келади ҳамда Ўзбекистон иқтисодий, сиёсий ва маънавий мустақиллигининг ишончли кафолатларини беради.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ НЕГИЗЛАРИ

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.

Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди — маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ туширолмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир.

Ўзбекистон Шарқ маданиятининг энг яхши анъаналари йўлидан бориб, меҳмондўстлик ва аҳил дўстлик эшигини кенг очди, бадарға қилинганлар, ватанидан жудо бўлганлар, урушлар ва таъқибларнинг қурбонлари ҳар доим Ўзбекистонда бошпана топганлар, халқимизнинг меҳрибонлигидан баҳраманд бўлганлар. “Сен етим эмассан” — Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек қалбидан ота-онасидан ва киндик қони тўкилган хонадонидан жудо бўлган болаларга қарата ана шу юрак сўзлари янгради. Ўша кезларда халқ шоири Фафур Фулом куйидаги дардли сўзларини ёзган эди:

*Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим,
Куюшдай меҳрибон
Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш, мушфиқ,
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор — отанг бор*

Хонадонимиз бошига ташвиш тушганда ва 1966 йил зилзиласи Тошкентни вайрон этганда уни қайта тиклашда ўзбекистонликларга қардош халқлар ёрдамга келдилар. Ўзбекистон 120 дан ортиқ халқ вакиллари учун ўз уйидек бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам улар ўзбек халқига азиздир. Ҳозирги мураккаб вақтда ҳам ана шуларнинг ҳаммаси муқаддас хотира сифатида сақланиб, бизни Тарих ва Абадият олдида янада донороқ ва янада инсонийроқ қилмоқда.

Диёримиз кишилари қадим замонлардан ўзларига маълум бўлган Инсоният билан ҳамфикр бўлиб келдилар, яқиндан алоқа боғлаб яшадилар. Бунга кўпданкўп мисоллар бор. Осиёнинг қаъридан Яқин Шарққа, Оврулога ва Африкага олиб борадиган Буюк Ипак йўли, бутун маданий оламга таъиқли олимлар ва мутафаккирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз,

Хива сингари давлатлар ва шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуғ аждодларимизнинг ижодиёти ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирмоқда. Бизнинг халқимиз авлоддан-авлодга, аждодлар заминига чуқур меҳр қўйиб, ҳар доим яқин ва узоқ халқлар тақдирига бефарқ қарамаган. Янги замонда, бизнинг кунларда эса пойтахтимиз Тошкент энг муҳим давлатлараро мулоқотлар ўтказиладиган жой бўлиб қолди, мамлакатлар ва халқларнинг ярашишига ёрдам берди. Жамоат арбоблари ва ёзувчиларнинг халқаро Тошкент учрашуви, фестиваллар ва илмий анжуманлар ҳар доим дўстлик ва маданиятнинг ёрқин тимсоли бўлиб қолади.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги, унинг дунё кўз ўнгидаги очиқлиги шундай бир серунум тупроқки, бизнинг маънавий имкониятларимиз унда тобора тезроқ унади, давлатларгина эмас, балки жамоатчиликнинг ҳам муттасил кенгайиб бораётган халқаро алоқаларига суянади. Бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқда. *Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизнинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими — инсонларга керакли қадриятларимиз барпо этилади.*

Инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий-давлатчилик манфаатларига, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари бизнинг жамиятимизда қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, унинг ахлоқий тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан ҳам мустаҳкамланади.

Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний во-

ситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади. У ёки бу ғоялар ёхуд муайян кучлар манфаати учун инсон қонини тўкишга, одамлар ўз фарзандлари ҳаётидан хавотирланиб яшашига йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекистон ер юзининг ҳамма минтақаларидаги барча қарама-қарши кучларни тинчликка даъват этиб келган ва ҳозир ҳам шунга даъват қилмоқда. Шунини эсда тутайликки, инсонларнинг ҳалок бўлиши энг эзгу ва ажойиб интилишларга хос бўлган инсонпарварлик мақсадларини қадрсизлантиради.

Бугун дунё ягона ва ўзаро боғлиқдир. Бизнинг муштарақ бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдиришдир. Ўзбекистон энг оғир қийинчиликларга дуч келди. Ўрта Осиё минтақасининг сув ресурслари тугаш олдида. Оролнинг экологик ҳалокати жаҳон миқёсидаги фожиа деб ташвиш билан эътироф этилмоқда. Бу фожиани Ўзбекистон ва унинг қондош-қардош қўшнилари якка ҳолда даф этолмайдилар.

Яшаш муҳити, табиат ва маънавийт экологияси бир-биридан ажралмасдир. Бизнинг ота-боболаримиз кишилар билан учрашганда ёки хайрлашганда, аввало, чин юракдан мустаҳкам саломатлик тилашган. Сиҳат-саломат бўлишнинг анъанавий қадрини қайта тиклаш ва оила қадри билан шарафли бир ўринга қўйиш керак. Бизнинг заминимиз баҳодирлар ва ҳимоячиларимиз бўлган полвонлар ва ботирларга азалдан бой ва уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда. Бугунги кунда ҳамма жойда спортнинг миллий турлари қайта тикланмоқда. Ўзбекистон халқаро спорт ҳамжамиятида дадиллик билан ўзини кўрсатмоқда. Биз Тошкентда ёшлик ва саломатликнинг, тинчликнинг абадий ва улуғ тимсоли бўлган Олимпия ўйинларини ўтказишга тайёرمىз.

Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшлиқдан, оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак. Шуниси муҳимки, одамлар сўзда эмас, балки амалда ўз саломатлигининг қадрига етиб, уни миллий бойлик сифатида авайлаб-асрасинлар.

Мустақил давлатда, тинчлик ва осойишталикда, гоёвий чалкашликлар ва “темир парда”дан халос бўлиб, биз умумбашарий қадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонпарварлиги чашмаларидан қадамбақадам баҳраманд бўлмоқдамиз. Айни шу ҳол тараққиёт йўлидан дадил боришимиз ва бутун Инсоният билан бирлигимизнинг энг мустаҳкам қафолатидир.

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайд.

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қардош қилади. Уларнинг тақдирини ўза-

ро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавийтимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У — инсон учун бутун бир Олам.

Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик — маънавиятнинг маъноси ана шундай жуда кенг. Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандagina, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандagina маънавият билан туташади. Бизнинг одамларимиз Ватандан узоқлашганда жуда изтироб чекадилар, чунки уларнинг маънавият чашмаси гўё узоқлашиб кетгандек бўлади. Шунинг учун ҳам халқ Ватандан йироқликни оғир қабул қилади, чунки унда ҳар бир қадрдон киши учун қайғурадиган умумий қалб бор.

Маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди. Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа

бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир.

Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради.

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир оилага етиб бориши учун оиланинг моддий таъминланганлигидан қатъи назар қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас.

Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлилиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади.

Бизнинг давлатимиз мутахассислар тайёрлашнинг илғор жаҳон тажрибасини кенг жалб этади. Ва, энг аввало, бевосита Ўзбекистоннинг ўзида юқори си-

фатли таълим учун шароитлар яратади. X — XII ва XIV — XVI асрларда Мовароуннаҳр маданияти гуллаб-яшнаган даврда бу ердаги кўплаб шаҳарларда олий ўқув юртлари бўлиб, илмий марказлар ҳисобланар эди. Ҳозирги вақтда бу қутлуғ анъана тикланмоқда. Бизнинг халқимизнинг доимий фазилати бўлган ҳақиқатни билиш йўлидаги саботни фан, техника, технология, бошқарув ва информатикада эришилган жаҳон ютуқларини ўзлаштиришга йўналтириш керак бўлади. Фақат ана ўшандагина Ўзбекистон ўзининг барча бойликларининг чинакам эгаси ва ҳақиқий маданий давлат бўлади.

Инсоннинг ўзи ва ўз оиласининг бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятларини ташкил этади. Бизнинг кўламли ижтимоий-иқтисодий ниятларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлигидан келиб чиқади. Ҳар бир фуқаронинг мустақил давлат билан мағрурланиши унинг ўз давлатининг мустақамланиши ва гуллаб-яшнаши учун шахсий ҳисса қўшишга тайёрлигидандир. Фақат мана шундагина фуқаро давлатнинг ишончли таянчига айланади.

Шахс имкониятлари бизда жуда чуқур ирсий асосларга эгадир. Республикамизда жаҳон фани ва техникаси, фалсафа ва ҳуқуқ ютуқларини эгаллаб олган ва шу билан бирга ўз халқига яқинликни сақлаб қолган кишилар жуда кўпдир. Бундай кишилар Ўзбекистоннинг XXI аср сари ташлаган қадамида бизларнинг кашшофларимиздир. Айнан ўшалар жамиятнинг энг ташаббускор негизини ташкил этади, бутун халққа ижобий таъсир кўрсатади, унинг ўз кучига ишонч бахш этади.

Ўтказилаётган ислоҳотлар республика фуқароларининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ва фидойилигини намоён этишда уларга янги имкониятлар очиб беради. Тобора кўпроқ кишилар иқтисо-

дий мустақиллик кўрсатмоқдалар, ўз кучлари, қобилиятлари ва билимларини фойдали суратда қўллаш йўлларини изламоқдалар. Ўз-ўзини ривожлантиришга, ўзини камол топтиришга бўлган интилиш инсоннинг гурурини, унинг ҳақиқий фазилатларини юксалтиради. Ҳар бир инсон ўзича такрорланмасдир. Жамият бу ўзига хосликни қўллаб-қувватлаб, сақлаб қолади, уни маданиятнинг янада баландроқ даражасига кўтарувчи янги фазилатларини мисқолаб йиғади ва унга эга бўлади.

Каттаю кичик барча ҳаётий муаммоларни ҳал этишда пухталиқ, мулоҳазалиқ бизнинг кишиларимизга хос хусусиятлардир. Бу — воҳалар ва чўлу саҳролар, Осиё маданий дунёси ишлаб чиқариш усулининг тажрибаси, Ислом фалсафаси, кўп миллатли жамият тажрибаси ва унга ташқаридан келтирилган инқилоблар тажрибасидир. Уларнинг барчаси кишиларга, янгиликка юз бураётганда аввал қўлга киритилганларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш имконини беради. Дастлаб янгини қуриш, уни амалда синаб кўриш, сўнгра эса эскини барбод қилмасдан синаб кўрилганларни янгича қўллаш лозимдир.

Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги — бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жиқслаштирувчи асоси ҳисобланади.

Халқнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари, унинг озодликка ва бахт-саодатга интилиши ҳар бир ўзбекистонлик учун муқаддас мазмун касб этаётган мус-

тақил Ўзбекистоннинг янги давлат рамзларида ўз ифодасини топтоқда.

Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустақкамлаш демакдир. Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шухратини оширади.

Ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига чуқур ҳамоҳангдир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-насаб обрўсини мустақкамлаш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдиэлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодларнинг номус-ориға, чуқур эҳтиромға, инсоннинг шахсий виждонига, бурчға ва ўз сўэига содиқликка бориб тақалади. Кишилоримизнинг ватанпарварлиги ҳамма вақт сеvimли халқнинг шон-шарафи, қадр-қиммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда ўз ифодасини топиб келди. Баъзида ҳаётда қийин вазиятлар бўлади, баъзан адолатсизлик ва ранж-алам эзади, лекин жаҳл устида она-Ватанни, ватандошларни ҳақорат қилиш — бу бориб турган шаккокликдир. Буни халқ асло кечирмайди.

Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлилигига асослангандир. Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирға умумий Ватанимизда биз билан бирға яшовчи ва Ўзбекистон Респуб-

ликасига садоқатли бўлган бошқа барча халқлар билан биродарликка интиламиз.

Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз отонасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустақамлайди. Бу Асосий Қонун ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустақам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўларини очиб беради.

Ўзбекистон халқи келажакка ишонч билан қарайди. У энг аввало ўз кучларига, ўзининг бой табиий, иқтисодий ресурсларига ишонади, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, бойлик ва маданиятга ўз йўли билан келади. Улуғ келажак — олдинда. Ва у бизнинг — Ўзбекистон фуқароларининг бахт-саодати йўлида олиб бораётган муштарак ишимизга куч-қувват, ғайрат бахш этади.

1992 йил

**ЎЗБЕКИСТОН – БОЗОР
МУНОСАБАТЛАРИГА
ЎТИШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ**

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамжамиятининг жуғрофий-сиёсий (геополитик) тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб киради. Жаҳон янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, бир томондан, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг вужудга келиши, ягона халқаро меъёрлар (нормалар), қоидалар ва андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан, социалистик лагерьнинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, унитар тизимлар ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир. Ер қуррасининг олтидан бир қисмида туб ислохотлар давом этмоқда. Бу эса янги тузилган мустақил давлатларда давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказиш муаммолари минтақаларнинг доираларидан ташқари чиқиб, ҳақли равишда умумжаҳон тусини олганидан яққол далолат беради.

Собиқ социалистик ва бошқа мамлакатлар воқелиги келтириб чиқарган янги ҳодисалар, муносабатлар ва жараёнлар эндиликда анъанавий тушунчаларга мос келмаяпти. Мулкчилик, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш омиллари, бошқаришнинг бозор ва режали тартибга солиш механизмлари, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси ва ижтимоий йўналтирилган фао-

лияти каби бошқа тушунчалар умуман янги мазмун касб этмоқда.

Ақидага айланиб қолган “капиталистик” ва “социалистик” тушунчалари ўртасида чегара қолмади ҳисоби. Уларни сунъий равишда ажратиш мустақил ривожланиш ва жаҳон ҳамжамияти билан яқинлашув йўлига ўтган мамлакатдаги ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлади, холос.

Тафаккурнинг мафкуравий ақидалардан холи бўлган, ҳар бир мамлакатнинг ва бутун жаҳон маърифатпарварлигининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиш шакллари ва йўлларининг хилма-хиллигини кўрсатиб берадиган янги тури ва услубини яратиш зарурати етилди. Ҳозир ижтимоий, шу жумладан иқтисодий ривожланишнинг ҳаммабон, ҳар қандай мамлакат учун бирдай тавсия этиш мумкин бўлган андозалари йўқлиги аниқ-равшан бўлиб қолди. Ижтимоий ривожланишнинг турли маданий, маърифий, тарихий анъаналарнинг нодирлиги ва ўзига хослигига таянадиган шакллари ва усуллари хилма-хиллиги умум томонидан эътироф этилди.

Тоталитар тузум шароитида орттирилган бутун тажриба шундан далолат берадики, аниқ-равшан тарихий, ижтимоий-иқтисодий, миллий-руҳий, демографик, табиий-иқлим ва бошқа шароитларни, минтақаларнинг объектив фарқини ҳисобга олмайдиган сиёсат ва ҳўжалик тажрибаси инқирозга учраши муқаррардир. СССР парчаланиб кетгани, бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик услубини тарғиб қилувчи ва юқоридан кўрсатма билан (директив) режалаштиришга ҳамда ресурсларни марказлаштирилган тартибда, ўзбошимчалик билан тақсимлашга асосланган социалистик ҳўжалик юритиш усулининг тарихий тажрибаси барбод бўлгани буни яққол исботлаб турибди.

Тоталитар тизим вайрон бўлаётган даврда собиқ иттифокдош республикалар ўрнида тузилган муста-

қил давлатларда иқтисодий қурилиш ва демократик ўзгартиришларга мутлақо янгича ёндашувлар ва нуқтаи назарларни асослаб бериш муҳим аҳамиятга эга. Бу давлатлар ўзини мустақил деб эълон қилгани ҳар бир суверен республика ўз манфаатларига мос келадиган мустақил ички ва ташқи сиёсатни ўтказиш ниятида эканини билдиради.

Ҳозир ҳар бир республикада иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ислоҳ қилиш муаммолари счими зўр бериб изланаётгани, ўз дастурий ёндашувлари ишлаб чиқиляётгани ҳам ҳақиқатдир. Бу дастурларни ўрганиш шундан далолат берадики, уларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётини барпо этишга қаратилгани ҳолда, ислохотни амалга ошириш усули, босқичлари ва муддати билан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Уларда кўзда тутилган чора-тадбирлар маълум даражада Ўзбекистоннинг манфаатларига ҳам тааллуқлидир, чунки республикалар ўртасида таркиб топган иқтисодий алоқалар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бундай шароитда ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва андозасини танлаб олиш жуда катта аҳамиятга молик. Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосига қурилган ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек Ўзбекистон халқининг миллий, тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти хусусиятларига таяниши лозим.

Бозор муносабатларига ўтишнинг консерватив андозаларидан тортиб радикал андозаларигача, тадрижий (эволюцион) ривожланиш андозасидан тортиб то “фалаж (шок) билан даволаш” тарзидаги жадаллаштириш андозасигача бўлган жаҳон тажрибаси бу андозаларни амалга оширишнинг турли кўламлари ва муддатларини ўрганишга имкон беради. Лекин айни шу тажриба маълум андозалардан кўр-кўрона нусха кўчиришга уринилаётган жойларда исло-

хот, одатда, муваффақиятсизликка учраётганидан далолат бермоқда. Бунинг сабаби шундаки, дунёда бир-бирига ўхшайдиган иккита одам бўлмаганидек, иккита бир-бирига ўхшаш давлат ҳам бўлмайди. Агар айнан нусха олинса мамлакатнинг ўзига хос шарт-шароитлари, мавжуд имкониятлари, яқин ва олис ҳамкорлик билан кўп йиллар давомида таркиб топган иқтисодий ҳамда маънавий алоқалари эътибордан четда қолади.

Республикада иқтисодий ислохотларни ўтказишга тубдан янгича ёндашувни, бунда сифат жиҳатидан янги вазифалар ҳамда шароитларни, амалий тажрибани ҳисобга олишни, асосан ўз кучига таянишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган, Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозирги кунини ва келгуси тараққиётига тўла-тўқис мос келадиган мутлақо янги андоза, ўзига хос йўл зарур. Энг муҳими — бизнинг бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришдан бошқа йўлимиз йўқ. Тўпланган тажриба, илмий таҳлил (анализ) ва ақл-идрок шундан далолат бермоқда.

Ўзбекистонни ҳуқуқий демократик давлат сифатида қарор топтиришнинг дастурий қоидалари, республиканинг бозор муносабатларига ўтиш, ички ва ташқи сиёсатни шакллантириш принциплари, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий ус-туворликлари ва йўналишлари “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли” рисоласида баён қилиб берилган, кейинги нашр ва нутқларда ривожлантирилган ҳамда уларга аниқлик киритилган.

Ушбу нашр — илгари ўртага қўйилган қоидалар ва ғояларни муаммовий умумлаштирибгина қолмай, шу билан бирга республикада ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни ислох қилиш борасида тўпланган амалий тажрибага асосланиб, бу қоидалар ва

гойларни янада чуқурлаштиради. Аслини олганда, гап бозор муносабатларига ўтишда ўхшаш бўлмаган, бетакрор яхлит андозамизни ишлаб чиқиш, ўз йўлимизни танлаб олиш ҳақида бормоқда. Бу йўл уч таркибий қисмдан иборат:

— ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг тавсифи (характеристикаси);

— қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқ-бозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим принциплари;

— иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг, тангликдан чиқиб олишнинг, барқарорликни ва муқим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Республиканинг бозор муносабатларига ўтишда ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгартиришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, унинг халқаро обрў-эътиборини мустақкамлаш учун гўхта моддий негиз яратади. Фақат иқтисодий турмуш тарзига асосланибгина унга мос келадиган давлат тузумини ва кучли сиёсий твзилмани (структурани) барпо этиш мумкин.

I

ЎТМИШДАН ҚОЛГАН МЕРОС ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЗАРУРИЯТИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин республика ва унинг халқи манфаатларига мувофиқ келадиган мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш имконияти туғилди. Республиканинг ташқи дунёдан бир асрдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолганлигига барҳам берилди. У халқ-

аро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлди. Бу эса жаҳон меҳнат тақсимотида муносиб ўринни эгаллашга шароит яратди.

Шу билан бирга чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида бир қанча объектив қийинчиликларни енгиб ўтиш, СССРнинг парчаланиши натижасида яккаҳоқимлик тизимидан мерос бўлиб қолган муаммолар мажмуини ҳал этиш лозим бўлади. Айни пайтда ёш мустақил давлатнинг шаклланиши ва қарор топишида муқаррар равишда вужудга келадиган бир қатор янги муаммолар ҳам пайдо бўлди.

Ўтиш даври муаммоларининг йиғиндиси ва хусусиятлари бир вақтнинг ўзида қатор ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади. Авваламбор, яккаҳоқимлик тизимининг иллатларини зудлик билан тугатиш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубларининг ва директив режалаштиришнинг салбий оқибатларини тугатиш, иқтисодий ва молиявий вазиятнинг барқарор бўлишини таъминлаш зарур.

Республика иқтисодиётининг тармоқ ва ҳудудий тузилмасини тубдан қайта қуриш, “иттифоқ ихтисослашуви” натижасида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл кўйилган номутаносибликларни тугатиш, халқ хўжалигининг хомашёга йўналтирилганлигидан мутлақо воз кечиш, янги мустамлакачиликдан иборат иқтисодий қарамлик занжирларини парчалаб ташлаш лозим бўлади.

Энг муҳими — ижтимоий ларзаларсиз, қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларига ўтиш, жамик куч-қудрат ва бойликлардан самарали фойдаланишни, халқ хўжалигининг барқарор ривожланишини, республиканинг турмуш даражаси юксак бўлган, иқтисодий тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиб олишини таъминлайдиган қудратли иқтисодий негизни

вужудга келтираётган давлатчиликнинг мустақкам пойдеворини барпо этиш керак.

Албатта, мазкур муаммоларни дарҳол, бир зумда ҳал қилиб бўлмаслиги равшан. Бунинг учун анча узоқ давр, аниқ мақсадни кўзлаб фидокорона меҳнат қилиш, энг муҳими, иқтисодий ислоҳотларнинг аниқ-равшан, амалий дастури бўлиши зарур. Республикада шундай дастур бор ва у изчиллик билан амалда жорий қилинмоқда.

Ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг қўла-ми ва жиддийлиги тамомила республиканинг ислоҳотга ўтишининг бошланғич даври мураккаблиги билан белгиланади. Бу яккаҳоқимлик тизими ва унинг самарасиз хўжалик механизми оғир меросининг оқибатидир.

Ислоҳотлар бошлангунга қадар вужудга келган иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилмай, чуқур иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий инқирозга олиб келган сабабларни, хўжалик тизимидаги қатъиян воз кечиш лозим бўлган иллатларни аниқламай туриб, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига ўтиб бўлмайди.

60-йиллардаёқ иқтисодиётда зиддиятлар кучайиб бораётгани, амалдаги хўжалик юритиш механизми мазкур зиддиятларни бартараф этишга ноқобиллиги яққол намоён бўла бошлаган эди. Иқтисодиётнинг ривожланиш суръати кескин пасайди. Унга бўлган сарф-харажатлар орта борди. Моддий бойликлар ва маблағлар тақчиллиги аниқ кўриниб қолди. Иқтисодий воситалар ва омиллар амалда ишламади. Ишлаб чиқаришни техникавий ривожлантиришда ва аҳоли турмуш даражасида фарб мамлакатларидан анча орқада қола бошланди. Илғор иқтисодчи — товар ишлаб чиқариш тарафдорларининг бозор муносабатларини қайта тиклаш тўғрисидаги даъвати инкор этилди. Бошқарувнинг тармоқ принципини кучай-

тиришга, қишлоқ хўжалигини индустрлаштиришга, корхоналарга катта иқтисодий эркинликлар беришга, фаолиятни баҳолашда қиймат кўрсаткичларига ўтишга қаратилган 1965 йилги иқтисодий ислоҳот ишлаб чиқариш муносабатларининг туб моҳиятига дахл қилгани йўқ ва шу боисдан кўзда тутилган натижага — иқтисодиётни жонлантиришга олиб келмади.

Консерватив маъмурий тизим, иқтисодиётга партиявий раҳбарлик ва унинг ҳаддан ташқари мафкуралаштирилганлиги доирасида кейинчалик иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлидаги бошқа уринишлар ҳам (1979 йилги режалаштириш тизимини ислоҳ қилиш, 1987 йилги хўжалик механизмини ислоҳ қилиш ва бошқалар) кам самара берди. Аксинча, сўнгги ўн йиллар мобайнида сохта обрў орттириш мақсадида қабул қилинган ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олмаган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр, энергетика, экология ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршилиқларни чуқурлаштириб юборди. Натижада иқтисодиётни батамом издан чиқариб, моддий ва молиявий маблағлар тақчиллигининг даҳшатли тарзда ўсишига, ташқи қарзнинг кўнайишига олиб келди. Энг асосийси шу бўлдики, меҳнатни рағбатлантириш тизими бузилди. Бу эса одамларнинг ижтимоий руҳияти салбий томонга ўзгаришига олиб келди. Тайёрга айёрлик, боқимондалиқ кайфиятларини келтириб чиқарди. Марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари хўжалик юритиш услуб ва усуллари иқтисодиётнинг янада ривожланишига сезиларли туртки бўлишига, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги яққол аён бўлиб қолди.

80-йилларда иқтисодий инқирознинг кучайиб бориш сабабларини очиш, уни бартараф этиш йўллариини топиш борасидаги уринишлар ҳам муваффа-

қиятсизликка учради. Ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиш сабаблари ривожланишнинг экстенсив омиллари тугаганлигидадир, деб юзаки тушунилганлиги устувор тармоқларни алоҳида ажратмасдан, халқ хўжалигининг барча соҳаларини бир вақтнинг ўзида ривожлантириш тўғрисида ногўрри қарор қабул қилинишига сабаб бўлди. Бу ҳол, пировард натижада, чекланган маблағларнинг пароканда бўлиб кетишига, молия ва таъминот тизимининг батамом издан чиқишига олиб келди, инқирозни чуқурлаштирди.

Қайта қуриш сиёсати даврида иқтисодиётда жуда кучли бузилишлар рўй берди. Инқироз сабаблари ва омилларини тўлиқ тасаввур этмаган, ўзгартиришларнинг аниқ-равшан дастурига эга бўлмаган бутун иқтисодий сиёсат эмпирик характерда бўлиб авантюрадан иборат экспериментлардан, ҳар томонга оғишлардан бошқа нарса эмас эди. Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг турлича ёндашувларга асосланган дастурлар лойиҳаларининг кўпчилиги ислохотларнинг аниқ мақсади йўқлигидан, уларни рўёбга чиқариш муддатлари — “беш юз кун” деб белгилаб қўйилиши эса зарур ўзгартиришларнинг туб моҳияти ва ниҳоятда мураккаблиги тўла англаб етилмаганлигидан далолат берар эди.

Марказда ишлаб чиқилган дастурлар ва ислохотга оид чора-тадбирларда федерация субъектлари бўлмиш республикаларнинг манфаатлари эътиборга олинмай келинди. Бунинг устига Марказ ўзининг кўпгина барбод бўлган ишларини республикаларнинг гарданига юклашга интилиб, уларни озиқ-овқат, халқ истеъмолчи моллари ва моддий бойликлар билан ўзини ўзи таъминлашга мажбур қиларди. Ишлаб чиқаришнинг умумий равишда пасайиб кетиши, рублнинг қадрсизланиши шароитида шундай бўлди. Бу ҳол таркиб топган хўжалик алоқаларининг бузили-

шига, товар айирбошлаш ишлари натура ҳолида юртилишига, бартер битимлари жорий этилишига олиб келди. Минтақавий хўжалик ҳисоби ғоясини келтириб чиқарди ва тарқоқлашиш жараёнларига туртки бўлди.

Бундай “янгиликлар” натижасида 1991 йили ўз мустақиллигини эълон қилган республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам собиқ Иттифоқдан батамом барбод бўлган иқтисодий, молиявий ва нарх-наво тизимини, ўта издан чиққан бошқарув механизмини ва иқтисодий муносабатларни мерос қилиб олдилар.

Амалда барча республикалар ислоҳот ва миллий иқтисодиётларини соғломлаштириш жараёнларини қуйидаги бир хил шароитларда бошлашга мажбур бўлдилар:

— марказдан режалаштириш тизимига барҳам берилди, янги бозор муносабатлари, бозор тармоқлари мажмуи эса эндигина шаклланиш босқичида эди;

— бутун иқтисодий тизим ёппасига давлат мулкчилигига асосланган, хусусий мулкчилик ҳали ривожланмаган;

— давлат корхоналарининг иқтисодий эркинликлари давлат буюртмаси, моддий бойликлар ва капитал маблағларнинг меъёрланган тақсимланиши билан кескин чекланган эди;

— халқ хўжалиги тузилмаси ҳаддан ташқари монополиялаштирилган — бутун бир тармоқгина эмас, балки алоҳида корхоналар ҳам танҳо ҳоким ҳисобланарди;

— сақланиб қолган давлат монополияси ва нарх-наво сиёсатидаги тазйиқ, тармоқларда ва корхоналарда боқимлик кайфиятларини вужудга келтирган марказлаштирилган молия-кредит тизими тадбиркорлик соҳасидаги барча ташаббусларни йўққа чиқарди;

— республика иқтисодиёти узоқ вақт давом этиб келаётган, тобора кучайиб бораётган иқтисодий ва таркибий инқирозни бошдан кечирмоқда. У ишлаб чиқаришнинг пасайишига, типеринфляциянинг кучайишига, нарх-навонинг юқорилиги туфайли хом ашё олиш ва республиканинг ўз маҳсулотларини сотишда қийинчиликларга, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келмоқда;

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қобилияти пастлиги ва валюта ресурсларининг етишмаслиги сабабли жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари чекланган;

— молия-кредит ва пул тизимидаги инқироз бюджетдаги камомаднинг ва ташқи қарзларнинг ўсиши, кредит ресурсларининг танқислиги, инвестициявий фаолликнинг пастлиги, республикалар ўртасидаги тўловларнинг тўхтаб қолиши, рубл ва миллий валюталар қадрсизланиши билан ажралиб туради.

Бошлангич даврдаги бу қийинчиликларнинг Ўзбекистон учун умумий сабабларидан ташқари бир қатор ўзига хос сабаблари ҳам бор.

Бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиёти Марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисмига айланган эди. Марказ қабул қиладиган кўпгина қарорлар Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди. Хуллас, чор империяси давридагидек, республика арзон хомашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи, тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозорга айланиб қолаверди, яъни республика хомашё базаси бўлиб келди.

Республика худудида жойлашган кўплаб корхоналар бевосита Марказ бўйсунувида бўлиб, амалда республика уларни бошқармасди, балки кўпроқ хомашё қазиб олиш ва дастлабки ишлов бериш, ярим тайёр буюмлар, мудофаа маҳсулотларини чиқариш билан шуғулланарди ва бу маҳсулотларнинг ҳаммаси

Ўзбекистондан ташқарига ташиб кетиларди. Корхоналарнинг кўпчилиги товарни республика ички бозори учун эмас, балки ташиб кетиш учун такрор ишлаб чиқарарди. Бизга эса кўпинча республика ҳудудида нима қанча ҳажмда ишлаб чиқарилаётганини, қанчаси ташиб кетилаётганини, кимларга ва қандай нархда сотилаётганини билиш ҳатто ман этилганди. Буларнинг бари қаттиқ сир сақланарди. Республиканинг улкан табиий бойликларидан фойдаланилгани ҳолда, даромадлар унинг ҳудудидан анча олисда қолиб кетарди. Аксарият тармоқларда тугалланмаган технологик циклга эга бўлган ишлаб чиқаришлар кўп эди. Улар ҳам ашёни дастлабки қайта ишлаш ва ярим тайёр маҳсулотларни чиқариш босқичида тўхтаб қолар эди. Ҳатто етакчи тармоқларда ҳам технологик асбоб-ускуналар аллақачонлар эскирган, ишдан чиққан ва янгилашга муҳтож эди. Республиканинг табиий ресурсларига ва экологик муҳитига жуда катта, кўп ҳолларда эса тузатиб бўлмайдиган даражада зарар етказилган. Мазкур бузилишларни тезлик билан бартараф этиш кўплаб сармояларни, замонавий техника ва технологияларни, тегишли кадрлар тайёрлашни талаб қилади.

Республикадан тайёр маҳсулотни эмас, балки жуда паст нархларда хомашё ҳамда ярим тайёр буюмларни ташиб кетишга аниқ йўналтирилган иқтисодиётнинг бундай тугалланмаган шакли корхоналар фаолиятининг нормаси бўлиб қолганлиги ҳам муҳимдир. Устига устак халқ хўжалигининг бутун структураси ҳам, моддий ишлаб чиқариш тармоқлари тузилмаси ҳам худди шу тариқа шакллантирилган эди. Натيجада бизнинг халқ хўжалигимиз кўп жиҳатдан издан чиққан тузилишга, ишлаб чиқаришнинг паст техникавий даражасига, салбий тўлов ва савдо балансига эга бўлиб қолди. 1990 йилда Ўзбекистоннинг республикалараро савдо оборотида салбий сальдо 3,7

млрд сўмни ёки ялли миллий маҳсулотнинг 11 фоизига яқинини ташкил қилди.

Бизнинг маҳсулотларни истеъмол қилувчилар Ўрта Осиёдан анча йироқда бўлгани ҳолда ички эҳтиёжларимиз асосан келтириладиган товарлар ҳисоби-га қондирилади. Республика нефть ва бошқа энергетика манбалари билан ўзини ўзи таъминлаш бўйича катта имкониятларга эга бўла туриб, 10 млн тоннадан зиёд нефтни четдан олади. Қора металл, ёғоч-тахта ва ёғоч материаллар, кўмир, кимё ва машина-созлик саноатининг тайёр маҳсулотлари катта ҳажмларда ташиб келтирилади. Республика хомашё, ёқилғи, ускуналар ва технологиянинг айрим турларинигина эмас, балки галла, қанд, гўшт ва бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотларни, шунингдек кўпгина халқ истеъмоли молларини ҳам ташиб келтиришга мажбурдир. Бунда ҳар гал нарх-навони муттасил ошириб бораётган етказиб берувчилар — монополистлар қўяётган шартларнинг оғир юкини кўтаришга, республика манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда уларнинг зўрлигига қарши туришга тўғри келади.

Бу, бизнинг назаримизда, на транспорт харажатларини, на бошқа сарф-харажатларни ҳисобга олмай, ҳар бир республиканинг, ҳудуднинг комплекс ривожланишига зиён келтиргани ҳолда, уларни бошқаларга боғлиқ қилиб қўйиш мақсадини кўзлаган империяча сиёсатнинг бевосита кўриниши ва қолдиғидир. Бу масаланинг фақат иқтисодий жиҳати бўлиб, сиёсий жиҳати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Тазйиқни қайтариш, республикага хос ривожланиш йўллари ва шакллари белгилаш борасидаги уринишлар “миллатчилик” сифатида баҳолашиб, уларга дарҳол чек қўйиларди.

Иқтисодий муаммолар демографик ҳолатда юзага келган аҳвол билан қўшилиб, ижтимоий масалаларни ҳал этишни фоят долзарб қилиб қўймоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси энг паст бўлиб қолди. Маълумотларга қараганда, 1990 йилда республика аҳолисининг 70 фоизига яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Айни маҳалда Россия ва Украинада аҳолининг 30 фоизга яқинигина шундай аҳволда кун кечирганди. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ҳам мураккаб муаммо бўлиб қолди.

Буларнинг бари тоталитар мероснинг оғир оқибатларини тугатиш, иқтисодиётга бозор асосида маданийлик бахш этиш, фаолиятнинг айрим соҳаларини ўзгартириш йўли билан эмас, балки кенг миқёсда тубдан яхлит иқтисодий ислоҳот ўтказиш орқалигина мумкинлигидан далолат бермоқда. Бунда ислоҳ қилиш жараёнини аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уни янги шароитларга мослаштиришнинг кучли тизими билан мустаҳкамлаш зарур.

Иқтисодий ислоҳот чуқур илдизларга эга бўлиб, республикада вужудга келган ижтимоий-иқтисодий тизимни тубдан янгилашнинг таркибий бўғини сифатида воқеъ бўлмоқда. У хўжалик юритишнинг ҳам умумжаҳон талабларига, ҳам ўзига хос хусусиятлар — минтақанинг тарихи ва маданиятига, жуғрофий-сифсий ҳолатига, кадриятларнинг вужудга келган тизимига таянадиган сифат жиҳатидан янги ва ўзига хос бетакрор йўлдан боришни билдиради.

II

ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, суверен давлатчиликка эришиш, янги иқтисодий негизнинг шаклланиши, халқнинг ижтимоий ва маънавий жиҳатдан

уйғониши, собитқадам ва астойдил ҳаракат қилиш йўли билан ғоят катта қийинчиликларни енгиб ўтиш орқали амалга ошган. Мустақилликни қўлга киритган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излаган, янги жамият барпо этиш борасида ўз андозасини ишлаб чиққан. Бунда илк асос вазифасини кишиларнинг ўз қадриятлари тизими ва аниқ мақсадни кўзлаб тутилган йўл, миллий анъаналар ва тарихий шарт-шароит, реал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳит, одамларнинг таркиб топган турмуш тарзи ва дунёқараши ўтаган.

Натижада ҳозирги дунё ижтимоий тараққиётнинг ғоят хилма-хил бетакрор йўлларини, миллий иқтисодиётларнинг шаклланишини, сифат жиҳатидан янги турмушга эришиш усулларини ўрганиш ва билиш учун ниҳоятда қулай имконият беради.

Жамиятни тараққий эттириш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлларининг хилма-хиллиги бир қанча омилларга боғлиқ. Авваламбор, бунга уларнинг аниқ мақсадни кўзлаб йўналтирилиши ва иқтисодиётнинг амал қилиш принциплари сабаб бўлади. Бир неча ўн йиллар мобайнида жаҳонда ижтимоий тараққиётнинг бир-бирига мутлақо зид бўлган “капиталистик” ва “социалистик” назариялари ўзаро курашиб, ўз таъсирини ўтказишга интилиб келди. Биринчи назария классик сиёсий иқтисод, хусусий мулкчиликни ўта мутлақлаштириш, иложи борича кўпроқ фойда олиш мақсадида иқтисодиётнинг ўзини ўзи эркин тартибга солиши ғояларига асосланган эди. Иккинчи назария эса, марксизм ғояларини тарғиб қилиб, мулкни ёппасига давлат ихтиёрига олиш, ресурсларни марказлаштирилган тарзда буйруқбозлик-режалаштириш асосида бошқариш ва тақсимлаш йўли билан ижтимоий адолатни қарор топтириш ва халқ фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишга уриниб келди. Бутун-бутун иқтисодий тузумлар мана шун-

дай назарияларнинг тарғиботчилари бўлдилар. Айни шу тузумлар жаҳон миқёсидаги хўжалик муносабатларини ҳам назорат қилардилар.

Ривожланаётган ёш мамлакатлар ўз олдларига эришиш осонроқ бўлган мақсадларни қўйиб, “муқобил ривожланиш” назариясининг турли концепцияларига таяниб, ўз йўллари мана шу назариялар доирасида излашга мажбур эдилар. Бу концепцияларнинг асосийлари қуйидагилар:

— “Асосий эҳтиёжлар” концепцияси. Аҳолининг энг кам тирикчилик эҳтиёжини кафолатли тарзда таъминлаш ва иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этиш ушбу концепциянинг асосий мақсадидир;

— “Мақбул ёки тегишли технология” концепцияси. Бу концепция аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва маҳаллий хомашёни, аввало қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлашга қаратилган сермеҳнат технологияни ривожлантириш зарурлигига асосланади;

— “Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш” концепцияси. Бу концепция мавжуд захиралардан тўлиқроқ фойдаланишга ва ривожланаётган мамлакатларнинг тараққий этган мамлакатларга қарамлигини камайтириш мақсадида улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган;

— “Янги халқаро иқтисодий тартиб” концепцияси. Бу концепция ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан мустамлака ҳолатидан қутулишга ва иқтисодий қолоқнигини тугатишга, тенг ҳуқуқли шериклар сифатида тан олиниш, хомашё ва саноат молларига ўз манфаатларига мувофиқ келадиган янги нархларни, халқаро савдо меъёрларини, валюта курсини белгилашга, замонавий технологияларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиришга бўлган умумий интилишларини акс эттиради.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпгина андозалари, иқтисодий йўллари юқорида кўрсатилган

концепциялар ва назарияларнинг ўзига хос қўшилмасидан иборатдир.

80- ва 90-йилларнинг бошларида дунёда содир бўлган оламшумул ўзгаришлар ҳозирги замон иқтисодий тафаккурига ҳамда ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболлари тўғрисидаги қарашларга жиддий ўзгартишлар киритди. Эркин иқтисодий тартибга солиш ғояси ҳам, марказлаштирилган тарзда режалаштириш ғояси ҳам инқирозга учради. Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги йўллارини ишлаб чиқди, тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти маъна шу йўлга асос қилиб олинган. Бу ҳол ниҳоятда кучли иқтисодий ислоҳот оқимини юзага келтирди, кўнганна мамлакатлар — ривожланаётган ва ривожланган, капиталистик ва социалистик, демократик ва авторитар мамлакатлар маъна шу оқимга қўшилдилар.

Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич шартларига кўра, бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи уч хил ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам белгилаб беради.

Биринчиси: бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш, узоқ давом этган эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтган ривожланган мамлакатларда аралаш иқтисодиётни шакллантиришдир.

Иккинчиси: ривожланаётган мамлакатларнинг энг оддий ва бозор патриархал-феодал муносабатлари кўринишларига эга бўлган анъанавий иқтисодиётини маданий бозор муносабатларига айлантиришдир.

Учинчиси: собиқ социалистик мамлакатларнинг яккаҳокимлик тартибидан, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув ва марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштиришдан бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтишдир.

Социалистик иқтисодиётнинг хитойча йўлида ўз аксиня топган социализм ғояларини самарали бозор иқтисодиётини вужудга келтириш билан қўшиб олиб боришга уриниш ҳам мавжуд.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиётига революцион йўл билан, яъни жадал усулда ёки эволюцион йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин. Биринчи ҳолда, туб ислоҳотларни ўтказиш, аввалги тизимни ва таркиб топган иқтисодий муносабатларни батамом синдириш талаб этилади. Буниси “фалаж қилиб даволаш усули” (“шоковая терапия”) деб аталади. Эски иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич янги бозор муносабатларига айлантира бориб, самарали бозор иқтисодиётини шикастсиз вужудга келтириш мумкин. Ислоҳотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, эволюцион йўл камроқ ижтимоий ларзаларга олиб келади, анча изчил ва муқаррардир.

Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларигина эмас, балки унинг андозалари ҳам хилма-хилдир. Энг аввало, улар шундай бозор иқтисодиёти вужудга келтириладиган ва амал қилиб турган мамлакатларнинг миллий хусусиятлари ва анъаналари билан фарқ қилади. Шу боисдан бозор иқтисодиётининг маълум андозалари уларни амалга оширувчи муайян мамлакатга мансублигига қараб ажратилади. Масалан, Германия, Жанубий Корея, Туркия, Аргентина, Польша андозалари ва ҳоказо.

Бозор иқтисодиёти ва ислоҳотларнинг негизини ташкил қилувчи йўлларнинг ғоят хилма-хиллиги эркин бозор рақобатчилиги иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши билан қай даражада қўшиб олиб борилиши, уларнинг ижтимоий йўналиши, ҳал қилинадиган катта иқтисодий муаммоларнинг устуворлиги билан боғлиқдир.

“Америкача андоза”да эркин бозор муносабатлари айниқса кучли роль ўйнайди, “япон” ва “француз” андозаларида эса хўжалик фаолиятини ташкил қилишда давлатнинг иштироки анчагина каттадир. “Немис” ва “швед” андозаларида ижтимоий йўналиш ниҳоятда устувордир. Халқаро молия ташкилотлари (Халқаро Валюта фонди, Жаҳон банки, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки ҳамда бошқалар)нинг фаол қатнашуви билан ишлаб чиқилаётган Латин Америкаси ва Африка мамлакатларининг андозаларида асосий эътибор иқтисодий ёнбарқарорлаштиришга, бюджет камомадини кескин камайтиришга, илк босқичда нарх-навоми эркин қўйиб, кейинчалик тарқибий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилади. Шарқий Европа мамлакатлари ҳам худди шундай усулда, аммо “фалаж” (“шок”) ҳолатида бозор сари бормоқдалар.

Жануби-Шарқий Осиёнинг саноати ривожланган янги мамлакатлари — Сингапур, Жанубий Корея, Тайван ва Гонконгнинг андозалари ўз натижалари билан катта таассурот қолдирмоқда. Уларда асосий эътибор импорт моллар ўрнига ўзларига маҳсулот ишлаб чиқариш стратегиясини ташқи дунёга мўлжалланган экспортни рағбатлантириш стратегияси ила алмаштириш билан боғлиқ ички муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Ижтимоий соҳада ва экспортни рағбатлантиришда етакчи роль ўйнайдиган кучли давлат сақлаб қолингандагина бозор иқтисодийнинг андозаси ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Биз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш имкониятини истисно қилмаймиз. Айни чоғда бирон-бир андозадан, ҳатто у муайян мамлакатда ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кўчириш мутлақо номақбулдир. Шуниси аниқравшанки, муайян воситалар ва усуллар қайси мамла-

кат учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатга хос бўлган алоҳида шароитдагина ижобий самара бериши мумкин. Аксинча, жозибадор бўлишига қарамай, аслида бегона, ёт андозалар сунъий равишда тиқиштирилган жойларда иқтисодий ислоҳотлар муқаррар равишда барбод бўлаверади.

Шу сабабли, бизнинг қатъий нуқтан назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамик фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир. Бу — ўтган йиллар якунларини идрок этишнинг, янгиланган жамият иқтисодий пойдеворини барпо этишга нисбатан турлича қарашларни танқидий таҳлил қилишнинг қонуний натижасидир. Бу — таркиб топган ижтимоий воқеликка амалда тўғри баҳо бериш ҳамдир. Шунингдек, Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилишининг эътиборга олинishi ҳамдир.

Етилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг жиддийлиги, уларнинг ўзига хос хусусияти шу муаммоларни ҳал этишга алоҳида-алоҳида ёндашувларни белгилаб олиш заруратини тақозо қилади. Ҳаёт шароити ва мусулмонча турмуш тарзининг миллий хусусиятлари, Шарқ маданий оламига мансублик ҳам шунини талаб қилади. Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаш мураккаб, тарихий аҳамиятга молик ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаётган ўзбекистонликларнинггина эмас, балки уларнинг бир қанча келажак авлодларининг ҳам тақдири ана шу йўл нечоғлик тўғри танлаб олинishiга боғлиқдир. Республика танглик ҳолатларини қанчалик тез бартараф этиши, яққаҳокимлик тизимининг иллатларидан қутулиши, ривожланган маърифатли мамлакатлар даражасига чиқиб олиши шу билан белгиланади.

Ўзбекистон учун ўзи танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир.

Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланишини, инсоннинг шахс сифатида маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтишда танлаб олинган йўлнинг нақадар тўғрилиги объектив равишда таркиб топган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг нечоғлик чуқур таҳлил қилинишига, республикани ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитлари қай даражада ҳисобга олинishiга боғлиқ.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос бетакрор йўлни танлаб олиши учун ушбу минтақага хос бўлган хусусиятлар ва шарт-шароитларни чуқур таҳлил этиш зарур.

Республика қулай жугрофий-сиёсий мавқега эга. Ҳозирги Ўзбекистоннинг худуди тарихан энг қадимий савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни авж олган жой бўлиб келган. Ҳозир ҳам Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ўз мустақил энергетика ва сув тизимларига эга маркази бўлиб, кўлгина масалаларда қўшни республикаларни боғловчи бўғин хизматини ўтайди.

Тарихнинг ўзи шундай белгилаб қўйганки, Ўзбекистон Евроосиёнинг Фарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғловчи энг муҳим йўллар чорраҳасида жойлашган. Бу ҳол “Буюк Илак йўли”га мо-

нанд Евроосиё иқтисодий ва илмий-маданий кўпригини солишни узоқ муддатли истиқбол режаси сифатида олға суриш имконини беради. Республика товарлар, сармоя ва иш кучининг давлатлараро ҳаракати, иқтисодиёт, маданият ва сиёсат соҳаларида миллий манфаатларни яқинлаштиришда ўзига хос минтақавий марказга айланиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Табиий-иқлим шароитларининг ўзига хослиги Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга ошириш йўллари ва унга ёндашувларни танлаб олишга ҳал қилувчи таъсир ўтказмоқда. Республика иқтисодиётнинг деҳқончилик тармоғини кенг ривожлантириш, алоҳида қимматли, жаҳон бозорида фоят харидоргир бўлган экинлар ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун қулай бўлган иқлим минтақасида жойлашган.

Айни вақтда минтақа иқтисодиёти табиат омилига, кескин иқлим ўзгаришларига қаттиқ боғлиқ бўлиб, бу ҳол сунъий суғориш ва ирригация тармоқларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришни тақозо этади. Суғориладиган деҳқончиликнинг ўзига хос жиҳатлари қишлоқда иқтисодий муносабатларни шакллантиришга ўз талабларини қўймоқда.

Тарихан таркиб топган ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг мазмунига кўра, Осиёда шаклланган анъанавий ишлаб чиқариш усули ва меҳнатни ташкил этиш шакллари Ўзбекистонга хос эканлиги ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг йўллари ва андозаларини танлаб олишга таъсир қилаётган жиддий омилдир.

Республикадаги алоҳида демографик вазият ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олиш зарурлигини белгилаб берувчи фоят муҳим хусусиятлардан биридир. Ўзбекистон туғилиш даражаси ва аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган мамлакатлар жумласига киради. Кейинги ўн йилликлар мобайнида республика аҳолиси ҳар йили ўрта ҳисобда

2,5 фоиздан кўпайиб борди, бу эса иқтисодий ўсиш суръатига, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишга алоҳида талаблар қўяди.

Республика иқтисодиёти ҳаддан ташқари оғир демографик юкни сезиб турибди. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот ҳажми жиҳатидан Сингапур, Иордания, Бирлашган Араб Амирликлари, Ирландия ва шулар каби бошқа мамлакатлардан ўзиб кетган бўлсада, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда республика, Жаҳон банки маълумотларига кўра, ўртача даражадан паст даромад олувчи мамлакатлар жумласига киради.

Аҳоли таркибида болалар ва ўсмирларнинг кўпчилиги ҳам демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятидир. Маълумки, болалар ва ўсмирлар давлат томонидан ҳимояга айниқса муҳтождирлар. Россия ва Беларусда 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар 24 фоиздан сал кўпроқни, Қозоғистонда 33,2 фоизни ташкил қилса, Ўзбекистонда эса 43,1 фоизни ташкил қилади. Республикадаги жами аҳолининг ярмидан кўпроғи — болалар, ўқувчи ёшлар, нафақадорлар, яъни ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож табақалардир. Аҳолида оила аъзолари сонининг кўпчилиги Ўрта Осиё минтақасидаги бошқа мамлакатлар каби Ўзбекистонга ҳам хос хусусиятдир. Республикада оиланинг ўртача сони 5,5 кишидан иборат, бир қанча вилоятларда эса 6 кишидан ошади, ваҳоланки, бу кўрсаткич МДҲнинг Европа қисмидаги мамлакатларда 3,2 кишини ташкил этади.

Аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида истиқомат қилади ва асосан деҳқончилик билан машғулдир. Аجدодларининг анъанавий яшаш жойларига боғланганлиги (ўтроқлиги) аксарият республика аҳолисига хос бўлиб, бу ҳол меҳнат бозорини шакллантириш муаммоларига ўз таъсирини ўтказди.

Республика миллий таркибининг ўзига хослиги — унинг фарқлантирувчи хусусиятидир. Этник таркибда руб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Республикада руб турган аҳолининг 70 фоиздан кўпроғини ўзбеклар ташкил қилади. Айти вақтда Ўзбекистон ҳудудида ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган юздан кўб миллият вакиллари яшайди. Ўзбекистоннинг миллий-маданий ранг-баранглиги миллий ўзликни англашнинг ўсиши ва маънавий жиҳатдан қайта уйланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жамиятни янгилаш, унинг очиклигининг қудратли омили бўлиб хизмат қилади ҳамда республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароитлар яратди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўлини танлаб олиш аҳолининг тафаккур ва миллий-тарихий турмуш тарзини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама эътиборга олишга ҳал қалувчи даражада боғлиқдир. Ижтимоий жиҳатдан уюшиб яшашнинг жамоа шакли Ўзбекистон халқига тарихан хос бўлиб, бу унинг анъанавий турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу нарса оила манфаатларининг устуворлигида, аҳоли ҳаёт фаолиятининг жамоага содиқлигида, маҳалла шаклини авайлаб сақлаш ва мустақамлашдагина намоён бўлибгина қолмай, шу билан бирга жамиятнинг бутун ижтимоий тузилмасига таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг амалдаги тизимида мавжуд бўлган кўпгина шакллар ҳам жамоа хусусиятларига эга.

Республиканинг ўзини ҳам бир жамоа деб, катта оила деб қараш мумкин. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб, ўз бурчларини қатъий бажариш ва ўзаро ғамхўрлик бўлмаса, фаровон ва муносиб ҳаёт кечирish мумкин эмас. Бинобарин, буни умуммиллий бирдамлик руҳи билан йўғрилган норасмий ижтимоий алоқалар тизими, деб қараш мумкин.

Ўзбекистон халқининг миллий руҳиятига хос бўлган этнопсихологик меъёрларнинг хусусиятини ҳам эътиборга олиш зарур. Бу ҳол ижтимоий онг даражасида одамларнинг янгиликларга, қадриятлар тизимини ўзгартиришга, қарор топган меъёрларни, уларнинг хатти-ҳаракат қоидалари ва андозаларини барбод қилишга олиб келадиган туб ўзгартишларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатида намоён бўлади.

Туб аҳолининг ерга яқинроқ бўлиш, ўз уйи ёнида томорқа хўжалигига эга бўлишга анъанавий интилиши унинг манфаатлари ва турмуш тарзида ўз изини қолдирмоқда. Ҳаётий қадриятлар, оилавий турмуш муносабатлари нормалари, меҳнат фаолияти соҳасидаги кўникмалар шундай турмуш тарзига хосдир.

Иқтисодий ва демократик ислохотларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида ислом омили ҳар томонлама эътиборга олинishi лозим. Бу омил аҳолининг турмуш тарзига, руҳиятига, маънавий-ахлоқий қадриятларига таъсир ўтказди, ташқи сиёсий йўлни мана шу динга эътиқод қилувчи мамлакатларга қараб белгилашни тақозо қилади. Ўзбекистонда диний анъаналар билан халқ анъаналари шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Сўнги ўн йилликларда одамларда ўз қадриятига эга бўлган муайян ижтимоий онг шаклланганлигини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бу, бир томондан, ижтимоий тенгликка интилишда, кафолатли меҳнат қилиш ҳуқуқи, умумий бепул таълим ва тиббий хизмат кўрсатилишини ёқлаб чиқишда кўринмоқда. Иккинчи томондан эса, тоталитар буйруқбозлик-тўрачилик тизими оқибатида инсоннинг мол-мулкдан ажралиб қолгани ва хўжайинлик туйғусини йўқотганида намоён бўлмоқда. Тайёрга айёрлик, боқимондалик кайфияти ҳам кучли ривожланган.

Иттифоқ маркази ўтказган янги мустамлакачилик ҳудудий иқтисодий сиёсат оқибатида республикада халқ ҳўжалиги бир томонлама — хомашё базаси сифатида ривожланди. Технология, ресурслар, шунингдек бутловчи буюмларнинг бир қисмини, халқ истеъмоли молларини етказиб бериш жиҳатидан бошқа республикаларга жуда қарам бўлиб қолди. Ўзбекистон шу пайтгача бошқа республикалар билан рубл зонаси доирасида ўрнатилган ҳўжалик муносабатлари орқали чамбарчас боғлиқ бўлиб турибди.

Шундай қилиб, мазкур ўзига хос шарт-шароитларни, бирор минтақанинг воқелигини фақат шу ерга хос бўлган барча хусусиятлари ва белгилари билан аниқ ҳисобга олмай туриб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг бирор йўли тўғрисида гапириб бўлмайди. Бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг умумий қоидалари унинг ўз андозасида акс этиши ҳам мутлақо табиийдир.

— Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини яратиш учун замин йўқ эмас. Шарқда одамлар азалдан савдо-сотик билан шуғулланганлар. Шу бойсдан, бу ерда бозор шароитида ривожланишнинг ўз тарихий тажрибаси мавжуд. Бунинг устига, бозор шароитида ривожланиш жуда узоқ вақт давом этган бўлиб, унда эски патриархал-феодал муносабатлар энди вужудга келаётган бозор муносабатлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилган. Ўша вақтдаги бозор муносабатларининг етуклик даражаси наст бўлганига қарамай, улар чуқур из қолдирган. Бу изларни ҳатто режалаштирилган — марказлаштирилган иқтисодиётнинг қаттиқ шароитлари ҳам йўқ қила олмади.

Бозор иқтисодиётига ўтишдаги биз танлаб олган йўл — кўп жиҳатдан ҳўжалик соҳасидаги анъаналарни ва урф-одатларни сифат жиҳатидан янги негизда қайта тиклаш, эски, ўзгармас йўлдан қутулиш ҳамда

аҳолида бозор муносабатларига хос бўлган иқтисодий тафаккурни ва психологияни маърифий ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикада ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими — бу диёрда меҳнат-севар ва истеъдодли халқ яшайди.

Ўзбекистон ўтмишининг оғир оқибатларини баргараф этишга, тангликдан чиқиб олишга, иқтисодий мустақилликка эришиб, ривожланган мамлакатлар сафига кўшилишга имкон берадиган етарли куч-қудратга эгадир. Заминимиз қимматбаҳо минерал-хомашё ресурсларига бойлиги халқ хўжалигининг ички тузилишини тубдан ўзгартириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга имкон беради.

Мустақиллик шароитида ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий ресурслар, кўп авлодларнинг меҳнати билан барпо этилган иқтисодий, илмий-техникавий имкониятлар ва ақл-зиё салоҳияти миллий бойликка айланиб, одамлар фаровонлигининг гарови ва ижтимоий тараққиётнинг асоси бўлиб қолди.

Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал-хомашё ресурслари тўпланган. Ҳозиргача республикада минерал-хомашёнинг 95 тури борлиги аниқланган. Бу минерал-хомашёларнинг 700 та кони мавжуд. Амалда, Менделеев жадвалидаги ҳамма элементлар республикамизда бор. 370 та кон ишлаб турибди, уларда бир йил ичида қазиб олинаётган тоғ жинслари ҳажми 200 миллион тоннадан ошади.

Республикада катта табиий энергия ресурслари — газ, нефть, гидроэнергетика ресурслари ва кўмир-

нинг мавжудлиги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Марказий Осиё минтақасидаги газ конденсати захираларининг деярли 74 фоизи, нефтнинг 31 фоизи, табиий газнинг 40 фоизи ва кўмирнинг 55 фоизи Ўзбекистон улушига тўғри келади.

Табиий газнинг аниқланган захиралари деярли икки триллион куб метрни, кўмир — 2 миллиард тоннадан кўпроқни, нефть — 350 миллион тоннани ташкил этади. Табиий газ қазиб олиш бўйича Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида учинчи ўринда туради ва жаҳондаги газ қазиб чиқарувчи 10 та энг йирик мамлакат қаторига киради.

Табиий газ асосий энергетика ресурси бўлиб қолмай, шу билан бирга нафақат республика эҳтиёжи учун, балки чет мамлакатларга сотиш учун ҳам минерал ўғитлар, синтетик тола ва иплар, полипропилен, полистирол ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қимматли хомашёдир.

Республикада гидроэнергетика ресурсларининг жуда катта манбалари ҳам мавжуд. Ўрта Осиёдаги гидроэнергетика манбаларининг ва фойдаланишнинг техникавий имконияти бўлган гидроэнергетика ресурсларининг 14 фоизи, амалда фойдаланилаётган гидроэнергетика ресурсларининг 21 фоизи Ўзбекистонга тўғри келади. Шунинг ҳам айтиш керакки, республиканинг гидроэнергетика имкониятларидан ҳали ҳам старлича фойдаланилаётгани йўқ.

Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуи унинг энергетика ресурсларига доим ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлабгина қолмайди. Ўзбекистон кўп вақтдан буён бошқа минтақаларга табиий газ стқазиб бермоқда.

Сўнгги икки йил ичида топилган нефть (Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конлари) ва газ захиралари келгусида республиканинг ўз эҳтиёжларини таъминлаб-

гина қолмай, энергия манбаларини четга сотишни анча кўпайтиришга ҳам имкон беради.

Фойдали қазилмалар кўп турларининг аралаш жойлашгани, уларнинг кон-геология шароитлари қулайлиги, ҳудудларга кўп тўплангани бу конларни самарали ўзлаштириш, саноатнинг жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган кон қазиб чиқарувчи кичик тармоқларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Ўзбекистон қимматбаҳо ва нодир металллар — соф олтин, кумуш, уран ва бошқа ноёб металллар захиралари ҳамда уларни қазиб чиқариш жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Республикада 30 та олтин кони топилган, улардаги олтин захиралари тўрт минг тоннадан ошади. Қазиб чиқариладиган олтиннинг умумий ҳажми жиҳатидан республика МДХ мамлакатлари орасида иккинчи ўринда, жаҳонда — саккизинчи ўринда туради, аҳоли жон бошига олтин қазиб чиқариш жиҳатидан эса жаҳонда бешинчи ўринда туради. Ўзбек олтинининг сифати энг юқори жаҳон андозаларига мос келади, сўнгги икки йил ичида ўзбек олтини уч марта халқаро совринни олишга сазовор бўлди.

Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган бошқа рангли нодир металллар — мис, молибден, қўроғошин, рух (цинк), вольфрам, литий кабиларнинг захиралари ҳам кўп.

Гил (каолин), дала шпати, шишабоп оддий кварц ва кварц-дала шпати куми, бентонит гили, фосфоритлар ҳамда минерал ўғитлар, чинни-фаянс идишлар ички ҳамда ташқи бозорда рақобатлидир. Талаб жуда катта бўлган бошқа буюмлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланиладиган шу каби минералларни республикадаги мавжуд қимматбаҳо нометаллургия хом ашёси қаторига киритиш мумкин. Бу минералларнинг қўллаб конлари ноёб таби-

ат намуналари бўлиб, бутун Евроосиё минтақасида энг катта кон ҳисобланади. Бокситлар, фосфоритлар, турли тузларнинг захиралари келгуси асрда ҳам кўп йиллар республиканинг эҳтиёжларини таъминлай олади.

Иккиламчи минерал ресурслар — маъдан конларидаги ташлаб юборилган тоғ жинслари, металлургия бойитиш корхоналарининг чиқитлари, шунингдек маъданларнинг ҳисобга олинмаган захиралари ва конларнинг устини очишда чиққан жинсларнинг захиралари ҳам муҳим манбалардир.

Республикада ишлаб чиқарилаётган ресурсларнинг турлари, биринчи навбатда, металллар энг тақчил ресурслар қаторига киради, шу сабабли жаҳон бозорида уларга талаб ҳамиша катта.

Ўзбекистон кудратли қишлоқ хўжалигига эгадир. Республика катта экспорт имкониятига эга бўлган энг муҳим стратегик маҳсулот — пахта етиштирувчи ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчи асосий ўлкадир. Бутун Марказий Осиёда 2 миллион тоннага яқин пахта толаси ишлаб чиқарилаётган бўлса, шундан 1,5 миллион тоннаси Ўзбекистон толасидир. Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқаришда жаҳонда бешинчи ўринда ва уни экспорт қилишда иккинчи ўринда туради.

Республика минтақалараро меҳнат тақсимоотида сабзавот, мева ва узум етказиб берадиган асосий ўлка бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу маҳсулотларнинг кўплари таъми жиҳатидан нодир ҳисобланади. Ҳозир Ўзбекистонда 5 миллион тоннагача мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда, бу республика бозорининг эҳтиёжларидан анча ортиқдир.

Чорвачилик маҳсулотларининг кўпгина турлари — пилла, жун, қоракўл тери ва ундан тайёрланадиган буюмлар республикадан ташқарида ҳам машҳур бўлиб, бажонидил харид қилинади.

Кўп авлодларнинг меҳнати билан яратилган ишлаб чиқариш салоҳияти республикани янада самарали ривожлантириш учун ишончли иқтисодий асосдир. Барпо этилган қурилиш базаси, бинокорлик саноати қувватлари ва бу борада тўпланган тажриба сармоя ресурслари мавжуд бўлган тақдирда белгиланган ўзгартиришларни амалга оширишга қодирдир.

Республикада қудратли ва бир қанча ҳолларда нодир саноат корхоналари барпо этилган ва ишлаб турибди. Улар саноатнинг деяри барча тармоқлари — оғир саноат, машинасозлик, самолётсозлик ва автомобилсозликдан тортиб, енгил саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати, фан билан боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқларигача тааллуқлидир. Ўрта Осиёдаги машинасозлик маҳсулотларининг учдан икки қисми Ўзбекистонда тайёрланади. Республика Ўрта Осиёда қора металллар ва прокат, самолётлар, моторлар, пахта териш машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси, кабель маҳсулотлари, экскаваторлар, кўтарма кранлар ва лифтлар, капролактам, тўқимачилик ва пахта тозалаш саноати учун машина ускуналари, йиғирув машиналари ва бошқа буюмларни ишлаб чиқарадиган бирдан-бир давлатдир.

Ўзбекистон саёҳатчилигини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Кўқон каби тарихий обида шаҳарлар бутун дунёга машҳур. Республика ҳудудида тўрт мингдан ортиқ меъморий ёдгорликлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги ЮНЕСКО муҳофазасига олинган. Ўзбекистоннинг дам олиш ва саломатликни тиклаш имкониятлари саёҳат маршрутларининг хилма-хил турларини ташкил этишга ва саёҳатчиларни бутун йил давомида қабул қилишга шароит яратади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида транспорт ва алоқалар тизими ҳал қилувчи ўрни тутади. Респуб-

ликада кенг тармоқли транспорт тизими барпо этилган бўлиб, у мамлакат ичқарисида ва ташқарисида юк ҳамда йўловчилар ташишни, яқин ва олис хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни таъминлайди.

Республикада транспортнинг барча турлари ривож топган. Ҳозир темир йўллар узунлиги 6,7 минг километрга тенг. Темир йўл шохобчаларининг кўпчилиги жиҳатидан республика Марказий Осиёда етакчи ўринда туради. Юк ва йўловчиларни ташишда автомобиль транспортининг аҳамияти катта. Саксон минг километрдан узунроқ автомобиль йўллари қурилган ва улардан фойдаланилмоқда, шу йўлларнинг 86 фоизи асфальт йўллардир. Ҳамма шаҳар ва қишлоқлар, ҳатто олис қишлоқларга борадиган йўллар ҳам асфальтланган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикаларининг барча йирик шаҳарлари ҳамда жаҳондаги кўп мамлакатлар — Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Исроил, Афғонистон, Малайзия, Таиланд ва бошқа давлатлар билан бевосита ҳаво йўллари орқали боғланган.

Айни маҳалда Ўзбекистон денгиз портларига бевосита чиқа олмайди. Юкларнинг кўп қисми давлатлараро савдо-иқтисодий алоқаларга мувофиқ кўшни давлатлар ҳудуди орқали етказиб берилмоқда. Натижада, биринчи навбатда, мамлакатлараро алоқаларни йўлга қўйишда республиканинг иштирок этиши муаммоси кўндаланг бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг меҳмондўст, меҳнатсевар халқи унинг чинакам бойлиғидир. Республика меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси юқори бўлган минтақа ҳисобланади. Марказий Осиёдаги меҳнат ресурсларининг деярли 40 фоизи унинг ҳиссасига

тўғри келади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ёшани таҳлил этиш XXI аср арафасида аҳоли асосан юқори меҳнат фаоллиги билан ажралиб турадиган 30—49 ёшдаги одамлардан юбрат бўлишини кўрсатмоқда. Одамларнинг таълим даражасининг юқорилиги меҳнат салоҳиятининг ўзига хос хусусиятидир. Халқ хўжалигида банд бўлган ҳар 4 ходимдан бири олий ёки ўрта махсус маълумотлидир.

Ўзбекистон кучли илмий салоҳиятга эгадир. Айниқса дехқончилик, табиий ва аниқ фанлар соҳасидаги салоҳияти кучли. Ўзбекистон олимларининг тарих, математика, физика, қуёш билан боғлиқ материалшунослик, зилзилага бардошли иншоотлар назарияси, ўсимлик моддалари кимёси ва бошқа соҳалардаги тадқиқотлари мамлакат ташқарисида ҳам машҳурдир.

Мавжуд улкан ресурслар, ақл-зиё ва ишлаб чиқариш потенциали давлат мустақиллиги билан биргаликда республикада иқтисодиётни янгилаш, уни маърифий ривожланиш йўлига ўтказишга доир туб ислохотларни амалга оширишга ҳақиқий шарт-шароит ва имконият яратади.

Республикада сифат жиҳатидан янги мавқега ўтишнинг пухта ўйланган дастури ишлаб чиқилган. Танлаб олинган тараққиёт йўли Конституцияга асосланган бўлиб, бу ўзгармас йўлдир, чунки танланган йўлнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Бу Ўзбекистонни миллий-давлатчилик, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан камолотга муқаррар олиб борадиган йўлдир.

Бешта асосий қонда Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзагидир. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

Биринчидан, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат орғида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага

бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафқурадан холи қилиш зарур;

иккинчидан, давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршичилигини бартараф этиши шарт;

учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар” сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу қоидалар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Ҳозир бу қоидаларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлайди.

III

ИҚТИСОДИЁТНИ МАФКУРАДАН ХОЛИ ЭТИШ — ДЕМОКРАТИК ВА БОЗОР ЎЗГАРТИРИШЛАРИНИНГ АСОСИ

Биринчи навбатда иқтисодий негизни (базисни) барпо этиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш янги жамият қуришнинг энг муҳим шартидир. Бунда иқтисодий ўзгартиришлар стратегияси мафкурадан бутунлай холи этилиши, яъни сиёсий мақсадларга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилмаслиги керак.

Сиёсий кураш ботқоғига ботиб қолган бир қанча мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси иқтисодий ислохотлар сиёсий манфаатларга бўйсундирилган жойларда иқтисодиёт бутунлай барбод бўлишини, ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетишини, аҳолининг моддий аҳволи ёмонлашиб, ижтимоий зиддиятлар авж олишини кўрсатмоқда. Аксинча, иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётган жойларда демократик ва сиёсий ислохотлар учун мустаҳкам моддий негиз яратилмоқда.

Иқтисодий турмуш тарзига асосланиб давлат қурилиши ва давлат тузилишини англаб этиш мумкин. Демократия — бошқарувнинг барча босқичларидаги эркинликдир. Энг муҳими, сўз эркинлиги ва иқтисодий фаолият билан шуғулланиш эркинлиги ҳуқуқини берадиган кучли қонунларимизга эга бўлишдир. Бу эса иқтисодий негиз қанчалик мустаҳкам барпо этилганлигига боғлиқ.

Иқтисодиёт мафкуравий тазйиқларсиз, ўзига хос ячки қонунларга мувофиқ ривожланиши лозим. Мафкуравий ақидаларни бартараф этиш хўжалик юришнинг турли ижтимоий шакллариغا нисбатан хайрихоҳ бўлган ижтимоий фикрнинг қарор топишига, бозор муносабатларига мос бўлган психологиянинг

ва шунга хос иқтисодий тафаккурнинг идрок этилишига кўмаклашади.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларнинг пировард мақсадни аниқ белгилаб олиш ислоҳ қилишнинг замонавий стратегиясининг бошланғич нуқтасидир. Умумий стратегия бўлмаса, пировард мақсадни кўра билмай туриб, иқтисодий ислоҳотнинг таъсирчан чораларини белгилаб бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив зарурат сифатида давр тақозоси бўлиб қолди. Бозор иқтисодиёти — умумбашарий ҳодиса бўлиб, жаҳон цивилизацияси ривожланиши йўлидаги муқаррар босқичдир. Тартибли асосга қурилган бозоргина ҳозир халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини рўёбга чиқаришга, текинхўрликни тугатишга, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга, манфаатдорлик ва унутиб юборилган хўжайинлик туйғусини қайта тиклашга қодирдир. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг зўравонлигига барҳам бериб, ишлаб чиқаришни истеъмолчининг манфаатларига бўйсундира олади, маҳсулотларга талабни тўғри ҳисобга олиш, бозордаги ўзгаришларга қараб тез ҳаракат қилиш имконини беради.

Фақат бозор муносабатларигина республика ишлаб чиқарувчи кучлари заминдаги улкан имкониятлардан халқ бахт-саодати йўлида, унинг турмуш даражасини ошириш мақсадида самарали фойдаланишни таъминлаши мумкин. Айни бозор муносабатлари одамларни янгиликка интиладиган, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини дадил ва тез жорий этадиган, касб-маҳоратини муносиб қадрлайдиган қилади. Яъни иқтисодиётни марказдан бошқариш шароитида амалга ошириш мумкин бўлмаган нарсага — ишлаб чиқаришни истеъмолчи, инсон манфаатига хизмат қилдиришга эришилади.

Қолаверса, айнан бозор туфайли миллий маданий анъаналарнинг ўзига хос уйғунлашуви амалга ошади, бунда мамлакатнинг у ёки бу соҳасида нисбатан афзалликларга эришишни таъминлашга қодир бўлган анъаналар янада ривожланади.

Жаҳон цивилизациясининг тараққиёт тажрибаси шуни ҳам кўрсатадики, бозор муносабатларининг ривожланиши бирорта ҳам мамлакатда текис ва бе-нуқсон кечмаган. Бозор механизмларини идеаллаштириш катта хато бўлур эди.

Бундан ташқари, жаҳон тажрибаси самарали бозор иқтисодига кўпроқ умумий ижтимоий қадриятлар доирасида ўтиш мумкинлигини кўрсатади. Ҳар бир иқтисодий ривожланган мамлакат хўжалиги ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бўлади.

Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти марказлаштирилган режали бозордангина эмас, балки эркин бозордан ҳам фарқ қилади. У мустақил иқтисодий андозадан иборат бўлади. Унинг эркин бозордан муҳим фарқи шундан иборатки, у иқтисодий ва ижтимоий асосларнинг синтези ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тўла-тўқис ҳам бозор иқтисодиёти, ҳам ижтимоий иқтисодиёт ҳисобланади, иқтисодий ривожланиш самарадорлигини ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий адолат билан боғлаш мақсадини кўзлайди.

Бозор хўжалиги ўз табиатига кўра ижтимоий йўналтирилган бўлади. Истеъмолчи ўзининг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжи билан асосий шахс ҳисобланади. Пировард натижада иқтисодий тараққиёт, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, янгиликларни жорий этиш аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга бўйсундирилади. Булар бозор иқтисодиётининг рағбатлантирувчи сабабларини ва ҳаракатлантирувчи механизмини ташкил қилади.

Айни вақтда ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти халқ фаровонлигини ўз-ўзидан вужудга келтирмайди, балки бунинг учун фақат зарур шарт-шароитлар ва замин яратади, хўжалик юритувчи барча субъектларнинг ижодий қобилиятлари рўёбга чиқишига кўмаклашади.

Бозорда иқтисодий эркинлик қондасининг ижтимоий тенглаштириш билан алоқаси ижтимоий бозор иқтисодиётининг асосий элементиدير. Ҳозирги кўринишдаги бозор иқтисодиёти иқтисодий муносабатлар субъектлари фаолияти бозор нуқтаи назардан мувофиқлаштирилган, ижтимоий жиҳатдан аниқ йўналтирилган ҳолдаги эркин ишбилармонлиқдир.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти Ўзбекистоннинг давлат суверенитетининг иқтисодий асоси сифатида олинган, у республика ижтимоий тараққиётининг ҳозирги босқичига ҳамда ўзига хос шароитларига энг кўп даражада мувофиқ келади. Бундай турдаги бозор иқтисодиёти:

— юридик ва жисмоний шахсларнинг ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш учун конституциявий, қонуний ва ҳуқуқий кафолатларни, эркин бозор конъюнктурасини рағбатлантиришни;

— мулкнинг барча турларининг ҳамда хўжалик юретишнинг барча шакллариининг юридик тенг ҳуқуқлилигини;

— иқтисодий муносабатлар субъектлари фаолиятининг энг кўп даражада эркинлигини;

— умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини ҳамда иқтисодий муносабатларда миллий анъаналарни, урф-одатларни, халқ турмуш тарзини тўла ҳисобга олишни;

— инсоннинг ҳаёт фаолияти ва уни ривожлантириш учун муносиб шарт-шароитларни, ишончли ижтимоий кафолатларни, аҳолининг турмуш даражасини оғишмай оширишни;

— Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамкамиятида муносиб ўрин эгаллашини, халқаро меҳнат тақсимоотида тенг ҳуқуқлилиқ ҳамда ўзаро манфаатдорлик асосида фаол иштирок этишини таъминлашга даъват этилгандир.

Ўзбекистоннинг ижтимоий бозор иқтисодиётида ўз андозасини яратишидаги янги муҳим элементлар қаторида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Кишиларнинг фаровонлигини оширишни таъминлайдиган пировард натижага эришишга қаратилган ижтимоий йўналиш.

2. Иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этиш билан меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан етарли даражада таъминлаган ҳолда макроиқтисодиётни ўстириш ўртасидаги тенг нисбат.

3. Қиймат, талаб ва таклифлар қонунининг амал қилиши асосида барча хўжалик юритувчи субъектларни ишлаб чиқаришдан энг кўп самара олиш йўлини излашга ундашни таъминловчи бозор механизмдан фойдаланиш асосида иқтисодий бошқариш.

4. Ишлаб чиқаришнинг бевосита давлат томонидан бошқарилишидан ўзоқлашиш, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликдан келиб чиққан ҳолда, фаолият турини, етиштириладиган маҳсулот ҳажмини ва хилини, ишлаб чиқариш хўжалик алоқалари доирасини аниқлаш эркинлигини товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларига бериш.

5. Инвестиция сиёсатининг устувор жиҳатларини танлашда ва чет эл сармоясини жалб этишда мақсадга мувофиқ шартларни жорий этиш, иқтисодий дастаклар ва рағбатлардан фойдаланиш, ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаш йўли билан иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг фаол ролини сақлаб қолиш.

6. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча босқичларида, биринчи навбатда, аҳолининг

ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламларини — болаларни, нафақадорларни, ногиронларни, талаба ва ўқувчи ёшларни ва бошқаларни ҳимоя қилишга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш.

Тегинчи замин ва шарт-шароитлар яратилган тақдирда бозор механизмларини ишга солиш мумкин. Уларга, энг аввало қуйидагилар киреди:

биринчидан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатини ўтказиш, мулкчиликнинг давлатга қаршли бўлмаган шакллариغا — хусусий, ҳиссадорлик, жамоа, кооператив ва бошқа шу каби турларига асосланиб, янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш йўли билан аралаш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш;

иккинчидан, баҳони босқичма-босқич эркин қўйиш, монополиячиликка қарши қаттиқ сиёсат ўтказиш, давлат корхоналари фаолиятини тижорат заминидан ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида уларнинг иқтисодий жавобгарлиги тўлиқ иқтисодий мустақиллигини таъминлаш асосида соғлом рақобат муҳитини яратиш;

учинчидан, горизонтал хўжалик алоқаларини бутун чоралар билан ривожлантириш, бозорларни (товар, молия, сармоя, ишчи кучи, технологиялар ва бошқалар) ҳамда таркибий ўзгаришларни амалга ошира оладиган идораларни барпо этиш, бозор инфраструктурасини шакллантириш, бозор шароитларида ишлашга қодир бўлган кадрлар тайёрлаш;

тўртинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучли механизминини жорий этиш, ҳуқуқий ижтимоий кафолатларини таъминлаш.

Маданий-маърифий тартибга солинадиган бозорга ўтиш мулкчиликнинг барча шакллари тенг

ҳуқуқлилиги асосида аралаш иқтисодиётни шакллантиришга асосланади.

Аралаш иқтисодиётнинг моҳияти жамият иқтисодий ҳаётини қуриш ва тартибга солишнинг хусусий ва умумдавлат манфаатларидан иборат иккита ҳар хил принципларининг — эркин бозор ва рақобат билан давлатнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг айна бир вақтда мавжуд бўлишидан ва уларнинг ўзаро таъсиридан иборатдир. Худди шу уйғунлик ҳозирги замон иқтисодиётининг юраги, деб ҳисоблаш мумкин.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт — бу аралаш иқтисодиётдир. Агар бозор — ишлаб чиқаришни одамларнинг ўсиб боровчи ва муттасил ўзгариб турувчи эҳтиёжларига энг юқори даражада йўналтиришни таъминловчи механизм бўлса, давлат барқарорлиқнинг, ҳимояланганликнинг ва ижтимоий адолатнинг ижтимоий кафолати ҳисобланади.

Мулкчилик турларининг ва ҳўжалик фаолияти ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг хилма-хиллиги аралаш иқтисодиётнинг фарқлантирувчи хусусиятларидан биридир. Улар бир-бирини инкор қилмайди, балки тўлдиради ва бойигади. Бундай уйғунлик иқтисодиёт барқарорлиги ва қулайлигининг юксак даражадаги синтезини, унинг юқори самарадорлиги ва ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлайди.

Кўн укладни бозор иқтисодиётининг шаклланишида, одамларда эгалик туйғусининг уйғонишида, тенг ҳуқуқли рақобатни ривожлантиришда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир чора-тадбирлар муҳим роль ўйнаши керак.

Бозор муносабатларига киришга доир чора-тадбирлар тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш унга тайёргарликни, меҳнат жамоаларининг манфаатларини, ижтимоий адолат принципла-

рига албатта риюя қилишни ҳисобга олган ҳолда аста-секин амалга оширилиши керак.

Давлат мулкани шохма-шошарлик билан хусусийлаштиришга, ўзбоқимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўйиш мумкин эмас. Хусусийлаштириш жараёни махсус дастурлар асосида, давлатнинг қаттиқ назорати остида амалга оширилиши керак. Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган корхоналар ўтиш даврининг ҳар бир босқичи вазибаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши керак. Уй-жой фондини, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги, маҳаллий ва енгил саноат корхоналари ва ташкилотларини хусусийлаштириш биринчи навбатда амалга ошириладиган чора-тадбирлар жумласига киритилган. Бошқа тармоқлардаги корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ишлари асосан ҳиссадорлик, корхоналарни мулкчиликнинг жамоа шаклига ўтказиш принциплари бўйича амалга оширилади.

Монополиячиликқа қарши тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқарувчининг истеъмолчи устидан тазйиқни тугатиш натижасидиётнинг муваффақиятли ривожланишига, рақобатли муҳит шаклланишига, бозорнинг товарлар ва хизматлар билан бойишига олиб келиши керак. Айрим корхоналар ва тижорат тузилмаларининг монопол мавқеини тугатиш, уларнинг бозорга тазйиқ кўрсатиш соҳасини тақсимлаб олиш бўйича келишувларига йўл қўймаслик соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади, нарх-наволарнинг сунъий равишда кўтарилишига, монополия йўли билан устама фойда олишга қарши омил бўлиб хизмат қилади.

Кичик тадбиркорликнинг бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж товарлари билан тўлдиришни таъминлашдаги ролини, бозор конъюнктурасининг ўзгаришига тез мослашувчанлигини, янги

иш жойларини яратишдаги аҳамиятини, шунингдек, унинг фан ва техниканинг янги ютуқларини тез ўзлаштиришини ҳисобга олган ҳолда мулкчиликнинг турли шаклларидаги кичик корхоналарга бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиш зарурдир. Бундай ёрдам, айниқса, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмол моллари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, кичик ва кўшма корхоналарда ишловчи кадрларни тайёрлашга берилиши керак. Бундан ташқари, янги техника ва технология турларини жорий этиш бўйича таваққалига ишлайдиган, янги маҳсулот турларини чиқаришни ўзлаштирадиган корхоналар барпо этиш лозим.

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларини шакллантириш бўйича ишларни давом эттириш зарур.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кўп бўғинли инфраструктурасини яратишни талаб қилади. Инфраструктурага эга бўлмасдан бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмайди.

Тадбиркорликда фаолликни таъминлаш, тадбиркорларнинг ўзаро ва давлат билан самарали алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида бозор муносабатларини тартибга солувчи идораларнинг яхлит тизимини тузиш вазифаси турибди. Энг аввало банк-кредит тизимини мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг, шу жумладан, хусусий мулкчиликка асосланган банкларнинг шохобчаларини ривожлантиришга кўмаклашиш зарур. Моддий ресурслар ва товарларнинг кенг барқарор бозорини барпо этиш учун контракт (шартнома) тизимини янада ривожлантириб, биржа фаолиятини такомиллаштириш, тижорат марказлари, савдо уйлари ва бошқаларнинг ишларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Суғурта ва аудиторлик хизматларининг, ҳуқуқий хизмат кўрсатадиган ва консалтинг ташкилотлари-

нинг, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитларида ишлашга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича турли марказларнинг фаол иши бозор шароитида тадбиркорлар фаолиятининг барқарорлигини оширишга кўмаклашиши керак.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, молия-саноат гуруҳлари, холдинг ва траст компаниялари, корпорациялар бозор иқтисодиётининг таянч устунлари, унинг юқори самара беришининг гарови ҳисобланади. Уларни устувор умуммиллий иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий мақсадларни амалга оширишга йўналтирган ҳолда барпо этиш ҳамда уларнинг жаҳон бозорига чиқишларига бутун чоралар билан кўмаклашиш керак.

Замонавий инфраструктурани яратиш бозор муносабатларига ҳақиқий маданий-маърифий характер бахш этиш, стихияга ва бошбошдоқликка йўл қўймаслик имконини беради.

Фақат ривожланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган жамиятгина республиканинг давлат мустақиллигини ва иқтисодий қудратини таъминлаши мумкин.

IV

ДАВЛАТ — ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРТИРИШЛАРНИНГ ТАШАББУСКОРИ ВА БОШ ИСЛОҲОТЧИСИ

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур. Жаҳон тажрибаси иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб туриш зарурлигидан далолат бермоқда. Том маънода ўзини ўзи тартибга солиб турадиган бозор бўлмайди. Давлат ўзининг алоҳида мавқеига кўра ҳамма даврларда иқтисодий жараёнларга таъсир ўтказиб келган.

Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ҳозирги бозор — давлат томонидан тартибга солиб туриладиган бозордир. Унинг турли андозалари давлат ва рақобатчилик томонидан тартибга солиш даражасининг нисбати билангина фарқ қилади.

Тоталитар тузумнинг кўп вазифалари бекор қилинган, янги бозор муносабатлари ҳали шаклланмаган ўтиш даврида давлатнинг роли айниқса муҳимдир. Ҳозирча вужудга келганлари ҳам мустақамланиб олмаган, барча умуммиллий муаммоларни ҳал қилишни зиммасига олишга қодир эмас. Бундай даврда иқтисодиётни бошқаришни қўлдан чиқариб юбориш, унинг тараққиётини ўз ҳолига ташлаб қўйиш эҳтимоли вужудга келади. Шу сабабли давлатнинг ҳукмдорлигини сақлаб қолиш керак. Ўтиш даврида иқтисодиётни давлат ўз қўлига олишининг юқори даражада бўлиши ҳам шуни тақозо этади.

Ўтиш даврида давлат халқ ҳўжалигининг, айниқса унинг асосини, тизимини белгилайдиган тармоқларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаши, нарх-наволарни тартибга солиб туриши, солиқ солиш ва қарз беришда имтиёзлар яратиши, шунингдек, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли билан ана шу тармоқларга мадад бериши лозим.

Бундан ташқари, республика аҳолиси турмуш даражасининг пастлиги, ўзини ҳимоя қилишга, бозорнинг салбий оқибатларига қарши туришга қодир эмаслиги ўтган йилларнинг оғир меросидир. Бозор муносабатларига ўтишнинг қийин даврида аҳолининг манфаатларини фақат кучли қайта тақсимлаш воситасига эга бўлган давлатгина ҳимоя қилишга қодирдир. Ҳозирги пайтда давлат иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун жуда зарур бўлган ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг кафолатидир.

Айни пайтда давлатнинг вазифаси ҳимоя қилиш билангина чекланиб қолмайди. **Бозор муносабатла-**

рининг қарор топиши даврида давлат ислоҳот жараёнида фаол иштирок этиши, унинг ташаббускори бўлиши ва ислоҳотни изчиллик ва қатъийлик билан амалга ошириши шарт.

Бозор муносабатлари йўлига ўтган кўп мамлакатларнинг тажрибаси давлат ҳамиша аҳолини ҳам, ишбилармонларни ҳам ислоҳотларга тайёрлаганини кўрсатади. Давлат уларни янгича яшашга йўллаган ва рағбатлантирган. Шу билан бозор иқтисодиётига тезроқ ва қийинчиликларсиз ўтишга ёрдам берган. Давлатнинг ислоҳотчилик вазифаси иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларини ва бозорга ўтиш йўллариини ишлаб чиқишда ташаббускор бўлишдан иборат. Давлат иқтисодий ислоҳотнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда ўз органлари орқали бевосита иштирок этади. Энг муқими эса, уларни бевосита амалга ошириши керак. Шундай қилиб, давлат ислоҳот жараёнининг барча босқичларида етакчи ўринда туриши, бу жараённинг марказида бўлиши шарт. Чунки, фақат давлатгина умуммиллий иқтисодий манфаатларни мужассам ифодалашга ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча кучларини ўртага қўйилган мақсадларга эришиш учун жиқслаштиришга қодир.

Ҳозир жамиятни янгилаш, эркин ишбилармонлик йўлига ўтиш вазифаларини ҳал этишда кучли мустақил давлатнинг, унинг тузилмалари, муҳофаа ва миллий хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асосларини қарор топтириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу босқичда давлат манфаатлари ҳамма нарсадан устун туриши керак. Фақат шу йўл билан ишбилармонлар манфаатларини ҳам, аҳоли манфаатларини ҳам ҳимоя қилиш мумкин.

Бозор томон ҳаракат қилинган сари ҳўжалик фаолиятини бошқаришда давлатнинг аҳамияти сезиларли даражада ўзгаради. Давлат, унинг ҳокимият

тузилмалари хўжалик фаолиятига бевосита аралашмаслиги керак. Давлат иқтисодий воситалар ва рағбатлантиришлар ёрдамида иқтисодиётни билвосита бошқариш, умуммиллий муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланиши лозим.

Шу билан бирга ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида давлат бевосита бир қанча иқтисодий вазифаларни ҳам бажаради. Давлат иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини, ўзига хос “бозор шарт-шароитлари”ни вужудга келтиради ва тасдиқлайди. Уларнинг доирасида бозор субъектларининг ўзаро алоқалари амалга оширилиши, давлат институтлари ўзгара бориб бозор институтларига айланиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат иқтисодий эркинликларнинг кафолати бўлади. Айни шу туфайли давлат иқтисодиётга ўзининг тартибга солиш таъсирини мақбул равишда ўткази олади. Шунга мувофиқ равишда давлат йўли билан тартибга солиш услубияти негизида иқтисодий жараёнлардаги катта ва кичик даражалар аниқ фарқлаб қўйилиши лозим.

Давлат қўйи даражада иқтисодиётнинг амал қилиши учун “бозор шарт-шароитлари” ва ҳуқуқий негизни яратиб, катта кўламда иқтисодиётни тартибга солишда фаол иштирок этиши шарт. Бунда давлатнинг асосий саъй-ҳаракатлари ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиёт муаммоларини ҳал этишга, иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш устуворликларини белгилашга, юксак ижтимоий самарадорликка эришишга қаратилиши керак.

Тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўналишларини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг стратегик йўлини белгилаш ва бу йўлни ўтказиш юзасидан тактик қарорлар қабул қилиш давлат зиммасига юклати-

лади. Ҳокимият вужудга келаётган иқтисодий вазиятни ўз вақтида тўғри баҳолашга, бошқарув тизимининг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган ижобий таъсири тизимидан кенг фойдаланиб, айрим жараёнларни зарур йўналишда ривожлантириш мақсадида уларга таъсир ўтказишга мажбурдир.

Бозор тизими соф ҳолида умуммиллий муаммоларни ҳал этишга ҳамда жамиятнинг ижтимоий соҳалардаги — мудофаа ва давлат бошқаруви, жамоат тартибини сақлаш, ягона энергетика тизимининг ишлаб туришини таъминлаш, фундаментал фанларни ривожлантириш соҳаларидаги эҳтиёжларини қондиришга қодир эмас. Бу вазифалар давлат зиммасида бўлиши лозим.

Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали ва аниқ-равшан тизимини вужудга келтиришда давлат катта ўрин тутади. Соғлом атроф-муҳит шароитида инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун кўп жиҳатдан давлат масъулдир. Давлат қайта тақсимлаш жараёнида фаол иштирок эта бошлагунга қадар эркин бозор иқтисодиёти ҳамisha ижтимоий кескинликни келтириб чиқараверган.

Давлат бозор институтларини яратиш учун қулай шароит тугдиради. Бунда бозор институтларининг шаклланиш жараёни рақобат қонунлари таъсири остида ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ йўналишда амалга ошиши лозим.

Вужудга келаётган ишбилармонлик тузилмалари қарор топиши ва ривожланишига кўмаклашиш — давлатнинг бурчидир. Бундан ташқари, давлат ўз органлари орқали бозор механизмларини жорий қилишга даъват этади, таркиб топган руҳиятни ва тўрачилик тўсиқларини бузиб ташлайди.

Аниқ мақсадга қаратилган тузилма сиёсатини амалга оширишда давлатнинг аҳамияти айниқса катта. Бу

халқ хўжалигининг устун тармоқларига сармояларни жалб этиш учун имтиёзли шароит яратишгина эмас, шу билан бирга марказлаштирилган манбаларни янги истиқболли корхоналар қурилишига бевосита сарфлашдан ҳам иборатдир.

Давлат иқтисодиётнинг бевосита давлат сектори орқали ҳам ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир ўтказади. Келгусида давлат секторининг улуши анча камаяди. Халқ хўжалигининг энг асосий ва стратегик аҳамиятга молик тармоқлари, яъни ёқилғи, нефть ва газ саноати, электроэнергетика, йўллар, темирйўл, ҳаво ва қувур транспорти, алоқа, сув ва газ таъминоти тизими, ирригация иншоотларини қуриш ва фойдаланиш, миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган корхоналаргина давлат тасарруфида қолади. Шунингдек, давлат уларда ишлаб чиқаришни акциялашда иштирок этади.

Бозор шароитида иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш, одатда, иқтисодиётнинг давлат секторини ривожлантиришни бошқариш ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўли билан бевосита, шунингдек ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар ёрдамида билвосита амалга оширилади.

Давлат бевосита ва билвосита таъсир ўтказиш воситаларини ишга солиш йўли билан иқтисодий жараённи яхлит хўжалик тизимини шакллантириш манфаатларига мос келадиган стратегия ўзанига йўналтиради. Давлат коллектив ишбилармон ва ишлаб чиқаришни тартибга солувчи тарзида иш тутади. Кўп сармоя ва замонавий технологияларни талаб қиладиган энг муҳим лойиҳаларни танлаб олиш, тарқоқ ҳолдаги минтақа ва тармоқлараро алоқаларни бирлаштириш учун замин яратади.

Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш ҳаммага маълум бўлган воситалар — молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нарх-

навони назорат қилиш ва билвосита таъсир ўтказишнинг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади. Монополияга қарши сиёсатни юритиш иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солишнинг ҳал қилувчи масалаларидан биридир. Тавсиявий режалаштириш ҳам давлатнинг бозор муносабатлари шакллариغا мос бўлган умумиқтисодиётни тартибга солишга хизмат қилади. Ривожланган мамлакатларда бундай режалаштиришдан кент фойдаланилади. У юқоридан бериладиган кўрсатмага мувофиқ режалаштиришдан тубдан фарқ қилади, асосан йўналтирувчи ва тавсия тусида, аниқ мақсадга қаратилган дастурларни шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Айни шундай усул билан маданий-маърифий бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор учун зарур шарт-шароитларни яратиш мумкин бўлади.

У

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШ – ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИНИНГ НЕГИЗИ

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг таърифидан кўриниб турганидек, бундай иқтисодиёт тоталитар тузум заминида вужудга кела олмайди, чунки уларда ҳеч қандай умумийлик йўқ. Бир вақтда социалистик йўлдан борган мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтишидаги фарқли хусусиятлари, бу жараённинг мураккаблиги ҳам айни шундандир. Жаҳонда бунга ўхшаш воқеалар бўлган эмас. Бу тарихий босқични ҳар бир мамлакат ўзига хос бўлган йўлдан босиб ўтиши, шу тариқа тажриба орттира бориши керак.

Марказдан режалаштириладиган иқтисодиёт билан бозор иқтисодиёти икки яхлит, ички жиҳатдан мантиқий тузилган ва шу сабабли бир-бири билан мутлақо келиша олмайдиган икки ҳўжалик тизими-

дир. Шу жиҳатдан олганда режалаштириладиган иқтисодиётни бирданига бозор иқтисодиётига айлан-тириб бўлмайди. Марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубидан бозор иқтисодиётига ўтиш — бу мавжуд хўжалик юритиш усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки тамоман янгича хўжалик юритиш тизимини жорий этишдир. Бу бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтишдир. Бу одамлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафасидир. Шунга кўра у бир вақтнинг ўзида бўладиган тadbир сифатида амалга оширилиши мумкин эмас, балки бир қанча босқичларни ўз ичига олувчи узок даврни талаб қилади.

Бир тизимдан иккинчисига ўтишнинг аста-секин, эволюцион равишда бўлиши муҳимдир. Иқтисодий ислохотлар мамлакатни мақсад сари аста-секин, қадам-бақадам илгарилатиб бориши, бозор муносабатларининг айрим жиҳатларини ва умуман бутун тизимини шакллантириши лозим.

Фақат фармонлар ва фармойишлар чиқариш билан бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. У узок тарихий тараққиётнинг натижаси бўлиб, тегишли инфраструктурани ва ҳуқуқий асосни яратишнинггина эмас, шу билан бирга қадриятлар тизимида чуқур ўзгаришларни, хўжалик фаолияти ва амалий муносабатларни асослашни ҳам кўзда тутати.

Бозор иқтисодиётига ўтиш учун қонунларни қабул қилиш, мулкчилик барча шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини эълон қилишнинг ўзи етарли эмас. Бу қонунларни рўёбга чиқаришни таъминлайдиган чинакам воситалар зарур. Бу воситалар бирданига амал қилиб кетмайди, улар аста-секин такомиллашиб боради ва изга тушади. Бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтиш сохта инқилобий сакрашлар билан юз бериши мумкин эмас. Ҳар қандай инқилобий қарорлар жуда катта ижтимоий ларзаларни келтириб чиқаради.

Бунга Шарқий Европа танлаган йўл орқали бозор томон ҳаракат қилиш мисол бўла олади. Бу йўлда, Халқаро валюта фондининг маслаҳатларига амал қилиб, нарх-навога тезроқ эркин тус беришга, солиқ, кредит ва валюта сиёсатининг чекланган чоралари воситасида молия-пул барқарорлигига эришишга зўр берилди. “Фалаж қилиб даволаш” (“шок терапияси”) усулидан фойдаланиш иқтисодийётни тоталитар тузумдан бирданига ажратиб олиш, пул-молиявий усулларни бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ўзига хос тезлаткичига айлантиришни мақсад қилиб қўйган эди.

Бироқ бундай ёндашувнинг ижтимоий оқибати жуда оғир бўлди. Югославияда иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширилиши (А. Маркович режаси) асосий иқтисодий кўрсаткичларни кескин равишда пасайтирибгина қолмай (1991 йилда саноат ишлаб чиқариши 20 фоиз, сармоя сарфлаш 17 фоиз камайди), федерациянинг парчаланишига, миллатлараро-этник гуруҳлар ўртасида можароларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Чехословакияда ислоҳотнинг “**фалаж қилиб даволаш**” нусхаси (В. Клаус режаси) ҳам ишлаб чиқариш таназзулига ҳамда сармоя сарфлашнинг тўхтаб қолишига, мамлакатнинг бўлиниб кетишига олиб келди.

Бу усул Руминия ва Болгарияда пул қадрсизланишининг кучайишига, ташқи иқтисодий ва ички қарзларнинг кўпайишига, ишсизликка ва ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетишига олиб келди. “Фалаж қилиб даволаш” усулини (Л. Бальцерович режасини) ғарб мамлакатлари ва халқаро молия ташкилотларининг фаол кўмаги билан бошқа мамлакатларга нисбатан изчилроқ амалга оширган Польшада иқтисодийёт таркибида, айниқса қишлоқ хўжалигида хусусий секторнинг улуши кўпишига қарамай, бу йўл пулнинг ҳаддан ташқари қадрсизланишига, аслида

мамлакат саноатининг барбод бўлишига, ташқи қарз-нинг ниҳоятда ошиб кетишига олиб келди.

Республикада ҳақиқатан вужудга келган иқтисодий вазият, оилалар аксарият кўпчилигининг турмуш даражаси пастлиги Ўзбекистон учун бозор иқтисодиётига ўтишда “фалаж қилиб даволаш” усулининг маъқул эмаслигини кўрсатади. Бу усул амалда аҳоли учун “даволамай фалаж қилиш” га айланади, яъни мавжуд барча тузилмалар, нормалар, алоқаларнинг тезда барбод бўлишига, бошқача қилиб айтганда, тўла вайрон бўлишига олиб келади.

Халқимизда “янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг — бошпанасиз қоласиз”, деган нақл бор. Унда республика аҳолисининг руҳияти тўла акс этган. Шунини ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш андозасига босқичма-босқич эволюцион йўл билан ўтиш асос қилиб олинган. Бозор иқтисодиёти томон сакрашларсиз, инқилобий ўзгартиришлар йўли билан эмас, балки изчиллик билан босқичма-босқич бориш керак. Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш йўлининг ўзига хос хусусияти ҳам шунда. Бир босқични тугаллаб, зарур шарт-шароитни яратиб, шундан кейингина янги босқичга ўтилади. Ҳар бир босқичда унинг ўзига хос устуворликларни шаклланади, уларни таъминлаш воситалари такомиллашади. Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши унда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга, ташқи омилларнинг нечоғлик қулайлигига, аҳолининг фидокорона меҳнатига боғлиқдир.

Ташкилий, иқтисодий, молиявий-кредит тизимларини ўзгартириш, тегишли ҳуқуқий асосни, бозорнинг инфраструктурасини барпо этиш, ходимларни тайёрлаш учун вақт керак. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва қайта жиҳозлаш учун талаб қилинадиган технологик вақт омилини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ниҳоят, талаб ва тақлифнинг мутаносиблигига

асосланган қонунлар амал қила бошлагунга қадар эски тасаввурлар ва нормаларни ўзгартириш учун ҳам вақт керак бўлади.

Кишиларнинг тафаккурини, одат тусига кирган қондаларни ўзгартириш жуда муҳимдир. Ҳар бир босқичда кишиларнинг тафаккурини ўзгаришларни қабул қилишга тайёрлаб, уларни амалий ишлар билан янги тузумнинг афзаллигига ишонтириб, бошқа мамлакатларда юз йиллар давомида барпо этилган қадриятларга эришиш мумкин.

Зарур шарт-шароитларни яратмай туриб, одамларни уларнинг турмуш шароитидаги катта ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, бозор муносабатларини сунъий равишда тикиштириш ва тезлаштириш кутилган натижани бериши у ёқда турсин, бозор иқтисодиётини қуриш ғоясининг ўзини ҳам бадном қилиб қўйиши мумкин.

Шу билан бир вақтда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда сусткашлик қилиш, тегишли қарорларни вақтида қабул қилмаслик иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги шундоқ ҳам қийин аҳволни янада оғирлаштириб қўйиши мумкин.

Бозор муносабатларига хос бўлган руҳият, дунёқараш шаклланиб, одамлар шунга мувофиқ равишда иш тута бошлаган тақдирдагина бозор иқтисодиёти воқеликка айланади. Шу сабабли энг асосий вазифа — ижтимоий ларзаларсиз, одамларнинг қашшоқлашувига йўл қўймаган ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўта боришдан иборат.

VI

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

Ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли равишда ҳуқуқий жиҳатдан таъминламасдан туриб бундай хўжаликни шакллан-

тиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга таяниши билан маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан фарқ қилади. Бозор муносабатларининг бутун механизми давлат томонидан кўрсатиладиган ва қонун билан мустаҳкамланадиган бозор шарт-шароитлари доирасидагина амалга оширилади.

Бозор муносабатлари — ўзини ўзи бошқарадиган тизимдир. У қайтма алоқага асосланган ҳамда бошбошдоқликка ва ҳаддан ошишларга, бозор ғоясининг ўзини обрўсизлантиришга йўл қўймайдиган муайян қоидаларга бўйсунди. Бозор қоидалари минг йиллар мобайнида яратилгандир. Улар тараққий этган барча мамлакатларнинг фуқаролик қонунчилигига ва суд амалиётига асос бўлган.

Турли мамлакатлар қонунчилигида қабул қилинган ҳуқуқий шакллар, восита ва услублар хилма-хил бўлгани ҳолда, бозор муносабатлари ривожланиши билан боғлиқ равишда қонун ва юридик амалиётга муттасил ўзгартиришлар киритилгани ҳолда умумий қоидалар ўзгаришсиз қолади, чунки бозор талаблари объектив равишда шуни тақозо этади.

Жаҳон хўжалик алоқаларига кўшилишнинг асосий шarti сифатида умум қабул қилинган норма ва қоидаларга кўпроқ яқинлашишга интилан ҳолда, республиканинг ўз ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда унинг ижтимоий-иқтисодий ва миллий ўзига хос хусусиятлари иложи борича тўла ҳисобга олинishi керак. Шу билан бирга янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида аҳолининг кундалик турмушига сингиб кетган халқ анъаналари, урф-одатлари, шахслараро ва миллатлараро муомала ҳамда диний эътиқодларнинг асрий тарихидан мерос қилиб олинган, умуминсоний қадриятларга, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зид бўлмаган ахлоқий нормалар албатта акс эттирилиши керак.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонуinchилик асосини яратиш — бу фақат ўтиш даври-нинг мажбурий шартигина бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳам-дир.✓

Бозор механизмига мос келадиган ҳуқуқий асос-ни шакллантириш — бу узоқ давом этадиган, мурак-каб ва мутгасил такомиллаштириб бориладиган жа-раён-дир. Аслида янги ҳуқуқий тизимни ишлаб чи-қишга тўғри келади. Унинг ўзагини Асосий Қонун — республика Конституцияси ташкил этади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг хатти-ҳаракатларини тар-тибга солиб борувчи қонунларнинг стуклиги ва бар-қарорлиги, уларни амалга оширишнинг пухта меха-низми мавжуд бўлиши — бу иқтисодий ислоҳотлар йўлидан муваффақиятли олға боришнинг зарур шар-тидир. Қонунчилик фақат бозор муносабатлари қат-нашчилари таркибини аниқлабгина қолмай, балки уларни қарорлар қабул қилишга ва натижалар учун, белгиланган қондаларга риоя этилиши учун жавоб беришга ҳуқуқий жиҳатдан мажбур этади.

Ҳозирги вақтда иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратувчи бир қатор асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунинг-дек, қонунларнинг бутун бир тўплами ҳам қабул қилинди, жумладан уларнинг асосийлари мулкчилик, корхоналар, тадбиркорлик, банклар ва банк фаоли-яти, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олин-адиган солиқлар, ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестициялари, валютани тартибга солиш тўғри-сидаги ва бошқа қонунлардир. Мазкур қонун ҳуж-жатларида мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқчилиги, мулк эгаси ҳуқуқининг кафолати ва қимояланганлиги, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклда кўжалик юритувчи субъектларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизми, ташқи иқтисодий

фаолиятни ташкил этиш принциплари ва тизими каби нормалар ўз аксини топган.

Бозорни янада ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий таъминланишини мустаҳкамлаш мақсадида амалдаги қонунларни, уларни қўлланиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда муттасил тўлдириб бориш, бозор муносабатларининг фаолият соҳасини кенгайтирувчи ва уларни мустаҳкамловчи янги ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарур. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак.

Бозорнинг муайян тизимга солиниши уни шу тариха ҳуқуқий таъминлашнинг энг муҳим шартидир. Қабул қилинадиган қонунлар ва қонунчиликка оид ҳужжатлар ўзаро боғланган бўлиши ва ижтимоий йўналтирилган яхлит бозор механизмнинг ҳуқуқий тизимини жадаллик билан яратишга кўмаклашиши керак. Ушбу вазифаларни бажаришда товар-бозор муносабатларининг юридик асоси алоҳида олинган иқтисодий қонунлар ёки ҳаттоки уларнинг йиғиндиси эмас, балки умуман бозор ҳуқуқи эканлигидан келиб чиқиш зарур. Бозор қонунлари тўпламининг барча таркибий қисмлари ўзаро боғланган бўлиши ҳамда хусусий ҳуқуқ нормаларига таянувчи бозор муносабатларининг бутун тизимини бирлаштиришга ва унинг ички уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи фуқаролик кодекси асосида қурилган бўлиши керак.

Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва кейинчалик кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлашга қабул қилиш танлов асосида бўлишини, билимдон экспертлар, шу жумладан, халқаро экспертлар уларни кўриб чиқишини, оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилишни қоида тусига киритиш керак.

Шу билан бирга қонун ҳужжатлари бевосита таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиши керак, амалиётда

пайдо бўладиган ҳар қандай масалаларни ҳуқуқий тизим қоидаларига мувофиқ ҳал қилишга имкон бериш зарур. Бунинг учун қонунлар пишиқ-пукта бўлиши, яъни масала ҳал этиш учун ижрочиларга оширилганда ва кўпинча бир-бирига зид бўлган норматив ҳужжатлар ва йўриқномалар билан чеклаб қўйилганда сансалорликни имкони борича камайтириши керак. Ижроия органлари қонунларга кўшимча эмас, балки бу қонунларнинг ижросига оид ҳужжатларни қабул қилишлари керак.

Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, қонунларни ҳаётга изчил жорий қилиш, барча ҳўжалик субъектларининг юридик нормалар ва қоидаларига қатъий амал қилишларини таъминлаш маданий-маърифий бозорни шакллантиришнинг мажбурий шартидир.

Ушуб сабабли қонунга бўйсуниб бозор муносабатларига ўтишнинг барча амал қилиши керак бўлган етакчи принципларидан биридир. Ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатдир.

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмас экан, ҳуқуқий давлат куришни тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисодий фаолиятнинг, тadbиркорлик ва меҳнатнинг давлат томонидан кафолатланган эркинлиги, мулкчиликнинг барча шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий ҳимояланганлиги қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантанасининг энг муҳим омилидир.

Қонуннинг устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутати. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсуниб мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шунин билдирадики.

асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади.

Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро ҳуқуқий нормалар одамлар онгига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

VII

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ — ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРТИРИШЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсатни ўтказишдир. Қолган барча қоидалар ижтимоий вазифаларни ҳал этишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қатъий кафолатни вужудга келтиришга бўйсундирилган.

Бозор иқтисодиётини барпо этиш бирдан-бир мақсад эмас. Барча ислоҳотлар — иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Шу сабабли жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга

Ўтишида бизга ислоҳот чоғида одамлар моддий аҳволи кескин ёмонлашадиган, ахлоқий қадриятлар, маънавий таянчлар барбод бўладиган, ўтиш даврининг барча қийинчиликлари аҳоли елкасига тушадиган андоза мақбул эмас. Давлатнинг фаол ислоҳотчилик мавқеида бутун диққат-эътиборни иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибга риоя қилишга, эски иқтисодий муносабатларни бозор муносабатларига айлантиришга қаратиш ижтимоий барқарорлик учун мустаҳкам негизни вужудга келтиради.

Ўз навбатида, аҳолининг энг камбағал, муҳтож табақаларига вақтида мадад бериш, ҳуқуқролар осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш учун кафолат бўлиб хизмат қилади. Бошланган покланиш жараёнини тоталитар режим, одамларни маъмурий ва мафкуравий жиҳатдан қул қилиш сари буриб юборишга йўл қўймайдиган ижтимоий таянч бўлади. Шу боисдан бозор муносабатларини жорий этишдан аввал одамларни олдиндан кучли даражада ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилиши керак.

Швеция, Германия, Австрия ва бошқа ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаси одамлар ижтимоий ҳимояланган ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан воситаси мавжуд бўлган тақдирдагина бозор иқтисодиёти сари жадал ҳаракатни таъминлаш, таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш ва, айни пайтда, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш сира кечиктириб бўлмайдиган, энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қондаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бозор муносабатларига ўтишни жадаллаштириш даврида фаол ижти-

мой сийёсатни кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қаторига қўйиш бир қанча омиллар билан боғлиқ.

Биринчидан, республикада бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни жуда ноқулай ижтимоий шароитда бошланди. Ўзбекистон бошқа мустақил республикалардан фарқли равишда, туб иқтисодий ислохотларни аҳолининг турмуш даражаси жуда паст бўлган шароитда ўтказишга мажбур бўлмоқда. Республика аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳақиқий даромад, ўртача ойлик иш ҳақи ва пенсиялар миқдори жиҳатидан, озиқ-овқат маҳсулотлари, ашёвий буюмлар билан таъминланиш, пулли хизмат, уй-жой майдони, ижтимоий-маданий муассасалар тармоғи жиҳатидан энг сўнгги ўринлардан бирида эди. Аҳолининг мутлақ кўпчилиги қашшоқликда кун кечираётган эди. Аҳолининг демографик таркиби боқимандаларнинг сони кўп бўлишини олдиндан белгилаб қўйган эди. Республика аҳолисининг деярли тўртдан уч қисми ўзининг энг зарурий эҳтиёжларини ҳам қондиришга қодир эмасди, давлатнинг мададига муҳтож эди. Буларнинг ҳаммаси биргаликда ислохот йўлидаги ҳар бир қадамни аҳоли қандай кутиб олишини назарда тутишни, зарур ҳолларда эса, ана шундай қадамни қўйишдан олдин, аҳолининг қашшоқ табақаларини ҳамда маълум миқдорда даромад оладиган шахсларни олдиндан ҳимоялаш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўришни талаб қилар эди. Бундай шароитда кучли ижтимоий кафолатни вужудга келтирмай туриб ўтказилган ислохот барбод бўлиши муқаррар эди.

Иккинчидан, олдинги тақсимлаш тизими муносабатларининг барча иллатларини одамларга сингиб кетган бир текисчилик психологиясини таг-томири билан тугатиш қатъий заруратдир. Собиқ республикалардаги ислохотларнинг мураккаблиги шундаки, одамларда бир неча авлод давомида тарбияланган меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартириш қийин. Ўз

вақтида одамларнинг онгига зўр бериб сингдирилган ақидаларга мос маълум тафаккур вужудга келган ва уларни тугатиш ниҳоятда мушкулдир.

Инсоннинг жамиятдаги ўз ўрни ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиши, у ўзини кичкина одам, унинг учун ҳамма муаммони давлат ҳал қилади, деб ҳисоблаши — ўтмишдан қолган асосий меросдир. Бизда одамлар шундай тарбияланган, бу уларнинг айби эмас, ҳамма иллат шундаки, одамларимиз улар учун кимлардир ўйлайди, деб ҳисоблашади. Давлат ва ҳукумат, корхона ва хўжалик бор экан, улар ҳаммасини ўйлайди ва бизни кулфатда қолдирмайди, деб ҳисоблайдилар. Пировард натижада шундай муносабат вужудга келдики, меҳнат омиллари мутлақ йўқ бўлиб кетиб, инсон табиатидаги улкан салоҳият барҳам топади. Энг ачинарлиси шундаки, ўз фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини, самарали ва натижадор меҳнати билан муносиб турмуш шароитини таъминлаши мумкинлигини тушуниб етиш амримаҳол бўлиб қолди. Бундай шароитда одамлар ўз имкониятини ишга солмайди, балки юлғичлик, меҳнатсиз даромад олиш, ижтимоий тўловлардан текинга фойдаланиш ҳисобига яхши турмушни таъминлашнинг номақбул йўлларини топишга уринади. Бир текисчилик юз бераётганини ва ўз меҳнати муносиб баҳоланмаганини кўрган одам эса ранжийди, унинг тафаккури ўзгаради.

Ўтмишдан қолган мероснинг нуқсони яна шундаки, давлат бой бўлса оила ҳам, ҳар бир инсон ҳам бадавлат бўлса бўлади-ю, бироқ бунинг акси бўлмайди, деб ҳисоблаб келинган. Бундай шароитда ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг самарадор бўлишига умид қилиш қийин эди. Бундай дунёқарашнинг энг ачинарли томони шундаки, давлатимиз бой — бизни оч

қолдирмайди, деган гаплар ҳаётимизга сингиб кетган эди.

Учинчидан, замонавий бозор муносабатларининг табиати иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий йўналишини кучайтиришни тақозо этади. Чунки бозор муносабатлари бозорни моллар ва хизматлар билан тўлдириш орқали ҳар бир кишининг ва жамиятнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Ижтимоий йўналишдаги ўз бозор иқтисодиёtimиз йўлини вужудга келтириш ижтимоий ҳимоялашнинг шунга мос келадиган яхлит тизимини барпо этишни талаб қилади. Бу тизим фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашнинг иқтисодий ва ижтимоий кафолатларини ўз ичига олиши лозим.

Бозор томон ҳаракат қилинган сари, ижтимоий сиёсатнинг устувор жиҳатлари, аҳолига ижтимоий мадад бериш ва уни ҳимоя қилиш чоралари ҳам ўзгара боради. **Ислохотнинг турли босқичларига ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос қондалари мос келади.**

Масалан, бозор муносабатларини вужудга келтиришнинг дастлабки босқичида улгуржи ва чакана нархларнинг анчагина қисми эркин тус олади. Бундай шароитда пулнинг қадрсизланиши кучаяди, иқтисодиёт бир текис ишлай олмайди. Бу даврга асосий вазифаси бутун аҳолининг ҳаётини таъминлайдиган амалдаги тизимни сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлашдан, аҳолининг моддий аҳволи кескин ёмонлашиб, оммавий равишда қашшоқлашишига, умумий ишсизликка йўл қўймасликдан иборат бўлган ижтимоий сиёсат мос келади.

Бу босқичда ижтимоий ҳимоялаш чоралари асосан товон тўлаш вазифасини бажарди. Асосий эътибор ҳаётий зарур озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси пасайишига йўл қўймасликка, керакли ашёвий молларнинг камайтирилмаслигига,

уларни бемалол харид қилиш кафолатини вужудга келтиришга, валютанинг кўп кириб келиши натижасида ички бозорнинг барбод бўлишига йўл қўймасликка, аҳолининг даромадлари ва нарх-наво даражасини бошқа мустақил республикалардаги даражага босқичма-босқич тенглаштириб боришни таъминлашга қаратилди.

Аҳолининг энг кам даромадли табақаларига — ногиронларга, нафақадорларга, кўп болали ва камбағал оилаларга, ўқувчи ёшларга, яъни энг қийин аҳволга тушиб қолган одамларга амалий ёрдам кўрсатиш ижтимоий ҳимоялаш тизимининг асосий йўналиши бўлди. Шу мақсадда аҳолининг мазкур тоифалари учун кундалик зарур молларни сотиб олишда, коммунал ва транспорт хизматига ҳақ тўлашда қўшимча имтиёзлар жорий этилди. Пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдори анча оширилди. Ҳозир республикада 16 ёшгача бўлган болаларга нафақа тўлаш тизими амал қилмоқда. Икки ёшгача бўлган гўдаклар ҳамда камқонлик касалига учраган ҳомиладор аёлларнинг бепул овқатланиши ташкил этилди. Умумий таълим мактабларида бошланғич синфларнинг ўқувчиларига бепул нонушта берилди. Мактаб ўқувчилари ва талабалар тушлик овқати қийматининг 50 фоизи чегириб ташланди.

Нарх-навонинг ўсиши муносабати билан иш ҳақининг миқдорини қайта кўриб чиқишни ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари қаторига киритиш зарур. 1991 йилдан бошлаб иш ҳақини ошириш тўғрисида еттига ҳужжат қабул қилинди. Шу мақсадларга ярим триллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. 1993 йилнинг январидан бошлаб республикада барча ходимлар учун ягона тариф жадвали жорий этилди. Бу эса жами ҳақ тўлаш тизимини тартибга солиб, турли касбдаги ва тоифадаги ходимлар иш ҳақи фарқларида ҳолисона нисбатни вужудга

келтирибгина қолмай, шу билан бирга меҳнатга ҳақ тўлашни энг кам миқдордаги иш ҳақи билан қатъий боғлашга имкон берди. Мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналарда иш ҳақининг энг кам миқдорини пулнинг қадрсизланиши даражасига қараб қайта кўриб чиқиш орқали ҳамма тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳақи мунтазам оширилмоқда. Ягона тариф жадвали жорий этилгач, аҳолининг ижтимоий кафолатлари, аввало меҳнатга ҳақ тўлашнинг кафолати даражаси мустаҳкамланади.

Республика четдан сотиб оладиган ва бунинг учун бюджетдан маблағ ажратиладиган энг муҳим озиқовқат турларини белгиланган миқдорда сотишнинг жорий этилиши, шунингдек, бошқа молларни купонлар, чекларга сотиш жорий этилиб, нисбатан арзон молларнинг республикадан ташқарига олиб кетилиши имкониятининг чеклаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Вақтинча иш билан таъминланмаган шахсларга ижтимоий мадад беришга катта эътибор қаратилди. Иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунга мувофиқ ишсизларга махсус нафақа тўланди, уларни қайта ўқитиш ва янги касбларга ўргатиш ташкил этилди. Ҳозир меҳнат бозорини тартибга солишнинг республика тизимини барпо этиш асосан тугалланди. Давлат иш билан таъминлаш хизмати ташкил этилди. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялашга кўмаклашувчи жамғарма барпо этилди. Шаҳарларда ва дҳманларда 220 та меҳнат биржаси ишлаб турибди.

Бюджетдаги камомадга қарамай, ижтимоий соҳанинг энг муҳим тармоқлари бўлмиш соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия ва маданиятнинг моддий базасини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган ижтимоий сиёсат ўз олдига қўйилган барча вазифаларни тўла-тўқис бажарди. Республикада эркин нархга ўтиш амалда тугалланди ва бу ўтиш аҳоли учун “шок терапияси”га нисбатан камроқ ижтимоий ларзалар билан кечди. Ҳозирги вақтда республика аҳолиси ижтимоий жиҳатдан ишончли равишда ҳимоя қилинган бўлиб, даромадлар миқдори, асосий истеъмол нсъматлари ва хизматлардан фойдаланиш даражаси жиҳатидан бошқа республикаларга анча тенглашиб қолди, баъзи жиҳатлардан эса ўзиб ҳам кетди. Ўзбекистонда иш ҳақининг ва пенсияларнинг энг кам миқдори бошқа республикаларга нисбатан энг юқори даражалардан бирида турибди.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда сифат жиҳатидан янги босқич, яъни ижтимоий ҳимоялаш воситасини чуқурлаштириш, уни ўзгартириб бораётган шароитларга мослаштириш зарурати чинакам етилди. Ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари бутун аҳолига эмас, балки фақат шундай ҳимояга ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлганларга нисбатан қўлланилиши лозим. Бутун тизими бир текисчилик ва тайёрга айёрлик кайфиятини тугатишга қаратилган бўлиши керак. Бу нарса ижтимоий ҳимоянинг мавжуд усуллари, уларни молиявий таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Шундай бир восита зарурки, бунда аҳолининг турмуш даражаси ишончли равишда ҳимоя қилинган, турли хил ағдар-тўнтарлар ва ларзалар таъсиридан кафолатланган бўлиши лозим.

Ижтимоий сиёсат ва уни рўёбга чиқариш чора-тадбирлари умуман иқтисодий ислоҳотлар билан шунчаки қўшиб олиб борилмасдан, балки уларнинг узвий таркибий қисми бўлиши ҳам керак. Республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш, мавжуд им-

кониятлар ва стратегик мақсадларни эътиборга олган ҳолда, ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётига хос ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг ягона тизимини шакллантиришга қаратилиши лозим.

Энг аввало, бундан буён аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, қолаверса, умуман одамларнинг фаровонлигини таъминлаш борасидаги тadbирлар амалга ошириладиган манбалар масаласини яхшилаб ўйлаб кўриш зарур. Ижтимоий ҳимояда қатнашувчи асосий субъектларнинг мавқеини тубдан ўзгартириш талаб қилинади. Аслини олганда, сўнгги вақтгача давлат ижтимоий муҳофазанинг асосий субъекти бўлиб келди. У даромадларнинг бир қисмини марказлаштирилган тартибда ижтимоий эҳтиёжлар учун қайта тақсимлар эди. Бозор муносабатларига ўта борилгани, меҳнаткашларнинг ўзларига ва хўжалик юритувчи субъектларга кўпроқ иқтисодий эркинликлар берила борилгани сари давлат ижтимоий муҳофазага оид ваколатларни муқобил тузилмаларга топшириши лозим.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, одамларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал қилишда давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоаларининг, жамоат ташкилотлари ва хайрия ташкилотларининг (“Наврўз”, “Маҳалла”, “Меҳр-шафқат” ҳамда бошқа хайрия жамғармаларининг) маблағлари фаол ишга солинмоғи керак. Ижтимоий ҳимоялаш давлатнинг ҳам, жамоат ташкилотларининг, турли хайрия жамғармаларининг ҳам асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Бунинг маъноси шуки, пенсия таъминоти, талабаларга, кўп болали ва муҳтож oilаларга ҳақ тўлаш тизимида уларнинг турмуш даражаси бюджет воситасида ва давлат кафолати йўли билан ҳам, шунингдек, турли хайрия жамғармалари, корхоналар, таш-

килотлар ва хўжаликларнинг жамғармалари орқали ҳам қўллаб-қувватланиши мустаҳкамлаб қўйилиши керак.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг психологиясини ўзгартириш жуда муҳимдир. У ижтимоий ҳимоялашнинг пассив объектдан, давлатнинг моддий ёрдамидан бевосита ва билвосита фойдаланувчидан ўз тақдирининг фаол соҳибига, ўзининг ижтимоий фаровонлиги учун масъул бўлган шахсга айланиши лозим. Аҳолининг меҳнат фаолиятини кучайтириш ҳисобига унинг якка тартибда ўзини ўзи ҳимоя қилиш воситалари тўла ишга солиниши керак.

Бозор муносабатларини шакллантиришнинг янги босқичида қуйидагилар ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Биринчидан, фуқароларнинг иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, касбкорни ва меҳнат соҳасини эркин танлаш бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш. Меҳнатга лаёқатли кишининг ўзи меҳнат фаолияти шаклини эркин танлаш ҳуқуқидан фойдалана бориб, ўзини ва ўз оиласини моддий жиҳатдан зарур даражада таъминлаши, оиласининг фаровонлиги учун, соғлом авлодни камол топтириш учун жавобгар бўлиши керак. Ижтимоий сиёсат, уни рўёбга чиқариш воситалари одамларнинг меҳнатдаги фаоллиги ва тадбиркорлигини ошириш учун шарт-шароит вужудга келтиришга қаратилмоғи лозим.

Иккинчидан, ижтимоий ҳимоялаш аниқ мақсадни кўзлаган ва ўз эгасига йўналтирилган бўлиши керак. Аҳолининг турли қатламларига алоҳида-алоҳида ёндашиш — ижтимоий муҳофаза янги тизимнинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоғи лозим.

Бу борада, аввало, асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нарҳларига дотация беришдан воз кечиш талаб этилади. Мавжуд тизимда давлат бюджетдан

ажратаётган жуда катта маблағлар унга ҳаммадан кўра кўпроқ муҳтож бўлганларгагина етиб бормасдан, балки бутун аҳоли ўртасида тарқалиб кетмоқда. Бу ҳолда ижтимоий ҳимоялаш тадбирининг самараси кўзга кўринмай қолади.

Ҳозир нархларга бериладиган дотация ҳаммага баробар бўлиб, улар аҳолининг муайян қатламларига қаратилмаган, меҳнат натижалари билан боғланмаган, ялпи хайрия тусидадир. Бундай дотациялар бюджетга оғир юк бўлиб тушмоқда. Нархларга бериладиган дотация иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг фаолиятини рағбатлантирмаслиги эътиборга олинса, дотация аҳолининг унга ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлган аниқ қатламига ижтимоий ёрдам тариқасида берилиши керак.

Маданий-маърифий мамлакатларда аҳолининг баъзи табақаларини ижтимоий ҳимоялаш бошқача йўл билан амалга оширилади. Бу мамлакатларда нархнаво асосан тутиб турилмайди, назорат қилинмайди, балки эркин қилиб қўйилади. Муҳтожлар эса ёрдам оладилар. Шу сабабли, дотацияга ажратилаётган маблағлар муҳтожларнинг ўзига ёрдам тарзида берилиши лозим.

Келгусида биз босқичма-босқич эркин нархларга ўтамиз. Бунда ҳар бир кам таъминланган оиллага коммунал хизмат ҳақини тўлаш, товар сотиб олиш учун ёрдам бериб борилади.

Учинчидан, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақалари ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш аввалгидек ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиб қолаверади, бироқ у маълум йўналишдаги сиёсат тусини олиши лозим.

Тўртинчидан, иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолига келганда шунини айтиш керакки, унинг учун давлат меҳнатни рағбатлантиришнинг кучли воситасини жорий этиш ҳисобига бу табақанинг меҳнат ва ижо-

дий имкониятини тўлиқ даражада рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиб бериши керак. Ходимлар бир текисчиликни келтириб чиқарадиган идора қондаси бўйича эмас, балки меҳнатига қараб тақдирланиши лозим. Меҳнаткаш ўз малакасига, ишининг сифатига яраша маош олиши керак. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш зарур. Меҳнатдан манфаатдорликни кучайтириш, меҳнат ҳақи, уни табақалаштириш даражаси меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ўстириш билан чамбарчас боғлиқлиги масалаларини юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш зарур. Рублнинг харид қуввати ва қадри тушиб кетаётганлиги сабабли шу вақтга қадар ушбу муаммони ҳал этиш мушкул эди. Молиявий аҳвол барқарорлашган шароитдагина уни ҳал қилиш мумкин.

Дотация эмас, балки эркин ҳаракат қилиш имкониятини бериш пайти келди. Ҳар бир корхона мустақил хўжалик фаолияти натижасида ўз ходимларига меҳнатга яраша ҳақ тўлаш имкониятини топиши лозим.

Бешичидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чоратadbирлари тизимида реал меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишига ўз меҳнати билан оиласининг турмуш даражасини яхшилаш имконини берадиган шароитни яратиш асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Меҳнат бозори меҳнат ресурсларини ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни шакллантириш асосида, хўжалик юритиш соҳалари ва тармоқлари, машғулот турлари ва шакллари бўйича аниқ мақсадни кўзлаб тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси вазифасини бажариши лозим. Одамларнинг бир қисми ишсиз қолса, қашшоқлар кўпайиб кетади, деган нотўғри тасаввурдан халос бўлиш пайти келди. Меҳнат бозори бўлмаса, ишчи кучи товарга айлантирил-

маса, бозор муносабатлари тўғрисидаги гап-сўзлар оғизда қолиб кетади.

Кишиларнинг бир қисмини моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги, айниқса, яширин ишсизлик мавжуд бўлган, меҳнат фаоллигини намоён қилиш имконини бермаётган қишлоқ хўжалигидаги ишдан озод қилиш зарур. Бизда хизмат кўрсатиш соҳаси амалда ривожланмаган, бу соҳа барча эркин меҳнат ресурсларини қамраб олиши мумкин.

Олтинчидан, бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек илм-фан айниқса мушқул аҳволга тушиб қолади. Биз учун маънавият, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устувор вазифа бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам биз халқнинг маънавиятига зарар етказган ҳолда маблағни тежай олмаймиз. Ҳозирги мураккаб даврда мазкур тармоқларни ишончли тарзда қўллаб-қувватлаш, уларда ишловчи кишиларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ижодий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш талаб қилинади.

Биз, янги уй қурмай туриб, эскисини бузмайлик, деганимизда барпо этилаётган янги жамият учун эски тизимнинг фойдали жиҳатларини сақлаб қолиш зарурлигини назарда тутамиз. Жумладан, бу гап ижтимоий соҳамизга тааллуқлидир. Соғлиқни сақлаш, маданият, маориф соҳаларимизда ҳам гоят катта ижобий тажриба тўпланган. Бошқа мамлакатлар учун намуна бўла оладиган ютуқларимиз бор. Мана шу ютуқлардан воз кечишнинг, ташқаридан киритилган ижтимоий андозаларни кўр-кўрона кўчиришнинг мутлақо ҳожати йўқ. Бутун ижтимоий соҳани тубдан ислоҳ қилиш, унинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш,

ижтимоий тармоқлар мажмуи ходимларининг касб маҳоратини ҳамда меҳнати самарадорлигини ошириш учун қудратли иқтисодий омилларни вужудга келтириш ва шу асосда аҳолини ижтимоий хизматлар билан таъминлашни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш зарур эканлиги шубҳасиздир.

Ижтимоий хизматни ташкил этишнинг бутун дунёда қабул қилинган икки бўғинли тизимга ўтиш зарур, бу тизим пул билан аралаш тарзда таъминлашга асосланади. Бундай тизимда давлат ҳар бир кишига белгиланган энг оз миқдор доирасида малакали ижтимоий хизмат кўрсатиш таъминланишини кафолатлайди. Кўшимча хизматлардан эса фуқаролар ўз маблағлари — даромадлари, жамғармалари, суғурта тўловлари ва аниқ мақсадга қаратилган давлат қарзлари ҳисобига фойдаланишлари лозим.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотнинг асосий йўналишлари фуқароларга бепул давлат тиббий хизмати кўрсатишнинг ва шошилишч ёрдам беришнинг кафолатланган минимумини сақлаб қолган ҳолда фуқароларни тиббий суғурта қилишни жорий этиш ва тиббий муассасалар ишини бюджет-суғурта принципига ўтказиш билан боғлиқ бўлиши керак.

Таълим соҳасида ўтиш даврида умумий ва касб таълими сифатининг давлат стандартини, таълим соҳасида молиявий маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш, улардан кимлар фойдаланишини аниқ белгилаш, давлатдан ташқари таълим тузилмаларини ривожлантириш вазифаси биринчи ўринга чиқмоқда.

Илмий ва маданий соҳадаги мавжуд имкониятларни сақлаб қолиш, қайта тиклаш, кўпайтириш мақсадида бундан буён ҳам фундаментал фаннинг, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустақкамлашга, ақлий ва ижодий меҳнат ходимларининг обрўйини

оширишга давлат томонидан зарур маблағлар ажратилаверади.

Бозор муносабатларига ўтишнинг бошқа принципларини амалга ошириш ҳам аҳолини ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоя қилиш дастурларини рўёбга чиқаришга батамом боғлиқдир. Самарали ижтимоий сиёсатни иқтисодиётни барқарорлаштириш, таркибий ўзгартиришлар, бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари билан уйғунлаштириб амалга ошириб борган тақдирдагина ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш мумкин. Пировард мақсад эса Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллионлаб оилаларнинг муносиб турмуш кечириши учун шароит вужудга келтиришдан иборатдир. Айни мана шу нарса оқибат натижада давлатнинг қудрати ва бойлигини, унинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлайди.

VIII

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ — ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ЯҚИНЛАШУВ ЙЎЛИДА

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ўз бозор иқтисодиёти андозасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустақкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш йўлларини белгилаш муҳим ўрин тутди.

Эндиликда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. Республикани жаҳондаги 150 га яқин мамлакат тан олди, 60 давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўзининг мустақил ташқи иқтисодий сиёсатини ўтказмоқда. Қуйидаги принциплар унга асос қилиб олинган:

— мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи муносабатларда ошкоралик;

— тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

— ўзининг миллий-давлат манфаатлари устуворлигида ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш; республика бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига кирмаслиги даркор;

— тўла ишонч, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама ташқи алоқалар ўрнатиш ва уларни ривожлантириш;

— умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ва халқаро тартибларга изчиллик билан ўтиш.

Республика ташқи сиёсатининг ошкоралиги принципини амалга ошириш барча тинчликсевар давлатлар билан дўстона муносабатларни мустақамлашга имкон беради. Мафкуравий омиллардан қатъи назар, мана шу принципга риоя қилинса, қисқа муддатлар ичида зурур бўлган жуда кенг ташқи алоқаларни йўлга қўйиш, ташқи дунёдан юз йилдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолиш оқибатларидан халос бўлиш имконияти очилади.

Шундай бир ғайритабiiй вазият вужудга келиб қолган эдики, республика умуман “очиқ” иқтисодиётга эга бўла туриб, ситиштирилган маҳсулотнинг 30 фоизига яқини ташқарига олиб чиқиб кетилишига, истеъмол қилинадиган молларнинг 65 фоизи четдан олиб келинишига қарамай, амалда ёпиқ мамлакат бўлиб қолаверди. У жаҳон бозорига тўғридан-тўғри чиқа олмасди ва унинг барча ташқи алоқалари собиқ Иттифоқ ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши чегараларидан нарига ўтмасди. Масалан, Ўзбекистон ташқи савдо муносабатларининг 83 фоизидан зиёдроғи Иттифоқ республикалари билан савдо-со-

гиқ ҳиссасига тўғри келар эди. Бунда республиканинг экспорт бойлиги (пахта, олтин, рангли металллар, газ ва бошқалар)дан Марказ аёвсиз ва текин фойдаланиб келди.

Бутун ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишни тубдан ислоҳ қилиш зарур. Умуман бу фаолият жиддий равишда эркинлаштирилиши, яна ҳам очиқроқ бўлиши, аммо Ўзбекистоннинг манфаатларига зиён етказмаслиги керак. Бутун ташқи иқтисодий сиёсат республиканинг жаҳон бозоридаги мавқеларини мустаҳкамлашга, унинг тўлов балансини кучайтиришга, қулай инвестиция муҳитини вужудга келтиришга қаратилиши лозим. Бунинг учун республикада зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Ўзбекистоннинг Марказий Евроосиёнинг энг муҳим йўллари туташган чорраҳада жойлашганиги тарихнинг инъомидир. Бу ҳол Евроосиё иқтисодий ва маданий кўпригини ўрнатишни энг яқин ва олис истиқболда бутун ташқи иқтисодий фаолиятнинг бош йўли сифатида олға суриш имконини беради. Унинг доирасида моллар, технологиялар, сармоялар, маданий қадриятларнинг ҳаракати ва уларни айирбошлаш учун қулай шарт-шароит вужудга келтирилиши мумкин.

Ўзбекистон ривожланиш ва тараққиёт йўлига қадам қўйиб, иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолмоқда. Қисқа вақт ичида республика Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро электр-алоқа уюшмаси, Осие ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ҳамдўстликнинг минтақавий иқтисодий ташкилоти, Божхона ҳамдўстлиги кенгаши ва бошқа шу каби машҳур халқаро иқтисодий ҳамда молиявий

ташкilotларга қабул қилинди. Республиканинг ЮНЕСКОга, Атом энергиясини назорат қилиш халқаро ташкilotига, Савдо ва тарификация бўйича бош уюшма (ГАТТ)га ҳамда бошқа ташкilotларга аъзо бўлиб кириши учун фаол тайёргарлик кўрилмоқда.

Республиканинг халқаро ташкilotлар фаолиятида иштирок этиши унинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий соҳада яқинлашувига асос бўлиб хизмат қилади, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига бирлашиши учун янги истиқболлар очади. Кучларни ва шерик бўлган мамлакатларнинг ресурсларини сафарбар этган ҳолда мана шу иштирок бир қанча жуда катта миллатлараро лойиҳаларни биргаликда рўёбга чиқариш, минтақалараро муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Жумладан, Ўзбекистон денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмайди, бу эса ташқи иқтисодий фаолиятнинг имкониятларини анча чеклаб қўяди. Шу боисдан халқаро алоқаларни бундан буён ривожлантириш учун ташқи ҳаво кўприklarини йўлга қўйиш билан бир қаторда республиканинг давлатлараро автомобиль ва темир йўл магистраллари қурилишида иштирок этиши жуда катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Ана шу магистраллар Ҳинд ва Тинч океанларидаги, Қора денгиз ва Ўрта денгиздаги, Форс кўрфазидаги катта портларга чиқишни таъминлайди.

Телекоммуникация алоқаларини ривожлантириш, компьютер ва йўлдош алоқаси воситаларидан кенг қўламда фойдаланиш, шунингдек, маданият ва маънавий турмуш соҳаларида ўзаро яқин мулоқотлар ҳам кўп жиҳатдан ташқи алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Ташқи иқтисодий соҳа тармоқлари мажмуини вужудга келтирмасдан, молня, банк-кредит ташкilotлари, божхона хизмати ишини халқаро стандартлар ва талаблар даражасида йўлга қўймасдан туриб, халқаро

алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ишда, шунингдек, мазкур муассасалар учун мутахассислар тайёрлашда, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлашда энг йирик халқаро ташкилотлар ва банклар томонидан бериладиган техникавий ёрдам катта аҳамиятга эгадир.

Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда қуйидаги йўналишлар устувор ҳисобланади.

Биринчидан, республиканинг экспорт қудратини ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш. Ривожланган экспорт қувватисиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ. Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга оид махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурати етилди.

Экспорт таркибини хом ашё бойликларидан то Ўзбекистон учун кўпроқ наф келтирадиган шакллар: қайта ишланган тайёр деҳқончилик маҳсулотлари, енгил саноат ва илм-фанга асосланган тармоқлар буюмларини экспортга чиқаришга қадар кенгайтириш лозим бўлади. Фақат хом ашёни экспорт қилиш тартибини сақлаб қолиш республика учун мақбул эмас. Пахтачи республикада тўқимачилик ва енгил саноатни қудратли даражада ривожлантириш учун зарур бўлган пайтгача ва айнан зарур миқдорда экспорт қилиш лозим. Пахта билан эмас, балки барча тараққий этган мамлакатлар сингари тайёр маҳсулот билан савдо қилиш зарур.

Республика ичкарасидагина эмас, балки аввало, жаҳон бозорида харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш асосий вазифа бўлмоғи даркор. Маҳсулоти ҳозирнинг ўзидаёқ жаҳон бозорида харидоргир бўлиб, яқин вақт ичида, икки-уч йил мобайнида сарфланган сармоя ўрнини қоплагина қолмай, балки республикага валюта тушумларининг барқарор манбаи бўлиб хизмат қила оладиган экспортга

йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқлари устувор даражада ривожлантирилиши керак.

Бу масалада икки қондага амал қилиш зарур. Биринчиси, биронта корхона, биронта идора агарда хорижий сармояни чет элга экспорт қилишини қатъий валюта ҳолида даромад келтириши мумкин бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфламас экан, бундай сармояни олмасликлари керак. Иккинчиси, чет эллардаги илғор фирмалар билан алоқа боғламаган биронта ҳам корхона бўлмаслиги лозим. Ўшандагина жаҳон бозори ва ривожланган мамлакатлар билан боғланган очиқ иқтисодийликни барпо этиш мумкин.

Айни пайтда таркибий қайта қуриш, аҳоли ҳаёт таъминотининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини ҳал этиш учун республиканинг қатъий валютага бўлган жуда катта талаб-эҳтиёжини эътиборга олганда муайян вақтгача пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, пилла, рангли металлар, карбонид ҳамда бошқа хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар асосий экспорт ресурслари бўлиб қолаверади.

Иккинчидан, экспорт имкониятини кенгайтириш, жаҳон бозорларига кириб бориш учун, аввало, қимматбаҳо хомашёни қайта ишлаш негизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи кўшма корхоналарни ривожлантириш зарур. Хорижий шериклар билан биргаликда замонавий ихчам корхоналар барпо этиб, уларни меҳнат ресурсларининг манбалари бўлмиш қишлоққа яқинлаштириш лозим. Одатда, уларнинг ҳаммаси илғор технология билан таъминланиши, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариши керак. Республиканинг ютуғи шунда бўладики, бир неча йилдан кейин республика замонавий технологияга, ўзагини туб миллатлар ташкил қиладиган замонавий ишчилар синфига эга бўлиб қолади. Ўзбекистонда маҳаллий хом ашёдан ўз ишлаб чиқариш базасида тайёрланган юқори сифатли моллар кўпаяди.

Учинчидан, экспортни кенгайтиришга қаратилган стратегияни фаол қўлланиш билан бир қаторда импортнинг салмоғини қисқартиришга қаратилган сиёсатни изчиллик билан ўтказиш, ўзимиз ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган товарлар ва маҳсулотларнинг четдан келтирилишини оқилона даражада камайтириш талаб қилинади. Импортнинг салмоғини қисқартиришга қаратилган дастур доирасида эътиборни озиқ-овқат маҳсулотлари ва ресурсларни четдан олиб келиш ўрнига серҳосил экин навлари уруғларини ва уларни етиштириш бўйича саноат технологиясини, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, деҳқончилик маҳсулотларини саноат усулида чуқур қайта ишлаш ва сақлаш учун замонавий ускуналарни, шунингдек фермер (деҳқон) хўжаликлари учун техникани четдан олиб келишга қаратиш зарур. Замонавий технология ускуналарини, илғор технологияни, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроолантириш учун лицензияларни импорт қилишга, шунингдек, ҳаётий муҳим истеъмол моллари, хом ашё ва дори-дармонларни харид қилишга ҳам асосий эътибор берилиши керак.

Тўртинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатишда, ўз маҳсулотини чет элларда сотишда кўпроқ эркинлик бериш, товарларни экспорт ва импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш. Ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш мақсадида ҳозирдаёқ четдан келтириляётган товарларнинг кўпгина турларидан олинадиган бож солиғи бекор қилинди. Импорт ва экспортга божхона солиқларининг миқдори анча пасайтирилди. Валюта тушумини тақсимлаш тизими тубдан ўзгартирилди.

Бешинчидан, хорижий сармояларни, асосан бево-сита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни рес-публика иқтисодиётига кенг кўламда жалб этиш учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш, қўшма корхо-налар ташкил қилишда кўмаклашиш, шунингдек сар-моядорларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Олтинчидан, ташқи иқтисодий фаолият таркибий қисмлари мажмуини — иқтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмаларини, ташқи алоқаларни ривожлантириш манфаатлари ва шартларига мос келадиган транспорт, алоқа ва ком-муникациялар тизимларини вужудга келтириш.

Еттинчидан, халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият, банк тизими, ҳисоб-китоб ва статистик ҳисобот соҳасида малакали кадрлар тайёрлашни таш-кил қилиш. Талабалар, аспирантларнинг, инженер-техник ходимлар ва мутахассисларнинг чет элларда-ги етакчи ўқув ва илмий марказларда, хорижий фир-малар, банклар ва компанияларда таълим олиши ҳамда малака оширишини ташкил қилиш учун бар-ча зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Бундан ташқари, республика фуқаролари ва юри-дик шахсларнинг ақлий мулкани ҳимоя қилиш учун ўзимизнинг патент-лицензия ишлари тизимини йўлга қўйиш, халқаро битимларга қўшилиш зарур. Маҳсу-лотни стандартлаш ва сертификатлаш халқаро тизи-мига изчиллик билан ўтиш ниҳоятда зарурдир.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг мана шу ва бош-қа йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон иқти-содиётининг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тезроқ бирлашиши учун иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни вужудга келтириш им-конини беради.

Маданий-маънавий соҳадаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ҳам иқтисодий соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатларнинг халқлари бир-бирларидан нечоғлик кўп хабардор бўлсалар, чет элларда Ўзбекистонни, республикада эса халқаро ҳаётни қанчалик яхшироқ билсалар, республика билан чет эл тadbirkorлари доираларининг вакиллари ўртасидаги мулоқотлар қанчалик фаол бўлса, иқтисодий алоқалар ҳам шу қадар кенг ва самарали бўлади. Жаҳон халқлари ҳар бир мамлакатнинг маданий, маънавий ва диний турмуш воқелиklarини қанчалик яхши англашса, улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар шу қадар самарали бўлади.

Чет мамлакатлар билан савдо, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистонда хорижий сармоя билан корхоналар барпо этиш, ёшларнинг жаҳондаги илғор ўқув ва илмий марказларда кенг кўламдаги таълимни ташкил қилиш — мана шуларнинг ҳаммаси республикада иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришнинг, жаҳон хўжалик алоқаларига киришнинг, жаҳон ҳамжамиятида тенг ҳуқуқли муносиб мавқега эришишнинг жуда кучли омилларидир.

IX

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИНГ АСОСИЙ УСТУВОРЛИКЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Объектив воқелик шундайки, республика барча етилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бирданга ҳал қилишга қодир эмас. Кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси иқтисодий ислоҳотлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида бир хил жадаллик билан амалга ошмаслигини кўрсатмоқда. Ресурслар чекланган шароитда ҳамма муаммоларни бир йўла ҳал қилишга уриниш ҳеч қандай самара бермайди.

Шу сабабли ислоҳот йўналишларини белгилаб олиш чоғида шундай асосий бўғинларни топиш муҳимки, уларга асосланиб жамики муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Республикада амалга оширилаётган туб бозор ислоҳотларимизнинг бутун дастури энг муҳим вазифаларни изчиллик билан ҳал этишга асосланган.

Бозор асосларини вужудга келтириш иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий вазифаси бўлиб, улар мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, бозор тuzилмаларини шакллантириш, молия ва банк тизimini қайта ташкил этиш, барча даражалардаги бошқарувнинг мутлақо янги тизимини барпо этиш каби энг муҳим жиҳатларни ўз ичига олади. Бу ҳақда юқорида гапириб ўтилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бутун занжирида аграр соҳадаги ўзгартиришларга ғоят катта аҳамият берилмоқда. Бу эса аҳолининг аксарияти қишлоқда яшashi, иқтисодиётнинг аграр-саноат тарзида эканлиги ҳамда ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал қилишда қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни билан боғлиқ. Ҳозир иқтисодиётнинг айна аграр соҳаси катта имкониятларга эга. Бу имкониятлардан фойдаланиб, аҳолини озиқ-овқат ва саноатни ҳам ашё билан таъминлашни яхшилабгина қолмай, республика қишлоқ аҳолисининг турмушини фаровон қилиш ҳам мумкин.

Қишлоқ — миллий даромаднинг жуда муҳим манбаи, валюта асосан қишлоқ хўжалиги ҳисобига олинади. Лекин энг муҳими — қишлоқ иқтисодиётда ва ижтимоий турмушда, бинобарин сиёсатда ҳам шундай бир бўғинки, шу бўғин орқали бутун республика фаровонлик ва тўқин-сочинликка эришади. Деҳқон бадавлат бўлса, бутун республика бадавлат бўлади. Ҳозир биз ҳаммамиз қишлоқ ҳисобидан яшаётганимизни тан олишимиз керак.

Сўнгги йилларда аграр соҳанинг иқтисодийдаги аҳамияти ҳисобга олиниб, унга эътибор кучайтирилмоқда. Қишлоқ хўжалик ходимларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини белгилашдаги номутаносибликни тугатиш мақсадида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари барча турларининг харид нархлари мунтазам ошириб борилмоқда. Чунончи, сўнгги уч йилда асосий маҳсулот — пахтанинг харид нархи кўп марта кўпайтирилди. Дон маҳсулотларининг нархи ҳам анча кўтарилди. Картошка, мева, сабзавот, чорва моллари ва парранда, сут ва тухум, қорақўл тери ва жуннинг харид нархлари ҳам оширилди. Бугунги кунда пахта ва ғалладан бўлак қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эркин нархларда сотилмоқда. Айни пайтда бозор муносабатларини ривожлантириш йўлига мувофиқ давлатга сотиш мажбурий бўлган қишлоқ хўжалик хом ашёси ва маҳсулотлари ҳажми анча қисқарди. Пахта, ғалла ва бошқа дон экинларига давлат буюртмаси 80 фоизгача камайди, давлатга сотилиши шарт бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка 50 фоиз даражасида сақлаб қолинди.

Сўнгги йилларда пахта майдонларини камайтириш ҳисобига шахсий ёрдамчи хўжаликларни ва деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш сиёсати ўтказилмоқда. Бу сиёсат қишлоқдаги оилаларнинг моддий аҳволини яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Аслида бу давлат ерларини деҳқонларга топшириш йўлидаги дастлабки қадамлар эди. 720 минг гектарга яқин унумдор ерлар деҳқонларга муддатсиз шахсий фойдаланиш учун топширилди. Сўнгги икки йилда бу ерларнинг умумий майдони икки баравар кўпайди. Республикада томорқаларнинг ўртача миқдори 1989 йилдаги 0,12 гектарга нисбатан 0,20 гектарни ташкил этмоқда, бир қанча вилоятларда эса

ҳар бир оиланинг томорқаси 0,25 гектардан ошиб кетди.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларини ва фермерларни чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга рағбатлантириш учун махсус қарорлар қабул қилинди. Бу қарорлар жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари зиммасига аҳолига чорва моллари ва парранда сотиш ҳамда уларни озуқа билан таъминлаш вазифасини юклади. Қишлоқда ишбилармонликни, фермер хўжаликларни ва кичик корхоналарни ривожлантиришга амалий-молиявий мадад бериш учун “Тадбиркор” деган махсус акционерлик тижорат банки тузилди. Бу банк асосан имтиёзли шартларда қарз бериш йўли билан деҳқон (фермер) хўжалиklarининг, қишлоқ хўжалик ижарачиларининг, шахсий томорқа участкаларининг, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланадиган кичик, шу жумладан, хусусий корхоналар ва фирмаларнинг оёққа туриб олишига ёрдам бериши лозим.

Фермер хўжалиklarининг ташкил этилиши, шахсий томорқаларнинг кенгайтирилиши қишлоқдаги бир қанча ўткир муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми кўпайди. Қишлоқда, айниқса, аёллар ва ёшлар учун меҳнат қилиш соҳаси кенгайди. Қишлоқ аҳолисининг даромадлари кўпайди. Якка тартибда уй куриш кўламлиларини кенгайтириш ҳисобига уй-жой муаммосини ҳал қилишда катта силжиш бўлди. Буларнинг ҳаммаси бозор муносабатлари вужудга келаётган мураккаб даврда катта мадад, барқарорлаштирувчи қудратли омил бўлди.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги номутаносибликни тугатиш юзасидан кўп иш қилинмоқда. Қишлоқ аҳлининг турмуши яхшиланяпти, бироқ ана шу

тафовутни тугатиш учун ҳали кўп меҳнат қилишга, қишлоққа катта мадад кўрсатишга тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги яқин йиллар давомида ҳам амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳамisha марказида бўлади. Бу бутун иқтисодиётимизнинг негизидир. Деҳқончилик соҳасини ривожлантириш муаммолари Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи бўгин ҳисобланади. Барча иқтисодий ўзгаришларнинг бориши кўп жиҳатдан туб ўзгаришларнинг теран жараёнлари аграр соҳага қанчалик чуқур таъсир кўрсатишига, қишлоқдаги ислохот қай даражада амалга ошишига, қишлоқ аҳолисининг кенг табақалари ислохот ғояларини нечоғлик маъқуллашига боғлиқ.

Ҳозир қишлоққа тегишли устуворликни қайтариб бериш зарур. Адолатни тиклаш керак. Харид нархларига эркин тус бериб, уни жаҳон бозоридаги нарх-наволар даражасига етказиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига имтиёзли солиқ солиш ва қарз беришни сақлаб қолиш, хўжаликларга кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш, қишлоқда янгидан вужудга келаётган бозор иқтисодиёти тузилмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлини бундан буён ҳам ўтказиш орқали қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришга доир таъсирчан чораларни кўриш стратегик йўлимиздир.

Ерга мулкчилик масаласи деҳқончиликка оид сиёсатдаги ҳал қилувчи масаладир. Бизда деҳқончилик азалдан асосан суғориладиган минтақаларда мужассамлашган. Деҳқончилигимизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, экин майдонларининг анча қисми, техникавий экинлар экиладиган майдонларнинг эса ҳаммаси суғориладиган ерлардир. Ана шу ерлар уларга хизмат қиладиган қудратли давлат ирригация тизими билан биргаликда ягона ер-сув мажмуини таш-

кил этади. Ундан ерни ажратиб олиб, хусусий мулк қилиб бериш мумкин эмас.

Башарти, ер хусусий мулк қилиб бериладиган бўлса, сувни ҳам, бутун ирригация тармоқларини ҳам хусусий мулк қилиб беришга тўғри келади. Ўрта Осиё шароитида сув бўлмаса, ернинг қадри қолмайди. Замоनावий техника билан қуролланган ирригация иншоотларини бўлиб юбориш мумкин эмас. Мавжуд мелиорация тизими уни сақлаш ва тиклаш учун мунтазам равишда катта маблағ сарфлашни талаб қилади. У давлат мулки бўлиб қолгандагина давлат унга катта миқдорда маблағ сарфлаши мумкин.

Бундан ташқари, республикада аҳоли зич жойлашган, қишлоқ аҳолиси эса бундан ҳам зичроқ. Иш билан банд бўлган ҳар бир кишига ўртача бир-бир ярим гектар суғориладиган ер тўғри келади. Уларнинг оила аъзолари ҳисобга олинса, жон бошига ўртача 0,33 гектар ер тўғри келади. Келгусида эса аҳолининг бундай кўпайиш суръатларида деҳқончилик учун яроқли ерларнинг танқислиги яна ҳам ошади. Бундай шароитда ерни хусусийлаштириш ижтимоий вазиятни кескинлаштириши мумкин. Асрлар мобайнида давом этиб келган ерга эгаллик қилиш учун шафқатсиз кураш халқ бошига сон-саноксиз кулфат келтиргани ҳаммага маълум.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида ернинг алоҳида қийматини, ҳозирги демографик, аввало, қишлоқдаги шундай вазиятни, пахта етиштиришнинг замонавий агротехникаси талабларини ҳисобга олганда ерни давлат мулки сифатида сақлаб қолиш, унинг сотилишига йўқ қўймаслик мақсадга мувофиқдир. Бу гап сув ва суғориш тизимига ҳам тааллуқлидир. Ерни олди-сотди манбаига айлантириш аҳолининг ҳаётий асосларига шутур етказган, ер билан чайқовчилик қилишни келтириб чиқарган, деҳқонни

эртанги кунга, ўз фарзандлари ва невараларининг тақдирига ишончдан маҳрум этган бўлар эди.

Ердан хусусий тарзда фойдаланиш Урта Осиёдаги аҳли мусулмонга азалдан ёт эди. Мусулмон ҳуқуқи ҳукмрон бўлган ҳамма жойда ер Аллоҳнинг мулки ва унинг инояти ҳисобланган. Мусулмон қонунларига кўра, ерга тўла, чекланмаган эгаллик ҳуқуқи мавжуд эмас. Бу қонунларга мувофиқ ер фойдаланиш ва эгаллик қилиш учун маълум қаттиқ чекловчи шартлар билан, албатта парвариш қилиш шarti билан, берилган бўлиб, шу ернинг эгаси уни сотишга ҳақли эмас. Шу сабабли, улушбай ижара усули кенг тарқалгани тасодиф эмас, бу усулда чоракор давлатга ва ернинг эгасига ўзи етиштирган маҳсулотнинг бир қисмини топширади. Чор Россияси мустамлакачилиги давридагина ерни сотиш эркинлиги иқтисодий жиҳатдан қарамликка айлантиришнинг бир шакли сифатида қонунлаштириб қўйилган эди.

Ерни деҳқонларга фойдаланиш учун мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан бериш орқалигина қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантиришга, деҳқонларда эгаллик туйғусини қайтадан тиклашга эришилади. Энг муҳими — қишлоқда хўжалик юритишнинг ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан эркин меҳнат қилиш, ўз меҳнати натижаларини мустақил тасарруф этиш, ўз оиласининг эҳтиёжини қондириш имконини берадиган шаклини вужудга келтириш лозим. Агар деҳқон ердан олинган маҳсулот ўз мулки эканини, етиштирилган маҳсулотнинг хўжайини эканини ҳис этса, шундагина у ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб ҳисоблайди.

Қишлоқда ўзгаришлар демократик усуллар билан, аввало, деҳқончилик соҳасидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш ҳисобига амалга оширилади. Меҳнатни ташкил этишнинг деҳқон учун тушунарли ва фойдали бўлган шакл-

ларини тиклаш зарур. Шарқда одамлар асрлар давомида жамоа бўлиб яшаган ва меҳнат қилган. Жамоатчилик асослари халқ онгига чуқур сингиб кетган. Шунга асосланиб, деҳқончиликни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида, қишлоқда ишлаб чиқаришнинг чинакам кооператив шаклларини тиклаш вазифаси қўйилмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ёппасига давлат тасарруфига олишдан воз кечиш энг муҳим йўлдир. Бу — инқилобий йўл эмас, балки сўнгги вақларда қишлоқ хўжалигида йўл қўйилган хатоларни тузатишдир.

Давлат хўжаликларини, биринчи навбатда зарар келтираётган давлат хўжаликларини қайта тузиб, жамоа хўжаликларига айлантириш — устувор йўналишдир. Асосий фондларни ва бошқа мол-мулкни меҳнат жамоасига текинга мулк қилиб топшириш йўли билан 700 тадан кўпроқ давлат хўжалигини кооператив хўжаликларга ва давлатга тааллуқли бўлмаган ўзгача ишлаб чиқариш тузилмаларига айлантириш режалаштирилган. Кейинчалик жамоа хўжаликларининг ўзи йирик кооператив хўжаликларга айланади, уларнинг асосини фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, чоғроқ кооперативлар, пудратчи ва ижара-чи оилавий жамоалар ташкил этади. Етиштирилган маҳсулотнинг ҳаммаси деҳқоннинг ихтиёрида қолиши керак. Жамоа хўжалигининг бошқаруви билан деҳқон хўжаликлари ўртасида шартнома тузилиши лозим. Жамоа хўжалиги уларни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашмоғи керак. Жамоа хўжалигининг асосий вазифаси деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатишни ташкил этишдан, зарур техника, минерал ўғитлар, уруғлик билан таъминлашдан, ер унумдорлигини ошириш тадбирларини кўришдан, ирригация ишларини бажаришдан иборат бўлади.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган кучларнинг ортиқчасини бўшатиб олиб, уларни саноат корхонала-

рида меҳнатга жалб этиш ҳозирги аграр сиёсатнинг муҳим йўналишидир. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, қишлоқларимизда 6,5 миллион меҳнатга лаёқатли одам бор. Табиийки, қишлоқ хўжалигининг ўзи бу миқдордаги ишчи кучини иш билан таъминлай олмайди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг саноат усуллари, илғор агрохимия тадбирлари жуда секинлик билан жорий этилмоқда. Қишлоқдаги яширин ишсизликни тугатиш, қишлоқ жойларда ихчам, замонавий технологияга асосланган кичик корхоналар барпо этиш ҳисобиغا янги иш жойларини вужудга келтириш устун даражадаги вазифадир. Бундай кичик корхоналар биринчи навбатда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган корхонагина эмас, шу билан бирга касаначилик меҳнатига, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга асосланган, кўп меҳнат талаб қиладиган корхоналар бўлиши мумкин.

Қишлоқда тамоман янги бўлган — ишлаб чиқариш ва ижтимоий тармоқлар мажмуини, коммуникацияли, замонавий маиший ва хизмат кўрсатиш тармоқларини вужудга келтириш лозим. Бу соҳа ҳозирги пайтда амалда ривожланмаган. Бизнинг маиший хизмат соҳамизда эса, халқ хўжалигида банд бўлганларнинг атиги 9 фоизи ишлайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси тегишли тарзда ташкил қилинса, у қишлоқдаги барча хоҳловчиларни иш билан таъминлабгина қолмай, балки қишлоқнинг қиёфасини, қишлоқ турмуши маданиятини тубдан ўзгартириб ҳам юбора олади.

Давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига бевосита аралашшдан воз кечиши — аграр сиёсатнинг негизидир. Экин майдонларининг таркибини хўжаликлар, деҳқонларнинг ўзлари белгилашлари керак. Давлатнинг бурчи уларни зарур маҳсулот етиштириш учун иқтисодий манфаатдор этишдан, уларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Давлат томонидан ёрдам берилмас экан, қишлоқ оёққа тура олмаслиги, республиканинг бутун иқтисодиёти таянадиган мустақкам негиз ҳам бўлмаслиги аниқ.

Давлат қишлоқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш билан бир қаторда солиқлардан озод қилиш йўли билан ҳам, шунингдек, аниқ мақсадга қаратилган қўшимча маблағларни ажратиш йўли билан ҳам унга бевосита ёрдам кўрсатади. Бутун дунёда қишлоққа ёрдам тариқасида маблағ ажратиб келинади.

Мавжуд сармоялар ҳам айнан қишлоқ фойдасини кўзлаб сарфланиши лозим. Биз учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш устувор йўналишлардан биридир. Агар биз шундай қилмасак, истиқболдан маҳрум бўламиз. 1993 йилининг ўзидагина биз камда 20 минг гектар янги ерни ўзлаштиришимиз керак. Янги ерларни ўзлаштириш, зовур-кувур тизimini, мелиорация ва ирригацияни яхшилаш, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун маблағларни қидириб топишга ҳар томонлама ёрдам берамиз. Шу тариқа ҳамда замонавий чет эл технологиясини жорий этиш йўли билан иқлим шароитлари республикамиздагига ўхшаш бўлган мамлакатларда асосий экинлардан олинаётган ҳосилдорликдан кам бўлмаган ҳосилдорликка эриша оламиз.

Иқтисодиёт барқарор ишлаб турган тақдирдагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Вужудга келган вазият тангликни бартараф этиш, ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайишининг олдини олиш, пулнинг қадрсизланишини жиловлаш, аҳолининг турмуш тарзи кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик учун тезкорлик билан, баъзан эса кам қўлланган чоралар кўришни тақозо қилади. Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир.

Мана шу босқичда қуйидагилар энг муҳим ва биринчи навбатдаги чоралар сифатида олға сурилади:

— республика бюджетдаги стишмовчилик (дефицит)ни чеклашга ва уни изчиллик билан жуда камайтиришга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсатни ўтказиш. Бошқарув аппаратини сақлаш учун давлат маблағлари сарфлашни, зарар кўрувчи корхоналарга ва бошқа нозарур мақсадларга дотация ажратишни камайтиришга қаратилган йўл изчиллик билан ўтказилади. Бюджет маблағлари сира кечиктириб бўлмайдиган давлат эҳтиёжлари ва ижтимоий эҳтиёжларга ажратилади. Солиқ сиёсати янада такомиллаштирилиши лозим. Бундай сиёсатнинг вазифаси — бир томондан, бюджет даромадларининг барқарор тарзда сафарбар этилишини таъминлаш бўлса, иккинчи томондан, республика учун зарур маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда корхоналарни рағбатлантиришдир;

— кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш, банк кредитлари биринчи навбатда халқ истеъмол моллари, биннокорлик материаллари, деҳқончилик маҳсулотлари ҳамда бошқа қастий муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини таъминлашга қодир бўлганларга берилади. Аини пайтда, асоссиз кредит экспансиясига, қарзга берилган маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўймасликда қатъий туриш керак. Нақд тўлов маблағлари оборотини тартибга солиш ҳам пул муомаласини соғломлаштиришга кўмаклашади;

— ишлаб чиқаришнинг яна ҳам пасайишига, ходимларнинг оммавий равишда ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик. Ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш учун шарт-шароит вужудга келтириш зарур. Республиканинг ишлаб чиқариш, қурилиш ва илм-фан соҳасидаги салоҳияти-

ни сақлаб қолиш муҳимдир. Ишлаб чиқаришни қайта тикламай туриб, ички молиявий барқарорликка ҳам, ташқи қарзнинг камайишига ҳам умид боғлаб бўлмайди. Иқтисодий сиёсатда асосий эътибор ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга, амалий соҳадаги, шу жумладан сармоя соҳасидаги фаолликни кучайтиришга қаратилиши лозим. Бунга ижтимоий жиҳатдан устувор ишлаб чиқариш тармоқларини саралаб, танлаб олиб қўллаб-қувватлаш, солиқ имтиёзларини, кредитларнинг паст фоиз миқдорларини жорий этиш ҳамда бошқа йўллар билан эришилади;

— бу босқичда бозор муносабатларини ривожлантириш шarti сифатда нарх-навони эркин қўйишдан иборат бўлган умумий йўлга амал қилган ҳолда айрим алоҳида муҳим товарлар ва хизматлар турларига нисбатан қатъий белгилаб қўйилган нархлар ва таклифлар сақлаб қолиниши лозим. Мазкур нархлар, аввало, энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари (нон ва нон маҳсулотлари)га, дори-дармонларга, болалар учун мўлжалланган бир қанча буюмларга белгиланади. Аҳолини мазкур товарлар билан кафолатланган тарзда таъминлаш учун уларни белгиланган меъёрда бериш ҳам вақтинча сақлаб қолиниши керак. Ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, аҳолига моллар харид қилишда кўпроқ имкониятлар бериш юзасидан бошқа чора-тадбирлар ҳам қўлланилиши лозим;

— пулнинг қадрсизланишига қарши ва монополиячиликка йўл қўймасдан бошқариш борасида амалий чоралар кўриш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларини давлат томонидан муҳофаза қилишнинг ишончли тизимини вужудга келтириш.

Аниқ-пухта ишлаб чиқилган ва етарли даражада қаттиқ бўлган молия-кредит сиёсатини амалга ошириш республиканинг бозорга ўтишидаги энг муҳим бўғин ҳисобланади. Ўтказилаётган ислохотларнинг бу

йўналиши энг заиф бўғиндир. Корхоналар ва ташкилотлар ҳамон давлат томонидан бериладиган маблағларга кўз тутмоқдалар. Тижорат банклари асосан Марказий банкдан олинаётган кредитлар билан ишламоқдалар. Уларнинг ўз кредит маблағларининг улуши эса арзимас даражададир.

Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларининг тўлдирилишини таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатини ўтказиш, шунингдек, корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, уларнинг талбиркорлик ва сармоядорлик фаолиятини ривожлантириш йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда.

Бозорга ўтиш шароитида бюджет давлат иқтисодий сиёсатининг ғоят муҳим воситаси бўлиб бормоқда. Давлат бюджетидаги етишмовчиликни энг оз даражага тушириш бош вазифа бўлиб қолмоқда. Бюджет етишмовчилигини бирданига, бир-икки йил ичида тугатиш амримаҳол, чунки республика бюджетида ғоят салмоққа эга бўлган ижтимоий эҳтиёжларга харажатларни камайтириб бўлмайди. Айни пайтда бюджет етишмовчилиги давлат томонидан қатъий назорат қилиб борилиши керак. Уни ялпи миллий маҳсулотнинг 3—5 фоизига қадар камайтириш чораларини кўриш зарур.

Бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг асосини иқтисодий вазиятни умумий равишда соғломлаштириш ташкил этиши лозим. Бу эса даромадларнинг солиқ олинадиган негизини кенгайтириш ва бевосита ҳамда билвосита солиқ солиш тизимларини ўзида қовуштирадиган солиқ сиёсатини турмушга татбиқ этиш имконини беради.

Бошқарувга сарфланадиган харажатларни камайтириш, ижтимоий ҳимоялашнинг табақалаштирил-

ган номма-ном тизимини белгилаш, дотацияларнинг ҳар хил турларини ва нархларни қоплаш учун маблағ ажратишни тугатиш, моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга марказлаштирилган тарзда маблағ ажратишни кескин чеклаш ҳисобига бюджет харажатлари ўсишини қатъиян чегаралаб қўйиш — бюджет етишмовчилигини тугатишнинг асосий манбаларидан биридир.

Давлат билан корхоналарнинг молиялари бири-биридан ажратиб қўйилиши муҳим қоида ҳисобланади. Корхоналар ё ўз ресурсларига, ёки тижорат банкларининг кредитларига умид боғлашлари лозим.

Бюджет маблағларидан асло кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларни, аввало, ижтимоий соҳани, янги таркибий йўналишларни пул билан таъминлаш учунгина фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда банklar инвестиция дастурларининг қатнашчиларидан бири бўлиб майдонга чиқишлари, ҳар бир тармоққа бевосита сарфланадиган маблағларга каффил бўлишлари лозим. Бунда барқарорлаштиш даврида бюджет етишмовчилиги ортиши қатъий хатлаш принциплари асосида чекланиши, сарф-харажатлар эса (биринчи навбатдаги харажатлар бундан мустасно) даромадларнинг тушишига қараб пул билан таъминланиши керак.

Республикада бутунлай янги банк тизимини вужудга келтириш мустақил кредит-пул сиёсатини ўтказиш имконини яратади. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки бошчилигида икки босқичли банк тизимини ташкил қилиш республиканинг иқтисодий мустақилликка эришиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш эҳтиёжларига мос келади.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида кредит сиёсатини амалга ошириш воситаси тубдан ўзгаради. Кредит маблағлар биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқа халқ истеъмол моллари

ва уларни тайёрлаш учун хом ашё бойликларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, якка тартибдаги уй-жой қурилишини кенгайтириш, ижтимоий соҳани, республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи асосий тармоқларни, экспорт маҳсулотлари ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни кенгайтириш билан боғлиқ юксак самарали тадбирларни ўтказишга сарфланади.

Нархларнинг барқарорлашуvidан, пулнинг қадрсизланиши камайишидан манфаатдор бўлган давлат пул муомаласини бошқаришнинг ишончли воситаларига эга бўлиши ва, аввало, унинг иқтисодий ётти кўнгилдагидек ривожлантириш учун йўл кўйиш мумкин бўлган ҳажмини олдиндан билиши лозим. Шу боисдан Марказий банк муомаладаги пуллар ҳажмини олдиндан билиб бориши самарали пул-кредит сиёсатининг шартларидан бири, деб қаралиши керак.

Бу ҳол, нархлар эркин кўйиб берилган шароитда айниқса долзарб бўлиб қолмоқда, чунки нархлар эркин белгиланганида муомаладаги пулнинг ўзи нархнаво даражасига жиддий таъсир ўтказди.

Марказий банк олдида пул муомаласини тартибга солишнинг иқтисодий усулларини эгаллашдек ёғат мураккаб вазифа турибди. Шу жумладан:

— тижорат банкларининг операцияларини қайтадан пул билан таъминлаш. Бунда Марказий банкнинг тижорат банкларига фойз ҳисобидан кредит бериши кўзда тутилади. Бу эса банкларни ўз маблағлари даражасини Марказий банк маблағлари даражаси билан боғлашга мажбур қилади;

— пул билан қайта таъминлашга кредитлар бериладиган, расмий ҳисобга олинадиган миқдор ўзгаришларини тартибга солувчи фойз сиёсати;

— тижорат банкларининг Марказий банк ҳисобларидаги маблағларининг бир қисмини резерв учун

олиш меъёрларини белгилаш. Марказий банк мажбурий захираларнинг меъёрини тартибга солиб, тижорат банклари операцияларининг ҳажмларига ва муомаладаги пулларнинг ҳажмларига самарали таъсир қила олади.

Шу билан бирга, барқарорлаштириш босқичида фоиз миқдорлари воситаси билан кредит сиёсатини банк орқали тартибга солишнинг аҳамияти чекланган тарзда бўлади, чунки кўпгина корхоналар хўжалик юритишнинг бозор усулларини ҳали ўзлаштириб олишмаган. Шундай шароитда Марказий банк қаттиқ кредит-пул сиёсатини ўтказиш борасида барча зарур чораларни кўриши керак. Бундай сиёсат бозорда товарлар таклифини рағбатлантиришга, уларнинг захираларда тўпланиб қолишини чеклашга, нарх-навонинг ўсишига йўл қўймасликка қаратилган бўлиши лозим.

Кредит ва бюджет тизимлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар воситаси такомиллаштирилиши даркор. Бюджет етишмовчилиги чоғида унга қўшимча кредит бериш зарурати юзага келади. Аммо бюджет етишмовчилигининг асосий қисми пуя эмиссияси (пулларни ортиқча чиқариш), йўли билан эмас, балки молия бозорида давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиш йўли билан қопланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг миллий пул бирлигини муомалага киритиш тўғрисидаги масала алоҳида эътиборга моликдир. Ўз валютамизни жорий этишни тақозо қилувчи бир қанча сабаблар яққол кўриниб қолди. Энг аввало, бошқа давлатлардан иқтисодий мустақил бўлиши учун республика ўз пулига, ўзининг миллий валютасига эга бўлиши лозим. Бу ҳар қандай давлатга хос бўлган белгигина эмас, шу билан бирга, иқтисодий мустақилликнинг асосий шартларидан бири ҳамдир. Россиянинг Марказий банки бир томонлама ўтказаетган эмиссия сиёсати ва яго-

на тўлов воситаси бўлмиш рублнинг беқарорлиги — иккинчи сабаб. Рубль қадрсизланиб бораётганлиги, унинг харид қобилияти пасайиб кетганлиги Ўзбекистонда ҳам молиявий-иқтисодий аҳволга салбий таъсир қилмоқда. Банк ҳисоб-китоблари ва тўловлари, республиканинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини таъминлаш масалалари анча қийинлашди. Молия-кредит сиёсатини ўтказишда республиканинг мустақиллигини чеклашга оид ультиматум тарзидаги талаблар қўйилмоқда.

Айни пайтда, ўз валютамуноси жорий этиш инқилоб билан баробар бўлган ниҳоятда масъулиятли қадамдир. Бир қанча хорижий мамлакатларда пул ислоҳотини ўтказиш тажрибасидан шу нарса маълумки, бундай ислоҳот иқтисод ва ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига таъсир қилади. Аслини олганда, бу ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг бутун тизимини ўзгартиришдан иборатдир. Бу ишдаги ҳар қандай нотўғри қадам бажарилган ҳамма ишларни йўққа чиқариши, республикани жар ёқасига олиб келиши мумкин. Ҳозирдаёқ рубл минтақасидан чиққан бир қанча собиқ иттифоқдош республикалар (Украина, Қирғизистон, Озарбайжон, Болтиқ бўйи мамлакатлари)нинг тажрибаси ҳам шуни кўрсатиб турибди.

Ўзбекистоннинг рубль минтақасида бундан буён ҳам бўлиб туриши зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини тақозо этувчи талайгина бошқа муҳим сабаблар мавжуд.

Шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, ўз валютамуноси жорий этиш, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг, аввало туб жойли бўлмаган аҳолининг кайфиятига таъсир қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ўз валютамуноси муомалага чиқариш техник жиҳатдан катта қийинчилик туғдирмайди. Миллий пул бирлигини жорий этиш-

дан тийиб турган жиддийроқ муаммолар айнан иқтисодий муносабатлар соҳасига тегишлидир. Энг аввало, бошқа республикалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар принциплари кескин ўзгаради, хорижий давлатлар билан ўзаро муносабатларни ҳам тубдан ўзгартириш талаб этилади.

Вужудга келган шароитда валютамизни жорий этишимиз — биринчи навбатда, ҳисоб-китоб операцияларини мураккаблаштиради, баъзан эса шаклланган хўжалик алоқалари тўғридан-тўғри издан чиқишга олиб келиши мумкин. Республика ҳозирги вақтда бунга иқтисодий жиҳатдан тайёр эмас.

Ўзбекистон Россия ва собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари билан иқтисодий жиҳатдан жуда яқин боғлангандир. Маълум сабабларга кўра, республика ҳозирча халқ хўжалиги ва аҳоли жуда қаттиқ эҳтиёж сезаётган товарларнинг 65 фоизгача бўлган қисмини ташқаридан келтиришга мажбур. Ёқилғи, станоклар, асбоб-ускуналар, ёғоч-тахта ва ёғоч материаллар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Улар ҳам четдан келтирилади. Кўпчилик собиқ иттифоқдош республикалар билан салбий тўлов баланси вужудга келган.

Маълумки, ўз валютамиз республикада товар билан қопланганидагина ҳақиқий кучга ва қадрга эга бўлади. Унга бирор нарса сотиб олиш мумкин бўлгандагина у ўз қийматини, харид қилиш қобилиятини сақлаб қолади. Республикамиз ҳозирча ўзини зарур товарлар билан таъминлай олмайди ва бу борада биз ҳали кўп иш қилишимиз керак бўлади.

Бошқа муаммо ҳам мавжуд. Миллий валюта фақат олтин захираси билангина эмас, балки барқарор, эркин алмаштириладиган валюта билан ҳам етарлича мустаҳкамланган бўлиши зарур. Бундай валюта ўз маҳсулотимизни экспорт қилиш натижасида ту-

шиши мумкин. Бунинг учун маҳсулот биринчи навбатда рақобатга қодир бўлиши керак.

Шарқий Германия бунинг яққол мисолидир. Бизнинг ўлчовларимиз бўйича, у социалистик мамлакатлар орасида энг ривожланган имкониятларга, энг такомиллашган иқтисодий тузилмага эга бўлиб, унда техникавий мураккаб тайёр маҳсулот устунлик қилар эди. Ҳозирги вазиятда Ғарбий Германия Шарқий Германия билан бирлашганидан кейин, унинг техник даражасини кўтариш, рақобатга қобил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ҳар йили 100 миллиард маркагача сарфлашга мажбур бўлмоқда. Бугунги кунда собиқ ГДРнинг кўшлаб корхоналари ишламаяпти, ишсизлар сони алақачон хавфли белгидан ошиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 20—30 фоизини ташкил этмоқда. Мутахассислар у ерда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш учун камида 10 йил зарур деб ҳисоблашмоқда.

Жуғрофий ҳолатимизни ҳисобга олган ҳолда, бизда мавжуд ишлаб чиқариш тузилмаси, унинг техникавий жиҳозланиш даражаси, маҳсулот чиқариш ва келтиришнинг вужудга келган мувозанати, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг турлари ва сифати билан ўз валютамизнинг барқарорлиги ҳақида сўз юртишга ҳали эрта.

Энг яқин истиқболнинг туб муаммоси — тузилмаларни ўзгартириш сиёсатини ҳаётга татбиқ этишдир. Тоталитар тизимнинг мероси — унинг иқтисодининг нотўғри тармоқ тузилмаси республикада ҳали узоқ вақт ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Энг заиф бўғин — ишлаб чиқаришнинг тайёр, тўғрироғи, товар маҳсулот берувчи бўғинларидир. Бунга мисоллар кўп. Нитрон, капролактама, кимёвий тола ишлаб чиқариш бунга мисол бўла олади. Тўқимачилик маҳсулотлари, қора, рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳам бунга мисол. Со-

биқ Марказ томонидан Ўзбекистонга нисбатан хом ашё етказиб берувчи манба сифатида ўтказиб келинган сиёсатнинг салбий оқибатларини баргараф этиш учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг хом ашё манбаи сифатида бир томонлама йўналишининг қатъий баргараф этилиши ички сиёсатнинг устувор стратегияси ҳисобланади. Фақат хом ашё ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ўлка доимий камбағалликка гирифтор бўлади. Стратегик жиҳатдан ўсиш учун ишлаб чиқариш таркибини кенгайтириш даркор. Таркибий ўзгаришлар мураккаб тармоқларнинг устувор ривожланишини таъминлагани ҳолда, жамиятнинг тараққиёт ҳамда янгиланиш йўлидан барқарор бориши учун шарт-шароит яратиш беради. Шу сабабли бош вазифа — бутун ўтиш даври мобайнида халқ хўжалигининг жами тузилмасини тубдан ўзгартиришдан иборатдир.

Биринчи навбатда, республикада ишлаб чиқариладиган жуда катта миқдордаги хом ашё ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг асосий қисмини тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб этиш зарурдир. Бизнинг барча ресурсларимизни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконини берувчи тузилмани яратиш даркор.

Иқтисодиёт тузилмасини қайта қуриш бўйича ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар энг аввало қуйидаги вазифаларни:

республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, талаб катта бўлган товарларга, айниқса, болалар ва катта ёшдагиларга мўлжалланган товарларга бўлган энг зарур эҳтиёжларини қондиришни таъминлашни;

ўз ишлаб чиқаришимизни МДҲнинг бошқа республикаларидан ва импорт бўйича келтириладиган

хом ашё, ёқилғи, бутловчи буюмлар, технологик асбоб-ускуналар, шунингдек, республиканинг ўзи ишлаб чиқариши мумкин бўлган тайёр маҳсулотларга боғлиқлигини камайтиришни;

тез ўсиб бораётган меҳнат ресурсларининг, биринчи навбатда ёшларнинг иш билан таъминланишига, халқнинг тарихий анъаналари ва кўникмаларига, ишлаб чиқаришни техникавий ташкил этишининг замонавий талабларига жавоб берувчи меҳнат сарфланадиган соҳаларини яратишни;

қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларни тўла қайта ишлашга, рақобатга қобил тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзлаб технологик циклни тугалланганлиги даражасини оширишни;

республиканинг экспорт имкониятларини оширишга, унинг валюта билан тўлов қобилиятини мустақамлашни ҳал этишга бўйсундиришни кўзда тулади.

Қишлоқ хўжалиги ресурслари тўла қайта ишланишини таъминлашга алоҳида аҳамият берилади. Янги йигирув, пардозлаш корхоналари ташкил этилиши трикотаж, тўқимачилик, тикувчилик саноатини кенг кўламларда ривожлантириш, тайёр буюмлар турларини кенгайтириш, уларни четдан олиб келишни қисқартириш ва экспорт қилишни кўпайтириш имконини беради.

Ун-ёрма, мева-сабзавот, гўшт-сут, виночилик саноатида қувватларни кучайтириш ва янгилаш озиқ-овқат хом ашёси ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш, ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини яхшилаш имконини беради.

Илғор технологияларни эгаллаб бориш, ишлаб чиқаришнинг замонавий тузилмасидан муносиб ўрин олиш минерал ресурсларга комплекс ишлов бериш ва мураккаб тузилманинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқа-

риш бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлар тизими-ни шакллантиришни талаб этади.

Бугунги куннинг ўзида республика ташқарисида талаб катта бўлган рангли металлургия, кимё ва электротехника саноати, машинасозлик ва асбобсозлик маҳсулотларини республикада юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун салмоқли имкониятлар мавжуд. Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини деҳқон (фермер) ва томорқа хўжаликлари, чорвачилик ва озиқ-овқат экинлари етиштириш учун техника ва ихчам механизация воситалари ишлаб чиқаришга қисман қайта ихтисослаштиришни амалга ошириш керак бўлади.

Республика саноати жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган машина ва асбоб-ускуналар, рўзгорда ишлатиладиган буюмлар ишлаб чиқаришни ҳозирнинг ўзидаёқ ўзлаштирган. Улар орасида митти тракторлар, телевизорлар, видеомагнитофонлар, вентиляторлар, термослар, электр буюмлар, кир ювиш машиналари, жинси ва ип-газлама матолардан тайёр тикув буюмлари бор.

Навбатдаги муҳим масала шуки, республика тараққиётда асосан ўз кучларига таянишга мажбур эканлиги ҳисобга олинadиган бўлса, барча муаммоларимизни ҳал этиш учун яхши база, бошланғич сармоя зарур бўлади.

Шу муносабат билан ҳаётий муҳим тармоқларни ривожлантиришга устунлик беришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Улар орасида тоғ-кон, нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазий ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқлари, кимёвий тола, пластмасса ишлаб чиқариш бор. Бу тармоқларни ривожлантириш кўламлари республиканинг уларнинг маҳсулотларига бўлган талабларинигина таъминлаб қолмасдан, балки валюта тушумлари кўпайишининг

ишончли манбаи бўлиши, хорижий сармояларни жалб этиш объекти бўлиб хизмат қилиши керак.

Геологик ва қидирув ишланмалари, бой минерал ресурсларнинг жойлашиши кўплаб хорижий компаниялар ва фирмаларни қизиқтирмоқда. Улар бу соҳаларни ривожлантириш учун маблағ сарфлашга тайёрликларини билдиришмоқда.

Айнан мана шу тармоқлар республиканинг иқтисодий мустақиллигини, барқарорлигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг жадал ўсиши, бўлғуси юксалишининг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Халқ хўжалигининг хом ашёвий йўналишини бар-тараф этиш республика иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконини беради, иш билан таъминланмаган меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этишга, кадрларнинг касб даражасини оширишга, маҳсулотни четдан келтириш ва ташқарига чиқаришни мувофиқлаштиришга кўмаклашади, асосийси — Ўзбекистоннинг мустақиллигига, унинг халқи турмуш даражасининг ўсишига ишончли кафолатлар яратади.

Тахминий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар республикадаги мавжуд хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тугалланган цикл билан тўлдирсак ҳамда тайёр товар маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминласак, ялпи миллий маҳсулотни 2 баравардан ортиқ, миллий даромадни эса — тахминан 3 баравар кўпайтириш мумкин.

* * *

Ўзбекистон, унинг тинч-тотув яшаётган кўп миллатли барча аҳолиси ўз мустақиллигининг икки йиллигини порлоқ келажакка ишонч ва фахр билан кутиб олмоқда. Бу қувончни бизнинг чет эллик дўстла-

римиз ҳам шод-хуррамлик билан самимий баҳам кўрмоқдалар. Улар республикамизда содир бўлаётган тарихий ўзгаришларни зўр эътибор билан кузатиб бормоқдалар. Унинг иқтисодийдини замонавийлаштиришда фаол иштирок этмоқдалар. Ўзбекистоннинг халқаро обрўси мустақамланишида кўмаклашмоқдалар.

Мустақилликнинг икки йили — бу миллий давлатчиликни яратиш, келгусида ижтимоий ва социал-иқтисодий тараққиётнинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича қизгин ишлар йилларидир. Бу чинакам сиёсий истиқлолга эришиш учун, Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли шерик сифатида жаҳонда эътироф этилиши учун кураш йилларидир. Қисқа давр ичида шу қадар кўп ниятларни рўёбга чиқаришга, иқтисодий, ижтимоий соҳада, сиёсатда, энг муҳими — аҳоли тафаккурида шу қадар туб ўзгаришларни амалга оширишга эришилдики, сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида буларни ҳаёлга келтириб ҳам, орзу қилиб ҳам бўлмас эди. Эркинликка: танлаш эркинлигига, фаолият эркинлигига эришилди. Унинг ноёб, ҳад-ҳисобсиз табиий бойликлари ҳамда салоҳиятини бутун аҳолининг манфаатлари ва республика фаровонлиги йўлида мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзбекистонликларнинг бир неча авлодларининг тарихий истиқболли учун масъул бўлиш ҳуқуқи қўлга киритилди. Тоталитар тизим ва мафкуравий диктатдан, ярим мустамлака иқтисодий қарамлигидан юқори самарадор бозор иқтисодиётига эга бўлган демократик ҳуқуқий жамият куриш сари қатъий ва орқага қайтмас қадам ташланди.

Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ўзининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда бо-

зор муносабатларига ўтишнинг аниқ устуворликларини, принципларини ва йўналишларини аниқлаб олди. Икки йиллик тажриба танланган йўлнинг тўғрилигини ишонарли тарзда тасдиқлади. Воқеликнинг ўзи бунга яққол кўрсатиб турибди. Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва фуқаролар тоғувлиги пухта таъминланган. Хўжалик алоқалари бузилиши, рублнинг қадрсизланиши ва бошқа сабаблар натижасида иқтисодиётга ташқаридан бўлаётган салбий таъсирларга қарамай, иқтисодиёт барқарор ишлаб турибди. Аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий муҳтож қатламларининг ҳуқуқлари кафолатланган ва ҳимояланган. Янги бозор муносабатларининг куртаклари собитқадамлик билан ҳаётга кириб бормоқда.

Бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларнинг барча воситаларини сошлаш, уларни тўла ишга тушириш зарур. Республикадаги ҳар бир хўжалик ходими, ҳар бир ишчи, илғор фикрловчи ҳар бир киши ислоҳотлар ғояси билан яшамоғи лозим. Ислоҳотларнинг мақсад ва йўналишлари аниқ белгилаб олинган. Иқтисодий ислоҳот механизми ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида: халқ хўжалигида, тармоқларда, ҳар бир корхона ва хўжаликдан тортиб ҳар бир иш жойигача кенг жорий этилмоғи лозим. Бу жараённинг моҳиятини чуқур англаш, бозорни тартибга солиш усулларини эгаллаб олиш, ўзини бадном этган, самарасиз буйруқбозлик услуби ва принципларидан, эски консерватив тафаккур ва боқимондалик кайфиятидан қатъиян воз кечмоқ зарур.

Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу — тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир. Бу — жаҳон цивилизациясига кўшилиш, чинакам сиёсий ва иқти-

содий истиқлолга эришиш йўлидир. Бу йўлдан фақат ҳақиқий ватанпарварларгина, ўз мамлакати ва халқининг тақдири учун бутун қалби ва юрагини бағишлаган, ўз манфаатларини республиканинг қудратли ва фаровон бўлишига эришиш мақсадларига бўйсундира оладиган, бунга ўзининг куч-ғайрати, ташаббуси, билими ва меҳнатини бағишлай оладиган кишиларгина юра олади. Республиканинг ҳар бир фуқароси республика тақдиридаги тарихий ўзгаришларда иштирок этаётганлигини, келажак учун шахсий масъулиятини ҳақиқий ҳис этган тақдирдагина халқимиз чинакам эркин ва бахтиёр яшайдиган кучли давлат куриши мумкин.

1993 йил август

ЎЗБЕКИСТОН
ИҚТИСОДИЙ
ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ
ЙЎЛИДА

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон жаҳон сиёсий харитасида, Осиё қитъасининг марказида янги мустақил давлат сифатида тобора кўпроқ тилга тушмоқда. Ўзбекистонда юз бераётган прогрессив ўзгаришлар, унинг жуда катта табиий бойликлари, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва интеллектуал имкониятлари, ноёб миллий-маданий мероси халқимиз тарихи ва ҳозирги ҳаёти билан қизиқаётган дунёнинг барча минтақаларидаги сиёсатчилар, бизнесчилар, оддий одамларни ўлкамизга тобора кўпроқ жалб этмоқда.

Ўзгариб бораётган жўғрофий-сиёсий структурада Ўзбекистоннинг роли ортиб бормоқда. Ҳамдўстлик мамлакатларидаги шерикларимиз ҳам, шунингдек, биз тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган обрўли халқаро ташкилотлар ҳам ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг фикри билан, унинг нуқтаи назари билан ҳисоблашмоқдалар. Ўзбекистоннинг тинчлик ўрнатишга қаратилган изчил сиёсати натижасида унинг Марказий Осиё минтақасидаги осойишталик ва барқарорликнинг кафили сифатидаги мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда.

Турли миллат ва динга мансуб миллионлаб кишилар ўз тақдирларини ва келажакларини Ўзбекистон билан боғлаб, бу қадимий сахий заминда тинч-тотув яшамоқдалар. Мустақилликка эришган, тоталитар тузум кишанларидан халос бўлган Ўзбекистон халқи ижодий меҳнати билан ўзининг кўп асрлик тарихига янги-янги саҳифалар битмоқда.

Мустақиллик йиллари — ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш давридир. Бу — жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазирамизни англаб олиш давридир. Бу давр бой имкониятларга эга бўлган республикани танг аҳволга солиб қўйган сабабларни мафкуравий ақидалардан холи тарзда жиддий таҳлил қилиш, тангликни тезроқ бар-тараф этиш йўллариини излаш йилларидир.

Мустақиллик йиллари — ёш демократик давлатни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш давридир. Бу давр маънавий уйғониш ва миллий ўзликни англашнинг ўсиши давридир. Бу — озодлик руҳи билан, ўз кучларига, мамлакатнинг, халқнинг ёрқин келажигига ишонч билан тўлиб-тошган даврдир.

Энг муҳими шуки, мустақилликнинг дастлабки йиллари — республиканинг ўз тараққиёт йўлини фаол излаш, Ватанимизни эркин, кучли ва равнақ топаётган диёрга айлантиришга интилиш даври бўлди.

Давлат мустақиллигини қўлга киритиш натижасида Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг ястиқбўлгари очилди.

Вазият тақозоси билан Ўзбекистон дастлабки кунларданок бир ёқлама ривожлантирилган мажруҳ иқтисодиётдан мерос бўлиб қолган, табиий ва минерал-хом ашё захираларидан нотўғри фойдаланиш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги, нарх белгилашдаги, аҳолининг истеъмол таркибидаги бузилишлар туфайли вужудга келган ғоят кескин муаммоларни яқка ўзи ҳал қилишга мажбур бўлди. Маъмурий йўл билан режалаштиришга асосланган иқтисодий муносабатлардан бозор муносабатларига ўтишнинг тартиби ва усуллариини ўзи белгилашга тўғри келди. Жаҳон хўжалик алоқалари тизимига кириш, давлатлараро иқтисодий

муносабатларни йўлга қўйишнинг энг мақбул йўллари изланди.

Буларнинг барчаси жамиятни янгилашда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ўз йўлимизни излашни талаб қилди. Биз танлаб олган йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир. Бу йўл жаҳон тажрибасини, шунингдек, халқимизнинг турмуш шароитини, анъаналарини, урф-одатларини, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга асослангандир.

Биз танлаб олган тараққиёт йўли конституцион асосга эга. Бу йўл Ўзбекистондаги барча аҳоли манфаатларига ҳар жиҳатдан мос тушади.

Айнан шундай йўл ўзбекистонликларнинг муносиб турмуш кечириши учун кафолат бўла олади, миллий анъаналар ва маданиятнинг ривожланишини, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қайта тикланишини таъминлайди.

Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат қурилишининг бош йўналиши машаққат билан қад ростлаган мамлакатларнинг мураккаб тажрибасини, шу билан бирга республиканинг ўз хусусиятларини ва халқимизнинг ақл-заковатини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган ўз йўлимиздан аниқ мақсад сари қатъият билан илгарилаб боришдан иборатдир.

Мана шу ғоят муҳим қоидалар икки манба сифатида бир-бири билан узвий қўшилиб, қудратли оқимни ташкил этмоқда. Кун сайин куч-қудрат ва тажриба орттириб бораётган бу оқим жамиятимизни ва давлатимизни янгилашга ҳамда тараққий эттиришга хизмат қилади.

Ушбу йўлни амалга оширишга, иқтисодиётни тўбдан ислоҳ қилишга бешта муҳим ва машҳур тамойил асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даврининг сиёсати ана шу тамойилларга таянади.

Ишлаб чиқилган тамойиллар ҳаёт синовидан ўтди. Амалий иш жараёнида уларнинг тўғрилиги ва таъсирчанлиги тасдиқланди. Бу тамойиллар жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланди, энг муҳими, халқимизнинг ўзи уларни қабул қилди ва қўллаб-қувватлади. Ҳозирги вақтда мазкур тамойилларни амалга ошириб, республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик, энг муҳими — бозор муносабатларини жорий этиш сари босқичма-босқич илгарилаб боришимиз таъминланмоқда. Шу боис биз бундан буён ҳам ушбу тамойилларга амал қилаверамиз.

Биз бу тамойилларни етарли даражада кенг ва тўла баён қилиб бергандик. Уларнинг асосий мазмунни куйидагилардан иборат.

Биринчидан, иқтисодиётни мафкурадан батамом холи қилиш. Иқтисодиёт сиёсатдан устун турмоғи, унинг ички мазмунини ташкил қилмоғи лозим. Айнан иқтисодиёт, уни янада ривожлантириш муаммолари ҳозирги сиёсатимизнинг асосий мазмунидир.

Иккинчидан, мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислоҳотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак.

Учинчидан, бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланмоғи зарур. Иқтисодий ўзгаришлар синалган, амалий кучга эга бўлган қонунларга таянгандагина бу ўзгаришлар сезиларли натижалар бериши, муқаррар бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш керак. Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин.

Ниҳоят, бешинчидан, янги иқтисодий, бозор муносабатларини пухта ўйлаб, босқичма-босқич қарор топтириш лозим.

Беш тамойилнинг ҳаммаси ҳам демократик ва иқтисодий ўзгаришларни муваффақиятли ислоҳ қилиб боришда бирдай муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга бозорга босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Бу етакчи тамойиллардан биридир. У иқтисодий ислохотларнинг бутун ички мантиқини, ривожланиб бориши ва характерини белгилаб беради.

Биз олдимизга қўйган мақсад сари қадам-бақадам юлгарилаб боришимиз зарурлигини қайта-қайта таъкидладиқ. Тегишли ҳуқуқий негизни, бозор инфраструктурасини яратиш, янги шароитларда ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш учун вақт керак бўлади.

Одамларнинг қотиб қолган фикрлаш тарзини ўзгартириш, эскича фикрлаш усулидан холи қилиш фоят муҳимдир. Одамларнинг ўзида жамиятни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига ишонч туғдирмасдан туриб, ҳаракатлантирувчи кучларни ва кадриятларга муносабатни, далилий сабабларни ўзгартирмасдан туриб, ислоҳ қилиш йўлидан амалда олға бориш, айниқса, янги жамият барпо этиш, тамомила янги муносабатларни жорий этиш мумкин эмас.

Биз бозор иқтисодиётига катта сакрашлар, тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки бир босқичдан иккинчи босқичга кетма-кет ўтиш, яъни эволюцион тарзда илгарилаб боришни ўзимиз учун қатъиян танлаб олдик. Ҳар бир босқич амалга оширилаётган ислохотлар стратегиясининг бир ҳалқасидир. Ҳар бир босқич доимо стратегик жиҳатдан устун йўналишлар билан солиштириб турилиши лозим. Бу йўналишлар босқичма-босқич амалга оширилаётганини акс эттириши, танлаб олинган йўлнинг тўғрилигини аниқлаб берадиган барометр вазифасини ўташи ва унга ўз вақтида зарур тузатишлар киритиши керак. Стратегик йўл босқичларни ажратиш, уларнинг мақсадлари, вазифалари ва афзал жиҳатларини белгилаш учун асосий мўлжалдир.

Бозор сари тегишли тайёргарликсиз қилинган ҳар қандай жадал ҳаракат амалда муваффақиятсизликка, танглик ҳолатларининг кучайиб боришига, таркиб топган барча структуралар, хўжалик алоқалари тезда емирилишига ва, оқибатда, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ўпирилишга, бозор ғояларининг обрўсизланишига олиб келади. Бошқача айтганда, бу бошдан-оёқ вайроналикка олиб борадиган, шу йўлни танлаб олган мамлакатни жар ёқасига, кучли ижтимоий ларзаларга олиб борадиган йўлдир.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тамойилини амалга ошириш, бир томондан, бизга мерос бўлиб қолган барча прогрессив жиҳатларга авайлаб муносабатда бўлишни тақозо этади. Иккинчи томондан, ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ ажратиш, бу босқичларнинг ҳар бири учун конкрет мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишни талаб қилади.

Дано халқимиз янги уй қурмай туриб, эскисини бузмасликни ўргатади. Бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида иқтисодиётни ислоҳ этиш манфаатларига хиз-

мат қилиши, бу жараён мумкин қадар самарали ва машаққатсиз ўтишига ёрдам бериши мумкин бўлган воситалардан воз кечиш кечириб бўлмайдиган хато бўлур эди.

Бу гаплар энг аввало иқтисодий муносабатлар тизимида давлатнинг ўрни ва ролини аниқлашга тегишлидир. Ўзини ўзи бошқариш вужудга келмаган, эркин рақобат бўлмаган, ташқи алоқалар чекланган бир шароитда талаб ва таклиф таъсирида давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдан воз кечиши тангликнинг чуқурлашишига, нарх-наво ўсишига ва пулнинг қадрсизланиши кучайишига туртки бўлади.

Ислохотни амалга оширишда унинг босқичлари изчил бўлиши муваффақият гаровидир. Эркин бозор иқтисодиётига эга бўлган демократик жамият барпо этишдан иборат пировард мақсад унга борувчи ҳар бир босқичда ўз инфодасини топмоғи керак. Ҳар бир босқични шакллантириш мақсадлар уйғунлигини ва уларга изчилик билан эришишни таъминлаши зарур. Ҳар бир босқич учун қўйилган аниқ вазифалар, бу вазифаларни ҳал қилишнинг пухта ишлаб чиқилган механизмигина танлаб олинган мақсад сари босқичма-босқич ишонч билан олға боришни таъминлайди. Бу ҳол куч ва ресурсларни олдимишга қўйилган вазифаларни бажаришга йўналтириш, энг муҳим устуворликларни аниқлаш, иқтисодий ислохот жараёнини ана шу мақсадларга эришишга бутунлай бўйсундириш имконини беради.

Бир босқични тамомлагандан кейингина, зарур шарт-шароитларни яратиб, янги босқичга ўтиш мумкин. Иқтисодий ислохотлар бозор муносабатларининг реал механизмларини аста-секин, қадам-бақаддам шакллантириб бориши зарур. Бу механизмлар дарров ишга тушиб кета олмайди, улар аста-секин созланади, йўлга қўйилади.

Ҳар бир босқичда тафаккуримизни ўстириб, эришилган реал натижалар билан одамларни янги тузумнинг афзаллигига ишонтирибгина ислохотларни охиригача амалга ошира оламиз. Иқтисодий структураси ривожланган, самарали ижтимоий муносабатларга эга бўлган жамиятни қура оламиз.

Ҳозир биз керакли ёндашувларни, зарур иш маромини топдик, муайян фойдали тажриба орттирдик. Дастлабки яқунларни чиқариш, навбатдаги босқичнинг вазифалари ва устувор йўналишларини белгилаш зарур бўлиб қолди.

Аслини олганда, жуда катта, кўп қиррали тайёргарлик иши тугалланди. Бу ишнинг моҳияти халқ хўжалигини ва одамларнинг руҳиятини янги шароитларга мослаштиришдан иборатдир.

Ислохотлар жараёнини республикада яшаётган барча кишилар кенг қўламда қўллаб-қувватлаётганлиги сиёсатимизнинг асосий ютуғидир. Бу ҳол ислохотлар муваффақият қозонишига ишонч туғдирмоқда.

Айни вақтда ислохотларнинг боришини секинлаштираётган сабабларни очиб ташламасак, улар йўлидаги тўсиқларни бартараф этмасак, ислохотлар жараёни узоққа чўзилиши, суст кечиши хавфи пайдо бўлади. Бу ҳол ислохотлар мазмуни қадрсизланиши хавфини туғдиради. Бу ҳол ислохотларнинг асосий афзалликларидан — янги кучларни рўёбга чиқариш имкониятидан, рағбатлантириш омилларидан, ўзгаришларга сабаб бўлувчи кучли далиллардан маҳрум қилади. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳозир бизнинг биринчи навбагдаги вазифамиз амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, сифат жиҳатидан янги босқичда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги стратегиясини қабул қилишдан, унинг асосий вазифалари ва мақсадларини белгилаб олишдан иборатдир.

1-қисм

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР БИРИНЧИ БОСҚИЧНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА САБОҚЛАРИ

Ўзбекистонда ўз миллий валютамиз муомалага киритилиши билан иқтисодий ислохотларни амалга оширишда сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, биз энг қийин, бошланғич босқични ўтиб бўлдик. Бу босқич иқтисодий ислох қилишнинг бутун жараёнига асос солди. У давр синовидан ўтди ва ўз вазифасини, ўз ишини муваффақиятли бажарди, деб айтиш учун тўла асос бор.

Ўтиш даврининг биринчи босқичи ислох қилиш жараёнининг қийинчиликларини, айни вақтда табиий иқтисодий муносабатларни тиклашга ёндашишлар бир хил андазада ва одатий эмаслигини кўрсатди.

Биринчи босқич бутунлай янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий негизларини яратишга, давлатчиликни шакллантириш ва мустақкамлашга, эскича фикрлаш тарзларини онгимиздан чиқариб ташлашга қаратилган эди. Бу босқичда янги тузум учун ишончли пойдевор яратиш вазифаси қўйилди ва ҳал қилинди.

Биринчи босқичнинг асосий яқунлари нималардан иборат, белгиланган ишлардан қайси бирларини амалга оширишга муваффақ бўлинди, босиб ўтилган йўлни таҳлил қилишдан қандай хулосалар чиқариш керак? Мана шу саволларга тўла ва холисона берилган жавоб қилинган ишларнинг тарихий аҳамиятини чуқурроқ англашга, бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлидан қанчалик илгарилаб кетганлигимизни тўғри баҳолашга имкон беради. Бу эса

жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг навбатдаги босқичларида танлаб олган йўлимиздан оғишга йўл қўймаслик учун зарур сабоқлар чиқариш имконини беради.

1.1. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА ЙЎЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ

Биз ислоҳотлар стратегияси ва улар йўлини шакллантиришга қаратилган ўз моделимизни ишлаб чиқишга ва амалга оширишга муваффақ бўлдик. Бу — амалга оширилаётган туб ўзгаришлар бошланғич босқичининг асосий натижасидир.

Бутун ислоҳ қилиш жараёнининг бошланғич нуқтаси стратегияни танлаб олишдан иборатдир. Бу — фоят масъулиятли ва мураккаб жиҳат. Умумий стратегияга эга бўлмай, пировард мақсадни кўрмай туриб, иқтисодий ислоҳ қилишнинг таъсирчан чоратадбирларини белгилаб бўлмайди.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб олиш ҳозирги ислоҳ қилиш стратегиясининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Бунда биз марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш — эски хўжалик юритиш механизмини шунчаки янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш эканлигини қайта-қайта таъкидладик. Бу бир иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бошқа иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмалари билан алмашинувидир.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришиш, миллий давлатчилигимизни барпо

этиш, бунинг учун мустақкам моддий негиз яратиш манфаатларини кўзлаб қуйидагилар иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасида стратегик мақсадлар қилиб белгиланди.

1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, миллий бойликнинг ортишини, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш.

2. Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва удабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқ-бозлик усулларини бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш.

4. Иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш.

5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини бериш.

Бунда ислохотлар инсон манфаатларига мос келган, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берган, турмуш даражасини оширишга қаратилган тақдирдагина аҳамиятли бўлишини ҳамиша ёдда тутмоғимиз лозим.

Стратегик мақсадларга изчиллик билан эришиб бориш ислоҳ қилишнинг биринчи босқичидаги асосий устувор йўналишларни аниқ ажратиб олиш заруратини келтириб чиқарди. Бунда гоят кескин муаммоларни яқин фурсатларда ҳал этишга ёрдам берадиган асосий бўғинларни топиш муҳим эди.

Бизнинг бозор ислоҳотларини амалга ошириш дастуримиз устувор вазифаларни босқичма-босқич ҳал қилишга асосланади.

Биринчи босқич — тоталитар ўтмишдан ҳозирги, замонавий бозор муносабатларига ўтишга қаратилган чора-тадбирлар занжиридаги бошланғич бўғиндир. Мазкур даврнинг хусусияти ҳам, мураккаблиги ҳам ана шунда.

Биринчи босқичда иккита ҳал қилувчи вазифани бирданга ҳал қилишга тўғри келди. Бу вазифалар:

— маъмурий-бўйруқбозлик тизмининг оғир оқибатларини енгиш, таъгликка барҳам бериш, иқтисодийetni барқарорлаштириш;

— республиканинг ўзига хос тароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантиришдан иборат.

Ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда иқтисодийetni дастлабки ислоҳ қилишнинг гоят муҳим йўналишларини белгилаб берган асосий устувор йўналишлар сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш талаб қилинди.

Биринчидан, ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий базасини мустақкамлаш ва ривожлантириш. Давлат мустақиллигининг ва ҳозирги иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлган Асосий Қонун — Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини қабул қилиш бош вазифа қилиб қўйилди.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, шунингдек, енгил саноат, қурилиш ва транспорт соҳасидаги айрим корхоналарни акциядорлик асосида қайта қуриш ҳисобига кўп укладли иқтисодиёт негизларини яратиш.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг конституциявий ҳуқуқлари ва кафолатларини таъминлаш. Давлат хўжаликларини жамоа хўжаликларига ёки мулкчиликнинг давлатга қарашли бўлмаган бошқача шаклларига айлантириш, фермер (деҳқон) хўжаликларини, унча катта бўлмаган кооперативларни, пудратчи ва ижарачи оилавий жамоаларни ривожлантириш ҳисобига қишлоқда ишлаб чиқаришнинг чинакам ширкатчилик шакллари қайта тиклаш.

Учинчидан, ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришнинг ғоят муҳим шarti бўлмоғи керак эди.

Иқтисодиёт барқарор амал қилиб турган тақдирдагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Биринчи босқичда вужудга келаётган вазият тангликни бартараф этиш учун жадал, қаттиқ, баъзан унча одат бўлмаган чоралар кўришни, аҳолининг турмуш даражаси кескин ёмонлашиб кетишига йўл қўймасликни талаб қилди.

Биринчи босқичда ғоят муҳим ва биринчи даражали чора-тадбирлар ҳамда устувор йўналишлар сифатида қуйидагилар илгари сурилди.

Молия ва солиқ сиёсати соҳасида:

— қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш, давлат бюджети дефицитини иложи борича камайтириш, бюджетдан бериладиган дотациялар ва субсидияларнинг барча турларини босқичма-босқич қисқартириб бориш;

— бюджет маблағлари даромад тушганидан кейингина тақсимлаштирадиган йўлдан оғишмай бориш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ ажратиш;

— халқ хўжалиги тармоқларини, айрим корхоналарни ривожлантириш учун бюджетдан пул билан қайтармайдиган қилиб таъминлаш амалиётидан воз кечиш. Ана шу мақсадлар учун инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш;

— солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадлари барқарор суратда тўлдириб турилишини таъминлайдиган, кичик ва хусусий корхоналарнинг, чет эл капитали иштирокидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган ва халқ истеъмолчи моллари ишқаб чиқарадиган қўшма корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантирадиган пишқ-пухта солиқ сиёсатини олиб бориш.

Кредит-пул сиёсати соҳасида:

— Марказий банк бошчилигида ҳамда кенг тармоқли мустақил тижорат ва хусусий банклар икки босқичли банк тизимини вужудга келтириш, республика ҳудудида йирик чет эл банкларининг бўлимлари ва ваколатхоналарини очиш учун қулай шароит яратиш;

— барқарор пул муомаласини таъминлаш, кредит ва нақд пул эмиссиясини, жами пул массасининг асоссиз ўсишини кескин чеклаш;

— Ўзбекистон Республикасининг миллий пулини муомалага киритиш учун зарур иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар ҳамда имкониятларни яратиш.

Нарх-наво бўйича ва пулнинг қадрсизланишига қарши сиёсат соҳасида:

— нарх белгилаш тизимини янада тартибга солиш, бозорни тартибга солиб турувчи восита сифатида нархнинг ролини мустаҳкамлаш;

— нарх-навони эркин қўйиб юборишнинг “эсанкиратадиган” механизми Ўзбекистон учун номақбул эканлигини қатъиян эътироф этган ҳолда, улгуржи ва чакана нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш, эркин (келишилган) нархларда сотиладиган товарлар доирасини кенгайтириш йўлини изчил амалга ошириш;

— жуда тор доирадаги ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари, энг аввало, ун ва ноннинг нархини давлат томонидан бошқариб туриш тартибини вақтинча сақлаб қолиш;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини изчил суратда ошира бориб, уларни жаҳон нархлари даражасига етказиш;

— монополияларга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш, юксак даражада монополлашган тузилмаларни ажратиш ҳисобига нарх-навонинг сунъий равишда ошириб юборилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш, рақобатчиликни вужудга келтириш учун шароит яратиш.

Бугун ислоҳ қилиш жараёнида амалга оширилган ғоят муҳим стратегик устувор йўналиш структуравий ўзгаришларни амалга оширишдан иборат бўлди. Стратегик маънода ўсишга эришиш учун ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш зарур. Шу

сабабли ҳар бир босқичда ресурслар мавжудлигига қараб, энг аввало, иқтисодийнинг устун йўналишларида структуравий ўзгаришларни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоғи даркор.

Биринчи босқичда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

— ёқилғи-энергетика комплексининг илдам суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлаш ҳажмларини ошириб бориш, шунинг ҳисобига республиканинг энергетика мустақиллигига эришиш;

— товарларни четдан келтириш ўрнига уларни ўзимизда ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантириш асосида, бошқа минтақалардан келтириладиган халқ хўжалигини ва аҳоли турмушини таъминлайдиган ғоят муҳим маҳсулот турларига республиканинг қарамлигини камайтириш чораларини кўриш;

— қишлоқ хўжалик хом ашёсининг энг муҳим турларини (пахта, ипак, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни) янада тўла қайта ишлаш, енгил ва маҳаллий саноатнинг туташ ишлаб чиқаришларини — тўқимачилик, ип йиғириш, тикувчилик ва бошқа корхоналарни ривожлантириш;

— энг муҳим истеъмол молларини ишлаб чиқарадиган тармоқларни жадал ривожлантириш, тайёрланаётган маҳсулот хилини кўпайтириш, ош тузи, спирт, гугурт ва бошқа ўта камёб товарларни ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни бунёд этиш.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳот иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим бўғини деб белгиланди.

Деҳқончилик секторини ривожлантириш муаммолари Ўзбекистоннинг бозорга ўтиши стратегиясида ҳал қилувчи муаммолардандир. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги доимо амалга ошириладиган иқтисодий ислоҳотлар марказида туради. Зеро бу бутун

иқтисодиётимизнинг асосидир. Барча иқтисодий ўзгаришларнинг оқибати туб ўзгаришлар жараёни деҳқончилик секторига қанчалик чуқур таъсир этишига, қишлоқда ислохотлар қанчалик узоққа боришига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини қайта-қайта кўрсатиб ўтган эдик.

Биринчи босқичда қишлоқ хўжалигини ислоқ қилиш соҳасидаги асосий вазифалар:

— қишлоқда хўжалик юритишнинг янги шакллари кенг кўламда ривожлантириш, деҳқонлар ўзларини ишланаётган ернинг, етиштирилаётган маҳсулотнинг тўла ҳуқуқли хўжайинлари деб аниқ ҳис қилишларига имкон берадиган иқтисодий муносабатларни шакллантириш;

— пахтадан ва бошқа экинлардан бўшатиб олинаётган ер майдонларини фермер (деҳқон) хўжаликлари ташкил этишга бериш, шахсий томорқа ерларини кенгайтириш, қишлоқ меҳнатқашларига ер майдонларини мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериб қўйиш йўлини изчил олиб бориш;

— агросаноат комплексида экин майдонларининг оқилона структурасини яратишга, пахта экиладиган майдонлар салмоғини камайтиришга, озиқ-овқат экинлари, энг аввало, дон етиштиришни кўпайтириб боришга қаратилган чуқур ижобий сиёсатларни амалга ошириш;

— қайта ишловчи корхоналарни қишлоқ хўжалик хом ашёси етиштириладиган жойга мумкин қадар яқинроқ қуриш, қишлоқда ихчам саноат корхоналари ва цехлар бунёд этиш, меҳнатнинг касаначилик шакллари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатадиган фирмалар тармоғини кенг ривожлантириш;

— қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоқларини фаол шакллантириш,

қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашдан иборат бўлди.

Аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Бу республика қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган сиёсатнинг умумий устувор йўналишларидан биридир. Чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш республикада озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал қилишни талаб этади. Ҳозирги вақтда республикага ташқаридан олиб келинаётган дон, картошка, чорвачилик маҳсулоти, шунингдек, шакар ва бошқа маҳсулотлар билан ўзини ўзи таъминлаш даражасини ошириш жуда муҳим вазифадир.

Республикамизнинг экспорт қувватини бутун чоралар билан ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш иқтисодиётни мустаҳкамлашнинг гоят муҳим шартига айланиб бормоқда. Узоқ йиллар мобайнида республика амалда ташқи дунёдан ажратиб қўйилган эди. Биринчи босқичнинг асосий вазифаси жаҳон ҳамжамиятида қатъий ўринга эга бўлишдан, ишончли шерик эканлигимизни кўрсатишдан, гоят кенг ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатишдан иборат бўлди. Бунинг учун эса:

— ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган иқтисослашган ташкилий структура-ларни вужудга келтириш, тегишли кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш;

— ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича аниқ мақсадни кўзловчи сиёсатни ўтказиш, чет эллик шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишда корхоналар ва фуқароларга кўпроқ эркинлик бериш;

— товарларни экспорт ва импорт қилишнинг имтиёзли тартибини жорий этиш, квота белгилаш ва лицензия олинishi керак бўлган товарлар рўйхатини босқичма-босқич қисқартириб бориш;

— экспорт ва импорт таркибини такомиллаштириш. Анъанавий маҳсулот турлари (пахта ва ундан олинган маҳсулот, рангли металллар, минерал ўғитлар ва бошқалар)ни экспорт қилиш билан бир қаторда чет элга техникавий жиҳатдан мураккаб тайёр товарлар ва буюмларни етказиб беришни кенгайтириш, турли хизматлар — транспорт, сайёҳлик, валюта-кредит хизматлари кўрсатиш;

— имтиёзлар тизимини вужудга келтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, чет эллик инвесторлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш воситасида корхоналарнинг экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидаги инвестиция фаолиятини рағбатлантириш;

— чет элдан олинаётган кредитларни, биринчи навбатда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларининг энг муҳим турлари, дори-дармон билан таъминлашга сарфлаш, чет эл инвестицияларини халқ хўжалигининг асосий тармоқларига — кончилик, ёқилғи-энергетика саноатига, қишлоқ хўжалик хом ашёсини саноат усулида қайта ишлашга, шунингдек, иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторини ривожлантиришга жалб қилиш;

— ташқи иқтисодий фаолият инфраструктурасини — ташқи алоқаларимизни ривожлантириш манфаатлари ва шартларига мос келадиган ихтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмалари, транспорт, алоқа ҳамда коммуникация тизимларини барпо этиш, чет элда ўз ваколатхоналаримизни очиш талаб этилди.

Бутун иқтисодий ислоҳотларимиз дастурининг юқорида кўрсатиб ўтилган асосий устувор йўналишлари билан бир қаторда, ислоҳотни амалга оширишнинг ҳамма босқичларида долзарб аҳамиятга эга бўлган бир қанча умумий устуворликларни ҳам аниқ кўрсатиб ўтиш керак. Улар жамиятни янгилаш жа-

раёнининг беистисно ҳамма йўналишларини қамраб олади.

Умумий устуворликлар ислоҳот босқичларининг изчиллигини, унинг узлуксиз кечишини таъминлайди. Кўзланган ўзгаришлар муқаррар бўлиши учун шарт-шароит яратлади.

Ислоҳотлар стратегиясини рўёбга чиқаришда биз учун умумий устуворлик, энг аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Ана шу чора-тадбирлар орасида қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эга:

— республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг, фуқаролар орасида тинчлик ва миллатлараро тотувликнинг ишончли кафолатларини таъминлаш;

— ижтимоий адолат қоидаларини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг энг муҳтож бўлган қатламлари — кексалар, ногиронлар, етимлар, кўп болали оилалар ва ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли воситасини яратиш;

— ижтимоий ёрдамни унга муҳтож бўлган шахсларга бериш, бундай ёрдамнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлигини кучайтириш, нафақалар ва бошқа тўловлар тизимини аҳолининг реал даромадлари билан боғлаган ҳолда уйғунлаштириш ҳисобига ижтимоий ёрдамнинг таъсирчанлигини ошириш;

— аҳолининг энг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла қўмиталари ролини ошириш, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи махсус жамғармалар фаолиятини кучайтириш учун шароит яратиш;

— меҳнат бозорини тартибга солиш ҳамда иш билан таъминлаш соҳасида фаол сиёсат юритиш, республиканинг иш кучи ортиқча бўлган туманла-

рида кичик ва ўрта корхоналарни устун даражада ривожлантириш ҳисобидан янги иш жойларини яратишни рағбатлантириш.

Яна бошқа умумий устуворликлар таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш, ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Халқимиз ўзини чинакам эркин ҳис қилганидагина, аждодларимиз маънавияти ва урф-одатлари, анъаналари қайта тикланган тақдирдагина иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Юксак маълумотли, бақувват, соғлом, матонатли кишиларгина янгиланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Халқимизнинг буюк аждодлари ўй-фикрлари ва интилишлари сарчашмаларига бориб тақаладиган маънавияти иқтисодий ўзгаришларнинг қудратли пойдевори бўлиб хизмат қилади.

1.2. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошдан оқ биз ўзимиз учун муқим сабоқ чиқариб олдик — зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиш бўлмайди.

Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. Ҳозирги мутлақо янги сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни акс эт-

тирувчи янги қонунлар мажмуигина биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер бахш этувчи омил бўлиб хизмат қиладди. Республиканинг барча аҳолиси манфаатларини таъминлашга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мавжуд бўлгандагина туб ўзгаришларнинг кучли ижтимоий асослари яратилади. Ўзбекистоннинг ёрқин келажагига ишонч уйғотилади.

Шу сабабли биринчи босқичда биз ислохотларнинг ўз ҳуқуқий негизини яратишга асосий эътиборни қаратиб келдик.

Янги қонунлар туркумини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бир қанча сабаблар туфайли зарур бўлиб қолди.

Биринчидан, илгари амал қилиб келган қонунлар аввалги тоталитар тузумни ҳимоя қилиш манфаатларига хизмат қиларди. Бошқариш ва хўжалик юришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини ёқлайдиган, ишлаб чиқариш воситаларининг умумдавлат мулки бўлишини тан оладиган, хусусий мулк ҳуқуқини, эркин раҳбатни батамом истисно этадиган, бозор иқтисодиёти қонунларининг амал қилишини чеклаб қўядиган қоидалар расман мустақкамлаб қўйилган эди.

Таркиб топган сохта социалистик тамойиллар ҳаётда ёлғондакам ижтимоий адолат меъёрларини қарор топтирарди. Бу меъёрлар боқимандаликни, ижтимоий ва меҳнат соҳаларида лоқайдликни, иқтисодий масъулиятсизликни туғдирадиган асоссиз тенглаштиришни англатар эди.

Амалда бўлиб келган иқтисодга оид қонун ҳужжатларининг ҳаммаси халқ хўжалигини ташкил этишнинг марказлаштирилган режали тизими руҳи билан суғорилганди. Уларда корхоналарнинг иқтисодий

эркинлигига ҳам, хўжалик соҳасидаги ташаббусга ҳам, тадбиркорликка ҳам ўрин йўқ эди.

Иқтисодиёт ва унинг ҳуқуқий негизи бир неча ўн йиллар мобайнида ҳаддан ташқари мафкуралаштирилган, халқаро меъёрлар ва қоидаларнинг талабларини инкор этар эди. Ҳатто ҳуқуқий жиҳатдан биз социалистик лагер доирасига ўралашиб қолгандик ва амалда жаҳон ҳамжамиятига эркин чиқа олмас, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма қатори тенг субъекти бўла олмас эдик.

Қисқа қилиб айтганда, бутун қонунчилик негизи янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш йўлида асосий тўсиқ бўлиб хизмат қилди. Ислохотлар бошланиши биланоқ бизнинг ҳар қандай ҳаракатларимиз амал қилиб турган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга батамом зид келиб қолди. Шу сабабли, ислохотларни олға суриш учун биз, энг аввало, бутун қонунчилик тизимимизни янги шароитларга ва қўйилган вазифаларга мувофиқлаштиришимиз керак эди.

Иккинчидан, илгари Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ҳаммаси умумийтифоқ талабларига батамом мослаштирилган бўлиб, республикамизнинг ўзига хос минтақавий хусусиятларини ҳисобга олмас эди.

Қонун чиқариш ташаббуси Москва Кремлининг қўлида эди. Республика қонун чиқарувчи органлари иттифоқда қабул қилинган қонунларни, партия ёки ҳукумат қарорларини гўёки республикага мослаб кўчириб олардилар, холос. Қабул қилинадиган кўпгина қарорлар, аслини олганда, эклектик руҳида бўлиб, ҳақиқий шарт-шароитдан узилиб қолган, баъзан эса республиканинг миллий хусусиятларига ва анъаналарига, манфаатларига зид бўлар, унинг мустақиллигини камситар эди. Натижада иқтисодиётда ҳам, ижтимоий-маънавий соҳада ҳам жиддий номутано-

сибликлар, бузилишлар юз бердики, буни тезроқ бартараф этиш талаб қилинди.

Мустақилликни қўлга киритгандан кейин Ўзбекистон ёш давлат сифатида ўз халқининг манфаатларига, жамиятда ҳам, иқтисодий муносабатларда ҳам демократик ўзгаришларни амалга ошириш вазифаларига мос келадиган янги қонунчилик асосларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши зарур бўлиб қолди.

Ниҳоят, учинчидан, биз янгилашни ва тараққиётда ўз йўлимизни, иқтисодиётни ислоҳ қилишда ўз моделимизни танлаб олдик. Шу сабабли бошқа мамлакатларнинг қонун меъёрлари ва ҳужжатларидан фойдаланиш, ҳатто улар айнан бозор муносабатларига жавоб берса ҳам, биз учун номақбул эди. Биз жаҳондаги демократик меъёрлар ва бозор иқтисодиёти тамойиллари аллақачон таркиб топиб бўлган кўпгина мамлакатларнинг қонун чиқариш соҳасидаги тажрибасини кенг ўргандик. Бу иш бизга хатоларни такрорламаган ҳолда, янгиланган жамият куриш хусусиятларини ҳисобга олиб, гоят қисқа муддат ичида пухта замонавий қонунчилик негизини шакллантириш, ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ўз механизмимизни ишлаб чиқиш имконини берди. Қабул қилинаётган кўпгина қонунлар дастлаб таниқли халқаро юридик ташкилотларда ва мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилди. Уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан етуклиги, умум қабул қилинган талаблар ҳамда қоидаларга мослиги юксак баҳоланди.

Ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида биз ҳуқуқий асосларни яратишда ўзимизга хос ёндашувларни, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ўз механизмимизни вужудга келтирдик.

Биз ўзимиз учун жамиятни қонунлар ёрдамида бошқаришни ўрганиб олишимиз кераклиги тўғрисида муҳим хулоса чиқариб олдик. Қонун ижтимоий

ҳаётни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси бўлиб қолиши керак. Бунинг учун биз чуқур ўйлаб ишланган, ҳар томонлама асосланган, узоқ муддат амал қиладиган қонунларга эга бўлишимиз керак.

Ҳозирги вақтда ислоҳотлар жараёнини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг яхлит тизими таркиб топди. Бу тизим ҳокимиятнинг ҳамма тармоқларини: президентлик бошқаруви шаклини, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларини ўзида узвий қовуштиради. Бундан ташқари, у ошкоралик, қабул қилинаётган қарорларни очиқ ва кенг кўламда муҳокама қилиш қоидаларига қаттиқ асосланади.

Давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий, роят муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилади ва унинг фармонлари билан тасдиқланади. Айни шу фармонлар ислоҳотларнинг асосий мафқурасини ва уларни амалга оширишнинг муҳим босқичларини ўзида акс эттиради. Қабул қилинаётган муҳим қарорлар қандай мақсадга қаратилганлиги, уларни амалга ошириш механизми фармонларда очиқ берилади.

Фундаментал, барқарор ва узоқ амал қиладиган меъёрлар ва қоидалар Қонунларда ўз аксини топади. Қонунларда мустақкамлаб қўйилган талаблар мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўғридан-тўғри ва мажбурий суратда бажарилиши шарт. Ислоҳотлар жараёни ривожланиб ва чуқурлашиб борган сари, уларнинг ҳуқуқий негизи сайқалланиб ва такомиллаштириб борилади, қабул қилинган қонун ҳужжатларига ўз вақтида зарур ўзгартиришлар киритилади. Бу ҳол қонунларнинг таъсирчанлигини ошириш, уларнинг амалда таркиб топаётган ижтимоий-иқтисодий

шароитлар билан бевосита алоқасини кучайтириш имконини беради.

Фармонларда қабул қилинадиган ечимлар ҳукумат қарорларида ҳуқуқий асосда батафсил ёритиб берилади ва аниқ чора-тадбирлар билан мустаҳкамланади. Ҳукумат қарорларини қабул қилиш йўли билан иқтисодий ислоҳотларнинг боришини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан жадал суратда тартибга солиш, иқтисодиётнинг ғоят муҳим бўғинлари ва соҳаларини ўзгартириш жараёни амалга оширилади.

Ҳукумат даражасида қабул қилинадиган чора-тадбирлар ғоят муҳим халқ хўжалик муаммоларини ҳал қилишга бўйсундирилади, ислоҳот жараёнининг ҳамма қатнашчиларини бу жараённинг ғоят муҳим томонларига йўналтирилади. Кўпгина қарорлар муаммоларнинг баён этилиши ва мазмуни жиҳатидан белгиловчи характерга эга бўлиб, иқтисодиётнинг айрим бўғинларида ислоҳотларни авж олдиришнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади. 1994 йилнинг ўзидагина бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди, улар миллий валютани мустаҳкамлаш, пул эмиссиясини қисқартириш, республиканинг истеъмол бозорини товарлар билан бойитиш, валютани тартибга солиш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фермер (деҳқон) хўжалигини ривожлантириш, саноатни бошқариш структурасини такомиллаштириш ва бошқа муаммоларни ҳал қилишда мутлақо янгича ёндашувларни очиб берди.

Қонунлар, фармонлар ва қарорларни умумий ва ўзаро алоқадорликда олган ҳолда, бизда амалга оширилаётган ислоҳотларни давлат-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг яхлит, прогрессив тизими таркиб топди, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Кейинги йилларда қонун чиқариш тизимининг ўзигина эмас, балки қонун ва меъёрий ҳужжатларни

ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш механизми ҳам вужудга келди. Қабул қилиниши мўлжалланаётган ғоят муҳим ҳужжатларнинг лойиҳаларини ошқора ва кенг муҳокамага қўйиш амалиётда мустаҳкам қарор топди. Қабул қилинаётган барча қонунлар, меъёрий ҳужжатлар матбуотда босилиб чиқмоқда, телевидение орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ёритилмоқда, аҳолининг ғоят кенг қатламларига етказилмоқда. Жуда муҳим масалалар бўйича, уларни омма онгига етказиш учун фаол тушунтириш иши олиб борилмоқда, бу ишда ҳукумат аъзолари, депутатлар, олимлар ва мутахассислар қатнашмоқдалар.

Ислоҳотлар йўлини бундан буён ҳам жадал амалга оширишда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик муаммолар юзасидан қарорларни биргаликда муҳокама этиш ва қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида махсус Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича Идоралараро кенгаш тузилган. Кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ҳамда бу стратегияни рўёбга чиқаришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлайди. Республикада иқтисодий ўзгаришларнинг аниқ моделлари ва дастурларини ишлаб чиқади. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳолини таҳлил қилади, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш чоралари тизимини белгилайди.

Кенгаш ўз фаолияти давомида давлат мулкани хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва фонд биржаси фаолиятини ташкил этишнинг асосий йўналишлари, қондалари ва механизми, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш чоралари, тадбир-

корлик фаолиятини ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ривожлантиришни рағбатлантириш каби муаммоларни батафсил муҳокама этди ва улар юзасидан тавсиялар қабул қилди. Бу тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига асос бўлди. Кенгаш қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган ҳукумат қарорларининг бажарилишини атрофлича таҳлил қилди ва бу жараёнга баҳо берди. Кенгашда кўриб чиқиш учун киритилаётган барча масалалар ошқора, қатъий ва амалий муҳокама қилинмоқда. Бу эса қарор қабул қилиш чоғида мутахассисларнинг турли хил фикрлари ва тавсияларини мумкин қадар тўлароқ ҳисобга олиш имконини бермоқда.

Бозор иқтисодиётини қарор топтириш йўлида ҳуқуқий жиҳатдан кўп ишлар қилинди. Республикада ҳуқуқий муассасалар ҳам изчиллик билан шакллантириб борилмоқда. Бозор муносабатларини цивилизациялашган шаклда жорий этишга имкон берадиган қонунлар мажмуи яратилмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлган, иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 100 га яқин асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ислохотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бир қанча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилди.

Биринчи йўналиш — Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш. Ана шу йўналиш доирасида “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Қонун, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органи тўғрисида” ги ва бошқа тарихий аҳамиятга эга бўлган қонунлар қабул қилинди.

Қонунлар қабул қилиниши натижасида ер, ер ости бойликлари, табиий ва минерал ресурслар, яратилган ишлаб чиқариш қуввати Ўзбекистон халқининг ажралмас, мутлақ мулки эканлиги тан олинди.

Республика ва маҳаллий даражада бошқарув структураларининг вазифалари аниқ чегаралаб қўйилди. Миллий шароитларга ҳаммадан кўра кўпроқ жавоб берадиган, жойларда ваколатли ҳокимиятнинг бирдан-бир тўла ҳуқуқли органи бўлган ҳокимлик институти яратилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши соҳасида ноёб механизм тузилдики, унинг илдизлари халқ анъаналарига ва тарихан таркиб топган жамоа муносабатлари — маҳаллага бориб тақалади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, маҳаллалар фуқароларининг йиғини фуқароларга давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга ёрдам беради. Улар ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал қилиш учун уюштирадиган орган сифатида тан олинди.

Иккинчи йўналиш — тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатидан янги иқтисодий муносабатларга ва, энг аввало, мулкчилик муносабатларига асос соладиган қонунлар мажмуини яратиш. Республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган ана шундай базавий, асосларни белгилаб берувчи қонунлар жумласига мулкчилик тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги ва бошқа қонунларни киритиш мумкин.

Иқтисодий ўзгаришларнинг асоси мулкчилик ҳуқуқидир. Республикада мулкдорнинг ҳуқуқи тан олинади ва қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон биринчилардан бўлиб хусусий мулкчилик

ҳуқуқини эътироф қилди, мулкчиликнинг ҳамма шакллари учун тенг шароитлар яратди. Юридик ва ташкилий шарт-шароитлар яратилди, давлат мулкчи хусусийлаштириш, давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шакллариغا ўтказишнинг самарали механизми ишлаб чиқилди ва амалиётда синовдан ўтказилди.

Ерга мулкчилик тўғрисидаги масалага муносабат қонуний тарзда қатъиян белгилаб қўйилди. Суғориладиган деҳқончиликнинг хусусиятларини, ердан ва сувдан фойдаланишнинг тарихий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ер эгаларига берилиши ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи мерос қилиб олинishi мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Аслини олганда, ҳозирги вақтда бозор муносабатларининг зарур шarti ва негизи бўлган кўп укладли иқтисодий шакллантириш учун имкониятлар очиб берадиган барча ҳуқуқий меъёрлар яратилди.

Қонунчиликнинг учинчи ва то'ят фаол ривожланиб бораётган йўналиши — хўжалик юригишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмини яратиш. Бу йўналиш корхоналар ва ташкилотлар янги бозор инфраструктураси вужудга келишини таъминлайдиган хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини тартибга солувчи қонунлар ва меъерий ҳужжатларнинг улкан мажмуидан иборатдир.

Энг аввало, иқтисодийнинг турли соҳаларида хўжалик юритаётган субъектларнинг ҳуқуқ ва иқтисодий эркинлик борасидаги мақомини белгилаб берадиган қонунлар қабул қилинди. Корхоналар тўғрисидаги қонун, кооперация тўғрисидаги, деҳқон хўжалиги тўғрисидаги, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир. Ушбу қонунларда республика янги хўжалик механиз-

мининг асосий қоидалари илк бор баён қилиб берилди. Бу қоидалар иқтисодий манфаатдорликка, фойдага ва ўз фаолиятининг натижалари учун моддий жавобгарликка таянади.

Ана шу қонунлар амалга киритилгач, корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ғоятда хилма-хил (жамоа, акциядорлик, масъулияти чекланган жамиятлар, кооперативлар, ширкатлар, қўшма корхоналар ва бошқалар) бўлиб қолди. Улар корхоналар фаолиятининг турларига ҳам, уларни бошқаришни ташкил этиш тизимига ҳам муайян даражада мос келади.

Бозор инфраструктурасини яратиш ва унинг фаолиятига хос жараёнларни тартибга солишни таъминлайдиган қонун меъёрлари фаол шаклдантириб берилди. Уларнинг асосий қоидалари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги, пул тизими тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, суғурта тўғрисидаги, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги ва бошқа қонунларда ўз аксини топди. Ушбу қонунлар қабул қилиниши билан республикада бозор механизмларини ривожлантириш учун мустақкам пойдевор яратилди.

Бозор муносабатларининг қарор топишини давлат томонидан тартибга солиш тизимида иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган корхоналар ва фуқароларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари механизмини солиқлар тизими орқали белгилаб берадиган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Монополистик фаолият чеклаб қўйилди. Гаров ҳуқуқи жорий қилинди. Корхоналарнинг банкрот бўлиши қонун йўли билан эътироф этилди. Бу ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Туғилажак барча баҳсли масалалар бундан буён маданий йўл билан, суд тартибида ҳал қилинмоғи лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик

процессуал кодекси ишлаб чиқилди ва ҳўжалик суди тузилди.

Кўпдан-кўп қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлса-да, янги ҳўжалик ҳуқуқини шакллантириш жараёни ҳамон ниҳоясига етказилгани йўқ. Қонун ижодкорлигининг бу йўналиши ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичларида ҳам энг жўшқин ривожланиб борадиган соҳалардан бири бўлиб қолади. Яқин орада Фуқаролик кодекси қабул қилинади. Бу кодексда мулкчиликнинг ҳамма шаклларидаги ҳўжалик фаолиятини тартибга солувчи барча асосий қондалар қонуний тарзда баён этилади.

Тўртинчи йўналиш — Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг тенгҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳуқуқий нормаларни яратишдан иборат. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг етакчи халқаро ташкилотларга аъзолиги тўғрисида, валютани тартибга солиш тўғрисида қабул қилинган қонунлар, асосий халқаро пактлар ва битимларнинг Ўзбекистон томонидан имзоланиши мамлакатимизнинг ташқи алоқаларининг ривожланиши тарихида сифат жиҳатидан янги саҳифа очди.

Иқтисодиётимизга чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ишончли ҳимояланишининг кафолатлари таъминланиши бўйича қонун асослари қабул қилинди. Бу Ўзбекистоннинг келажаги учун алоҳида аҳамиятга эга. Чет эл инвестициялари ташқи дунё билан жонли алоқа бўлибгина қолмай, балки чуқур таркибий ва муайян тизимдаги ўзгаришларнинг қудратли манбаи ҳамдир. Буларсиз янгиланган жамиятни қуриш асло мумкин эмас.

Бешинчи, энг муҳим йўналиш — инсоннинг ишончли конституцион ва юридик ҳуқуқларини, ижтимоий кафолатларни ва аҳолини ижтимоий қўллаб-

қувватлашни таъминлайдиган қонунларни ишлаб чиқишдан иборат. Инсон, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини, виждон ва дин эркинлигини тартибга солувчи асосий қонунларнинг тайёрланиши, муҳокама этилиши ва қабул қилиниши қонун чиқариш фаолиятида мутлақо янгилик бўлди.

Иш билан бандлик тўғрисида, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти асослари тўғрисида, таълим тўғрисида, ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар бозорга ўтишнинг мураккаб шароитларида аҳолининг энг муҳтож табақалари манфаатларини қонун кучи билан ҳимоя қилишгагина эмас, балки одамларнинг маънавий, ижодий имкониятларини намोён қилишга, ислоҳотлар учун мустаҳкам ижтимоий замин яратишга ҳам имкон берди.

Мустақил Ўзбекистоннинг илк Конституцияси — давлат ва жамият ҳаётининг Асосий Қонуни қабул қилинганлиги биринчи босқичдаги қонун чиқариш фаолиятининг гултожиси бўлди. Конституция ёш давлатимиз чинакам мустақиллигининг, янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар дунёга келишининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатни ва иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг фармонларида ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида баён этилган асосий қоидалари ўтиш даврининг, ўз умрини яшаб бўлган иқтисодий муносабатларни ва сиёсий тузумни юридик йўл билан алмаштириш, чинакам демократик нормалар ва ижтимоий кафолатларни қарор топтириш жараёнининг мустаҳкам ҳуқуқий негизини яратади.

Биринчи босқичдаги вазифа ҳозирги шароитларга мос келадиган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул

қилишдангина эмас, балки уларга оғишмай амал қилинишини таъминлашдан ҳам иборат бўлди. Қонунга риоя этиш ҳамма учун мажбурий бўлган, уни бузишга эса асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳуқуқий ҳаёт тартибини, ҳуқуқий маданият даражасини ишлаб чиқиш зарур эди.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ. Ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиши билан белгиланиши яхши маълум. Бозор иқтисодиёти сари бораётган йўлимиз биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бинобарин, бундан келиб чиқадиган муҳим сабоқ шуки, қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришни ўрганиб олишимиз керак. Бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўрганиб олиш лозим. Қонун устуворлиги тантана қилишига, унга оғишмай риоя этиш эса ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлиб қолишига эришишимиз керак.

1.3. ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА КўП УҚЛАДЛИ ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шarti кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашиш муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий, таъкилий шарт-шароитларини вужудга келтиришдан иборат.

Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг

тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Бу масала социалистик тузумдан кейин бозор муносабатлари йўлини ташлаган мамлакатларда катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир. Худди шу масалани ҳал қилиш билан янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига биринчи ғишт қўйилади. Режалаштиришга асосланган марказлаштирилган иқтисодиётни бозор иқтисодиётига айлантиришнинг янги мустақил давлатлар танлаб олган турлича ёндашувлари ва моделлари кўп жиҳатдан айнан мулкчилик масаласини ҳал этиш хусусиятлари билан фарқланади. Ушбу масаланинг давр талабларига мувофиқ муваффақиятли ҳал этилиши республикамиз иқтисодиётини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан бир қаторга қўядиган асосий омилдир.

Ўзбекистонда ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди. Бу шакллар қарор топиши учун тенг ҳуқуқий нормалар ва амал қилиш механизмлари яратилди. Бундан ташқари, янги ташкил этилаётган ёки хусусийлаштирилаётган, хусусий мулкчиликка ёки чет эл капиталининг иштирок этишига асосланган корхоналар учун солиқ соҳасида уларнинг фаол ривожланишини рағбатлантирадиган имтиёзлар ва преференцияларнинг бутун бошли тизими мавжуд. Шундай қилиб, илгари давлатга қарашли бўлмаган, хусусий секторни, тадбиркорликнинг ривожланишини сунъий равишда чеклаб келган юридик ва ташкилий тўсиқларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда амалда олиб ташланди.

Давлатга қарашли бўлмаган секторни вужудга келтириш кўпроқ давлат мулкчини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобига амалга оширилмоқда. Бу Ўзбекистон ҳам мансуб бўлган, бозор иқтисодиётининг қарор топиш жараёни эволюцион йўл билан кечган мамлакатлардан тамомила

фарқланиб турадиган социалистик тузумдан кейинги мамлакатларда кўп укладли иқтисодий шакллантиришнинг фоят муҳим хусусиятидир.

Давлат мулкани хусусийлаштириш иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ривожланаётган Буюк Британия, Франция, Япония, Филиппин сингари мамлакатларда ҳам амалга оширилмоқда. Бу ҳол, айниқса, иқтисодийда давлат секторининг салмоғи анча юқори бўлган мамлакатларда бозор муносабатларини ривожлантиришга хос табиий жараёндир. Давлат иқтисодийнинг кўпинча иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган, бироқ бутун мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган айрим секторларини, айрим корхоналарни қўллаб-қувватлаши ҳамда уларни сақлаб туриш ва маблағ билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олиши керак. Улар иқтисодий жиҳатдан мустақамланиб, барқарор ишлаб бошлагач, хусусий мулк қилиб сотилади.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошираётган собиқ социалистик мамлакатларда ақвол бошқача. Улар мустақилликни қўлга киритгунга қадар ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулкчилиги умуман инкор этилар эди. Хусусий мулкчилик капиталистик ишлаб чиқариш усулини социалистик усулдан фарқловчи биринчи белгиси эди. Шу сабабли хусусий мулкчилик ҳам юридик жиҳатдан, ҳам айниқса амалиётда батамом истисно этилар эди. Хусусий мулкчиликнинг шакли ўзгартирилган, ишлаб чиқариш воситаси бўлмаган ва даромад келтирмайдиган фуқароларнинг шахсий мулки сифатидаги кўринишигина мавжуд бўлиши мумкин эди. Аҳолининг ўз мулкидан фойдаланиш туфайли оладиган даромадларининг ҳамма турлари қонунга зид ҳисобланарди.

Бир неча ўн йиллар мобайнида иқтисодда умумхалқ мулки деб аталган, аслида эса давлат бюрократик тизимининг ихтиёрида бўлган давлат сектори

тўлиқ ҳукмронлик қилиб келди. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари фақат икки турдан: давлат мулки ва колхоз-кооператив мулкидан иборат қилиб қўйилди. Бунинг устига колхоз-кооператив мулки ҳам амалда бутунлай давлат ихтиёрида эди.

Шундай қилиб, барча ишлаб чиқариш воситалари давлатнинг танҳо мулки эди. Бу ҳол реал ишлаб чиқариш қатнашчиларининг ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлишига, эгалик ҳиссининг йўқола боришига, иқтисодий манфаатдорлик ва меҳнатдан рағбатланишнинг пасайишига олиб келди. Иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган фуқаро, ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкни самарали тасарруф этишдан, ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки бутун мамлакатни бойитишга ҳам қодир бўлади.

Шу сабабли иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг ғоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат эди.

Хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошираётган кўпгина мамлакатлар мулкчилик шаклларини ўзгартириш бўйича тажриба орттирдилар, ўзига хос ёндашувларни ишлаб чиқдилар. Бу ёндашувлар хусусийлаштиришдан кўзланаётган мақсадга, бу жараённи амалга ошириш динамикаси ва механизмига, хусусийлаштириш жараёнларига аҳоли қанчалик кенг қатнашишига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Масалан, Россиядаги оммавий хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад жуда қисқа муддатларда барча давлат корхоналарини батамом акциядорлик корхоналарига айлантириш ҳамда чеклар бозорини жорий этиш ҳисобига мулкдорларнинг ғоят кенг қатламини вужудга келтиришдан иборат эди. Бунда хусусийлаштиришга иқтисодий ва молиявий барқарор-

ликни таъминловчи омил сифатида қаралмади. Натижада бозор сари жадал илгарилаб бориш жараёни бўлиб кўринган кенг кўламдаги хусусийлаштириш туфайли реал, иқтисодий жиҳатдан кучли мулкдорлар таркиб топмади. Аксинча, бу жараён туфайли ишлаб чиқариш пасайиб кетди, молиявий номуთანосиблик кучайди, мулкчилик шаклини ўзгартирган кўплаб корхоналар синиш хавфи остида қолди ва арзон-гаров сотиб юборилди. Мулкдорлар кенг қатлами ҳисобланмиш ваучерларнинг эгалари ўрнига молиявий ва холдинг компаниялари, чек фондларининг катта тармоғи вужудга келиб, улар кўпчилик одамларнинг саводсизлигидан фойдаланиб, капитал жамғариб олдилар. Бу ҳол жамиятда ижтимоий табақаланишни янада кучайтириб юборди.

Биз бозор муносабатларига ўтишнинг ўзимиз ишлаб чиққан модели хусусиятларини ҳисобга олиб, хусусийлаштиришни амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг кўп укладли иқтисодиётини шакллантиришга принципиал ёндашувларни ишлаб чиқдик ва улар амалиётда ўз тасдиғини топди. Бу ёндашувлар нималардан иборат?

Энг аввало, чет эллик экспертлар зўр бериб қабул қилдиришга уринган чек воситасида хусусийлаштириш ғоясидан воз кечдик. Ижтимоий адолат принципи таъминланишига урғу бериб, бу ғояни жозибадор қилиб кўрсатиш йўлидаги барча интилишларга қарамай, у биз учун бир қанча сабабларга кўра мақбул бўлмади.

Биринчидан, бир неча авлодлар меҳнати билан яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятига республикада яшайдиган ҳар бир кишининг қўшган ҳақиқий улушини ҳолисона баҳолаб бўлмайди. Мол-мулкнинг қийматини баҳолаб, унинг миқдоридан чеклар, ваучерлар ва бошқа шунга ўхшаш қимматли қоғозлар чиқариш ҳамда бу қоғозларни бутун аҳоли ўртасида

тенг тақсимлаш — ижтимоий адолат тамойилига риоя қилиш эмас, балки социалистик сунъий равишда тенглаштиришнинг бузилган бир шакли, холос.

Иккинчидан, чекларни бепул тақсимлаш ва шундан кейин уларга корхоналарнинг акцияларини сотиб олиш мулкдорлар гуруҳини вужудга келтирмайди, балки, аксинча, бойлигимизни қадрсизлантиради. Аслида бепул қўлга кирган мол-мулк ёки унинг бир қисми чинакамига асраб-авайланмайди, ундан самарали фойдаланишда худди ишлаб топилган пулга сотиб олинган мулкдан бўлгани каби ҳақиқий манфаатдорлик бўлмайди. Текин нарсанинг қадрини ҳам бўлмайди. Бу аччиқ ҳақиқатни ўтган йиллар мобайнида биз яхши ўзлаштириб олганмиз. Шу сабабли кўпчилик “янги руслар” ўзлари чек олиб акциядорлари бўлган корхоналарнинг барбод бўлаётганини, ҳар турли чек ва инвестиция фондлари совун кўпиги мисол шовқин-сурон ва жанжал билан “ёрилаётганини” лоқайдлик билан кузатиб турибдилар.

Биз шундай қатъий хулосага келдик — давлат мол-мулки фақат янги мулкдорга сотиш йўли билангина мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантирилиши мумкин. Бундан фақат ижтимоий инфраструктура ва экологик ҳимоя воситаларигина истиснодир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга бундай ёндашишнинг мазмуни жуда оддий — “ваучерлашган” қиёфасиз мулкдордан қочиш ва ўзига топширилган мол-мулкни тўғри тасарруф эта оладиган, фаолиятининг дастлабки босқичидаёқ ундан катта самара билан фойдаланишни таъминлайдиган шахсларга мулк беришдан иборат. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, масалага бундай ёндашиш ўзини таъмомила оқлайди. Биздаги хусусийлаштирилган корхоналарнинг кўпчилиги, бир қатор мамлакатларда рўй берган ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва синишидан фарқли ўлароқ, янада серунум ишлай бошла-

ди ва ўтиш даврининг барча қийинчиликларига чидам билан бардош бермоқда.

Хусусийлаштиришдан олинадиган маблағлар, биринчи навбатда, хусусийлаштириш давридан кейин корхоналарнинг ўзини қўллаб-қувватлашга, янги, рақобатлашувчи корхоналар барпо этишга сарфланаётганлиги ҳам муҳимдир. Бу ҳол бюджетнинг юкини анча камайтиради ва эркин инвестиция ресурсларини ислохотнинг устувор йўналишларига жамлаш имконини беради.

Учинчидан, чек бозори самарали ишлаб туриши учун қимматли қорозлар билан муомала қилишда юксак маданиятга эга бўлиш, тегишлича тузилмалар, кафолат тизимлари мавжуд бўлиши лозим. Аҳолининг кўпчилик қисми қимматли қорозлар билан муомала қилиш кўникмасига эга эмас. Уларни қайси соҳаларга, қандай корхоналарга қўйиш фойда келтиришини аниқ тасаввур қила олмайди. Шунингдек, аҳолининг катта қисми қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ. Шу туфайли чек воситасида хусусийлаштиришни жорий этиш ижтимоий вазиятнинг кескинлашувига муқаррар суратда олиб келган бўлур эди. Бу эса биз танлаб олган ислоҳ қилиш тамойилларига батамом зиддир.

Иккинчи муҳим хусусият — хусусийлаштиришга дастурий ёндашувни таъминлаш ва уни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Қонунда мулкчилик шаклларини ўзгартириш соҳасидаги ишлар республика ҳамда ҳудудий миқёсда босқичма-босқич ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган махсус дастурлар асосида амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Масалага бундай ёндашиш бизга ҳар бир босқич учун хусусийлаштириш соҳасидаги асосий устуворликларни аниқлаш имконини берди. Дастлабки бос-

қичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини, хуллас, “кичик хусусийлаштириш”ни қамраб олди. Енгил, маҳаллий саноатга, транспорт ва қурилишга, бошқа тармоқларга қарашли айрим ўрта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олиниш ҳуқуқи билан кўпроқ ижара корхоналарига, жамоа корхоналарига, ёпиқ типдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Пайлар (акциялар)нинг назорат пакети давлат ихтиёрида сақлаб қолинди. Мазкур босқичда хусусийлаштириш жараёнининг ўзидаёқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариш механизми ишлаб чиқилди ва созилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга муносабат ва психология ўзгариб борди.

Тажриба ортгани сари хусусийлаштириш жараёни чуқурлашаверди. 1994 йил 21 январда қабул қилинган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги ва 1994 йил 16 мартда қабул қилинган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг ўстувор йўналишлари тўғрисидаги фармонлар хусусийлаштириш жараёнига сифат жиҳатидан янги туртки берди. Қабул қилинган қарорларга мувофиқ бу босқичда корхоналарни очиқ турдаги жамиятларга айлантириш, ушбу жараёнга аҳолини ва чет эллик инвесторларни кенроқ жалб этиш йўли билан уларни акциядорлик корхоналарига айлантириш жараёнини авж олдириш вазифаси кўйилди. Иштирокчилар таркибини кенгайтириш ҳисобига давлат ихтиёридаги акциялар улушини кескин қисқартириш назарда тутилди. Қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк бозорини ташкил этиш учун асос яратилди, давлат мулкни сотиш бўйича ким ошди савдолари ва танловлар мунтазам ўтказила бошлади.

Хусусийлаштириш борасидаги барча ишлар изчил, мунтазам олиб борилмоқда. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва республика ҳудудларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича 20 дан ортиқ давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда.

Хусусийлаштириш масаласида биз танлаб олган ёндашувнинг навбатдаги муҳим хусусияти шундан иборатки, биз мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли социал кафолатларини яратдик ва таъминламоқдамиз. Бунда фуқароларнинг мулкдан улуш олишда тенг ҳуқуққа эгаллиги қондасига, шунингдек, хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ҳимояланиши қондасига қатъий амал қилинмоқда.

Ижтимоий кафолатлар, энг аввало шундан иборатки, хусусийлаштириш чоғида бир бутун имтиёзлар тизими яратилган. Масалан, хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоасининг ходимлари акцияларни имтиёзли шартлар билан сотиб олишлари мумкин. Янги мулкдорга эскирган асосий фондлар ҳамда ижтимоий инфраструктура объектлари бепул топширилади. Давлат хўжаликларининг мол-мулки, фермалар, боғлар ва узумзорлар имтиёзли шартлар асосида хусусийлаштирилмоқда. Агар хусусийлаштирилаётган корхона асосий фондларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондидаги ўз маблағлари ҳисобига сотиб олган бўлса, мол-мулкни сотиб олиш қийматидан чегирмалар ҳам назарда тутилади. Кўпчилик савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари янги эгаларига ер участкалари билан биргаликда сотилади. Корхоналар хусусийлаштирилгач, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ тўлашда ҳам айрим имтиёзлар белгиланмоқда.

Шундай қилиб, ижтимоий кафолатлар тизими хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш учун

ҳам, улар хусусийлаштирилганидан кейин фаолиятини муваффақиятли бошлаши учун ҳам мумкин қадар қулай шарт-шароит тўғдириб бериши даркор.

Бизда хусусийлаштириш борасида ишлаб чиқилган механизмнинг муҳим жиҳати мулкчилик шаклини ўзгартириш билан бир қаторда таркиб топган ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимларини ихчамлаштириш ва яккаҳокимликни бартараф қилишдан ҳам иборатдир. Бу енгил ва маҳаллий саноат корхоналарида, агросаноат комплексида айниқса сезиларли намоён бўлди. Фақат янги мулкдорлар пайдо бўлиб қолмасдан, балки рақобатчилик муҳити ҳам аниқ шаклланиб бормоқда.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида қандай аниқ натижаларни қўлга кирита олдик?

Энг аввало, кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкни бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шакллариغا айлантирилиши учун керак бўлган муассасалар тизими, махсус органлар тuzилди. Бу эса энг асосий яқундир.

Биринчи босқичда хусусийлаштиришнинг ушбу жараёни асосан савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналарини хусусий ва жамоа (ширкат) мулки қилиб бериш негизида амалга оширилган кичик хусусийлаштириш соҳасида айниқса фаол ўтди. Кичик хусусийлаштириш 1994 йилдаёқ тугалланди ва ҳозирги вақтда (1995 йил бошларида) савдо-сотиқ ҳажми ва умумий овқатланиш ялпи маҳсулотининг 82 фоизидан ортиқроғи давлатга қарашли бўлмаган секторга тўғри келмоқда. Тармоқлар бўйича қабул қилинган хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ, “Маҳаллий саноат” корпорацияси тизимидаги корхоналарнинг кўпчилиги, “Ўзбексавдо”, “Ўзбекбирлашув” ва “Ўзмаишийуюшма” ас-

социациялари қайта ташкил қилинди. Хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларининг иш тажрибаси бу объектлар ҳақиқий хўжайинга эга бўлганидан кейин хизмат кўрсатиш маданияти кескин ошганлигидан, товарлар ва хизматлар тури кенгайганлигидан, ҳамма жойда капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилганлигидан далолат бермоқда.

Уй-жойларни хусусийлаштириш ҳам дастлабки қадам бўлди. Хусусийлаштириш жараёнида илгари давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартира ёки давлат уй-жой фондининг 95 фоизидан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди. Бунда ҳар 3 квартиранинг биттаси эгаларига имтиёзли шартлар билан ёки бепул берилди. Уруш фахрийлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва илмий ходимлар, ижодий зиёлилар квартираларнинг бепул эгалари бўлишди.

Кам даромадли, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кекса шахслар, биринчи марта қурилган ёш оилалар ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланмаган, кам таъминланган бошқа тоифалари, уй-жойга муҳтожлар учун аниқ мақсадли махсус коммунал уй-жой захиралари ташкил этилди. Бу захиралар жойлардаги бошқарув органлари ҳузуридадир. Бу уй-жойлар хусусийлаштирилмайди. Улардан яшаш шартномаси асосида фойдаланилади.

Корхоналар ва ташкилотларга ўз ходимлари ва нафақадорларининг уй-жой қуриш ёки квартираларни хусусийлаштириш учун олган ссудалари ё бўлмаса кредитларини батамом ёхуд қисман тўлаб юбориш ҳуқуқи берилган.

Уй-жой фонди хусусийлаштирилиши муносабати билан коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ҳам туб ўзгаришлар бўлди. Бу тизим бутунлай маҳаллий бошқарув органлари ихтиёрига ўтди. Минтақалар-

нинг аҳолига коммунал хизмат кўрсатишдаги мустақиллиги ва масъулияти ортди. Бу тармоқ маҳаллий органлар ихтиёрига номигагина эмас, балки амалда — молия билан таъминлаб топширилди.

Кичик хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши ҳамда бошқарув ва хўжалик тузилмаларида тегишли тажриба орттирилиши 1994 йил ўрталаридан бошлаб оммавий хусусийлаштириш босқичини бошлашга имкон берди. Бу босқичда очиқ турдаги акциядорлик жамиятларини яратиш, корхоналарнинг акцияларини муомалага чиқариш ҳамда кенг кўламдаги кўчмас мулк ва қимматли қорозлар бозорларининг яратилиши кўзда тутилган. Саноат, қурилиш ва транспорт соҳасидаги, агро-саноат комплексининг гўшт-сут, озиқ-овқат ва пахта тозалаш тармоқларидаги ўрта ҳамда йирик корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бошланди. Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хивадаги сайёҳлик комплекслари хусусийлаштирилишига катта эътибор берилмоқда.

Биринчи босқичда хусусийлаштириш механизмининг ўзи ҳам такомиллашиб борди. Ўрта ва йирик давлат корхоналари негизда очиқ турдаги акциядорлик жамиятларини шакллантириш схемаси ишлаб чиқилди. Энг аввало, меҳнат жамоаси, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш учун маблағ сарфлашга тайёр бўлган чет эллик инвесторлар давлат акциядорлик жамиятларининг муассислари бўлиши мумкин. Бунда давлат ихтиёридаги акцияларнинг улуши кескин камайиб бориши кераклиги қатъий белгилаб қўйилди. Ҳозирги вақтда бу улуш 26 фоиздан ошиши мумкин эмас. Жами акцияларнинг ярмидан кўпроғи эркин сотилиши керак.

Қишлоқда ислохотларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида давлат тасаруфидан чиқариш ва кўп укладли иқтисодиётни ри-

вожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Тошкент тумани негизда туманни иқтисодий ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Бу концепция иқтисодий ислохотларни туманлар даражасида чуқурлаштириш йўналишларини тайёрлаш чоғида асос қилиб олинади.

Хусусийлаштириш чора-тадбирлари тизимида давлат мулкни танлов асосида ҳамда ким ошди савдоларида сотиш орқали мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг янги шаклларида янада кенгроқ фойдаланиладиган бўлиб қолди. Дастлабки ким ошди савдосининг тажрибаси шуни кўрсатдики, бу шакл жуда истиқболли бўлиб, унда янги мулкдорларнинг тобора кўпроқ қисми қатнашмоқда. Ҳозирги вақтда қонда тариқасида ким ошди савдоси орқали савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари — дўконлар, ресторанлар, меҳмонхоналар ва бошқалар сотилмоқда. Шуни айтиш керакки, амалдаги сотиш нархлари уларнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлмоқда. Бу ҳол хусусийлаштирилаётган мол-мулкнинг қийматини анча реал баҳолашгагина имкон бериб қолмай, миллий валютамизнинг қадрини оширишга ҳам ёрдам бермоқда.

Кейинги вақтларда ким ошди савдолари ўтказишнинг янги шакли ҳам ривож топди — ким ошди савдосига мол-мулккина эмас, балки хусусийлаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган ер участкалари, янги қурилиш қилиш учун ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи, шу жумладан чет эллик инвесторлар учун ҳам қўйиладиган бўлди. Қишлоқ хўжалик ерларини мерос қилиб олиш ҳуқуқи билан муддатсиз фойдаланишга бериш бўйича ким ошди савдолари ва танловлар ташкил этилмоқда.

Кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорларининг янги муассасаларини барпо этишга асос солини-

ди. Республика фонд биржаси ва кўчмас мулк биржаси, Миллий депозитарий, инвестиция фондлари ташкил этилди, ахборот, телекоммуникация тизимларини барпо этиш дастури ишлаб чиқилди.

Аҳолини хусусийлаштириш жараёнига оммавий жалб этиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини жадал шакллантириш мақсадида вилоятларда брокерлик идораларига эга бўлган республика фонд биржасида ҳам ким ошди савдолари мунтазам ўтказиладиган бўлди.

Кўчмас мулк бозори ҳам шаклланиб бормоқда. Сотилган объектлар орасида уй-жой квартиралари, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, тугалланмаган қурилиш объектлари кўпчиликни ташкил этади. Булар ишнинг бошланиши, холос.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни борган сари авж олмоқда. Давлат мулкни хусусийлаштириш бошланган даврдан бери 1994 йил охиригача 54 мингга яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Шуларнинг 18,4 мингтаси хусусий мулкка ўтди, 26,1 мингтаси акциядорлик, 8,7 мингтаси жамоа, 661 таси ижара корхоналарига айланди. Хусусийлаштирилган корхоналар негизида чет эл капиталини жалб қилиш йўли билан қўшма корхоналар тузилмоқда. Ҳозирги пайтда ҳар уч корхонанинг иккитаси мулкчиликнинг давлатга қаршли бўлмаган шаклига эга. 1994 йилда ялли ижтимоий маҳсулотнинг деярли ярми иқтисодиётнинг давлатга қаршли бўлмаган секторидан ишлаб чиқарилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан олинган маблағлар ҳисобига, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ҳамда ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш бўйича конкрет лойиҳаларни рўёбга чиқариш мақсадида, хусусийлаштириш бошланганидан кейинги даврда

корхоналарга кредитлар берилаётир. Бу эса хусусий тадбиркорларни, асосан фермерларни кредитлар билан қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

Кичик бизнес ҳам ривож топди. Кейинги йилларда кичик корхоналар сони деярли икки баравар кўпайди. Давлатга қарашли бўлмаган секторни қўллаб-қувватлаш учун республикада Тадбиркорликни ривожлантириш фонди, Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш фонди ташкил этилди.

Хусусий секторни ривожлантиришга ёрдам бериш юзасидан қўрилаётган чоралар хусусий корхоналар сонини 1995 йил бошларида деярли 20 мингтага етказиш имконини берди. 250 мингдан ортиқ одам якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Ҳаммаси бўлиб эса давлатга қарашли бўлмаган секторда 4 миллионга яқин одам ишламоқда. Бу ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилган барча ходимларнинг деярли ярмидир. Бу ҳол бозор иқтисодиёти сари амалда илгарилаб борилаётганининг яққол далилидир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида кўплаб халқаро ташкилотлар, чунончи ЮНИДО фаол қатнашмоқда. Унинг ёрдамида учта бизнес-инкубатор ташкил этилди. Европа Ҳамжамияти Комиссияси Амалий алоқалар марказини ташкил этди. Немис техникавий кўмаклашув жамияти (ГТЦ) томонидан Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш маркази очилди. Марказий Осиёдаги Америка тадбиркорлик фонди ва Марказий Осиё инвестиция фонди (Буюк Британия) фаол иш олиб бормоқда. Улар кенг кўламда маслаҳат хизматини кўрсатмоқда ва кадрлар тайёрлашни ташкил этмоқда.

Хусусийлаштиришдан келадиган самара икки ёқлама характерга эга — бир томондан, у аҳолининг бўш турган маблағларини ўзига жалб қилиб, уларнинг бозорга тазйиқини пасайтирмоқда, айна вақт-

да янги маблағларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни юзага келтириш учун шароит яратмоқда. Айни чоғда бу жараён аҳолининг даромадларини хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарали фаолияти ҳисоби-га кўпайтирмоқда.

Ҳозирги замон кўп укладли иқтисодиётини шакллантириш соҳасида сезиларли ютуқларга эришилган бўлса-да, қатъий ҳулоса сифатида айтиш мумкинки, хусусийлаштириш жараёни кенг кўламда эндигина авж ола бошлади. Унинг янада чуқурлашуви иқтисодий ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичларида ғоят муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилиши керак.

1.4. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, АГРАР МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Бунга қишлоқ хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларнинг республикамиз ҳозирги иқтисодиётида ўйнаётган роли сабаб бўлди.

Аграр сектор ҳиссасига 1995 йил 1 январидан ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоизидан кўпроғи тўғри келди. Халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 37 фоизга яқини ва барча аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқда яшайди. Уларнинг моддий аҳволи республика ҳаётининг мана шу етакчи соҳасидаги аҳвол билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Республика саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноатни, озиқ-овқат, кимё саноатини, қишлоқ хўжалик

машинасозлигини ва бошқаларни (булар бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил этади) ривожлантириш истиқболлари, уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий молиявий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш туфайли кейинги йилларда саноат потенциалини сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларда эса ишлаб чиқариш кўламини ҳатто кенгайтириш мумкин бўлди. Айнан аграр сектор Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликнинг қудратли омили бўлди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, айниқса пахта, ҳозирги вақтда асосий валюта ресурси, республика учун ҳаётий муҳим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, техника ва технология ускуналарини импорт бўйича сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир.

Шу сабабли аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Биз қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлашни, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тиклашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик. Қишлоқни ислоҳ қилиш жараёни ихтиёримиздаги энг катта бойлик бўлган ернинг чинакам эгасини тиклаш, деҳқонда умид туғдириш, унинг турмушини янада тўкинроқ қилиш вазифасидан келиб чиқди.

Биз давлат қишлоққа бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиши шарт, деган қоидага қатъий амал қилиб келдик. Ана шу қоидага изчиллик билан амал қилган ҳолда республикада аграр муносабатларни ислоҳ қилиш учун, қишлоқ хўжалик корхоналарини қайтадан ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти

етиштиришни янада кўлайтириб бориш, айрим маҳсулот турларини четдан келтиришдаги қарамликни камайтириш учун зарур шароитлар яратиб келинди.

Иқтисодиётнинг аграр секториди янгиланиш жараёнини жадаллаштиришда илгари қабул қилинган қонунлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш соҳасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда чорвачиликда ислохотларни такомиллаштириш ва деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳамда хусусийлаштирилган фермаларнинг манфаатларини ҳимоялаш тўғрисида 1994 йил февралда қабул қилинган ҳукумат қарорлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқда аграр ислохот жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига анча мос келадиган янги хўжалик структураси шаклланди. Қишлоқда давлатга қарашли бўлмаган сектор кенг ривожланди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг структураси жиддий ўзгарди. Бошқариш тизими ва хўжалик юритиш усулларида жиддий ўзгаришлар юз берди.

Бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласи — негизи — ерга мулкчилик масаласидир. Ер — ўлкамизнинг энг асосий бойлиги. У едиради, ичиради, яшаш учун асосий шарт-шароитларни яратиб беради. Шу сабабли республиканинг келажаги, Ўзбекистон халқининг келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай ташкил этилишига боғлиқ бўлади.

Иқтисодиётни ислох қилишнинг дастлабки босқичида асосий бойлигимиз бўлган ерга муносабатни ўзгартириш етакчи йўналиш бўлди. Қишлоққа доир қабул қилинган фармонлар, “Ер тўғрисида”ги Қонун қишлоқ хўжалигида муносабатларни қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатиб берди. Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ

муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги ёзиб қўйилди.

Қишлоқда бозор муносабатларининг ривожланишига, деҳқоннинг хўжайинлик ҳиссини қайта тиклашга ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш орқали эришилади. Энг муҳими, қишлоқда хўжалик юритишнинг ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан эркин меҳнат қилиш, ўз меҳнатининг натижаларини мустақил тасарруф этиш имконини берадиган воситани яратишдан иборат эди. Деҳқон ўз меҳнатининг мевалари, ердан олинган самара ўзига қарашли эканлигини, етиштирилган маҳсулотнинг чинакам хўжайини эканлигини кўрганидагина ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб чинакамига ҳис қилади, деган қатъий хулосага келдик.

Бизда деҳқончиликнинг бошқалардан фарқ қиладиган хусусияти шундаки, у суғориладиган ерларда олиб борилади, бу ерларга қудратли ирригация тармоғи хизмат қилади. Барча ҳайдов майдонларининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи суғориладиган ерлардир. Шў сабабли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш, ирригация ва мелиорация тармоқларини қуриш ва ишлаб турганларини қайта қуриш, бу тармоқлар кимнинг мулки бўлади, деган масалани ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир. Ернинг мелиоратив ҳолатига эътиборни ҳеч қачон сусайтирмастик керак. Агар биз шундай қилмасак, истиқболдан маҳрум бўламиз.

Ўзбекистонда 4,2 млн гектар суғориладиган ер бўлиб, шуларнинг 50 фоизидан сал кўпроғи яхши мелиоратив ҳолатда, қолган ерлар эса яхшилашни ва мелиорация ишлари олиб боришни талаб қилади. Бунинг учун 1995 йилда 25 минг гектар янги ерни ўзлаштириш, 50 минг гектар ерда қайта ўзлаш-

тириш ишларини олиб бориш ҳамда 26 минг гектар ерда коллектор-дренаж тармоғини қуриш мўлжалланган.

Агар 1990 йилда бир гектар суғориладиган янги ерни ўзлаштириш учун 6,5 минг рубль ва илгаридан суғориб келинган бир гектар ерни қайта ўзлаштириш учун 5,0 минг рубль талаб қилинган бўлса, ҳозирги вақтда харажатлар тахминан 14—15 барабар ошиб кетди. Равшанки, ҳозир бирорта ҳам фермер ирригация ва мелиорация ишларини мустақил амалга ошира олмайди. Фақат давлатгина мелиорация тармоғини лойиҳалашга, қуришга, ерлар шўр босиши, ботқоқланишининг олдини олиш масалаларини ҳал қилишга қодир. Бундан тегишли хулоса чиқарилди ва ҳозирги вақтда давлат мелиорация, ирригация, ерларнинг унумдорлигини ошириш дастурларининг ҳаммасини бажаришни ўз зиммасига олди ва шу тариқа давлатга қарашли бўлмаган хўжаликларга жуда катта мадад ва ёрдам кўрсатди.

Қишлоқда иқтисодий муносабатларнинг ҳамда бошқаришни ташкил этиш тизимининг ривожланишини чуқур таҳлил қилиш уларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатди. Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларининг фаолияти танқидий таҳлил қилинди.

Биз барча давлат қишлоқ хўжалик корхоналари — давлат хўжаликларини, биринчи навбатда, зарар кўриб ишлаётган хўжаликларни жамоа хўжаликлари ва мулкчиликнинг бошқа шакллариغا айлантириш зарур, деган хулосага келдик. Қишлоқ хўжалигини мустақкам иқтисодий изга солиш учун шундай қилиш керак эди. Аслини олганда, бу кейинги даврларда қишлоқ хўжалигида тармоқни бошқаришни ташкил этиш масалаларида йўл қўйилган хатоларни тузатиш эди. Олдинги даврда тайёрга айёрлик кайфиятига берилиб, давлатнинг боқишига умид қилиб,

жамоа хўжаликлари сунъий равишда давлат хўжаликларига айлантирилган эди.

Қишлоқда бошқарув тузилмаларини қайта ташкил этиш жараёнида бирламчи қишлоқ хўжалик бўғини қандай бўлиши кераклиги аниқ маълум бўлди. Бу — фермер хўжалиklarини бирлаштирадиган ва уларга хизмат қиладиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган ва моддий-техникавий таъминот, техника, агрокимё хизмати кўрсатиш масалаларнда ёрдам берадиган кооператив бўлиши лозим.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатиши лозим. Улар самарали ишлаши учун эса кенг томир ёйган, яхши хизмат кўрсатувчи инфраструктура — агрофирмалар, машина-трактор парклари, таъмирлаш устахоналари, тайёрлов пунктлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишловчи кичик корхоналар ва шу кабилар мавжуд бўлиши кераклиги энг муҳим қойда бўлди.

Ишлаб чиқилган тамойиллар ва ёндашувларга асосланиб, биринчи босқичда давлат хўжалиklarини жамоа, кооператив, акциядорлик хўжалиklarига ва ҳар хил хусусий қишлоқ хўжалик корхоналарига айлантириш жараёни амалга оширилди. 1992 йилдан бошлаб ўтган давр мобайнида мавжуд 1137 давлат хўжалигидан 1066 таси мулкчиликнинг акциядорлик, жамоа ва ижарадаги корхона шаклларига айлантирилди. Улар негизда 530 жамоа хўжалиги, 350 га яқин кооператив, юздан ортиқ ижара корхонаси, шунингдек, мулкчиликнинг бошқа шаклларига мансуб корхоналар ташкил этилди. Бундан ташқари, 1516 қорамолчилик фермаси меҳнат жамоаларининг мулки қилиб берилди. Ҳозирги вақтда чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашмаган хўжалиklarнинг фермалари хусусийлаштирилмоқда ва хусусий мулк қилиб сотилмоқда.

Натижада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг таркиби мулкчилик шакллари бўйича анча ўзгарди. Қишлоқда давлатга қарашли бўлмаган сектор сезиларли даражада мустақкамланди. Агар 1991 йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бутун ҳажмининг 37 фоизи давлат сектори ҳиссасига, шунга мувофиқ ҳолда 63 фоизи давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳиссасига тўғри келган бўлса, 1994 йилда давлатга қарашли бўлмаган сектор бутун маҳсулотнинг деярли 95 фоизини ишлаб чиқарди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида қўлга киритилган энг муҳим натижа шахсий томорқаларни кенгайтириш, янги суғориладиган ерларни шахсий хўжаликлар ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан аҳолини амалда ер билан таъминлашдан иборат бўлди.

Одамларга ер берилиши ислох қилишнинг дастлабки энг қийин йилларида зарур, ниҳоятда кескин муаммоларни ҳал қилишда жуда муҳим роль ўйнади. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни мустақкамлаш борасида туб чора-тадбирлар кўриш ҳисобига:

биринчидан, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини, асосан қишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишга ва шу тариқа ишсизликнинг кучайиб бориш хавфини барҳам топтиришга эришилди;

иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини оширишга, шунингдек, шартномалар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш билан шуғулланиб келганларга меҳнат дафтарчалари бериш ҳамда уларга қариганида нафақа олиш ҳуқуқини бериш билан кўпгина қишлоқ аҳолиси учун ижтимоий кафолатларни мустақкамлашга эришилди;

учинчидан, аҳолини ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликка барҳам беришга муваффақ бўлинди. Ер участкалари олган оилалар картошка, сабзавот, мева, чорвачилик маҳсулотига бўлган ўз эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, балки уларни шаҳарлардаги деҳқон бозорларида сотишни анча кўпайтириб, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишга улуш қўшди;

тўртинчидан, якка тартибда уй-жой қурилиши кўламини анча кенгайтиришга муваффақ бўлиндики, бу ҳол аҳолини уй-жой билан таъминлаш, республика аҳолисининг коммунал-маиший ва уй-жой шароитларини яхшилаш соҳасидаги анчагина муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди;

ниҳоят, бешинчидан, фақат ижтимоий низоларнинг сабаби ва манбаларини бартараф этиш ҳисобигагина эмас, балки кишиларнинг шахсий томорқа ерларини ва боғ-дала ҳовли ерларини ободонлаштиришда фаол қатнашиши, ўзи ва оиласининг манфатларини кўзлаб фойдали меҳнат билан шуғулланиши натижасида одамлар митингбозлик ва сиёсий экстремизмдан қайтарилди. Бу ҳам республикада ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашга ҳисса бўлиб қўшилди.

Одамларга ер берилиши чинакам инқилобий аҳамият касб этди — бу билан ҳар бир индивиднинг давлатга қарамлиги тугатилди. Ер олган одам даромад ола бошлади, ўзини хўжайин деб, эркин ва мустақил ҳис қилди.

Иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилган йилларда аҳоли фойдаланиши учун қўшимча суратда 550 минг гектар суғориладиган ер ажратилди. Бу — қарорлар қабул қилингунча аҳоли эга бўлган ер майдонидан анча кўп. Шахсий томорқа учун берилган ернинг умумий майдони деярли 700 минг гектарга етди. 9 миллиондан ортиқ одам ана шу ер ҳосилидан фой-

даланмоқда. Томорқа ерларнинг ўртача ҳажми 0,2 гектардан ортиқ бўлиб, бу ер ресурслари чекланган бир шароитда жуда катта бойликдир.

Шахсий хонадонларда жами қорамолларнинг 70 фоизи, қўй ва эчкиларнинг ярми боқилмоқда. Кейинги уч йил мобайнида бу хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши 30 фоиздан 44 фоизга етди. Уларда (1994 йил якунларига кўра) жами сутнинг 76 фоизи, гўштнинг 70 фоизи, картошканинг 56 фоизи, сабзавотнинг 63 фоизи ва меванинг 60 фоизи етиштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида қишлоқда биринчи босқичда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг янги шаклларини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Бунда, ер чинакам хўжайинига тегиши керак, деган қоидага амал қилинди. Қишлоқда фермер, деҳқон сектори амалда шакллана бошлади. Фермер (деҳқон) хўжалиklarини ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий шарт-шароитлар яратилди. Фермерларга ажратилган ерларни мерос қилиб қолдириш шарти билан узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди. Республика бюджетидан фермерларни қўллаб-қувватлаш учун кўплаб маблағлар ажратилди.

Пахта Ўзбекистон учун республиканинг мустақиллигини кафолатлайдиган сиёсий ва иқтисодий куч-қудрат манбаи бўлишига қарамай, экологияга ва одамлар саломатлигига ҳалокатли таъсир этиб келган пахта яккахокимлигига барҳам бериш ва пахтадан ҳамда унча самара бермаётган бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бўшатиб олинган ерларни фермер (деҳқон) хўжалиklarини ривожлантириш учун бериш йўли оғинмай амалга ошириб келинди.

Шу билан бирга бу хўжаликлар учун ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишда давлат томо-

нидан кафолатлар яратиш йўли билан уларни ҳимоялаш тизими вужудга келтирилди. Деҳқонларга техника, ўқитлар, уруғликлар ва кўчатлар билан махсус хизмат кўрсатиш тизими фаол шаклланиб бормоқда. Ветеринария ва селекция хизмати янги қоидалар асосида қайта қурилмоқда. Туманларда аҳолига қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини ва сабзаёт кўчатларини сотадиган савдо дўконлари очилмоқда.

Натижада 1994 йилнинг ўзидагина деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 1,9 баравар кўпайди ва йил охирида 25 мингдан зиёдни ташкил этди. Шулардан 10 мингдан ортиқ хўжалик чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган.

Фермер хўжаликлари экинзорларининг умумий майдони 1994 йилда 1993 йилдагига қараганда 2,7 баравар ортди. Бу ерда дон етиштириш 3 баравар, картошка ва сабзаёт-полиз маҳсулотлари етиштириш 3,3 баравар, гўшт етиштириш 3 баравар, сут етиштириш 2,1 баравар, тухум етиштириш 1,3 баравар кўпайди. Булар фермер (деҳқон) хўжалиklarини ривожлантиришнинг дастлабки босқичида қўлга киритилган амалий натижалардир.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг структурасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Маъмуриятчиликдан, хўжаликларга қанча майдонга қандай экин экишни зўрлаб қабул қилдиришдан иборат ярамас тартибга батамом чек қўйилди. Хўжаликларга экин майдонларининг структурасини ва ишлаб чиқариш ҳажмини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилди.

Айни вақтда иқтисодий усуллар, харид нархларини ошириш йўли билан рағбатлантириш ҳисобига пахта етиштиришни барқарорлаштириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда пахта толаси олишни кўпайтириш сиёсати, бўшатиб олинаётган май-

донларга донли экинлар ва картошка экиш сиёсати изчиллик билан амалга ошириб келинди.

Республикада дон мустақиллигига эришиш, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашни тиклаш йўли изчил амалга оширилди. Бу йўлни ҳам биринчи босқичда муваффақиятли амалга оширишга эришилди. Бу жуда муҳим яқундир.

Республикада ўтказилаётган аграр ислохот муносабати билан экин майдонларининг таркибида катта-катта ўзгаришлар юз бериб, донли экинлар майдони анча кенгайди ва пахта экиладиган майдонлар тегишли суратда қисқарди.

1994 йилда 2,7 миллион тонна ёки 1991 йилдагига қараганда 44 фоиз кўп дон етиштирилди. 1995 йилда барча турдаги хўжаликларда 4,4 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан 3,5 миллион тоннадан ортиқ бошоқли дон етиштириш мўлжалланмоқда. Бунинг таъминлаш учун экин майдонлари таркибини такомиллаштириш, гўзадан ҳамда ем-хашак экинларидан бўшатиб олинаётган ерлардан фойдаланиш ҳисобига дон сепиладиган майдонларни 1472 минг гектарга, шу жумладан суғориладиган майдонларни 972 минг гектарга етказиш кўзда тутилмоқда.

Ҳозир биз ўзимиз етиштираётган донни кўпайтирибгина қолмадик, балки уни четдан келтиришни кескин қисқартириш, тежаб қолинган валюта ресурсларини республика учун жуда зарур бўлган бошқа вазифаларни ҳал қилиш мақсадида қайта тақсимлаш ҳам мумкин бўлиб қолди.

Картошка экиладиган майдонларни 57 минг гектаргача кенгайтириш ва уни етиштиришни 800 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун яхши навли голланд уруғлигидан фойдаланиш ва Голландия технологиясини қўллаш мўлжалланмоқда.

Қишлоқда мулкчилик муносабатларини ислох қилишдан ташқари, дастлабки босқичда хўжалик

юрйтиш механизмини такомиллаштиришга ҳам катта аҳамият берилди. Бу соҳадаги барча ишлар уч йўналишга қаратилди.

Биринчидан, умумдавлат эҳтиёжлари учун етказиб берилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотига оқилона харид нархлари белгилаш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлди. Ишлаб чиқариш шарт-шароитлари ўзгарган сари, қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий турмушини яхшилаш мақсадида деярли ҳамма турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархи муттасил ошириб борилди.

Сўнги йилларда пахта, доннинг харид нархлари анча ошди. Масалан, дастлабки пайтларда бир тонна пахта толасининг нархи 22 минг рублни ташкил этган бўлса, 1994 йил ҳосилининг нархи 3750 сўмни ташкил этди ёки 170,5 баравар юқори бўлди. 1995 йилдан бошлаб ҳосилнинг харид нархларини эса жаҳон нархлари даражасига босқичма-босқич етказиш назарда тутилмоқда.

Картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари, чорва ҳамда парранда, сут ва тухум, қорақўл тери ва жуннинг харид нархлари анча оширилди ва ҳозирги вақтда маҳсулотнинг ана шу ва бошқа турларига эркин (келтирилган) нархлар жорий қилинмоқда.

Давлат харид нархларини ошириб, кейинчалик уларни эркин нархларга ўтказар экан, қишлоқ хўжалигига амалий ёрдам кўрсатибгина қолмай, аynи чоғда саноат маҳсулоти билан қишлоқ хўжалик маҳсулоти нархлари ўртасида муганосиблик бўлишини таъминлашга ҳам ҳаракат қилди.

Иккинчидан, харид нархларини ошириш билан бир қаторда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотини албатта етказиб бериш учун давлат буюртмасини белгилаш соҳасидаги сиёсат ҳам доимо қайта кўриб борилди. Бу йўналишда ҳам катта

натижаларга эришилди. Энг аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпчилиги турларига давлат буюртмаси аста-секин бекор қилинди. Ҳозирги вақтда хўжаликлар ўзи етиштирган чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотидан ўз ҳошишича фойдаланмоқда.

Давлат буюртмаси фақат пахта ва донгагина сақланиб қолган бўлиб, унинг миқдорлари 1995 йилда пахта бўйича тегишли суратда 60 фоизгача ва дон бўйича 50 фоизгача қисқартирилди. Яқин 2—3 йил ичида буларга ҳам давлат буюртмасини бекор қилиш вазифаси кўйилмоқда.

Товар ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини ихтиёрий равишда эркин сотиши учун уларга бевосита қолдириладиган маҳсулот ҳажмининг кўпайтирилиши хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустақамлашга ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини оширишгагина хизмат қилиб қолмай, балки маҳсулот етиштиришни кенгайтириш, хўжаликларда уларни қайта ишловчи корхоналарни ривожлантириш учун ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина хўжаликларда консервалар, вино, ун, ўсимлик мойи ишлаб чиқарадиган, пахтани дастлабки қайта ишлайдиган ва бошқа кичик корхона ва цехлар мавжуд.

Учинчидан, давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини саралаб олган ҳолда кўллаб-қувватлаш чоратадбирларини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Ҳозирги вақтда республиканинг ҳамма хўжаликлари даромад солиғидан, кўшилган қиймат солиғидан, бошқа солиқлардан озод қилинган. Фермер (деҳқон) хўжаликлари ташкил этилган пайтдан бошлаб икки йилгача улардан солиқ олинмайди.

Хўжаликларни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш учун кредиторлик ва дебиторлик қарзлари бўйича бир неча бор ўзаро қарз суришиш тадбири

амалга оширилди. Илгари берилган кредитларни узиш муддати уч йилга кечиктирилди.

Шундай қилиб, биринчи босқичда хўжаликларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари катта ўзгаришларга дуч келди, бу ҳол деҳқонларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан манфаатдорлигини оширишга имкон берди.

Аграр сийёсатнинг биринчи босқичда амалга оширилаётган ва ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичларида тубдан ҳал этишни талаб қилаётган ғоят муҳим йўналиши ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча ишчи кучини бўшатиб олиш ва уларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига — саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этишдан иборатдир.

Ҳисоб-китоблар қишлоқда 6,5 миллион меҳнатга лаёқатли аҳоли борлигини кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигининг ўзи бунча миқдордаги ишчи кучини иш билан таъминлай олмайди. Шу туфайли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг юқори самарали индустриал усуллари, агрокимёнинг илғор усуллари ғоят секин жорий этилмоқда ва бунинг натижаси ўлароқ, мақсуддорлик ва меҳнат унумдорлиги паст бўлмоқда.

Шу сабабли қишлоқ жойларда замонавий технологияга эга иш шаклини тез ўзгартира олувчи кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойлари яратиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Булар фақат қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи корхоналаргина эмас, балки касаначиликка асосланган сермеҳнат ишлаб чиқаришлар, халқ хунармандчилиги корхоналари ҳам бўлмағи керак.

Биз хўжаликларда унча катта бўлмаган, лекин замонавий технология ва техника асосида хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналар қуришимиз ва уларни меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ерларда жойлаштиришимиз керак, деган хулосага келдик.

Қишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора-тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга. Бу ҳозирги аграр сийёсатнинг фоят муҳим устувор йўналишларидан биридир. Коммунал ва муҳандислик тизимларининг кенг тармоғини яратсак, қишлоқда яшовчиларнинг ижтимоий ҳаётини тубдан яхшиласаккина бутун қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унга индустриал тус бериш мумкин бўлади.

Шу билан бир вақтда, ортиқча меҳнат ресурсларини бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасидан индустриал соҳаларга, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш қишлоқнинг энг муҳим муаммоларидан биридир.

Мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан оқ Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга қаратилган аниқ мақсадли дастур изчил амалга ошириб келинди. Қисқа вақт ичида минглаб километр сув қувурлари ва газ тармоғи ўтказилди. Ичимлик суви, табиий газ кўплаб олис посёлка ва қишлоқларга етиб борди.

Айни вақтда ҳозир кенг тармоқ ёйган замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани барпо этиш, сервис ва маиший хизмат тармоғини шакллантириш муаммоси ҳали ҳам охиригача ҳал қилинмаётир.

Бундан ташқари, ҳар бир посёлкада, ҳар бир қишлоқда майда улгуржи дўконлар, таъмирлаш устаконалари, деҳқонларни қишлоқ хўжалик техникаси, кўчатлар, минерал ўғитлар ва бошқалар билан таъминловчи пунктларнинг кенг тармоғини вужудга келтириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, республикада аграр ислоҳот етарли даражада жадал олиб борилмаётир, у кўздан-кўп ижтимоий-иқтисодий тўсиқларга

учрамоқда. Бу тўсиқлар, энг аввало, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида тайёрга айёрлик кайфиятини кишилар онгидан суриб чиқариш ва уни бозор асосига ўтказиш жараёни бораётгани туфайли келиб чиқмоқда. Ислохотларнинг ташаббускорлари бўлиши ва уларни фаол амалга ошириши керак бўлган раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам бозор иқтисодиётига хос янги вазифаларни ҳали тўла-тўқис англаб етганлари йўқ. Жойларда хўжалик юритишнинг янги қоидалари тушуниб етилмаётганлиги сезилмоқда. Бошқаруving ҳамма бўғинларида ташаббускорлик ва тadbиркорлик етишмаётир.

Амалга оширилган ташкилий ўзгаришлар, яратиб берилган иқтисодий имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларига қарамай, хўжаликларнинг ички ишлаб чиқариш муносабатлари секин ўзгармоқда. Қабул қилинган қонунлар ва фармонларга эътибор бермаслик, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини камситиш ҳоллари мавжуд. Қишлоқ хўжалигининг самарали ишлашини таъминлаши керак бўлган ўзаро олди-берди қилувчи тармоқларнинг *ўзаро ҳамкорлик қилиши механизми яхши ишлаб чиқилмаган.*

Шу сабабли аграр ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичидаги асосий вазифа ислохотларнинг боришини секинлаштираётган сабабларни тезроқ бартараф этишдан, қишлоқда аграр муносабатларни, энг аввало, мулкчилик муносабатларини янгилашни тугаллашдан иборат бўлмоғи керак. Агрофирмалар, бозор ва ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоғини яратиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг оқилона структурасини вужудга келтириш, деҳқонлар меҳнатига техникани жорий этишни кучайтириш, уларни ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш ҳам шундай вазифалардандир.

Ушбу вазифалар занжиридаги энг муҳим нарса — қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларида ўз мулкининг хўжайини ҳиссини мустақамлаш учун зарур ишларнинг барчасини амалга оширишдан иборатдир.

1.5. ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА БОШҚАРУВНИНГ МАЪМУРИЙ- БУЙРУҚБОЗЛИК ТИЗИМИНИ ТУГАТИШ

Бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий муносабатларни янгилаш институционал (муассасалар соҳасидаги) ўзгаришларни амалга оширишни, бошқаришнинг тегишли структурасини яратишни талаб қилмоқда. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида биз бошқарув тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бердик.

Ҳозир бошқарувни ислоҳ қилиш умуман ва етарли даражада муваффақиятли амалга оширилди, деб айтиш учун асос бор. Бу ислоҳотнинг натижаларини ҳали жиддий таҳлил қилиш ва ўйлаб кўриш керак бўлади. Бироқ айрим ҳулосаларни ҳозирнинг ўзидаёқ чиқариш мумкин.

Биринчи босқичда тоталитар тузумдан демократик тузумга, марказлаштирилган тартибда қайта тақсимлаш механизмидан бозор механизмига, қаттиқ маҳкамачилик ва маъмурий-буйруқбозликдан иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш чоралари асосида ўзини ўзи бошқаришга ва ўзини ўзи идора этишга ўтиш қийин, баъзан машаққатли бўлди. Бу босқичда бошқаришнинг аслида янги тизими вужудга келтирилди.

Бизда бу соҳада тегишли тажриба йўқ эди ва ҳатто бирон-бир ўхшаш ишлар ҳам бўлган эмас. Бозор муносабатлари таркиб топиб бўлган ва бу йўналишда эндигина дастлабки қадамларни ташлаётган мам-

лакатлардаги бошқарувни ташкил этишнинг турли тизимларини ўргандик. Шу асосда бутун халқ хўжалигини, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг мақбул ва ҳозирги шароитларга мос бўлган ўз тузилмаларимизни ишлаб чиқдик.

Биз танлаган ёндашувлар кўп жиҳатдан тажриба, изланиш тарзидаги ёндашувлар эди. Лекин биз бу тажрибаларни дадил амалга оширдик. Уларни ўзини обрўсизлантириб қўйган маъмурий-буйруқбозлик тизими тузоғидан қатъиян халос бўлишнинг, жадал ўзгариб бораётган иқтисодий шароитларга мос бўлган янги муассасалар тизимини тезлик билан жорий этишнинг бирдан-бир йўли деб билдик.

Муассасалар соҳасидаги (институционал) ўзгаришлар жараёнидаёқ бошқарув механизмлари такомиллаштириб борилди, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини бошқариш борасида уларнинг хусусиятларига анча мос келадиган, хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинлик беришга ёрдамлашадиган, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантирадиган ташкилий-ҳуқуқий шакллар вужудга келди.

Ишлаб чиқаришни марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва ташкил этишдан, молияни, моддий-ашёвий бойликларни давлат томонидан бошқариш тизимидан воз кечиш зарур эди. Бунинг учун иқтисодиётни бошқаришни ташкил этиш тизимига мутлақо янгича ёндашувлар талаб қилинди.

! Ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тизимида бошқаришни изчил, босқичма-босқич ташкил этиш модели қабул қилинди. Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш жараёни бир қанча босқичлардан ўтиб тараққий қилди ва ҳозир ҳам такомиллаштирилмоқда!

Бошқарув соҳасидаги ўзгаришлар натижасида кўплаб бошқарув бўғинларининг вазифаси ўзгарди.

янги органлар тузилди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қолдиқлари, назорат қилувчи тизим ва унинг ижроия органлари тугатилди. Олдинги тақсимот ишлари ҳамда уларни амалга оширувчи механизмларга барҳам берилди.

Марказий иқтисодий органлар ва вазирликларнинг фаолияти тубдан қайта қурилмоқда. Уларнинг ишлари ва зиммасига юкланадиган вазифалар тубдан ўзгартирилмоқда.

• Маъмурий-буйруқбозлик, тўрачилик тизимининг ўзагини ташкил этган, марказдан туриб режалаштириш тизими мустаҳкамлиги ва бузилмаслигининг ифодаси бўлган Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нарх қўмитаси, Давлат агро-саноат қўмитаси ва шуларга ўхшаш бошқа Давлат қўмиталари ва вазирликлари ҳамда жуда катта маъмурий аппаратлар тугатилди. »

Уларнинг ўрнига янги бошқариш бўғинлари тузилди. Булар бозорга асосланган янги иқтисодий муносабатларнинг ташаббускорлари ва уларни рўёбга чиқарувчилар бўлмоғи керак. Масалан, ўзини оқламаган Давлат режа қўмитаси ўрнига Давлат истиқболни белгилаш ва статистика қўмитаси тузилди. Бу қўмита зиммасига иқтисодиётни ислоҳ қилиш қоидалари ва устуворликлар, уларни амалга ошириш механизмлари асосида иқтисодий ислохотларнинг боришига баҳо бериш ҳамда уларни янада чуқурлаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш; баланс ҳисоб-китоблари асосида макроиқтисодий нисбатларни, тармоқлар ва ҳудудлардаги таркибий ўзгаришлар тамойилларини таҳлил қилиш; республикани, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини, шунингдек, минтақаларни Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кўп вариантли истиқболларини белгилаш вазифалари юклатилди.

Яккаҳоким бўлиб олган тақсимот идораси — Давлат таъминот қўмитаси ва унинг вориси бўлган Ўзшартномасавдо ўрнига янги бозор структураси — Республика улгуржи ва биржа савдоси акциядорлик уюшмаси тузилди. Бу уюшма товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва тадбиркорлар товар ресурслари бозорида эркин ҳамда тенг ҳуқуқли иштирок этиши учун зарур инфраструктурани (бозор хизмати соҳасини) яратиши керак. Унинг таркибига республика акциядорлик товар-ҳом ашё биржаси, акциядорлик биржа банки, ҳудудий акциядорлик тижоратчи-воситачи компаниялар киритилди. Булар мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга контракт-шартнома асосида тижорат-воситачилик, савдо, маркетинг ва бошқа хизматлар кўрсатиши, уларга биржа савдосида қатнашиш учун тенг шароитлар яратиб бериши керак.

Нархларни эркинлаштириш шароитида Давлат нарх қўмитаси батамом тугатилди. Молия вазирлиги таркибида эса нарх-навони белгилашда яккаҳокимликни тугатиш ва яккаҳокимлик билан ўрнатилган юқори нархларни назорат қилиш бўйича махсус бошқарма тузилди. Унинг асосий вазифаси яккаҳоким тузилмалар вужудга келишига йўл қўймасликдан, республикада рақобатчилик муҳити шаклланишига ёрдам беришдан иборатдир. /

Бозорга ўтиш шароитида молия ва банк тизимининг роли тубдан ўзгармоқда. Бозор муносабатларини бошқариш соҳасида давлат томонидан олиб бориладиган барча ишларнинг оғирлик маркази худди ана шу асосий тизимларга кўчди. Айнан ана шу структуралар фискаль ва монетар сиёсатни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши керак. Иқтисодиётнинг умумий ҳолати ана шу сиёсатни амалга оширишга боғлиқ бўлади.

Шу туфайли кейинги йилларда республика Молия вазирлиги ва Марказий банкининг вазифалари ҳамда таркибий тузулиши анча ўзгартирилди. Молия вазирлиги зиммасига республика бюджетини вужудга келтириш билан бир қаторда, ҳозирги вақтда давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштирилган молиявий сиёсат олиб бориш ва валюта ишларини бошқариш вазифаси юклатилди.

Банк тизимини такомиллаштириш, банкларнинг мустақиллигини ва пул муомаласидаги аҳвол учун жавобгарлигини ошириш, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадида банк тизимини мустақамлашга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилинди. "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мустақил ва эркин банк тизимининг қарор топишига ёрдам берди.

Республикада икки босқичдаги банк тизими амалда шакллана бошлади. СССР Давлат банкининг таркибий бўлинмаси ҳисобланган, айни вақтда кредит ва ҳисоб-китоб операция муассасаси вазифасини бажариб келган собиқ республика Давлат банки тугатилди. Марказий банк зиммасига федерал резерв тизимига хос бўлган вазифалар юклатилди. Давлат шу билан бир қаторда тижорат банкларининг ривожланишига ҳам ёрдам берди. Банк тизимининг қуйи бўғинлари мустақил иш олиб бориши учун янги тузилмалар ташкил этилди. Собиқ тармоқ доирасида иш юритувчи давлат банклари тугатилди. Агросаноат банки ва Саноат-қурилиш банки ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банкларига айлан-тирилди. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки тузилди.

Ўзжамғармабанкка кредит-молия муассасаси мақоми ҳамда кредит ресурсларидан жисмоний ва юридик шахсларга қарз бериш учун фойдаланиш,

шунингдек, кредит ресурсларини банклараро пул бозорида ким ошди савдоси орқали сотиш ҳуқуқи берилди. Банкнинг кичик корхоналар барпо этиш ва уларни ривожлантиришга, фуқароларнинг давлат мулкани хусусийлаштириб олишига, уй-жой бинолари қуриш, уларни таъмирлашга ва аҳолининг бошқа эҳтиёжларини қондиришга қарз бериш имконияти анча кенгайди.

Айни маҳалда янги тижорат ва хусусий банклар тармоғи вужудга келди. Улар мулкчилик шаклиларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиши, давлатга қарашли бўлмаган янги корхоналар ҳамда фермер хўжаликларга молиявий ёрдам бериши керак.

Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банклари — “Ғаллабанк”, “Мевасабзавотбанк”, “Тадбиркорбанк”, “Савдогар” ва бошқа банклар тузилди. Бу банклар тадбиркорлик ишларига хизмат қиладди, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан бойитиш манфаатларини кўзлаб инвестициялар учун маблағ беради.

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида янги бозор муносабатларини фаол шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш, ташқи савдони эркинлаштириш ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш объектив суратда муассасаларнинг янги бўғинлари ташкил этишни, ортиқча назорат органлари ва маъмурий чеклашларни тугатишни тақозо этди.

Назорат органлари фаолиятини тартибга солиш, давлатнинг ягона солиқ ва божхона сиёсатини ўтказиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ кўмитаси тузилди.

Давлат божхона кўмитаси қайта тузилиб, Божхона бош бошқармасига айлантирилди ва Давлат солиқ кўмитасига бўйсундирилди. Ички ишлар вазирлиги тизимидаги Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши кураш бошқармаси тугатилди.

Давлат назорати тизимини янада такомиллаштириш, уни бозор муносабатлари талабларига мувофиқлаш, назорат органилари ишида бир-бирини такрорлашга барҳам бериш мақсадида Президент ҳузуридаги Давлат назорати кўмитаси ва унинг жойлардаги органилари тугатилди, Президент девонида назорат инспекцияси ҳамда ҳокимиятлар девони таркибида тегишли назорат инспекциялари тузилди.

Иқтисодий ислоҳот ўтказишни жадаллаштириш ишларини мувофиқлаб туриш учун, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Президент ҳузурида Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича Идоралараро Кенгаш тузилди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, биринчи босқичда етакчи устувор вазифа кўп укладли иқтисодиётни амалда шакллантириш, иқтисодиётнинг хусусий, давлатга қарашли бўлмаган секторини янгидан яратишдан иборат эди. Бу вазифани бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси тузилди. Унинг зиммасига кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда ягона сиёсатни амалга ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, хусусий бизнеснинг ривожланишига ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилди. Давлат кўмитаси ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилиб, унда давлат мулки объектларини мулкчиликнинг бошқа шакллариغا айлантиришдан тушадиган маблағлар тўпланади. Сўнгра бу маблағ-

лар иқтисодийдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишга ҳамда хусусийлаштиришдан кейинги даврда корхоналарни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Давлат мулкани бошқариш қўмитаси инвестиция фондлари, консалтинг ва аудиторлик хизматлари, холдинглар, фонд биржалари ва кўчмас мулк биржалари ҳамда бошқа бозор структураларини тузишга ёрдам бермоқда ва бу ишда бевосита қатнашмоқда.

Биринчи босқичда институционал ўзгаришларнинг энг муҳим йўналиши ташқи алоқаларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайдиган бошқарув тузулмалари вужудга келтирилишидан иборат бўлди. Шу муносабат билан республика тарихида биринчи марта ўлароқ, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди. Бу вазирлик зиммасига товарлар ва хизматлар халқаро бозорларини таҳлил қилиш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги стратегияни ишлаб чиқиш, экспорт-импорт бўйича марказлашган тартибда маҳсулот етказиб бериш, республиканинг барча ташқи иқтисодий ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юкланди.

Республиканинг барча вазирликлари ва идоралари, корхоналарида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи махсус бўлимлар, ташкилотлар ва фирмалар тузилди. Республикада ташқи алоқаларни таъминлайдиган яхлит тизим таркиб топди.

Энг чуқур таркибий ўзгаришлар республика иқтисодийнинг тармоқлари ва айрим соҳаларини бошқариш тизимида юз берди.

Иттифоқ парчаланиб кетгач, умумиттифоқ вазирликлари тугатилгач, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган иттифоқ ва иттифоқ-республика бўйсунувидаги корхоналар миллийлаштирилгач, уларни бошқаришнинг ташкил этиш муаммоси кўндаланг бўлди. Бу корхоналар ўз фаолият соҳаларига қараб ихтиёрий ра-

вишда давлат тармоқ концернларига бирлаштирилди. Бу нафақат ишлаб чиқариш қувватларини сақлаб қолди, балки унинг ривожланишига янги туртки бериш учун ҳам имконият туғдирди.

Корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги кенгайтиб борган сари давлат концернлари тармоқ уюшмаларига айлантирилди, уларнинг бошқарув аппаратлари эса ўз таркибидаги бирлашмалар ва корхоналарнинг ихтиёрий равишда берган пули ҳисобидан таъминланмоқда.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичи мобайнида тармоқ вазирликлари уюшмаларга, концернларга, корпорациялар, иттифоқлар ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантириш йўли билан батамом тугатилди. Автомобиль транспортида, қурилишда, қишлоқ хўжалигида бошқарув тизими қайта тузилди.

Корхона ва ташкилотлар, қайси идорага бўйсуннишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, ўз иқтисодий манфаатларининг муштараклиги асосида концернлар, уюшмалар ва корпорациялар таркибига ихтиёрий равишда кирган. Улар ўз фаолиятларини пай ва кириш бадаллари асосида, иштирокчиларнинг акциялар тўпламини (пакетини) сотиб олиши асосида йўлга қўяди.

Умуммиллий аҳамиятга эга бўлган тармоқлар ва фаолият соҳаларида, айтайлик, саёҳатчилик, транспорт, маданият, кинолаштириш тизими ва бошқаларда миллий компаниялар тузилди. Компанияларнинг бошқалардан ажратиб турувчи хусусияти шундан иборатки, улар иқтисодий жиҳатдан батамом мустақилдир. Улар ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида иш олиб бормоқда, ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолиятига оид масалаларини мустақил ҳал қилмоқда.

Ўтиш даврида уюшмалар, концернлар, корпорациялар ва бошқа бирлашмаларнинг асосий вазифа-

си республика халқ хўжалигини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг аниқ турлари билан таъминлаш, ягона илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, ички ва ташқи бозорлар конъюнктурасини ўрганиш, тармоқда бозор муносабатларини ривожлантиришдир. Шунингдек, уларнинг вазифаси давлат корхоналари ҳамда ташкилотларини нодавлат мулкига айлантириш ишларини ташкил этиш, тadbиркорликнинг ривожланишини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Булардан ташқари, хўжалик бирлашмалари ўз муассисларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлайди, давлат ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларида уларнинг қонуний манфаатларини ифодалайди, тармоқни ривожлантириш стратегиясини белгилайди.

1994 йилда уларни холдинг компанияларига ва бошқа корпоратив бошқарув ташкилотларига айлантириш иши бошланди. Бунда улар таркибига кирувчи ҳар бир корхона бирлашиш шакллари ва усуллари ўзи белгилаши керак бўлади.

Биз қўйи бўғин ташкилотлари ва корхоналарига иқтисодий эркинлик бериш, уларни давлат тазйиқидан озод қилиш билан янгича иш услубига ўтдик. Корхоналар ишлаб чиқаришни мустақил ташкил этиш, ўз маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини олди. Шу билан бирга мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб корхоналарнинг хўжалик юритиш шарт-шароитлари тенг бўлиши фақат ҳуқуқий жиҳатдан эмас, балки амалда ҳам таъминланди.

Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, давлат мулкани хусусийлаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш муаммоларини ҳал қилиш соҳасидаги барча ишлар жойларда амалга оширила бошлангани бозор муносабатлари қарор топишининг муҳим жиҳатидир. Бозор ўзгаришлари-

нинг ҳудудий жиҳатлари кучайиб бормоқда. Бундай шароитда маҳаллий бошқарув органларининг ўз олдиларида турган вазифаларни бажаришдаги роли ва масъулияти ошиб бормоқда. Уларнинг ички тузилиши тамомилан ўзгартирилди.

“Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ 1992 йил январидан бошлаб вилоят, туман ва шаҳарларда жойлардаги вакиллик ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик жорий этилди. Ҳокимликлар маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни умумдавлат нуқтаи назаридан ва ҳокимият ҳудудида яшаётган фуқароларнинг манфаатларига асосланган ҳолда ҳал қилишлари лозим.

Қўйилган вазифаларни бажариш учун ҳокимлар ҳузурида ижроия аппарати тузилди. Бу аппарат илгари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижроия қўмиталари бажариб келган вазифаларни ўз зиммасига олди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг бошланғич даврида институционал ўзгаришларни амалга ошириш ва бошқарув тизимини ислоҳ қилиш тажрибаси қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради.

Биринчидан, дастлабки босқичда бошқарув тизимида жиддий бузилишларга йўл қўймаслик, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи бир қанча мамлакатларда бўлганидек, иқтисодийни бошқаришнинг реал дастакларини қўлдан чиқариб юбормаслик жуда муҳим эди. Чунки янги тузилаётган органлар на тажрибага, на бозор шароитларида ўзини ўзи бошқариш механизмига эга эди.

Иккинчидан, ўтиш даврида, етук бозор муносабатлари ва механизмлари ҳали узил-кесил шаклланмаган бир пайтда муайян маъмурий воситаларсиз ёлғиз иқтисодий усулларнинг ўзигина иш бера

олмайди. Шубҳасиз, устуворлик ҳуқуқий нормалар ва иқтисодий усулларга берилиши керак, лекин баъзан иш манфаатларини кўзлаб, айниқса, ижро ва молия интизоми соҳасида оқилона маъмурий таъсир кўрсатиш ҳам талаб қилинади.

Учинчидан, бошқарув органларини қайта тузиш ва улар зиммасига янги вазифалар юклаш бошқарувни ислоҳ қилиш тугалланганлигини англатмайди. Уларнинг иш услуби тубдан ўзгариши, бошқарув структуралари ҳозирги шароитларга ҳамда иқтисодий ўсишни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш қоидаларига тўла-тўқис жавоб бериши зарур.

Тўртинчидан, вертикал ва горизонтал ташкилий ҳамда ҳўжалик алоқалари собиқ Иттифоқ парчаланиб кетишидан ҳам кўра кўпроқ, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг жадаллашиб бораётган жараёнлари туфайли бузилиб кетиши бошқарув структуралари фаолиятининг маҳкамачилик-бюрократик характерини ўз-ўзича ўзгартира олмас эди. Шу сабабли ҳозирги кунда асосий вазифалардан бири кўпгина бошқарув органларида ҳозиргача сақланиб қолаётган расмийчиликка, ўтакетган қоғозбозликка, қолақликка қарши қатъиян кураш олиб боришдан иборатдир.

Бешинчидан, янги бошқарув структурасини вужудга келтириш уларда ишлайдиган кадрларга, уларнинг касбий тайёргарлигига янада юқори талаблар қўяди. Ҳозирги замон бошқарув кадрлари, менежерлари юқори касбий маҳоратига эга бўлибгина қолмай, балки ҳар жиҳатдан маълумотли, ўз соҳаларининг билимдонни, ташаббускор, топширилган иш учун жон куйдирадиган, муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашадиган кишилар бўлишлари, энг муҳими эса, Ватанимизнинг чинакам фидойилари бўлишлари лозим.

1.6. НАРХЛАРНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Марказдан туриб режалаштиришга асосланган, маъмурий-буйруқбозлик усулидаги тақсимлаш тизимидан иқтисодий тараққиётнинг бозор механизмига ўтиш даврида нархларни эркин қўйиб юбориш, уларни ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда хом ашё ва маҳсулотга бўлган ҳақиқий талабга мувофиқлаштириш муаммоларини ҳал этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро жипс таъсирини таъминлайди. Цивилизациялашган бозор шароитларини вужудга келтиришда эркин нарх белгилаш механизми маҳсулотни ишлаб чиқариш, айирбашлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида айрим товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва бутун жамиятнинг манфаатларини энг мақбул даражада уйғунлаштириш имконини беради.

Нархларни эркинлаштириш — иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг асосий муаммоларидан бўлиб, ислоҳ қилиш жараёнлари қайси йўлдан бориши, қандай ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши ушбу муаммони ҳал этишга тамоман боғлиқ. Режалаштиришга асосланган иқтисодиётни бозор иқтисодиётига айлантиришнинг бизга маълум моделлари кўп жиҳатдан нархларни эркинлаштириш, ички нархларни жаҳон нархларига мувофиқлаштириш билан ажралиб туради. Шунингдек у хом ашё ва маҳсулот айрим турларининг нархлари, нарх-наво билан аҳоли ва корхоналарнинг даромадлари ўртасида тенгликка

эришиш жараёнига қандай ёндашилиши билан фарқланади. Бундай ёндашувлар доираси анча кенг. Булар — нархларни бирданига, “эсанкиратадиган” тарзда қўйиб юбориш, уларни сунъий равишда тўхтатиб қўйиш, нарх-навони давлат бошқариши ва назорат қилишини сақлаб қолишга интилишдир.

Ўзбекистонда ушбу вазифани бажариш йўлларини танлаш жараёнида турли ечимлар усули кўриб чиқилди. Бунда, энг аввало, нархларни эркин қўйиб юбориш бизнинг шароитда қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиш фоят муҳим аҳамиятга эга. Биз учун ҳар қандай кескин чоралар номақбул эди. Улар реал шарт-шароитга ҳам, аҳоли асосий қисмининг моддий аҳволига ҳам, биз танлаб олган ислоҳ қилиш йўлига ҳам жавоб бермас эди. Биз бутун нарх тизимини ўзгартиришга жуда пухта тайёрландик, унга одамларнинг ва республика иқтисодиётининг тақдири учун жавобгарликни ба-тамом ҳис қилган ҳолда ёндашдик.

Айтиш мумкинки, иқтисодиётни ислоҳ қилиш тамойилларидан бири — республикада ислоҳотларни аста-секин ва босқичма-босқич ўтказиш тамойили бўлиб, у ҳеч қайси соҳада нархларни эркинлаштиришга ёндашилишни, унинг тактикаси ва стратегиясини танлаб олишдагидек аниқ намоён бўлган эмас.

1990 йилга келиб нарх-навонинг номутаносиб тизими таркиб топди. У айрим минтақалар ва республикалар ўртасида адолатли муқобил айирбошлашни таъминлай олмас эди. Хом ашё тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи, одатда пасайтириб юборилган, ишлов берувчи ва қайта ишловчи тармоқлар товарларининг нархлари эса сунъий равишда ошириб юборилган эди. Одатда республикадан арзон нархларда хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти олиб чиқиб кетилган, тайёр маҳсулот ва истеъмол моллари эса ташқаридан олиб кел

линган бир шароитда, собиқ Иттифоқ таркибидаги мамлакатлар билан вужудга келган ташқи савдо балансида Ўзбекистон жуда катта зарар кўрар ва у сунъий равишда дотация олувчи республикага айлантириб қўйилган эди. Бу эса иқтисодий зарар келтирибгина қолмасдан, айна вақтда жуда бой мамлакат ва унинг халқига нисбатан ноинсофлик ҳам эди.

Нарх белгилаш бузилиб кетганлиги туфайли халқ хўжалигининг бутун-бутун тармоқлари ва минтақалар ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги мушкул аҳволга тушиб қолганди. Ялпи индустриялаш давридан оқ собиқ СССРда саноат маҳсулоти билан қишлоқ хўжалик маҳсулоти ўртасида “нархлар қайчиси” деб аталмиш фарқ сақланиб қолган эди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархи реал меҳнат сарфи ва талабга мос келмайдиган даражада пасайтирилганлиги натижасида кўплай хўжаликларнинг зарар кўриб ишлаши режалаштирилганди. Улар ўз жорий харажатларини йиллар давомида қоплай олмас, деҳқоннинг оғир меҳнатига яраша ҳақ тўлай олмас, барча зарур нарсалар — техника, уруғлик, моддий ресурслар, ижтимоий соҳани ривожлантириш учун маблағ билан ўзларини таъминлай олмас эди. Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 65 фоизини ташкил этган қишлоқ ақли камбағал ва қашшоқ турмуш кечириб кетган эди.

Бундай аҳволда меҳнат қилишга, ерга, техникага, пахта, бугдой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига авайлаб муносабатда бўлишни таъминлайдиган таъсирчан моддий рағбатлантириш усуллари иш бермай қўйди.

Истеъмол моллари, хом ашё ресурслари айрим турларининг, айниқса, нефть, электр энергия ва бошқа энергия ресурсларининг нархлари, транспорт ва коммунал хизматлар тарифлари сунъий равишда пасайтирилганлиги уларнинг ҳаддан ташқари ортиқча

сарфланишига олиб келди. Улардан келган даромад эса ишлаб чиқаришга амалда қилинган харажатларни қопламас эди. Ўтмишда маҳсулот ва хизматларнинг нархлари, тарифлари ва таннарни ўртасидаги фарқ бюджетдан бериладиган дотациялар ёки истеъмолчиларнинг бир тоифаси иккинчисига кўрсатадиган “ўзаро молиявий ёрдам” ҳисобидан қопланар эди.

Бундай шароитда хўжалик юритувчи субъектларнинг анчагина қисми катта зарар кўрар, бу эса уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб туриш учун давлат харажатларини оширишни талаб қилар эди. Шу муносабат билан ишлаб чиқарувчилар дон, буғдой, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга қилган харажатларнинг бир қисми республика бюджетидан тўланар эди. Шунингдек турли ижтимоий имтиёзлар беришдан кўрилган зарар ҳам давлат маблағлари ҳисобидан қопланар эди. Бундан ташқари, болаларга аталган баъзи товарлар, дори-дармонлар ҳамда аҳолига кўрсатиладиган кўпдан-кўп хизматларга ҳам дотация берилар эди. 1991 йилнинг ўзидагина нархлар ўртасидаги фарқни қоплаш ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналарга молиявий ёрдам беришга қарийб 4 миллиард рубль ёки 1991 йилги республика бюджети жами харажатларининг 12 фоизидан ортиқроғи тўланди.

Бунинг устига бир турдаги маҳсулотнинг нархлари ички бозор билан жаҳон бозорида бир-биридан катта фарқ қилиши ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишга, ташқи савдо балансининг прогрессив структурасини шакллантиришга жиддий тўсиқ бўлиб келди. Бошқа жиҳатдан, жаҳон иқтисодий тизимига тезроқ қўшилишга интилиш янги мустақил давлатлар олдига кўшлаб турдаги хом ашё ва материаллар нархини, транспорт хизматининг тарифларини эркинлаштириш заруратини қўйдик, бу, ўз навбатида, бу ерда пулнинг

қадрсизланиш жараёнларини кучайтирувчи қудратли ва муқаррар омил бўлиб хизмат қилди.

Буларнинг барчаси нархлар ислоҳотини амалга оширишга, бутун нарх белгилаш тизимини ўзгартиришга пухта ўйлаб, синалган йўл билан ёндашишни ҳамда гиперинфляциянинг ҳалокатли ўпқонига тушиб қолишга йўл қўймасликни талаб қилар эди.

Социалистик лагерь мамлакатлари негизида вужудга келган бир қанча янги мустақил давлатлар ўзлари учун “эсанкиратувчи” йўлни танлаб олди ва ҳам ашё ресурслари, истеъмол моллари ҳамда хизматлар ҳамма турларининг нархини бир йўла эркин қўйиб юборди. Натижада истеъмол нархлари Польшада 9 барабар, собиқ Югославияда 13 барабар, Россияда эса 26 барабар ошди.

Корхоналардаги технология ва техника амалда рақобатга дош бера олмайдиган даражада бўлган бир вақтда ҳам ашё ресурслари нархлари бир йўла кескин ошириб юборилди. Натижада, ҳатто тайёр маҳсулот нархлари эркинлаштириб юборилган ҳолда ҳам, корхоналарнинг аҳволи ғоят оғирлашиб, кўпчилиги паст рентабелли ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналар қаторига тушиб қолди.

Бу ҳол, ўз навбатида, кенг аҳоли қатламлари бирданига қашшоқлашувига, ижтимоий аҳвол кескинлашувига олиб келди. Нархларнинг жадал эркинлаштирилиши ҳамда кўпгина корхона ва хўжаликларнинг рақобатга бардош бера олмаслиги ишлаб чиқариш кескин пасайиб кетишига, чет элдан импорт сифатида келтириლაётган маҳсулотлар бу корхона ва хўжалиklar маҳсулотини бозордан суриб чиқаришига, миллий саноат ва қишлоқ хўжалиги издан чиқишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиёти Россия ҳамда собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари билан қаттиқ ўзаро боғланганлигини ҳамда республикамиз ягона

рубль минтақасида эканлигини ҳисобга олиб, биз ҳам нархларни эркинлаштиришни бошлашга мажбур бўлдик. Бироқ бу муаммони ҳал қилишга ўзимиз ишлаб чиққан ислоҳ қилиш тамойилларига таяниб, реал вазиятни ва аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда ёндашдик.

Биз “эсанкиратадиган” усуллардан қатъиян воз кечдик ва ташқаридан бўлган тазйиққа қарамай, нархларни аста-секин, олдиндан ишлаб чиқилган тартиб асосида эркинлаштиришга қарор қилдик. Бундай ёндашув корхоналар ва аҳолининг бозор муносабатлари ҳамда эркин нарх белгилаш шароитларига ларзага тушмасдан мослашиб олиш имконини берди.

1991—1994 йилларда республикамизда нархларни эркинлаштиришда жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу давр мобайнида амалда ҳамма турдаги хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг олдиндан белгилаб қўйилган нархларидан эркин нархларга ўтилди, ҳамма истеъмол молларининг нархлари устидан тўғридан-тўғри давлат назорати бутунлай бекор қилинди.

Айни вақтда нархлар 1992 йил январидан бошлаб босқичма-босқич, оҳисталик билан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кучли чораларни олдиндан кўриб қўйган ҳолда эркинлаштирила бошланди.

Ҳукуматнинг “Нархларни эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 1992 йил 10 январдан бошлаб Ўзбекистонда кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлари, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг асосан келишилган (эркин) нархлари ва тарифларига ўтилди.

Республика ҳукумати аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва sanoat товарлари нархларининг чегарасини белгилаб қўйди. Шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган айрим турдаги

хизматларнинг энг юқори тарифлари жорий этилди. Шу муносабат билан дон, буғдой етиштириш учун, ун, бошқа озиқ-овқат молларини ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларнинг бир қисми республика бюджетидан тўланди. Мактаб ўқувчилари ва талабаларга белул нонушта ва имтиёзли овқат беришдан кўрилган зарар ҳам давлат маблағлари ҳисобидан қопланди. Булардан ташқари, болаларга мўлжалланган айрим турдаги товарларни, дори-дармонларни ишлаб чиқаришга ҳам дотация берилди.

1993 йилда қатъий белгиланган ва тартибга солиб туриладиган нархларда сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхати анча қисқарди. 1993 йилда нархларни эркинлаштиришнинг хусусияти шундан иборат бўлдики, бу босқичда келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш батамом тўхтатилди. 1992 йилда амал қилиб турган, фақат ёнилғи-энергетика комплекси маҳсулотининг асосий турларинигина қамраб олган энг юқори рентабеллилик даражаси нормативлари бекор қилинди.

1994 йилнинг октябрь — ноябрь ойлари нархларни эркинлаштириш жараёнида муҳим босқич бўлди. Бу даврда халқ истеъмоли моллари асосий турларининг нархлари эркин кўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари оширилди. Нон ва уннинг нархлари, уй-жой-коммунал хўжалиги ҳамда шаҳар умумий транспорти хизматларининг тарифларигагина қисман дотация бериладиган бўлди. Шундай қилиб, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни тўла эркинлаштириш билан тугади, бу иш ижтимоий ларзаларсиз ўтди. Давлат турли компенсация жамғармалари тузди, болалар учун нафақалар жорий этди, энг кам иш ҳақи, нафақалар ва стипендияларни мунтазам суратда ошириб борди. Муҳтожларга маҳалла кўми-

талари орқали моддий ёрдам берди, имтиёзли солиқ ставкаларини жорий этди. Шу туфайли корхона компенсация учун қиладиган сарфнинг 50 фоизи бюджетга ажратмалар улушини камайтириш ҳисобига қопланиб, аҳоли манфаатларининг ишончли тарзда ҳимояланиши таъминланди.

Бозорга ўтиш муаммосига фақат иқтисодиётда эркин нархлар амал қиладиган соҳаларнинг кенгайиши нуқтаи назаридангина қараладиган бўлса, Ўзбекистон ҳозирнинг ўзидаёқ бозор шароитида яшамокда деб хулоса чиқариш мумкин.

Биз нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш даврида иқтисодиётда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш сиёсатини аниқ мақсад билан олиб бордик. Ана шу мақсадда 1992 йил август ойида Ўзбекистон Республикасининг “Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонуни кучга киритилди ҳамда унинг асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир туркум норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Антимонополь (монополияга қарши) фаол чораларни амалга ошириш учун Молия вазирлиги тизимида Антимонополь ва нарх-наво сиёсатини ўтказиш Бош бошқармаси тузилиб, унга республика рўйхатига ва маҳаллий рўйхатларга киритилган монополия мавқеидаги корхоналар маҳсулоти бўйича нархларни ва рентабеллиликни тартибга солиб туриш ҳуқуқи берилди. Ҳозирги вақтда 1625 гуруҳдаги товарлар ҳили бўйича 658 корхона монополиячилар рўйхатига киритилган. Айти вақтда антимонополь тарзда тартибга солиш ва реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш муаммолари иқтисодий ислохотнинг янги босқичидаги асосий вазифалардандир.

✓ **Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли муҳитсиз — товар, пул бозорларида ва меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўрта-**

сида ўзаро алоқани таъминлаши керак бўлган бозор инфраструктурасиз тасаввур этиб бўлмайди. ✓

Илгари мавжуд бўлиб турган марказлаштирилган бошқарув тизими барча камчиликларига қарамай, ўзича яхлит эди. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг жадаллашиб бораётган жараёнлари туфайли мавжуд ташкилий ва хўжалик алоқалари бузилиб кетди. Бу собиқ Иттифоқ парчаланиб кетишидан ҳам кўра кўпроқ алоқаларга таъсир этди. Бу жараён маҳсулот, моддий ва молиявий ресурсларни тақсимлашнинг бир қанча ўн йиллар мобайнида таркиб топган маҳкамачилик характерини ўз-ўзича ўзгартира олмас эди.

✓ Молиявий, хом ашё, товар, меҳнат ресурсларини марказлаштирилган тарзда режа билан тақсимлаш тизимидан бозор тизимига ўтиш қандай қилиб, қанча муддатда, қандай усуллар билан ва қайси шаклларда амалга оширилиши ғоят муҳим эди. Бошқача айтганда, товарлар ва хизматлар, хом ашё ресурслари, капитал, ишчи кучининг ёнма-ён турган бозорларини яратиш вазифаси турар эди. ✓

Бозорга ўтишдан олдин бозор инфраструктурасини яратиш зарур. Молия, банк-кредит тизимлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, суғурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компанияларини, биржа тизимини яратиш зарур.

Инфраструктурани бирданга яратиб бўлмайди. Бу — анча узоқ давом этадиган ва мураккаб жараён бўлиб, бошқа талаблар билан бир қаторда юксак касбий маҳоратга эга кадрлар бўлишини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам, аҳоли ҳам хўжалик фаолиятининг янги шароитларига руҳан мослашишини талаб қилади.

✓ Бозор инфраструктурасини шакллантириш сари ташланган биринчи қадам маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмаси тизимининг, уни ишлаб

чиқаришни фондлаштирилган ресурслар билан марказлашган тартибда таъминлашнинг тугатилишидан иборат бўлди. Ислохотларнинг биринчи босқичи мобайнида давлат буюртмаси давлат эҳтиёжларини, шу жумладан республика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий эҳтиёжларни таъминлаш, ҳукуматлар ўртасида тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича экспорт учун зарур бўлган маҳсулотни эркин (келишилган) нархларда харид қилиш билан аста-секин алмаштирилди.

Давлат буюртмаси тугатилгач, товар ресурсларини марказлашган тартибда тақсимлашга жавобгар бўлган собиқ ташкилотлар ҳам тугатилди. Улар ўрнига товарлар бозорини шакллантириши зарур бўлган муассасалар тизими яратилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Республика товар-хом ашё биржаси ташкил этилиб, у 1994 йилнинг ўзидаёқ умумий суммаси 1,3 миллиард сўмдан ортиқроқ бўлган мингдан зиёд олди-сотди битимини расмийлаштирди.

Республикада товар-хом ашё биржаси тизими гуркураб ривожланди. Агар у ташкил этилган 1991 йил ўрталарида республикада биринчи “Тошкент” товар-фонд биржасида дастлабки ким ошди савдоси ўтказилган бўлса, орадан бир йил ўтгач, Биржа иттифоқига бирлашган ўттиздан ортиқ биржа иш олиб борди.

Товар ресурсларини тақсимлашнинг биржа тизимини вужудга келтириш кўплаб тадбиркорлик бўғинлари — брокерлик ва дилерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмалар пайдо бўлишига олиб келди. Иқтисодиётдаги илгари батамом давлат тақсимот органлари томонидан эгаллаб келинган жойлар янги туғилаётган бозор муҳитининг вакиллари билан тўла бошлади. Бу товар ресурсларини тақсимлайдиган собиқ воситаларни янги механизм билан алмаштириш сари ташланган қатъий қадам эди.

“Кичик хусусийлаштириш” дастури бажарила бошлаши билан бутун савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғи амалда давлат тасарруфидан чиқарилди. Товарлар оқимининг мутлақо янги манбаларини яратишга қодир бўлган жуда кўп воситачи фирма ва идоралар пайдо бўлди.

Бозор инфраструктурасини шакллантиришнинг яна бир йўналиши капитал бозорининг ишлашини таъминлаш керак бўлган тузилмаларни вужудга келтиришдан иборат бўлди. Молияни ва пул-кредитни тартибга солувчи мутлақо янги тизим яратилди.

1994 йилдан бошлаб кредит ресурслари бозори анча фаол ишлай бошлади. Фоииз ставкаси (даражаси) молиявий ресурсларни республика халқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналари ўртасида қайта тақсимлаш жараёнига тобора фаол таъсир эта бошлади. Кредит ресурслари бозорининг яратилиши ҳамда кредитларнинг танлов асосида тақсимланиши молия бозорини вужудга келтиришда асосий тамал тоши бўлди.

Кейинги вақтда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларнинг банклараро валюта биржасида ҳар ҳафтада ўтказилаётган валюта ким ошди савдосида қатнашиш тартиби анча осонлашди. Савдога қўйилаётган валютанинг ҳажми анча кенгайди. Валюта бозори — ким ошди савдоларини ҳафтасига икки ва ундан кўпроқ марта ўтказиш учун реал шароит вужудга келди.

Молия бозорида турли суғурта компаниялари борган сари фаол иш олиб бормоқда. Республиканинг собиқ Давлат суғурта бошқармаси қайта тузилди, унинг вазифалари анча ўзгартирилди. Акциядорлик жамиятлари сифатида иш олиб борувчи қирқдан ортиқ давлатга қарашли бўлмаган суғурта компанияси тузилди. Таваккалига қилинадиган ишларни сиёсий ва тижорат жиҳатдан суғурталаш, банк

Умумиттифоқ ташқи савдо ва ташқи иқтисодий тузилмалари парчаланиб кетганлиги сабабли республикада бундай тузилмалар амалда мавжуд эмас эди. Жаҳон бозоридаги аҳвол ва унинг талаб-эhti-ёжлари соҳасидаги билимларимиз ҳам заиф эди, ташқи савдо маҳоратини эгаллаб олган малакали мутахассислар мутлақо етишмасди. Шулар сабабли дастлабки пайтларда ташқи сиёсатни ўтказишда бир қанча қийинчиликларга дуч келинди. Маҳсулотни экспорт қилиш ҳажми камайди, валюта тушумлари қисқарди, ўзбекистонлик экспортчилар анъанавий бозорлардан суриб чиқарилди. Собиқ Иттифоқ республикалари ўз маҳсулотини жаҳон бозорига тартибсиз равишда кўплаб чиқара бошлаганлиги оқибатида 1992 йилда пахта толаси, олтин, рангли металллар, нефть ва бошқа хом ашё ресурсларининг жаҳон нархлари жуда пасайиб кетди.

Вужудга келган вазият ташқи иқтисодий комплексни бошқаришнинг ўзига хос тизимини зудлик билан шакллантиришни, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида ўз қоидаларимизни ишлаб чиқишни, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўлларини мустақил равишда белгилашни тақозо этди. Бу эса маъмурий чеклашларни кескин қисқартирди ва уларни умум қабул қилинган ҳалқаро меъёрлар ва қоидалар, ташқи савдони бошқаришнинг бозор воситалари билан алмаштириб, ташқи иқтисодий фаолиятни аста-секин эркинлаштиришни долзарб вазифа қилиб қўйди.

Мустақиллик йилларида ташқи сиёсатимизни йўлга қўйишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилди. Бу тамойиллар, аввало, Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик негизида қуришга интилаётганлигидан келиб чиқади. Биз би-

рон-бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаймиз, деган қоидага қатъий амал қилиб келмоқдамиз ва бундан буён ҳам ўз миллий-давлат манфаатларимизга асосланиб, мафкуравий қарашлардан қатъи назар, дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзаро муносабатларни мустақил белгилайверишга аҳд қилганмиз. Биз ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш қоидасига изчиллик билан амал қилиб келмоқдамиз. Мустақиллик даврида Ўзбекистон мана шу иттифоқларга кириб, уларнинг ишларида фаол қатнаша бошлади.

Ўзбекистон суверен давлат сифатида очиқ иқтисодиётни вужудга келтириш соҳасида фаол иш олиб бормоқда. Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимоотида кенг миқёсда иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир. Биз иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдамиз. Бунда бозор иқтисодиёти — эркин иқтисодиёт эканлиги, у очиқ тусда бўлиб, яққаланиш ва биқиклик унга ёт эканлигидан иборат ҳақиқатга асосланиб иш тутмоқдамиз. Шу боис, иқтисодиётимизнинг келажаги унинг жаҳон хўжалигига қўшилишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти тарзида ташқи сиёсатни ўз манфаатларини кўзлаб белгилаши, халқаро ташкилотларга, ялли хавфсизлик тизимларига, давлатлараро тузилмаларга кириш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бу республикамиз ҳақиқий суверенитетини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлганлиги тасодифий ҳол эмас.

Буларнинг бари, ўз навбатида, эришилган ютуқларни амалий тарзда мустаҳкамлаб келди. Ҳозир Ўзбекистонни дунёдаги 150 тадан ортиқ давлат тан олди. Улардан 74 таси билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон пойтахтида 30 дан ортиқ мамлакатнинг, шу жумладан буюклиги эътироф этилган АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция ва Хитой каби давлатларнинг элчихоналари ишлаб турибди. Ҳозир дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида (АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Ҳиндистон, Россия ва бошқаларда) республикамизнинг дипломатия элчихоналари иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ҳамда уларда фаол сиёсат ўтказа бошлади.

Кўпгина халқаро ташкилотлар — БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқи Комиссияси ва бошқа ташкилотлар республикада ўзларининг минтақавий ваколатхоналарини очди ва ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Халқаро Валюта Фонди мутахассислари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётини чуқур ислоҳ қилиш мақсадида мунтазам ўзгартишлар дастури ишлаб чиқилди ва мазкур дастурни амалга ошириш учун 74 миллион АҚШ доллари миқдориди дастлабки маблағ ажратилди. Ҳозирги вақтда республикага яна шунча миқдорда маблағ ажратилишига эришиш учун иш олиб борилмоқда. Тез орада Ўзбекистон учун

мўлжалланган “Стенд-бай” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини чамалаб кўришга киришилади.

Жаҳон банки билан биргаликда Ўзбекистонга миллий валютамизни мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва тўлов балансини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг таркибини ўзгартириш ва корхоналар даражасида ислоҳотларни амалга ошириш, давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарни ва янги вужудга келаётган давлатга қарашли бўлмаган тузилмаларни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга кўмаклашиш учун 160 миллион АҚШ доллари миқдоридан тикланиш қарзи бериш тўғрисидаги масала пухта ишлаб чиқилди ва битим имзоланди.

Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси иштирокида ишлаб чиқилган ҳамда, жумладан, республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи бир қанча лойиҳалар, шунингдек иқтисодиётнинг энг манfaatли соҳаларидаги лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Мазкур ташкилот доирасида республика халқаро транспорт йўлларини биргаликда қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Бу йўллар Ўзбекистонга денгиз портларига, мамлакатлараро транспорт тармоқларига, жаҳон товар ва капитал бозорларига чиқиш имконини беради.

1994 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Тарифлар ва савдо Бош Битими (ГАТТ)да кузатувчи мақомини олди. Бу ташкилот жаҳон савдосининг ҳозирги тизимини бошқаришда марказий ўринни эгаллаб ту-

Буларнинг бари, ўз навбатида, эришилган ютуқларни амалий тарзда мустаҳкамлаб келди. Ҳозир Ўзбекистонни дунёдаги 150 тадан ортиқ давлат тан олди. Улардан 74 таси билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон пойтахтида 30 дан ортиқ мамлакатнинг, шу жумладан буюклиги эътироф этилган АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция ва Хитой каби давлатларнинг элчихоналари ишлаб турибди. Ҳозир дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида (АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Ҳиндистон, Россия ва бошқаларда) республикамизнинг дипломатия элчихоналари иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ҳамда уларда фаол сиёсат ўтказа бошлади.

Кўпгина халқаро ташкилотлар — БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқи Комиссияси ва бошқа ташкилотлар республикада ўзларининг минтақавий ваколатхоналарини очди ва ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Халқаро Валюта Фонди мутахассислари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётини чуқур ислоҳ қилиш мақсадида мунтазам ўзгартишлар дастури ишлаб чиқилди ва мазкур дастурни амалга ошириш учун 74 миллион АҚШ доллари миқдоридида дастлабки маблағ ажратилди. Ҳозирги вақтда республикага яна шунча миқдорда маблағ ажратилишига эришиш учун иш олиб боришмоқда. Тез орада Ўзбекистон учун

мўлжалланган “Стенд-бай” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини чамалаб кўришга киришилади.

Жаҳон банки билан биргаликда Ўзбекистонга миллий валютамизни мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва тўлов балансини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг таркибини ўзгартириш ва корхоналар даражасида ислохотларни амалга ошириш, давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарни ва янги вужудга келаётган давлатга қарашли бўлмаган тузилмаларни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга кўмаклашиш учун 160 миллион АҚШ доллари миқдоридан тикланиш қарзи бериш тўғрисидаги масала пухта ишлаб чиқилди ва битим имзоланди.

Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси иштирокида ишлаб чиқилган ҳамда, жумладан, республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи бир қанча лойиҳалар, шунингдек иқтисодиётнинг энг манfaatли соҳаларидаги лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш дастури амалга оширилимоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Мазкур ташкилот доирасида республика халқаро транспорт йўлларини биргаликда қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Бу йўллар Ўзбекистонга денгиз портларига, мамлакатлараро транспорт тармоқларига, жаҳон товар ва капитал бозорларига чиқиш имконини беради.

1994 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Тарифлар ва савдо Бош Битими (ГАТТ)да кузатувчи мақомини олди. Бу ташкилот жаҳон савдосининг ҳозирги тизимини бошқаришда марказий ўринни эгаллаб ту-

рибди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг ГАТТ га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиши тўғрисидаги масала ўрганиб чиқилмоқда. Агар бу масала ижобий ҳал этилса, республикамиз мазкур Битимнинг тўла ҳуқуқли иштирокчилари бўлмиш 111 та мамлакат билан савдо-сотиқ қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асосларга ва имтиёзларга эга бўлади.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун халқаро ташкилотлар ва қарз берувчи 21 та мамлакат томонидан Ўзбекистонга кенг миқёсда техникавий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ёрдам 1993—1994 йилларнинг ўзида салкам 75 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Мазкур техникавий ёрдам мутахассислар тайёрлашга, иқтисодиётни бошқариш ва бозорга ўтишни давлат йўли билан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга, иш кучини ривожлантиришга, энергетика ва транспорт тизимини такомиллаштиришга, соғлиқни сақлаш, дори-дармон билан таъминлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги техникавий ҳамда инсонпарварлик ёрдамига, молия, солиқ ва банк тизимларини мустаҳкамлашга, иқтисодиётнинг турли соҳаларини компьютерлаштиришга йўналтирилди.

Бундан ташқари, техникавий ёрдам тарзида ажратилаётган маблағлардан хусусий секторга, ишлаб чиқаришни хусусийлаштириш ва қайта қуришга, бухгалтерия ҳисоб-китоби тизимини қайта ташкил этишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштиришга доир қонун лойиҳаларини тайёрлашга кўмаклашиш ҳамда республикамиз ва халқимиз учун бениҳоя муҳим аҳамиятга молик бўлган бошқа вазифаларни амалга ошириш йўлида фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам узоқ муддатли,

ҳам қисқа муддатли аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифаларни бирга қўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Биринчидан, жаҳон иқтисодиётига қўшилишдан иборат бўлган стратегик интеграцион вазифа — Ўзбекистондаги барча хўжалик субъектларининг тапқи дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар яратиш асосида халқаро валюта-молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилиш назарда тутилади.

Иккинчидан, республиканинг жорий муаммоларини ҳал этишга бевосита кўмаклашиш, мавжуд халқаро тажриба асосида, юқорида санаб ўтилган муассасалардан молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳат олиш йўли билан ўтказилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда.

Ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида республиканинг замонавий ташқи иқтисодий комплексини мутлақо янгидан шакллантиришга, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг моҳият эътибори билан янги механизмини вужудга келтиришга тўғри келди. Мустақилликнинг уч йилида Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни ислоҳ қилиш, аввало, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан сезиларли равишда илгари силжиди.

Республикада ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган барча муассасалар амалда янгидан барпо этилди. Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасида, вазирликлар ва идораларда, корпорациялар, концернлар, уюшмаларда ва маҳаллий бошқарув идораларида тегишли ташқи иқтисодий бўлинмалар тузилди ва иш олиб бормоқда. Хорижий ҳамкорлар иштирокида республикада халқаро савдо-

сотик маркази тузилмоқда. Биз дунёнинг бир қанча мамлакатларида савдо уйлари очдик. Ўзбекистон билан АҚШ, Буюк Британия, Германия ўртасида ҳамда республикамиз билан фаол ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган бошқа мамлакатлар ўртасида баҳамжиҳатлик асосида савдо-саноат палаталари барпо этилди.

Ислохот амалга оширила бошланган пайтдан буён ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг таркиби ва тузилиши ўзгарди. Республиканинг икки мингтадан кўпроқ хўжалик субъекти, шу жумладан уюшмалар, концернлар, кичиқ ва хусусий корхоналар ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқини олди.

Ташқи савдо билан бир қаторда ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳам сезиларли даражада кучайиб бормоқда. Республикада хорижий сармоялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар тобора кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда республика ҳудудида рўйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар 1450 тадан ошди, нуқул хорижий сармоя билан ишловчи корхоналар 110 тага етди. 1995 йилнинг бошида Ўзбекистонда дунёнинг 25 мамлакатига қарашли хорижий фирма, банк ва компанияларнинг 166 та ваколатхонаси ишлаб турди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки дунёнинг 80 та йирик банкида вакилик ҳисобини очган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқи алоқаларни кенгайтириш, республиканинг экспорт имкониятларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш учун ҳуқуқий негизларни яратиб берган асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқди. Булар, аввало, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғриси-

да”ги қонунлар ҳамда бошқа қонуний ва меъёрий ҳужжатлар бўлиб, улар ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш учун асосий шарт-шароитни яратишга имкон берди. Республиканинг иқтисодий манфаатларини, Ўзбекистоннинг хориждаги юридик шахслар ва фуқароларини ҳимоя қилишни таъминлашга, республика ҳудудида ажнабий сармоядорлар фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни белгилаб беришга имконият яратди.

Ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида бир талай имтиёзлар жорий этилди. Аввало, товарларни импорт қилиш учун божхона тўловлари бекор қилинди. Ўз маҳсулотини экспорт қилиш учун божхона тўловлари анча камайтирилди, кўшма корхоналар маҳсулотини экспорт қилиш учун эса божхона тўловлари олинмайдиган бўлди. Валюта тушумидан солиқ олиш ўрнига унинг 30 фоиздан иборат қисмини республика Марказий банкига мажбурий сотиш жорий этилди. Корхоналарнинг экспортдан олинган валюта тушумларини моддий базани ва экспорт имкониятини кенгайтиришга сарфлашдан манфаатдорлигини ошириш учун кўпгина корхоналар валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотилишдан озод этилди.

Хорижий сармоя иштирокида корхоналар барпо этиш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва четга чиқариладиган маҳсулот учун рухсатнома (лицензия) бериш тартиби анчагина соддалаштирилди. Рухсатнома асосида четга чиқариладиган маҳсулотлар турларининг сони 1994 йилнинг ўзида 74 тадан 11 тагача камайтирилди. Буларнинг барчаси ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтиришга, экспорт ва импорт таркибини яхшилашга ижобий таъсир қилди.

Ислохотларнинг биринчи босқичида ташқи савдо икки йўналиш бўйлаб: МДХ мамлакатлари билан ҳукуматлараро битимлар асосида ва хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валютада ҳисобкитоб қилиш асосида амалга оширилди. Бундан ташқари, бевосита ташқи иқтисодий кооперация алоқалари ўрнатилиши рағбатлантирилди.

Жами ташқи савдо обороти 1993 йилги даражага нисбатан 1994 йилда бирмунча ошиб, 5053,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шу жумладан МДХ мамлакатлари билан савдо 2919,7 миллион доллар ва хорижий мамлакатлар билан савдо 2133,6 миллион долларни ташкил қилди. Жами ташқи савдо оборотида хорижий мамлакатлар билан савдо-сотикнинг улуши анчагина кўпайди.

Агар 1992 йилда хорижий мамлакатларга 870 миллион АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 1993 йилда бу кўрсаткич 920 миллион АҚШ доллари, 1994 йилда эса 1 миллиарддан зиёд АҚШ доллари миқдорига етди.

Ҳозир анъанавий шериклар — МДХ мамлакатларидан ташқари экспортнинг анчагина қисми Туркия, Бельгия, Буюк Британия, Франция, Голландия, Польша, Корея Республикаси, Индонезия, Малайзия каби мамлакатларга тўғри келади.

Биз Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама алоқалари ва яқин ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берамиз. Дарҳақиқат, Марказий Осиёдаги қардош халқлар муштарак тарихи, маданий анъаналари бирлиги, турмуш уклади, руҳиёти ва бошқа кўп жиҳатлари бир-бирига ўхшашлиги билан туғилганлардек бўлиб кетганлар. Марказий Осиё давлатларидаги ҳозирги кунги сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик муаммолар ҳам кўп жиҳатдан бир хилдир. Мазкур республикаларнинг иқтисодиёти бир-бири

билан тутшиб кетган ва улар бир-бирига таъсир ўтказиб турибди.

Вужудга келган шароитга асосланиб, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев билан 1994 йил 10 январь куни Тошкентда бўлган учрашувда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисида шартнома имзоланди. Фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, саёҳатчилик ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар ҳам имзоланди. Юқорида қайд этилган шартнома Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида товарлар, хизматлар, капиталлар, иш кучининг эркин ҳаракатланишини, баҳамжиҳат кредит-ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини ўтказишни кўзда тутди. Бишкекдаги учрашувда Қирғизистон ҳам бу шартномага қўшилганлиги Марказий Осиё минтақасидаги ўзаро яқинлашув жараёнлари чуқурлашувида янада катта истиқболлар очди.

Уч давлат ўртасида ягона иқтисодий макон тўғрисида тузилган шартнома самара бера бошлади. Алматы шаҳрида битимда қатнашувчи мамлакатларнинг вакилларида иборат Давлатлараро ижроия қўмитаси тузилди. Тошкентда минтақа банк маркази иш бошлади. Саноатни интеграциялаштирадиган дастур ишлаб чиқилди. Ҳозир шу дастур асосида бутун Марказий Осиё минтақаси муҳтож бўлган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган, биргаликда сармоя сарфланадиган аниқ объектлар белгилаб олинмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик гоյасини қўллаб-қувватлади, унинг муассислари қаторига кирди, яқинлашув ва кооперация алоқаларини мустақкамлаш соҳасидаги ишларни жон-

бозлик билан амалга оширмоқда. Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамдўстлик муассасалари — Давлатлараро иқтисодий қўмита, Давлатлараро банк ва бошқа муассасаларни шакллантиришда жуда фаол иштирок этмоқда. Ҳамдўстлик доирасида Россия, Украина, Беларусь, Молдова ва МДХдаги бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ташқи сийёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа шартномалар ҳамда битимлар имзоланди, бу ҳужжатлар чамбарчас ўзаро манфатли ҳамкорликнинг мустақкам негизини вужудга келтиради.

МДХ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларнинг таркиби ва шакли тубдан ўзгариб бормоқда. Ўзбекистоннинг маъқеи тобора мустақкамланмоқда. МДХдаги кўпгина мамлакатлар билан савдо-тўлов соҳасида Ўзбекистон ижобий сальдога эгадир.

1994 йилда ҳукуматлараро битимларга биноан Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан товар обороти 1,8 миллиард долларни ёки МДХ мамлакатлари билан умумий товар оборотининг 63,0 фоизини ташкил этди. Бир неча юз миллион долларга жуда муҳим маҳсулотлар, жумладан, нефть, авиация керосини, металл прокати, ёғоч-тахта, спирт, озиқ-овқат ва бошқа товарлар келтирилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон салкам бир миллиард долларлик маҳсулот етказиб берди. МДХ мамлакатлари билан маҳсулот келтириш-чиқариш сальдоси Ўзбекистон фойдасига 142 миллион доллардан кўпроқ маблағни ташкил этди.

Нефть чиқариш икки баробардан зиёд ошганлиги, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари кўпайганлиги, экин майдони кенгайтирилиб, дон етиштириш кўпайганлиги туфайли республиканинг шу маҳсулотлар бўйича МДХ мамлакатларига ва хорижий давлатларга қарамлиги анча қисқарди. Республиканинг ташқи омилларга боғлиқ бўлмаслиги кучаймоқда. Бу

эса иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш соҳасидаги ички сиёсатни янада самаралироқ юритиш имконини бермоқда.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг МДХдаги бошқа давлатлар, аввало Россия билан муносабатлари у ўзаро манфаатли сиёсат юргизаётганлигини яққол намойиш этмоқда, республиканинг МДХ мамлакатлари билан самарали ҳамкорликка, халқларимиз ўртасида вужудга келган кўп томонлама иқтисодий, маданий, илмий ва инсоний алоқаларни янгирақ асосда мустақамлаш ва ривожлантиришга тайёрлигини тасдиқламоқда.

Биз ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда иқтисодиётимизга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шароит яратишга жуда катта аҳамият бермоқдамиз.

Хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосландик:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

иккинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

учинчидан, республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчилик билан ўтказиш;

тўртинчидан, маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш.

Янги муассасаларни барпо этиш борасида хорижий сармояларни жалб этиш учун зарур бўлган ташкилот ва муассасалар тузиш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Таваккалчилик ишлари йўлида сиёсий ва тижорат хатарлари келтирадиган зарарни қоплайдиган “Ўзбекинвест” миллий суғурта компанияси тузилди. “Ўзбекинвест”, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Америка “ALG,inc” молия гуруҳи томонидан Лондонда туриб ишлайдиган ва таваккалчиликда сиёсий шароит туфайли кўриладиган зарар қопланишини кафолатлайдиган ҳамда Тошкентда туриб ишлайдиган ва тижорат таваккалчилигини кафолатлайдиган қўшма суғурта компаниялари ташкил қилинди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда республикада лойиҳалар тайёрловчи гуруҳ ишлай бошлади. Бу гуруҳ шу банк йўли билан ажратилган 60 миллион доллар инвестиция кредитини жадал ўзлаштириш мақсадида инвестиция лойиҳалари учун техникавий-иқтисодий асосларни тайёрлашга кўмаклашади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида БМТ (ЮНИДО) билан биргаликдаги техникавий ёрдам лойиҳаси доирасида Инвестицияларга кўмаклашиш хизмати ташкил этилди. Бу муассаса хорижий сармоядорларга инвестиция таклифлари тайёрлашда ёрдам беради.

Давлат мулк кўмитаси ҳузурида Кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлиги ташкил этилди, у хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармоядорларни жалб этишга кўмаклашмоғи лозим.

Халқаро молия корпорацияси ва Голландиянинг “ABN-AMRO банки” билан биргаликда қўшма банк тузилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Мейбанк (Малайзия) билан биргаликда қўшма лизинг компаниясини барпо этмоқда.

Республикада хорижий инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилган, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилган. “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга биноан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарни рўйхатга олинган пайтдан бошлаб беш йил муддатга хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган.

Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизимида:

— ишлаб чиқариши ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30 фоизни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баравар камроқ тўлаш ҳуқуқини бериш:

— Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;

— хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик;

— ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга олиб кетиш;

— Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож тўловларисиз олиб кириш;

— жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, ажнабийларнинг давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулкнинг кенг ми-

қёсда сотилишида бемалол иштирок этишларини таъминлаш;

— инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш кўзда тутилган.

Хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунга мувофиқ ажнабий ҳамкорлар учун уларнинг мол-мулкларини давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилишдан халос этиш учун кафолатлар белгилаб қўйилган. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдасини ва бошқа пулларни чет элларга ўтказишларига, олинган фойдани республика ҳудудида қайта инвестиция тарзида ишлатиш, республика банкларида счётта ва унда ҳар қандай валютада чекланмаган миқдорда маблағга эга бўлиш имконияти кафолатланади.

Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун нормалари 10 йил мобайнида қўлланилиши кўзда тутилган қонун ҳужжатлари ўзгартирилмаслигига ишончли кафолатлар мавжуд.

Шундай қилиб, вужудга келтирилган ҳуқуқий меъёрлар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитларни яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ва сарфлаган сармоясини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция билан битимлар имзолади, бошқа бир қанча мамлакатлар билан ҳам мана шундай битимлар тузишга ҳозирлик кўрилмақда.

Ўзбекистон ҳукумати Канада, Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Голландия, Германия, Швейцариянинг банклари ва фирмалари билан 1,5 миллиард АҚШ долларига яқин суммада ҳукуматлараро

32 та йирик кредит битими тузди ва ҳозир бу битимлар амал қилмоқда.

1994 йил мобайнида республикага 640 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция кредитлари бериш тўғрисида халқаро молия муассасалари ва хорижий сармоядорлар билан тузилган битимлар амал қила бошлади, шундан салкам 300 миллион доллари аниқ объектларни кредитлаш тарзида расмийлаштирилди. Чунончи, Тошкентда Халқаро савдо-кўرғазма комплекси, Хоразм вилоятида қанд-шакар заводи қурила бошлади, Американинг “Ньюмонт-Майнинг” компанияси билан биргаликда қурилаётган олтин қазиб оладиган кўшма корхона иншоотлари битай деб қолди.

Хорижий ҳамкорлар иштироки билан республикада “Ўздэуавто” ва “Ўздэуэлектроникс” (Корея Республикаси), “Ўзиталмотор” (Италия), “ЎзБАТ” (Буюк Британия) ҳиссадорлик бирлашмалари, Хоразм Ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси (Германиянинг “Мерседес-Бенц” фирмаси билан биргаликда), тўқимачилик корхоналари сингари ва бошқа кўшма ишлаб чиқаришларни барпо этишга оид лойиҳалар амалга оширила бошлади. Германия ва Корея Республикасининг фирмалари иштирокида республиканинг телефон тармоғини замонавий усулда янгилашга киришилди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишга интилмоқда. Эшикларимиз дунё учун очиқ ва дунё эшиклари ҳам биз учун очиқ бўлишига ҳаракат қиляпмиз.

1.8. ИШОНЧЛИ ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАРНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

Биз туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришар эканмиз, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш қуруқ мақсад эмас,

деган аниқ-равшан хулосага келганмиз. Барча ислоҳотларнинг — иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат.

Аҳолининг энг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш эса, ўз навбатида, ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир, бошланган ўзгариш ва покланиш жараёни орқага қайтишига йўл бермайдиган ижтимоий таянчдир.

Бозор муносабатларига қийинчиликларсиз ва ижтимоий зиддиятларсиз, силлиққина ўтиб бўлмаслигини бошқа мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу сабабли бозор механизминини жорий этишдан аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кучли эҳтиёт чора-тадбирлари олдиндан кўриб қўйилиши объектив заруратдир.

Бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврида биз бутун аҳолини олдиндан ижтимоий ҳимоялаш йўлидан бордик. Шу қондага амал қилиб, ҳукуратимиз вазиятни назорат қилиш ва ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриб қўйди. Бу чора-тадбирлар одамларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнади, республикада осойишталик ва барқарорликни сақлаш омили бўлди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида ишлаб чиқилган ва ўтказилган ижтимоий сиёсат кўзланган мақсадни тўла-тўқис рўёбга чиқарди, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Биз бозор муносабатларига яқинлашган сайин ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш чоралари ҳамда воситалари ўзгариб бориши керак, деган муҳим сабоқ чиқариб олдик. Ислоҳотлар бош-

ланғич босқичининг ҳар бир аниқ даврига мослаб ижтимоий ҳимоялашга оид чора-тадбирларнинг тегишли тизими ҳам яратилди. Бошқача айтганда, ижтимоий кўникиш чора-тадбирларини ўзгартириб бораётган иқтисодий шароитларга мослаштиришнинг ўзига хос воситаси яратиб қўйилди.

Бу мақсадга эришмоқ учун давлат йўли билан бошқаришнинг кўпдан-кўп усуллари ва услубларидан фойдаланилди. Жумладан, миқдори мунтазам ўзгартириб турилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар, компенсация тўловлари тарзидаги бевосита пул тўловлари ҳам, имтиёзлар ва турли дотациялар тарзидаги бавосита тўловлар ҳам кенг қўлланилди. Масалан, энг кам иш ҳақи ва пенсиялардан солиқ олинмайдиган бўлди. Корхоналарнинг ўз ходимларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги харажатларидан бир қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиб турди. Кенг истеъмол моллари ва хизматларнинг кўпгина турлари нархларидаги тафовутларнинг ўрни қопланди. Айни вақтда қўшимча ижтимоий имтиёзларнинг бутун бир мажмуи: бошланғич синфлар ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, 2 ёшгача бўлган болалар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва студентлар учун овқатнинг арзонлаштирилиши каби имтиёзлар амал қилиб турди. Кўпгина тоифадаги фуқароларга турар-жойи шахсий мулк қилиб бепул берилди, баъзи турдаги коммунал хизматлар ҳақини тўлашда енгилликлар жорий этилди ва ҳоказо.

Иқтисодий аҳвол мураккаб бўлишига қарамай, моддий ва молиявий имкониятлар чекланган шароитда ҳам доимо ижтимоий аҳамиятга лойиқ бўлган энг муҳим вазифаларни ҳал этиш учун зарур воситалар қидириб топилди. Ислоҳотларнинг бутун биринчи босқичи давомида ижтимоий ҳимоялаш харажатлари республика бюджетининг салкам учдан бир

қисмини ташкил этди. Шундай қилиб, қайта тақсимлаш воситаси кенг кўламда ишга солинди, шу туфайли ижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур воситаларни сафарбар этиш имконияти вужудга келди.

Ислохотларнинг биринчи босқичида орттирилган тажриба асосида инсон ва оила ҳаётининг барча соҳаларини таъминлашга қаратилган ва бир-бирини тўлдирувчи чора-тадбирларнинг бутун бир тизими шаклланди. Бозор муносабатларини қарор топтиришнинг мураккаб даврларида кенг қўлланилган чора-тадбирлар ўз зиммасига юкланган вазифага ва пировард самарага кўра шартли равишда алоҳида йирик йўналишларни ташкил қилади. Зотан, мазкур йўналишлар доирасида ижтимоий қўллаб-қувватлаш шакллари ва воситаларини такомиллаштириш жараёни тинимсиз давом этди.

Нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунгазам ошириш ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг устун йўналишлардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу йўналиш аҳолининг истисносиз барча табақаларини қамраб олди ва ислохотларнинг биринчи босқичи давомида кенг миқёсда қўлланилди. Бунда биз даромадлар нисбатини ўзгартиришга ўзимизга хос ёндашувни ишлаб чиқдик. Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда даромадлар нисбатини ўзгартириш иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, жамғарма банкларидаги аҳоли омонатлари ставкаларининг энг оз миқдорларини бир вақтнинг ўзида марказлаштирилган тарзда қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилди.

1992—1994 йиллар мобайнида иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча бор оширилди,

уларнинг миқдорлари бу даврда тегишли равишда 428 барабар ва 1230 барабар кўпайтирилди. Биз пенсионерларнинг ижтимоий аҳолини эътиборга олиб, энг кам пенсиянинг мутлақ миқдори иш ҳақининг энг кам миқдоридан ошироқ бўлиши йўлини муттасил ўтказиб келдик, зеро бу йўл ижтимоий адолат тамойилларига мос келар эди. Масалан, ҳозирги вақтда иш ҳақининг энг оз миқдори 150 сўм бўлгани ҳолда, ҳарилек пенсиясининг энг кам миқдори 430 сўмни ташкил этади, ногиронлик пенсияси эса бундан ҳам ортиқдир.

Энг кам иш ҳақи ва бошқа тўловлар одатда, олдиндан кўпайтириб келинди, нарх-наво ўзгариши билан боғлаб олиб борилади, бу эса аҳолининг тўлов қобилияти сақланиб қолишини таъминлади ва турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига йўл қўймади.

Даромадлар нисбатини ўзгартириш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимида 1993 йилда жорий этилган янги Ягона тариф сеткаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу чора барча тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорларини тариф коэффициентлари орқали, энг кам иш ҳақи воқитаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди. Шу тариқа биз энг кам иш ҳақини ошириш йўли билан аҳолининг ўртача иш ҳақини, пул даромадларини ҳам ўз-ўзидан кўтара бордик. Бу тизим турли тоифадаги ходимлар меҳнат ҳақи даражаси ўртасидаги энг мақбул нисбатларни таъминлади, иш ҳақини бевосита сарфланган меҳнатнинг миқдори ва сифатига боғлиқ қилиб қўйди, аҳолининг даромадлари даражаларида асоссиз катта тафовут бўлишига ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан табақаланишига йўл бермади.

Республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян

даражада сақлаб туриш чора-тадбирлари кўрилганлиги аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг иккинчи энг муҳим йўналиши бўлди.

Биз нарх-навони эркинлаштириш соҳасида қўшниларимизга нисбатан бирмунча мўътадил сиёсат ўтказганлигимиз истеъмол бозорини ҳимоя қилиш заруратини келтириб чиқарди. Ўзбекистон рубль минтақасида турган бир пайтда бунинг аҳамияти айниқса кучли бўлди. Аксарияти республика эҳтиёжлари учун валютага харид қилинган ун, ўсимлик мойи, қанд-шакар ва бошқа тақчил маҳсулотлар республика ташқарисига олиб чиқиб кетилиши ҳолларига дуч келдик.

Истеъмол бозори барбод бўлишига йўл қўймаслик учун биз ишлаб чиққан яхлит тизимда ҳаётий муҳим маҳсулотлар экспортини божхоналар орқали қатъий назорат қилиш ва юқори бож тўловлари жорий этиш билан бирга дастлабки босқичда истеъмол молларини сотиб олиш учун бир марта, сўнгра эса кўп марта ишлатиладиган купонларни муомалага киритиш, кундалик зарур товарларнинг чекланган турларини меъёрланган тарзда сотишни ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бу тизим ўзини тўла-тўқис оқлади. У бозорни пишиқ-пухта ҳимоя қилибгина қолмай, савдо тармоғига барча зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ва кундалик харид молларини мунтазам равишда чиқариб туришни таъминлаш, уларни истеъмол қилиш ҳажмларини камайтирмаслик имконини берди.

Ўтиш даври қанчалик мураккаб бўлмасин, бу тизим республиканинг барча аҳолисига ҳаётий муҳим маҳсулотларни истеъмол қилиш ва хизматлардан баҳраманд бўлиш соҳасида ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаб берди.

Бу тадбирлардан ташқари, 1992—1994 йилларда нон ва нон маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотла-

ри, сут, қанд-шақар, ўсимлик мойи, кир совун, болаларга керакли айрим моллар, коммунал ва транспорт хизматлари учун дотациялар қисман сақлаб қолинди, шу туфайли даромад даражаси турлича бўлган oilалар бу маҳсулотлар ва хизматлардан бемалол баҳраманд бўлди. Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида собиқ Иттифоқнинг кўпгина мамлакатларида аҳолининг асосий оммаси ёлпасига қашшоқлашган бир пайтда биз кўрган тадбирлар зўр ижтимоий аҳамиятга эга бўлди ва одамларнинг ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигига ишончини кучайтирган қудратли омил бўлиб хизмат қилди.

Айни вақтда республикадаги истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги тизимига ўтишга тайёргарлик ишлари олиб борилди. Янги тизимнинг моҳияти ички нархларни жаҳон нархлари даражасига тез тенглаштириб олиш ва аҳолининг даромадларини шунга мувофиқ равишда ошириш йўли билан ҳимоя чора-тадбирларини таъминлашдан иборат. Бу масалани ҳал этишда миллий валютани муомалага киритиш ва унинг ички алмашувини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ташкилий ҳамда иқтисодий чора-тадбирларнинг аҳамияти айниқса катта эди.

Биз ички бозорни, халқимиз манфаатларини фақат бақувват миллий валютагина ҳимоя қилиши мумкин, деган қатъий ҳулосага келдик. Бунинг учун миллий валютаимиз асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган зарур миқдордаги товар билан, кенг экспорт фаолияти ҳисобига салмоқли валюта захиралари билан мустақамланган бўлиши керак эди.

Миллий валюта жорий этилгач, ислоҳотлар биринчи босқичининг охирларига бориб озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан бутунлай воз кечиш ва эркин нархларга ўтиш имконияти туғилди. Меъёрлаш тизимига барҳам бериш тадбир-

лари аҳоли таъминотини ёмонлаштирмасдан, унчалик қийинчиликларга йўл қўймасдан ўтказилди. Эркин нархларга эса “эсанқирашларсиз” ўтишга муваффақ бўлинди. Буни Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг муҳим натижаси деса бўлади.

Илк босқичда аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилганлиги фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг учинчи жуда муҳим йўналиши бўлди. Биз аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари — пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли oilалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар, шунингдек қайд этилган миқдорда даромад олувчи кишиларни ҳимоя қилиш давлатнинг муқаддас бурчидир, деган қоидага асосланиб иш тутдик.

Иш ҳақини ошириш билан бирга, барча тоифадаги мактабларнинг муаллимлари, болалар уйлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар тарбиячилари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталарининг профессор-муаллимлари ва илмий ходимлари, ижодий ва тиббий ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида уларга қўшимча моддий неъматлар — квартира ҳақи ва коммунал тўловлар соҳасида имтиёзлар берилди, якка тартибда уй-жой қуриб олиш учун ер участкалари биринчи навбатда ажратиладиган бўлди ва ҳоказо.

Бозор муносабатларига ўтилгач, ўзгаларнинг қаровига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар айниқса оғир аҳволда қолди. Улар дуч келган қийинчиликларни ҳисобга олиб, шу тоифадаги пенсионерларни турар-жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Улар дори-дармонлар ва энг зарур молларни белгиланган меъёрда бепул олиш ва жамоат транспор-

тида текин юриш ҳуқуқидан фойдаланадиган бўлдилар. Уларга мадад бериш учун республикада махсус ижтимоий ёрдам бўлимлари тузилди. Бу бўлимлар ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг уйида ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни уюштирамоқда.

Ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялашга, уларга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиб, билим олиш учун зарур моддий шароит яратишга доимо эътибор берилмоқда. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг, аспирантларнинг стипендиялари бир неча марта оширилди.

Ёшларни ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа шакллари — овқат нархининг бир қисмини қоплайдиган қўшимча тўловлар, мактаб ошхоналари ва тамадди хоналари қўшимча харажатларининг бир қисмини бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш, хусусий конадонларда яшаётганлар учун қўшимча тўловлар, жамоат транспортида арзон ҳақ тўлаб юриш ва бошқа энгилликлар жорий этилди. Миллий анъаналарни назарда тутиб, биринчи бор ҳикокдан ўтаётган келин-куёвлар учун мебель ва гилам маҳсулотлари сотиб олишнинг имтиёзли тартиби белгиланди.

Кўрилган чора-тадбирлар туфайли иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида аҳолининг энг муҳтож, ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари манфаатларини пишиқ-пухта ҳимоя қилиш мумкин бўлди, бу эса аҳолининг муайян бир қисми қашшоқлашувининг олдини олиш, фуқаролар тинчлиги ва аҳиллигини таъминлаш имконини берди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бутун тизимини аста-секин кучайтириб, уни оқилона йўлга қўйиш нияти билан ўтди, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг кам самарали шакллари тугатилиб, турлари ўзгартириб борилди, ижтимоий ҳимоя мақ-

садларида қилинадиган харажатлар бюджет имкониятларига боғлиқ равишда ўтказилди.

Шу билан бирга ижтимоий ҳимоялашнинг мавжуд тизими чуқур таҳлил этилганда унинг камчиликлари, исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлиги ва ижтимоий самараси етарли эмаслиги аён бўлиб қолди.

Бундан ташқари, дотациялар, нафақалар ва имтиёзларнинг мавжуд тизими маблағларни ижтимоий ёрдамга чиндан ҳам муҳтож бўлган аҳоли гуруҳларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун жамлашни, муҳтожлик омилини кўзда тутмас, балки бутун аҳолига мўлжалланган эди. Бошқача айтганда, кам даромадли оилалар ҳам, ўзига тўқ фуқаролар ҳам баб-баравар миқдорда ёрдам олар эди. Бунинг устига кундалик зарур молларнинг асосий турларига белгиланган дотациялар миқдори ҳамда аҳоли турли тоифаларининг шу моллар ва хизматлардан фойдаланишидаги ҳақиқий ҳолатни ҳисобга олганда, ижтимоий ёрдамга камроқ муҳтож бўлган фуқаролар ундан анча кўп фойдаланаётганлиги маълум бўлиб қолди.

Бутун аҳолини қамраб олишга уринадиган, ҳақиқий ижтимоий самараси паст, текисчилик усулидаги тақсимлаш воситасига эга бўлган жуда бечўнақай тизим вужудга келган эди. Ижтимоий ёрдамнинг бу шакли аниқ ижтимоий таянчга эга эмас ва аҳолининг муайян қатламларини назарда тутмас эди.

Фақат республика бюджети йўли билангина 30 та турли соҳа ва йўналишлар бўйлаб ижтимоий ҳимоя амалга ошириб келинганини, бу эса маблағлар сочилиб кетишига олиб келганини ва ёрдамга кўпроқ муҳтож бўлган, айни кам даромадли фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш имконини бермаганлигини кўрсатиб ўтиш зарур.

Аҳолининг кўпчилилик қисми онгига сингиб кетган боқимандалик кайфиятини бутунлай ўзгартириш

лозим эди, у иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга жуда ҳалақит берар эди.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришда сифат жиҳатдан янги босқич зарурлиги объектив эҳтиёж бўлиб қолди. Шу муносабат билан ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Адолат тамойилларига изчиллик билан риоя этиш қондаси янгиланган ижтимоий сиёсат қурилишига асос қилиб олинди. Бу қонданинг моҳияти шундан иборатки, давлат томонидан қўллаб-қувватланишга ҳақиқатан муҳтож бўлган аҳоли табақалари тоифасини белгилашда амал қилиниши лозим бўлган мезонлар ҳам, бу мададни уларга етказиш воситаси бўлган омиллар ҳам аҳолига равшан, жуда содда ва аҳоли наздида адолатли бўлиши лозим. Ижтимоий кафолатлар ва қўллаб-қувватланишга муҳтож бўлган шахсларни аниқлашда, уларга бериладиган ёрдамнинг аниқ тури ва миқдорини белгилашда субъектив нуқтаи назардан иш қилиш имкониятлари истисно этилиши керак. Бутун тизим тенгчилик ва боқимандалик кайфиятини тугатишга қаратилган бўлиши лозим.

Мана шуларнинг ҳаммаси ижтимоий кўмаклашишнинг мавжуд усуллари, уларни пул билан таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни талаб қилади.

Ижтимоий ҳимоя аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган бўлиши керак. Ижтимоий ҳимоя тизимининг энг муҳим хусусияти аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашувдан иборат бўлмоғи лозим. Бу иш ҳақиқатан ҳам давлатнинг моддий ёрдамига муҳтож бўлган жамият аъзоларига йўналтирилган бўлиши, аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши керак.

Аҳолининг аниқ табақаларини қамраб олган ёрдам тизимини фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатангина қўлланиш зарур. Бу эса болаларга бериладиган нафақалар ва тўловларнинг мавжуд турлари ҳамда шаклларини бир хил ҳолга келтиришни талаб этади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кишиларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал этиш соҳасида давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармаларининг маблағларидан ҳам фаоллик билан фойдаланилиши лозим.

Аҳолига ижтимоий ёрдамни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилиши ҳамда масъулияти оширилиши керак. Ҳокимлар, маҳалла қўмиталари аҳолининг ночор қатламларига умумдавлат кафолатларининг амалга оширилишини таъмин этиш билан бирга, минтақаларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни жорий этишга ҳақлидирлар.

Давлат томонидан берилаётган ижтимоий ёрдамни шунга муҳтож бўлган аниқ инсонга етказиш имконини берадиган манбалар, воситаларни аниқ-равшан белгилаб олиш мураккаб ва масъулиятли вазифалардан эди.

Биз ижтимоий ҳимоялашнинг асосиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечиб, Шарқда неча минг йиллар давомида қарор тошган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган ўз йўлимизни таялаб олдик.

Шунга биноан 1994 йилда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгартирилди. Ижтимоий кўмак беришнинг мутлақо янги илгор тизими шакллантирилди. Бу эса ижтимоий ис-

лоҳотлар соҳасидаги иқтисодий ўзгартиришлар биринчи босқичининг энг муҳим якуни бўлди.

Янги тизим тайинли истеъмолчиларга аниқ равишда йўналтирилган ва анча мувофиқлаштирилган тизим бўлиб қолди. Ҳозирги тизимнинг моҳияти шундан иборатки, мамлакатимизнинг келажаги ҳисобланмиш болалар ва кам даромадли оилалар бу ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар бўлиб қолди. Энди ҳамма нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали етказиб берилмоқда. Шу тариқа ижтимоий кўмак беришнинг ҳозирги тизимида оила асосий мавқега эга бўлиб қолди. Бундай ёндашув умуминсоний қоидаларга, миллий анъаналарга ва руҳиётга мос келади, фуқаролар жамиятининг ижтимоий ташкилоти тизимида оила эгаллайдиган ўринга мувофиқ келади.

Ижтимоий кўмаклашувнинг янги тизимида фарзанд туғилганида бир йўла бериладиган тўловлар сақлаб қолиниши билан бирга нафақалар ва имтиёзларнинг куйидаги турлари ҳам мавжуд.

Биринчидан, бола боқувчи оналарга нафақа тўланади. Бунда тўланаётган нафақанинг миқдори ~~кўпайтирилмишидан ташқари, унинг муддати ҳам~~ узайтирилади. Мазкур нафақа илгари бир ярим йилгача тўланган бўлса, энди бу муддат **икки йилгача узайтирилди**. Ишловчи оналар ҳам, ишламайдиган оналар ҳам бу нафақадан баҳраманд бўлмоқдалар. Оналарга нисбатан ижтимоий адолат тикланди ва бу нарса кўпгина оилалар учун муҳим мадад бўлди.

Иккинчидан, ўн олти ёшгача болалари бўлган оилаларга ягона нафақа жорий этилиб, болаларга илгари бериб келинган ҳамма нафақа ва имтиёзлар бекор қилинди. Болаларга бериладиган тўловлар тизими такомиллаштирилди. Болаларга бериладиган йигирмадан зиёд турли нафақалар ўрнига 1994 йилнинг сентябридан бошлаб барча болали оилалар учун

ягона нафақа жорий этилди, унинг миқдори нафақа олувчи оиланинг таркиби билан бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Айни вақтда болалар нафақасининг миқдорлари бугунги ҳақиқий аҳволга мувофиқлаштирилди ва энг кам иш ҳақининг ўзгаришига чамбарчас боғлиқ қилиб қўйилди.

Шуни таъкидлаш зарурки, 16 ёшгача болалар бўлган оилалар учун нафақалар ота-онасининг ва умуман оиланинг даромадлари миқдоридан қатъи назар, барча оилаларга тўлана бошлади. Бошқача айтганда, 16 ёшгача бўлган болалар, турли дастлабки омиллар ва сабаблардан қатъи назар, тўғридан-тўғри давлат ёрдами бериладиган объектга айланиб бормоқда.

Давлат болаларни боқиш ва тарбиялашга қилинадиган сарф-харажатларнинг бир қисмини оилаларга компенсация тарзида бериб турибди, айни вақтда ота-оналарнинг масъулияти кучайтирилди. Бешта ва ундан кўпроқ болали оила учун нафақанинг энг кўп миқдори аввалига энг кам иш ҳақининг ярми миқдоридан, ҳозир эса энг кам иш ҳақининг тўла ставкаси даражасида белгилаб қўйилди.

Учинчидан, 1994 йилнинг октябридан давлат кам даромадли оилаларга фаол ёрдам бера бошлади — фармонга биноан айни мана шундай оилаларга моддий ёрдам жорий этилди. Республикада кам даромадли оилаларга нафақа жорий этилиши аслида мисли кўрилмаган иш бўлди.

Ўзбекистонда таркиби ҳар хил оилалар улушининг катталиги бу ҳудуддаги оилалар таркибининг ўзига хос хусусиятидир. Бу ерда битта тураржой майдонида яқин қариндош бўлган бир неча оила яшайди, уларнинг рўзғори ва оилавий бюджети ҳам битта бўлади.

Мана шундай шароитда оилаларни кам даромадли оилалар тоифасига ўтказиш мезони ва уни чамалаш воситасини танлаб олиш жуда мураккаб бўлди. Даромадларни эълон қилиш каби маълум усуллар Ўзбе-

кистон учун унчалик мақбул бўлиб чиқмади. Оилаларга маълумотномалар асосида махсус идоралар томонидан нафақа берилишидан иборат юзаки йўлдан бориш бундан ҳам хатарлироқ бўлурди. Чунки бунда ҳолисоналикка йўл бермаслик ва адолат мезонларидан чекиниш ҳолатлари муқаррар рўй бериши мумкин эди. Бунинг бир қанча сабаблари бор:

Биринчидан, аҳолининг кўичилиги қишлоқ жойларда яшайди, томорқа хўжалигидан даромад олади, бироқ бу даромадни ҳолисона ҳисобга олиш қийин;

Иккинчидан, бу усул одамларни қўшимча даромадларни яширишга ундайди ва боқимандаликни рағбатлантиради. Бизда ҳали уй-рўзғор хўжаликларини ўрганишнинг барча даромад манбаларини ҳисобга оладиган механизми ишлаб чиқилмаган.

Биз бу муаммоларни ҳал этиш калитини ўз тарихимиздан, узоқ ўтмишда шу диёрда мавжуд бўлган, гуллаб-яшнаган қудратли давлатнинг жамиятни ижтимоий ташкил этиш манбаларига мурожаат этиб топдик. Бунда Ўзбекистоннинг туб аҳолиси ҳаётида расм бўлиб келган ўзаро муносабатларнинг азалий анъаналари ҳамда муҳтожларга ёрдам бериш одатлари эътиборга олинди.

Ўрта Осиёда ва, аввало, Ўзбекистонда маҳалла каби ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли азалдан мавжуд бўлган ва шу кунгача ҳам сақланиб қолган. Ўзбеклар учун маҳалла жамоа тушунчасидан кўра кўпроқ маънони билдиради. Маҳалла туфайли туб аҳоли ижтимоий ва иқтисодий хатти-ҳаракати таркиб топиши, ижтимоий қадриятлар ҳурмат қилиниши, ўзаро муносабат одоби тамойилларининг алоҳида қондалари сақланиб қолди. Бу эса жамият олдидаги мажбурият ва зиммадаги масъулият сўзсиз бажарилишининг кафолатидир. Маҳалла руҳи республикамызда яшовчи ҳар бир киши дилига сингиб кетган.

Айни мана шу руҳнинг мавжудлиги, фуқароларнинг маҳалла шаклидаги ўзини-ўзи бошқариш воситаси орқали одамлар, оилалар ўртасидаги алоқалар пишиқ ва пухта йўлга қўйилганлиги энг муҳтож кишиларга ёрдам беришнинг ижтимоий жиҳатдан адолатли тизимини қайта тиклаш сирларини очиш имконини берди.

Ижтимоий кўмаклашувнинг таъсирчан тизимини ташкил этиш йўлларини излаш натижасида биз Ўзбекистонда маҳалла орқали муҳтожларга ёрдам бериш ижтимоий кўмаклашувнинг энг содда, аммо самарали ва очиқ воситасидир, деган фикрга келдик. Маҳаллада турмуш тажрибасидан ақли тўлишган, ҳар бир ишни ўрнига қўя оладиган кишилар яшайди. Халқнинг ўзи сайлайдиган, Қонун асосида ўзини-ўзи бошқариш органи мақомини олган маҳалла оқсоқоллари, уларнинг маслаҳатчилари ва фаоллари маҳаллада яшовчи ҳар бир кишининг моддий ва мулкӣ аҳволини, ҳар бир оиланинг даромад манбаларини ипидан игнасигача биладилар.

Ижтимоий кўмаклашувнинг янги тизими доирасида кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам одамларга энг яқин турувчи маҳалла аҳолиси йиғинида тайинланадиган бўлди. Ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва қайд этиш воситасида ёндашув янгилигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Бу ёндашувга, бир томондан, халқнинг кўшнига ёрдам бериш, унинг аҳволига астойдил ҳамдард бўлишдек асрий анъаналари асос қилиб олинган бўлса, иккинчи томондан, дангасалар ва текинхўрларга нисбатан нафрат ва муросасизлик одаги ҳам ўз аксини топган. Натижада давлат хизматчиларининг кўп сонли тўраларча аппаратини вужудга келтирмаган ҳолда биз ялпи ички маҳсулотнинг бир қисмини аҳолининг ўз қарори асосида ҳақиқатан ҳам муҳтож кишилар фойдасига қайта тақсимлаб беряпмиз.

Энг муҳими, моддий ёрдам кўрсатишнинг бу усули шундай оила аъзоларининг қадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик имконини берди.

Муҳтож оилаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун ўзини ўзи бошқариш органларига тайинли ресурслар ажратиб бериш мақсадида маҳаллаларда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек корхона ва ташкилотларнинг, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил қилинди. 1994 йилнинг тўртинчи чорагидагина шу мақсадлар учун давлат бюджетидан 360 миллион сўм ажратилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда халқ анъаналари, ўзимиз ишлаб чиққан илк тамойилларга таяниб, 1994 йилдан эътиборан аҳолининг аниқ тоифаларини ижтимоий ҳимоялашнинг ноёб тизими амалга оширила бошлади. Бу иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг муҳим якунларидан биридир.

Собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида ходимлар мулкдан, ишлаб чиқариш воситалари ва ўз меҳнати натижаларидан маҳрум бўлган бир пайтда одамларнинг кўпчилиги ўз ғайрат-шижоати ва ижодий имкониятларини тўла-тўқис рўёбга чиқариб, самарали меҳнат қилишдан манфаатдор бўладиган ва унумли ишлашга қизиқадиган тизим яратишга эришилмаган эди.

Ҳозир республикамизда рўй бераётган иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар инсоннинг турмушга, меҳнат фаолиятига бўлган рағбатини тубдан ўзгартирмоқда. Ҳозирги вақтда аҳолининг энг фаол табақалари шаклланмоқда, уларнинг иқтисодий манфаатлари мол-мулк эгалари ёки шериклари бўлишга интилиш, фойдадан улуш олиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда шахсан қатнашиш, ўзи жамғарган сармоядан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш имконияти

билан бевосита боғлиқдир. Инсон ўзини хўжайин деб ҳис этиши уни меҳнатга рағбатлантирадиган асосий омил бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда меҳнат фаолиятига қизиқишнинг ижобий шакллари ривожланиб, аҳолининг ғайратшижоати ва иқтисодий фаоллиги ошиб бораётганлиги иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятига умид туғдирмоқда. Меҳнат қилишга рағбатлантирадиган омилларнинг янги тизими шаклланиб, бу нарса одамларнинг иқтисодий майлида ўз ифодасини топмоқда. Моддий манфаатлари давлатга қарашли бўлмаган корхоналарда меҳнат қилиш ёки ўз корхонасини очиш истаги билан боғлиқ бўлган фуқаролар сони кўпайиб бормоқда.

Мулкчилик шакллари ўзгартирилиб, кўп укладли иқтисодиёт шаклланиб бориши билан бирга омма онгининг ҳолатида, меҳнат соҳасидаги қадриятлар ва йўналишларда аста-секин ўзгаришлар рўй бермоқда. Меҳнатга рағбатлантирадиган омиллар ва воситаларнинг янги тузилмаси пайдо бўлмоқда.

Одамларнинг онгида кескин бурилиш рўй бериб, аҳолининг тобора кўпроқ табақалари иқтисодий ислохотларни ўтказиш, бозор муносабатларига ўтиш — иқтисодий тангликдан қутулишнинг, қудратли, мустақил давлат қуришнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлигини тушуна бошлади.

Бозор муносабатлари вужудга келаётган даврда маориф, соғлиқни сақлаш ҳамда маданият ва санъат соҳалари алоҳида қўллаб-қувватлашга муҳтождир, чунки жамиятдаги маънавий, ахлоқий муҳит, одамларнинг руҳий ва жисмоний ҳолати шу соҳаларнинг нақадар ривожланганлигига боғлиқ бўлади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида биринчи босқичда кўрилган чора-тадбирлар иқтисодий муносабатларнинг янги андозасига ўтиш йўлидаги қийинчиликларни бирмунча юмшатди, жадал ўзга-

риб бораётган иқтисодий вазиятга, янги турмуш шароитлари ва андозаларига тезроқ кўникиш заруратидан келиб чиққан руҳий изтиробни тарқатиб юборишга кўмаклашди.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичига ўтишда аввалги босқичдан чиқарган сабоқлар ва бой ҳаёт тажрибаси эътиборга олиниши лозим. Асосий сабоқ шундан иборатки, ижтимоий ҳимоя мезонлари ва воситаларини танлашда ижтимоий адолат тамойиллари, ижтимоий кўмаклашувда аҳолининг аниқ табақаларини мўлжаллаб иш тутиш, шу мададнинг имкони борича кўпроқ самарали бўлишига эришиш чоралари тўла-тўқис ҳисобга олиниши лозим. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари миллий анъаналар ва урф-одатларга таянган ҳолда бошқа ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга доир муаммолар билан узвий равишда боғлаб ҳал этилиши керак.

Давлат аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўз кучи ва мулкни гаровга қўйиб, оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи ва шунга қодир бўлган бошқа барча кишилар учун тенг шароит ҳамда қулай муҳит яратиш йўли билан ижтимоий барқарорлик ва жамиятдаги иноқликнинг кафили бўлмоғи лозим.

1.9. ХАЛҚНИНГ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ТИКЛАНИШИ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ НЕГИЗИДИР

Маънавий соҳада ўз ифодасини топган аниқ-равшан ютуқларни, шубҳасиз, жамиятни янгилаш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёни илк босқичининг жуда катта муваффақияти деб ҳисобламоқ керак. Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш

йўлидан муваффақиятли равишда олға сиқжотишда ҳал қилувчи, таъбир жонз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир.

Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва маънавияти қадриятларини ўзлаштириш ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгилиниш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади.

Ҳозир биз демократик адолатпарвар жамият, қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат қуриш учун яшаётган ва меҳнат қилаётган бир даврда бозор муносабатларига қандай маънавий-руҳий асосда ўтаётганлигимизга бефарқ қарай олмаймиз. *Собик социалистик мамлакатлар учун бу нарса айниқса муҳимдир.* Уларда бир неча ўн йилликлар даврида сохта ижтимоий тенглик, жамоа руҳияти ва тафаккури қондалари мафкуравий воситалар билан сингдириб келинган эди. Бозор муносабатларининг қонунлари ва меъёрлари эса анча қатъий ва талабчандир. Кўпчиликнинг фаровонлиги аввало уларнинг ўзига, уларнинг янги шароит ва янги муносабатларга қанчалик тайёрлигига боғлиқ. Ҳар бир кишининг тақдири кўп жиҳатдан унинг касб маҳорати, маънавий эътиқоди, жўшқин ўзгариб бораётган янги муҳитга мослаша билиш қобилияти билан белгиланади.

Бозор муносабатларига ўтиш — ҳаётини етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиққа ёки кўнглига келган ишни қилаверишга берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли биз маънавий-руҳий тикланиш ва покланиш муаммоларига алоҳида аҳамият бераймиз. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавий негизида, юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик негизларида барно этилиши мумкин. Акс ҳолда бошбошдоқлик ва тартибсизлик ҳукм суради. Афсуски, собиқ Иттифоқнинг бир қанча минтақаларида мана шундай ҳолат рўй берди. Уларда жиноятлар, порахўрлик ва одамларнинг маънавий таназзулга юз тутиши, руҳий инқироз билан қоришиб кетган сохта бозор вужудга келмоқда. Бундай ҳолатга асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу масалада “капиталнинг дастлабки жамғарилиши” деб аталган классик назария талаблари шунини тақозо этади, деган важларни рўқач қилиш мутлақо мумкин эмас.

Биз бу иллатларни деб мустақиллик ва суверенитетга интилган эмасмиз. Мава шуларни деб туб ислохотлар йўлига кирган эмасмиз.

Хўш, ислохотларнинг биринчи босқичида бошдан кечирилган ва қилинган ишлардан қандай муҳим ва зарур маънавий сабоқлар олдик?

Биринчидан, биз танлаб олган ўз янгилиниш ва тараққиёт йўлимиз ҳамда андозамиз тўғрилигини ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлади, ислохотларни амалга ошириш соҳасидаги чора-тадбирларимиз одамларнинг манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигини исботлади.

Иккинчидан, давлат мустақиллиги ва унинг иқтисодиёти ғойибдан келмай, унга эришиш учун халқнинг тинчлиги, осойишталиги ва бирдамлиги зарур, бир ёқадан бош чиқариб, ташаббус билан меҳнат

қилиши зарур. Тинчлик, барқарорлик, миллий аҳиллик, қайси миллатга мансублигидан, насл-насаби ва динидан қатъи назар, барча кишилар қалбини диёримиз билан фахрланиш туйғуларига тўлдирмоқда.

Учинчидан, ижтимоий бозор иқтисодиёти шарқона, исломий турмуш фалсафасининг юксак ғойларига, халқимизнинг тарихий тажрибаси ва ақл-заковатига мос бўлиб тушмоқда.

Тўртинчидан, халқимиз ўз тақдирининг ҳақиқий соҳибидир, унинг донолиги ва аҳиллиги — барқарорлик ва яхшиликка элтувчи ўзгаришларнинг кафолатидир.

Бешинчидан, биз учун энг муҳими шуки, одамларнинг дунёқарашида сифат ўзгаришлари рўй бермоқда, бу ўзгаришлар ҳозирги замон воқелиги талабларига монанд келади, кадриятларга муносабат, ҳаётий мақсадлар ўзгармоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси ислоҳотлар биринчи босқичининг алоҳида ажралиб турадиган белгисидир.

Олтинчидан, жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланганлиги туфайли халқимизнинг, миллатимизнинг маънавияти, ахлоқи ва маданияти соҳаларида кенг имкониятлар юзага келмоқда, халқ руҳиятининг бениҳоя мустаҳкамлиги исботланмоқда.

Ўзбекистон халқларининг бой маънавий маданиятига, унинг ноёб тарихий ўтмишига, бебаҳо фалсафий ва маънавий меросига таяниб, турли маданиятларнинг баҳамжиҳатлиги, алоқаси ва бир-биридан ўзаро баҳраманд бўлиши имкониятларини очдик.

Бағри кенглик ва аънаналар — цивилизациялашган бозор муносабатларини бунёд этиш, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш, умуман фан-техника тараққиётини равнақ топтириш жараёнини энг мақбул йўлга сола оладиган омилларнинг таркибий қисмларидир. Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимининг моҳияти ва хусусиятлари ана шулардан иборат.

Биз ислоҳотларга киришганимизда асос қилиб олган қонданинг тўғрилиги ҳозир роят ишонарли тарзда тасдиқланди. Бозор муносабатларига ўтиш пайтида объектив шароитни — халқнинг турмуш тарзи, аҳвол-руҳияси, анъаналари, маданиятини эътиборга олмасдан бўлмайди.

Халқимизнинг руҳияти — иқтисодиёт, давлат ва жамиятни бозор муносабатлари асосида қайта қуришнинг энг муҳим таянчидир. Маънавий мустақиллик ва ўзига беклик, эзгулик, қалб саҳийлиги ва бағри кенглик халқимизга хос хусусиятдир. Бу гўзал фазилатлар янги иқтисодий ва турмуш шароитларида синовдан ўтди. Халқимизнинг энг яхши хислатлари, ўз ерига, юртига меҳр-муҳаббати, ватанпарварлиги маънавий бирликни мустаҳкамлайди.

Она заминимиз — бойлигимизнинг, мустақиллигимизнинг ва гўзал келажакка ишончимизнинг асосий манбаидир. Буюк аجدодларимизнинг руҳи нурафшон қилиб турган, бизга илҳом бераётган ва эгнимизни бут, қорнимизни тўқ қилаётган шу муқаддас заминга муҳаббат бамисоли битмас-туганмас чашмадек ҳайнаб турибди. Инсон бутун вужуди билан шу юртга таъзим қилади. Шодиёна дамларда, мусибатли онларда ҳам биз ундан мадад оламиз, у бизга янгидан куч беради, янги умидлар бағишлайди. Улкан маданий мерос маскани бўлган заминимизда кўпдан-кўп мустақил цивилизациялар ўз қадриятларини авлоддан авлодга ўтказиб, замонларнинг чамбарчас алоқасини, маънавий ва маданий қадриятлар давомийлигини вужудга келтиради.

Ҳатто ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг ҳозирги замон имконияти даражасида ҳам бу диёр ҳаммани, ҳозиргидан кўра икки-уч ҳисса кўпроқ кишини боқа олади. Буни турли миллат ва этниконга мансуб барча кишилар тушуниб олдилар. Бунинг учун тинчлик ва барқарорлик керак.

Биз, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари — Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳияси азиздир. Улар маънавиятнинг энг муҳим тимсоллари ҳамдир. Улар она-Ватан — Ўзбекистон Республикасига ифтихор ва чексиз ҳурмат туйғусини тарбиялайди. Бизнинг байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қатнашувчи бошқа мамлакатларнинг байроқлари қаторида мағрур ҳилпираб, ташқи муносабатларда тенг ҳуқуқлик ва очикликнинг рамзи бўлиб турибди.

Давлат мукофотлари, орденлар ва медаллар, фахрий унвонлар таъсис этилганлиги жуда катта ахлоқий, тарбиявий аҳамиятга эгадир. Мустақиллик кашшофлари, Ватан йўлида жасорат кўрсатган фуқаролар шу мукофотларга сазовор бўлишди. Ўзбекистонда одамлар жипслиги, мустаҳкам тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг асосий сабаби ватанпарварликдир.

Шу юксак туйғуни эҳтиёт қилиб асраш ва янада ривожлантириш, фарзандларимизни эркин ва демократик Ўзбекистонга муносиб кишилар қилиб тарбиялаш маънавият соҳасидаги ишимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолмоғи лозим.

Халқ жамиятдаги барқарорликнинг оила ва маҳалла каби ишончли анъанавий воситалари соҳибидир. Айни оила ва маҳалла руҳиятимиз мустаҳкамлигининг таянчидир. Оила ва маҳалла ҳозирги ўтиш давридаги кўнгина муаммоларни ҳал этишда, азалий яхши одатлар билан фойдали янгиликларни бирга қўшишда аҳолига ёрдам бермоқда.

Пок ва софдил шахсни тарбиялашда, она тилини қайта тиклашда ҳеч ким ва ҳеч нарса оила билан тенглаша олмайди. Биз халқнинг, айниқса ёшларнинг маънавий-руҳий жиҳатдан қайта қад ростлашининг жўшқин ўчоғи бўлган энг олижаноб маънодаги маҳалла, кўни-қўшничилик, ўзаро ёрдамлашув-

нинг аҳамиятини кўпроқ қадрлай бошладик. Республика “Маҳалла” жамғармасининг яхши ва гўзал халқ байрамларини, анъаналар ва урф-одатларни, маданиятни қайта тиклаш, энг муҳтож оилаларга амалий ёрдам бериш, ёшларни инсонпарварлик ва саховат руҳида тарбиялаш соҳасидаги фаолияти Ўзбекистон аҳолиси ва жамоатчилиги томонидан жуда кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда.

Аҳоли кенг табақаларининг саховати, дилдан чиқариб қилинадиган хайр-эҳсони ёлғиз ва ночор қарияларга, ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлган кўп болали оилаларга, ногиронларга, ўқувчилар ва талабаларга ёрдам бўлди ва бундан буён ҳам ёрдам бўлаверади. Гўзаллик байрами — “Наврўз” Ўзбекистоннинг бутун аҳолисига шодлик ва қувонч улашмоқда. Биз Иккинчи жаҳон урушида фашизмга ва нацизмга қарши курашганларнинг муқаддас хотирасини ардоқлаб келяпмиз. Ғалаба байрамига зўр эътиқод билан қараяпмиз. Ватан бахт-саодати йўлидаги жангларда фидокорлик кўрсатган ва меҳнат қилган фахрийларга ҳурмату эҳтиром кўрсатаяпмиз. Ота-оналар, кексаларга чуқур эҳтиром билан таъзим бажо этамиз.

Умумбашарий ва миллатлараро дўстлик кун сайин мустаҳкамланмоқда. Биз давлат миқёсида ўтказётган тadbирлар, буюк олимлар, саркардалар, шоир ва ёзувчиларнинг хотира кунлари байрами умумхалқ шодиёнасига айланиб кетмоқда, одамларнинг кайфиятини кўтармоқда, улар манфаатларини давлат манфаатларига яқинлаштирмоқда. Бизнинг мақсадимиз битта — Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи барча миллатлар ва динларга мансуб кишиларнинг тинчлиги ва равнақини таъминлашдир.

Ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат фондларининг ёш авлод, болалар ва оналар соғлиғини мустаҳкамлаш, кенг маънодаги она-табиат ва экологияни мусоффо сақлаш соҳасидаги фойдали ва йирик

ташабуслари юксак маънавиятнинг ёрқин нишонлари бўлди.

Ёш авлоднинг инсоният даҳолари бўлган буюк аждодларимизга муносиб бўлиш йўлида тобора кучайиб бораётган интилишини ҳам янгиланишнинг салмоқли якуни сифатида алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Давлат ва жамиятнинг ёш авлод жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлишига эътибори ошганлиги ислоҳотларнинг шарофатидир.

Ўзбекистон аҳолиси ўзининг ислоҳотчи давлатига зўр ишонч билан қарамоқда. Бизда ислоҳотларнинг ҳар бир янги қадами, ҳар бир янги қонун лойиҳаси ва ҳукумат қарори инсонийлик, одамларга фойдалилик нуқтаи назаридан идрок этилмоқда. Тараққиёт учун одатий бўлмаса ҳам зарурий бўлган нарсаларга республикамиз аҳолиси ишонч билан, онгли равишда ёндашмоқда.

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш билан халқнинг маънавияти ва руҳиятини янгиланишнинг бирлиги қондаси ўзининг ҳаётийлигини тўла-тўқис исботлади. Биз Шарқ цивилизацияси ва маданиятига мансублигимиз билан фахрланамиз. Шарқ цивилизацияси ва маданияти эса доимо халқни бўлғуси ўзгаришларга маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёрлашга интилиб келган.

Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлиши мумкин. Халқимиз ўтиш даврининг қийинчиликларини муносиб равишда удаламоқда. Ўзбекистон аҳолиси, барча фуқароларининг битмас-туганмас маънавий ва ахлоқий улуғворлигини бутун дунё кўриб турибди. Шунинг учун ҳам хорижликлар бизга тенглик назари билан қараб ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти эзгу маънавий мақсадларни кўзлайдими? Ҳозир мана шу муҳим масалага тўла

асос билан ижобий жавоб берса бўлади. Тобора кўпроқ кишиларимиз фойдали тадбиркорлик соҳасида ташаббус, омилкорлик, маҳорат кўрсатмоқдалар. Тобора кўпроқ ёшлар мусобақа ва рақобатга асосланган эркин меҳнатда муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган иқтисодий билимларни ва ишлаб чиқариш маҳоратини эгаллаб олишга интиломоқдалар. Мамлакатимиз тадбиркорлари фойда олишга интилибгина қолмай, айни вақтда халқаро иқтисодий алоқаларда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада баланд кўтаришга ҳам ҳаракат қилмоқдалар.

Мулкдорлик ҳуқуқи ва тадбиркорлик туйғуси мамлакат аҳолиси орасида тобора кенг ва чуқур ёйилмоқда, одамлар руҳияти ва феъл-атворида катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Тайёрга айёрлик ва ялқовлик майллари дарров бўлмаса-да, баъзан қийинчилик билан бўлса-да, барҳам топмоқда. Ўқимишлилик тушунчаси янги маъно касб этмоқда.

Иқтисодий жиҳатдан эркин меҳнатни тиклаш турмушимизда аста-секин қайтадан қарор топаётган ахлоқий ҳолатдир. Аввало, ишбилармонлар, ўз истеводиди билан тобора кадр-қиммати ошиб бораётган кишилар бу ҳолатни қайта тикламоқдалар. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида ўғирлик, порахўрлик, муттаҳамлик ва бошқа ғайриахлоқий кирдикорлар билан боғлиқ бўлган турли муаммолар келиб чиқиши мумкинлиги равшан. Аммо бу иллатлар айрим кишиларнинг маънавий қашшоқлиги, жамият тақдирига бефарқлиги оқибатидир.

Биз ўзбек тилининг халқ ва давлат турмушидаги асосий аҳамияти ва ўрнини қайта тикладик, аммо Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллатларнинг тилларига ҳам ҳурмат билан қараймиз. Шу тариқа миллатнинг кадр-қиммати, мустақил давлатимизнинг кадр-қиммати қайта тикланди ва мустаҳкамланди. Ақборот технологиялари асри бўлиб қола-

Хуқуқ ва иқтисодиёт барча учун тенг имкониятлар яратмоқда. Инсонийлик, яхшилик, меҳр-шафқатли ва ўзаро муносабатларда сабр-тоқатли бўлиш, азалдан ҳаммага маълум “ўзбекчилик” — ўзбекларнинг бир-бирларига ҳурматда бўлиши ва ҳамдардлиги эса инсонийлик ҳамда ишонч муҳитини вужудга келтирмоқда.

Умумбашарий қадриятларга интилиш билан бир қаторда, ҳаётимизда шарқ фалсафаси муносиб ўрин эгалламоқда. Биз мусулмончиликнинг улуғ маданий қадриятлари ҳуқуқини қайта тикладик. Бинобарин, қалбимиз бу бебаҳо хазинани чуқурроқ идрок қила боргани сайин, халқнинг ҳаёти маънавий жиҳатдан бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан покизароқ бўла боради.

Ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом динининг инсон ва унинг оиласи ҳаётидаги, адаб-ахлоқ ва хайр-саховат ишидаги аҳамиятини юқори кўтариш давлатимизнинг дунёвий йўлдан ривожланиши ҳамда виждон эркинлиги билан уйғун тарзда қўшилиб кетмоқда.

Ўзбекистонда бутун жамият давлат мустақиллиги ва иқтисодий раванққа эришишнинг олий мақсадлари теварагида маҳкам жипслапти. Бизда инсон манфаатларига хизмат қилувчи тинчлик ва тотувлик, барқарорлик ва яратувчилик ҳукм сурмоқда. Аҳолининг маънавий ва маданий талаблари, билим олишга, иқтисодиёт асосларини тушуниб етишга бўлган эҳтиёжи бениҳоя ошди. Халқ ўзининг маънавий эркинлигини, эътиқоди ва гурурини ҳимоя қила олди, порлоқ келажак йўлида янада улкан ишлар қилишга қодир бўлиб қолди.

Яратувчиликнинг биринчи босқичи давомида бир қанча истиқболли шарт-шароитлар вужудга келтирилдики, улар ислоҳотларнинг янги босқичида мазмун жиҳатдан ўзини янада кўпроқ намоён қилмоғи

лозим бўлади. Ҳозир таркиб топаётган умумхалқ миллий мустақиллик мафкурасини шундай кенг кўламли ҳодисалар жумласига киритмоқ лозим. Ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси даражасига кўтарилмаслиги керак — биз ўзимиз учун шундай хулоса чиқариб олдик.

Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилиш-ни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим. У давлат фуқароларининг буюк мақсад йўлида маънавий яқинлашувига кўмаклашмоғи керак.

Янги мафкуранинг асл маъноси эскича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир.

Жамият ислоҳотларнинг биринчи босқичидан цивилизациялашган, инсон сари йўналтирилган бозор иқтисодиётини маънавият, ахлоқийлик ва маданиятнинг мустаҳкам пойдеворига қуриш зарур деган хулоса чиқарди. Булар — Ўзбекистонда тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг ҳаётбахш манбаларидир. Улар энг катта бойлигимиз ҳисобланади. Биз уларни асраб-авайлаш, кўпайтириш, ана шу маънавий хазинадан мумкин қадар кўпроқ одамларни баҳраманд этиш нечоғли муҳим эканлигини яхши англаб етдик.

Файласуфлардан бири, маънавият — инсонийликка олиб борадиган йўлдир, деган экан. Бинобарин, мустақил Ўзбекистон бугунги кунда ўз келажакига худди шу йўлдан, эзгулик ва инсонийлик йўлидан одим таппамоқда.

1.10. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ — ИСЛОҲОТЛАР БИРИНЧИ БОСҚИЧИНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ЯКУНИ

Ислоҳотлар йўлининг изчиллик билан амалга оширилиши иқтисодиётни қайта қуриш, уни эркинлаштириш ва жаҳон ҳамжамияти учун очиш соҳасида сезиларли натижалар берди. Хўжалик юритишнинг бозор механизмига ўтиш учун чинакам шарт-шароит яратилди.

Ислоҳотлар йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб ва босқичма-босқич илгарилаб бориш кўп укладли иқтисодиёт негизларини, бозор инфраструктураси ҳамда валюта бозорини, шунингдек ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг бошқа энг муҳим жиҳатларини таркиб топтириш имконини берди. Бу эса, шак-шубҳасиз, ислоҳотлар биринчи босқичининг энг муҳим якунидир. Бироқ бугина эмас.

Ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи мақсадларини белгилаш чоғида иқтисодий тангликка барҳам бериш, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш вазифалари устувор йўналишлар жумласига киритилган эди. Биз бугунги кунда бу вазифа умуман муваффақиятли ҳал этилди, деб айтишга ҳақлимиз. Иқтисодиётдаги кучайиб бораётган пасайишни, етакчи, таркибий жиҳатдан ҳал қилувчи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишини тўхтатиб қолишга эришилди. Бюджетни ва пул муомаласини барқарорлаштиришга, пулнинг қадрсизланиши даражасини анча қисқартириш, аҳоли турмуш даражаси кескин пасайишининг олдини олишга муваффақ бўлинди.

Шуни рўй-рост айтиш керак — мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистоннинг, республика аҳолисининг зиммасига 1991 йил охирилари ва 1992 йилда

оғир ва жиддий синовлар тушди. Биз сиёсий ва давлат етуклиги, ўз тақдиримизни ўзимиз мустақил равишда ҳал қилиш қобилиятига эгалгимиз, ўз мустақиллигимизни, ўз озодлигимизни ҳимоя қила олиш лаёқатига эгалгимиз бўйича имтиҳондан ўтдик.

СССР парчаланиб кетиши, анъанавий хўжалик алоқаларининг бузилиши билан республика молиявий ва стратегик жиҳатдан муҳим хом ашё ресурсларининг ниҳоятда тақчиллиги исканжасида қолди. Бошқа минтақалар ва мамлакатлардан маҳсулот етказиб берилишига боғланиб қолган йирик корхоналаримиз тўхтаб қолиш арафасида турарди. Аҳолининг моддий аҳволи энг паст даражадалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонларнинг энг муҳим турларини четдан олиб келишга ортиқ даражада боғлиқ бўлиб қолинганлиги, структуравий ва нарх белгилаш соҳаларида чуқур номутаносибликларнинг мавжудлиги аҳволни яна ҳам мушкуллаштирганди.

Биз иқтисодий ислохотлар ўтказиш соҳасида ўз стратегиямизни ишлаб чиқиб, уни амалга оширишга киришар эканмиз, Ўзбекистон дастлабки босқичда ҳам, Россия, Украина, Белорусга нисбатан ғоятда ноқулай шароитда эканлигини холисона баҳолай олдик. Болтиқ бўйи мамлакатлари ҳақида эса гапирмаса ҳам бўларди. Аммо бундай аҳвол бизнинг иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга бўлган ишончимизни сўндира олмади. Аксинча, бутун куч-гайратимизни ва ички резервларимизни сафарбар қилишимизни талаб этди, ўткир ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг энг қулай йўллари излашга мажбур қилди.

Эндиликда ҳар бир мамлакат ўзи ишлаб чиққан ислохотлар стратегиясининг, уни амалга ошириш тамойилларининг тўғрилигини, ислохотларни амалга ошириш қандай бораётганини баҳолашига имкон берадиган старлича вақт ўтди.

1.10. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ — ИСЛОҲОТЛАР БИРИНЧИ БОСҚИЧИНІНГ ЭНГ АСОСИЙ ЯКУНИ

Ислоҳотлар йўлининг изчиллик билан амалга оширилиши иқтисодиётни қайта қуриш, уни эркинлаштириш ва жаҳон ҳамжамияти учун очиш соҳасида сезиларли натижалар берди. Хўжалик юритишнинг бозор механизмига ўтиш учун чинакам шарт-шароит яратилди.

Ислоҳотлар йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб ва босқичма-босқич илгарилаб бориш кўп укладли иқтисодиёт негизларини, бозор инфраструктураси ҳамда валюта бозорини, шунингдек ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг бошқа энг муҳим жиҳатларини таркиб топтириш имконини берди. Бу эса, шак-шубҳасиз, ислоҳотлар биринчи босқичининг энг муҳим якунидир. Бироқ бугина эмас.

Ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи мақсадларини белгилаш чоғида иқтисодий тангликка барҳам бериш, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш вазифалари устувор йўналишлар жумласига киритилган эди. Биз бугунги кунда бу вазифа умуман муваффақиятли ҳал этилди, деб айтишга ҳақлимиз. Иқтисодиётдаги кучайиб бораётган пасайишни, етакчи, таркибий жиҳатдан ҳал қилувчи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишини тўхтатиб қолишга эришилди. Бюджетни ва пул муомаласини барқарорлаштиришга, пулнинг қадрсизланиши даражасини анча қисқартириш, аҳоли турмуш даражаси кескин пасайишининг олдини олишга муваффақ бўлинди.

Шуни рўй-рост айтиш керак — мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистоннинг, республика аҳолисининг зиммасига 1991 йил охирилари ва 1992 йилда

оғир ва жиддий синовлар тушди. Биз сиёсий ва давлат етуклиги, ўз тақдиримизни ўзимиз мустақил равишда ҳал қилиш қобилиятига эгалгимиз, ўз мустақиллигимизни, ўз озодлигимизни ҳимоя қила олиш лаёқатига эгалгимиз бўйича имтиҳондан ўтдик.

СССР парчаланиб кетиши, анъанавий хўжалик алоқаларининг бузилиши билан республика молиявий ва стратегик жиҳатдан муҳим хом ашё ресурсларининг ниҳоятда тақчиллиги исканжасида қолди. Бошқа минтақалар ва мамлакатлардан маҳсулот етказиб берилишига боғланиб қолган йирик корхоналаримиз тўхтаб қолиш арафасида турарди. Аҳолининг моддий аҳволи энг паст даражадалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонларнинг энг муҳим турларини четдан олиб келишга ортиқ даражада боғлиқ бўлиб қолинганлиги, структуравий ва нарх белгилаш соҳаларида чуқур номутаносибликларнинг мавжудлиги аҳволни яна ҳам мушкуллаштирганди.

Биз иқтисодий ислохотлар ўтказиш соҳасида ўз стратегиямизни ишлаб чиқиб, уни амалга оширишга киришар эканмиз, Ўзбекистон дастлабки босқичда ҳам, Россия, Украина, Белорусга нисбатан ғоятда ноқулай шароитда эканлигини ҳолисона баҳолай олдик. Болтиқ бўйи мамлакатлари ҳақида эса гапирмаса ҳам бўларди. Аммо бундай аҳвол бизнинг иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга бўлган ишончимизни сўндира олмади. Аксинча, бутун куч-ғайратимизни ва ички резервларимизни сафарбар қилишимизни талаб этди, ўткир ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг энг қулай йўллари излашга мажбур қилди.

Эндиликда ҳар бир мамлакат ўзи ишлаб чиққан ислохотлар стратегиясининг, уни амалга ошириш тамойилларининг тўғрилигини, ислохотларни амалга ошириш қандай бораётганини баҳолашига имкон берадиган етарлича вақт ўтди.

Бир қарашда бунда кескин тафовутлар бўлиши мумкин эмасдек туюлади. МДХ га кирган барча мамлакатлар бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тамойилларига эга марказлаштирилган режа тизимидан бозор иқтисодиётига олиб борадиган йўлни босиб ўтишлари керак. Барча мамлакатларда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди, тегишли суратда ташкилий тузилмалар вужудга келтирилди, иқтисодий бошқарувнинг бозор муассасалари ташкил қилинди, давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни амалга оширилди. Бироқ ислохотнинг биринчи босқичи натижалари турлича бўлди.

Бунинг сабаби нимада?

Авваламбор ислох қилиш йўлларини, тамойилларини танлашда. МДХ га кирган кўпгина мамлакатлар халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг берган тавсияларига амал қилиб, бозор йўлига ўтиш соҳасидаги ўз иқтисодий сиёсатининг марказига нархларни ва ташқи савдони тезроқ эркинлаштириш масалаларини қўйдилар.

Пулнинг қадрсизланишидан иборат тобора кучайиб бораётган муаммони ҳал қилишни эса амалда анчайин қаттиққўл пул-молия сиёсатини ўтказиш билан боғлиқ деб билдилар. Яъни макроиқтисодий бошқарувнинг соф монетар усулларини ўзларига асосий дастак қилиб олдилар. Бу усуллар яхши маълум — банклараро валюта савдо-сотиғида Марказий банкларнинг валюта ташлашини кучайтириш эвазига бюджетдаги етишмовчиликни камайтириш, кредитга пул чиқаришни қисқартириб, миллий валютанинг амал қилишини барқарорлаштиришдан иборат. Бюджетдаги етишмовчиликни ўзига мақбул даражада сақлаб туриш учун давлат харажатларини тушаётган даромадларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида улар

ни давлат фойдасига жиловлаб туриш сиёсати мунтазам равишда олиб борилади.

Бунда ривожланган мамлакатларда яхши синалган монетар сиёсат усуллари МДХ мамлакатлари иқтисодиётида ҳам улардаги каби натижа беришига умид боғладилар. Бу ўринда ривожланган мамлакатларда монетар сиёсатни етарли даражада самарали қиладиган бозор иқтисодиёти тартиблари ҳали ўзларида амалда йўқлиги эътиборга олинмади.

Шундан келиб чиққан ҳолда пулнинг қадрсизланиши даражасини 1—3 фоизга қадар пасайтириш, бюджетдаги етишмовчиликни кескин қисқартиришни кўзда тутувчи макроиқтисодиётни барқарорлаштиришдан иборат баландпарвоз дастурлар ишлаб чиқилди. Чунончи, Россияда 1994 йил охирига келиб пулнинг қадрсизланиши кескин кучайди ва ойига 16 фоиздан ошди, бюджетдаги етишмовчилик янги ички маҳсулотга нисбатан 13 фоизни ташкил қилди, рублнинг қиймати тез тушиб бормоқда. Қирғизистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, кишиларнинг моддий фаровонлиги ўз валютасини барқарорлаштириш йўлида қурбон қилинди. Айтилганларнинг ҳаммаси қўйилган мақсадларга эришилмаганлигидан яққол далолат бериб турибди.

МДХ га кирган қатор мамлакатларнинг тажрибаси ислоҳ қилишнинг илк босқичида қаттиққўллик билан ўтказилган пул-кредит сиёсати ўз ҳолича фақат биргина самарага олиб келиши — ишлаб чиқариш кескин пасайиб кетиши мумкинлигини кўрсатди.

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайишини, айниқса, саноатнинг асосий тармоқларида бу катта миқдорни ташкил қилишини МДХ мамлакатлари халқ хўжалигидаги тангликнинг умумий, бизнинг назаримизда, энг хатарли кўриниши дейиш мумкин. Чунончи, Россияда сўнгги уч йил мобайнида янги

ички маҳсулот 39 фоизга қисқарган. Украинада — 40, Қозоғистонда — 43, Қирғизистонда — 48 фоизга камайган. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми тегишли равишда Россияда — 44, Украинада — 38, Қозоғистонда — 48 ва Қирғизистонда 58 фоиз камайиб кетди. Иқтисодий ўсишнинг негизини ташкил қилувчи фан билан боғлиқ тармоқларда айниқса оғир аҳвол юзага келди. Истеъмол молларини саноат йўли билан ишлаб чиқариш кескин қисқарди. Бу мамлакатларда саноатнинг ёздан чиқиш тенденцияси кўзга ташланмоқда. Қишлоқ хўжалиги, капитал курилиш ҳам жуда тез суръатлар билан пасайиб кетмоқда.

Шундай қилиб, ушбу мамлакатлар аҳолиси турмушини таъминлашнинг моддий, ижтимоий ва маънавий негизларининг бузилиш жараёни сезиларли даражада тезлашди. Улардан кўплари ўзида ҳатто оддий такрор ишлаб чиқаришни ҳам таъминлашга қодир эмас, бу ҳол иқтисодиётнинг амал қилишида умумий самарадорликнинг пасайишига, кўпгина корхоналарнинг тўхтаб қолишига, ишсизликнинг ўсишига сабаб бўлмоқда. Меҳнат омилларигагина эмас, балки одамлар ўртасидаги муносабатларнинг анъанавий тизимига ҳам путур етиб, шакли ўзгармоқда.

Бугунги кунда танглик чуқурлашиб бораётганлигининг кўпгина сабаблари айтилмоқда. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардир.

Биринчидан, ана шу ислоҳотларнинг меъморлари ҳисобланганларнинг ўзлари эътироф этишларича, буларнинг барчаси бозорга ўтишга етарли даражада тайёргарлик кўрилмаганлигининг оқибати, халқаро экспертларнинг тавсиясига учиб, давлат монополиясидаги иқтисодиётда нархлар кўкқисдан ва пухта ўйланмасдан, путурдан кетказадиган даражада эркинлаштирилганлигининг натижасидир.

Бундай эркинлаштириш иқтисодиётни ислоҳ қилишдаги бошқа йўналишлардан — иқтисод тарки

бидаги ўзгаришлардан, институционал қайта тузишлардан, хусусийлаштириш жараёнларидан, энг асосийси эса аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан воситаларидан узилган ҳолда амалга оширилди.

Иккинчидан, макроиқтисодиётда амалга оширилган монетар сиёсат уни кичик доирада амалга оширишнинг айнан бир хил воситаларига эга эмасди. Шу боисдан таклифни кенгайтириш ўрнига, талабни чеклашга кўпроқ эътибор берилди. Натижада, қарзни тўламаслик ҳоллари кўпайди ва ишлаб чиқариш кескин даражада пасайиб кетди. Бунда фақат пулнинг қадрсизланишини камайтириш иқтисодиётни соғломлаштириш аломати бўла олмаслигини назардан қочириб қўйилди.

Учинчидан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пасайиши узоққа чўзилганлиги ва тобора кучайганлигининг бош сабаби, қайта қуриш раҳбарларининг ўзлари эътироф қилишларича, иқтисодий жараёнларга давлатнинг таъсири бўшаштириб юборилганлигида, ҳамма даражаларда ва хўжалик фаолиятининг барча соҳаларида давлат ва меҳнат ингибозининг ҳаддан ташқари паст даражада эканлигидадир.

Тўртинчидан, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш юзасидан амалий тадбирлар қабул қилишга аслида эътибор берилмади. Уларнинг ижтимоий таянчи амалда ислохотлардан узиб қўйилди. Устига-устак, пулнинг қадрсизланишини сунъий тарзда бир даражада ушлаб туришнинг гоҳо инсон ҳуқуқлари бузилишигача олиб борадиган ғайритабiiй усулларидан (иш ҳақи, нафақалар ва бошқа тўловларни узоқ вақт тўламаслик) фойдаланиш муқаррар суратда ижтимоий оқибатларга, ижтимоий портлашларга олиб келиши мумкин.

Ҳамдўстликдаги қатор давлатлардан фарқли равишда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ялпи таъназули, аҳоли турмуш даражасининг кескин пасай-

иши рўй бермади. Биз собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан кейин бошқа минтақаларни чулғаб олган иқтисодий ва сиёсий тартибсизликларни четлаб ўта олдик. Қолаверса, республикада ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, барча ижтимоий кучларнинг амалга оширилаётган йўлни қўллаб-қувватлаш учун жипслашуви мустақам сақланиб турибди.

Бу ўзаро келишилган иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши ҳисобига таъминланмоқдаки, у иқтисодиётни ва жамиятнинг барқарорлигини издан чиқаришга йўл қўймапти, иқтисодиётни бошқаришнинг давлат механизмини сақлаш, мураккаб ўтиш даврида кишиларнинг манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш имконини бераётир.

Танлаб олинган иқтисодий ислохотлар йўлига амал қилиш, бозор муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш механизмини босқичма-босқич, қадам-бақадам сайқаллаб бориш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш макроиқтисодий кўрсаткичлар ёмонлашиб боровининг олдини маълум даражада олиш имконини берди.

Макроиқтисодий барқарорлик соҳасида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишини секинлаштиришга мойиллик кўзга ташланди, айрим кўрсаткичлар бўйича эса ўсишга эришилди. 1994 йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот 96,5 фоизни, ҳосил қилинган миллий даромад эса — 92,6 фоизни ташкил этди.

Ялпи ички маҳсулотнинг камайиши ҳоллари асосан таркибий ўзгаришлар, шунингдек айрим тармоқларда — бинокорлик материаллари саноатида, химия, металлургия саноатида, тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигида, қурилиш ва бошқа тар-

моқлар маҳсулотига нисбатан талабнинг қисқариши туфайли ишлаб чиқаришнинг пасайиши оқибатида содир бўлди.

Ишлаб чиқариш бирмунча пасайганлигини даврий ҳодисалар жумласига киритиш мумкин бўлиб, бу одатда 5 фоиздан 15 фоизгача бўлган миқдорни тапқил қилади ва тузилмаларга уларни издан чиқарадиган даражада жиддий таъсир кўрсатмайди. Аксинча, бундай пасайиш муқаррар, чунки у авваламбор ишлаб чиқариш таркибининг қайта тузилиши, янги хўжалик механизмининг шакллантирилиши билан боғлиқ.

1994 йилда республикада саноат маҳсулоти ҳажми 1993 йилги даражага нисбатан 101 фоизни ташкил қилди. Саноатда муайян ижобий таркибий ўзгаришлар кўзга ташланди. Етакчи асосий тармоқларнинг барқарор ривожланиб бориши ҳисобига республиканинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминловчи, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва аҳоли эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ишлаб чиқаришларнинг салмоғи ортди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида пировард истеъмол маҳсулотларининг улуши 35,2 фоизга қадар ўсди.

Агар собиқ Иттифоқда ҳосил қилинадиган энергия ресурсларининг асосий қисми ўз улушига тўғри келадиган МДХ мамлакатларида кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг доимий пасайиши кузатилган бўлса, масалан, нефть қазиб олиш биргина 1994 йилнинг ўзида Россияда 10 фоиз ва Қозоғистонда 12 фоиз камайган, табиий газ қазиб чиқариш Россияда 2 фоиз, Туркманистонда 45 фоиз пасайган бўлса, Ўзбекистонда уларни қазиб чиқариш муттасил ўсиб бормоқда. Кейинги йиллар мобайнида республикада нефть ва газ конденсати қазиб олиш икки барабар, биргина 1994 йилнинг ўзида 40 фоиз ортди. Табиий газ ишлаб чиқариш эса 1994 йилда 5 фоиз кўпайди.

Авваллари биз четдан тўрт миллион тонна нефть сотиб олардик. Эндиликда уни ўзимизда қазиб олиш ҳисобига четдан харид қилиш ҳажми йилдан-йилга камайиб бормоқда. 1995 йилда у 750 минг тоннани ташкил қилади. Биз келгуси икки-уч йил ичида ғалла мустақиллигига ҳам шу тариқа эришишимиз лозим. Бу фақат иқтисодий вазифагина эмас, балки катта сиёсий вазифа ҳамдир.

Умумиттифоқ бюджетидан маблағ тушиши тўхтаб қолганлигига ва амалда ишлаб чиқариш ҳажми камайганлигига қарамай, биз молиявий аҳволнинг барқарорлигини таъминлай олдик, амалда давлат сарфхаражатларини чеклашга эришиб, республикада давлат бюджетида етишмовчиликнинг ўсишига йўл қўймадик. Бунинг учун қатъий молиявий ва солиқ сиёсати ўтказилди.

Бир неча йилдан буён давлат бюджетидаги етишмовчилик ялли ички маҳсулотнинг 4 фоизидан паст даражада бўлиб келмоқда. Бюджетдан маблағ ажратиш ойма-ой амалга оширилди ва бу фақат тушган маблағлар доирасида бўлди.

Қайта молиявий таъминлаш ставкалари 40 фоиздан 225 фоизга қадар оширилди, банкларнинг резерв маблағлари 10—30 фоизга қадар кўпайтирилди, кредит ва нақд пул эмиссияси кескин камайтирилди.

Ишлаб чиқаришнинг моддий ҳажмлари ўсиб боришига қараб иш ҳақи фондига тартибга солиб боришнинг жорий қилиниши, аҳолининг шахсий ҳисоб рақамлари бўйича депозит ставкаларининг оширилиши пул массаси ортиб боришининг секинлашувига олиб келди. Биргина 1994 йил давомида унинг ўсиши 1,7 баравар камайди.

Пул эмиссиясининг олдини олиш дастури амалга оширилиши натижасида нақд пулларнинг ҳаракатсизлик даражаси 1994 йилнинг биринчи ярмида ўрта ҳисобда 30 фоизни ташкил қилган бўлса, 1995

Йил бошларига келиб 17 фоизга қадар камайди. Шу билан бир вақтда республика ички истеъмол бозорини тўлдириш, етакчи тармоқлар ва корхоналарнинг узлуксиз ишлаши, уларнинг бозор шароитларига тезроқ мослашиши учун кўшимча маблағ ва ресурслар қидириб топилди.

Ислохотларнинг илк босқичи давомидаги умум-иқтисодий вазият нархларни эркинлаштиришнинг кучли таъсири остида кечди. 1994 йил охирига келиб эркин бозор нархларига ўтиш жараёни асосан ниҳоясига етди. Деярли барча турдаги саноат маҳсулотларига, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларига эркин шартнома нархлари белгиланди. 1995 йилда пулнинг пинҳоний қадрсизланишига сабаб бўлиши мумкин бўлган омилларга барҳам берилди.

Пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан чоралар кўрилганлиги 1994 йилнинг иккинчи ярмида пул қадрсизланишининг ўртача ойлик даражасини 31,7 фоиздан 15,1 фоизга қадар камайтириш имконини берди, муомаладаги пулнинг айланиш тезлиги эса уч барабар ошди. Иккинчи ярим йилда пулнинг қадрсизланиш даражаси пасайишига миллий валютанинг муомалага чиқарилганлиги кучли таъсир қилди.

Нархларнинг эркинлаштирилиши шароитида пулнинг қадрсизланиши даражасининг пасайиши ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг яққол ва салмоқли натижаси дейиш мумкин. Пулнинг қадрсизланишига қарши кураш бобида қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш яқин келажақдаги энг муҳим вазифалардан биридир. Агар ҳозирга қадар нархлар бир неча марта оширилганлиги эътиборга олинадиган бўлса, бу вазифа айниқса муҳим эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Муассасалар ва тизимларни қайта тузишнинг асосий ислохотчиси бўлмиш давлатнинг пухта ўйлаб

амалга ошираётган бошқарувчилик сиёсати Ўзбекистонда нисбатан иқтисодий барқарорликка эришишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги кунда МДХдаги кўпгина мамлакатларда бизнинг янгиланиш ва тараққиёт йўлимизни фоятдиққат билан кузатиб бормоқдалар, ислохотларни, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган кучли тадбирлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўтказиш усулини чуқур ўрганмоқдалар. Белорусда ҳам, Украинада ҳам бизнинг ислох қилиш соҳасида орттирган тажрибамиздан кенгроқ фойдаланиш истаги йўқ эмас.

Шу билан бирга босиб ўтилган босқичдан баъзи сабоқлар ҳам чиқардикки, бозор иқтисодиёти сари бундан буён қиладиган ҳаракатимизда уларни ҳисобга олиш зарур.

1. Ўзини ўзи бошқариш шароити ҳали яратилмаган бир вақтда, ташқи иқтисодий алоқалар чекланган бир шароитда, талаб ва тақлифнинг ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг эркин рақобатчилиги таъсири остида иқтисодиётнинг давлат йўли билан бошқарилишидан кенг кўламда воз кечиш нархлар анча ошиб, пулнинг қадрсизланиши кучайишига имкон туғдиради.

2. Ўтиш даврида аҳоли даромадларини давлат йўли билан тартибга солишнинг бирон-бир шаклларида воз кечиш уларнинг иқтисодий шароитларга номувофиқ ҳолда кўпайишига ёрдам беради, даромадларни моллар билан қоплашда номутаносибликни келтириб чиқаради, бундай ҳол пулнинг қадрсизланиш жараёнини, яна ҳам кўпроқ кучайтиради.

3. Қатъий солиқ сиёсати, биринчи гада маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан бундай солиқ сиёсатини ўтказиш давлат бюджетидаги етишмовчиликка барҳам беришни таъминламайди ва шу билан

бир вақтда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг инвестиция борасидаги имкониятларини камайтиради, пулнинг қадрсизланиши жараёнининг давом этиши эса ишлаб чиқарувчиларни ўзлари олган соф маҳсулотнинг каттагина қисмидан истеъмол учун фойдаланишга мажбур этади.

4. Ишлаб чиқариш тузилмалари юқори даражада монополиялашганлигича қолмоқда, рақобатчилик муҳити яратилишига халал бермоқда.

5. Ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатмай ва уларни ривожлантирмай, хорижий шериклар билан ишлаб чиқариш кооперациясига уюшмай туриб, иқтисодиётда барқарорликка эришиб бўлмайди.

6. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини айниқса саноатнинг асосий тармоқларида қўллаб-қувватлаш, бунинг учун ҳам ички, ҳам ташқи инвестиция ресурсларини жалб этиш ниҳоятда муҳим.

Қабул қилинаётган қарорларнинг натижаларини доимий равишда кузатиб бориш ва иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш усулларига йўл-йўлакай тегишли тузатишлар киритиш орқали барча марказий иқтисодий идораларнинг ишини бир-бирига мувофиқлаштириш зарурлиги англаб етилганлиги биринчи босқич берган муҳим сабоқ бўлди.

Иқтисодий барқарорликка эришиш билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари кўрилганлиги республикада барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни таъминлаш имконини берди.

Туб ўзгаришларнинг бошланғич босқичида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат молларини истеъмол қилиш кескин камайишининг, оммавий ишсизлик пайдо бўлишининг олдини олиш-

га, ижтимоий соҳалар — соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва маданият тармоқлари доимий ишлашини таъминлашга муваффақ бўлинди.

Амалда вужудга келган шарт-шароитлардан, этник-психологик андозалардан келиб чиқилган ҳолда қишлоқ аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, улар шахсий томорқа ерларида ҳамда тез кенгайиб бораётган деҳқон (фермер) хўжаликларида иш билан банд бўлишлари учун қулай шарт-шароит яратиб бериш муаммоларига алоҳида эътибор берилди.

Натижада жамиятнинг кескин ижтимоий табақаланишига йўл қўймасликка муваффақ бўлинди, акс ҳолда бу муқаррар равишда жамиятда ижтимоий кескинликнинг ортишига олиб келган ва, бунинг оқибати ўлароқ, Россия, Украина, Белорусдагига ўхшаган сиёсий тангликлар келтириб чиқарган бўлур эди.

Иккинчи томондан, ислохотлар йўлини изчиллик билан амалга ошириш учун ижтимоий шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Ижтимоий қўйлаб-қувватлаш Ўзбекистоннинг мустақиллигини ўрнатиш ва мустақамлаш, миллий ўзлигини англашни тиклаш, тил ва миллий анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш, шу ерда яшаб турган бошқа миллатларга мансуб кишиларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва кафолатларини таъминлаш, жамият маънавиятини ривожлантиришга йўналтирилган сиёсий тadbирлар мажмуи билан биргаликда амалга оширилди.

Кўп миллатли жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланганлиги мустақил Ўзбекистоннинг бунёд бўлиши ва ривожланишининг биринчи, бошланғич босқичида қўлга киритилган энг асосий ютуқ бўлди.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий хусусияти унинг барқарорлигида, турли сиёсий оқимларнинг ижобий тарзда ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишида, синфий, ижтимоий ва диний белгиларига қараб бир-бирига қарама-қарши турган турли сиёсий гуруҳларга бўлинишнинг йўқлигида намоён бўлмоқда. Баъзи бировлар чинакам демократия сиёсий тўқнашувларда туғилади, деб ўйлашади — бу ҳиядаги фикрларни эшитиб, лол қоласан киши. Ҳатто оддий мулоҳазадан ҳам шу нарса равшан: носоғлом онадан соғлом бола туғилмайди.

Республикада жаҳоннинг илғор тажрибасига ҳамда ўз ватанимиз тажрибасига, халқнинг маънавий дунёсига ва умум томонидан тан олинган инсон ҳуқуқларига тўла мувофиқ келадиган ижтимоий-сиёсий тизим барпо қилинмоқда. Биз тоталитар яқка партиявийлик тизимидан, ижтимоий сиёсат давлат монополиясидан бутунлай воз кечдик.

Ислоҳотчи-давлат мамлакат сиёсий ҳаётининг хилма-хил томонларига ёрдам бераётир. Сиёсий қўл партиявийлик йўлидан дастлабки қадамлар қўйилди, бу Асосий Қонун — Конституцияда мустақамланган бўлиб, унинг асосида илк бор олий ҳокимият органи — Олий Мажлиса сайловлар бўлиб ўтди.

Бизнинг жамиятимиз демократик қурилишнинг яна бир мураккаб вазифасини шараф билан уддалади. Ҳуқуқий ва фуқаролик етуклиги, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг янги, янада юқорироқ поронасига кўтарилди.

Яна шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, халқимиз асрлар давомида маҳалла йиғинлари, оқсоқоллар кенгашлари орқали жамоатчилик фикрини аниқлашнинг ҳамда бирдамлик кўрсатишнинг ўзига хос усулларини шакллантириб келган. Маҳалла ҳамда фахрийлар соғлом жамоатчилик фикрига эга бўлишида энг катта куч ҳисобланади. Фуқароларнинг маҳал-

лий ўзини ўзи бошқарувига қонун асосида берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш барқарорликни мустаҳкамлашга, давлат ишларини аҳолининг эҳтиёжлари, кайфиятлари билан мувофиқ ҳолда олиб боришга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида энг муҳим сиёсий сабоқ ўзлаштириб олинди. Бизда иқтисодий жиҳатдан мустақил фуқаролар нечоғли кўп бўлса, қонуний-ҳуқуқий демократия ҳамда етук сиёсий муносабатлар учун шунча мустаҳкам шарт-шароит юзага келади.

Барқарорлик, тинчлик, тотувлик — булар давлатчилигимизнинг янги биноси барпо қилинадиган пойдевордир. Бу бизнинг эртанги порлоқ кунимизга олиб борадиган йўлдир.

Ҳаёт, Ўзбекистон мустақил ривожланиб борган дастлабки йиллар тажрибаси босиб ўтилган йўлдан қуйидаги хулосаларни чиқаришимизга имкон беради:

Биринчидан, жамиятда амалга оширилаётган ўзгаришлар нечоғли теран, мураккаб ва кенг кўламли бўлса, барқарорлик, тинчлик ва унинг аъзолари ўртасида тотувлик шунча мустаҳкам бўлиши керак. Миллий мансублиги, дини, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, барча кишиларнинг бир-бирига қарама-қарши бориши эмас, балки жипслашиши зарур. Яхши кўшничилик ва ўзаро ҳурмат — бизга оталаримиз ва боболаримиздан мерос бўлиб қолган, халқимизнинг миллий руҳи, маънавий дунёсининг моҳиятини ташкил қилувчи ана шу азалий ҳақиқатлар жамиятимиз равақининг асосий негизи ва гаровидир.

Иккинчидан, сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий соҳадаги ҳар қандай, энг катта ўзгаришлар ҳам яратувчилик аҳамиятига эга бўлмоғи лозим. Энг асосийси — олдин ўтган авлодларнинг меҳнати, пешона тери ва қони эвазига вужудга келтирилган барча нарсаларни бузиш эмас, балки сақлай билишдир. Жамият

биносини асосларигача обдон бузиш билан уни обод қилиб бўлмайди.

Учинчидан, сиёсий декларациялар, баланспарвоз гаплар, шиорлар ва фаровон келажак ҳақидаги панду насихатлар эмас, балки бозор муносабатларига йўл очиб берувчи ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш устида кун сайин тер тўкиб ишлаш керак. Қабул қилинган қарорларни изчиллик билан амалга ошира бориш, кишиларнинг турмуш шароитини яхшилаш лозим. Республикамиз миллий ва ижтимоий тараққиёт йўлидан олға бориши учун олдинда турган аниқ вазифаларни амалда ҳал этиш зарур — аҳолининг барча қатламлари, бутун халқ ҳокимият ва бошқарув органларидан шуни кутмоқда ҳамда талаб этмоқда. Бундай ишончни оқлашдан ҳам кўра олий хизмат йўқ. Бундай ишончни пучга чиқаришдан кўра оғирроқ гуноҳ ҳам йўқ.

Ниҳоят, **тўртинчидан,** жамият ва халқни экстремистлардан, сиёсий бузғунчилардан асраб-авайлаш, душманлик ва қарама-қаршилик уруғини сочишга ҳар қандай уринишларнинг пайини қирқиш керак. Биз тинчлик, тотувлик, ўзаро ёрдам орқали ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтамыз.

Тинчлик, хотиржамлик ва тотувлик — булар ҳаёт-бахш чашмалар бўлиб, ҳозирги кунда ҳаёт кечираётганларда, уларнинг фарзандлари ва авлодларида эртанги кунга, порлоқ ва бахтли-саодатли келажакка умид ва ишонч уйғотади. Тинчлик ва барқарорлик — булар халқаро ҳамжамият билан бирлаштирувчи воситадир. Инсонпарварлик, яхшилик, софдилияк сингари умуминсоний қадриятларни қабул қилган ва биргаликда баҳам кўрган мамлакатгина, халқгина бутун дунё халқларига яқин ва тушунарли бўлиши, жаҳон ҳамжамиятига қабул қилиниши мумкин. Фақат улар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилиши мумкин.

Фақат тинчлик ва хотиржамлик шароитидагина жамиятни, бутун иқтисодиётни изчиллик билан, оқилона, босқичма-босқич қайтадан қуриш мумкин.

Ислоҳ қилишнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий томонлари ўзаро боғлиқ бўлиб, бир бутунни ташкил қилиши бизнинг янгиланиш ва тараққиёт йўли-мизнинг энг муҳим ютуғи, биз ишлаб чиққан бозор иқтисодиётига ўтиш моделининг амалда рўёбга чиқишидир. Бинобарин, биз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни мана шу йўлнинг стратегик яқуни деб биламиз.

2-қисм

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИККИНЧИ БОСҚИЧИНING ВАЗИФАЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Биз республикада вужудга келган вазиятга ҳақиқий баҳо берар эканмиз, Ўзбекистон ўз давлатчилик-сиёсий ва иқтисодий қурилишида сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйганлигини алоҳида таъкидлашга ҳақлимиз.

Ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи натижалари шундан яққол далолат бериб турибдики, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи манфаатлари, миллий анъаналари ва маънавиятига мос келадиган сиёсий ва давлат тизимларини вужудга келтириш бобида дастлабки салмоқли қадамлар қўйилди.

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик шароитида янги иқтисодий муносабатларга, энг аввало бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган мулкчилик муносабатларига асос солинди. Иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган, хусусий сектори тобора кучга тўлиб бормоқда ва ўзига берилган ҳуқуқлари ила тобора кўпроқ мустақамланмоқда. Бошқарув таркибида ва ҳўжалик юритиш усулларида туб ўзгаришлар содир бўлди. Улар корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигига эркинлик берди, ташаббускорлик ва омилкорликни ривожлантиришни рағбатлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тангликка, ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш, иқтисодиётдаги таркибий бузилишларни тўғрилаш муаммоларини ҳал этиш соҳасида анча илгарилаб кетди.

Иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар вужудга келтирилди ва миллий валюта — “сўм” муомалага чиқарилди. Молия, солиқ ва пул-кредит тизимлари қатъиян такомиллаштирилди. Пул эмиссиясининг олдини олишни бошқариш ва пулнинг қадрсизланиш даражасини пасайтиришга қаратилган таъсирчан чоралар амалга оширилди. Ижтимоий ёрдам беришнинг қатъиян янги тизими вужудга келтирилиб, у ўтиш даврида аҳолининг, айниқса ижтимоий жиҳатдан яхши ҳимояланмаган қатламлари ва болали оилаларнинг манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилди, ишсизлик кучайишининг олдини олди.

Иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар унинг ўз тараққиётида кейинги, сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошлаши учун мустаҳкам шарт-шароит ҳозирлади.

Биз ўтиш даври давомида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг ғоят кенг қўламлилиги ва теранлиги ислоҳотлар жараёнини босқичма-босқич амалга ошириб бориш зарурлигини белгилаб берганлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган эдик. Биз ишлаб чиққан ислоҳотлар стратегияси — иқтисодиётни бошқа ҳолатга ўтказиш ва бозор муносабатларига ўтишнинг умумий мафкурасидир. Шу билан бирга ҳар бир босқичнинг ўз стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари белгилаб олинади. Иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг тегишли шакл ва усулларини, уни амалга оширишнинг аниқ омиллари ва воситаларини ишлаб чиқишни талаб этувчи ўзига хос аниқ йўл-йўриқлар шакллантирилади.

Бизнинг бозорга ўтиш йўлимизнинг фарқ қилувчи хусусияти ҳам худди ана шунда бўлиб, бунда бир босқич охирига етгач, зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилиши билан тараққиётнинг янги босқичига, янги поғонасига изчиллик билан ўтилади. Ҳар бир босқичнинг муддати муайян чегара билан бел-

гилянмайди, улар мутлақо турлича бўлиши мумкин, аммо ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўламига боғлиқ бўлади.

Ҳозир республика жамиятни ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичига изчил суратда қадам қўйди. Иккинчи босқич — бу қонуниятли ва бизнинг бош стратегиямиздан мантиқан келиб чиқадиган тараққиёт ва янгилашни йўлидан олға томон илгарилаб бориш давридир. Бу жамиятимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ҳамма томонларини ислоҳ қилиш жараёнини кенг қамраб олиш давридир. Бу янада чуқур таркибий ва ташкилий ўзгаришлар, етук бозор муносабатларини ва ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий мулкдорлари қатламини шакллантириш давридир.

Иккинчи босқич бозор тизимларининг шаклланиши тугалланадиган давр бўлиб, солиқ, молия ва пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштиришни, бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни кўзда тутди. У ёш давлатимизнинг иқтисодий тизимини мустаҳкамлашга, иқтисодий мустақилликка эришишга ҳамда миллий валютанинг муомаласи ва ички алмашинуви барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган. Бу шундан кейинги босқичларда инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шунинг негизда иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда жаҳон иқтисодий тизимига кенг миқёсда қўшилиш, унда ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун мустаҳкам негиз яратиладиган даврдир.

Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичи мақсад-муддаоларидан келиб чиққан ҳолда куч-ғайратларимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишимиз керак бўлган асосий вазифалар орасида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқ лозим.

Биринчи ва, эҳтимолки, асосий вазифа давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказишдан иборат.

Бу ишнинг асосий моҳияти мулкларни чинакам мулкдорлар қўлига топширишни тезлаштиришдан, уларнинг эгаларида ҳақиқий хўжайинлик туйғусини шакллантиришдан иборат.

Давлат мулкларини хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, кичик хусусий корхоналар ташкил қилишни рағбатлантириш ҳисобига ижтимоий ишлаб чиқаришда давлатга қарашли бўлмаган секторнинг улушини анча ошириш зарур.

Ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичидаги иккинчи энг муҳим вазифа — ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ҳам корхоналар, тармоқларнинг, ҳам умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришишдан иборат.

Бу эса ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва юксалтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишни, ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришни назарда тутди. *Шу* нарса аниқ-равшан англаб олиш зарур — ўз ишлаб чиқаришимизни тиклаб олмай ва иқтисодиётни юксалтирмай туриб, цивилизациялашган бозор сари амалда илгарилаб бориш, ўз мустақиллигини, суверенитетини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиб қолиш, Ўзбекистоннинг кўп миллионли аҳолиси учун ишончли ижтимоий кафолатларни вужудга келтириш ва муносиб турмуш даражасини таъминлаш мумкин эмас.

Учинчи муҳим вазифа — миллий валюта — сўмни яна ҳам мустаҳкамлашдан иборат.

Иқтисодиёт барқарорлигининг ўзига хос кўрсаткичи, белгиланган ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий мезони бўлган ўз валютамизни

мустаҳкамлаш мамлакатимизда амалга ошириляётган иқтисодий ислоҳотларнинггина эмас, балки ижтимоий ислоҳотларнинг ҳам энг устувор йўналишидир. Қачон миллий валюта кучли ва обрўли бўлса, иқтисодиёт ўшандагина мустаҳкам бўлади.

Унинг конвертациясига, қатъий валюталарга эркин суратда алмаштирилишига бутун чоралар билан эришмоқ лозим. Бунга эса пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан чораларни амалга ошириш, ўзимизда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда ички бозорни шундай моллар билан тўлдириш, корхоналарнинг четга мол чиқаришини кенгайтириш ҳисобига валюта захираларини мустаҳкамлаш йўли билан эришилади.

Тўртинчи стратегик вазифа — иқтисодиётимиз структурасини тубдан ўзгартириш, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобатга бардошлилигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказишдан иборат.

Бунда таркибий ўзгаришларда республика учун энг асосий ҳисобланган тармоқларни, жумладан ёқилғи-энергетика ва ғалла комплексларини ривожлантиришда иқтисодий мустақилликни таъминлаш назарда тутилиши лозим. Шунингдек, бу ўзгаришлар республика иқтисодиёти учун устувор ҳисобланган, бой табиий, минерал-хом ашё, меҳнат ресурсларига асосланган ҳамда истиқболда халқаро ва давлатлараро меҳнат тақсимоотида, жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг мустаҳкам ўрин эгаллашини кафолатловчи ишлаб чиқаришларни илдам суръатлар билан ўстиришга қаратилиши лозим. Иқтисодиёт таркибинини тубдан ўзгартирмай туриб чинакам мустақилликка эришиб бўлмайди.

Жаҳон талаблари даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларнинг рақобатга бардошлилигини ошириш муҳим вазифа ҳисобла-

нади. Бунинг учун корхоналарни замонавий илғор технология, энг янги ускуналар, айниқса кичик ва ўрта корхоналар учун мўлжалланган ихчам ускуналар билан жиҳозлаш талаб қилинади. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида мазкур масалага ғоятда катта аҳамият берилиб, қисқа муддат ичида ички бозорни тўлдириш учун керакли маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган кичик, ихчам технологияларни жорий қилиш концепциясини ва миллий дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги ғояси илгари сурилди. Бундай дастурнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширила бошланиши — иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг устувор вазифасидир.

Биз шуни аниқ-равшан тушуниб олмоғимиз керакки, корхоналарни энг янги технологиялар ва ускуналар билан жиҳозлашга, ходимларнинг малакасини оширишга кўмаклашишга ва миллий ишчи ходимларга эга бўлишга интилангандагина, ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этишнинг замонавий, жаҳон даражасига мос келадиган усуллари жорий этгандагина, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириб ва уни сотиш учун бозор топгандагина давлатимизнинг тараққий этишини таъминлай оламиз, бахт-саодатга эришамиз.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида илгари тугилган йўл давом эттирилиши керак. Бу бизнинг устувор йўналишимиздир. Ислохотлар давомида кишилар ўз меҳнат ва ақлий имкониятларини амалга оширишлари, қилган меҳнатларига муносиб ҳақ олишлари учун Конституцияда кўзда тутилган тенг ижтимоий кафолатлар ва имкониятларни таъминлаш зарур. Ташаббускорлик ва омилкорлик бугун чоралар билан рағбатлантирили-

ши лозим. Ҳақиқатан ёрдамга муҳтож аҳолини аниқлаб, шунга қараб уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ўтиш жараёнини кучайтириш зарур. Бунда айрим кишиларнинг тайёрга айёрлик кайфиятидан тезроқ халос бўлишларида ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга. Айтилганларнинг барчаси пировард натижада одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, уларда бозор муносабатлари руҳиятини шакллантириш зарурлигини назарда тутати.

Бизларнинг ҳаммамиз бир нарсани яхши англаб олмоғимиз керак. Ҳаёт ривожланаверади, вазият ўзгараверади — демак, биз янгича ёндашувларни, ноанъанавий ечимларни излаб топмоғимиз лозим. Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг моҳияти ҳамда талаби ана шундан иборат.

2.1. ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА РАҚОБАТЧИЛИК МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИККИНЧИ БОСҚИЧИНING АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда иккинчи босқичда давлат мулкани хусусийлаштириш ва ижтимоий йўналтирилган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш юзасидан бошланган иш давом эттирилади. Бу иккинчи босқичнинг устувор вазифасидир. Биз давлат мулкани дастлабки хусусийлаштиришни тугаллаш, чинакам мулкдорлар қатламини шакллантириш, уларни ҳақиқий мулк эгаси қилиш, давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳукмрон мавқени эгаллайдиган ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартириш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз.

Айни вақтда хусусийлаштириш жараёнини иқтисодий ислохотларнинг бирдан-бир мақсади деб қарамаслик керак. Хусусийлаштириш бизга тоталитар, давлат тўла ҳукмрон бўлган тизимдан мерос қолган иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги барча иллатларни даволай оладиган бирдан-бир дори эмас. Шу сабабли хусусийлаштириш жараёнининг ўзини мутлақлаштирмаслик, қанча корхона қанча муддат ичида ўзининг мулк шаклини ўзгартирганлигини унинг асосий натижаси деб қарамаслик керак. Бу юзаки, жуда жўн ёндашув бўлур эди.

Иқтисодий муносабатларнинг бутун тизимини тубдан ўзгартирувчи, жуда катта, чинакам ислох қилиш қудратига эга, мураккаб ҳисобланган хусусийлаштириш жараёнини енгил-елпи давлат тасарруфидан чиқариш кампаниясига айлантириш ислохотларни чуқурлаштиришга ёрдам бермайди. Балки, аксинча, хусусий мулкчиликка, шахсий меҳнат ташаббускорлигига асосланган ишлаб чиқаришнинг иқтисодий афзаллиги тўғрисидаги ғоянинг ўзини обрўсизлантиради. Биз бошқа мамлакатлар тажрибасидан жадаллик билан олиб борилган оммавий хусусийлаштириш иқтисодиётни жонлантиришда амалда кутилган натижаларни бермаганлигини кўрсатувчи талай мисолларни биламиз. Устига-устак, у етарли тайёргарлик кўрмасдан ўтказилди. Хусусийлаштирилган даврда корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан механизми вужудга келтирилмади. Оқибатда, иқтисодий танглик чуқурлашиб кетди. Давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналардан кўшлари синиш даражасига келди. Ишсизлар оммаси кўпайди, кишиларнинг мулкий ва ижтимоий табақаланиши кучайди. Бу хилда хусусийлаштириш ишловчи аҳолининг катта қисми орасида ижтимоий таянчга эга бўлолмаганлиги, балки порахўрлик, жиний тил бириктиришлар манбаи бўлиб қолганлиги ажабланарли ҳол эмас.

Биз шу нарсани аниқ-равшан англаб олишимиз керакки, хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳот натижаси бўлмай, унинг йўналишларидан бири, уни амалга оширишнинг энг муҳим йўллариандир. Хусусийлаштириш натижасида камида иккита асосий вазифа ҳал қилиниши керак.

Биринчидан, бизнинг ихтиёримиздаги мулк ўзининг ҳақиқий хўжайинига эга бўлиши керак. Мулкни ҳақиқий хўжайинлари қўлига топшириш, тадбиркорлик фаолияти олиб боришлари учун уларга кенг имкониятлар бериш — ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мазмуни ана шундан иборат.

Шуни таъкидлашни истардимки, бу ерда гап мулкдорни шунчаки алмаштириш — давлатни жамоа, акционер, хусусий мулкдор билан алмаштириш ҳақида бораётгани йўқ. Бу ерда гап мулкни тежаб-тергаб, ишнинг кўзини билган ҳолда тасарруф қила оладиган мулкдорга бериш ҳақида бормоқда. Бу ерда гап ўзига теккан мулкни шамолга совурмасдан ёки шахсий бойлик орттириш манбаига айлантириб юбормасдан, балки ана шу мулкни кўпайтира биладиган, техника билан қайта жиҳозлайдиган ва замон талабларига мувофиқ такомиллаштира оладиган, унинг негизида рақобатга бардошли маҳсулот чиқаришни йўлга қўя оладиган мулкдор ҳақида бораётир. Шунингдек, иш билан банд бўлмаган аҳолини иш ўринлари билан таъминлайдиган, ўзига ҳам, ишловчиларга ҳам, давлатга ҳам даромад келтирадиган ишлаб чиқаришни ташкил қила оладиган мулкдор ҳақида бораётир.

Бунга эса давлат мулки янги мулкдорга текинга берилмасдан, балки унга сотилган тақдирдагина эришиш мумкин. Шу нарса яхши маълумки, текин нарса чинакамига қадрланмайди ҳам, эҳтиёт қилинмайди ҳам. Шу сабабли биз бундан буён ҳам хусусийлаштиришни пул тўлаш асосида, уни бунёд қилишга

илгари сарфланган харажатларни қоплаш асосида ўтказиш тартибини қўлайверамиз. Бунинг учун хусусийлаштиришнинг акциялаш, объектларни танлов бўйича ва ким ошди савдосига қўйиб сотиш каби усулларида кенг фойдаланаверамиз.

Ҳақиқий хўжайин туйғусини ҳис этишнинг афзаллиги нимада ва бу амалда қандай манфаат беради? Авваламбор иқтисодий муносабатларнинг хусусияти тубдан ўзгаради. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга маъмурий-бўйруқбозлик йўли билан мажбур этиш учун зарурат қолмайди. Ҳақиқий ишлаб чиқарувчи эркинликка чиқмоқда, юқоридан бериладиган бўйруқ билан ишлашдан ҳалос бўлмоқда. Хусусий тадбиркорлик билан бошқарувнинг бўйруқбозлик-кўрсатма бериш принципи асло сиғишолмайди. Ишлаб чиқарувчини сифат жиҳатдан янги рағбатлар ва ташаббуслар, ўз фаолияти натижаларини амалда ҳис этиш туйғуси ҳаракатга келтиради, иқтисодий жавобгарлик ҳам кучайтиради.

Ўзини мулкдор, мулк хўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч-ғайратини юзага чиқаради. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қилади. Ҳақиқий хўжайин раҳбарлик қилаётган корxonанинг ривожланиш истиқболлари ҳамиша ёрқин ва аниқ-равшан, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳаммадан кўра юқори, оладиган фойдаси ҳам, ходимларнинг иш ҳақи ҳам анча юқори. Бизда ҳақиқий, мустақил мулкдорлар қанча кўп бўлса, барча кишиларнинг ўз меҳнатлари эвазига юқори иш ҳақи олишларига имкон берадиган иқтисодий шарт-шароитни шунча тез вужудга келтирамиз.

Хусусийлаштириш давомида ҳал қилинадиган **иккинчи муҳим вазифа** — кўп укладли иқтисодиётни

ва рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришдан иборат.

Рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда хусусийлаштиришнинг иштироки турличадир. Энг аввало, бу мулкнинг давлат монополияси эканлигига барҳам бериш ва фаолиятнинг шунга ўхшаш турлари билан шуғулланувчи ёки бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, аммо мулкчиликнинг турли шаклларига — давлат, жамоа, акциядорлик, хусусий ва бошқа шаклларига асосланган кўпдан-кўп корхоналар ташкил қилишдан иборат. Хусусийлаштириш айрим корхоналар ва фаолиятнинг бутун бир соҳаларига нисбатан мавжуд яккаҳокимликни тугатиш, эркин иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш учун шароит яратиш имконини беради. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, хом ашё ва материаллар, сармоя бозори, ўз маҳсулотини сотадиган бозор учун иқтисодий беллашув юзага келади.

Мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар учун қонун йўли билан вужудга келтириладиган тенг иқтисодий шароитлар доирасида ишлаб чиқаришнинг у ёки бу шаклларида афзалликларини ҳодисона баҳолаш имкониятлари пайдо бўлади. Мулкчилик шакллари турлича бўлган корхоналар ўртасидаги рақобатчилик кураши уларни ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ички ташкилий тизимларини такомиллаштиришга, техника билан қайта қурулантиришга, фан ва техника соҳасидаги янги ютуқларни қўллашга мойил бўлишга, кам сарф-харажат қилган ҳолда янада юқори сифатли ва энг арзон нархда маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Пировард натижада бу иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Хусусийлаштириш жараёнида фақат мулкчилик шакллари ўзгарибгина қолмайди. Шу билан бирга,

Энг муҳими, ягона халқ хўжалиги комплексини шароитида таркиб топган тор ихтисослашган тармоқ монополия тузилмаларига ҳам барҳам бериш имконияти туғилади. Шунинг назарда тутиш керакки, хусусийлаштириш чоғида республика бозорида муҳим роль ўйнайдиган айрим ишлаб чиқаришлар ва корхоналарнинг яққаҳоқимлик мавқеи сақланиб қолганда соладиган хавф давлат корхонаси бўлиб қолганида соладиган хавфга нисбатан каттароқ бўлади.

Монополия қилиб олинган, давлатга қарашли бўлмаган корхоналар давлатнинг бевосита назоратидан чиқиб, ўтиш даврида барча ишлаб чиқариш чиқимларини қоплашга ва монополия имкониятидан фойдаланиб, нархларни кўтариш ҳисобига юқори иш ҳақи тўланишини таъминлашга интилмоқдалар. Бу эса пулнинг қадрсизланиши ортиб бориши сабабларидан биридир. Шу босидан монополиялаштирилган тузилмаларни хусусийлаштириш чоғида, технология цикли имкон берган жойларда, ишлаб чиқаришнинг ўзини нисбатан ихчамлаштириш, уни яққаҳоқимликдан чиқариш чораларини кўриш зарур. Ўзгаришга анча мойил, ихчам ишлаб чиқаришлар, одатда, бозор талабларига тезроқ ва яхшироқ мослашади. Уларни қайта қуришга йўналтирилган инвестициялар ва маблағлар анча қисқа муддатда қошлади. Хусусийлаштирилиши чекланган корхоналар сонини қисқартириб, уларни энг кам даражага келтириш зарур. Бунда монополияга қарши бошқарув чораларини кучайтириш, монополия туфайли ортиқча олинган фойдага солиқ солишда ўсиб боровчи ставкаларни жорий қилиш талаб этилади.

Зарур ҳолларда ишлаб чиқариш структурасини диверсификациялаш хусусийлаштиришнинг давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарнинг рақобатга бардошлилигини таъминловчи энг муҳим томони ҳисобланади. Илгари хусусийлаштирилган корхона-

лардан маълум давр давомида аввалги фаолияти соҳасини сақлаб қолишлари талаб қилинар эди. Энди бундай чеклашлар бекор қилинди. Бу эса мулкчилик шаклларини ўзгартириш билан бир вақтда чиқарилаётган маҳсулот таркибини ҳам тубдан ўзгартириш, талаб катта бўлган, ички ва ташқи бозорларда рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун янги имкониятлар очади.

Хусусийлаштирилгандан кейинги даврда корхоналарнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг молиявий имкониятларига баҳо бериш керак. Бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш таркибини қайта қуриш лозим. Бунда корхоналарни техникавий, технологик ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан қайта ўзгартириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни назарда тутиш зарур.

Давлатга қарашли бўлмаган ва янгидан дунёга келаётган тузилмаларни ривожлантиришга фаол ёрдам кўрсатиш ҳам рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришга, бозор муносабатларини янада ривожлантиришга кўмаклашмоғи лозим. Хусусийлаштириш иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторини шакллантиришнинг ягона йўли эмас. Ташаббускорлик тариқасида яқка тартибдаги хусусий мулкчиликка асосланган, шунингдек турли хил кооперативлар, ширкатлар, масъулияти чекланган жамиятлар кўришидаги янги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш — иккинчи қудратли жараён ҳисобланади. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда барча корхоналарнинг ярмидан кўпроғи мана шундай кичик корхоналарнинг улушига тўғри келади.

Бу ҳар бир кишига ўз ишини ташкил қилишда ўзини синаб кўришга, истеъдодини ва бор имкониятларини намоян қилишига имкон берувчи ғоятда муҳим манбадир. Бу манба шарофати билан катта сармоя сарф қилмасдан ҳам жуда кўп миқдорда ишчи

ўринларини вужудга келтириш, шаҳарларда ҳам, шунингдек қишлоқ жойларда ҳам аҳолининг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этиш мумкин. Ихчам технология ускуналари билан жиҳозланган кичик корхоналарни ривожлантириш ҳисобига қисқа муддат ичида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни авж олдириш, бу билан ички бозорни тўлдириш мумкин. Натижада бугунги кунда йирик, иқтисослаштирилган ишлаб чиқариш корхоналари етказиб бера олмайдиган товарларни тайёрлаб, бутун такрор ишлаб чиқариш циклидаги бўш жойларни тўлдириш имкони яратилади.

Шунинг учун ҳам давлат кичик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиши керак. Бунинг учун уларни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини мумкин қадар соддалаштириш, улар учун энг имтиёзли солиқ тизимини вужудга келтириш даркор. Шунингдек уларнинг кредитлар ва моддий ресурслардан фойдаланишлари учун кенг имконият туғдириш, тадбиркорлик ва ташқи иқтисодий фаолият юритишда уларга эркинлик бериш лозим. Давлат тасарруфидан чиққан кичик корхоналар қонун орқали ва давлат ижроия ҳокимиятининг бутун кучи билан қаттиқ ҳимоя қилиниши даркор. Биз иқтисодиётнинг барча соҳаларида кичик бизнесни ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яқлит дастурини ишлаб чиқишимиз ва асосан иккинчи босқичдаёқ амалга ошира бошлашимиз зарур.

Биз кичик бизнесга, хусусий тадбиркорликка нисбатан республикамизни иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантиришни таъминлайдиган омил деб қарамоғимиз лозим.

Айни шу хусусий сектор энг ҳаракатчан, энг тащаббускордир. Агар хусусий секторнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилса, у

иқтисодиётимизни тангликдан олиб чиқишга қодир локомотив бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисмини хусусий, давлатга қарашли бўлмаган сектор берадиган бўлган тақдирдагина иқтисодиёт ҳақиқий эркинлик олди ва ўз келажагига эга бўлди, деб дадил айтиш мумкин бўлади.

Табийки, иқтисодиётнинг давлат корхоналари сақланиб қолиши керак бўлган бошқа соҳалари ҳам мавжуд. Франция, Япония, Италия ҳамда бозор иқтисодиёти ривожланган бошқа мамлакатларнинг тажрибаси давлат сектори бозор шароитида ҳам сезиларли роль ўйнайверишидан далолат беради. Аслини олганда, давлат секторининг роли сезилмайдиган мамлакат йўқ деса бўлади.

Бинобарин, биз хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқар эканмиз, бир томондан, хусусийлаштирилмайдиган корхоналар доирасини аниқ-равшан белгилаб олишимиз, бунда уларни жиддий суратда камайтириш йўлидан боришимиз зарур. Иккинчи томондан, мазкур корхоналар учун уларнинг бозор шароитларига таркибан мослашувига имкон берадиган хўжалик юритиш механизмини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Давлат корхоналари иқтисодий жиҳатдан иложи борича эркин бўлиши зарур. Уларнинг фаолияти эса тижоратлаштирилган бўлиши лозим. Улар мулкчилик шаклига кўра давлат корхоналари бўлиб қолишлари даркор. Айни вақтда, хўжалик юритиш механизми, фойдани тақсимлаш ва моддий раббатлантириш шартларига кўра давлатга қарашли бўлмаган корхоналардан кам фарқ қилишлари керак. Аксинча, республика учун принципиал янги ишлаб чиқариш турларини барпо этиш билан боғлиқ соҳалар учун муайян имтиёзлар берилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу бозорни қайта ўзгартириш соҳасида биз ўтказаетган йўлга асло зид кел-

майди. Қолаверса, у республиканинг иқтисодий ва миллий мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилгандир.

Ишлаб чиқилган, хусусийлаштириш жараёнининг негизини ташкил қилувчи принципиал қоидалардан келиб чиқиб ҳамда орттирилган тажрибани ҳисобга олиб:

— хусусийлаштириш миқёсларини кенгайтириш ҳамда ана шу жараёнга амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларидаги ўрта ва йирик корхоналарни киритиш;

— яккаҳоким ишлаб чиқариш-хўжалик тузилмаларини ихчамлаштириш ва улар учун рақобатли бозор муҳитини яратиш;

— республика аҳолисининг кенг қатламлари, хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда қатнашувини таъминлайдиган хусусийлаштириш механизмини тақомиллаштириш;

— давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар хусусийлаштирилгандан кейинги даврда уларга ҳар томонлама қўлдам кўрсатиш;

— қимматли қоғозлар ва кўчмас мулкнинг росмана бозорини вужудга келтириш республикада давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг асосий мақсадлари саналади.

Танлаб олинган мақсадларга мувофиқ қуйидагилар хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари бўлиши лозим:

Биринчидан, бундан буён ҳам давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шакллариغا ўтказиш махсус ишлаб чиқилган тармоқ ва минтақавий хусусийлаштириш дастури асосида амалга оширилиши керак.

Республикада 1995 йилда салкам 2 мингта объект-ни хусусийлаштиришни таъминлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Шундан тахминан ярми — тармоқ дастурлари бўйича, қолганлари — маҳаллий дастурлар бўйича хусусийлаштирилади. Шу жумладан, бу иш саноат, қурилиш, транспорт ва алоқада, агросаноат комплексида, шунингдек ижтимоий соҳада ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида амалга оширилади.

Иккинчи босқичда саноатнинг асосий тармоқлари: ёқилғи-энергетика, кон саноати, машинасозлик ва пахта қайта ишлаш комплексларида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни кенг тус олади. Чунончи, “Ўзбекнефтгаз” корпорацияси тизимида 1995 йилда 11 объектни, Энергетика вазирлигида — 17, “Ўзмашсаноат” ассоциациясида 22 объектни давлат тасарруфидан чиқариш назарда тутилади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам хусусийлаштириш кенг кўламда амалга оширилади.

Транспорт корхоналарини, шу жумладан автобус ва таксомотор паркларини ҳам, транспорт воситаларини хусусий мулк қилиб сотиш орқали давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни давом этади.

Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент шаҳарларидаги саёҳатчиларга хизмат қилувчи комплексларни тендер асосида сотиш, акциядорлик жамиятлари қилиб қайта ташкил этиш, хорижий шериклар иштирокида корхоналар ташкил қилиш йўли билан уларни хусусийлаштиришга катта эътибор берилди.

Иккинчидан, хусусийлаштириш бўйича барча ишларнинг маркази тармоқ, умумреспублика даражасидан ҳудудий даражага кўчирилади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларининг амалга оширилиши учун ҳудудий идора-

ларнинг мақомини ошириш, улар ҳуқуқларини кенгайтириш ва жавобгарлигини кучайтириш зарур.

Учинчидан, йирик ва ўрта корхоналарни кенг кўламда акциядорликка ўтказиш, уларнинг негизда очиқ ҳиссадорлик жамиятлари тузиш хусусийлаштиришнинг асосий йўналиши бўлмоғи лозим. Шу билан бирга илгари тузилган ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари очиқ турдаги жамиятлар қилиб қайта тузилиши керак.

Акциядорликка ўтиш жараёни республика аҳолисининг кенг қатламлари учун, шунингдек хорижий жисмоний ва юридик шахслар учун очиқ бўлиши лозим. Ўз маблағларининг бир қисмини йирик корхоналарнинг акцияларига қўйишни истаган ҳар бир киши шундай имкониятга эга бўлиши керак. Бунинг учун қимматли қоғозларнинг очиқ савдосини ўтказиб туриш, фонд биржасининг фаолиятини кенгайтириш, инвестиция компаниялари, инвестиция фондлари, клиринг ва агентлик тармоқларини ташкил қилиш орқали қимматли қоғозлар бозори инфраструктурасини вужудга келтириш зарур. Ҳар бир корхонанинг акциядорликка ўтиш жараёни очиқ ва ошкора бўлиши даркор. Акцияларни жойлаштириш шартларини ва улар бўйича дивидендларни тўлаш тартибини аҳоли орасида кенг тушунтириш зарур.

Тўртинчидан, хусусийлаштириш ишининг муваффақияти у қишлоқда қандай ўтказилаётганига кўп жиҳатдан боғлиқ. Деҳқон хўжалиklarини керагича ташкил қилиш ва уларнинг барқарор ишлаши учун шароит яратиш — шу куннинг муҳим вазифасидир. Бунинг учун деҳқон хўжалиklarини ривожлантиришнинг давлат инвестиция дастурини ишлаб чиқиш керак. Бу дастурда қишлоқ хўжалигида хорижий инвесторларнинг қатнашиши, ер деҳқонларга умрбод фойдаланиш учун берилиши кўзда тутилиши зарур.

Хусусийлаштириш учун ва хусусийлаштирилган савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари фойдаланиши учун ер участкалари сотишни кенгайтириш, ишхоналар, тураржойлар, кичик корхоналар, дўконлар ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ер участкалари сотиш керак. Қишлоқ хўжалиги ерларини мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериш бўйича ким ошди савдолари ва танловларни тез-тез ўтказиб туриш лозим.

Ўтган даврда ер участкаларини оммавий суратда сотиш ишнини бошлашга муваффақ бўлинмади. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ер бозорисиз бозор хўжалиги бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Ким ҳам ўзига қарашли бўлмаган ерда мустақкам уй, кичик корхона қуради, дейсиз? Биз одамларни ер билан таъмин этмай туриб, уларда келажакка ишонч туйғусини уйғота олмаймиз, уларнинг меҳнатлари самарасидан фарзандлари ва набиралари фойдаланишлари мумкинлигига ишонч тўқира олмаймиз.

Иккинчи босқичда хусусийлаштириш механизмининг ўзини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиши керак. Аҳолининг хусусийлаштиришда қатнашадиган қисми кўпайиб боришини таъминлайдиган оммавий тарзда хусусийлаштириш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, унинг қимматли қоғозлар бозорига кириши учун кенг имкониятлар очиб бериш зарур. Хусусийлаштирилаётган корхоналар барча акцияларининг ярмидан кўпроги эркин сотувга қўйилиши керак.

Хусусийлаштиришнинг бевосита хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этишни рағбатлантира оладиган механизмини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун тендерлар ва ким ошди савдолари, махсус инвестициялар савдо-сотиғи, турли хил танловларни ўтказиш механизмини такомиллаштириш ва

уларни кенг суратда ўтказиш зарур. Танловлар ва ким ошди савдолари ислоҳотларнинг иккинчи босқичида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштиришнинг энг асосий усули бўлиши лозим.

Фонд биржаси ва кўчмас мулк биржаси фаолиятини янада ривожлантириш зарур. Давлат тасарруфидан чиқариш суръатлари жадаллаштирилиши, очиқ турдаги акциядорлар жамиятлари тузилиши билан улар олдида сифат жиҳатидан янги истиқболлар очилди. Кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар билан савдо қилувчи бирламчи бозорларни ташкил қилган ҳолда асосий эътибор иккиламчи бозорларни яратиш ва ривожлантиришга қаратилиши лозим. Айни шу иккиламчи бозорлар давлат мулки ҳисобланган акциялар ва пайлар улушини кескин камайтиришга, зарар келтирадиган ва банкротга учраган корхоналарни тугатишга, қимматли қоғозларнинг табиий ҳаракати ва айланишига, уларнинг қадр-қиммати ошишига имкон туғдириши керак.

Иккинчи босқичда хусусийлаштирилган корхоналарнинг унумли ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратишга, тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилиши лозим. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида олинган маблағлардан биринчи галда янги хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида фойдаланиш керак. Бундан ташқари, бу маблағларни энг кўп самара берадиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, фан билан боғлиқ ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга сарфлаш даркор. Шунингдек, уларни хусусийлаштирилган корхоналарни бозордаги талабга мувофиқ равишда маҳсулот ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштиришга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

Хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш юзаси-

дан белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши бозор иқтисодиётини таркиб топтириш йўлида олға томон яна бир амалий қадам ташлашимизга имкон беради.

2.2. МАКРОИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ЭРИШИШ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ СТРАТЕГИЯСИ УСТУВОР ВАЗИФАСИДИР

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида иқтисодий ва молиявий барқарорлик таркибий ўзгартиришлар, иқтисодиётни жонлантириш, сўнгра уни бир маромда, мувозанатни сақлаган ҳолда ривожлантиришнинг асосий шarti сифатида биринчи даражали аҳамият касб этади. Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш йўлидаги қонуниятли ва муқаррар жараён. У энг аввало танглик ҳодисаларига барҳам беришга қаратилган. Барқарорлаштирувчи чора-тадбирларнинг самарадорлиги биз иқтисодий танглик ва барқарорлик тушунчасига қандай маъно беришимизга, уларни қандай идрок қилишимизга, қайси мезонларга кўра баҳолашимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бизни бир неча ўн йиллар давомида бизда иқтисодий тангликларга ўрин йўқ, танглик капиталистик тузумнинг иллатидир, дея тарбиялаб, ана шундай ақидаларни онгимизга сингдириб келдилар. Социализм шароитида ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг гуркураб ўсишидан орқада қоладиган, натижада маълум номутаносибликлар келиб чиқадиган вазиятлар содир бўлиши мумкин, дедилар. “Доно” Давлат План кўмитаси, ундан юқорироқда эса партия Марказкўми қатъий

иродаларини ишга солиб, маъмурий йўл билан, режа-директив қарорлар тизими орқали ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусияти ўртасида сунъий мувозанатни тикларди.

Ҳақиқатан ана шундай ҳодисалар мавжуд тизимнинг иллатлилигини белгилаб беради. Бунда ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари даражаси ўртасида мувофиқлик бўлишига иқтисодий қонунлар орқали эришилмасди. Балки сунъий тарздаги қарорлар, қўшимча моддий сарф-харажатлар, мутаносиблик ҳақида ёлгон тасаввур ҳосил қилиш учун қўшимча маблағ йўналтириш орқали эришиларди.

Пировард натижада ишлаб чиқаришни ҳар қандай йўл билан бўлса-да ўстириш куруқ мақсадга айланиб қолди. У талаб бўлмаганлиги сабабли, сотиш учун бозор топилмаган, ҳеч кимга кераги йўқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ундарди. Давлат, социалистик тузум шароитида ишлаб чиқарилган ҳар қанақа маҳсулот ижтимоий жиҳатдан фойдалидир, деган сунъий тасаввур ҳосил қилиб, бу билан ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий масъулиятсизлигини келтириб чиқарарди, ишлаб чиқаришда ортиқча сарф-харажат кўпайиб кетишига сабаб бўларди. Иқтисодиёт ўзини ўзи ютувчи кучга айланиб қолганди. Шунинг натижасида моддий ва хом ашё ресурсларининг етишмаслиги энг ўткир муаммога айланди. Бу ресурсларни экстенсив ривожлантириш табиий ресурсларнинг тугаб битишига, шунингдек улардан самарали фойдаланилмаслигига олиб келди.

Ҳақиқатда эса бундай танглик ҳолатлари, танглик юз беришидан олдинги куттиш кучли, огоҳлантирувчи сигнал, туртки бўлувчи воситадир. У бутунлай инкирозга учрашга чап бериш учун ишлаб чиқариш ва чиқарилаётган маҳсулот таркибини ўзгартириш юзаси-

дан олдини олиш чора-тадбирларини кўришга ундайди. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга ҳаракат қилишга, маҳсулотнинг сифати ва истеъмол хоссаларини яхшилашга, унинг рақобатга бардошлилигини оширишга мажбур қилади. Ишлаб чиқаришнинг чуқур тангликка йўлиқилишини четлаб ўтишга интилиш корхонани фан ва техниканинг, илғор технологиянинг энг янги ютуқларини излаш ва жорий этишга ундайди. Буларнинг барчаси пировард натижада кескин рақобатчилик шароитида ишлаб чиқаришнинг барқарорлигига эришишга, инқирознинг олдини олишга йўналтирилган. Бу, кенгроқ қараганда, бозорда талаб билан таклиф ўртасида қулай мувозанат таъминланишига олиб келади.

Бизга капиталистик ишлаб чиқариш усулининг энг катта нуқсони, иллати сифатида тарғиб қилиб келинган нарсалар аслида, ҳақиқий ҳаётда иқтисодий тараққиётнинг ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг қудратли омилига айланмоқда.

Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда танглик ҳодисаларининг олдини олиш, иқтисодиётнинг ҳолатини ифода қилувчи мезон бўлиб хизмат қиладиган кўрсаткичларни яхшилашга, шу билан бирга мамлакатни тангликка олиб келган ички сабабларни чуқур ўрганиш, чалғишлар ва номутаносибликлар бўлиши мумкинлигига ўз вақтида эътиборни қаратиш, танглик ҳодисалари келиб чиқишининг олдини олиш тадбирларини фаол амалга ошириш ёрат муҳим.

Барқарорлаштириш сиёсати — энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир. Шунингдек, у пул қадрсизланишининг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёردа

сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсатидир.

Барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади бошқариб бўлмайдиган, иқтисодий пасайишга олиб келиши мумкин бўлган ички ҳам ташқи мувозанатсизликни четлаб ўтишдан, зарур бўлган тақдирда эса, уни тўғрилашдан иборат.

Жаҳон тажрибасида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда принцип жиҳатдан ўзаро бири-биридан фарқ қилувчи бир неча хил ёндашувлар таркиб топган бўлиб, улардан қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

биринчиси — монетар ёндашув деб аталиб, пулнинг қадрсизланиши даражасини пасайтириб туришга, пул массасини ҳамда тўловга қодир бўлган жами талабни кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланган. Бу хил ёндашув чуқур иқтисодий қайта ўзгартиришларни таъминламайди, аксинча, кўпинча ишлаб чиқаришнинг моддий ҳажмлари камайишига, инвестиция фаолияти тўхтаб қолишига олиб келади;

иккинчиси — ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантиришга, таркибий қайта ташкил қилишларни амалга оширишда кўмаклашишга, иқтисодиётда номутаносибликларга барҳам беришга асосланган ёндашув. Бунда бир меъёрда қаттиқ молиявий ва пул-кредит сиёсати ўтказилади, товар билан қоплашнинг иложи бўлмаган ортиқча талабларни чеклаш бўйича тадбирлар билан узвий боғлаб олиб борилади.

Бизнинг ёндашувимиз эса ўзимиз дучор бўлган тангликдан, узоққа чўзилган чуқур тангликдан ижтимоий ларзаларсиз ва портлашларсиз эсон-омон чиқишдан иборат бўлиб, бунга фақат ишлаб чиқаришга таянган ҳолдагина, моддий бойликларни бевосита яратаётганларга суянган ҳолдагина эришиш

мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқараётганлар, ерни ишлаётганлар, бинолар, иншоотлар кураётганлар ва янги ишлаб чиқариш қувватларини бунёд қилаётганлар бизнинг таянчларимиздир.

Кейинги вақтларда, айниқса, МДХ мамлакатларида: энди сўнги чорамиз қолди, бурилиш қилиш палласи келди. Ё макроиқтисодиётда монетар қарашлар, биринчи навбатда, пулнинг қадрсизланишига қарши кескин чоралар устунлик қилади, ҳукмрон бўлади, ўз ҳукмини ўрнатади, ўз талабларини ўтказди. Шунинг негизида барқарорлаштиришнинг энг муҳим натижаси бўлиш пулнинг қадрсизланиши даражасини 1-2 фоизга камайтиришга эришилади. Ёхуд иқтисодиёт ва жамият бутунлай барбод бўлиш, завол топиш йўлига киради. Шу икки йўлдан бирини танлаб олиш фурсати етди, деган қарашларга берилиш ҳоллари кенг тус олди. “Эсанкиратиш” ўзи билан олиб келаётган хавфни яна бир карра ҳис этиш, кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмаса, ислоҳотлар бадном қилиниши, барбод бўлиши, ижтимоий портлашга олиб келиши мумкинлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилиш ўрнига, бошқача фикрлашяпти — бизлар сиёсий мулоҳазаларга берилиб кетиб, эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган айрим жиҳатларга ҳаддан зиёд узоқ кўз тикдик ва ўзимиз ҳалокат ёқасига келиб қолдик, деб афсусланаётгандек бўлишяпти. Афтидан, собиқ Иттифоқ мамлакатлари учун ислоҳотлар ўтказишнинг икки-уч йиллик тажрибасини англаб етадиган, мағзини чақадиган пайт келди. Бу тажриба эса улар иқтисодиётининг шакли ўзгарганлиги, юқори даражада монополиялашганлиги ва тор ихтисослашганлиги, аҳоли асосий қисмининг турмуш даражаси пастлиги сабабли бир ёқлама монетар ёндашув мувофиқ келмаслигини кўрсатди.

Янги иқтисодий сиёсатнинг бу хил мафкурачилари бозорга ўтиш ҳақидаги гап-сўзларга берилиб

кетиб, ўз мамлакатлари иқтисодиётини издан чиқадиган даражада пасайишга дучор қилдилар, айирбош-лашни натурали қилишга (ҳатто иш ҳақини натура билан тўлаш оммавий тус олди), бозор айирбошла-шини бемаънилик даражасигача олиб бордилар ва, эндиликда эса, мазкур усул пулнинг қадрсизлани-шига чек қўйиши, тараққий қилган тузумни бунёд этиши, ишлаб чиқаришнинг жонланишини таъмин-лаши мумкин, демоқдалар.

Бироқ бунда тўғридан-тўғри зиддият бор — макроиқтисодий сиёсат деб аталган сиёсат ўтказганда ишлаб чиқаришда жонланиш бўлиши мумкин эмас. Бу — фирт бемаъниликдир. Ишлаб чиқаришни пул-нинг қадрсизланишига қарама-қарши қўйиб бўл-майди.

Таркибий ўзгаришларни таъминлаш учун муқар-рар бўлган доирадагина ишлаб чиқаришнинг пасайи-шига йўл қўйилиши мумкин, лекин унинг издан чи-қишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бошқача айт-ганда, бу ишлаб чиқаришнинг илғор тузилмасига эришиш, демакдир. Яна соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, бу — рақобатга бардош бера оладиган ва ка-ридорларнинг истеъмол талабларини қондиришни таъминлайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш демакдир.

Фақат ишлаб чиқаришнинг бу пасайишини мар-казлашган буйруқбозликка асосланган планли тизим-дан бошқа тизимга — эркин бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг белгиларидан бири сифатида изоҳ-лаш мумкин.

Бозор қонунлари амал қила бошлаши, рақобат-чилик муҳити таркиб топиши ва эркин тадбиркор-лик учун ҳамма йўллар очилиши билан айти қонун-ларга риоя қилган ҳолда ишлаб чиқариш таркибан ўзгартирилади ҳам. Бу нарса фақат рақобатга бар-дош беришга интилиш бор жойдагина юз беради. Рақобатга бардош бериш учун ишлаб чиқаришни

доимий равишда янгилаб боришга тадбиркорлар ўзлари мажбур бўладиган шароит вужудга келади.

Ўтиш даврида давлат ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида шуни эътиборда тутиши керакки, у устувор, катта истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама рағбатлантириши, яъни энг муҳим бўғинларни аниқлаши (нефть — нефть мустақиллиги, энергетика — энергетика мустақиллиги, дон — галла мустақиллиги, пахтани қайта ишлаш саноати ва ҳоказо) ва шу орқали иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат ўтказиши керак.

Биз ана шу устувор йўналишлар асосида таркибан қайта ташкил қилишни — фақат айтиб ўтилган соҳаларни ривожлантиришинигина эмас, балки уларнинг ички тузулишини қайта ўзгартиришни таъминлаш учун ҳам уларга маблағ сарфлашимиз лозим. Бусиз иқтисодиётда тўла тартибсизлик ҳукм суради. Устувор ҳисобланган етакчи асосий тармоқлар белгилаб олинмаса, бозор муносабатлари шароитида уларнинг шаклланишига ёрдам кўрсатилмаса, иқтисодий стратегия бой берилмайди. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиши лозим бўлган қайта ташкил қилишларнинг маънавий изчиллиги ҳам таъмин этилмайди. Ҳақиқий бозор шароитлари вужудга келтирилиши билан уларнинг ўзлари ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган ва йўналтирадиган бўладилар, бунинг натижаси ўлароқ эса — ишлаб чиқаришнинг ўсиши таъминланади.

Бинобарин, монетаризм ҳеч қачон ишлаб чиқаришни тангликдан олиб чиқишга қодир бўлган ягона йўналтирувчи ва ҳал қилувчи куч бўлган эмас. Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқиш чоғида ана шу қаттиқ монетаризмга таянмаслик керак. Балки мувозанатга келтирилган монетар сиёсатни асосий

тармоқларни ва ишлаб чиқаришни таркибан қайта ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан бирга қўшиб олиб бориш зарур. Энг асосийси, аниқлаб олинган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, бош стратегик йўлни белгилаб олишдан ва макроиқтисодий сиёсатни шу йўлга қўйишдан иборат.

Биз тараққиётнинг устувор йўналишларини макроиқтисодий мувозанатга қурбон қилиш ниятида эмасмиз. Биз ислоҳотлар ўтказиш билан бир вақтда давлат мустақиллиги ва иқтисодий мустақилликни таъминлашга ҳаракат қиламиз.

Ана шу қоидалардан келиб чиқилса, иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат бўлади:

— агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлмаса, унинг камайишига йўл қўймаслик;

— устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлантирилишига кўмаклашиш. Ўз ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватламасдан ва ички резервлардан фойдаланиш эвазига иқтисодиётни ичдан ривожлантирмасдан туриб, молиявий ҳамда ижтимоий барқарорликка умид боғлаш мумкин эмас;

— давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини мумкин бўлган доирада таъминлаш;

— пулнинг қадрсизланиши жараёнларини тўхтатиб қолиш. Пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан чоралар кўриш йўли билангина миллий валютани мустаҳкамлашга эришиш, узоқ муддатга мўлжалланган инвестициялар ички бозорини жонлантириш, аҳоли турмуш даражасининг барқарорлигини сақлаш;

— тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларда туганган ўрнини мустақкамлаш. Шунингдек чет эл қаттиқ валюталарига нисбатан “сўм”ни айирбошлаш курсининг барқарорлигини сақлаш;

— ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсат мувозанатлаштирилганлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини мумкин қадар тутиб туриш ва яхшилаш.

Шунга мувофиқ равишда ислохотларнинг иккинчи босқичида республика давлат бюджетидаги камомадни (дефицитни) йўл қўйилган энг кам даража доирасида (ялпи ички маҳсулотнинг 3-4 фоизи атрофида) чеклашга йўналтирилган қатъий молия сиёсатини биринчи навбатда ўтказиш иқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасида амалга ошириладиган энг муҳим ва биринчи галдаги тadbирлар бўлиши керак. Бюджет интизомига риоя қилиш — барқарорлаштиришнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Бюджетдаги камомаднинг ортиши ҳамма вақт ташвишли воқеа сифатида қабул қилинмоғи лозим.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида бюджет сиёсатининг энг муҳим вазифаси иқтисодиётни бюджет камомадини чеклаш ҳисобига барқарорлаштириш вазифаларини ҳал этишдан иборат. Шу орқали иқтисодий фаолиятни жонлантиришни рағбатлантирувчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган жорий харажатларга маблағ ажратиш ва камомад ўртасида энг мақбул мутаносибликни таъминлашдир. Кундалик истеъмол учун ва иқтисодиётни қайта қуриш учун зарур бўлган давлат харажатларини бундан буён ҳам кескин қисқартириш ёрдамидагина бюджетдаги мувозанатни сақлаш йўлидаги урнини иқтисодий аҳволнинг муш-

куллашувига ва ислоҳот жараёнининг чўзилиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида зарур таркибий ўзгаришларни ўтказиш билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг орқага кетишига барҳам бериш энг асосий мақсад бўлиб қолмоқда. Давлат харажатлари, уларнинг таркиби шундай ташкил этилиши керакки, улар айна ана шу мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши ва бу ҳол бозорга ўтиш жараёнига ҳар томонлама кўмак бериши лозим.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш иқтисодий ётти барқарорлаштиришга ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади. Солиқ тизими ислоҳот жараёнининг таркибий қисми, унинг ички ҳаракатлантирувчи омилли бўлгани ҳолда, иқтисодий ислоҳот мақсадларига энг кўп даражада мувофиқ келиши шарт. Аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани — фискал (ҳазинани тўлдириш), қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасини тўла даражада бажариши керак.

Солиқлар ҳазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим.

Солиқ тизими аниқ мақсадга қаратилган молиявий сиёсат билан биргаликда, яппи миллий мақсулдорнинг бир қисмини қайта тақсимлайди ва шу тарзда иқтисодий тузилишини ўзгартиришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бево-сита иштирок этади.

Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси — ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий-хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир.

Ислохотнинг иккинчи босқичида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш биринчи навбатдаги вазифага айланган чоғда солиқ тизими биринчи галда рағбатлантирувчилик вазифасини бажариши керак. Бу эса амалдаги бутун солиқ тизимини анчагина ислох қилишни талаб этади.

Солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинган бош тамойил — корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир. Даромад солиғининг юқори бўлиши корхоналарни ўз маблағларини ўз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, техника билан қайта қуроллантиришга, ўз айланма маблағларини тўлдиришга сарфлаш имкониятидан маҳрум қилади. Бу эса оқибат натижада ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келади. Бунинг устига оғир солиқ юки узоқ муддат зиммада туриши натижасида инфляция (пулнинг қадрсизланиши) юксак даражада бўлишини билвосита қўллаб-қувватлаш хавфи вужудга келади. Бунинг сабаби шуки, ишлаб чиқариш пасайиб бораётган бир пайтда солиқ миқдори корхона даромадларининг инфляцияси кучайиб бориши натижасидагина оширилиши мумкин. Бу эса молия тизимининг барбод бўлишига, ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келади.

Даромад солиғидан фойдадан ундириладиган солиққа ўтиш солиқ юкини камайтиргани ҳолда, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш имкониятини яратади. Корхона ихтиёрида қоладиган фойда миқдорининг ортиб бориши уларнинг молиявий аҳволини мустақкамлабгина қолмай, бал-

ки уларнинг инвестиция фаолиятини жонлантиришга ҳам олиб келади. Бу нарса ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш учун ишлаб чиқариш ва технология жиҳатидан асос бўлиб хизмат қилади.

Корхоналарга кўпроқ иқтисодий эркинлик берилиши фойданинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратиладиган умумий миқдорини кўпайтиришга олиб борибгина қолмай, айни вақтда меҳнаткашлар иш ҳақини кўпайтириш имконини ҳам яратади. Фаол меҳнатга рағбатлантирувчи, ҳар бир кишига ўз имкониятларини амалга ошириш ва меҳнатдаги ўз иштирокига яраша даромад олиш имкониятини берувчи иқтисодий муҳит яратилади. Бундай шароитда жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бир томондан, ходимларни ўз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга рағбатлантириши, иккинчи томондан, иш ҳақи даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлишига ёрдам кўрсатиши, меҳнаткашларнинг даромадларидаги тафовут асоссиз равишда катта бўлишига олиб келмаслиги лозим.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юқининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши оқибат натижада ишлаб чиқаришни жонлантиришга олиб келиши лозимки, бу нарса иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда фоят катта аҳамиятга эга.

Янги солиқ сиёсати доирасида солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш вазифаси қўйилади.

Афсуски, кейинги пайтларгача бизда ер ости бойликлари, ер, сув ва қайта тикланмайдиган бошқа табиий ресурслардан солиқ ундириш тамомила тан олинмай келинади. Бунда корхоналарга табиатдан

фойдаланиш ва атроф муҳитни экологик жиҳатдан муҳофаза қилиш қонулари билан ҳисоблашмасдан бебаҳо, ўрни тўлдирилмайдиган табиий бойликлардан ваҳшиёна фойдаланиш имкони берилар эдики, бу билан биз ўзимизнинг ҳақимизга ҳам, авлодларимизнинг ҳақиқа ҳам хиёнат қилиб келардик.

Ўтган йилларда йўл қўйилган хатоларни такрорламасдан, табиий ресурсларни қайта тиклаш йил сайин тобора қийинлашиб бораётган пайтда биз бу ресурсларга кўпроқ эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишимиз зарур. Бунинг учун биз иқтисодий омиллардан кенгроқ фойдаланишимиз, солиқлар орқали ҳаммани табиий ва хом ашё ресурсларидан энг кўп наф кўрадиган тарзда фойдаланишга ўргатмоғимиз керак.

Бу муаммонинг яна бир жиҳати бор. Хом ашё ва материаллардан фойдаланишнинг ортиб боришини солиқлар орқали чеклаб, бу билан биз харажатларни ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини пасайтиришга рағбатлантирамиз, экологик жиҳатдан мусаффо илғор технологияни ва, энг муҳими, чиқитсиз технологияни рағбатлантирамиз. Шу тарзда ресурслар учун тўловнинг оширилиши айни вақтда бир неча мақсадни кўзда тутаяди, фан-техника ва ижтимоий тараққиётни кенг маънода рағбатлантиради.

Муайян бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир. Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустақамлаш зарур. Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлиги ва бу борадаги масъулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари,

бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди.

Шу тариқа, солиқ тизимининг ислоҳ қилиниши иқтисодий ва барқарорлаштиришнинг, ишлаб чиқариш ва меҳнат фаолиятини кучайтиришнинг қудратли омилларини вужудга келтириш, ислохотнинг иккинчи босқичидаги асосий вазифаларни амалга оширишнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилиши керак.

Бюджетдаги мутаносибликни кучайтириш мақсадида, солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан бир қаторда, корхоналарнинг молия интизомини мустаҳкамлаш, тўлов оборотини бир меъёрга келтириш, тўламасликнинг, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг салбий оқибатларини тугатиш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда кўпгина кишилар ишлаб чиқаришнинг орқага кетишини эски хўжалик алоқалари бузилганлиги, МДХ бошқа мамлакатларидаги корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китобларда тўловлар инқирозга учраганлиги, божхона чегаралари ўрнатилганлиги билан боғламоқдалар. Бу — ҳақиқатдан узоқ бўлган соддаларча ёндашувдир. Вужудга келган чегаралар транспортга оширилган тарифларнинг ўрнатилиши, божнинг баланд қўйилиши орқалигина алоқаларга салбий таъсир кўрсатди.

Вужудга келган чегаралар ўзаро тўловлар ўз вақтида бажарилмаётганлигининг сабаби деб ҳисоблаш ҳам хатодир. Хом ашё, бутловчи материаллар ва маҳсулотлар етказиб беришнинг қисқариши хўжалик ва кооперация алоқалари узилиши билан айтарлик боғлиқ эмас. Чегаралар вужудга келиши оқибатида юзга келган оғир аҳволнинг асосий сабаби хўжалик алоқаларининг узилиши, деган қондага асосланиладиган бўлса, Россиянинг ўзида маҳсулотлар етказиб берил-

маётганлиги ва тўловлар ўз вақтида бўлмаётганлигини, у ерда тўловларнинг ўз вақтида етиб келмаётганлиги жуда авжига чиққанлигини нима билан изоҳлаш мумкин.

Бунинг асл сабаби нимада? Гап шундаки, эски тузум пайтида бир корхонанинг иккинчи корхонага маҳсулот етказиб бериши, уларнинг қайси ҳудудда жойлашганлигидан қатъи назар, марказлаштирилган тарзда амалга оширилар ва бунинг учун маблағлар ва фондлар ажратилар эди. Сўнгра, бу фондларни ҳаммага керакли ва ҳар бир корхона ҳаётини белгиловчи Давлат таъминот қўмитаси муайян корхоналарга биркитар ёки, янада соддароқ қилиб айтганда, марказдан туриб, масалан, Узоқ Шарқдаги қайси корхоналар Москвадаги қайси истеъмолчиларга ўз маҳсулотини етказиб беришини белгилаб қўяр эди ва, аксинча. Бунда маҳсулотнинг сифати ва техникавий даражаси ҳеч қандай рақобатга дош бермаслигининг мутлақо аҳамияти бўлмас эди.

Республикалар ўртасида ҳам маҳсулотлар мана шу тарзда қайта тақсимланар эди. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулот керакли ёки керак эмасми, унга талаб борми ёки йўқми, халқаро талабларга мос келадими ёки йўқми, бундан қатъи назар, у бутун Иттифоқ бўйича мол етказиб берувчилар ва истеъмолчиларга тақсимланиб чиқилар эди. Биркитилган истеъмолчи эса бу маҳсулотни олаши ва, ўз навбатида, ўз маҳсулотини бошқа корхоналарга етказиб бериши шарт эди.

Ўзаро маҳсулот етказиб берганлик учун ҳақ мазкур марказлаштирилган тизим кучлари билан амалга оширилар эди. Банклар белгиланган тартибга мувофиқ марказлаштирилган тарзда корхоналар ҳисобидан маблағ олиб, ана шу етказиб берилган маҳсулотлар учун ҳақ ўтказар эди. Йилнинг охирида вужудга келган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари,

яъни мол етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги қарзлар, одатда, марказлаштирилган тартибда амалга ошириладиган идоралараро ўзаро ҳисобкитоблар йўли билан ҳал этиларди. Кредиторлик ва дебиторлик қарзларини узиш учун кредитлар марказлаштирилган тарзда ажратилар, улар ўзаро қарзларни узиш учун муайян мақсад бўйича кетарди.

Янги йилдан ҳамма иш яна бошидан бошланар ва ўша тарзда давом этаверарди. Бундай тизимда рақобат, талаб ва таклифни бозор асосида мутаносиблаштириш тушунчаси мутлақо йўқ эди ва, энг муҳими, ҳар бир корхона керакли бўлган ва рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқариши учун шароит яратилмас эди.

Ягона халқ хўжалик комплекси деб аталадиган мажмуанинг ташқи алоқалари, Иттифоқ доирасида, аввало, марказлаштирилган валюта жамғармаси ва нефть, газ, ёғоч-тахта, олтин, минерал-хом ашё ресурслари, пахта, шунингдек қурол-яроғ сотишдан олинадиган нақд пул ҳисобидан ҳал этилар эди. Буларнинг бари марказдан бошқариларди. Оқибат натижада, юқори даражада марказлашган тизим вужудга келиб, у ҳамма нарса — Иттифоқнинг чекланган тизими доирасида, ҳақиқий талабни ҳисобга олмаган ҳолда, нимани ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш кераклигини белгилаб берар эди.

Буларнинг ҳаммаси қачондир тугаши керак эди, чунки хом ашё ресурслари чекланган бўлиб, ёпиқ тизимда ишлаб чиқаришни ички ресурсларга асосланган ҳолда ривожлантириш узлуксиз давом этиши мумкин эмас эди. Бу нарса иқтисодий ҳаётда турғунликкагина эмас, балки техника тараққиёти айнашига ҳамда фан ва техника ютуқларини, илғор технологияни қабул қила олмасликка, жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган жараёнлардан орқада қолишга ҳам олиб келди.

Бу тизимда ҳамма нарса — қайси минтақа хом ашё етказиб бериши, қайси минтақаларда бу хом ашё қайта ишланиши ва қаерга етказиб берилиши белгиланган эди. Ўзбекистонга пахта, газ, олтин, рангли ва нодир металллар, сабзавот ва мева етказиб беришда асосий роль ажратилган эди. Буларнинг ҳаммаси меҳнат сарфи ҳамда ана шу хом ашё ва материалларга жаҳонда ўрнатилган нарх ҳисобга олинмаган ҳолда, сунъий равишда пасайтириб белгиланган нархларда етказиб берилар эди.

Бошқача қилиб айтганда, ана шу ёпиқ тизимда Ўзбекистоннинг роли қатъий белгиланган бўлиб, биз бу биқик доирадан чиқиш имкониятига эга эмас эдик. Масалан, экологик жиҳатдан зарарли ҳамда фоят хавfli ишлаб чиқаришга эга бўлган Чирчиқ ва Навоий химия комбинатларида Ўзбекистон газидан олинадиган капролактама ва нитрон маҳсулотларини чуқур қайта ишлашнинг ва улардан тайёр маҳсулот олишнинг иложи йўқ эди, чунки бундай ишни бажарадиган корхоналар, умумиттифоқ меҳнат тақсимотига кўра, Белоруссия, Россия, Украина ва бошқа минтақаларда қурилган бўлиб, биз умумиттифоқ меҳнат тақсимотига кўра, уларни хом ашё билан таъминлашимиз керак эди. Бундай мисолларни кўйлаб келтириш мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, собиқ Иттифоқ давлатларининг мустақилликни қўлга киритиш жараёнлари маҳсулотни қайта тақсимлашнинг ўзини оқламаган, марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ҳамма жойда воз кечиш ҳамда эркин бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ. Аслини олганда, биз бугун бозор қонунарига асосланувчи янги иқтисодиёт яратаямиз. Бунда маҳсулот талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда, рақобатбардош бўлиши ва у умум қабул қилинган стандартларга жавоб беришини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқарилиши лозим.

Бозор иқтисодиёти йўлига ўтган бирорта ҳам корхона шу бозорда вужудга келадиган вазиятни ва рақобатни ҳисобга олмасдан келажagini кура олмайди. Ҳар бир корхона кооперация алоқаларини йўлга қўйган ва маҳсулоти лоақал бутловчи маҳсулотларни етказиб берадиган жойда талаб қилинган тақдирдагина истиқболга эга бўлиши мумкин.

Ўз маҳсулотининг муайян қисмини бошқа минтақаларда, аввало эркин алмаштираладиган валютага сотиш ҳамма учун қоида бўлиб қолиши керак. Корхона ҳисобидаги бу валюта ускуналарни ва бутловчи материалларни харид қилиш, технологияни янгилаш бўйича харажатларни тўлашнинг молиявий базаси бўлади. Фақат ана шундай базагина ўзаро манфаатли нормал кооперацияни таъминлаш, корхонанинг ривожланиши учун ҳам, унинг жамоасининг ҳам турмуш даражаси ўсиши учун ишончли асос бўлиши мумкин.

Корхона раҳбарлари шуни узиш-кесил билиб олишлари керакки, ўз ҳисобида валюта тушумлари бўлгандагина ҳар қандай бутловчи ускуна ва материалларнинг хоҳлаган минтақадан, дунёнинг хоҳлаган бурчагидан етказиб берилишини таъминлаш мумкин. Фақат ана шундай истиқболгина бизни кризис ҳолатидан олиб чиқиши, ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаши мумкин. Шундагина турлича тенгсиз айирбошлаш операцияларини амалга ошириш учун корхоналар, бутун-бутун уюшмалар ва корпорацияларга алмаштириш мумкин бўлган хом ашё ресурслари — пахта ва ундан тайёрланган маҳсулот, рангли металл ва бошқаларни беришни илтимос қилиш зарурати бекор бўлади. Шунда хўжалик алоқаларининг узилишини, тўловлар етиб келмаётганлигини ва ҳамма ўз ҳолича мустақил бўлиб кетганлигини рўқач қилиш учун ҳеч қандай зарурат бўлмайди.

Ўз-ўзидан маълумки, моллар, капитал, иш кучининг худуддан худудга ўтиб туриши йўлидаги сунъ-

ий тўсиқлар ва чегараларни бартараф этиш, қўлоёқни боғлаб қўядиган божларни ва юқори транспорт тарифларини пасайтириш масалалари, ҳар ҳолда ҳал этилиши зарур. Аммо ана шу тўсиқлар гўё ишлаб чиқаришнинг пасайишида, корхоналар тўхтаб қолишида, тўловлар етиб келмаётганлигида асосий сабаб бўлаётир, деган нотўғри фикрдан воз кечиш керак.

Энг асосий сабаб — ишлаб чиқаришни таркибан ўзгартириш ҳамда маҳсулотни ҳеч кимга керак бўлмай қолаётган ишлаб чиқаришларни тугатиш зарурлигидир.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Барқарорлаштириш дастурлари соф ички қарз беришни анча қисқартиришга қаратилиши лозим. Банкларнинг қарзлари биринчи навбатда стратегик жиҳатдан муҳим маҳсулот, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қодир бўлган, қарзга олинган маблағларни ўз вақтида қайтара оладиганларга берилиши лозим. Айни вақтда асосланмаган кредит эмиссиясига, қарз учун ажратилган маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўймаслик зарур.

Биз ҳаммамиз битта ҳақиқатни аянглаб олишимиз лозим — халқ истеъмоли моллари ва бошқа ҳаётий муҳим маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қодир бўлмаганларга кредит берилиши пул қадрсизланиши жараёнини кучайтиради, миллий валюта барқарорлигига путур етказди. Шу сабабли муомалага чиқарилган ҳар бир сўм тегишли товар билан қопланган бўлиши керак.

Пул-кредит сиёсати соҳасидаги ислохотлардан қўзланган асосий мақсад пулнинг қадрсизланишини

изчиллик билан камайтириш, ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги учун шарт-шароит яратиш йўли билан кризисни бартараф этиш ва миллий иқтисодиётни соғломлаштириш учун зарур замин яратишдан иборатдир.

Пулнинг қадрсизланиш даражаси устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда пулнинг қадрсизланишига қарши самарали тадбирлар қўллаш зарур. Пул қадрсизланиши суръатларининг анча пасайтирилиши ҳозирги босқичда барқарорлаштириш сиёсатининг ўзагидир.

Бунда пулнинг қадрсизланишидаги мақбул суръатни танлашга пухта ўйлаб ёндашиш зарур. Пул қадрсизланишининг сунъий паст суръатларига эришиш ва бунинг учун ҳамиша ҳам мақбул бўлмаган ва, айтганда, иқтисодиётнинг орқага кетишига олиб борадиган ҳар қандай восита ва услублардан фойдаланиш тўғри бўлмайди. Пулнинг қадрсизланишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламаган ҳолда унинг суръатини сунъий равишда пасайтириш бу иллатнинг илдизи чуқурлашиб кетишига олиб бориши, бу эса кейинчалик ушбу жараённинг қайта бошланишига, кризиснинг бартараф этилишига эмас, балки унинг яна ҳам чуқурлашувига сабаб бўлиши мумкин.

Шуни айтиш муҳимки, пулнинг қадрсизланиши устидан назорат ўрнатилиши барқарорлаштириш дастури муваффақиятли амалга оширилишининг далили бўла олмайди. Пулнинг қадрсизланиши — иқтисодиётда чуқур номутаносиблик вужудга келганлигининг кўрсаткичи бўлиб, бу аҳволни дарҳол ўнглаб олиш керак бўлади.

Ҳар қандай инфляциянинг негизида асосий иқтисодий мувозанатларнинг бузилиши ётади. Шу сабабли инфляцияга қарши кураш — уни шунчаки бостириш эмас, балки иқтисодиётда вужудга келган номутаносибликни бартараф этишга қаратилган бақув-

ват структура сиёсатини амалга оширишдир. Бир қатор чет мамлакатларнинг инфляцияга қарши кураш тажрибаси шуни кўрсатадики, улар инфляция билан иқтисодиёт структурасининг бузилиши бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини англаган ҳолда, муомала соҳасини қатъий бошқариш ва тўловга қобилиятли ортиқча умумий талабни бартараф этиш билангина чекланмадилар. Муайян мақсадларга қаратилган йирик инвестиция дастурларини ишлаб чиқдилар ва амалга оширдилар. Бу дастурлар ана шу номутаносибликни тугатиш ва, бинобарин, инфляцияни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш имконини берди.

Макроиқтисодий барқарорлик биз учун қуруқ мақсад эмас. Бу нарса иқтисодиётни жонлантириш ва унинг таркибини янгилаш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, иш жойлари сонини ошириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш учун тегишли шарт-шароит яратишнинг ҳаётий зарур босқичи сифатида муҳимдир.

2.3. МИЛЛИЙ ВАЛЮТА ҚАДРИНИ ОШИРИШ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИККИНЧИ БОСҚИЧИНING ҲАЛ ҚИЛУВЧИ МУАММОСИ

Ёш давлатимиз амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотлар стратегиясида ўз миллий валютамызни жорий этиш ва унинг барқарор муомалада бўлиши муаммосини ҳал этишга ғоят катта аҳамият берилаётир. Миллий валюта — миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир.

1994 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўла қийматли миллий валюта — ягона

қонуний тўлов воситаси бўлган сўмнинг муомалага киритилиши ҳақиқатан ҳам инқилобий қадам бўлди. Бу бутун иқтисодиёт ислоҳотида сифат жиҳатидан янги босқич бошланганлигидан дарак берди. Биз бирор кишининг иродасига боғлиқ бўлмаган, Ўзбекистон халқининг манфаатларига мос молиявий, пул-кредит сиёсатини ва умуман бутун иқтисодий сиёсатимизни амалга оширишнинг аниқ механизмига эга бўлдик. Бу тадбирларни амалга оширишга биз узоқ вақт пухта тайёрландик. Миллий валюта муомалага киритилган дастлабки ойлар тажрибаси у иқтисодий барқарорликнинг, корхоналар ва тармоқлар молиявий аҳволини мустаҳкамлашнинг, республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялашнинг ва истеъмол бозорининг кучли омили бўлиб қолганини кўрсатди.

Бугунги энг муҳим вазифа — валютаимизни бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш — умуммиллий вазифа. Республикаимиздаги барча фуқароларнинг фаровонлиги ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқдир. Шу сабабли ислоҳотлар иккинчи босқичининг стратегик жиҳатдан устувор вазифаси сўмнинг қувватини тобора ошириб боришдир. Унинг ички алмашувига, бақувват валюталар билан эркин алмашинувига эришмоқ лозим. Ҳар биримизнинг, республикадаги ҳар бир кишининг, барча корхоналар аҳволининг яхшилиги миллий валютанинг муомаладаги барқарорлигига боғлиқ.

Миллий валютанинг барқарорлиги, унинг ички бозорда эркин алмашинуви етарли миқдордаги рақобатбардош маҳсулотлар, зарур резервлар орқали таъминланади. Бунга эришмоқ учун биз аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган тўртта алоҳида дас-

турлар тўпламини ишлаб чиқдик ва амалга оширмоқдамиз.

Биринчидан — ўз валютамыз товар билан барқарор таъминланган тақдирдагина реал куч ва обрўга эга бўлади. Сўмнинг харид қувватини ошириш учун республика бозорини мумкин қадар тезроқ истеъмол моллари билан тўлдириш зарур. Бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган моллар билан ҳам, четдан келтириладиган моллар билан ҳам тўлдириш чораларини кўриш керак.

Бунда гоъят муҳим вазифа одамларнинг энг зарур талабларини қондирувчи ўз маҳсулотимизни ишлаб чиқаришни имкони борича кенгайтиришдан иборат. Бунинг учун биз, мулкчилик шаклидан қатъи назар, халқ учун мол ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам кўрсатамиз, бу соҳага инвестицияни биринчи навбатда йўллаймиз, уларни хом ашё ва кредит ресурслари билан таъминлаймиз.

Бу йўналишдаги ижобий силжишлар ҳозироқ кўзга яққол ташланиб турибди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш йил сайин ортиб бормоқда. Истеъмол молларини сотишнинг умумий ҳажмида ўз маҳсулотимизнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Айни вақтда ҳали бир қатор зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, ғалла, қанд-шакар, қуритилган сут, истеъмол спирти, шунингдек, саноат молларининг бир қанча турлари ва айниқса, маданий-маиший ашёлар четдан келтирилмоқда.

Шу сабабли бутун саноатимизни харидорларимизнинг юксак дидларига жавоб берадиган юқори сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга қаратишимиз талаб қилинади. Замонавий истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни дадилроқ ташкил қилиш, аҳоли талабларининг, бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгаришини тез пайқаб

оладиган кичик корхоналар фаолияти учун кенг майдон очиб бериш зарур.

Оғир синовларни бошдан кечирган, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида ўз ҳаётини яхшилик томон ўзгартириш иштиёқида бутун куч-ғайратини сарфлаётган халқимиз тўкин-сочин яшашга ва чиройли кийинишга, инсонга муносиб турмуш шароитига эга бўлишга тўла ҳақлидир. Биз халқимизга шундай шароит яратиб беришимиз зарур.

Ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам руҳиятини ўзгартириш лозим. Биз ўзимиз ишлаб чиқарадиган, харид қиладиган нарсалар билан, ўзимизда ишлаб чиқарилган кийим-кечаклар билан фахрланишимиз керак. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўз харидорини топмаса, ўзимизда тайёрланаётган молларнинг сифати одамларга ёқмаса, бу миллий шаънимизга доғ бўлиб тушади. Бу нарса меҳнатсевар халқимизга хос бўлмаган ўз меҳнатига совуққонлик билан муносабатда бўлиш натижаси бўлиши мумкин. Бу — ўзимизга, ўз мамлакатимиз ва ўз халқимизга зиён етказишдир. Биз “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деб тамға қўйилган маҳсулот дунёнинг ҳамма томонларида мамнуният билан харид қилинадиган, ортиқча рекламага муҳтож бўлмаган маҳсулотга айланишига эришмоғимиз даркор.

Маълум сабабларга кўра, кейинги пайтларгача биз бозоримизни ўзимизда ишлаб чиқарилган барча зарур маҳсулотлар билан тўла-тўқис тўлдириш имкониятига эга бўлмай келдик. Ҳозир қам товар обороти тузилмасида четдан келтирилган маҳсулотнинг ҳиссаси анча юқори бўлиб, аҳоли ана шу маҳсулотни кўпроқ сотиб олмақда. Биз бундан буён ҳам аҳолимиз дунёнинг турли мамлакатларидан келтирилган сифатли молларни сотиб олиш имкониятига эга бўлиши учун зарур шароитлар яратаверишимиз даркор. Ҳаётини муҳим, харидоригир озиқ-овқат ва саноат мол-

ларини четдан олиб келувчиларни ҳар томонлама рағбатлантираверамиз. Ҳозир молларни четдан олиб келиш бўйича барча божхона пошлиналари бекор қилинди. Шу билан бирга биз истеъмолчиларимизни бозорларимизга истеъмол сифати паст бўлган ва одамларнинг соғлиғи учун зарарли, нархи қиммат маҳсулотлар кириб келишидан ҳимоя қилиб, импорт моллар таркибини такомиллаштираверамиз.

Импортни рағбатлантириш билан бир вақтда маҳсулотимизнинг рақобатбардошлигини ошириш орқали аҳолида ўзимизда ишлаб чиқарилган молларни сотиб олиш иштиёқини тарбиялаймиз. Фақат чет элдан келтирилган молларга ружу қўйиш ҳақиқий ватанпарварга хос бўлмаган хусусиятдир.

Иккинчидан, валютанинг барқарор амал қилиши, унинг муқимлиги, эркин алмашинуви етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ. Бизнинг валютамыз ҳар қандай барқарор валютага эркин алмашина оладиган бўлсагина, у тан олинган ва ҳурмат қозонган валюта бўлади. Бунинг учун бутун ташқи иқтисодий сиёсатимизни тубдан қайта қўриб чиқиш зарур.

Биз қайта-қайта таъкидлаб келмоқдамизки, ислохотнинг асосий устувор йўналишларидан бири — экспорт имкониятини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш, жаҳон бозорида ўз мустақкам мавқеимизни қўлга киритишдир. Биз илгари айтганимиздек, истиқболда экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлини танлаган корхоналаргина хом ашё билан таъминланишда ҳам, инвестициялар билан таъминланишда ҳам устунликка эга бўладилар. Зотан бу бизнинг бош йўлимиздир.

Биз корхоналар жаҳон бозорида рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг қўламда авж олдиришлари учун рағбатлантирувчи омишларни вужудга келтиришимиз зарур. Улар жаҳон бозори-

га ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот билан тезроқ чиқишлари, барқарор валюта ишлаб топишни ўрганишлари, республика хазинасини тўлдиришлари керак. Бу эса уларнинг давлат олдидаги, ўз жамоаси ва бутун халқ олдидаги муқаддас бурчидир.

Учинчидан — ҳар бир корхона, ҳар бир киши ишлаб топган сўмини кадрлашни ўрганган тақдирдагина миллий валюта реал тўлов воситасига айланади. Биз миллий валютани ҳурмат қилишни, у билан фахрланишни, уни эҳтиёт қилишни ўрганиб олишимиз даркор. Валюта — ҳар бир фуқаро меҳнатининг ўлчови ва баҳосидир.

Бунинг учун қатъий молиявий-кредит сиёсатини изчиллик билан ўтказиш зарур. Биз ўз молиямиздан ишнинг кўзини билиб, эҳтиёткорона ва тежаб-тергаб фойдаланишимиз, унинг беҳуда сарфланиб кетишига йўл қўймаслигимиз зарур. Халқ хўжалигида сарфланган ҳар бир сўм салмоқли фойда билан қайтиши, эрганги кунга, республика истиқболига хизмат қилиши керак.

Корхоналар, тadbиркорлар давлатдан ўзлари оладиган маблағлар, кредитлар — еб кетарга бериладиган инъом эмаслигини аниқ англашлари лозим. Олинadиган маблағлардан самарали ва муайян мақсад йўлида фойдаланиш учун катта масъулият сезиш қатъий қонун бўлиб қолиши керак. Кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришмоқ даркор. Шу сабабли кредит бериш шартда корхоналар уларни олиш учун масъулиятни сезишлари, улардан ишлаб чиқаришни юксалтириш учун энг кўп самара билан фойдаланишга интилишлари лозимлиги кўзда тутилмоғи керак.

Тўртинчидан — миллий валютани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шarti — инфляцияга қарши бақувват, пухта ўйланган сиёсат ўтказишдир. Инфля-

ция даражасини кескин камайтиришгина миллий валютани барқарор валютага айлантира олиши мумкин. Бу ёш валютамик қувватли ва яшовчан бўлишининг гаровидир.

Сўм ўзининг юксак тўлов қобилиятини узоқ муддат давомида сақлаб қолган тақдирдагина миллий валютамик ўз қувватига ва обрўсига эга бўлади. Биз ўз “сўми” миз ана шундай қувватга эга бўлиб бораётганини ҳозироқ ҳис қилмоқдамиз. Инфляция сезиларли даражада пасайди. Ана шу ижобий тамойилни мустақкамлаш керак. Муомалага чиқарилган ҳар бир сўм муайян миқдордаги моллар ва хизматларда намоеън бўлиши, оила фаровонлигига хизмат қилиши қатъий қоидага айланиши лозим. Савдо корхоналарининг ишини тубдан яхшилаш зарур. Ҳозир уларнинг ҳаммаси хусусийлаштирилган. Ишни савдо ташкилотлари харидор учун ўзаро кураш олиб борадиган, харидор учун, унинг талабларини қондириш учун ишлайдиган қилиб йўлга қўйиш керак.

Биз пул миқдори товарлар ва хизматларнинг миқдори тегишли даражада ўсиши билан мустақкамланмаган ҳолда ортиб боришига йўл қўймаслигимиз керак. Бунга йўл қўйишга ҳаққимиз ҳам йўқ. Харид қилиш учун моллар етарли бўлмаган ҳолда аҳоли қўлида пулнинг ортқича кўпайиб кетиши аввало нархларнинг ошишига, инфляциянинг яна авж олишига олиб боради. Бунда гиперинфляция авж олишига олиб боровчи хатарли ҳодисалар занжири вужудга келиши хавфи туғилади.

Хусусан, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашда яккаҳокимлик мавжуд бўлган, нархлар эркинлаштирилган шароитда истеъмол бозорида уларнинг етишмаслиги, товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва савдо ташкилотларини нархларни оширишга ундайди. Натижада реал иш ҳақи пасаяди, аҳолининг харид қобилияти ва унинг амалдаги

истеъмол даражаси чекланади. Аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик мақсадида давлат аҳоли даромадлари нисбатини ўзгартириш, энг кам ва ўртача иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар миқдорини ошириш тадбирларини кўришга мажбур бўлмоқда. Тўловга қобил талаб ортиб бормоқда. Аммо истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш оширилмаса, бу талаб қондирилиши мумкин эмас. Моллар етишмаслиги, нархларнинг ўсиши давом этаверади, бу жараён кенгайиб, ҳалокатлироқ кўлам олиши мумкин. Бинобарин, ана шу ҳалокатли доира бўйича пойгани тўхтатиш юзасидан аниқ, кескин чоралар кўрилмаса, бу нарса узлуксиз такрорланаверади. Пул миқдорининг ва нархларнинг тобора ошиб бориши муқаррар равишда узоқ давом этадиган гиперинфляцияни келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тизгини қўлдан чиқиб кетишига, бутун ишлаб чиқаришнинг издан чиқишига, аҳоли кенг табақаларининг қашшоқланишига ва ижтимоий ларзаларга, яъни бутун иқтисодий тизимнинг барбод бўлишига олиб келади. Уни қайта тиклаш учун кейинчалик кўп йиллар ва жуда катта маблағ сарфлашга тўғри келади.

Шу сабабли ички бозорни мол билан тўлдиришда тақчиллик бўлиб турган ҳозирги босқичда истеъмол фондининг ўсишини ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматнинг моддий ҳажми кўпайишига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш зарур. Ислохотларнинг ҳозирги босқичидан мақсад ички бозорни моллар ва хизматлар билан тўлдиришни жадаллаштиришдир. Айни маҳалда, ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан, пул муомаласини тўғри йўлга қўйиш, яъни унинг ўринсиз пул билан тўлдирилишига йўл қўймаслик керак. Шундай бир оддий ҳақиқатни англаб олиш муҳимдир.

Ички бозорни моллар билан тўлдириш — миллий валюта барқарорлигининг ва аҳоли турмуш даражасини ўстиришнинг энг муҳим шартидир. Шу сабабли истеъмол фондининг ўсиши билан ишлаб чиқаришнинг ўсиши устидан назоратни таъминлаш лозим. Бунга риоя қилинмаса, гиперинфляция келиб чиқиши мумкин.

Нақд пул ва кредит эмиссиясининг ўсишига, аҳоли қўлида пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик биринчи даражали вазифага айланмоқда. Ажратилаётган пул миқдорининг қайтарилиши, маҳсулот тайёрлашнинг ўсишини таъминлаган корхоналарга кредитлар берилишига йўл қўймаслик учун имкони борича барча чораларни кўриш лозим.

Белгиланган тўртта дастурнинг амалга оширилиши миллий валютаамизнинг мустақамланишига, муқим валюталарга нисбатан унинг алмашув курсининг барқарорлашувига албатта ёрдам бериши керак.

Ўзбекистон иқтисодиёти сингари очиқ иқтисодиёт шароитида миллий валюта алмашув курсининг барқарорлашуви макроиқтисодий барқарорлик сиёсатининг муҳим йўналишидир. Валюта курси барқарор бўлса, импорт нархлари ҳам барқарор бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ички бозордаги нархларнинг умумий ўзгаришига яхши таъсир кўрсатади. Инфляцияни пасайтирувчи қудратли омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий валютанинг бошқа давлатлар валюталарига нисбатан алмашув курсини аниқ белгилаш мақсадида 1994 йил 15 октябрдан бошлаб биз Ўзбекистон Республика банклараро валюта биржасида мунтазам равишда валюта савдоларини ўтказаетирмиз. Валюта операцияларининг барча турлари учун валютага талаб ва таклиф натижасида шаклланадиган ягона алмашув курси белгиланган.

Валюта алмаштириш операцияларининг дастлабки босқичида биз Банклараро валюта биржасида валютани нақд пулсиз алмаштириш ҳажмини кўпайтиришга устунлик берганлигимиз муҳимдир.

Биржа савдосида барқарор валютага талабни қондириш учун маҳсулотни марказлаштирилган тарзда экспорт қилишдан тушган маблағлар, корхоналарнинг мажбурий тартибда Марказий банкка келиб тушадиган нақд валютасининг бир қисми, шунингдек, корхоналарнинг ўзига тегишли эркин валюта маблағлари чиқарилмоқда. 1994 йили валюта биржаси иш бошлаган пайтдан бери валюта савдосининг ҳажми беш баравар ошди.

Ҳозир Банклараро валюта биржасидаги оборот миқдорини ҳар қандай корхона ёки фуқаро хоҳлаган вақтида, хоҳлаган миқдорда ўз пулини эркин алмаштириладиган валютага айирбошлаш ёки эркин алмаштириладиган валютани сўмга айирбошлаш имкониятини берадиган даражага етказиш вазифаси қўйилаётир. Шу мақсадда маҳсулотимизни экспорт қилишни кенгайтириш юзасидан қабул қилинган чоралар билан бир қаторда Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки билан Ўзбекистонга институционал ва реабилитация қарзлари бериш ҳақида битимлар имзоланди. Бу тадбирлар 1995 йилдаёқ Ўзбекистон Республика валюта биржасининг умумий оборотини 1,5 миллиард АҚШ долларигача етказиш имконини беради.

1995 йил апрелидан валюта савдосини ҳафтасига камида икки марта, кейинчалик эса, бундан ҳам кўпроқ марта ўтказишга қарор қилинди. Валюта биржаси қатнашчилари таркибини янада кенгайтириш сиёсати давом эттирилади.

Белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши валютаимизнинг алмашув курси барқарорлашувига, унинг қуввати ва обрўси ошуви-

га сўзсиз ижобий таъсир кўрсатади. Миллий валюта кучли бўлган тақдирдагина иқтисодиёт ҳам бақувват бўлади. Шунинча бир бор эслатиб ўтишни истардим.

2.4. ЧУҚУР ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ЭРИШИШ — БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида — иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишида туб ўзгаришларга асос солишдан иборат ғоят муҳим вазифани ҳал этиш керак бўлади. Бу — республика учун стратегик аҳамиятга эгадир. Таркибий тузилишида чуқур ўзгаришларни амалга ошириш макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсиштини ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир.

Бизга издан чиққан, хом ашё етиштиришга қаратилган, чуқур ҳудудий номуносивбликларга ҳамда асосан маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш базасига эга бўлган, ортиқча марказлаштирилган иқтисодиёт нақадар оғир аҳволда мерос қолганлигини ҳаммамиз биламиз. Шу сабабли илгариги чалкашликлардан узил-кесил халос бўлиш, чинакам мустақиллик ва иқтисодий эркинликларга эга бўлиш учун биз таркибий тузилишларни ўзгартириб, уларни қайта қуришимиз шарт.

Хом ашё етиштиришга мўлжалланган иқтисодиётимизнинг бир томонламалигини қатъиян бартараф этиш, тармоқ тузилишини тубдан ўзгартириш, “умумиттифоқ миқёсида иқтисослаштириш” шиори остида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл қўйилган номуносивбликни

тугатиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш вазифаси қўйилаётир.

XXI аср бўсағасида таркибий тузилиш сиёсати Ўзбекистоннинг тамомила янги халқ хўжалик комплексини бунёд этишга қаратилган. Бу комплекс республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги учун гаров бўлиб, республикамиз халқига муносиб турмуш шароитини яратиб беради.

Бу мақсадга эришмоқ учун иқтисодиётимизнинг тармоқ ва ҳудудий тузилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибини экспорт ва импортимиз таркибини қайта қуриш талаб қилинади. Шунингдек, биринчи навбатда энг муҳим макроиқтисодий ва такрор ишлаб чиқариш нисбатларини жиддий тарзда тартибга солиш зарур бўлади. Оқибат-натижада биз ишлаб чиқариш манфаатларига ҳам, аҳоли манфаатларига ҳам мос келадиган иқтисодиётни қайта тиклаш структурасида энг мақбул мутаносибликка эришмоғимиз лозим.

Тармоқ тузилиши жиддий ўзгаришларга муҳтож. Қисқа муддатларда тубдан ўзгариш ясаш ғоят мураккаб ва бу нарса жуда катта сармоя талаб қилиши равшан. Аммо бутуннинг ўзидаёқ биз халқ хўжалигимизнинг йўналишини республика эҳтиёжларига, аҳоли талабларига қаратиш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлашимиз лозим. Бу йўналишда ҳозирданоқ дастлабки қадамлар қўйилди. Бу соҳадаги ютуқларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш зарур.

Ҳудудлардаги таркибий тузилишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси, туманларнинг табиий, ресурс ва меҳнат имкониятларидан тўла ва етарли даражада самарали фойдаланилмаётир. Бизда шу пайтгача ишлаб чиқариш базаси яхши ривожланма-

ган, қолоқ инфраструктурага эга бўлган кўлгина шаҳарчалар ва қишлоқлар бор.

Иқтисодиётнинг ички тузилишини қайта қуриш деганда, талабни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини ўзгартиришигина эмас, балки айни вақтда сифатни оширишни, маҳсулот тайёрлашга кетадиган жами харажатларни камайтиришни ҳам тушуниш керак. Бинобарин, ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши ўзгариши, устувор тармоқларнинг тезроқ ривожланиши, албатта, норентабел корхоналарни тугатиш, рақобатга бардош бера олмайдиган маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар ихтисослашувини ўзгартириш ишлари билан қўшиб олиб борилиши керак. Ишнинг бу жиҳати янги корхоналар барпо этишдан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эгадир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида таркибий тузилиш сиёсатини ишлаб чиқар эканмиз, биз ўз ихтиёримиздаги ғоят бой табиий маъдан-хом ашё, меҳнат ресурсларига мустаҳкам таянишимиз, улардан энг самарали фойдаланишни ҳисобга олишимиз лозим. Бу сиёсат натижасида ҳал этиладиган устувор вазифаларни танлаб олишга асосланишимиз керак.

Иқтисодиёт тузилишидаги ўзгаришлар қуйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқдир:

биринчидан, бошқа мамлакатлардан хом ашё ресурслари энг муҳим турларининг, бутловчи маҳсулотларнинг ва озиқ-овқат маҳсулотларининг олиб келинишини қисқартириб, ана шу маҳсулотлар ўрнини босадиган корхоналарни ривожлантириш асосида республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш;

иккинчидан, ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига маҳсулотларнинг ва халқ истеъмоли молларининг ҳаётий муҳим турларига аҳолининг ва умуман халқ ҳўжалигининг талабларини қондириш;

учинчидан, иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ишлашини таъминлаш;

тўртинчидан, иқтисодиётнинг хом ашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бар тараф этиш, ғоят бой маъдан-хом ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқурроқ, мукамалроқ ишлашни ташкил этиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бутлик даражасини ва рақобатбардошлигини ошириш;

бешинчидан, республиканинг экспорт имкониятини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларда тўлов балансининг ижобий бўлишига эришиш; олтин-валюта захирасини мустаҳкамлаш;

олтинчидан, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат қилишнинг янги технологияларга, халқнинг тарихий анъаналари ва удумларига мос келадиган соҳаларини барпо этиш;

еттинчидан, тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бар тараф этиш, республика ҳудудида ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва оқилона жойлаштириш.

Иқтисодиётимизни замонавий бозор талабларига мувофиқ тарзда самарали қайта қуриш учун биз қуйидаги саволларга аниқ жавоб топишимиз керак:

— биз учун бутун иқтисодиётнинг қайси йўналишлари, қайси тармоқлари ва ишлаб чиқаришлар устувор бўлиши керак, куч-ғайратларимиз, барча воситаларимиз ва ресурсларимиз қайси соҳаларни ривожлантиришга қаратилиши лозим;

— ячки ва ташқи бозорларда талаб қилинадиган маҳсулотларни қайси маблағлар, қандай манбалар ҳисобидан ишлаб чиқариш мумкин;

— маҳсулотимизнинг рақобатбардошлигини қай тарихқа таъминлаш мумкин.

Бу саволларга жавоблар бизга ижтимоий тараққиёт йўлини, ишлаб чиқаришга замонавий фан-техника ютуқларини, бошқарувнинг илғор шакллари ва усулларини кенг кўламда жорий этиш, жаҳон иқтисодиёти тизимига дадил қадамлар билан кириб бориш ва унда муносиб ўринни эгаллаш учун йўл очиб беради.

Белгиланган вазифаларга биноан ислохотнинг иккинчи босқичида иқтисодиёт соҳасидаги ички силжишларнинг асосий йўналишлари — республиканинг энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни, бутун-бутун мажмуаларни жадал ривожлантиришдир. Шунингдек, жуда қисқа муддат ичида мавжуд маъдан-хом ашё ресурсларидан ва қишлоқ хўжалик хом ашёси ресурсларидан тайёр рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ тармоқлар ва корхоналар имкониятини оширишдан иборатдир. Айни вақтда анъанавий иқтисосдаги ишлаб чиқаришлар ҳам замонавий технология ва ускуналар билан қайта таъминлаш асосида бир меъёردа ривожлантирилиши лозим.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида халқ хўжалигининг такрор ишлаб чиқариш структурасини тубдан ўзгартириш керак бўлади. Биз такрор ишлаб чиқариш структурасини ўзгартирмасак, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ғоят жиддий эътибор бермасак, маҳсулот тайёрлашга кетадиган материаллар миқдорини камайтиришга қатъият билан эришмасак, ресурсларни тежаш сиёсатини ўтказмасак, ҳеч қачон дефицит балосидан қутула олмаймиз.

Янги босқичда истеъмол билан жамғарма фондлари ўртасида энг мақбул мутаносибликни таъминлаш, умумиқтисодий барқарорлик ва янада ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун зарур шароит

яратиш муҳимдир. Истеъмол фондининг энг мақбул даражасига эришиш — ички бозорда талаб билан таклиф ўртасида мутаносибликка эришишда, яъни чиқариш пул миқдори билан унга сотиб олинган моллар салмоғи ўртасида тўғри нисбатни таъминлашда ғоят катта роль ўйнайди. Шу сабабли давлат энг муҳим макроиқтисодий такрор ишлаб чиқариш нисбатларини энг мақбул тарзда тартибга солиб туриш омилини тезроқ эгаллаб олиши даркор.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида структура сиёсатини амалга оширишда тармоқлар тузилишини қайта қуришга ва, аввало, базавий тармоқларни жадал ривожлантириш билан боғлиқ соҳаларни қайта қуришга алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Республика ўз тараққиётида асосан ўз кучларига таянишга мажбур эканлигини ҳисобга олганда, ҳаётнинг ўзи ҳозир биринчи навбатда энг муҳим ўзак тармоқларни — нефть ва газ саноатини, энергетикани, олтин қазиб олиш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқларини, коммуникация ва инфраструктура тизимини ривожлантиришни талаб қилади.

Ўзак тармоқларни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг энг асосий шартидир. Ўзак тармоқларнинг жадал ривожланишини таъминласак, бунинг учун сармояларнинг зарур манбаларини қидириб топсак, — фақат шу нарсагина бутун иқтисодиётнинг жадал ривожланиши учун мустаҳкам асос ва қулай шароит яратади.

Республика энергетика мустақиллигига эришган тақдирдагина тўла мустақил бўлади. Сўнгги пайтларгача биз ҳаётини муҳим бўлган нефть, нефть маҳсулотлари ва бошқа энергия ресурсларини четдан, асосан МДҲ мамлакатларидан ташиб келишга мажбур эдик.

Эндиликда аҳвол ўзгараётир. Нефть, табиий газ қазиб олиш ҳажми кўпайди. Нефть маҳсулотлари —

мазут, дизель ёнилғиси, нефть мойини ўзимизда ишлаб чиқариш ҳажми анча кенгайди. Янги нефть конлари — Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конлари умидли истиқбол очмоқда. Уларни жадал ўзлаштириш зарур. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш ишларини фаол олиб бориш лозим. Янги Ангрен ва Толлимаржон ГРЭСлари қурилишини ниҳоясига етказиш, шунингдек, кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш вазифаси қўйилаётир. Республикадаги ёқилғи балансида табиий газ ва бошқа нисбатан арзон энергия ресурсларини қазиб олиш устун мавқеани эгаллаши керак.

Шу билан бирга энергияни тежаш, кам энергия сарфланадиган ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш соҳасида изчил сиёсат ўтказиш талаб қилинади. Бу эса ёқилғи-энергетика комплексини мўътадил ривожлантирган ҳолда иқтисодийнинг прогрессив структура ўзгаришларини таъминлаш имконини беради.

Металлургия комплексига структура сиёсати рангли металлларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилиши лозим. Рангли металллар валюта тушумининг энг муҳим манбаидир. Шунингдек, МДХ мамлакатларидан ҳозирги пайтгача олиб келинаётган маҳсулот турлари — электр ёрдамида пайвандланадиган қувурлар, латун, бронза ва бошқаларни ишлаб чиқариш кўпайтирилиши муҳимдир.

Иккиламчи хом ашё — темир-терсак парчалари асосида ишлайдиган ҳамда Ўрта Осиё худудида қора металл ва металл маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бирдан-бир корхона бўлган Бекобод металлургия комбинатини тубдан таъмирлаш эндиликда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кимё саноатини ривожлантириш асосан, экологик жиҳатдан мусоффо ишлаб чиқаришни таъминлаган ҳолда, ўз ресурсларимизни тўла-тўқис ўзлаш-

тириш негизида амалга оширилиши лозим. Бутун кимё комплексини тубдан қайта қуриш, уни техника билан тамомила янгидан қурулантириш зарур.

Ўзбекистонда таркибида кўплаб хушбўй углеводород бўлган табиий газ ресурслари, уни қазиб олиш учун ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Шунингдек ҳисобга олиб, улар негизида ички ва ташқи бозорда кўплаб талаб қилинаётган полиэтилен, полипропилен, полистирол ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқарилган йирик комплекс барпо этиш зарур. Иқтисодий мустақилликка эришиш мақсадида, шунингдек, капролактан, капрон иплари, штапель толасини қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ҳам кўзда тутилади.

Фан ютуқлари кенг кўламда жорий этиладиган ишлаб чиқаришларни муттасил ривожлантириш ва уларнинг ролини ошириш тармоқ таркиби сиёсатида жуда муҳим устувор йўналишдир. Фан ва техника ютуқлари кенг кўламда жорий этиладиган саноат тармоқларини ривожлантириш йўли стратегик вазифани — жаҳон бозорида Ўзбекистон мавқеини мустақамлаш, республиканинг иқтисодий ва технологик мустақиллигига эришиш вазифасини ҳал этади.

Ўзбекистондаги мавжуд ривожланган фан-техника салоҳияти, бақувват тажриба ва ишлаб чиқариш базаси Марказий Осиёдаги бошқа бирор мамлакатда йўқ. Биз бу салоҳиятни республика ва халқ манфаатларига хизмат қилдиришимиз зарур.

Машинасозлик соҳасида республика пахтачилик комплекси учун машина ва механизмлар ишлаб чиқаришга асосланувчи қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантириш — тармоқ ихтисослашувининг энг муҳим йўналиши бўлиб қолиши керак. Биз пахтачилик учун чигит экиш, ғўзага ишлов бериш ва пахта териш техникасини ташқаридан олиб келиш

йўлини тута олмаймиз. Чунки бундай техникани бутун дунёда фақат иккита мамлакат — АҚШ ва Ўзбекистон ишлаб чиқаради.

Машинасозлик комплекси хом ашё ва бутловчи маҳсулотларни ташқаридан ташиб келтиришга юқори даражада қарам бўлган тармоқларда ишлаб чиқариш кўламларини қисқартириш вазифаси қўйилган. Маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш учун машина ва механизмлар, енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология ускуналари, янгидан вужудга келтирилаётган фермер (деҳқон) хўжаликлари ва хусусий ёрдамчи хўжаликлар учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Шунингдек, мураккаб рўзгор техникаси ва халқ истеъмоли молларининг бошқа турларини ишлаб чиқарувчи моддий базани кенгайтириш масаласи қўйилмоқда.

Ўзбекистоннинг истиқболи самолётсозлик ва республика учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноати, радиоэлектроника, электротехника соҳасининг ривожланишига боғлиқдир. Шунингдек нефть кимёси ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноати учун ускуналар, қишлоқ учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни таъминловчи бошқа прогрессив тармоқлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳам муҳим. Буларнинг ҳаммаси жаҳон бозорига чиқиш омиллариدير.

Тармоқ структура сиёсатининг ана шу ғоят муҳим йўналишларини ривожлантириш, бунинг учун тегишли сармояларни қидириб топиш — бундан бунёнги иқтисодий ўсишнинг муҳим манбаидир. Давлат ана шу устувор йўналишларни қўллаб-қувватлаши зарур. Республикада бу соҳаларни ривожлантириб, такрор ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ўзак бўладиган инфраструктуранинг иқтисодий тараққиётини таъминлайди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида структуравий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналиши — қишлоқ хўжалигида ва умуман агросаноат комплексига чуқур прогрессив силжишларга эришишдир. Бу силжишлар озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал этишга, қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқурроқ қайта ишлашга ва қишлоқларда кичик корхоналар барпо этишга, қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги таркибини ўзгартириш сиёсати зоналар ихтисослашуви шароитларига мувофиқ экин майдонлари таркибини энг мақбул ҳолга келтириш йўли билан амалга оширилади. Ўзақ тармоқлар қаторига пахта билан бирга ғаллачилик ва картошкачиликни қўйиш керак. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибини қайта қуриш Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик экинлари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштиришни жадал ривожлантириш учун шароит яратади. Айни маҳалда республикани дон ва ем, маргарин маҳсулотлари, истеъмол спирти ва энг муҳим товарларнинг бошқа турларини импорт қилишдан холи этиш имконини беради.

Ем-хашак етиштириш соҳасида ўз базамизни анча мустақкамлаш ва ем, соя ва бошқа компонентларни четдан келтиришни қисқартириш зарур. Бу эса, аввало гўшт ва сут маҳсулоти етиштиришни барқарорлаштириш, сўнгра эса, уларни етиштириш ҳажмини кўпайтириш имконини беради.

Қайта ишловчи тармоқларни техника билан тубдан қайта қуrolлантириш, уларни замонавий техника ва технология билан таъминлаш, сифатли ва рақобатбардош истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг тўла-тўқис, тугал технология занжирларини барпо

этиш ғоят муҳим стратегик вазифадир. Қишлоқ хўжалик ресурсларининг энг муҳим турлари, пахта, пилла, каноп, мева ва сабзавот, узумнинг мукамал қайта ишланишини таъминлашга, енгил саноатнинг бу билан боғлиқ тармоқларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Республикада етиштирилдиган пахта толасининг 28—30 фоизини қайта ишлашга эришиш вазифаси қўйилмоқда. Туршак, майиз, мева қоқи, сабзавот қоқи тайёрлашни анча кўпайтириш мўлжалланмоқда. Болалар таоми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

Янги қайта ишловчи қувватларнинг барпо этилиши кўп меҳнат талаб қиладиган ип йигириш, тўқиш ва пардозлаш тармоқларини, трикотаж, тўқимачилик саноатини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар хилини кенгайтириш учун кенг имкониятлар яради.

Биз хом ашё, арзон яримфабрикатларни эмас, балки ҳамманинг дидига ёқадиган замонавий тайёр маҳсулотларни сотишни ўрганмоғимиз лозим.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири — ерларнинг унумдорлигини оширишдир. Шу сабабли қишлоқда сармойани асосан ерларни таъмирлашга, янги суғориладиган ерларни ўзлаштиришга, уларнинг агрокимёвий ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ирригация, коллектор-дренаж шохобчаларини ривожлантиришга қаратиш лозим. Инвестицияларни ҳам биринчи навбатда қишлоқ жойларга йўллаш зарур. Ерларимиз унумдор бўлса, уларда мўл ҳосил етиштирилса, ана шу ерларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан шурулланиш учун чет эл сармойлари ҳам келаверади.

Ўтиш даврида иқтисодиётни барқарорлаштириш ва жадал ривожлантириш муаммосини ҳал этишда ишлаб чиқариш инфраструктурасининг муҳандислик коммуникациялари, транспорт ва алоқа тизими сингари тармоқларини устувор ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Коммуникациялар тизими ҳақида гапирганда, Ўзбекистон географик мажмуининг ўзига хослиги, портларга ва энг катта транспорт узелларига чиқиш йўлининг йўқлиги туфайли транспорт тармоқлари ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари устувор, стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этишини таъкидламоқ даркор.

Инфраструктура комплекси — иқтисодиётимизнинг бутун структураси таянадиган пойдевордир. Республика бутун халқ ҳужалик комплекси ишининг уйғунлиги, унинг самарадорлиги, шунингдек, чет эл сармояларини жалб қилиш ва ўзлаштириш имконияти бутунлай инфраструктура тизими ривожининг ҳолатига ва даражасига боғлиқдир. Айни шу ишлаб чиқариш инфраструктураси, аввало, транспорт ва алоқа молларимиз ва хизматларимизнинг ташқи бозорга чиқишини таъминлайди, уларнинг рақобатбардошлилигига таъсир қилади, айни вақтда зарур ахборот, хом ашё, бутловчи, замонавий технология ва ускуналарнинг келтирилишида омил бўлиб хизмат қилади.

Шу сабабли биз ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоқларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашимиз, моддий, молиявий ва валюта ресурслари чекланганлигига қарамай, уларни ривожлантиришга аямасдан сарфлашимиз керак. Бу тармоқларга чет эл сармоялари жалб қилинишига имкони борича ёрдам беришимиз лозим. Яқин вақтлар ичидаёқ биз телекоммуникация шохобчаларини ва алоқани ривожлантириш бўйича халқаро стандартлар талаби

даражасига етиб олишимиз шарт. Коммуникациялар тизими ривожлантирилмаса, Ўзбекистоннинг истиқболи бўлмайди. Биз буни яхши англаб олишимиз лозим.

Республика истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва sanoat моллари билан тўлдириш мақсадида иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш — таркибий ўзгаришларнинг устувор вазифасидир. Меҳнат кўп талаб қилинадиган ва хизмат кўрсатиш соҳалари, қишлоқ жойларда кичик корхоналар ташкил этилса ва тез ривожлантирилса, тадбиркорлик рағбатлантирилса, хунармандчилик-косибчилик ва халқ бадиий устачилиги қайта тикланса, республика учун фоят муҳим муаммо ҳал этилади. Яъни меҳнат ресурслари юксак даражада ўсиши билан иш жойлари мавжудлиги ўртасидаги мутаносиблик таъминланади. Айни маҳалда ҳамманинг дидига ёқаيدиган истеъмол моллари ва хизматлар кўлами ва турини анча кенгайтириш учун ҳам имкон яратилади.

Ноишлаб чиқариш соҳасидаги таркибий сиёсат соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданиятнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқларда турмуш фаровонлиги даражасини ошириш, уларни газлаштириш ва сув таъминотини, айниқса, қишлоқ жойларда яхшилаш вазифасини ҳал этишга бўйсундирилиши лозим.

Республика аҳолисини тайёр дори-дармонлар билан тўлароқ таъминлаш учун камёб дори-дармонларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун фармацевтика sanoatини жадалроқ ривожлантириш талаб қилинади. Ҳозир Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида энг камёб дори-дармонлар, вакциналар ва зардоблар ишлаб чиқарадиган бирдан-бир республика бўлиб, бу дори-дармонлар жаҳон бозорида ҳам обрў қозонмоқда.

Чет эл туризми республика иқтисодиётининг етакчи тармоғига, унинг валюта тушумларини тўлдирадиган муҳим манбага айланиб бормоқда. Шу сабабли шинам меҳмонхоналар, кемпинглар қурилишини бундан буён ҳам амалга оширавериш, туризмнинг ривожланган инфраструктурасини шакллантириш, сайёҳлар борадиган жойларни обод қилиш билан ҳам шуғулланавериш керак. Миллий-тарихий ва маданият ёдгорликларини таъмирлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу эса ажнабий сайёҳларни жалб этиш учунгина эмас, балки аввало халқ қадриятларини қайта тиклаш, ёш авлодни тарбиялашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Структура сиёсатини амалга оширишда унинг худудий жиҳати ҳам муҳимдир. Чунки иқтисодий жиҳатдан унча ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни энг мақбул тарзда жойлаштириш йўли билангина уларга қўшимча сармоялар жалб қилиш имкони яратилади. Шундагина одамлар турмуш даражасида вужудга келган худудий номутаносибликни бартараф этиш, ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан ҳар томонлама ва самарали фойдаланишни таъминлаш мумкин.

Иқтисодиёт таркибининг қайта қурилиши фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан чамбарчас боғлиқдир. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш — ислохотлар стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодиёт тузилиши қайта қурилишининг белгиланган йўналишлари, экспорт имкониятининг кенгайтирилишига бақувват инвестиция сиёсатини ўтказиш йўли билангина эришиш мумкин. Бунинг учун ўз сармояларимизни ҳам, ташқи кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарур.

Ташқи инвестицияларни, шу жумладан чет эл сармоясини кенг кўламда жалб қилиш ҳозирги кунда халқ хўжалиги таркибини қайта қуриш мақсадларига эришишнинг зарур шарти бўлиб қолди. Чет эл сармоясини жалб қилишни бевосита инвестициялар тарзида ҳам, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз берувчи мамлакатларнинг инвестиция ёки молиявий кредит ресурслари шаклида ҳам амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Биз махсус инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун чет эл сармоясини жалб қилишга алоҳида эътибор берамиз.

Ҳозир кўплаб чет эл фирмалари ва компаниялари биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирмоқдалар. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланишни ўрганиб олишимиз зарур. Мамлакатга янги технологияларни олиб келиш, харажатлар ўрни тезда қопланиб кетадиган кичик корхоналар қурилишини фаоллаштириш зарур. Ана шу устувор вазифаларни амалга ошириш учун чет эл сармояларига нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, олинган даромадларни эркин алмаштириш механизмини такомиллаштириш, кафолатларни кучайтириш йўлини ўтказишимиз зарур.

Мақсадга эришишнинг истиқболли йўлларида бири — чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этишдир. Яна бир бор такрорлайманки, ажнабий шериклар билан алоқа ўрнатмаган корхона ёки тадбиркорнинг истиқболи унча порлоқ эмас.

Айни вақтда ишлаб чиқаришни таркибини қайта қуришнинг бош вазифасини бажаришга эришмоқ учун биз фақат чет эл сармоясига ишониб қололмаймиз. Ўз резервларимиз ва сармоя манбаларимизни қидириб топиш ва сафарбар этиш талаб қилинади.

Бунда фойдаланилмаётган имкониятларимизга ғоят жиддий эътибор беришимиз лозим. Ишлаб чиқарилаётган ялпи миллий маҳсулотнинг каттагина

қисми истеъмолга ажратилиб, жамғариш муаммоларига ҳам эътибор берилаётир. Ҳозирги мураккаб шароитда бундай аҳволни тушунса бўлади, лекин бу яқин келажақдаги сиёсат бўла олмайди. Биз шуни аниқ билиб олишимиз керакки, жамғармаларсиз истиқбол йўқ. Жамғармалар бўлмаса, ишлаб чиқариш ривожлантирилмаса, биз бир жойда депсиниб тураверамиз.

Бу соҳадаги аҳвол-руҳия, бу масалага корхоналарнинг муносабати жиддий ўзгартирилиши зарур. Эртанги кунни ўйламасдан, эртанги кун учун зарур захира вужудга келтирмасдан, фақат бугунги кун билан яшаш — истиқболсиз ҳаётдир.

Биз ўз мамлакатимизда ва ўзимиз учун зарур жамғармаларни тўшлаб олганимиздан кейин ва жамғармалар етакчи, аввало, ўзак тармоқларни ривожлантириш учун сармоя манбаи сифатида хизмат қила оладиган бўлган тақдирдагина чет эл сармоялари кела бошлайди. Одатда, чет эл сармоялари тез фойда келтирадиган соҳага сарфланади. Ажнабий сармоядорлар биз учун муҳим бўлган таркибий ўзгаришларга оид муаммоларни ҳал этишга, катта фойда келтирмайдиган, лекин республика ҳаётини таъминлаш учун фоят зарур бўлган тармоқ ва корхоналарни устувор ривожлантириш учун кўшлаб сармоя сарфлашга унча қизиқмайдилар. Шу сабабли биз иқтисодий мустақилликни таъминлаш мақсадида ўзак тармоқларни ривожлантириш учун ўз сармоя манбаларимизни қидириб топишимиз шарт.

Шу боис иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири — ишлаб чиқаришга ва бошқа тадбирларга сармоя сарфлаш мақсадларига қаратилган маблағлардан солиқ ундиришнинг имтиёзли, рағбатлантирувчи тизимини жорий этиш ҳисобига корхоналар ва аҳоли инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг бақувват механизмини вужудга келтиришдан иборатдир.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида яхлит ва аниқ бир мақсадга қаратилган таркибий сиёсатни ўтказиш, бу сиёсатни зарур сармоялар билан мустаҳкамлаш вазифаси қўйилган. Бу яқин вақтлар ичидаёқ қишлоқ хўжалик ва маъдан-хом ашё ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланишда туб бурилишларга эришиш учун шароит яратади. Республикада анъанавий тармоқлар билан бир қаторда ихтисослашишнинг нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш, автомобилсозлик, электроника, приборсозлик, чет эл туризми, галлакорлик ва ем-хашак етиштириш сингари кўпгина янги тармоқларини вужудга келтириш имконини беради.

Саноатни ривожлантиришнинг белгиланган йўналишлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги таркиб ўзгаришлари, коммуникациялар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини, умуман ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш билан қўшилиб, иқтисодийнинг мутаносиб ишлаши, аҳолининг иш билан бемалол таъминланишига эришиш, халқ фаровонлигини ошириш учун зарур шароитлар яратади.

Шу сабабли энг асосий вазифа — ўтиш даври давомида бутун халқ хўжалиги структурасини чуқур қайта қуришдан иборатдир. Шундай бир структура-ни вужудга келтириш зарурки, бу структура барча ресурсларимизни ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконини берсин.

2.5. МАҚСАДИМИЗ — КУЧЛИ ИЖТИМОЙ КАФОЛАТНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ

Ўзбекистонда ўтказилаётган, туб иқтисодий ислохотларда ўз аксини топаётган иқтисодий сиёсат пировард натижада демократик ўзгартиришлар қи-

лиш, кучли суверен ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун мустақкам моддий негизни яратишга йўналтирилгандир. Мақсадимиз — демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бу бизнинг эзгу орзуимиз, стратегиямиздир. Миллий тикланиш ҳамда ривожланиш умумий мафқурасининг ва кенг қамровли дастурининг моҳияти шундадир.

Демократик жамиятни қуриш кўп миллатли Ўзбекистон халқи манфаатларига тўла мос тушади. Бу халқ ўзининг эрк, бахт-саодат, фаровонлик тўғрисидаги орзуларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотлар билан борлайди. Биз бу ишончни оқлашимиз даркор. Чинакам эркин фуқаролар давлатини қуришга интиляпмиз.

Ў Барча ислоҳотлардан кўзланган мақсад, охиروқибат, нимадан иборат? Янгиланган демократик жамият биноси, энг аввало, ким учун бунёд этиляпти? Ўз халқимиз, ўз фарзандларимиз учун, албатта.

Ў Ислоҳотларни амалга ошириш, туб тизим ўзгартиришлари қилиш қуруқ мақсад эмаслигини бир неча бор таъкидлаб ўтдик. Бу ислоҳотлар халққа нима бериши муҳимдир. Кишилар ҳаётида яхшилик томон қандай ўзгаришлар бўлиши, уларнинг ҳаёти қанчалик тўқ, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини нақадар чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнатининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлиши муҳимдир.

Шунинг учун жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суверен Ўзбекистоннинг фуқароси туради. Ислоҳотларнинг мазмуни айни ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъдодини намоён этишига, шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган. Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришлар айни мана шу олди мақсадга эришишга — ҳар бир кишининг ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий жиҳатдан бойроқ қилишга бўйсундирилган.

Бошқа томондан қараганда, ислоҳ қилиш жараёнларининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, олға босиши ҳамда натижадорлиги муайян шахслар, муайян одамларга бутунлай боғлиқдир. Ислоҳотларимиз муваффақияти, мамлакатимизнинг яқин келажакдаги истиқболи шу шахслар қандай бўлишига, қанақа маънавий-маданий ва ахлоқий қадриятларни шиор қилиб олишига боғлиқ бўлади.

Шу боис биз умум эътироф этилган демократик қоидалар ҳамда тартибларни халқимизнинг туб ахлоқий қоидалари билан уйғун тарзда қовуштира оладиган давлатни бунёд этишга интилаяпмиз. Биз барпо этаётган демократик давлат халқимизнинг маънавий-руҳий дунёсини имкони борича тўда ҳисобга олиб иш юритмоғи лозим. Юксак маънавийлик ва ижтимоий адолатни нозик ҳис этиш, маърифатли ва маълумотли бўлишга интилиш халқимизга хос хусусиятлардир. Бу хусусиятлар кўп жиҳатдан Шарқ фалсафаси, ислом фалсафаси таъсирида шаклланган бўлиб, уларни ривожлантиришга ўзбек халқи бебаҳо ҳисса қўшганлигини ҳамма эътироф этади.

Мустақиллик қўлга киритилгач, ўз давлатчилигимизни шаклантиришда маданиятимиз сарчашмаларига, ҳали чуқур ўрганишни тақозо этувчи улкан маънавий меросимизга мурожаат қилиш, бағоят бой тарихий ўтмишимизда мавжуд бўлган барча эзгуликларни юзага чиқариб, ривожлантириш борасида тарихий имкониятлар очилди. Шарқ цивилизацияси ютуқларини, ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлигини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз даркор. Бу қадимий халқимизнинг маданиятини, турмуш тарзини, урф-одатлари ҳамда анъаналарини яхшироқ билиб олишимизга имкон яратади. Буюк аждодларимиз бўлмиш мутафаккирлар, олимлар, гўзаллик ижодкорларининг биз учун янги бўлган номлари ва асарларини

миллий маънавиятимиз хазинасига қайтариш муқаддас вазифамиздир.

Маънавиятни мафкуравий ақидалардан халос қилиб, миллий ўзлигини англашни тиклаш, ҳур фикр, миллий мафкурани шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун кенг йўл очиб олдик. Эндиги асосий вазифа одамларимизнинг ана шу билимлар билан бойиб, маънавий жиҳатдан юксалишига, ўзлари ўз ҳаётларини яхши томонга ўзгартира олишларига бўлган ишончни мустаҳкамлашдан иборат.

Миллатимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ютуқларини тиклаш, сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида бундан буён ҳам тинмай ғамхўрлик қиламиз. Бу ғамхўрлик Ўзбекистон халқининг маданий ўзига хослиги серқирра бўлишининг кафолати, демократик ўзгаришлар кафолати бўлиб хизмат қилади.

Давлат қурилиши, иқтисодий ривожланиш жараёнлари маънавий камолот, юксак ахлоқийлик билан тўла уйғун бўлмоғи керак. Биз ўз сиёсатимизни шунга мослаб қурамиз ва уни изчиллик билан рўёбга чиқарамиз. Ишонч-эътиқод бўлмаган жойда ташаббускорлик ҳам, бунёдкорлик фаолияти ҳам бўлмайди.

Демократик ўзгаришлар моддий ва маънавий соҳалардаги тинимсиз кундалик меҳнат натижасида қўлга киритилади. Аҳоли демократик ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини англабгина қолмай, балки уни чинакам эркинлик, мустақиллик ва фаровонликка эришишнинг ягона йўли сифатида қабул қилишига ҳам эришиш зарур.

Чинакам демократизм қонунларнинг қай даражада устунлиги билан, ҳуқуқ ва эркинликлар қанчалик кенг берилгани, ижтимоий кафолатлар кучи билан белгиланади. Ҳар қандай давлат, айниқса, чинакам демократияга интилаётган давлат ўз халқи ман-

фаатларини, ўз фуқароларининг ор-номуси ва қадр-қимматини, уларнинг ҳаёти ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлмоғи даркор.

Ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш — ислоҳотларни ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий таянч бўлади, улар муқаррарлигининг гарови бўлиб хизмат қилади.

Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интилаяпмиз. Адолатта интилиш — халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик гоёси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак.

Жамият ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга ажралиб кетишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Аҳолининг ёрдамга энг муҳтож қатлами — болалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ишларини мададга ҳақиқатан муҳтожларни аниқлаб амалга ошириш зарур. Шу боис ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ижтимоий кўмаклашув тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмини шакллантириш йўли давом эттирилади. Муайян моддий ёрдам аниқ оилаларга етиб бориши, бироқ бу муайян кишиларга мўлжалланган табақалаштирилган ёрдам бўлиши ва мураккаб ўтиш даврида ҳақиқатан ҳам бусиз кун кечиролмайдиганларга бориб тегиши даркор.

Ҳозирги пайтда аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатишнинг асосий қойдалари ва йўллари ишлаб чиқилган.

Жамоатчилик ғоялари, жамоа манфаатларининг бирлиги, кўпчилик фикрининг устуңлигига асосланиш — жамиятимизнинг муҳим хусусиятидир. Шу боис жамиятни демократиялаш тизимида, унинг асосий қоидаларини, энг аввало ижтимоий адолатни рўйбга чиқаришда маҳалланинг роли ғоят каттадир. Ҳозирги вақтда оилаларнинг ҳақиқий моддий аҳволини, уларнинг маънавий ва маданий қизиқишлари доирасини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган бошқа тузилма йўқ. Маҳалла ҳозир халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб қолди. У жамиятимизда ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айланиши даркор.

Шу боис ўта муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини бундан буён ҳам бутун чоралар билан ошириш, уларни зарур моддий воситалар билан ишончли даражада мустаҳкамлаш лозим. Давлат ушбу ўта муҳим ижтимоий масалани ҳал этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бутун чоралар билан кўмаклашиши ва ёрдам кўрсатиши керак.

Шу билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятида, бугунги кунда эътироф этилган ҳокимликлар фаолиятида ижтимоий йўналишни кучайтириш зарур. Бугунги кунда айни ҳокимликлар аҳолини кундалик зарур истеъмол моллари, ижтимоий-маиший хизматларнинг хилма-хил турлари билан боғлиқ структураларнинг бетўхтов ишлаши, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал этиш учун масъулдирлар.

Шу боис улар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи унча катта бўлмаган дўконлар, ихчам кичик корхоналар очилишини раф-

батлантиришлари ва қўллаб-қувватлашлари зарур. Чакана савдони ривожлантириб, истеъмол молларининг энг муҳим турларини майдалаб сотиш ишларини амалга оширишлари керак. Кундалик зарур молларнинг барқарор, бетўхтов сотилишига, уларнинг турини кўлайтириб, аҳолининг кенг қатламлари харид қилишга қурби етадиган даражада арзон бўлишига интилишлари лозим. Савдо корхоналари ва хизмат соҳасининг одамларга қулай равишда, оқилона жойлаштирилишига катта эътибор бермоқ зарур. Аҳоли ўзининг кундалик, ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондиришда қийинчилик сезмаслиги лозим.

Ҳокимият ўз куч-ғайратини ижтимоий инфраструктуранинг моддий базасини ривожлантириш ва мустақкамлашга қаратиши даркор.

Турли ижтимоий хизматлар доирасини ижтимоий соҳа объектларининг маълум қисмини хусусийлаштириш ҳисобига ҳам, ижтимоий хизматнинг давлатга қарашли бўлмаган, хусусий шаклларини рағбатлантириш ҳисобига ҳам, шунингдек шаҳар (қишлоқ)да жойлашган ижтимоий муассасалар фаолиятини яхшилаш ҳисобига ҳам кенгайтириш зарур. Чинакам рақобатли муҳит ишлаб чиқариш соҳасидагина эмас, балки ижтимоий соҳада ҳам шакллантирилмоғи керак. Аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ўз мижози учун курашиши, хизмат кўрсатиш маданиятини, хизматлар сифатини яхшилашга интилиши даркор. Ҳамма жойда, фаолиятнинг барча соҳаларида, биринчи навбатда ижтимоий соҳада моддий неъмат яратувчи ва хизмат кўрсатувчиларга нисбатан истеъмолчининг, талаб ва эҳтиёжи мавжуд бўлган инсоннинг устунлигини қарор топтириш керак.

Аҳоли пунктлари, посёлкалар ва қишлоқларни табиий газ ҳамда ичимлик сув билан таъминлаш аввалгидек ҳокимиятлар фаолиятида энг муҳим маса-

ла бўлиб қолади. Бу соҳада кўп иш қилинди, бироқ оддий коммунал қулайликлардан маҳрум бўлган қишлоқлар ва бўлинмалар ҳали ҳам кам эмас. Бу адолатсизликни гоаят қисқа муддатда бартараф этиш керак. Шаҳарлар аҳолиси билан йироқ қишлоқларнинг аҳолиси электр энергиядан, ичимлик сувдан, табиий газдан ва бошқа коммунал хизматлардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга бўлишлари лозим. Маҳаллий ҳокимиятлар ана шу мақсадлар учун зарур маблағларни қидириб топишлари, ушбу муаммони ҳал этишга манфаатдор корхоналар ва ташкилотларнинг барчасини жалб қилишлари даркор.

Биз қишлоқда кенг тармоқли ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктурасини яратиб, янги иш жойларини очиш, янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш, бинобарин, ижтимоий муаммоларнинг кенг кўламини ҳал этиш, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш учун зарур капитални жалб эта оламиз.

Барча одамларга ўз қобилиятларини кўрсатиш ва ишга солиш, ўз эҳтиёжларини қондириш учун дастлабки тенг имкониятлар яратиб бериш кафолатини ишончли равишда ўз зиммасига оладиган давлат-ҳуқуқий механизмни яратиш бизнинг вазифамиздир. Ҳалол ишлайдиган ҳар бир одам ўз оиласини боқиш имкониятига, маълумот олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ижтимоий таъминланишда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши даркор. Айни маҳалда бундан буён ҳар бир кишининг жамиятдаги аҳволи унинг хоҳиш-истаги ва меҳнат қила олиш маҳоратига кўра белгиланиши керак.

Кучли ижтимоий сиёсат мураккаб ўтиш даврида одамларнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат эмас. Бу, энг аввало, сермахсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рағбат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва

фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган қаноқатли ҳуқуқни қарор топтиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаолигини оширишдан ҳам иборатдир.

Бозорга ўтиш дастурини рўёбга чиқаришдаги ижтимоий таянчлардан бири, биринчи навбатда, жамиятнинг ижтимоий фаол қатламларидир. Уларнинг ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги, ўзгаришларга тайёрлиги янги иқтисодий муносабатларни қарор топтиришга, ишлаб чиқаришнинг пасайишини жадал бартараф этишга, иқтисодиётни соғломлаштириш ва юксалтиришга энг кўп даражада кўмаклашиши мумкин.

Шу боис ислоҳотлар иккинчи босқичининг энг муқим вазифаси ҳар бир киши меҳнатининг қадрини ошириш, унинг ижодий фаолият кўрсатиш имкониятларини намоён этиши учун шароит яратишдан иборат. Ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлигини унинг ўз муваффақияти ҳамда ўз оиласининг фаровонлиги учун иқтисодий масъуллиги билан қовуштириб боришга асосланган иқтисодий муносабатларни қарор топтириш керак. Ўз ижодий қобилиятлари ва имкониятларига таянишни назарда тутган муносабатлар ҳар бир киши фаровонлигининг ягона ва муқим манбаидир.

Бунда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун қонуний равишда ва унинг кундалик ҳаётида мулкка эга бўлиш, иқтисодий фаолиятда тўла эркин бўлиш, ўзи меҳнат қиладиган соҳани ва иш шаклини танлашда эркин бўлиш ҳуқуқи таъминланиши даркор.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи, тадбиркорлик ила шуғулланиш имконияти ҳамда ўз меҳнатидан даромад олиш ҳуқуқи меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ. Ўзига хос аҳоли таркибига эга бўлган, аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлиги масаласи дои-

мо энг муҳим ва ўткир масалалардан бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Ушбу масалани ҳал этиш учун:

биринчидан, кенг фаолият турлари, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ҳам ашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмоли молларини, маҳаллий ҳам ашёдан қурилиш материалларини тайёрловчи хусусий кичик корхоналарни фаол ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек яқка тадбиркорликни кенгайтириш учун шароит яратиш керак;

иккинчидан, хизмат соҳасини, айниқса қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий-маиший хизмат ва қурилиш бўйича хизматлар турини анча кенгайтириш даркор.

Хизмат кўрсатиш соҳаси — бу ҳали ҳам яхши фойдаланилмаётган, қўли ишдан бўшаётган ходимларни иш билан таъминлайдиган соҳагина эмас, балки меҳнат ресурсларининг бутун ўсишини таъминлашга қодир бўлган захирадир;

учинчидан, қўли ишдан бўшаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни ташкил этишни жиддий равишда яхшилаш керак. Ишдан бўшаётган ходимларга ёки ихтисоси бўлмаган шахсларга қисқа давр ичида янги, бозор шароитига ҳамда иқтисодиётнинг ўзгариб бораётган структурасига мувофиқ келувчи касб-корни ўргатадиган, уларнинг ўз ҳаётидаги ўзгаришларга иқтисодий ва руҳий мослашишларига ёрдам берадиган махсус маслаҳат ва ўқув марказлари, бизнес-мактабларнинг кенг тармоғи очилиши керак;

ва ниҳоят, **тўртинчидан**, вақтинча ишга жойлаштириш имкони бўлмаган меҳнатга яроқли аҳоли тоифаси давлат томонидан ишончли равишда ижтимоий ҳимояланиши, ўзининг ўта зарур эҳтиёжларини қондириш учун кафолатли тирикчилик манбаларига эга бўлиши зарур.

Ишсизлик муаммосини ҳал этиш биринчи навбатда хотин-қизлар манфаатига тааллуқлидир. Айни хотин-қизлар бугунги кунда ишга жойлашишда кўпроқ қийинчиликларга учрамоқдалар, ижтимоий жиҳатдан энг заиф бўлиб қолмоқдалар. Биз хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги аҳволини тубдан ўзгартирмоғимиз зарур. **Хотин-қизларга муносабат жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий етуқлигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак.**

Биз хотин-қизларимиз меҳнати ва турмушини ташкил қилишга кўпроқ эътибор беришимиз, улар уй-рўзғор ишларини ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол қатнашиш билан оқилона қўшиб олиб боришлари учун шароит яратишимиз даркор. Хотин-қизларни раҳбар лавозимларга фаолроқ кўтариш, уларга мустақил, масъулиятли иш участкаларини топшириш, ўз профессионал ва маънавий имкониятларини тўлароқ намоён қилишларига имконият яратиш лозим.

Оналарнинг обрў-эътиборини жиддий равишда ошириш, уларнинг меҳнатини, жисмоний соғлом, маънавий бой ҳамда ахлоқан пок ёш авлодни тарбиялашдаги хизматини муносиб баҳолашимиз керак. Она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчидир. Ва биз Ўзбекистондаги оналар ҳамда уларнинг фарзандлари таъминланган, соғлом, бахтиёр бўлишлари учун, улар келажакка умид билан дадил, беҳавотир боқишлари, эртанги кунга ишонч билан яшашлари учун барча ишни қилмоғимиз зарур.

Бу борада бугун соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Уни тубдан ислоҳ қилишгина эмас, моддий-техникавий жиҳатдан мустаҳкамлаш, замонавий диагностика ва даволash аппаратлари билан, юқори малакали тиббий кадрлар билан таъминлаш ҳам зарур. Энг аввало,

соғлиқни сақлаш бутун тизимининг энг муҳим бўғини — кўп соҳали туман касалхоналари ҳамда қишлоқ тиббиёт муассасаларини ривожлантириш, уларни техника билан жиҳозлаш, дори-дармон ҳамда препаратлар билан таъминлаш зарур, зеро уларнинг вазифаси аҳоли орасида профилактика ишларини анча юқори даражага кўтаришидир.

Бутун профилактика-диагностика ишини, болаларни эмлаш тизимини, санитария-эпидемиология хизматини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш лозим. Биз Ўзбекистон ҳудудида турли юқумли касалликларнинг вужудга келиши ҳамда тарқалишига бутунлай тўсиқ қўйишимиз керак. Касалликни ўз вақтида, бошланғич босқичида аниқлашга, замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда касалликка қарши самарали кураш олиб боришга, стационар касалхоналар тармоғидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ўрганмоғимиз даркор.

Соғлиқни сақлашнинг аҳволига баҳо беришда биз миқдорий кўрсаткичлар — касалхоналардаги ўринлар ҳамда амбулатория-поликлиника муассасалари миқдори, шифокорлар сони каби кўрсаткичлардан қатъиян воз кечишимиз даркор. Кўпроқ эътиборни уларнинг сифатига қаратишимиз, аҳолининг умрини узайтиришга, болалар ва оналар ўлимини, юқумли, юрак-қон томир ҳамда кенг тарқалган бошқа касалликларни камайтиришга эришишимиз керак.

Бизнинг кенг қўламли янгиланиш ва тараққиёт дастуримизнинг моҳиятини ташкил қилувчи туб ўзгаришларни жисмоний кучли ва соғлом кишиларгина амалга оширишга қодирдир. Биз давлат мулкчилигига ҳам, хусусий мулкчиликка ҳам асосланган тиббий хизматнинг турли шакллари ривожлантириш, тиббий суғуртанинг ривожланган тизимини вужудга келтириш ҳисобига халқимизнинг сиҳат-саломатлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашимиз зарур.

Мақсадларимизга эришиш, янги, демократик жамиятни қуриш, ислоҳотларнинг тақдири қандай интеллектуал кучларга эгалгимизга, ёшларимиз қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқдир. Шу боис аҳолининг маълумот олиш имкониятини ошириш, миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Юқори маълумотли, маданиятли ҳамда профессионал жиҳатдан етук шахсгина иқтисодий эркин бўлиши, демократик ва туб иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўлиши мумкин. Ушбу ҳақиқатни тушуниш халқнинг маънавий ва маданий ҳаётини яхшилаш, таълим-тарбиянинг бутун тизимини янгилаш жараёнининг замирида ётиши даркор.

Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим.

Миллий тикланиш йўли юқори саводхонлик, юксак маданият орқали ўтади. Шунинг учун ҳам маълумот даражаси, профессионал тайёргарлик даражаси ХХІ аср арафасида бизнинг ижтимоий ривожланишимизнинг ўлчови бўлиб қолмоғи керак. Бу — ислоҳотларнинг белгиланган йўлдан боришини муваффақиятли амалга оширишнинг энг яхши кафолатидир. Бу — сарфланган маблағлардан вақти келиб энг кўп фойда олинадиган йўналишидир.

Биз йигит ва қизларимизнинг маълумотли киши учун зарур бўлган барча билимларни эгаллай олиш-

ларига, янги шароитларга тез ва машаққатларсиз мослашишларига имкон беришимиз керак. Янгиланган ўз давлатларини қуриш, ислоҳ қилиш жараёнининг фаол қатнашчилари бўлишларига имкон берадиган, маданий, ахлоқий ва маънавий қадриятларни эгаллаб олишлари учун ёрдам берадиган шароит яратишимиз даркор.

Халқ таълимининг бутун тизимини янада қатъият билан ва тезроқ қайта қуриш зарур. Ҳозирги шароитда халқ таълими тизимини, унинг барча бўғинларини ягона комплекс сифатида қараш талаб этилмоқда. Бу бўғинлар болаларнинг мактабгача тарбия олишини, умумий ва махсус билимга, профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларнинг шахс сифатида маънавий ва ахлоқий камол топишини, уларнинг жисмоний ривожланишини таъминлайди. Шундай негиз мавжуд бўлгандагина, янги, равнақ топаётган жамиятни қуриш бўйича бугун ота-оналар ва катталар томонидан бошланган шарафли ишни охиригача олиб боришга қодир бўлган жисмонан ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш мумкин.

Бунинг учун умумий таълим мактабини, олий ва ўрта махсус таълим тизимини жиддий равишда мустақамлаш, ўқув дастурларини янгилаш, уларни жаҳон билим дурдоналари билан бойитиш, замонавий дарсликлар ва махсус адабиётлар чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Ўқитувчилар, муаллимларнинг обрў-эътиборини қайта тиклаш, уларнинг меҳнатини эътиборли ва юқори ҳақ тўланадиган соҳага айлантириш керак.

Болалар билан мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишга, кишиларда, энг аввало ёш авлодда юқори маданият ва маълумотни, меҳр-оқибат ва ҳалолликни, ахлоқий покликни шакллантириши лозим бўлган ижтимоий-маданий муассасалар — кутубхоналар, театрлар, музейлар, кўрғазма заллари ва

бошқаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Маданиятнинг, томоша-қўнғилочар манзиллар комплексини бутунлай тижорат билан боғлаб қўйилишига йўл қўймаслик лозим. Акс ҳолда ёшларда бозор муносабатлари, ҳаёт қадриятлари, муваффақиятлар, уларга эришиш йўллари ва усуллари ҳақида нотўғри, бузуқ таассурот шаклланиб қолади.

Демократик жамият — бу, энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни — шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди.

Ўзбекистон ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида нодир давлатлардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бу ерда қадимдан оқ кўп миллатли аҳоли таркиб топган ва изчил ривожланган. Республикадаги барча фуқаролар, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг яхлит ва ягона суверен халқини ташкил этади.

Биз миллий белги бўйича ҳар қанақа фарқлашларга қатъиян қарши чиқамиз. Жаҳонда катта ва кичик миллатлар ва элатлар йўқ. Уларнинг ҳар бири асрий барқарор ва тенги йўқ анъаналари билан, тарихий меросининг бойлиги билан, миллий руҳининг умумийлиги билан, маданиятининг ўзига хослиги билан аҳамиятлидир. Республика аҳолиси орасида кўпчиликни ташкил қилган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир.

Фуқаролар ўртасидаги тинчлик, миллатлараро тотувлик ва дўстлик, уларни сақлаш ва мустаҳкамлашга интилиш доимо халқимизнинг ўзига хос фазилати бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Халқимизда бу фазилатлар авлоддан-авлодга авайлаб ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон бундан буён ҳам ижтимоий кафолатлари кучли бўлган чинакам демократик, кўп миллатли давлат бўлиб қолаверади.

* * *

Ўзбекистон ишлаб чиқилган қоидалар ва устувор йўналишларга мувофиқ, ўзига хос янгиликларни таратиб бериш йўлидан изчил ва ишонч билан олға бормоқда. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳ қилиш жараёнларининг илк натижалари ҳозирроқ аниқ сезила бошлади.

Ёш суверен Ўзбекистонимизнинг давлат ва сиёсий тизими янги замонавий демократик хусусиятлар касб этди. Давлат ҳокимиятининг олий органи — Олий Мажлис илк бор кўп партиялилик асосида сайланди. Умум эътироф этилган демократик нормалар — хоҳиш-истак эркинлиги, сўз эркинлиги, виждон ва динга эътиқод қилиш эркинлиги ҳаётимизда мустаҳкам қарор топиб бормоқда. Бизни социалистик тузумдан кейинги бир қатор мамлакатлардан фарқлаб турган, юксак даражада ривожланган юксак маданий демократик давлатлар билан яқинлаштириб турган, жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама қўшилиб кетиш учун йўл очиб бераётган нарсаси — фуқаролар тинчлиги, миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорликдир.

Ижтимоий ҳаётни демократиялаш ҳокимият ва бошқарувнинг маҳаллий органлари — вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларини мустаҳкамлаш ва энг муҳим

халқ хўжалик муаммоларини ҳал этишда уларнинг ролини оширишда бевосита намоён бўлмоқда. Ижтимоий адолат принципларини рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг таъсири анча кучайди. Бошқарув тизимида хўжалик юритувчи қўйи структураларга, корхоналарнинг ўзларига, уларнинг ихтиёрий бирлашмаларига ишлаш учун катта эркинлик бериб қўйилди. Давлатнинг ва давлат бошқарув органларининг роли тубдан ўзгариб бормоқда. Улар ўз асосий функция ва вазифаларини бажаришга: стратегияни белгилаш ва уни рўёбга чиқаришни назорат қилиш, мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш, фаол ташқи сиёсат ўтказиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида бозор муносабатларини шакллантириш сингари ишларни амалга оширишга қўпроқ эътибор бермоқдалар.

Ислохотлар жараёни иқтисодий соҳада янги бозор муносабатларига асос солди, иқтисодий фаолият эркинлиги, ташаббускорлик ва тадбиркорликни намоён этиш учун шароит яратиб берди. Ишлаб чиқаришнинг пасайишини бартараф этиш, иқтисодий ва молиявий аҳволни барқарор йўлга қўйиш, ўтган ўн йилликларда иқтисодиётда йўл қўйилган бузилишларни тузатиш бўйича аниқ қадамлар қўйилди.

Ислохотлар жараёнида ижтимоий-маънавий соҳадаги ижтимоий кафолатлар мустаҳкамланди. Мураккаб ўтиш даврида одамларнинг турмуш даражаси кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик учун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш механизмини ишлаб чиқдик ва у яхши иш берди. Мафкуравий ақидалардан халос бўлиш натижасида ўз мамлакатимиз, ўз халқимиз тарихини чуқурроқ билиш, қўшлаб асрлар мобайнида яратиб келинган маънавий қадриятлардан баҳраманд бўлиш, она тилимиз гўзаллиги ва улуғворлиги-

ни тушуниш имкониятига эга бўлди ва бу миллий қайта тикланиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Маънавий камолотнинг юксалиб бориши ҳаётий қадриятларни, ижтимоий тараққиётнинг мазмуни ва мақсадларини, ислоҳ қилиш ва янгиланишнинг барча жараёнларини баҳолашга янгича ёндашиш имконини берди.

Халқимиз тарихида янги давр бошланди. Биз ўз ривожланишимизнинг янги палласига қадам қўйдик. Иккинчи босқичнинг мақсадлари аниқ-равшан белгилаб олинди. Улар эришилган ютуқлардан мантиқий равишда келиб чиққан бўлиб, ислоҳ қилиш жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилгандир. Биз жамиятимизни демократиялаш, демократик адолатпарвар, ижтимоий йўналтирилган, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган фуқаролик давлатини барпо этиш йўлидан янада олға ва яна ҳам дадилроқ боришимиз даркор.

Иккинчи босқичда кўзланган мақсад — республикада демократик тузумни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳаётни ва хўжалик фаолиятини ташкил қилиш тизимида қонунларнинг ҳамда ҳуқуқий меъёрларнинг родини кучайтириш, давлат бошқарувининг яхлит тизимида турли бўғинларнинг ваколат доирасини аниқ чегаралаб олишдир. Бунда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини энг кўп даражада кенгайтиришдан иборатдир. Ҳаётимизда фикрлар хилма-хиллиги, сиёсий вазминлик ҳамда халқимиз тақдири учун масъулият қарор топтоғи зарур.

Иккинчи босқичда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида иқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, чинакам

зақобатчилик муҳитини яратиш вазифаси турибди. Буларнинг бари чуқур структуравий ўзгартиришларни амалга ошириб, иқтисодий сифат жиҳатидан яна ҳам юқори даражага кўтаришга ва унинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлашга, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб боришни жадаллаштиришга хизмат қилмоғи керак.

Биз белгилаб олган ва ўтказаетган ислохотлар йўли етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар, жаҳон жамоатчилиги, жаҳондаги иқтисодий ривожланган энг йирик мамлакатлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Бу танлаган йўлимиз тўғрилигига, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос моделини амалга оширишимиздаги муваффақиятга ишонч уйғотмоқда.

Демократик ва иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичи вазифалари ҳамда унинг устувор йўналишларини амалга ошириш ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлаш ҳамда халқимизнинг маънавияти ва маданиятини ривожлантириш билан узлуксиз боғлиқдир. Юксак маънавийлик — туб ва муқаррар ўзгартиришларнинг чинакам демократияни қарор топтириш ҳамда бозор иқтисодиётига маърифатли йўл билан кириб боришнинг асосидир.

Ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳуқуқий базани кучайтириш, туб ўзгартиришларни рағбатлантириш учун кучли омиллар ва кафолатларни яратувчи янги қонунлар қабул қилиш, халқ ҳўжалигини юксак даражада билимдон, касбий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрган, она-Ватанга оташин муҳаббат қўйган, самимий садоқатли кадрлар билан мустаҳкамлаш зарур.

Ислохотларнинг муваффақияти ҳар биримизнинг қўлимизда, Ўзбекистонда яшовчи барча аҳолининг қўлидадир. Мамлакатимиз эркин, бой ва равнақ то-

паётган мамлакат бўлсин десак, фарзандларимиз бахтиёр ва тўкин-сочин яшасин десак, ислоҳотлар иккинчи босқичидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун бутун куч-ғайратимизни сарфламоғимиз даркор. Бу босқич мамлакатимизнинг жадал ривожланиши, унинг қудрати ҳамда жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини кучайтириш учун мустақкам замин яратишга қаратилгандир. Ушбу мақсадларга эришиш — бизнинг муқаддас бурчимиз, келажак авлодлар олдидаги эзгу мажбуриятимиздир.

1995 йил

ЎЗБЕКИСТОН
XXI АСР БЎСАҒАСИДА
ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД,
БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ
ВА ТАРАҚҚИЁТ
КАФОЛАТЛАРИ

МУҚАДДИМА

Инсоният, мамлакатлар ва халқлар ҳаётида XX аср поёнига етмоқда. Ишончим комилки, бизни — ҳозирги Ўзбекистонда истиқомат қилувчиларнинг кўпчилигини тирикчилик ташвишлари — чин воқелик муаммолари билан бирга: “Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир-синоатмиз, қаёққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги — XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?” — деган саволлар ўйлантириши табиий.

Биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Сўнгги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгиллаган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий аҳамиятга молик? Булар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда муҳим.

Дунё харитасида янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. Улар, ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди. Улар дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интиломоқда. Тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонининг таркибий қисмига айланишга ҳаракат қилмоқда. Бу давлатлар олдида муваффақиятсиз, чиппакка чиққан тарихий тажрибанинг фожиали оқибатларини қисқа давр ичида бар-тараф этиш вазифаси турибди. Улар замонавий бо-

зор иқтисодиётга эга бўлган, одамлар муносиб турмуш кечиришини таъминлай оладиган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган чинакам демократик жамият куришдек мураккаб вазифани ҳал этиши зарур. Ўзбекистон ҳам ана шундай давлатлар жумласига киради.

XXI аср Ўзбекистон аҳолиси учун қандай келади? Кишилар турмуши кечагидан қанчалик яхшироқ бўлади? Ўзимиз учун танлаб олган ислохотлар ва янгиланиш йўли ўта мураккаб йўл эканлигини англаймизми? Бу йўлда қандай муаммолар, қийинчиликлар, синовларга дуч келишимиз мумкинлигини старли даражада аниқ тасаввур қиляпмизми?

Энг аввало, одамларнинг мана шу бой заминда муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган мақсад ва вазифаларни қай даражада рўёбга чиқара оламиз? Энг мураккаб саволлардан бири шунки, биздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етяпмизми?

Хавфсизлигимизга таҳдид бўлиб турган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз? Жамиятимиз тўхтовсиз ва барқарор ривожланишига, биз истиқомат қиляётган миқтақада жўрофий-сиёсий мувозанат сақланишига нималар кафолат бўла олади?

Мамлакатимиз янги минг йилликда мустаҳкам, оғишмай ва барқарор ривожланишни кафолатлайдиган қандай имкониятларга эга? Жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ўзаро манфаатли, ҳар томонлама кенг ҳамкорлик қилиш учун нималарни таклиф эта оламиз?

Шу мазмундаги ва яна бошқа кўплаб саволларга жавоб бериш истаги мени ушбу китобни ёзишга ундади. Социализмдан кейинги маконда пайдо бўлган давлатлар ўз хавфсизлиги ва барқарорлиги йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни баҳолашга старли даражада жиддий муносабатда бўлмапти. Ўзбекистоннинг, бошқа янги мустақил давлатларнинг қарор

топиш ва ривожланиш тажрибаси, афсуски, шундан дарак бермоқда. Бу таҳдидларни олдиндан кўра билишга ҳамма вақт ҳам муваффақ бўлинмаётир. Кўпинча улар кутилмаганда рўй бермоқда. Жуда катта қурбонлар, кулфатларга сабаб бўлмоқда. Энг фожиалиси — инсонлар қурбон бўлмоқда. Беқарор, адоватли вазият вужудга келмоқда. Ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнлари секинлашмоқда. Аҳолида эртанги кунга ишончсизлик, ўз ҳаётидан, қариндош-уруғлари ва яқин кишиларининг ҳаётдан хавотир ҳисси уйғонмоқда. Ва энг муҳими, воқеаларнинг олдиндан билиб бўлмайдиган тарзда бундай ривожланиши мамлакат танлаб олган сиёсий ва иқтисодий йўлни амалга ошириш мумкинми, йўқми деган масалани кўндаланг қилиб қўяди.

Тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг кутбларга бўлиниши барҳам топди. Лекин шу туфайли у хавфсизроқ, барқарорроқ, собитқадамроқ бўлиб қолдими? Кейинги йилларда бутун дунё миқёсида ва минтақалар даражасида вужудга келаётган ташқи муносабатларни танқидий таҳлил қилиш ва энг аввало:

бир қанча мамлакатларда кескин сиёсий кураш бораётган бир вақтда демократия асосларининг баъзан қийинчилик билан қарор топиш жараёнларини таҳлил қилиш;

миллий ўзликни англашнинг фаол жонланиши ҳамда миллатлар ва айрим элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши;

этник ва миллатлараро зиддиятларнинг сақланиб қолаётганлиги;

қотиб қолган мафқуравий ақидаларнинг қадрсизланиши ҳамда сиёсий ва диний экстремизмнинг турли шакллари кучайиб бораётганлиги;

дунёнинг катта қисмида иқтисоди заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган мамлакатлар сақланиб қолаётганлиги;

мамлакатлар, халқлар ўртасида, бир мамлакат ичида эса айрим ижтимоий гуруҳлар ўртасида иқтисодий ва ижтимоий табақаланиш кучайиб бораётганлиги — буларнинг барчаси дунё ҳали ҳам аввалгидек мўрт бўлиб турганлиги ва авайлаб муносабатда бўлишни талаб қилаётганлигидан далолат беради. Бизни қуршаб турган олам ғоят мураккаб ва муаммоли бўлиб келди, шундай бўлиб қолмоқда ва яқин истиқболда ҳам шундай бўлиб қолажак.

Ҳозирги шароитда, умумий хавфсизликни таъминлаш ва мувозанатга эришиш манфаатлари нуқтаи назаридан, янги мустақил давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш муаммолари улкан аҳамият касб этмоқда. Ер юзида вазият ва кучлар нисбати шиддатли ўзгариб бормоқда. Янги мустақил давлатлар майдонга чиқмоқда. Бу эса ҳозирги кунда давлатлар ва халқларнинг барқарорлигини таъминлаш учун янгича ёндашувларни излаб топишни, XXI аср арафасида хавфсизликнинг янгича моделларини ишлаб чиқишни тобора қаттиқ талаб қилмоқда.

Суверен давлатнинг ҳар бир раҳбари, ҳар бир етакчиси оддий кишилар ишонч билдириб унинг зиммасига юклаган жуда катта бурч ва масъулиятни теран англаб, ўй-хаёлини ҳамиша тинчлик, осойишталикни сақлаш, авайлаш ва мустаҳкамлашга қаратмоғи керак. Ушбу мураккаб, воқеаларга бой йилларда пойдеворини қўйишга муваффақ бўлинган янги ўйни қуриш ва обод қилиш учун ўрнимизга келадиган авлод олдидаги масъулиятимизни бир дақиқа бўлсин, унутишга ҳаққимиз йўқ.

Ўтган йилларнинг мантиқи бизни ҳозирги кунда учта асосий саволга мурожаат қилишга ундамоқда. Ўзбекистоннинг келажаги ана шу саволларга қандай жавоб беришимизга боғлиқ. Булар қуйидагилардир: хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим? Барқа-

родликни қандай таъминлаш даркор? Тараққиёт йўлидан собитқалам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин?

Хавфсизлик, барқарорлик ва танлаган йўлдан оғишмаслик деган ана шу оддий сўзлар замирида чуқур маъно-мазмун бор. Биз бунни билиб олмоғимиз ва англаб етмоғимиз зарур.

Хавфдан қандай холи бўлиш мумкин? Ривожланиш учун куч-мададни қаердан излаш лозим? Булар стратегик муаммолар бўлиб, ҳар қандай мустақил давлат, энг аввало ана шу муаммоларга эътибор бериб келган ва бундан буён ҳам эътибор беражак. Ўзбекистон Республикаси бу саволларга жавоб излаш йўлида анча тажриба тўплади. Бу тажриба бир қанча умумий хулосалар чиқаришга имкон беради. Ушбу китоб ана шу хулосаларни янада теравроқ баён этишга бағишлангандир.

Гап нима ҳақида бораётир?

Бугун Ўзбекистон — фақат жуда бой табиий-хом ашё захиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган соҳагина эмас. Айни чоғда мамлакатимиз ғоят улкан ақл-заковат, маънавий ва маданий имкониятларга эга. Буларнинг барчаси дунёда янги сиёсий ва иқтисодий тартиб фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб жўғрофий ўрни билан қўшилган ҳолда жуда катта жўғрофий-сиёсий ва жўғрофий-стратегик қизиқиш уйғотади.

Сайёрамизнинг жуда катта майдонида кучлар нисбати кўп жиҳатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар қайси йўлдан боришларига боғлиқ. Ҳозир халқаро муносабатларнинг сифат жиҳатидан янгича тартибини шакллантириш жараёнида иштирок этаётганлар бунини эътироф этмасликлари мумкин эмас. Ҳеч шубҳа йўқки, бу давлатларнинг танлаб олган йўли ислом дунёсида юз бераётган мураккаб жараёнларнинг ривожланиши қандай натижалар-

га олиб келишига ва умуман жаҳон ҳамжамияти учун келиб чиқадиган барча оқибатларга ўз таъсирини кўрсатади.

Ана шуни тушуниш Ўзбекистон Республикасининг ва бутун Марказий Осиёнинг XXI аср бўсағасидаги тақдири ва ривожланиш истиқболлари ҳақида юри-тилаётган ҳамма фикр-мулоҳазаларнинг таянч нуқта-си бўлиб қолиши керак. Бундай фаразлар ва таҳли-лий материалларнинг ҳар қайсиси, албатта, ҳурмат билан муносабатда бўлишга сазовор. Бир нарса рав-шанки, барқарорлик ва жўғрофий-сиёсий мувозанат сақланиб қолган шароитдагина бу минтақа жўшқин ва собитқадам ривожланади, жаҳон ҳамжамияти учун муносиб шерик бўла олади. Марказий Осиё минта-қасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, транспорт-га ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Шуни назарда тутадиган бўлсак, бутун минтақанинг собитқадам ва барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда можароли вазиятларнинг олдини олиш учун ҳозирги кунда ички ва ташқи мувозанатни сақлаш ва қўллаб-қувватлашгина бирдан-бир мақбул тамойил-дир. Минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанатни ва ба-рқарорликни сақлаган тақдирдагина мазкур муаммо-ларни ҳал этиш имкони туғилади. Бу эса, ўз навбати-да, ялпи хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ҳал қилишга қўшилган салмоқли ҳисса бўлади.

Ўзбекистон эркин ривожланаётган дастлабки йилларда орттирилган тажриба ҳам айти шундан далолат бермоқда. Бу тажриба қўлга киритилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик улкан ютуқ эканлигига ва бу улуғ неъматнинг аҳамияти чексизлигига яққол ишонтирмоқда.

Шунинг учун ҳам: “Отоҳ бўлинг, одамлар!” — де-ган даъват ҳаминча бонг ургандек янграб туриши ке-рак. Фаҳрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қад-риятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни.

Жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир.

Давлатни ақл-идрок билан бошқариш, — мутафаккир Абу Наср Форобий X асрда сабоқ бериб айтганидек, — халқ бошига тушган хавф-хатарни камайтириш ва бартараф этишдан иборатдир.

Бугун биз қисқа муддат ичида танлаган мақсадимиз йўлида анча ишлар қилишга муваффақ бўлганлигимиздан қониқибгина қолмаймиз. Ҳали яна узоқ вақт мобайнида устувор бўлиб қоладиган муаммоларни аниқ тасаввур этишни ўрганиш лозим. Бу муаммоларнинг кўпчилигини ялпи тамойиллар ва улкан воқеа-ҳодисалар келтириб чиқарган. Шу сабабли бизни ўраб турган, ҳеч ким ўз ҳолича яшай олмайдиган, ҳамма нарса ҳам бизга боғлиқ бўлавермайдиган, юксак мақсадларга эришиш йўлидаги интилишимизга жиддий хавф-хатар солиб турган бу дунёнинг ўзи нимадан иборат эканлигини чуқур тушуниб олиш жуда муҳим.

Афтидан, бугунги кунда хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдидларга тегишли муносабатда бўла олишнинг ўзигина старли эмас. Мавжуд хавф-хатарларнинг табиатини тўғри тушуниб етишимиз керак. Уларнинг манбалари ва ўзаро алоқаларини вақтида аниқлашимиз даркор. Жамиятда барқарорликни сақлаш шарт-шароитларини белгилаб олишимиз ва улардан самарали фойдаланишимиз зарур. Ўзбекистон Республикасининг барқарор ва собитқадамлик билан ривожланиши шуларга боғлиқдир.

Ўзбекистон учун унинг кенг маънодаги миллий хавфсизлиги нимади аниқлатади, биз бу хавфсизликни қандай тасаввур қиламиз?

Биринчидан. Ўзбекистон хавфсизликнинг яхлитлиги ҳақидаги асосий тамойиллардан бирини тўла қўллаб-қувватлайди. Хавфсизлик — узлуксиз ҳолатдир, қадсиз-худудсиздир.

Иккинчидан. “Совуқ уруш” барҳам топганида кейин ялпи хавфсизликка асосий таҳдидни этник минтақавий, маҳаллий можаролар ва давлатлар ичидаги жангари сепаратизм солмоқда. Айниқса, бундай қарама-қаршиликлар айрим мамлакатлар қўлида уларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш учун ёки стратегик кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун қудратли сиёсий таъсир воситасига айланмоқда.

Ҳар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш муаммолари муайян моҳиятга эга. Шунингдек, ҳар бир минтақанинг ўз хусусиятлари, ўз таҳдид манбалари ва хавфсизликни сақлаш омиллари бор.

Ҳар қандай минтақанинг ҳал қилинмаган ва гачак олиб кетган муаммолари бутун дунёда занжир реакциясини келтириб чиқариши мумкин. Вазиятнинг беқарорлашуви эса кундан-кунга аниқ-равшан бўлиб бораётган янги жўғрофий-сиёсий мувозанатни бузиш хавфини келтириб чиқаради.

Учинчидан. Ўзбекистон ўзининг жўғрофий-сиёсий ҳолати жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган минтақада жойлашган. Бу ҳам таҳдид туғдирувчи сабабдир.

Ўзбекистон амалда Форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг нефть ва газга жуда бой конлари жойлашган ярим ҳалқанинг стратегик марказидир. Яъни, бу ярим ҳалқа атрофида бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида яқин йилларда Евроосиё ва жаҳон келажаги учун ҳал қилувчи роль ўйнайдиган энергия захиралари мавжуд.

Бунинг устига, биз Россия, Хитой ва Ҳиндистоннинг, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг бир-би-

рига мос келмайдиган манфаатлари юзага чиқадиган минтақанинг бир қисми миз. Аслида шаклланиб келаётган, лекин жуда куч-қудратли, XXI асрнинг қиёфасини шубҳасиз белгилаб берадиган бу куч марказлари ана шу минтақада ўз манфаатларини излайди. Евроосиё марказлари туташган ерда жойлашган бизнинг худудимиздан, бутун минтақа худудидан ислом дунёсининг Туркия, Покистон, Эрон ва Саудия Арабистони каби қудратли мамлакатлари ҳам, юқоридаги кучлар каби, ўз манфаатларини излайди.

Яна бир таҳлил манбаи шу билан борлиқки, Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган мамлакатлар қуршаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник муросасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош. Беш йилдирки, қўшни Тожикистонда фуқаролар урушининг кенг ёйилиб кетиш хавфи ҳам сақланиб келмоқда. Бу давлатларда хориждаги энг кўп сонли ҳаммиллатларимиз истиқомат қилиб турганлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Тўртинчидан. Минтақавий низолар кўпинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроғ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суратда поймоя этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда. Бундай ҳодисалар давлат чегараларини тан олмайди.

Бешинчидан. Шунга ишончимиз комилки, халқаро муносабатлар амалиётида ҳар бир мустақил мамлакатнинг ўз миллий манфаатларига мувофиқ, ўз мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсади бўлиши лозим. У ёки бу халқаро тизимларда ва коллектив хавфсизлик шартномаларида қай даражада

қатнашишини уларнинг ўзи белгилаш ҳуқуқи назарда тутилиши зарур.

Аёнки, бунда биз бошқа мамлакатларнинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш таъминланиши зарурлигини ва уларнинг манфаатлари камситилишига, яқин ўтмишнинг ҳарбий-сиёсий қарама-қаршилиқ соҳасидаги салбий тажрибасига қайтишга йўл қўйиб бўлмаслигини назарда тутаётимиз.

Олтинчидан. Бизнинг назаримизда, экологик ва ядровий хавфсизлик муаммолари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз Марказий Осиё минтақаси ядровий қурооллардан холи ҳудуд деб эълон қилинишига эришмоқчимиз. Айрим қўшни давлатлар ядро қуролига эга бўлишга ошқора интилаётганлиги бизни айниқса ташвишга солмоқда.

Орол денгизи фалокати ҳам жаҳон миқёсидаги улкан муаммодир. У дунёдаги анча мамлакатлар аҳолисининг манфаатларига даҳлдор бўлиб, кўплаб миллатларнинг авлодлари учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Аслини олганда, хавфсизликка солинаётган таҳдидлар анча серқирра. Улар сиёсий экстремизм, шу жумладан диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруф-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади. Бошқача айтганда, юқорида санаб ўтилган таҳдидлар, гарчи турли минтақаларда турлича куч билан намоён бўлса-да, инсониятда бир хилда ташвиш туғдирмоғи даркор.

Ушбу китоб — мамлакатимиз, миллатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигига, янгиланиш ва тараққиёт йўлига, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлига солинаётган таҳдидлар нималардан иборат эканлигини таҳлил қилиш йўлидаги уринишдир. Шунинг эса тутишимиз керакки, бутун

тарих таҳдидлар ва уларни даф этишдан иборат. Ғоят кенг маънодаги ҳамкорлик — шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан тортиб то халқаро интеграциягача бўлган ҳамкорлик орқали давр таҳдидларига қарши муносиб жавоб бериш учун ишончли кафолатларимиз бор.

Биз мавжуд реал хавф-хатарларга жиддий қараймиз. Айни вақтда имкониятларимизни, таъбир жоиз бўлса, жозибали жиҳатларимиз ва афзал томонларимизни ҳам биламиз. Бизнинг минерал-хом ашё, инсоний ва ишлаб чиқариш захираларимиз ички барқарорлигимизнинг ва халқаро нуфузимизнинг мустаҳкам кафолати бўлиб хизмат қилади.

Аминманки, мамлакатимиз ХХІ асрда жаҳон иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида муносиб ўрин олиш учун тарихий имкониятларга эга. Биз ўзимиз учун, энг муҳими, болаларимиз ва набираларимиз учун бутун дунё билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очмоқдамиз. Ўзбекистонни, унинг имкониятларини чуқурроқ билишни, келажақда биз билан ҳамкорлик қилишдан шубҳасиз фойда кўришни чин дилдан хоҳлайдиган барча кишиларга ёрдам беришни истаймиз.

Янги минг йилликка йўл очиб борар эканмиз, ҳаммага дўстлик ва ҳамкорлик қўлини чўзамиз. Хавфсизлик, барқарорлик ва собитқалам ривожланиш деган сўзлар бунинг рамзидир. Чунки, айнан ана шу тушунчалар ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир халқнинг тинчлиги, фаровонлиги, равнақи учун мустаҳкам пойдевор яратди. Сайёрамизда жўтрофий-сиёсий мувозанатнинг ажралмас шарти бўлиб қолади. Бу ҳар бир инсонга келажаққа дадил ва ишонч билан қараши ҳуқуқини беради.

ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД

МИНТАҚАВИЙ МОЖАРОЛАР

Икки мафкуравий тузумнинг кураши ва бу курашнинг халқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама-қаршилиқ барҳам топди. Аммо шундан кейин ҳам бизни қуршаб турган дунё, кўплар кутганидек, осойиштароқ бўлиб қолгани йўқ. Унда можаролар камаймади. Дунёда янги тартибларни шакллантириш жараёни минтақалар даражасидаги ва минтақалар ичидаги эскидан сақланиб келаётган, зимдан тутаб ётган, ҳар хил тарихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга эга бўлган можароларнинг кескинлашуви билан бирга юз берди. Бу можаролар илгари икки тузумнинг дунё миқёсидаги қарама-қаршилиги доирасида кўпинча у ёки бу кучлар қутбининг манфаатлари йўлида “боштириб келинган” эди. Бундан ташқари, янги минтақавий можароларнинг вужудга келиши ва уларга турли ташқи кучлар ўз жўғрофий-стратегик интилишлари доирасида жалб этилишидан иборат хавфлар ҳам мавжуд.

Сўнгги беш йил ичида машъум мазмунга эга “минтақавий можаро” деган ибора ҳамманинг қулоғига ўрнашиб, оддий бир ҳолга айланди. Минтақавий можаролар дунёнинг ривожланган минтақаларига ҳам, ривожланаётган минтақаларига ҳам хос тус олди.

Телерепортёрларнинг ҳиссиз шарҳлари ва газеталарнинг жанговар тўқнашувларда рўй берган навбатдаги қурбонлар ҳақидаги катта сарлавҳалари ор-

тида миллионлаб кишиларнинг тақдири, уларнинг дард-аламлари ва чекаётган жафолари кўмилиб кетмоқда. БМТнинг ҳозирги вақтда бутун дунёда қарийб 50 миллион қочоқ борлиги ҳақидаги сўнги маълумотлари кишини бефарқ қолдириши мумкинми? 1996 йилда бошқа мамлакатларда бошпана топган 13 миллион киши рўйхатга олинган. Фуқаролар уруши туфайли 30 миллионга яқин одам ўзи яшаб турган жойларини ташлаб, бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлган. Ўз чегараларидан узоқда бўлса-да, зўравонликка ва бутун-бутун халқларнинг қонли фожиаларига жамиятнинг кўникиб қолишидан ҳам даҳшатлироқ нарса борми ўзи? Муайян бир шахснинг ё тушуниб етмаслик, ёки хотиржамликка берилиши туфайли келиб чиқадиган бундай фуқаролик позициясининг хавфи очикдан-очик куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан кам эмас-ку, ахир. Бундай позиция мамлакатимиз фуқаролари ва раҳбарлари учун мутлақо номақбулдир.

СССР парчаланиб кетганидан кейин бизнинг иродамиз ёки интилишимизга борлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди. Унинг ташқи чегараларида — Афғонистон ва Тожикистонда сўнги йилларда юз минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган иккита танглик ўчоғи аланга олиб турибди.

18 йилдан бери уруш кетаётган Афғонистондаги тангликнинг чуқурлиги ва кескинлигини, унинг минтақавий ва дунё миқёсидаги жўғрофий-сиёсий жараёнларга таъсирини эътиборга олиб, бу фожиани кўлами ва хавфи жиҳатидан ҳозирги дунёнинг энг катта минтақавий можаролари жумласига киритиш мумкин. Бу можаронинг сабаби ва бошланғич омиллари ҳамда кўшни Тожикистонда давом этаётган тангликнинг келиб чиқиши сабабларини чуқур таҳлил этмаган ҳолда (чунки ҳозир гап бу ҳақда бораёт-

гани йўқ), қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш зарур. Республикамиз теварагида вақти-вақти билан кескинлик кучайиб турибди. Уруш ҳаракатлари олиб борилмоқда. Ўзаро курашаётган томонлар тинчлик йўлидаги соғлом ташаббусларни тушунишни истамаяптилар. Шундай шароитда Ўзбекистон ўз фуқароларининг фаровон яшашини ва равнақ топишини таъминлаб берадиган даражада барқарор ва бехатар ривожланиши мумкинлиги ҳақида бир нима дейиш мушкул.

Юз бераётган ҳодисаларнинг фожиали томони шундаки, кўп йиллик ички қуроли ва сиёсий қарама-қаршилик натижасида вазиятнинг шундай авж олиб бориши бу мамлакатларни ўз-ўзини ҳалок қилиш ва давлатчиликдан маҳрум бўлиш ёқасига олиб келиши мумкин.

Келгуси авлод вакиллари уруш оловини ёқишга ундаган сабаб ва бахоналар учун замондошларимизни кечирмасалар керак. Тарих ўз ҳукмини чиқарар экан, ҳамма вақт шolini кўрмақдан ажратали ва фарзли, худбин мақсадларини кўзлаб халқ манфаатларини ниқоб қилиб олувчи шахсларнинг ўзларини оқлаш учун келтирадиган кибр-хаводан иборат далилларини қабул қилмайди. Курашаётган тарафлар ўз нуқтаи назарлари ўртасидаги қарама-қаршиликни кучайтириб, можарони қанчалик чуқурлаштириб борсалар, бу можаро унинг қатнашчилари қўлга киритаётган ютуқлардан кўра беқиёс даражада кўп нарсани йўқотишларига олиб келиши мумкинлиги шунчалик ойдинлашиб бораверади. Миллионлаб кишиларнинг тақдири хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди.

Уруш жамият ва давлатнинг ҳолатига фалокатли таъсир кўрсатади. Бу — урушнинг табиий йўлдоши бўлган иқтисодий вайронгарчиликдангина эмас, балки миллатнинг келажаги учун муҳим аҳамият касб

этувчи бошқа соҳаларда ҳам намоён бўлади. Қандай бўлмасин, ватандошлар ўртасида нифоқни авж олдириш, ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқлар оқими, жамиятда жиноятчи унсурларнинг кўпайиши, урушни пул топишнинг ягона манбаига айлантириш, миллатнинг генофондига путур етказиш, ёш авлодни ҳатто бошланғич таълим олиш имкониятидан ҳам маҳрум қилиш шу халқнинг келажагини таъминлай олади дейишга кимнинг ҳам қурби етади ёки виждони йўл қўяди?

2000 йил маррасига яқинлашаётган жаҳон цивилизацияси XXI асрни кўзлаб яшамокда. Шундай вақтда Афғонистон билан Тожикистонда юз бераётган можаролар ва уларнинг оқибатлари бу мамлакатлар тараққиётини кам деганда ўнлаб йилларга орқага улоқтириб ташлади. Бу ҳол у ердаги вазиятдан кўришиб турибди. Уруш маддоҳлари ўз ватандошларини бу қурбонлар зарур эканлигига, ана шу қурбонлар эвазига ёрқин келажакка эришиш мумкинлигига ишонтирмоқчи бўладилар.

Шундай экан, минтақавий можаролар жамиятимиз фаровонлиги ва республикамиз тараққиёти учун қандай хавф туғдирмоқда? Бир қарашда, Ўзбекистон чегараларига яқин жойларда юз бераётган барча низолар давлатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни сақлаб туришга бевосита алоқаси йўқдек туюлади. Бундан буён ҳам ташвишли ҳодисалар бизни четлаб ўз йўлидан ривожланаверади, барқарорлик ўз-ўзича сақланаверади, мамлакатнинг келажаги эса ўз-ўзидан таъминланган, дея фикр юритишни ҳам сиёсий, ҳам фуқаровий калтабинликдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблаймиз.

Бироқ шу ўринда бир гапни айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Афтидан, ана шундай “яхши ниятли кишилар”нинг кўпчилиги тинчлик ва тартибни таъминлаш, можаролар ва улар келтириб чиқарадиган сал-

бий жараёнлар бизнинг она заминимизга кўчиб ўтишига йўл қўймаслик учун давлатимиз нечоғли катта куч-ғайрат сарфлаётганлиги ҳақида ўйлаб кўрмаётганга ўхшайди. Бу ўринда ҳаммага яхши маълум бўлган бир ҳақиқат — кескин муаммолар, шу жумладан теварак-атрофимиздаги мавжуд муаммолар ҳам инкор этилмаслиги лозим. Ақс ҳолда бу можаролар тангликка олиб келиши, бошқариб бўлмайдиган танглик эса ривожланиш йўлида учраган барча нарсаларни вайрон қиладиган, давлат чегараларини ва ўзга сиёсий, иқтисодий, этник ва бошқа воқедаларни тан олмайдиган фалокатга айланиб кетиши мумкинлигини ёлга олиш ўринди бўлади.

Мавжуд минтақавий танглик шароитида Ўзбекистоннинг хавфсизлигига таҳдид ҳаёлий эмас, балки яққол мавжуддир. Минтақавий можарони фақат тарафларнинг белгилаб қўйилган доиралардаги қуролли қарама-қаршилиги, шу жумладан тинч аҳоли ўртасида кўплаб қурбонларга олиб келадиган қарама-қаршилиги деб ҳисобламаслик керак. У муайян жамият ва қўшни давлатлар ҳаётига таъсир кўрсатадиган қарама-қаршилиқдир. Агар масалага шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, бу таҳдиднинг ҳақиқатан мавжудлиги яққол аён бўлади.

Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса ҳар жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё шароитида, шундан аниқ далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар. Бу эса эртами, кечми қўшни давлатлар олдига барча салбий оқибатлари билан бирга қатор муаммоларни кўндаланг қўяди. Ҳатто минтақадаги вазиятни беқарорлаштириш даражасигача бориб етади. Шу нуқ-

таи назардан қараганда, можаронинг яширин ва ош-кора байналмидаллашуви тангликни чуқурлаштиради. Чунки турли мақсадларни кўзлайдиган ва танглик чиққан ҳудудда ўз манфаатларини таъминлашга интиладиган ташқи кучлар ҳамма вақт шай туради.

Шундай қилиб, алоҳида олинган давлатдаги ички можарони, шу можаро билан қўшни мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқани бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳодисалар деб ҳисоблаш хато бўлур эди. Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий танглик, Тожикистондаги беқарорлик бутун Марказий Осиёдаги минтақавий барқарорлик ҳолатига ҳам, жумладан, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Бизнинг шароитимизда ушбу хулосани тасдиқлаш учун теран назарий фикрлар билдириш ёки бошқа минтақавий можароларнинг тарихини далил сифатида келтириш зарурати бўлмаса керак, деб ўйлайман. Ишончим комилки, Афғонистонда 1996 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида вазият яна шиддатли тус олиб, унинг шамоллари димоғимизга уруш ҳидини олиб келди. Бу ҳол республикадаги тинчлик ва халқ хотиржамлигининг қадри ҳақида ўйлашга мажбур қилди. Бу ҳол ана шу кўп қиррали муаммонинг долзарблиги ва кескинлигини яна бир қарра намойиш этди. Шу жиҳатдан олганда, минтақавий можаролар ҳал қилинмас экан, Марказий Осиёдаги давлатларнинг биронтаси ўзини хавфдан холи деб ҳисобламайди ва ишонч билан олға бора олмайди, деган фикрни давом эттириш мантиқан тўғри бўлур эди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ кўзга ташланаётган ва кейинчалик вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар кўлами кенг.

Биринчидан, вазиятнинг ривожланиши натижасида қуролли ёки бошқача тарздаги қўпоровчилик фаолияти атайлаб ёки беихтиёр қўшни давлатлар

худудига ўтиши мумкинлиги жиддий эътиборни талаб қилади. Чунки афғон ва маълум даражада тожик можаролари амалда назорат қилиб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолди. Бундай шароитда Марказий Осиёнинг ҳамма давлатларида турлича нисбатларда яшаётган, турли соҳаларда ва турли даражаларда кўп асрлардан бери таркиб топган, тарихий ўзаро алоқалари (шу жумладан кўп сонли қариндош-уруғчилик алоқалари ҳам) намоён бўлиб турган асосий этнос-ларнинг жойлашиш хусусиятини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади.

Минтақадаги ҳар бир давлат этник жиҳатдан ранг-баранг бўлгани сабабли, ҳар қандай танглик кескинлашиб, қўшни мамлакатлар фуқаролари ўртасидаги тотувлик ва барқарорликка путур етказди. Айрим бузғунчи гуруҳларнинг зиддиятлар оловини ёқишга ва чегарадош давлатлар аҳолиси орасидаги кам сонли этник гуруҳлар миллий туйғуларини уйғотиш орқали уни қўшни мамлакатларга кўчиришга уриниши катта ташвиш туғдиради.

Ҳозирги замон тарихи шуни яққол кўрсатмоқдаки, ўзларининг сиёсий ва бошқа мақсадлари йўлида миллий масалани дастак қилиб олишга интиладиган кучлар, энг аввало, одамларни юксак даражада сифарбар этадиган ҳиссиётларга умид боғлайдилар. Кейинчалик уларни ҳар қандай сиёсий донишмандлик ва соғлом фикрни инкор этадиган жангари тажовузкорлик йўлига буриб юбориш мумкин, деб ўйлайдилар.

Иккинчидан, сўнгги йилларда воқеалар фожиали тус олганлигининг яна бир сабаби шундаки, афғон можароларига, маълум этник низолардан ташқари, яна диний тус ҳам берилди. Исломнинг кескин сиёсийлашув жараёни содир бўлмоқда. У ўта радикал тус олди — ҳокимият тепасига чиқишга даъвогарлик қилиш ва барча диндошларни мададга чақир-

ган ҳолда бунга қуроли йўл билан эришишга очиқдан-очиқ уриниш юз бермоқда. Динимизнинг инсонпарварлик ғоялари ва асосларига ҳеч бир алоқаси бўлмаган ана шу жараён Тоғли Бадахшондан тортиб то Каспийгача бўлган жуда катта ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий вазиятга бевосита ёки билвосита салбий таъсир кўрсатди. Минтақадаги давлатларда афғон сценарийсини ўз халқларига зўрлаб қабул қилдиришга тайёр турган экстремистик кайфиятдаги унсурлар топилиб қолди. Афғонистон воқеалари эса қандай фожiali оқибатларга олиб келганлигига ҳали биз ҳам баҳо берамиз, келгуси авлодларимиз ҳам баҳо беради.

Учинчидан, ҳокимиятга интилаётган турли афғон гуруҳларининг этник-диний даъволари асосида келиб чиққан Афғонистон можаросининг марказдан қочувчи тўлқинлари бутун минтақага салбий таъсир кўрсатишда давом қилмоқда ва муайян шакл касб этмоқда. Бу ҳол тожик-афғон чегарасидаги қуроли ифвогарликларда яққол намоён бўлмоқда. Бу ифвогарликлар Афғонистон Исломи давлати ҳудудидан туриб олиб борилаётган қўпоровчилик фаолиятининг бошқа кўринишлари билан бирга Тожикистондаги ва бутун минтақадаги вазиятни тегишлича жиддий издан чиқармоқда. Ана шундай шароитда турли-туман “дин учун курашувчилар” ўз хатти-ҳаракатлари ва ниятларини оқлаш учун диний шиорлардан фойдаланмоқдалар. Халқларимизга ва уларнинг маънавий дунёсига хос бўлмаган идеаллар ва қадриятларни зўрлаб қабул қилдиришга уринмоқдалар. Фитна ва ўрта аср жаҳолатпарастлиги уруғларини сочишга, бизни инсоният цивилизациясидаги муносиб ўрни-миздан маҳрум қилишга интилмоқдалар.

Ниҳоят, алоҳида эътиборга молик бўлган яна бир потенциал хавф-хатар ҳақида. Можароларнинг давом этиши баъзи бир кимсаларга “ажратиб юборил-

ган халқлар” муаммосини зўр бериб авж олдиришга имкон бермоқда. Бунда кўпинча, масалан, Афғонистон билан чегаранинг икки томонидаги тожиклар ёки ўзбекларни, ё бўлмаса, пуштун қабилаларини бирлаштириш фойдасига сунъий далиллар тўпланмоқда. Мавжуд чегараларни этник асосда ўзгартириш йўлидаги ҳар қандай уриниш қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилишнинг ўзи даҳшатли. Минтақамиздаги чегараларни ўзгартириш бутун жаҳон ҳамжамияти учун даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳатто Босния ва Герцеговинадаги моjarолар бу мудҳиш воқеалар олдида “ҳолва” бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Умуман олганда, чўзилиб кетган минтақавий моjarолар атрофдаги давлатлар учун (табиийки, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас) айнан ҳозир кенг доирадаги муаммолар манбаига айланди. Кейинчалик эса улар сиёсат, мафкура, миллатлараро муносабатлар ва бошқа соҳаларга ҳам зимдан салбий таъсир этиши, пугур етказиши мумкин.

Минтақавий моjarоларнинг оқибатлари анча сезиларли шаклга ҳам эга. Улар давлатларнинг миллий иқтисодиётига ва ҳўжалик алоқаларига таъсир кўрсатади. Бу эса мавҳум категория бўлмай, балки ҳар бир фуқаронинг ва жамият аъзосининг аниқ ҳисоблаб кўрса бўладиган манфаатлари демакдир.

1. Масалан, Афғонистондаги уруш мамлакатнинг шундоқ ҳам яхши ривожланмаган иқтисодиётини бошдан-оёқ вайрон қилди. Бу уруш ҳозирги вақтда Марказий Осиё давлатларига “илиқ денгизлар”даги портларга чиқиш ва шу йўл билан жаҳон ҳўжалик алоқалари тизимига кўшилиш имконини берадиган янги транспорт коммуникацияларини очиш йўлида асосий ров бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётнинг ривожланишини секинлаштирмоқда. Чунки самарали мол айирбошлаш учун жуда қисқа

ва барқарор транспорт коммуникациялари керак бўлиши ҳаммага маълум.

2. Қуролли можаро кескинлашган тақдирда чегараларни тан олмасдан, қўшни давлатлар ҳудудига “ёпирилиб кириш”га тайёр турган қочоқлар муаммоси вужудга келади. Одатда, бу оқимда чегара орқали нон ва бошпана топишнигина эмас, балки одамларнинг қалбига янги ғулғула солишни истайдиганлар ҳам кириб келади. Қочоқларни қабул қилувчи томон учун бу масаланинг табиий инсонпарварлик жиҳати билан бирга, иқтисодий томони ҳам мавжуд. Чунки қочоқларни жойлаштириш ва уларнинг кўп сонли, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларини ҳал қилиш учун ўз бюджетидан қўшимча маблағлар қидириб топиш зарурияти беихтиёр пайдо бўлади.

3. Афғонистон билан Тожикистонда чўзилиб кетган минтақавий можаролар салбий ҳодисаларни келтириб чиқармоқда, чегарадош давлатлар учун жиддий хавф туғдирмоқда. Бу салбий ҳодисалар ҳақида гапирганда, қонунга хилоф равишда наркотик моддалар олиб ўтилиши, халқаро терроризм ва қурол-яроғ контрабандаси каби муаммоларга ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Маълумки, вайронгарчилик ва сиёсий тартибсизлик шароитида уруш ҳаракатларини олиб бориш оддий аҳоли учун асосий юмушгина эмас, балки омон қолиш усули ҳам бўлиб қолмоқда. Айни пайтда Афғонистондаги можарода қатнашаётган гуруҳлар учун наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва сотиш қурол-яроғ харид қилиш ва бойлик орттириш учун пул топишнинг энг қулай воситасига айланмоқда. Турли халқаро ташкилотлар, шу жумладан БМТ таҳлилига кўра, Афғонистон қорадори хом ашёсини тайёрловчи дунёдаги етакчи давлатлардан биригагина эмас, балки наркотик моддалар олиб ўтиладиган энг йирик базага ҳам айланиб қолди. Бу

макон орқали наркотик моддалар тобора кўпроқ миқдорда Марказий Осиё давлатларига ва сўнгра Фарбга етказилмоқда. Табиийки, уларнинг бир қисми бизнинг минтақамизга “сингиб кетмоқда”. Бу эса жиноятчиликнинг ўсишига, ёшларнинг бузилишига, ҳатто миллатнинг генофонди айнишига сабаб бўлади.

4. Афғонистон билан Тожикистондаги минтақавий можаролар ҳал бўлмаётир. Бу эса минтақадаги давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон олдига терроризм ва қурол-яроғлар контрабандаси сингари ҳодисаларнинг қўшни давлатлар ҳудудларига ёйилиши билан боғлиқ бўлган янги ва гоят хавfli муаммоларни кўндаланг қўйди. Эндиликда миллий хавфсизликни ва ички барқарорликни таъминлаш даражаси ана шу муаммоларни ҳал қилишга боғлиқ. Яқин Шарқдаги ва сайёрамизнинг турли нуқталаридаги бошқа тангликлар, шунингдек, МДХ ҳудудидаги (Чеченистон, Тоғли Қорабоғ, Абхазия ва бошқалардаги) воқеаларнинг ўхшаш жиҳатларига қараб террорчилик фаолиятини Афғонистон билан Тожикистоннинг миллий чегараларидан ташқарига кўчириш имкониятлари қай даражада эканлигини тасаввур этиш мумкин. Бунинг устига, Афғонистон ҳудуди ва чегаралари назорат қилиб бўлмайдиган қурол-яроғ аслаҳахонасига айланган. Бундай шароитда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги чегаралар очиқлиги янада хатарлидир. Афғонистон ҳудудида тайёргарликдан ўтган ёки партизанлар урушида тажриба орттирган жангарилар дунёнинг кўпгина давлатларидаги, Кавказорти, Чеченистон ва Тожикистондаги қуролли можароларда фаол қатнашган бўлиши мумкинлигини ҳам инкор этиш мушкул.

Миллий хавфсизлигимизга четдан реал таҳдид солаётган Афғонистон ва Тожикистондаги минтақа-

вий можаролар на Марказий Осиёда ва на бутун дунё миқёсида барқарорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу можароларнинг катта салбий потенциали бутун дунё кўламида ҳалокатли оқибатларга олиб келишга қодир.

Нафақат Марказий Осиё минтақасидаги, балки ундан ташқаридаги ҳар бир соғлом фикрли инсон минтақавий можароларнинг янада авж олиши бу ҳудуддаги мамлакатларнинг танлайдиган йўлига таъсир кўрсатмасдан қолмаслигини яхши англайди. Бу можаролар уларнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши қандай, қайси йўлдан боришига, ХХІ аср арафасида ва бошларида миллионлаб кишиларнинг тақдирини белгилаб берадиган демократик ва бозор ислоҳотларининг истиқболлари қандай бўлишига ўз таъсирини ўтказди.

“Совуқ уруш” даври тугагининг асосий яқини шу бўлдики, инсоният учинчи жаҳон урушидан кўтулиб қолишга муваффақ бўлди. Минтақавий можароларнинг, шулар қатори Афғонистондаги можаронинг ва Тожикистондаги қарама-қаршилиқнинг дунё миқёсида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларини чеклашга ва таркатмасликка бугунги кунда ҳаммамизнинг ҳам ақл-идрокимиз, тажрибамиз ва катъиятимиз еталими?

Ўзбекистон республикамиз билан чегарадош мамлакатлардаги ҳарбий-сиёсий можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга ва уларнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни, амалий қадамларни қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади. Бу йўлда мамлакатимиз ҳам ўз давлат сиёсати доирасида, ҳам халқаро ташкилотлар механизмларидан фойдаланган ҳолда, мавжуд имкониятларни аниқ мақсадни кўзлаб ишга солади. Бутун миллий стратегиямизнинг асосий йўналишларидан бири ана шундай мазмун-моҳиятга эга.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ФУНДАМЕНТАЛИЗМ

XX аср ажойиб илмий кашфиётлар асри, инсон Коинот сирлари кўйнига кириб бораётган аср, ахборот ва ғоят улкан техникавий имкониятлар асри бўлди. Шу билан бирга бу асрнинг охири диний қадриятларнинг уйғониш даври, вазмин, беҳуда уринишлардан холи диний маънавиятга ўзига хос тарзда қайтиш даври бўлиб қолди.

Жаҳондаги энг йирик динлардан бўлган ислом ҳам шу каби ялпи интилишлардан четда қолгани йўқ. Аксинча, мусулмон дунёсида ва ҳатто ундан ташқарида ҳам сўнгги ўн йилликлар мобайнида рўй берган воқеалар жаҳон ҳамжамиятида “ислом овозаси” деб аталган ҳодиса ҳақида гапириш имконини берди.

Кўплаб сиёсатчилар, олимлар, журналистлар XX аср охирида юз берган, “ислом уйғониши”, “қайта исломлашиш”, “ислом феномени” ва бошқа турли-туман номлар билан аталган ҳодисанинг сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар. Бу тушунчалар ҳақида мунозарага киришмаган ҳолда, эътиборни жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом қадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган ҳодисалар ғоят хилма-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши қутбли эканлигига қаратмоқчиман.

Шу билан бирга, аниқ-равшанки, жаҳон жамоатчилиги бу жараёнларга жуда катта қизиқиш билан қарабгина қолмаяпти. Унинг диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаётгани, баъзан эса ҳатто хавфсирётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Афсуски, ҳозирги замон тарихида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши

мумкинлиги инсониятни чўчитяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий таъшиш туғдирмоқда.

Диний экстремизм ва фундаментализм бизнинг минтақамиз учун туғдириши мумкин бўлган хавф-хатарларни бевосита таҳлил қилишга киришишдан олдин эътиборни одамларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ ҳар қандай муаммо ғоят нозик эканлигига, уларнинг диннинг маънавий кадриятлари билан шиорлардан, ҳусусан, исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига эришиш зарурлигига қаратишни истардим.

Дин, шу жумладан ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига ҳос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий ҳулқ-атвор қондаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда.

Бинобарин, дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий кадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишга ёрдам бериб келган. Баъзи вақтларда эса

бунинг бирдан-бир чораси бўлган. Бундай хулосалар чиқаришга, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Шунинг учун ҳам дин инсоннинг ишончли ҳамроҳи, одамзот ҳаётининг бир қисми бўлиб келмоқда.

Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга, диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган.

Ҳаётнинг мазмунини тушунишга турлича ёндашишларнинг (афсуски, улар ҳамма вақт ҳам тинч ва осойишта кечавермаган) ёнма-ён мавжуд бўлиши, эҳтимол, инсоният дунёсининг, маънавий ҳаётининг бойлиги ва хилма-хиллигини таъминлаб берган ҳамда унинг ривожланишини рағбатлантириб тургандир. Зеро, фақат бир хил фикр юритувчи одамлардан таркиб топган жамият ўз ранг-баранглигини ва жозибасини йўқотган бўлур эди.

Инсоннинг, шахснинг қадр-қимматини, устувор қадрият сифатида эътироф этувчи ҳозирги дунёда, мазкур зиддият инсоннинг эркин фикрлаш, хоҳлаган динига эътиқод қилиш эркига ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик эркига бўлган ҳуқуқини тан олишга айланди. Одам табиий омишларга кўра ўзи мансуб бўладиган ирқ ва элатни таилай олмайди. Ота-онани танлаб ололмайди. Лекин дунёқарашини, ахлоқи, маънавиятини ўзи, ҳеч кимнинг тазйиқисиз ва, айниқса, зўравонлигисиз танлаб олиши мумкин ва лозим. Бинобарин, унинг хоҳиши ҳурмат қилиниши шарт.

Жамият ҳаётининг бир қисми бўлган дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган. Уларга таъсир кўрсатган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган.

Ҳозир мавжуд бўлиб турган диний тартибларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бурилишлар, тангликлар даврида шаклланганлиги бежиз эмас. Шу тариқа дин инсоният тарихининг турли даврларида сиёсат билан озми-кўпми очиқ-ойдин муносабатга киришган. Кўпинча ундан сиёсий ва баъзан бир тарафлама, тор мақсадларда фойдаланиб келинган.

Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари авваламбор ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатдир.

Айнан фанатизм иллатига йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар. Устига-устак, оммавийлик унсури муайян бир хатти-ҳаракатлар учун шахсий жавобгарлик ҳиссини йўқотиб юборади, ҳаракатга “омма, халқ ҳаракати” тусини беради.

Ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга — зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин.

Адолат юзасидан шуни эътироф этиш керакки, диний фанатизмнинг “отилиб чиқиши”га соф диний зиддиятлардан кўра кўпроқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги

сабаб бўлади. Аслини олганда, айти шу муаммолар бошқача фанатизмни, дейлик, большевистик, миллатчилик руҳидаги фанатизмни келтириб чиқаради.

Диний тизимларнинг ўзи ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали дастурларини таклиф қилишдан олис. Диний фундаменталистларнинг амалдаги динлар вужудга кела бошлаган дастлабки шарт-шароитларга қайтиш ҳақидаги даъватларини эса асосли ва реал чора деб ҳисоблаб бўлмайди.

Сўнгги ўн йилликлар мобайнида дунёда дин омилнинг фаоллашуви советлардан кейинги маконда ҳам ўз аксини топди. Тўғри, маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукмронлик қилган шароитларда ҳам диний ҳаёт ҳеч қачон тўхтаб қолган эмас. У гоёт ўзига ҳос шаклу шамойил касб этган эди, холос. Бироқ 80-йилларнинг охири — 90-йилларнинг бошлари, бир томондан, жамиятда диннинг мавқеи қайта тикланган, иккинчи томондан эса, ана шу асосда можаролар чиқиши учун сабаблар шаклланган давр бўлди.

Бу фикрнинг долзарблиги минтақадаги давлатларнинг мустақиллигини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш даврида минтақамизда ислом омили ва унинг хилма-хил кўринишлари фаоллашуви сабабларига эътибор билан қарашни талаб қилмоқда

Биринчидан, аввалги мафкуравий тасаввурлар ва қадриятлар тизимининг емирилиши ҳамда муайян вақт мобайнида пайдо бўлган бўшчиликнинг ўрнини тўлдириш заруратидир.

Коммунистик мафкура маънавий қашшоқлиги, фанатизми ва миллатларга қарши қаратилганлиги билан шўро ҳокимиятидан кейинги маконда диний фундаментализм ва анъанавийлик учун шароит яратди. Ислом динидагина эмас, балки яҳудолик, христиан конфессиялари — Рус православ, Рим-католик,

Арман-григориан, Лютеран черковларида, баптистлик ва бошқа жамоаларда ҳам шу ҳол рўй берди.

Биз буларнинг барчасини 100 дан ортиқ халқ ва миллат, 15 диний конфессия вакиллари яшаётган Ўзбекистон мисолида яққол кўришимиз мумкин бўлди.

Собиқ СССРдаги ҳукмрон коммунистик парти-янинг жиловбардорлари диний жамоаларни халқларнинг ақл-идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблар эди. Улар ўзининг бутун фаолияти давомида динни камситиш, руҳонийларни йўқотиш ва омон қолганларини бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрган эди. Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизгин жабҳаларидан бирига айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб муътабар руҳонийлари қатагон қилинди. Минглаб мачитлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз учун, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Диндорлар оммасининг аксарият кўпчилиги 90-йилларнинг ўрталарига қадар Қуръони каримдан баҳраманд бўлолмаган эдилар.

Мазкур сабабларга кўра, Марказий Осиёдаги исломий маърифат таъкиклаб қўйилган собиқ совет республикаларида чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари камайиб кетган эди. Натижادا ҳар хил хурофий ирим-сиримлар, баъзан жаҳолатпараст улумлар ривож топди. Бундай “чаламўлдалар” ҳозирги кунда баъзан энг одий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини, уни бутун аҳолига зўрлаб қабул қилдиришни ва одамларнинг тақдирини ҳал этиш ҳукукини даъво қилиб чиқмоқдалар.

Биз Ўзбекистонда ҳозир ҳам, келгусида ҳам совет даврининг салбий тажрибасига, мустақиллиги-

мизнинг дастлабки йилларида гувоҳи бўлганимиз янги хатоларга йўл қўйишни хоҳламаймиз.

Иккинчидан, миллий ўзликни англаш туйғуси, этник жиҳатдан насл-насабини излашга интилиш ўсиб бормоқда.

Бу борада Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатларида диннинг, хусусан, ислом динининг роли тўғрисида ғарбий европалик экспертларда шаклланган фикр эътиборга молик. Уларнинг фикрича, Марказий Осиё халқларининг миллий жиҳатдан тикланиши даврида ислом бир-бирига қарама-қарши вазифаларни бажаришга қодир. Зотан, четдан туриб билдирилган фикр кўпинча кўзгудаги аксини кўрмоқдан кўра яхшироқ ва фойдалироқдир.

Бир томондан, ислом динининг маданий қадриятлари ва аъъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссани, балки унинг ҳозир шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда.

Иккинчи томондан, ислом динидан сиёсий қураш учун, омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш воситаларига эга бўлиш учун қурол сифатида фойдаланилади. У бир туғ вазифасини бажаришга қодир. Бу туғ остида эса аниқ бир дастурий мақсадларни изловчи эмас, балки фақат бир кўрсатмага — ҳокимият учун қураш олиб бориш ҳақидаги кўрсатмага амал қилувчи кучлар бирлашади.

Учинчидан, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳадаги кескин ўзгаришлар. Бу энг муҳими бўлса ҳам ажаб эмас.

Ўтиш давридаги ислоҳотларнинг муқаррар қийинчиликлари, аҳолининг объектив табақалашув жараёни ва мулкдорлик белгиси бўйича табиий тафовутлар аҳолининг бир қисмини ўз фаровонлигини таъ-

минлаш мақсадида куч-ғайратлари, билимлари ва қобилиятларини ишга солишдан чалғитмоқда. Уларни совет руҳидаги нуқтаи назардан ёндашган ҳолда ҳаёлий ва ёлгон тенгликка, ортиқча зеб-зийнат ва исрофгарчиликларга қарши сохта курашга ундамоқда. Аслини олганда, бу — одамлар ўртасидаги сохта тенгликка ва жамиятни қиёфасиз бир ҳолатга келтириб қўядиган текисчиликка қайтишни ёқлаб чиқиш демакдир.

Ана шундай бир шароитда ваҳобийлик каби ғояларнинг алдамчи жозибаси ўзини яққол намоён этмоқда. Турғунлик, танглик ва жамиятнинг парчаланishi йилларида ажнабий ваҳобийликнинг оммага ёқиш йўлидаги уринишлари адолатни юзакли тушуниб тарғиб қилишда, исломнинг маънавий-ахлоқий меъёрларига қаттиқ риоя этишни талаб қилишда ҳамда зеб-зийнатдан ва манфаатпарастликдан воз кечишни эълон қилишда намоён бўлмоқда. Афсуски, бундай даъватлар Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида яқин ўтмишда ва ҳозирги кунларда ҳам кенг ёйилди ва қўялаб-қувватлаб келинди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ғоят мураккаб ва кўп қиррали ислом дунёсининг ажралмас қисмидир. Сир эмаски, бу дунёда етарли даражада расмий ва норасмий ҳаракатлар мавжуд. Улар ё исломнинг устунлигини тан олиш, ёки бошқа барча динларга нисбатан муросасизлик, ёхуд исломдан тор миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг асоси сифатида фойдаланиш мақсадини маҳкам тутган ҳолда исломни ўз сиёсий режаларига бўйсундирмоқда.

Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатларини ўз сиёсий тарафдорлари ва иттифоқчилари сафига жалб қилишга, уларга ўз таъсирларини ёйишга интилиш бундай кучларнинг мафкуравий йўл-йўриқ-

ларигагина хос бўлмай, балки мутлақо аниқ-равшан ҳаракатлар тусини ҳам олмоқда.

Ислом омили кучайишининг юқорида санаб ўтилган асосий сабаблари Ўзбекистонда диний ҳаётнинг фаоллашиш жараёнларини тушунишга ҳам тўла тааллуқлидир.

Ҳозирги кунда республикада 15 та диний конфессия уюшмалари фаолият юритмоқда. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон учун ноанъанавийдир. Давлат улар билан ўзаро муносабатда, ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

— диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

— диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

— диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

— маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллариини излаш зарурати;

— диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Охирги тамойил Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18-моддасига мувофиқ келади. Бу моддада ҳар бир инсоннинг ҳур фикрлаш, виждон ва дин эркинлигига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйишдан ташқари, яна бундай дейлади: “Дин ёки эътиқодга сизғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқни сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва

эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина даҳл қилиш мумкин”.

Юқоридаги фикрлар маънавият ва маданиятнинг бир қисми бўлган дин билан ундан муайян сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланишга уринишларни аниқ ажратиб кўрсатади.

Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий рухий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманл қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиб учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализми — ақидапарастликнинг таҳдиди нималарда намоён бўлмоқда?

Биринчидан. Ақидапарастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришда кўринмоқда. Яхшилик йўлидаги ўзгаришларнинг устувор шартлари бўлган барқарорликни, миллий, фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузиш йўлидаги уринишларда намоён бўлмоқда. Ақидапарастларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлантиришдан иборатдир.

Иккинчидан. Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбоп, жозибадор, аммо бақироқ ва асоссиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим. Бу даъватлар охир-оқибатда бундай одамларнинг ақлигагина эмас, балки тақдирига ҳам ҳукмрон бўлиб олишини яққол англашимиз, айниқса, ёшларимиз бундан аниқ тасаввур қилиши лозим. Бундай нуфузли одамларга бўйсунмай қўйиш шахсий фожи-

ага айланиб кетиши ҳам мумкин. Кулларча мутелик, шахсинг эркисизлик асоратига тушиб қолиши, фикрлаш, сазъ-ҳаракат ва ташаббус кўрсатиш эркинлигининг мутлақо чекланиши бунинг энг оғир оқибатларидир. Бизнинг тараққиёт сари интилишимизни эса фикрлаш, ҳаракат қилиш ва ташаббус кўрсатишсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Учинчидан. Мамлакат минтақалари аҳолиси ва ижтимоий қатламлар ўртасида “ҳақиқий” ва “сохта” диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилиқ келтириб чиқаришда кўринмоқда. Бундай ҳол Жазоирда, Афғонистонда миллатларнинг парчаланиб кетишига олиб келди.

Тўртинчидан. Ўзбекистоннинг жанубий чегараларидаги кўшни мамлакатларда фуқаролар уруши тўхтамай, давом этиб келаётганлигида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ўзларини чин мусулмон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган, мудҳиш тасаввурларини халқимизга зўрлаб қабул қилдиришни истайдиган террорчилар, жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтирмоқда.

Бешинчидан. Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутадиган фикр туғдиришга уринишларда намоён бўлмоқда. Уларга бизни гоҳ динсиз даҳрийлар қилиб, гоҳ эса давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари қилиб кўрсатишни истайдилар.

Олтинчидан. Ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасида ялпи қарама-қаршилиқни шакллантиришда намоён бўлмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятига кўшилиш жараёнларига ғоят салбий таъсир кўрсатмоқда. Янги мустақил давлатларнинг қолақлигини турғун бир ҳолатга айлантирмоқда. Ундан ҳам даҳшатлиси шуки, одамларни ди-

ний заминда “цивилизациялар тўқнашуви”ни кутишга мажбур қилмоқда.

Еттинчидан. Омманинг онгида дин барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган фикрни қарор топтиришда кўринмоқда.

Кейинги вақтларда чет эл матбуотида Ўзбекистон раҳбариятининг ўзи фундаментализм хавфига ишонмайди, лекин мутлақо аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда Фарбни шу билан кўрқитмоқда, деган фикрлар пайдо бўлди.

Фарбдаги тадқиқотчилар ва исломшунослар орасида фундаментализм жаҳон ҳамжамияти учун хавфли бўлмаган, аксарият ҳолларда “ўз” давлатларига қарши қаратилган йўналишдир, деган қарашлар кенг ёйилган. Гўё ақидапарастлар бу давлатларни бузиб, ўзлари хоҳлаганча қайта қуриб олишгач, жаҳон ҳамжамияти билан мулоқот қилишга дурустроқ тайёр бўлар эмишлар. Фундаменталистларнинг кўпчилиги Европадаги ва Америкадаги университетларда олий техник ва тиббий таълим олганлиги бундай мутахассисларни айниқса қувонтирмоқда. Бу кишилар қайта-қайта парчаланишга, низоларга ва таҳқирланишга дучор бўлган мусулмон Шарқининг ҳақиқий ҳолатини чуқур тушунармиканлар?

Бундай нуқтани назарларга қўшилмаган ҳолда, эътиборни муаммонинг яна бир жиҳатига қаратиш зарур деб ҳисоблайман.

Ислом фундаментализмининг хавфи ҳақида фикр юритар эканмиз, нафақат унинг ислом дини ичидаги сабабларига, балки уни келтириб чиқараётган, рағбатлантираётган жиҳатларига ҳам доимо мурожаат қилишга мажбурмиз. Бу сабаблар ҳаммага яхши маълум — мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми ва халқаро муносабатларда мусулмонларга қарши зўравонлик,

“парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил” қабилидаги сиёсатдир. Бунга кўшимча ўлароқ, иқтисодий камситишни, калондимоғликни ва бошқа маданиятнинг, бошқа цивилизациянинг, хусусан кўп асрлик илдишларга эга, Шарқ фалсафасининг бир қисми бўлган ислом цивилизациясининг фазилатларини чуқур тушунишни истамаслик кайфиятини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим.

Айни чоғда ислом дунёсини жипслаштириш учун унинг устунлиги ғоясидан, АҚШ ва Ғарбий Европага қарама-қарши ўлароқ, ҳозирги дунёнинг бошқа куч марказлари билан бирлашиш ғоясидан фойдаланишга уринишларнинг ҳам истиқболи йўқ. Бундай уринишлар ўтиб бораётган асрнинг 50—80-йилларида синаб кўрилган эди. Уларни XXI асрга олиб ўтиш шартмикан?

Қолаверса, ривожланган мамлакатларнинг вакиллари мусулмонлар учун ғоят қадрли бўлган одатдаги ижтимоий муносабатларни, турмуш тарзини, дунёқарашни ўзгартириш нақадар азобли иш эканлигини тушуниб етишлари лозим. Башарти кимда-ким исломни ва исломий маданият давлатларини янги “ёвузлик салтанати” ва ялпи хавф-хатар ҳудуди деб тасаввур қилса, бу ҳол XXI асрнинг бутун келажак тарихи учун фожиали хато бўлур эди.

Ғарбнинг илғор вакиллари ўз мамлакатлари ва бутун дунё цивилизациясининг равнақ топиши учун исломнинг аҳамиятини юксак баҳолаётганликлари ҳамда қарзни қайтариш, деярли 1 миллиард одам яшайдиган диний ҳамжамиятга тараққиёт йўлида ёрдам бериш вақти етди, деб ҳисоблаётганликлари ҳақидаги фикрларни учратиш ижобий таассурот уйғотади.

Диний фундаментализмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши чиқаётган жаҳондаги таъсир доираси кенг ва обрў-эътиборли кучлар турли мадани-

ятлар ҳамда цивилизациялар ёнма-ён яшашининг нормал, тинч ва ўзаро фойдали шарт-шароитлари учун курашда Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамиятини англаб етмоқдалар. Мамлакатимизнинг ўзига хос ислохотлар йўлини тушунмоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар.

Буни бизнинг фуқароларимиз, ёшларимиз эсда тутишлари ва қадрлашлари лозим. Мамлакатимиз ичида ҳам, жаҳон ҳамжамияти олдида ҳам ўз масъулиятларини тушунишлари ва унутмасликлари зарур.

БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК ШОВИНИЗМИ ВА АГРЕССИВ МИЛЛАТЧИЛИК

XXI аср бўсағасида янги мустақил давлатлар жуда катта ички ва ташқи қийинчиликларга дуч келмоқда. Улар мавжуд муаммоларнинг ечимини, ички манбалар ва имкониятларга таянган ҳолда ва шу билан бирга, жаҳон ҳамжамиятининг манфаатдор иштирокидан изламоқда. Айни вақтда улар билан қўшни давлатлар ўртасида гуманитар, ахборот айирбошлаш, иқтисодий соҳалар ва бошқа жиҳатлар ҳамда йўналишларда кўп асрлик умумий алоқалар мавжуд. Шу туфайли уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш истаги ва интилишлари табиийдир. Бу ўринда биз СССР парчаланиб кетганидан кейин пайдо бўлган ана шу мураккаб муаммонинг биронта жиҳатига юзаки қарашга ҳақли эмасмиз. Янги мустақил давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни қарор топтириш ҳамда шакллантириш билан боғлиқ объектив қийинчиликлар ва мураккаб масалалар устида тўхталмаган ҳолда, назаримда, эътиборни баъзан сунъий равишда туғдирилаётган бир қатор муаммоларга қаратиш муҳимдир. Мен буларни аслида субъектив бўлган, муайян сиёсий кучлар, тарихий жараёнларнинг объектив ривожланиш йўлини тушу-

нишни истамаслиги ёки тўғридан-тўғри тушуна олмаслиги, зиммамизга алоҳида тарихий вазифа юкланган ва биз бошқалардан устунмиз деган фикр уларнинг онгида маҳкам ўрнашиб қолганлиги туфайли келиб чиқаётган муаммолар жумласига киритган бўлардим.

Биз масалани умумлаштириш ва тарихий ўхшашликларни санаб ўтиш, айрим миллатлар ва халқларни шубҳа остига олиш фикридан йироқмиз. Лекин давлатлар ўртасида янги маданий муносабатлар қарор топиб бораётган ҳозирги шароитда бу ҳодисани мазкур жараёнга тўсқинлик қилувчи омил сифатида ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Нафақат ёш давлатларнинг эътибор беришини, балки, энг аввало, халқаро иштирокни талаб этадиган муаммолар жумласига биринчи навбатда империяча фикрлаш ва хулқ-атворнинг хуружлари туфайли келиб чиқаётган муаммоларни киритиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ана шу ҳодисалар таъсиридан чалғиб қолган ёш. Ўтган мустакъл ривожланиш йиллари давлатимизнинг суверенитети ва барқарорлигига таҳдид сақланиб қолмоқда, деб айтиш учун асос бўла олади. Бу таҳдид буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик руҳидаги шiorларда, билдириладётган фикрларда, шарҳларда ва муайян хатти-ҳаракатларда аниқ намоён бўлмоқда.

Бу инсоният тарихида асло янги ҳодиса эмас. Зотан, тарихда айрим йирик давлатлар ва кўп сонли халқларнинг атрофдаги мамлакатлар билан ўз муносабатларини устунлик ва мумтозлик нуқтаи назаридан амалга оширишга интилганлигини кўрсатувчи мисоллар жуда кўп. Бундай ёндашув кўп марталаб кенг кўламдаги тўқнашувларга, қонли урушлар ва можароларга олиб келган. Бутун-бутун халқлар ўрта-

сидаги ўзаро муносабатларда ишончсизлик ва шубҳа туғдирган. Афсуски, улар баъзан авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Бир қарашда, гўё инсоният XXI аср бўсағасида етарли даражада ақл-идрокли бўлиб қолган ҳолда ўзининг тарихий тажрибасига асосланиб, асрлар давомида таркиб топиб келган баъзи бир андозалардан воз кечиши табиий бўлиб кўринади. Яъни, инсоният ҳозирги жаҳон ҳамжамиятининг очиқдан-очиқ кўриниб турган хилма-хиллиги ва кўп қирралилигини, унинг барча субъектлари ўртасидаги тўла тенг ҳуқуқликни ҳам бутун жаҳон цивилизацияси муваффақиятли ривожланишининг табиий ва зарурий шарти сифатида эътироф этилишини талаб қилади.

Бироқ шовинистик ва агрессив миллатчилик инерциясининг кучи ҳали шу қадар залворлики, бу куч унга дуч келганлар учун ҳам, уни бошқаларга қаратаётганлар учун ҳам нақадар хавfli эканлигини пайқамаслик мумкин эмас.

Ушбу тарихий тажриба шундан сабоқ берадики, катта сиёсатга интилаётган, бошқа халқларни камситиш ва чеклаш асосида ўз халқига фаровонлик яратиш беришга ва шу ҳолатни сақлаб туришга ҳаракат қилаётган сиёсатчилар ва шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ҳеч қандай олижаноб ниятлар ҳам оқлай олмайди. Шунга қарамай, ҳозирча бундай ҳуружлар мавжуд ва жуда сезиларли. Уларни эсдан чиқармаслик ва ҳушёр туриш зарур.

Биз буюк давлатчилик шовинизмини ва агрессив миллатчиликни қандай тушунамиз, унинг ҳозирги кўринишлари нималардан иборат?

Тарихий тажрибага асосланиб, бу ҳодисани муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жўгрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашида намоён бўлади.

Одатда, ҳудуд жиҳатидан кичик бўлган ва энг асосийси — иқтисодий имкониятлари заифлашган ва ички беқарор давлатлар ана шундай даъволарга нишон бўлади.

Буюк давлатчилик шовинизми бошқа миллатлар ва мамлакатлар билан ўзаро маданиятли ҳамкорлик қилишга тайёр эмасликдан келиб чиқади. Унинг ифодачилари ҳарбий империялардир. Бу империяларнинг иқтисодиёти босиб олинган ҳудудларни эксплуатация қилар ва ҳатто уларнинг ҳаётий манбалари ҳисобига яшар эди. Айни чоғда бўйсундирилган халқларга уларнинг маданий жиҳатдан ва умуман миллий жиҳатдан норасолиги ҳақидаги ҳалокатли ғоя сингдирилар эди.

Бизнинг ўлкамиз ҳам ана шундай қисматдан қочиб қутулолмади. У ҳам узоқ вақт давомида ҳукмрон шовинистик ва агрессив миллатчилик ғояларининг бутун жафоларини тортиб келди. Ўзбекистон Россия империяси, сўнгра эса Совет империяси таркибида мажбуран ушлаб турилган мураккаб даврни бошидан кечирди. Бу давр ҳозирги пайтда турлича, баъзан бир-бирини истисно этадиган тарзда талқин қилинмоқда.

Афтидан, Марказий Осиёда содир бўлаётган ҳодисаларнинг кўпдан-кўп шарҳлари муайян сиёсий ва мафкуравий йўл-йўриқлар таъсирида берилмоқда, деб айтиш учун барча асосларга эгамиз.

Шу сабабга кўра, тарқатилаётган фикрлардан иккитасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу фикрлар Марказий Осиё учун мўлжалланган хилма-хил “андозалар”нинг ҳаммасини акс эттирмаса-да,

Бироқ уларнинг муаллифларини жуда яхши тавсифлаб беради. Биринчи "андоза"нинг муаллифлари, эҳтимол самимий тарзда, минтақа Россия империяси таркибидаги Туркистон мухторияти сифатида ривожланиб, ўз метрополиясидан зарур рағбатларни олиб турар эди. Чунки чор Россияси маҳаллий анъаналар ва асосларни йўқ қилмаган ва бузмаган ҳолда ўлканинг буржуача тадрижий ривожини рағбатлантирган эди, деб ҳисоблайдилар.

Минтақада ўтказилган большевикча тажриба, шу жумладан миллий-давлат чегараланиши, ижтимоий тузумнинг анъанавий кўринишларини бостириш ёки чеклаш, иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари ихтисослаштирилиши ушбу гуруҳ муаллифлари томонидан кескин танқид қилинмоқда. Улар буни Марказий Осиё минтақасидаги ҳозирги зиддиятларнинг асосий сабабларидан бири деб ҳисобламоқдалар. Айни шу мантиққа мувофиқ, коммунистик тузумдан кейинги янги Россия минтақада барқарорлаштирувчи ролни ўйнаш учун жуда мос келар эмиш.

Бошқа фикрларга кўра, минтақадаги мураккаб муаммоларни бу ўлканинг узоқ давом этган мустамлака ўтмиши келтириб чиқарган. Мустамлакачилик мусулмон аҳолининг руҳиятига мутлақо ёт унсурларни олиб кирган. Вужудга келган аҳволдан қутулиш йўли сифатида ўлканинг ўз тарихий ва миллий негизларига қайтиш таклиф қилинади. Бунга эса минтақадаги давлатлар фақат кўшни мусулмон мамлакатларига эргашган, келажакда улар билан янада яқинроқ интеграцияга киришган тақдирдагина эришиш мумкин эмиш.

Бироқ бу нуқтаи назарларда яхлит объектив ва илмий ёндашишдан кўра сиёсат ва эҳтирос анча ус-тунлик қилади. Мазкур фикрларда расмий мантиқнинг ҳамма белгилари мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг муаллифлари ўта кескин нуқтаи назарлар-

нинг ифодачиларидир. Бу нуқтан назарлар айна буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликнинг хуружлари туфайли келиб чиққан.

Шубҳасиз, йирик империялар бошқа мамлакатлар ва халқларни босиб олгани ҳамда бўйсундиргани ҳолда, умумжаҳон тараққиётдан орқада қолган мамлакатларда муайян даражада маърифатчилик вазифасини ҳам адо этиб келган. Мустамлакачиликка бундай баҳо берувчилар империялар босиб олинган мамлакатлар инфраструктурасини, айрим ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга, миллий кадрларни тайёрлашга, улар аҳолисини фаолиятнинг янги турларидан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд қилишга қўнган ҳиссаларини таъкидлаб кўрсатадилар.

Бунга қўшилмаслик мумкин эмас. Лекин буюк империялар билан кам сонли халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнининг салбий жиҳати ҳам бўлган. Бу салбий оқибат ташқаридан олиб кирилган цивилизация натижаларидан кўра бир неча баравар ортиқ эди.

Энг аввало, мустамлакалар ва ярим мустамлакаларни ривожлантириш йўлидаги куч-ғайратлар буюк давлатларнинг кундалик ва узоқ муддатли манфаатларига бўйсундирилганди. Шу жиҳатдан олганда, қарам халқларнинг манфаатлари ҳамма вақт иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган. Империялар қарам мамлакатлар тараққиётини, ўз манфаатлари доирасидан четга чиқмаган ҳолда, ҳаминша қаттиқ чеклаб келган ва муайян йўлдан олиб борган. Хусусан, Марказий Осиёнинг инфраструктурасидаги ўзгаришлар, йўл қурилиши ва коммуникацияларнинг ривожлантирилиши, **ана шу мақсадлар учун империяга хизмат қилувчи миллий кадрларни тайёрлаш** — буларнинг барчаси империянинг манфаатларини қондирганлиги, бу ҳолда арзон хом ашё ва энергия манбаларидан

бахраманд бўлишни кафолатлаши керак бўлганлиги учунгина амалга оширилган.

Иккинчида, буюк давлатларнинг цивилизациядорлик ҳаракати мумтозлик ва атрофдагиларга менсимай қарашдан иборат ҳалокатли руҳиятни вужудга келтириб ва мустаҳкамлабгина қолмади, балки бу цивилизация зўрлик билан жорий қилингани, миллий нафсоният ва ифтихорни камситгани, миллий маданиятлар ва маънавий қадриятларни топтагани, уларнинг ифодачиларини жисмонан йўқ қилиб ташлагани учун бундай ҳаракат тегишли қаршиликка ҳам учраб эди.

Ниҳоят, илдиз отиб кетган бошқариш ва ақл ўргатиш одати, ўзининг нуқсонсизлигига ишониш стратегик жиҳатдан хато қарорлар қабул қилинишига олиб келиши мумкин. Бундай қарорларнинг оқибатлари империянинг ўзи учун портловчи модда бўлиб хизмат қилади. Чор ҳукуматининг ҳам, Совет давлатининг ҳам тақдирини бунинг яққол далилидир.

Шовинистик кайфиятдаги шахсларнинг аҳвол-руҳияси ва сиёсатида мавжуд бўлган салбий потенциал ҳақида фикр юритганда, улар дунё миқёсида туғдирадиган бошқа бир қатор таҳдидларга ҳам эътиборни қаратиш зарур.

Тарихий таҳрибада қайта-қайта тасдиқланганидек, шовинизм авторитар тўзўмлар ўрнатилиши ва мустаҳкамланишини рағбатлантиради, шафқатсиз диктатурага олиб боради. Чунки, бўйсундирилган ва қарам ҳалқларнигина эмас, балки бир қисми муқаррар равишда бундай сиёсий йўлга қарши чиқадиган ўз аҳолисини ҳам бошқача шароитда иттифоқликда саклаб туриш мумкин бўлмайди.

Шовинизмнинг тарихан ҳалокатли эканлигига сабаб шуки, ҳаддан ташқари кучайиб кетган ва, айниқса, ўз миллий мумтозлигига ишонишга асосланган буюк давлатчилик зўравонлик асосига қурилган-

лигидадир. Бу эса, ўз навбатида, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликни ифода этувчи давлатларнинг ўзида кўплаб қурбонлар ва йўқотишларга олиб келади.

Шу боис айтиш мумкинки, шовинизм пировардида давлатнинг ўзига зарба беради, унинг пойдеворини кучсизлантиради, ички зиддиятларни кучайтиради. У жамиятни парчалаб юборишга ва унинг учун оғир бўлган оқибатларни келтириб чиқаришга қодир. Гарчи тарихий давлари ва шарт-шароитлари турлича бўлса-да, Рим, Усмонлилар, Германия ҳамда Россия ва Совет империяларининг тақдирида бунга кўплаб мисоллар топиш мумкин.

Ҳозирги шароитда шовинистик таҳдидларнинг таъйиқини бошдан кечириб турган кичик мамлакатлар ва халқлар ўз хавфсизлиги ҳамда суверенитетини таъминлаш мақсадида буюк давлатчиликка қарши чоралар излашга мажбур бўлмоқда. Оқибатда буларнинг ҳаммаси бутун халқаро муносабатлар тизими янада соғломлашишига эмас, аксинча, дунё миқёсида жаҳоннинг куч марказлари ўртасидаги муносабатларда зиддиятларнинг зўрайишига олиб келиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик унсурлари ҳозирги кунда бизнинг мамлакатимизга нисбатан қанчалик кучга эга, бу ҳодисага қандай тўн кийдирилмасин, у бизнинг хавфсизлигимизга қандай реал таҳдид туғдирмоқда, деган масала Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун долзарб бўлиб турибди.

1991 йил янги давр бошланган тарихий нуқта бўлди. Шу йили тоталитар тузумнинг собиқ қурбонлари ўз мамлакатларининг озод бўлишига эришди ва миллий давлат сифатида қайта тикланиш имкониятини қўлга киритди. Россиянинг ўзи пугури кет-

ган ва парчаланиб бораётган империяни бузиб ташлашни бошлаб берганлиги қонуний ва рамзий ҳолдир. Шунинг учун ҳам демократик, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан соғлом ҳамда равнақ толиб бораётган Россия барча янги суверен давлатларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг ҳам мустақиллигини мустақамлаш учун ниҳоятда зарурдир.

Империя буюк давлатчилигининг партияси ҳокимият тепасидан кетгач, буюк давлатчилик шовинизми ҳам ўтмишда қоладигандек бўлиб кўринган эди. Бироқ ҳаёт бу умидларга ташвишли тузатишлар киритди.

Шовинизм билан агрессив миллатчиликнинг қорипмаси бўлган буюк давлатчилик бугунги кунда нималарда намоён бўлмоқда?

Энг аввало шундаки, муайян гуруҳга мансуб сиёсатчилар ва экспертлар ўз фикрлари ва хатти-ҳаракатлари билан ҳозирги дунёда собиқ Совет Иттифоқи Москва ва Россиядангина иборат бўлмаганлигини тушуниш ўсиб бораётганлигидан ҳафсалалари пир бўлганлигини ошқора кўрсатмоқдалар. Шунинг учун ҳам собиқ иттифоқдош республикалар ўз миллий-давлатчилик манфаатларини аниқ ифодалабгина қолмай, аини чоғда бу манфаатларни таъминлашга қаратилган тамомила мустақил сиёсатни ҳам амалга ошираётганликлари асабийлик билан ва ҳатто алам билан қарши олинмоқда.

Кейинги вақтларда Россиянинг очиқ матбуотида бу мавзуда узундан-узоқ таҳлилий материаллар ва бошқа мақолалар қайта-қайта босилиб чиқмоқда. Уларнинг оҳанги ва мазмунига қарасангиз, журналистнинг қаламини эмас, балки махсус хизматлар ва айрим сиёсатчиларнинг тажрибали қўлини кўрасиз. Бу мақолалар шовинизм ҳавфи ва унинг собиқ совет маконида пайдо бўлиб, “яқин хориж” деб аталаётган янги мустақил давлатларга нисбатан кўриниш-

лари ўйлаб чиқарилган муаммо эмас, балки Россиянинг ўзи учун ҳам, унга қўшни мамлакатлар учун ҳам бирдай хавфли таҳдиддир, деган хулосани жуда яхши кўрсатиб ва асослаб беради.

Айрим мақолаларда ашаддий шовинистлар ва миллатчиларнинг ошкора даъволари ҳеч қандай ақлга сизмайди. "Новая независимая газета"нинг 1997 йил 26 март сонида "МДХ: тарихнинг ибтидосими ёки интиҳоси?" деган дабдабали сарлавҳа остида босилиб чиққан бош мақолани, муҳаррир мақоласини мисол қилиб келтириш kifоя.

Бу мақола Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг 1997 йил 28 мартдаги учрашуви арафасида эълон қилинди. Унда, таҳририятнинг фикрича, "советлардан кейинги маконда бирлашишга мутлақо янгича ёндашувлар" баён этилган. Афсуски, бу мақола ёки, унинг номаълум муаллифлари атаганидек, маъруза билан юзаки танишиб чиқишнинг ўзиёқ гап интеграцияга янгича ёндашувлар ҳақида бормаётганлигини кўрсатади. Аксинча, у мазкур мамлакатларда вазиятни беқарорлаштиришга, мавжуд ҳолатни ва советлардан кейинги маконда юз берган реал воқеликларни қайта кўриб чиқишга даъват этади. Бу эса халқаро ҳуқуқ ва БМТ аъзолари бўлган давлатларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурмат қилишнинг нормал ахлоқий қоидалари нуқтаи назаридан мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Муаллифларнинг фикрича, шуларнинг ҳаммасини Россиянинг хавфсизлигини таъминлаш ва унинг собиқ СССР чегараларидаги буюк давлатга хос ва ҳукмрон мавқеини сақлаб қолиш учун амалга ошириш керак эмиш.

Масалан, улар: "Россия собиқ совет республикаларининг давлат бўлиб шаклланмаган (давлатга ўхшаш) тузилмалар ҳолатидан чиқиб, барча зарур белгиларга эга бўлган реал давлатларга айланишига, сўнгра иқтисодий соҳада интеграцияни амалга оши-

ришига, фақат шундан кейингина ҳарбий ва сиёсий интеграция жараёни, чинакам янгиланган суверен ва озод давлатлар иттифоқини барпо этиш жараёни юз беришига — интеграциянинг ана шундай мантиқига амалда розилик бериб, энг катта хатога йўл қўйган", — деб ҳисоблашмоқда.

Бу хатони тўғрилаш учун "... таъсир кўрсатишнинг барча иқтисодий, ҳарбий, этник-демографик ва бошқа воситаларидан фойдаланган ҳолда давлат ҳокимияти теварагида Россияга қарши ва интеграцияга қарши кайфиятдаги кучлар жипслашишига йўл қўймаслик мақсадида Россияни собиқ СССР республикаларидаги давлат қурилиши жараёнига дадил жалб этиш" таклиф қилинмоқда. "Фақат фаол ҳаракатларгина (ҳатто минтақалардаги ички сиёсий вазиятни беқарорлаштиришгача...) аста-секин Россия маъмурларининг ҳозирги сиёсати туфайли муқаррар юз бераётган жараённи — бу давлатларнинг Россиядан узоқлашиш жараёнини тўхтатиб қолиши мумкин" экан.

Шу билан бирга, уларнинг фикрича, "устувор йўналишларни ўзгартириш Россияга СССР парчаланиб кетгандан кейин республикаларнинг ҳудудий чегараланиши соҳасидаги келишувларнинг мавжуд тизимини бошдан-оёқ қайта кўриб чиқиш, уларга нисбатан ҳудудий яхлитлик тамойилини инкор этиш ҳамда бу маконни миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи асосида қайта тақсимлаш масаласини қўйиш учун баҳона бўлар" эмиш.

Мақола муаллифларини Марказий Осиё мамлакатларининг интеграциялашуви кучайиб бораётганлиги айниқса чўчитмоқда. Улар буни қандайдир "Жанубнинг таҳдиди" деб билмоқдалар. Улар Марказий Осиё мамлакатларининг интеграцияси "...Россия иқтисодиётининг минтақадаги манфаатларига болта уради, советлардан кейинги давлатлар иқтисодиётининг

Ғарб ва Жанубдаги ривожланган мамлакатларга бўйсундирилиши эса Россияга ўрин қолдирмайди", деб ишонмоқдалар. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, улар мана бундай маслаҳат беришмоқда: "Россия асосий эътиборни шаклланиб бораётган блокни (Марказий Осиё Ҳамдўстлигини) заифлаштиришга, уни парчалаб юборишга ҳамда минтақа ичида рақобатни кучайтиришга қаратиши керак".

Шу мақсадларда таъсир кўрсатишнинг хилма-хил усуллари ва йўлларидан фойдаланиш таклиф қилинади. Булар орасида "зўрлик" (бу давлатларнинг хом ашё экспортини тартибга солиш ёки тартибга соламан деб таҳдид қилиш, шунингдек, уларнинг Россияга ташқи қарзларини қаттиқ шартлар асосида қайта кўриб чиқиш) ва "тилёғламачилик" (кредитлар, товар етказиб бериш, буюртмалар, имтиёзлар ва шу каби тарзидаги ҳарбий, иқтисодий ва молиявий ёрдам) сиёсати ҳам, "кўшинларни (Тожикистондан) олиб чиқиб кетиш ва ҳудудий даъволар билан таҳдид солиш" ҳам бор. Ўрта Осиёнинг Россия транспорт инфраструктурасига қарамлиги ҳам ҳисобга олинмоқда, бу "...минтақадаги янги давлатларни иқтисодий қамал — биринчи навбатда озиқ-овқат ва энергетика қамали шарпаси қаршисида жуда заиф қилиб қўяди".

Мақола муаллифлари минтақада яшаётган русийзабон аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш тарафдорлари бўлиб кўринишга кўполлик билан, бевандиша ҳаракат қиладилар. "Биз ўз хоҳиш-иродаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда Россиядан ташқарида қолган ватандошларимизнигина эмас, балки ундан ҳам кенгроқ — Ўрта Осиёнинг бутун русийзабон дунёсини қўллаб-қувватлашимиз лозим. Руслар ва русийзабон ҳаракатларга (айниқса чет элдаги русларнинг энг радикал ва шайланган қисми бўлган казакларга), шунингдек, Ўрта Осиёдаги Россияга эргашади-

ган муҳолифат кучларга ёрдам бериш учун Россия Федерацияси давлат ва хусусий тузилмаларининг тазйиқ ўтказиш имкониятларини ишга солишимиз керак”.

Улар тазйиқ ўтказишнинг барча усулларида фойдаланишга чақирадилар. Шу тариқа “Россия Ўрта Осиё мамлакатларининг катта-катта масалаларда унга ён беришига, эҳтимол минтақанинг “сиёсий қиёфаси”ни бизнинг (Россиянинг) миллий манфаатларимизга янада мосроқ тарзда бутунлай ўзгартиришларига эришиши мумкин”, деб ҳисобламоқдалар. Бундан ташқари, улар: “Ўрта Осиёнинг сиёсий режимлари Россияни советлардан кейинги маконнинг асосий ва ягона куч маркази, деб билиб, унга қайта мослашиши учун тинимсиз тазйиқ ўтказиб туриш керак”, деб ишонадилар.

Бундай кибр-ҳавонинг асосий сабабларидан бири — империяча ўтмиш ва буюк давлатчилик тафаккури бўлиб, айрим сиёсатчилар қанузгача бундан қутула олмаяптилар. Бу сиёсатчилар учун юз берган тарихий ҳақиқатта — ўз келажагини ўзи белгилаётган суверен давлатлар пайдо бўлганлигига кўникиш, афтидан, жуда ҳам қийин бўлмоқда.

Бугунги ҳар бир мустақил мамлакатнинг ўз тарихи, ўз хусусиятлари, ўз ривожланиш йўли борлигини ва келажақда уларнинг ҳар бири жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашини тушуниб олиш вақти етди.

Аминманки, вақт ва тарих бизнинг фойдамизга, мустақиллигимиз ва суверенитетимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ҳаётимизни ва тарих гилдирагини тўхтатиб ҳам, орқага қайтариб ҳам бўлмайди. Шу билан бирга яқин ва яхши кўшни бўлиб, маданий ва демократик дунёда удум бўлганидек, муштарак муаммоларимизга шерик бўлиб ва уларни биргаликда ҳал қилиб яшаш чекимизга тушган.

Ҳозирги кунда буюк давлатчилик ғояларига ўта замонавий шакл берилган. Аммо уларнинг мазмунида деярли ўзгаришлар бўлган эмас. Хўш, бундай даъволар қандай далилларга асосланмоқда?

Энг аввало, Россия буюк давлатчилиги ғоясини, рус миллатининг мумтозлигини тиклаш, жаҳоннинг кутбларидан бири бўлишга даъвогарлик қилаётган давлат теварагида кучли жўгрофий-сиёсий майдон яратиш ғоясини кўкларга кўтариб мақташда кўринмоқда.

Ниҳоят, бутун советлардан кейинги маконда бозор муносабатларига ўтишда дуч келинаётган қийинчиликларни уялмай-нетмай рўқач қилиш ҳоллари ҳам мавжуд. Уларнинг муаллифлари жуда оддий, аммо асло беозор ва берараз бўлмаган мантиқдан фойдаланишмоқда. Бу мантиққа кўра, ҳозирги қийинчиликларнинг сабаби Иттифоқнинг парчаланиб кетганлиги билан боғлиқ эмиш. Бинобарин, “ягона ва аҳил халқлар оиласи”ни тиклаш қийинчиликларни тез ва самарали бартараф этиш имконини берар эмиш.

Буюк давлатчилик шовинизмининг яна бир кўриниши бор. Унинг вакиллари “яқин хориж” давлатларидан қайси бирлари ҳамкорлик қилиш шарафига муяссар бўлишини, яъни бошқалар қаторидан кимни ажратиб қўйиш ҳуқуқини ёлғиз ўзлари ҳал қиладилар. Кўпинча Россияда иззат-икромли зиёлилар орасида, собиқ совет республикалари текинхўр эди, улар ҳозир ҳам Москванинг ҳисобига яшашни орзу қилмоқда, деган такаббуруна мулоҳазалар бот-бот эшитилиб турибди.

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик таҳдиди ҳақида фикр юритганда биз қуйидаги хавфни назарда тутамиз:

Биринчидан. Халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаршиликни келтириб чиқариш;

Иккинчидан. Халқаро-ҳуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилиқ кўрсатиш;

Учинчидан. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш;

Тўртинчидан. Мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилиш;

Бешинчидан. Агар буюк давлатчилик шовинизми билан экстремистик миллатчилик абадий ҳамроҳлар экани назарда тутиладиган бўлса, у ҳолда миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш;

Олтинчидан. Янги мустамакчилик ва янги империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул қилдириш, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш хавфи.

Очигини айтганда, Россия давлат раҳбарияти умуман МДХда ҳуқуқий тенгликнинг зарурлигини тушуниб етди. Биз Б. Н. Ельциннинг: “собик Иттифоқни қайта тиклаш фожиага айланиб кетади”, деган фикрига қўшилаемиз. Шу нуқтаи назарга сўзсиз амал қилиш бизнинг давлатлараро муносабатларимизнинг асосий принциpidир. Россия раҳбарининг МДХ давлатлари ўртасида ўзаро фойдали ва тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатилишига айнан ана шундай ёндашуви Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асоси ва пойдевори ҳисобланади, келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликни танқид қилган ҳолда, биз собик Совет Иттифоқи ҳудудидаги давлатлар, аввало, Россия билан сифат жиҳатидан янги муносабатларни ривож-

лантириш тарафдоримиз. Биз бу мамлакатнинг реал манфаатлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, у билан тенг ҳуқуқли, чинакам шерикларча ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Чунки бизни бу мамлакат ва унинг буюк халқи билан кўп асрлик дўстлик, қардошлик ва ўзаро ёрдам ришталари боғлаб туради.

Гапнинг сирасини айтганда, Россияда империяча фикр юритишдан воз кечиш ва Ўзбекистон билан ана шундай ҳамкорликка тайёрликни изҳор этиш буюк кўшнимиз учун гоят самарали имкониятлар очиб беради.

Авваламбор, очик кўриниб турган бир ҳақиқатга эътиборни қаратмоқчиман. Мустақил ва кучли шерикка эга бўлиш “укани боқиш” ёки “кичик иттифоқчини чегаралаб туриш”га қараганда арзонроқ ва ишончлироқдир. Бошқача айтганда, заиф иттифоқчидан кўра кучли ва барқарор шерик билан иш олиб борган афзалроқ.

Иккинчидан, бир-биримизнинг манфаатларимизни ҳисобга олиш ва мувозанатда сақлаб туришга асосланган тенг ҳуқуқли, иззат-икромли муносабат мамлакатимизнинг сиёсий раҳбарларидагина эмас, балки бутун халқимизда ҳам ҳурмат ҳиссини уйғотади. Халқнинг эзгу ҳис-туйғулари ва муносабати, айтиш мумкинки, россиялик сиёсатчилар бизнинг минтақада топишлари мумкин бўлган энг йирик капиталдир. Ва аксинча, халқ аксарият қисмининг ҳис-туйғулари “нафрат” деган биргина сўзга жамланганда нималарга олиб келиши мумкинлигини Чеченистондаги можаро яққол эслатиб турувчи ёрқин мисолдир.

Ниҳоят, минтақавий қалқон вазифасини бажаришга қодир бўлган мустақил, етарли даражада барқарор давлатларни шакллантириш Россиянинг жўғрофий-сиёсий манфаатларига мутлақо мос тушиб, чикими ҳам анча кам бўлишини тушунуш жуда

муҳимдир. Иқтисодиёти барқарор бўлган минтақа Россия ёки ўзга бирорта давлатга таҳдид солмайди. Аксинча, бу ҳол жуда улкан иқтисодий ва бошқа истиқболларга йўл очади. Энг муҳими — бу минтақанинг ҳеч қачон цивилизациялар тўқнашадиган жойга айланмаслигига, балки улар бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитишнинг ибратли намунаси бўлиб хизмат қилишига кафолатдир. Ўзбекистон Республикаси ана шундай олижаноб ва тарихий вазифани бажаришга ҳар жиҳатдан тайёр.

Россияда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ана шундай истиқболлини маъқуллаётган одамлар ва соғлом фикрли сиёсатчилар тобора кўпаймоқда. Улар келажагимизни фақат бир-биримизнинг манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик асосида ташкил этишимиз зарурлигини тушуниб етаётганлиги муайян даражада умид уйғотмоқда.

ЭТНИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ЗИДДИЯТЛАР

Маълумки, ҳозирги давлатлар асосан икки турга — полиэтник (кўп элатли) ва моноэтник (бир элатли) давлатларга бўлинади. Аниқланишича, сайёрамизда ўзининг бетакрор маданий ва маънавий қадриятларига эга бўлган 1600 дан ортиқ этник гуруҳ яшайди.

Дунёнинг ҳақиқий бойлиги, қадриятларни ўзаро айирбошлаш, бир-бирини бойитиш имконияти ана шу хилма-хилликдир.

Аммо ҳозирги замоннинг ҳал қилиниши мушкул бўлган муаммоларидан бири ҳам унга бориб тақалади. Дунёда яшаётган этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмас. Дунё сиёсий харитасида атиги икки юзга яқин давлат борлиги ҳам бунинг далилидир.

Бу ҳол халқаро ҳамжамият учун бир огоҳлантириш бўлиб хизмат қилмоғи даркор. Зеро, этник ўзлигини англашнинг ўсиши яна узоқ вақт давомида ҳозирги дунё сиёсий тараққиётининг динамикасини белгилаб туради.

Шу сабабли кўп миллатли ва кўп тили мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ички сиёсий аҳволнинг барқарорлиги, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикаси кўп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллатлар вакиллариининг сиёсий хайрихоҳлигига бевосита боғлиқ бўлади. Жаҳон тажрибасидан миллатлар ёки этник гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда анъанавий уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп элатлилик омили давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали, рағбатлантирувчи таъсир этишини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу мамлакатларда этник гуруҳлар ва ирқлар ўртасида маълум муаммолар мавжуд. Шунга қарамай, кўп элатлилик омили уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлидаги тўғаноққа айланиб қолмаган. Аксинча, тараққиётнинг жадаллашувига ёрдам берган. Миллатларнинг ва маданиятларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиши бу давлатларда яшаётган халқларнинг маънавий-ақлий бойиши учун яхши манбага айланган. Шундай қилиб, бу мамлакатларда кўп элатлилик омили демократик ўзгаришларни жадаллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг, фуқаролик жамияти қуришнинг таъсирчан воситасига айланиб қолган.

Айни чоғда инсоният тарихида бунинг аксини, яъни кўп элатли давлатлардаги миллатлараро му-

носабатларда уйғунликнинг йўқлиги бутун-бутун халқлар ва мамлакатларни анча орқага улоқтириб ташлаган ижтимоий-сиёсий фалокатларга олиб борганини кўрсатувчи мисоллар ҳам оз эмас. Зеро, кўп элатлилик нафақат айрим давлатларнинг, балки бутун-бутун минтақаларнинг ҳам ички сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигига путур етказувчи бош омилга айланган.

Кўп миллатли давлатда этник гуруҳлар ўртасидаги ва миллатлар ўртасидаги муносабатлар миллий хавфсизлик тушунчасини шакллантирувчи таъсирчан омиллардан бири эканлиги аниқ бўла бошлади.

Этник гуруҳлар ўртасидаги ва миллатлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш собиқ совет маконида янги мустақил миллий давлатлар қарор топаётган даврда, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу муносабатларнинг илдизи жуда узоқ тарихий даврларга бориб тақалади ва инсон қалбининг нақадар теранлигини акс эттиради. Уларнинг уйғунлигига эришиш ҳамма вақт азобли ва қийин кечади. Бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилмаслик оқибатлари асрлар оша акс садо беради.

Зийраклик ва нозиклик билан ёндашишни талаб қиладиган бу масала кўп элатли давлатлар жумласига кирувчи Ўзбекистон Республикаси учун жуда долзарбдир. Бу ўлкада асосий миллат — ўзбеклар билан бир қаторда ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг мамлакат аҳолиси умумий таркибидаги улуши 20 фоиздан ошиб кетади.

Ижтимоий ва социал ўзаро муносабатлар жараёнидаги этник ва миллатлараро омилларнинг ўзинима? Бизнинг ўзига хос шароитимизда улар хавфсизликка қай даражада таҳдид солмоқда?

Ўзбекистонда ва бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорликни сақлаб туриш учун қандай этник сиёсат олиб бориш керак?

Марказий Осиё аҳолисининг асосий қисмини ташкил этадиган ҳозирги туб этнослар илдизлари ўтмишда вужудга келган миллатлар сифатида шаклланишнинг мураккаб ва ўзига хос йўлини босиб ўтган. Бу соҳадаги айрим зиддиятли ҳодисаларга қарамай, аҳолиси кўп миллатли бўлган миллий давлатларнинг қарор топишидан иборат қайтмас жараён давом этмокда.

Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмокда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун кўлай шарт-шароит яратмокда.

СССРда коммунистик мафкуранинг энг муҳим мақсади — аҳолини байналмилаллаштириш ҳамда “марказ”нинг “совет халқи” деган ўзига хос социал бирликни шакллантириш фоясини амалга ошириш чоғида барча миллий хусусиятлар асосий тўсиқ ҳисоблангани сир эмас.

Коммунистик идеологлар ва сиёсатчилар бу концепцияни илгари сурар эканлар, афтидан, одамларда миллий ўзлигини англаш туйғусининг ўсиш жараёнини атайлаб тажовузкор, сиёсий тус берилган миллатчилик билан алмаштириб қўйган эдилар. Шу тариқа одамларни қонуний равишда ўсиб бораётган (ва объектив сабабларга боғлиқ бўлган) миллий ўзлигини англаш эҳтиёжларидан чалғитиш мақсади кўзланган эди. Марказ иттифоқдош республикалар ва миллий чекка ўлкалардаги ўз эътиқодига кўра илғор ва ўз халқига садоқатли бўлган кишиларни “миллатчилик”да айблаб, қатағон қилганди. У маж-

буран “байналмидаллаштириш”, миллий хусусиятларни йўқ қилиш ниятида бўлган ва ўзининг империяча манфаатларига мос тушувчи “кўп миллатли” бирликнинг вужудга келиш жараёнини жадаллаштиришга интиланган эди. “Халқлар ва миллатларни яқинлаштириш”дан иборат бундай сунъий жараён жамиятдаги “миллатчилик” деб аташ расм бўлган яширин ва ошкора қаршилик кўрсатиш ҳолларига олиб келган эди.

Аслида эса бу — теран миллий кадриятларни, одамларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини сақлаб қолиш йўлидаги табиий интилиш, ижтимоий, маънавий ва тарихий тараққиётнинг субъекти бўлган миллатни сақлаб қолишга қаратилган объект, бутунлай асосли эҳтиёж эди. Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин — инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак.

Ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гуруҳларни ўз ичига олувчи ҳар бир алоҳида давлатнинг вазифасидир.

Айни маҳалда бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқлар вакиллариининг ҳудди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. Баъзи миллат, этнослар вакиллариининг бошқаларга такаббурлик билан, менсимай муносабатда бўлиши каби ҳолатлар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитга барҳам бериш лозим.

Шу муносабат билан кўпинча ўзаро алоқада бўлувчи этник гуруҳлар ва миллатларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари бир-бирига мос келмаслиги на-

тижасида юзага чиқадиган зиддиятлар кескин “миллатчилик” кўринишларининг кучли омиллари бўлиши мумкинлигини айтиб ўтмоқчимиз. “Миллатчилик” сиёсий тусга кирса, кучли салбий йўналиш касб этиши мумкинлигини таъкидлаш зарур. Бу давлат ва миллат хавфсизлигига, минтақавий ва кенг қўламдаги хавфсизликка анча кучли таҳдидга айланиб кетиши мумкин.

Ўтиш даврининг ҳозирги мураккаб шароитларида миллий ўзлигини англашни қайта тиклашга, тинчлик ва миллатлараро тотувликка асосланган фуқаролик жамиятини барпо қилиш муаммоларини ҳал этиш пайтида қуйидаги воқеликларни ҳисобга олиш зарур:

Биринчи. Миллатлараро муносабатлар соҳасида муайян, ноантагонистик зиддиятларнинг мавжудлиги янги мустақил давлатларнинг қарор топиш даври учун реал ҳодисадир. Миллий манфаатлар ва эҳтиёжлар бундан буён фуқаролик жамияти ва демократик жамиятнинг манфаатлари билан яқинлаша боради.

Иккинчи. Мавжуд зиддиятлар халқлар ва давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган фожиали оқибатларга олиб боровчи миллатлараро можароларга айланишига йўл қўйиб бўлмайди.

Учинчи. Вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятни, бирга истиқомат қилаётган миллатлар тинч-тотув яшаши муқаррарлиги ва зарурлигини, уларнинг муштарақ интилиш ва истақларини ҳисобга олиш лозим. Бу эса давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган тегишли этник сиёсати ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантириш орқали ифодаланиши керак.

Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида миллатлараро муносабатларга хавф солинмоқдами?

Агар вазиятни холис баҳолайдиган бўлсак, можароли вазиятларнинг юзага келиши учун замин

мавжуд. У Марказий Осиёдаги республикаларнинг худудий-маъмурий чегараларини вужудга келтириш соҳасида Россия империяси олиб борган ва Совет ҳокимияти давом эттирган сиёсат оқибатларига бориб тақалади.

Қадимдан Туркистонда қабила ва халқлар аралаш жойлашган бўлиб, бунга муштарак маданиятлари ва тиллари туфайли чамбарчас боғлиқ бўлган одамларнинг воҳаларда яшаганликлари ва кўчманчи ҳаёт кечирганликлари сабаб бўлган. Минтақанинг этник харитаси бундай ранг-баранг бўлишига унда яшайдиган халқларнинг этномаданий ва диний яқинлиги ҳам ёрдам берган.

Чор Россияси, сўнгра эса Совет давлатининг аниқ мақсадга қаратилган миграция сиёсати Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг полиэтник таркиби янада хилма-хил бўлишига олиб келди.

Ҳозирги кунда совет тузумидан кейинги Марказий Осиё давлатлари худудида 100 дан ортиқ миллат ва элат яшамоқда. Қарийб йигирма миллат вакиллари минтақага Сталин қатағонлари натижасида сургун қилиб кўчирилганлар сифатида келиб қолганлар.

Минтақадаги этник-нуфус вазияти ҳам таҳдид омилдир. Марказий Осиёда бу вазият доимо ўзгариб турган. Турли даврларда унга мустамлакага айлантириш, 20—30-йиллардаги саноатлаштириш, халқларни депортация қилиш ва мажбурий кўчириш, урбанизация жараёнларининг фаоллашуви ва бошқа омиллар таъсир кўрсатган.

Буларнинг ҳаммаси янги мустақил давлатларга мерос бўлиб қолди. Шу туфайли миллатлараро ва элатлар ичидаги ўзаро алоқалар муаммолари стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда ва минтақада давлатлараро муносабатларни йўлга қўйишда алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида барқарорликни сақлаб туриш жараёнида этник ва миллатлараро омилларнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги бир қанча ғоят муҳим жиҳатларни ҳисобга олишни тақозо этади. Бизнинг назаримизда, булардан энг муҳимлари қуйидагилардир:

Биринчи. Таркиб топган давлат чегараларини, уларнинг дахлсизлигини тан олиш ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг конституциявий қондаси, суверенитетни таъминлашнинг ҳамда сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий шартини бўлмоғи лозим.

Иккинчи. Минтақадаги халқлар миллий ўзлигини англашнинг ривожланиши 1991 йилдан кейин орқага қайтмайдиган прогрессив жараён тусини олди. Уларнинг кўплари миллат сифатида узил-кесил шаклланди. Бу миллатлараро муносабатлар жараёнида жуда муҳимдир.

Учинчи. Минтақада яшаётган халқларнинг жўғрофий, этномаданий ва ижтимоий-диний яқинлиги миллатлараро мулоқот ва давлатлараро ташқи-сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ижобий жиҳати сифатида майдонга чиқмоқда.

Тўртинчи. Хусусан Ўзбекистонда “Туркистон — умумий уйимиз” ҳаракати доирасида амалга оширилаётган этник сиёсат ўзининг йўналиши ва мазмунига кўра инсонпарвар, конструктив жараёндир. Чунки у минтақада миллатлараро тотувликка эришиш мақсадини кўзлайди. Шубҳасиз, бу сиёсат Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг асосий давлат стратегик ва миллий манфаатларига тўла-тўқис мос тушади. Зотан, “Туркистон” деганда азалдан фақат келиб чиқиши туркий бўлган халқларгина эмас, балки ўлканинг ҳамма аҳолиси назарда тутилади.

Бешинчи. Минтақадаги интеграция жараёнлари ҳам барча халқлар ва бутун кўп миллатли аҳолининг

давлат ва миллий манфаатларини энг мақбул даражада уйғунлаштиришга асосланган ҳолда ривожланиши даркор.

Шу билан бирга, Марказий Осиёнинг бир халқини бошқасига қарама-қарши қўйиш, миллий устунлик мавжудлиги тўғрисидаги афсоналарни тарқатиш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш лозим. Холбуки, ҳам минтақадаги, ҳам чет элдаги баъзи масъулиятсиз, калтабин ва кибру ҳавога берилган сиёсий арбоблар ана шундай ҳаракатларни содир этмоқдалар. Бундай уринишлар қандай баҳоналар билан ниқобланмасин, улар фақат минтақадаги фуқаролар тинчлигини ва минтақалараро тотувликни жиддий бузишгагина хизмат қилади, холос. Бу ҳол нималарга олиб келиши мумкинлигини собиқ Югославия, Тоғли Қорабоғ ва бошқа кўп миллатли мамлакатлардаги фожиали воқеалар кўрсатиб турибди. Афсуски, бизнинг ўзимиз ҳам бу соҳада аччиқ тажрибага эгамиз. Ўшанда айрим экстремистик кайфиятдаги гуруҳлар сал бўлмаса одамларнинг миллатлараро негизда тўқнашувини ва қарама-қаршилигини келтириб чиқараёзган эди. Бахтимизга ўзбек халқига хос ақли расолик, донолик, инсонпарварлик ва бағри кенглик ана шундай гуруҳларнинг манфаатларидан устун чиқди, экстремизм йўлида қудратли тўсиқ бўлди.

Марказий Осиё давлатларида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг мазмуни ва суръатларидаги айрим фарқлар ҳам миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ўз-ўзидан аён. Бу ҳол этник сиёсатни етарли даражада пухта ўйлаб амалга оширишни талаб қилади. Шуниси қувонарлики, минтақадаги ҳамма давлатлар миллатидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда бу мамлакатларда яшаётган халқлар-

нинг миллий маданиятини ривожлантириш учун ҳаққай шарт-шароитлар яратиб бериш юзасидан ўзгаро мажбуриятлар олган.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли таркиби унинг маданий ўзига хослигини, қулай ва бой имкониятларини белгилаб беради. Бу имкониятлар, бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, қуйидагилардир:

биринчидан, минтақанинг табиий-иқлим шароитлари, тарихий-маданий тажрибанинг бу ерда яшаётган одамлар ҳаётига таъсир кўрсатиши билан изоҳланади;

иккинчидан, минтақанинг қўшни давлатлар чегара ҳудудларига яқинлиги билан изоҳланади. Бу ҳол маданиятларнинг бир-бирига таъсир кўрсатишига ва кўп тиллилиқ вужудга келиб, аҳоли бир неча тилларни эркин билишига ёрдам беради;

учинчидан, Иқтимоий ва социал муносабатлар — оилавий, ҳудудий ва бошқа муносабатларни ташкил этишнинг тарихан таркиб топган шакллари билан изоҳланади;

тўртинчидан, Марказий Осиёнинг туб халқлари табиатида бошқа миллатларнинг вакилларига нисбатан кенг феълликнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бу соф инсоний туйғу, масалан, ўзбекларда шу қадар ривожланганки, миллий-маънавий кенгфеъллик уларнинг умумий маданияти ва руҳиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган.

Оғир синов йилларида, урушлар ва Сталин қатағонлари даврида Ўзбекистон ҳудудига келиб қолган айрим кишилар, оилалар, ҳатто бутун-бутун халқларни ҳам қуршаб олган илиқ муносабат, самимият ва ғамхўрлик, ўзбек халқига хос бўлган бағрикентлик, инсоний меҳрибонлик ва ўзгалар қайғусига шерик бўлиш, очиққўнгилилиқ ва меҳмондўстликнинг эркин намоёйиши бўлди.

Ўзбеклар қийинчилик йилларида ўзлари смай, болаларига едириб-ичирмай, мутлақо бегона, аммо ёрдамга муҳтож одамлар билан топганларини баҳам кўрдилар. Ўша оғир йилларда турли миллатларга мансуб бир эмас, ўнлаб етим болалар шундоқ ҳам кўп болали ўзбек оилаларида янги ота-она ортгирдилар, ота ва она меҳрига қондилар. Бутун бир халқ ана шундай юксак олижаноблик ва маънавий фазилатларни намоён этганлиги ҳақидаги мисоллар тарихда кам топилади.

Ўзбекистон ўз тарихида ана шундай саҳифалар бўлганлиги ва ҳозир ҳам борлиги билан фахрланади. Халқимиз ва давлатимизнинг тарихий хотирасида антисемитизм, ирқчилик ва ўзга миллатга, ўзга халққа менсимасдан, ҳурматсизларча муносабатнинг бошқача шакллари намоён бўлган шармандали саҳифалар йўқлиги билан фахрланади.

Ўтиш даврининг дастлабки босқичларида демократик ва сиёсий ислохотларнинг боришини умумий баҳолаб, айтиш мумкинки, Ўзбекистон бу масалага алоҳида ёндашмоқда. Давлатни барпо этишдаги бизнинг ўзига хос йўлимиз ҳудудимизда тарихан тарқиб топган кўп миллатли жамият тизимини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳамда ана шу омилдан демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат пировард мақсадни кўзловчи вазифаларни амалга ошириш ғоясига асосланади.

Ҳозирги вақтда миллий ва бошқа ижтимоий ҳаракатлар, шу жумладан ёшлар ҳаракати, маданий, диний ҳаракатлар қайта жонланмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ҳавойиликдан реал воқеликка, иқтисодий ва сиёсий вазиятни жиддий баҳолашга ўтилмоқда. Бу эса мазкур ҳаракатларни ўзлари олға сураётган қатъий ва кескин талаблар, шартларни қайта кўриб чиқишга ҳамда улардан воз кечишга, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан ўзларини қайта қуриб, кибр-ҳаво-

га асосланган, оломонбоп, тор сиёсий манфаатларни енгишга мажбур қилмоқда.

Ўзининг таркиби ва мазмуни жиҳатидан хилма-хил халқлар бирлигидан ташкил топган бизнинг жамиятимизда миллатлараро тоғувликни сақлаб қолишга Ўзбекистон фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги билан боғлиқ ҳамма муаммоларни ҳал этадиган қонунчилик базаси ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, — деб таъкидланади. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикасининг ҳамма фуқароларига “ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар” тенг сайлов ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган этник озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат концепцияси Ўзбекистон Конституциясида яққол кўзга ташланади. Унда айтилганидек, “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”.

Шу муносабат билан миллий уйғониш жараёнлари фақат ўзбеклар орасидагина кечиб қолмаётганлигини таъкидлаш лозим. Ўзбекистонда яшайётган бошқа миллатларнинг вакиллари орасида ҳам этник-маданий асосларда жипслашиш жараёнлари фаол юз бермоқда.

1989 йилдаёқ жамоат ташкилотлари — миллий-маданий марказлар тузила бошлаган эди. Ҳозир республикада 80 дан ортиқ марказ ишлаб турибди. Улар

Ўзбекистоннинг кўп миллатли жамиятини сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий жиҳатдан қайта қуриш жараёнида ижобий роль ўйнамоқда. Халқнинг бирлиги, жипслиги ва осойишталиги ҳақида гап-рар эканмиз, бу — бизнинг бебаҳо бойлигимиз, дея таъкидлаймиз.

Бизнинг жамиятимиз этник гуруҳлар ва миллатлар ўртасида шу ҳудудда яшайдиган ҳар қандай одамга ўзини эркин ва тенг ҳуқуқли деб ҳис қилиш имконини берадиган ўзаро муносабатлар ўрнатилишига интиломоқда.

Ҳар қандай миллатнинг, шу жумладан ўзбек миллатининг ҳам бирлиги унинг бошқа суверен давлатларда, хусусан, Марказий Осиё мамлакатларида яшайётган ўз этник қардошлари билан яқиндан муносабатда бўлишини ҳам назарда тутади.

Статистика маълумотларининг тасдиқлашича, ҳозирги кунда анчагина ўзбеклар Ўзбекистондан ташқарида яшамокдалар. Масалан, Тожикистонда жами аҳолининг 24,4 фоизини, Қирғизистонда — 13,8 фоизини, Туркменистонда — 9,0, Қозоғистонда — 2,5 фоизини ўзбеклар ташкил этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Марказий Осиёнинг суверен давлатлари ўртасида чуқур, ҳар томонлама ўзаро алоқалар ўрнатиш ва минтақада мустаҳкам хавфсизлик тарафдоридир. Интеграциянинг ижобий натижалари миллатлар ўртасидаги мулоқотта ва минтақавий хавфсизликка ёрдам беради.

“Туркистон — умумий уйимиз” ғоясига асосланган ўзаро муносабатлар концепциясини илгари сурар эканмиз, минтақада ҳам, унга қирадиган айрим давлатларда ҳам инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибга солинишини истаймиз.

Ниҳоят, Ўзбекистоннинг миллий сиёсатини амалга оширган вақтда миллатлараро муносабатлар жараёнида миллий ва минтақавий хавфсизликка таҳ-

дид соладиган можароли вазиятларга йўл қўймаслик учун қандай асосий қоидаларга амал қилишимиз керак? — деган саволни ўзимизга бериб қўрайлик.

Биринчидан, давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устувор бўлишига асосланиши даркор, шунингдек, миллий озчиликнинг ҳуқуқлари ҳам камситилмаслиги шарт.

Иккинчидан, давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиладиган усулларга асосланиши лозим.

Учинчидан, жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланадиган иқтисодий тараққиёти одамларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли механизмини таъминлаган ҳолда республика ҳудудида яшаётган барча миллатларга мансуб аҳолининг манфаатларига мосдир. Бу тараққиёт ҳар бир одамнинг қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш, ҳар бир оилани ривожлантириш ва фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам асос яратмоқда.

Шундай қилиб, ҳар қандай давлатнинг полиэт-никлиги этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг этнослар ўртасида ўзаро табиий муносабат ўрнатилишига таянадиган, босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён мавжуд бўли-шини назарда тутати. Бу ҳол, давлатнинг ва минта-қанинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган этник ва миллатлараро можаролар келиб чиққудек бўлса, уларнинг олдини олиш мақсадида мазкур жа-раёнларни мунтазам равишда ижтимоий таҳлил этиб боришни зарур қилиб қўяди.

КОРРУПЦИЯ ВА ЖИНОЯТЧИЛИК

Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу

билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради.

Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан холи эмас. Коррупцияга ва жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига биздаги қизиқиш асло бежиз эмас. Албатта, бу борада кенг тарқалган ва умум эътироф этилган бир фикрни, яъни тоталитаризмдан демократия ва бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб давр моҳиятан асосий сиёсий, иқтисодий ва маданий тузилмаларни синдириб ташлашни аниқлатади, бу эса ахлоқ-одоб меъёрларига салбий таъсир этади ва жиноятчилик ҳамда коррупция муқаррар равишда кучаяди, деган хулосани эслатиб ўтиш мумкин. Лекин бу ҳодисалар давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва пировардида ёш истиқлолимизга қандай таҳдид солишини чуқур тушуниш учун, афтидан, биргина шу таърифнинг ўзи камлик қилади.

Қанчалик қайғули туюлмасин, жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган. Бироқ ўтиш даврида унинг мазмуни фақат жинойий қилмиш доираси билангина чекланиб қолмайди. Янги мустақил давлатларда амалга оширилаётган ислохотлар орқали амалда мулкни қайта тақсимлаш жараёни юз бермоқда. Айни шу ҳол ислохотларнинг моҳиятини белгилайди. Аввалги тузумда давлат томонидан тортиб олинган бойлик эндиликда уни яратган ва ўз меҳнати билан кўпайтираётганларга тегишли бўлиши лозим. Қайта тақсимлашнинг моҳияти шундадир.

Ҳар бир мамлакат бу жараённинг шакллари ва суръатларини мустақил белгиламоқда. Уни жиноятчилар дунёсининг ҳалоқатли таъсиридан ҳимоя қилишга интиломоқда. Бу ўринда гап ўғирлик, талон-

торож, одам ўлдириш ва шахсга нисбатан зўравонлик қилиш каби жиноятлар устидагина бораётгани йўқ. Утиш даврида янги иқтисодий механизмлар шакллантирилаётган бир пайтда аҳолининг асосий кўпчилиги бозор шароитида яшашни эндигина ўрнаётганлигидан ва унинг объектив қонунларини пайқай бошлаганлигидан фойдаланиб, амалга оширилаётган иқтисодий жиноятлар тоифаси катта хавф туғдиради.

Жиноятчи унсурларнинг янги хўжалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфёна иштирок этиши жамиятда ахлоқсизлик вазиятини туғдиради. Бу эса мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номақбул жинойий бозор иқтисодиётининг алоҳида тури шаклланишига олиб келади.

Жинойий ёки кўп ҳолларда “хуфёна” деб аталаётган иқтисодиёт воқелик сифатида қуйидагича шароитда ўсди ва ривожланди: у ишлаб чиқариш соҳасидаги қонунларни қўпол равишда бузиб, ўзига хон — ўзига бек бўлиб олган эди. Чунки унга энг яқин рақобатчи бўлган давлатнинг иқтисодий тузилмалари қотиб қолган кўрсатмалар ва тақиқлар билан чеклаб қўйилган эди. Совет даврида бу ҳодиса ҳаддан ташқари кучайди, хунук ҳолга келди ва Ўзбекистонга мерос бўлиб қолди.

Жамиятда жинойий “хуфёна иқтисодиёт”нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жинойий тузилмаларга мадалдор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтиралган салбий оқибатлар туфайли жамият

хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир.

Мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эса тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажақда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўлатўкис фойдаланишни орзу қиладиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим.

Тарихий тажриба ва ҳозирги амалиёт, шу жумладан баъзи янги мустақил давлатлардаги воқелик коррупция ва жиноятчилик хавфсизликка соладиган таҳдидни яққол тасаввур этиш имконини бермоқда.

Биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга ошириლაётган ислохотларга қаршилиқ кўрсатиш ифодасидир. Унда ўз умрини яшаб бўлган, янги иқтисодий муносабатларни ўзига қарши таҳдид деб билган ҳолда, уларнинг ривожланишини секинлаштириб қўйишга ҳаракат қиладиган маъмурий-бўйруқбозлик тизими билан “хуфёна” иқтисодиётнинг манфаатлари объектив равишда бирлашиб кетади. Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларнинг манфаатларини давлат манфаатларидан устун кўяди. Бу эса, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказади. Бундан ташқари, янги иқтисодий муносабатларга эндигина асос солинаётган ва сифат жиҳатидан бошқа сиёсий тизим шакллантирилаётган ўтиш даврида коррупция

ўз хатти-ҳаракати билан бу жараённинг йўлини тўсиб қўйиш имконига эга.

Иккинчидан, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади. “Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб ўтишдир” деган мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб боради. Башарти иқтисодиётда жиной гуруҳлар ва “рекетчилар” тўдалари “базм курси”, кўчаларда эса одамлар қўрққанларидан тасодифий ўткинчилардан қочиб юрсалар, жамиятдаги барқарорлик ва собитқадамлик ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Учинчидан, жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради. Амалга ошириладиган ўзгаришларга салбий муносабат вужудга келиши учун шароит яратади. Ислоҳотлар ғоясининг ўзини обрўсизлантиради ва эски замонларни, шу жумладан “қудратли марказнинг кучли қўли”ни қўмсаши ҳиссини туғдиради.

Ўтиш даврининг муайян қийинчиликлари шароитида фуқаролар онгида, айниқса, ёш авлоднинг бир қисмида, ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланиши ва қарор топиши мумкин. Қинғир йўл билан бойлик орттиришга интилиш, башарти у жамиятнинг ва ҳуқуқий назоратнинг эътиборидан четда қолса, одамларни, айниқса, ҳаётга эндигина қадам қўйиб келадиган ёшларни ёмон йўлга оғдиради. Ахир, жамият ва давлат учун ёш авлоднинг ахлоқан бузилиши ва юзгубан кетишидан ҳам аянчлироқ, ҳалокатлироқ ҳол борми ўзи?

Тўртинчидан, “пул ҳокимиятга интилади”; деган бир ибора бор. Лекин бу пул жинойий йўл билан топилган бўлса-ю, унинг эгалари жамиятнинг ҳокимият тузилмаларига чиқиб олсалар, улар қандай усуллар билан бошқаришларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Жинойят оламининг нуфузли шахслари ҳокимиятга қандай йўллар билан кириб олиши яхши маълум ва кўп мамлакатларда синовдан ўтган. Аввалига бу иш нопок даромад манбаларини сақлаб қолиш, улардан кафолатли фойдаланиш мақсадида ҳокимият тузилмалари билан алоқа боғлаш ва бу алоқани мустаҳкамлашдан бошланади. Шундан сўнг ҳокимиятнинг ўзи ҳам қўлга киритилади.

Ҳокимият органларининг жинойятга аралашиб қолиши ривожланаётган жамият учун энг жиддий хавф-хатарлардан биридир. Жинойий тузилмаларнинг давлат органлари амалдорлари билан чатишиб кетиши, уларнинг турли ҳокимият тармоқларига кириб олиши жамоатчилик наздида фуқароларнинг ҳимоясизлиги ҳиссини кучайтиради. Давлатнинг ўзини обрўсизлантиради. Мамлакат ичкарасида ҳам, ташқарисида ҳам унга ишончсизлик ортиб боради.

Бешинчидан, нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жинойий сармояларини ҳимоя қилиш учун ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиб олиш лозим. Бундай кимсалар адолатли жазодан кўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар. Бундай пайтда эҳтиросларни жунбушга келтириш, оломонни кўзғатиш ва унинг орқасига яшириниб олишдан қулайи йўқ. Бундай одамларнинг “Фақат бизга яхши бўлса, ишимиз битса — бўлгани” қабилдаги маслағи худбинликнинг, ҳамюртларига нисбатан сурбетларча лоқайдликнинг яққол кўринишидир.

Олтинчидан, жиноий усуллар билан бойлик ва мўмай пул орттирган қимсаларнинг янги ҳуқуқ ҳимо-
ячилари ва ҳатто демократия учун жафо чеккан ку-
рашчилар сифатида сиёсатга кириб олишга ҳаракат
килаётганидан далолат берувчи мисоллар, жумладан,
бизда ҳам оз эмас.

Улар бундай ҳатти-ҳаракатлари билан инсони-
ятнинг адолат ва демократия каби олижаноб идеал-
ларига нақадар жиддий зарар етказаётганларини, ўз
халқлари ва мамлакатлари шаънига доғ тушираёт-
ганларини айтиб ўтиришнинг ҳожати бормикин?
Нафсиламрини айтганда, улар ўз халқлари ва мам-
лакатларининг тақдирига, озодлик ва мустақиллик
идеалларига мутлақо бефарқ қарайдилар.

Бундай шахсларнинг туриш-турмуши кетма-кет
қилинган жиноий ҳатти-ҳаракатлар занжиридан ибор-
атдир. Аввалига ўз халқини алдаб капитал тўплана-
ди, кейинги гал — демократия ва адолатни рўқач
қилган ҳолда жамоатчилик фикрини алдаб, сиёсий
обрў орттирилади. Сир эмаски, бундай шахслар ўз
манфаатлари йўлида республикадаги вазиятга таъ-
сир кўрсатишга уринаётган ташқи кучларга хизмат
қилишга ҳамиша тайёр турадилар. Шундай қилиб,
улар келаси гал қандай алдовни ишга соладилар? —
деган мантиқий савол туғилади.

Еттинчидан, жаҳон хўжалик алоқаларига фаол
интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбир-
корларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортиш
соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолият бугун
Ўзбекистон учун устувор вазифалар ҳисобланади. Бу
мақсадларни рўёбга чиқариш шароитида коррупци-
ячиларнинг ҳатти-ҳаракатлари нафақат мамлақати-
мизнинг ҳалол фуқароларини тадбиркорликдан чет-
латади, балки чет эллик шерикларда ишончсизлик
уйғотади ва уларни чўчитиб қўяди.

Натижада мамлакат ғоят муҳим капитал маблағлар манбаидан, технологиялар ва тажрибадан, жаҳон иқтисодий тизимининг соғлом, “соф” қисмига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Бундай мамлакат халқаро хуфия ва жиноий тузилмалар тобора кўпроқ қизиқадиган ва фаол иш олиб борадиган макон бўлиб қолади.

Борган сари уюшиб ва профессионал тус олиб бораётган ҳозирги жиноятчиликнинг жипслашиши, жиноий туруҳлар томонидан истеъмол бозорларининг буткул эгаллаб олиниши, қонунсиз равишда қўлга киритилган капиталларнинг хўжалик ва тижорат тузилмалари орқали қонунийлаштириб олиниши яққол кўзга ташланаётганлиги ҳам жуда хавфлидир.

Ўзбекистонда, шубҳасиз, жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш чоралари кўрилмақда, фош этилган коррупциячилар қаттиқ жазоланмоқда. Мамлакат ичидаги жиноятчилик доимо давлат томонидан қаттиқ назорат қилиб борилади. Жиноятчилик кенг авж олиб кетишига ва коррупциячилар домига илинган амалдорларнинг бебошлигига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор узоқ муддатли чора-тадбирлар ишга солинган. Улар жиноятчиликка қарши кураш стратегиямизни белгилаб беради.

Бу стратегия доирасидаги қандай йўналишлар устувор ҳамда жамиятимизнинг тушуниши ва мададига муҳтож?

Энг аввало, иқтисодий чоралар кўрилиши лозим. Жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашнинг мангиқи иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш йўлидан янада изчил боришни, ҳалол тадбиркорлик учун чинакам эркинликни таъминлаш баъзан унинг йўлида сақланиб қолаётган кўшлаб бюрократик сансалорликлар ва тўсиқларни бартараф этишни талаб қилади.

Ўзбекистонда бутун ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштириш дастурини мамлакат ичидаги жиноятчилик ва коррупцияга қарши кучли чора деб ҳисобламоқ даркор. Бир томондан, Қонуннинг мутлақ устунлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатли ҳимоя қилиниши ушбу дастурнинг мақсади бўлиши лозим. Иккинчи томондан, мамлакат аҳолисини ва айниқса ёшларни ҳуқуқий тарбиялашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ниҳоятда зарур.

Фуқароларимизнинг ҳуқуқбузарликка қарши ички имкониятлари ва юксак даражадаги ахлоқи жиноятчилик ва коррупция жамиятга олиб кирадиган емирилишдан энг яхши ҳимоядир. Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, руҳонийларнинг обрў-эътибори — ҳамма-ҳаммаси одамларимизда Қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршиликни шакллантиришга қаратилмоғи лозим.

Ниҳоят, жиноятчилик ва коррупцияга қарши муросасизлик ва умумий қоралаш муҳитини вужудга келтириш жуда муҳимдир. Жиноятчилар, коррупция дунёси ҳаммадан ҳам ўз кирдикорларининг ошкор бўлишидан қўрқади. Шу сабабли биз матбуотимиз ва бошқа оммавий ахборот воситаларимиз ўзининг эркинлашиш жараёнида жиноятчиликка қарши кураш дастурига янада муҳимроқ ҳисса қўшади, деб кутишга ҳақлимиз.

Жиноятчиликдек мураккаб ҳодисани таҳлил қилар эканмиз, ушбу муаммонинг бошқа томонини ҳам назарда тутмоғимиз керак. Бу муаммонинг мазмунини битта жумла билан ифодалаш мумкин — жиноятчилар дунёси чегара билмайди.

Енгил йўл билан жуда катта бойлик ортириш шарпаси турли мамлакатлардаги жиноятчи унсурлар-

нинг бирлашишига, халқаро жинойй ҳамжамятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бутун дунё амалиётида етарли. Уларнинг фаолият соҳаси барчага маълум: у нопок пул топиш имкони бўлган ҳамма жойда қўлланилади.

Наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш. Ушбу жинойй бизнес яратиб берадиган жуда катта бойлик орттириш имкониятлари унинг иштирокчиларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам, миллий қонунлар мажмуи билан ҳам, айниқса, “оқ ажал”нинг ҳалокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга мажбур этмоқда.

Яширинча қурол сотиш. Бу “бизнес” ҳам минтақавий можаролар ва маҳаллий урушларнинг тўс-тўполонидан фойдаланиб қолувчиларга катта даромад келтирмоқда. Бундай корчалонлар учун қуролли қарама-қаршилиқни давом эттириш ва кескинликни сақлаб туриш қурол-яроғларнинг яширин бозорини кенгайтириш учун энг яхши шарт-шароит эканлигини яна бир бор таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Яширинча қурол сотиш халқаро терроризм деб аталмиш жинойй ҳодиса билан бирга юради, баъзан эса уни келтириб ҳам чиқаради. Ўзгалар қонини тўкиш ҳисобига мўмай даромад олишни истовчилар батамом йўқ бўлиб кетадиган замонлар келишига ҳали анча борга ўхшайди. Бу тоифага кирувчи “бизнесчилар” учун қон ва нопок сиёсат қоришган пул дунёнинг турли бурчакларида халқаро қотилларни ёллаш ва синаб кўриш мумкин бўладиган можароларни рағбатлантириш борасида энг қулай восита эканлигини гапирмаса ҳам бўлади.

Ниҳоят, халқаро жинойятларнинг яна бир тури СССР парчаланиб кетганидан кейин айниқса ривожланди. У айрим тузумлар ва ташкилотларнинг иккиёқлама фойдаланишга мўлжалланган технологиялар-

ни ҳамда энергия манбаларини қўлга киритишга интилиши билан боғлиқдир. Оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологиялар сиёсий ва ҳатто жиноятчи восвослар кўлига тушиб қолиши мумкинлигидан келиб чиқалиган оқибатларни тасаввур қилишнинг ўзи дахшатли.

Халқаро жиноятчиликнинг шу каби барча турлари нафақат алоҳида олинган битта мамлакатга реал таҳдид солмоқда, балки кенг кўламдаги хавфсизликни сақлаб туриш истиқболларини ҳам шубҳа остида қолдирмоқда. Биз, Ўзбекистон жамоатчилиги, Марказий Осиё минтақаси ана шу нуқтаи назардан қараганда, халқаро жиноятчи уюшмалар учун "ширин луқма" эканлигини яхши тушунамиз. Бу минтақа жаҳон коммуникациялари туташган жой бўлиб, ундан наркотик моддалар билан савдо қилувчи корчалонлар фойдаланмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Минтақада қонли можаролар давом этмоқда, унда шу қадар кўп қурол-аслаҳа тўпланганки, бу ҳол қурол билан яширинча савдо қилувчилар ва Марказий Осиёни халқаро террорчиларни синовдан ўтказиб оладиган майдон деб ҳисоблайдиганларнинг жуда ҳавасини келтирмоқда. Минтақада катта миқдорда захиралар, шу жумладан парчаланиш хоссасига эга бўлган манбалар ҳам тўпланган. Юксак технологияли, шу жумладан иккиёқлама фойдаланиладиган технологияли ишлаб чиқаришлар мавжуд. Бу ҳол унга ҳалол тадбиркорларнинггина эмас, шу билан бирга йирик жиноятчи бирлашмаларнинг ҳам қизиқишини орттириши шубҳасиз.

Шундай қилиб, жиноятчилик, коррупция бизнинг ўз хавфсизлигимизга ҳам, халқаро хавфсизликка ҳам таҳдид солувчи реал манбадир. Бинобарин, мазкур ҳодисага қарши кураш масалалари биргина бизга тааллуқли эмас. Шунинг учун ҳам биз жиноятчилик ҳақида бутун жаҳон ҳамжамияти қайғурмоғи

лозим, деб ҳисоблаймиз. Суверен Ўзбекистон халқи ва раҳбарияти эса улар билан фаол ҳамкорлик қилишга тайёр ва буни дунёни поклаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ишига қўшилган ҳисса, деб билади.

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК ВА УРУҒ-АЙМОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Кўпчилик луғатларда берилган таърифларга кўра, уруғ-аймоқчилик феодал жамиятларга хос ҳодисадир. Бу — қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган одамларнинг бирлигидир. Уруғ жамоаси ўз бошлигининг номи билан аталарди. У эса аъзолари учун энг обрўли одам ҳисобланар, уруғнинг манфаатларини жамоасининг нисбатан маҳдуд оламидан ташқарида ифодалар эди. Айнан уруғ-аймоқ ўз аъзоларини ҳимоя этар, уларга ҳомийлик қилар ва ёрдам берар эди.

Замонлар ўтди, ижтимоий-иқтисодий формациялар алмашди, одамлар ўртасидаги муносабатлар ўзгарди. Ўзгарди-ю, аммо изсиз йўқолиб кетмади. Баъзан тоғ жинсларида қадимги ўсимликнинг аронт илғаш мумкин бўлган излари кўриниб қолганидек, ҳозирги жамиятда, унинг ижтимоий-маданий ҳодисаларида ҳам узоқ ўтмишнинг аниқ излари намоён бўлади. Уруғ жамоалари ҳам шундай ҳодисалар сирасига киради.

Бугунги дунёда ҳақиқий маънодаги уруғ-аймоққа бўлинган жамиятни топиш мушкул бўлса керак. Лекин баъзан у шакли ўзгарган, “янгиланган” ҳолда мавжуд бўлади. Кўпгина мамлакатларда қондошлик ришталари ҳозир унчалик кучли эмас. Бироқ улар ўрнига бошқа муштарақлик, бошқа бирликнинг ришталари, жумладан, юртдошлик, ҳудудий яқинлик ришталари вужудга келди. У ёки бу жойдан чиққан, ўша жойнинг ҳудудидан ташқарида, мамлакатнинг

бошқа ерларида ўрнашиб қолган кишилар ўз юртдошларига ёрдам берсалар, бунинг нимаси ёмон, деган савол туғилиши ҳам мумкин.

Маълум бир даражада қариндош-уруғчилик билан боғланган одамларнинг бир-бирларига мадад беришлари ҳам мутлақо табиий бўлиб кўринади. Лекин қариндош-уруғчилик, ҳудудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўралитан, айнан шу манфаатларни биринчи ўринга кўядиган уюшмалар (кўпинча норасмий уюшмалар) умумий ишга, умумдавлат, умумхалқ манфаатларига зарар келтирган ҳолда шаклланиб, ўз мақсадларига эришиш учун аъзоларини мавжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поғоналарда юқори кўтаришга ҳаракат қилар экан, бу ҳол хавфли бўлиб қолади. Ана шунда жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига реал таҳдид содувчи маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик ҳақида гапиришга тўғри келади.

Ҳозирча бу ҳодисалар жиддий ва чуқур таҳлил қилинган эмас. Уларни ўз тараққиётидан орқада қолаётган ёки мураккаб ўтиш даврига бошидан кечириётган мамлакатларнинггина муҳим хусусияти деб ҳисоблаб бўлмайди. Бунга саноати ривожланган Фарб мамлакатлари ҳам гирифтор бўлган. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликни, тор доирада, этник-минтақавий фикр юритишнинг кўриниши деб ҳисоблаш мумкин. Бунда дунёнинг бутун хилма-хиллиги, мураккаблиги ва ўзаро боғлиқлиги бир ҳудуд, бир этнос, бир катта оиладан иборат қилиб қўйилади.

Бу ҳодисалар яшовчанлигининг, ҳозирги шароитда улар мутгасил ўз-ўзидан пайдо бўлиб туришининг сабаблари нимада ва улар бизнинг минтақамиз шароитларида қандай намоён бўлмоқда?

Давлат тузилмаларида уруғ-аймоқ ва юртдошлар гуруҳлари этник белги асосида шаклланади. Уруғ-

аймоқчиликнинг мақсади — ўз аъзоларини давлат ҳокимияти пиллапояларидан мумкин қадар юқори кўтаришдан иборат. Уруғ-аймоқчиликни ажратиб турувчи белги — унинг аъзоларининг бир жойда туғилганлигидир. Шунинг назарда тутиш керакки, машғулот турларининг умумийлиги, маънавий манфаатлар, дунёқарашларнинг муштараклиги эмас, балки айнан туғилган жойнинг умумийлиги асосий белгидир.

Минтақавий ўзлигини англаш, бошқача айтганда, одамларнинг фақат ўзлари туғилиб ўсган жой орқали ўзларини идрок этиши, аслини олганда, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик учун этник-ижтимоий негиз бўлиб хизмат қилади. Аёнки, ҳозирги вақтда Марказий Осиёнинг баъзи жойларида миллий ўзлигини англашдан кўра, минтақавий ўзлигини англаш устунлик қилипти, дейиш учун анча салмоқли асослар сақланиб қолмоқда.

Бундай вазият кўп жиҳатдан этник бирликнинг энг юқори шакли бўлган миллатнинг моҳиятини ташкил этувчи белгилар шаклланиши жараёнида этник жиҳатдан жипслашишни бошидан кечираётган халқлар учун хос эканлигини айтиб ўтиш жоиз.

Айрим мамлакатлардаги этник-ижтимоий вазиятни таҳлил қилиш этник жиҳатдан ранг-баранглик ҳозир ҳам мавжудлигини, бунда бир халқнинг ичида фақат шеваси бўйича эмас, балки жамиятни иқтисодий ташкил этиш ва маданият белгилари бўйича ҳам турлича бўлган алоҳида гуруҳлар ажралиб туришини кўрсатмоқда. Бинобарин, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик воқеъ бўлиши учун объектив шароит сақланиб қолмоқда.

Тарихий нуқтаи назардан олганда, Марказий Осиё давлатни миллийлик белгисига қараб ташкил этиш анъаналарига эга эмас эди. Бу ерда Россия томонидан мустамлака қилиб олинганча мавжуд бўлган

ҳамма давлатлар асосан сулолавий ёки ҳудудий (Бухоро, Қўқон, Хива хонликлари) принциплар бўйича ташкил этилар эди. Шуниси муҳимки, юқоридаги хонликлар бир пайтлар мавжуд бўлган марказлашган давлатлар ва империялар ўрнида ташкил топган вақтида бу ҳудудда қўп сонли ўтроқ ва кўчманчи қабилалар яшар эди.

Бир халқнинг бўлиниб кетиши, унинг турли хонликлар ўртасида ажралиб қолиши ҳамда вайронгарчилик келтирувчи урушлар узоқ вақтгача, то совет давригача унинг феодал тарқоқлигини мустаҳкамлаб ва сақлаб келди.

Минтақада Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг ҳар қандай миллий хусусиятларни “байналмилаллаштириш”га ва бараварлаштиришга интилиши нафақат этник бирликлар ўртасидаги, балки ҳатто бир халқ ўртасидаги турли гуруҳларга ажралишнинг барҳам топишига эмас, аксинча, янгилари пайдо бўлишига олиб келди.

Айнан давлат социализми ва унинг қаттиқ режалаштирилган иқтисодиёти, ижтимоий (эгасиз) мулк, бойликларнинг марказдан туриб тақсимланиши маҳаллийчилик ҳамда уруғ-аймоқчилик муносабатларининг яшashi, кенгайиши ва чуқурлашиши учун қулай замин бўлди.

СССРда уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик бошқача сифат касб этди. Марказдан туриб режалаштиришга асосланган иқтисодиётнинг кескинлиги, баъзан эса шафқатсизлиги, мулкнинг ижтимоий характери уларнинг кенг ёйилиши учун қулай замин яратди. Моддий ва бошқа бойликларни тақсимловчи ролини, аслини олганда, турли даража ва мақомдаги бошқарув ходимлари бажарар эдилар. Маҳаллий маъмурлар ва тармоқлар, корхоналар, савдо соҳасининг раҳбарлари айнан ана шу бошқарув ходимларининг илтифотига сазовор бўлишга ҳаракат қилар эдилар.

Бирон-бир амалдорнинг олдига кирадиган эшикларни очиб берадиган сеҳрли сўз ўша амалдорга таниш ёки яқин кишининг: қариндоши, дўсти, юртдошининг шахсий тавсияномасидан иборат бўлар эди. Ўз навбатида, бундай бошқарув ходими ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустақамлаш учун атрофида ишончли ва ўзига хайрихоҳ одамлар бўлишига муҳтож эди. Шахсий садоқат тамойили унинг кадрлар соҳасидаги сиёсатининг мезонларидан бирини ташкил этарди. “Яхшими-ёмонми, ўғрими-тўғрими, ўзимизники” деган ақида бу сиёсатнинг туб негизи эди.

Жамиятда алоҳида гуруҳнинг ёки алоҳида ҳудудларнинг манфаатлари умумий манфаатлардан устун турадиган муносабатлар тизими мавжуд бўлиши жуда нотўғри ва хавфлидир. Бу ҳол жамиятда ижтимоий кескинликнинг ўсишига олиб боради. Давлатга — унинг барқарорлиги, яхлитлигига, тараққий этиш қобилиятига таҳдид туғдиради. Хаёлий гоёлар устун бўлган совет даврида уруғ-аймоқчилик манфаатлари тўқнашуви асосида бир неча бор можаролар келиб чиққан эди. Бу можаролар анъанавий тарзда қудратли қатагон аппаратидан фойдаланган ҳолда ҳаг қилинар, тарғибот машинаси эса юз берган барча ҳодисалар ҳақида лом-мим демас эди.

Ана шундай ярамас меросдан халос бўлиш зарурияти давлатимизнинг бош стратегик вазифаларидан бирига асос бўлмоқда. Мустақилликка эришилгач, бунинг учун зарур шарт-шароитлар пайдо бўлди ва мустақамланди. Шунинг учун ҳам энг юқори сиёсий поғоналардан туриб, умумий ишимизга халақит берадиган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ҳолатларига фаол чек қўйиш лозимлигини кўрсатишга ва дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхондарёлик ўртасида миллий фарқ йўқ — уларнинг барчаси ўзбеклар, деб таъкидлашга тўғри келмоқда.

Муайян ҳудудий фарқларни мутлақ ҳодиса даражасига кўтариш энг хавфли хатодир. Ҳар бир шахсининг миллий ўзлигига қайтишини ўзлигини минтақавий асосда англаши белгилаб бермаслиги керак. Инсон ўзини энг аввало Ўзбекистон фуқароси деб, шундан кейингина хоразмлик, самарқандлик ёки Фарғона водийсининг аҳолиси деб ҳис қилиши лозим. Бу ҳол ҳар биримиз мансуб бўлган “мўъжаз ватан”нинг, одам туғилиб ўсган жой, ўлканинг қадрини ва аҳамиятини, унинг турмуш тарзи ва ўзига хос қадриятларини асло камайтирмайди. Бироқ шуни эсда тутиш керакки, ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган маҳаллий ватанпарварлик, унинг тажовузкорлиги миллатнинг жипслашувига ҳалақит беради. У муқаррар суратда ички сепаратизмга ва маданий маҳдудликка олиб боради. Давлат ҳамда жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига бир қатор бошқа таҳдидларни туғдиради.

Бу ҳодисаларнинг хавфи нимада? Улар қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин? Навқирон мустақиллигимиз учун бу саволлар асло бефарқ эмас. Мамлакатимиз фуқароларининг тақдири кўп жиҳатдан бу саволларга қандай жавоб берилишига боғлиқ.

Аввало, маҳаллийчилик тамойилларининг кучайиши минтақаларнинг ўзини ўзи чегаралаб қўйишига, таркиб топган хўжалик алоқалари тизимининг кучсизланиши ва парчаланишига, бинобарин, минтақанинг иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тутишига олиб келиши мумкин. Бу эса умумдавлат иқтисодиётига зарар келтириши муқаррар. Кўпинча бу ҳол давлат ичида марказдан қочувчи кучларнинг пайдо бўлиши ва жадал ривожланиши билан бирга юз беради.

Ажралиб чиқиш кайфиятидаги минтақалар давлатнинг яхлитлигига қарши реал хавфдир.

Уруф-аймоқ ёки минтақа ўзининг устуңлигини таъминлашга ва ўз худбин мақсадларига эришишга ҳаракат қилиб, бутун давлат доирасида умуман сиёсий муҳолифат ролини даъво қиладиган турли уюшмаларни вужудга келтириш учун озик берадиган муҳит бўлиб қолиши мумкин. Бундай гуруҳлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш экстремистик шакллар касб этиб, давлатнинг ҳудудий яхлитлигига, унинг яшашига тўғридан-тўғри таҳдид туғдиради.

Сиёсий ташкилотлар, шу жумладан муҳолифат руҳидаги ташкилотлар ҳам, жамият ичида умуммиллий кўлам доирасида ривожланиши лозим. Бу эса ана шундай ташкилотларнинг етакчилари ва қатнашчилари халқнинг ўзлари мансуб бўлган қисмининг эмас, балки, энг аввало, бутун давлат ва халқ манфаатларини диққат марказига қўйишлари учун кафолат бўлиб хизмат қилади.

Маҳаллийчилик ва сепаратизм келтириб чиқарадиган яна бир таҳдид шундан иборатки, маҳаллийчилик ва уруф-аймоқчиликка асосланган зиддиятлар минтақамиз шароитида миллатлараро ва этник можароларга айланиб кетиши ёки бундай можароларни юзага келтириши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Марказий Осиёдаги туб халқларнинг вакилларини минтақанинг бешала давлатида ҳам учратиш мумкин. Мамлакатларимиз аҳолисининг кўпчилик қисми бир хил гуруҳлардан (ўзбеклар, қozoқлар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар, уйғурлар ва бошқалардан) таркиб топган бўлиб, уларнинг нисбати ўзгаради, холос. Республикаларнинг ҳар бирида жам бўлиб яшайдиган: Қозоғистонда ва Қирғизистоннинг Ўш вилояти жанубида, Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида, Туркменистоннинг Тошҳовуз вилоятида ўзбеклар яшайдиган ҳудудлар, Тошкент ва Жиззах вилоятларида қozoқлар яшайдиган катта-катта май-

донлар, Қозоғистоннинг шимолида асосан руслар яшайдиган вилоятлар мавжуд.

Туб ислохотлар амалга оширилаётган мураккаб даврда жамиятда озчиликни ташкил этадиган халқларда камситилиш ҳамда бу мамлакатдаги ўз келажигига ишончсизлик ҳисси туғилиши мумкин. Бундай туйғулар маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқлар курашининг кучайиши ҳамда шунинг оқибатида иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги камситишлар негизда шакланган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда этник гуруҳлар ва миллатлар ўртасида кескинлик кучайиб, зўравонликнинг бошқариб бўлмайдиган даражада портлаш хавфи ортади. Сўнгги йиллар тарихида советлардан кейинги маконда айти шу негизда келиб чиққан можаролар ва фожиалар талайгина.

Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқлар кураши туғдирадиган таҳдидлар ҳақида гапирар эканмиз, бу ҳодисаларнинг ўзиёқ бузғунчи эканлигини ҳисобга олиш зарур. Лекин ташқи кучлар ҳали мустаҳкамланиб олмаган ёки турли вазиятлар туфайли заифлашиб қолган давлатларда бу воситалардан ўзларининг жўғрофий-сиёсий мақсадлари ва ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланган ҳоллар тарихдан маълум.

Бироқ уруғ-аймоқларнинг ташқи кучлардан ўз мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қиладиган етакчилари ва маҳаллийчилик манфаатларини ифодаловчилар охир-оқибатда ана шу кучлар иродасининг асири бўлибгина қолмай, балки ташқи кучлар ўз ноҳўя ҳагги-ҳаракатларини оқлаш учун берадиган қурбонларга ҳам айланадилар. Буни тарихнинг ўзи тасдиқлайди.

Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муаммосининг долзарблигини ва мураккаблигини тушунибгина қолмай, айти чоғда шу негизда танглик вужудга келишининг олдини олиш учун нима қилиш кераклигини аниқ тасаввур этиш яширин хавф-хатар оми-

лидан чинакам таҳдид манбаига айланиб кетишига йўл қўймасликка имкон беради.

Ҳозирги ва бўлғуси сиёсатчилар олиб борадиган барча ишларда Ўзбекистоннинг умуминсоний қадриятлари ва умуммиллий манфаатлари устувор бўлишини, унинг бутун ҳудудида умумдавлат қонунлари устуворлигини таъминлайдиган тамоийил асос қилиб олиниши даркор. Жамият ичидаги алоҳида шахсларнинг уюшқоқлик билан жипслашишига уларнинг қайси уруғга, ҳудудга ёки этник гуруҳга мансублиги эмас, балки умумдавлат даражасида корпоратив (тадбиркорлар, зиёлилар, аграрчилар ва шу қабила) манфаатларнинг яхши англанган муштараклиги асос бўлиши лозим.

Барча минтақалар, барча этник ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ўртасида мувозанат сақланишини доимо ҳисобга олиш зарур. Манфаатларни ифодалаш ва рўёбга чиқаришнинг қонуний механизми маҳаллийчилик кайфиятлари, уруғ-аймоқлар курашининг вужудга келиши ва ривожланишига ров солмоғи даркор.

Кадрлар соҳасидаги сиёсат, ўтиш даврида ҳали ҳам мавжуд бўлиб турган давлат тақсимооти соҳаси, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва минтақавий сиёсати ҳамма ҳудудларга, ҳамма миллий ва социал озчиликни ташкил этувчиларга давлат ресурсларидан тенг баҳраманд бўлиш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаб бериши лозим.

Маҳаллий ҳокимиятларга кўпроқ мустақиллик бериш зарур. Ўз минтақасининг хусусиятларини билиш жойлардаги раҳбарларга у ердаги моддий ва инсоний имкониятларни мумкин қадар кўпроқ ишга солиш имконини беради. Ислоҳотларни амалга оширишга маҳаллий иқтисодий, демографик ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ўзгартишлар киритишга шароит яратади. Ислоҳотлар учун жавоб-

гарликнинг катта қисмини маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига юклаш уларнинг ташаббусини имкони борича кўпроқ ишга солиш ва маҳаллий ресурсларни жалб этиш имконини беради.

Айни чоғда хўжалик юритувчи субъектларга ва маҳаллий бошқарув органларига кўпроқ иқтисодий мустақиллик бериш билан бирга, улар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш ҳам зарур. Бу эса маҳаллий бюджетнинг кўпайишига, маҳаллий иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун энг мақбул йўлларни топишга имкон беради.

Бироқ бундай минтақалаштиришнинг шартли ўлароқ, умумдават манфаатларининг устуворлиги сўзсиз тан олинishi керак.

Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда одамлар ва бутун жамият онгида умуминсоний кадриятларнинг бирламчилигини ёки устунлигини мустаҳкамлаш, этник, миллий жиҳатдан ўз қобилига ўралиб қолиш йўлидаги уринишларга қарши тинимсиз иш, таъбир жоиз бўлса, кураш олиб бориш керак. Бу эса Ўзбекистонда миллий мустақилликни, суверенитетни ва барқарорликни таъминлашнинг, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик хавфининг олдини олишнинг шак-шубҳасиз энг муҳим шартларидир.

Миллатнинг ва халқнинг маънавий камолотига, маърифатига умумдават сиёсати сифатида қараш лозим. Одамлар онгидаги миллий ифтихор туйғуси билан бошқа миллатларнинг тарихи, маданияти ва кадр-қимматини ҳурмат қилишнинг диалектик уйғунлигини таъминлаш зарур. Жамият онгида ҳозирги дунёда рўй бераётган барча ҳодисаларга даҳлдорлик ва масъулилик ҳиссини вужудга келтириш ва доимо мустаҳкамлаб бориш даркор.

Ҳозирги ёшларда ва келгуси авлодда ўз давлати, халқининг тарихини шак-шубҳасиз билиш билан бир

қаторда, жаҳон тарихи ва маданияти ютуқларини чуқур ўрганиш зарурлигини тушуниш ва англаш ҳиссини тарбиялаш лозим.

Буларнинг барчаси биз келажакка ишонч билан дадил қарай олишимиз, фарзандларимизнинг тақдирини ва бахт-саодати ҳақида хавотир олмаслигимиз учун энг зарур шартлардир.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир. Очиқ эътироф этиш керакки, узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий-бўйруқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шуғулланилмаган. Аниқроғи, бу муаммо айрим жонқуяр олимлар учунгина тадқиқот манбаи, ўз мамлакатларининг келажакига, табиий бойликлари сақланиб қолишига бефарқ қарамаган, бу ҳақда қаттиқ ташвиш чеккан одамларнинг эса “қалб нидоси” бўлиб келган.

Бироқ уларнинг виждонга, фуқаролик бурчига, ниҳоят, ақл-идроққа даъватлари тўралашиб кетган совет-партия амалдорларининг совуқ, ҳатто айтиш мумкинки, сурбетларча доқайдлигига дуч келаверган. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Табиий ва минерал-хом ашё захираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланишга асосланган социалистик ҳўжалик юритиш тизимининг бутун моҳиятига мамлакат ихтиёридаги беқийс бойликларга авайлаб муносабатда бўлиш ғояси бутунлай ёт эди. Аксинча, бойликлардан бундай фойдаланиш икки тузумнинг иқтисодий мусобақасида мамлакатнинг асосий дастаги, экспорт имкониятларининг негизи бўлиб келди.

Иқтисодиётни ривожлантиришдаги бош мақсад экстенсив омилларга қаратилган эди. Табиийки, бундай шароитда яширин бойликлардан оқилона фойдаланишни тартибга соладиган, табиатнинг, атроф муҳитнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган бирон-бир меъёрлар ва қоидаларга риоя қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Табиатни муҳофаза қилиш тadbирларига арзимас даражада кам маблағ ажратиларди. Бу маблағ табиатга етказилаётган зарарнинг мингдан бир қисмини ҳам қопламас эди. Ўрмонлар ўйламай-нетмай, ваҳшийларча кесиб ташланар эди. Ёқилғи ва минерал-хом ашё захиралари реал эҳтиёж билан таққосланмаган ҳолда жуда кўп миқдорда қазиб олинганидан кўпчилик қисми қайта ишланмаган чиқитлар сифатида уюлиб ётар эди. Табиатни муҳофаза қилувчи энг оддий тозалаш иншоотларига эга бўлмаган баҳайбат саноат корхоналари фаол бунёд этилди. Натижада барча заҳарли ва зарарли саноат чиқиндилари улкан ҳаво кенгликларини, сув ҳавзаларини, ер майдонларини ифлослантирадиган бўлди. Ўз кўлами жиҳатидан беқиёс даражада катта гидроэнергетика лойиҳаларини рўёбга чиқариш, транспорт коммуникацияларини (БАМ, Турксиб каби темир йўлларни, автомобиль, нефть-газ магистралларини ва ирригация тармоқларини) бунёд этиш нафақат табиий захираларни қашшоқлаштирди. Бутун бошли аҳоли пунктларининг йўқ бўлиб кетишига, экологик мувозанат, иқлим, одамларнинг ҳаёт ва фаолият шароитларининг бузилишига ҳам олиб келди.

Бу муаммо сўнгги йилларда янада кескинлашди. МДХга аъзо бўлган бир қанча мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига бетартиб суратда ўтиши, табиий ва минерал-хом ашё захираларидан фойдаланишда бошқарувнинг барҳам топгани, назорат қилинмаганлиги натижасида улар ташиб кетила бошланди. Ваҳ-

шийларча қазиб олинди ва арзон нархларда экспорт қилинди. Айрим “янги бойваччалар” деб аталувчи ва коррупция домига илинган бутун-бутун гуруҳлар учун қўшимча фойда олиш манбаига айланди. Шу билан бирга, улар ўзларининг очкўз манфаатлари йўлида ҳозирги ва келгуси авлодларнинг экологик хавфсизлигини, саломатлиги ва фаровонлигини қурбон қилмоқдалар. Бениҳоя улкан моддий бойликлар, инсониятнинг ноёб ютуқлари виждонсизларча ўғирлаб кетилмоқда, йўқ қилиб ташланмоқда. Бу билан бутун атроф муҳитга ҳам жуда катта зарар етмоқда, иқлим бузилмоқда. Энг ёмони эса бир неча авлод кишиларининг табиий ҳаёт ва фаолият шароитларига пугур етмоқда.

Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш — ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.

Бу хавфни анча кеч, 70-йилларнинг бошларидагина англай бошладик. Ўшанда мазкур масала дунё миқёсидаги тараққиётга бағишланган дастлабки Фарб моделларида кескин қилиб қўйилган эди. Бу ҳол бамисоли “бомба портлагандай” таъсир этди. Инсоният қандай хавф қаршисида турганлигини, атроф муҳитга инсон фаолияти туфайли етказилаётган зарар қандай натижаларга олиб келганлигини яққол ҳис этди.

Инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай, жадал юритилган хўжалик фаолияти, Рим клубининг “XXI аср йўли” деб аталмиш тадқиқотларидан бирида кўрсатиб ўтилганидек, Ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва ҳоказоларнинг рўй беришига олиб келди. Мутахассисларнинг баҳолашларича, 2000 йилга бориб ўрмонлар эгаллаб турган майдон қуруқликнинг 1/6 қисминигина ташкил этади, ҳолбуки, 50-йилларда улар 1/4 қисмини эгаллаган эди. Жаҳон океанининг сувлари ҳалокатли равишда ифлосланиб бормоқда, унинг такрорий маҳсулдорлиги кескин пасаймоқда. Жадал суръатлар билан юз бераётган урбанизация жараёнлари шаҳарларнинг асосий агломерациялари энг йирик ифлослантириш манбаларига айланиб қолишига олиб келди. Таркибида олтингутурт кўш оксиди ва азот оксиди бўлган тузли ёмғирлар ёғиши кўпайди. Бунинг натижасида бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар сони ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳон фан-техника тараққиёти жадал ривожланиши муносабати билан табиий захиралардан хўжалик мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бориб, кўпроқ миқдорда озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш талаб қилинмоқда. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суръатларда қисқаришига, чўл-саҳроларнинг бостириб келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юқорида жойлашган озон тўсиғи камайиб кетишига, ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб боришига ва бошқа ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Бетўхтов давом этаётган қуролланиш пойгаси, атом, кимёвий қуроллар ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва синаш инсоният яшайдиган муҳит учун жуда катта хавфдир.

Ҳозир, XXI аср бўсағасида, фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда.

Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқи, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур мўътадил атроф муҳит шароитларига ҳам бўлган ҳуқуқларининг муқаддас ва дахлсизлигини аллақачонлар эътироф этган.

Экологик хавфсизлик кишилиқ жамиятининг ҳуқуқи ва эртак учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳволи ва сифатини белгилаш имкониятини беради. Иқтисодийнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқларини экологик жиҳатдан зарарсиз технология ёрдамида ривожлантиришни таъминлаш имконига эга бўлинади. Маълумки, табиатнинг ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди. Бу жараён узоқ вақт давом этади. Бошқача айтганда, экологик вазият аста-секин ёмонлаша боради.

Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш

барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қола олмайди. Уларни бутун сайёрамиз кўламида ҳал қилиш зарур. Кўриниб турибдики, табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этади. Шу сабабли улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши лозим.

Экология муаммоси Ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир.

Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг ғоят хавfli зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очиқ айтиш мумкин. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Табиатта кўпол ва тақаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Инсон — табиатнинг хўжайини, деган сохта социалистик мафкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида кўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди. Уларни қирилиб кетиш, генофонднинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди.

Афсуски, бу жараёнлар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бу ерда, мутахассисларнинг баҳолаши-

ча, жуда мураккаб, айтиш мумкинки, хавфли вазият вужудга келмоқда. Бундай вазият нимадан иборат?

Биринчидан, ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда. Марказий Осиё шароитида ер Аллоҳ таолонинг бебаҳо инъомидир. У том маънода одамларни боқади, кийинтиради. Бевосита деҳқончилик билан боғланган оилаларнигина эмас, балки маълум бир тарзда қишлоқ хўжалиги билан алоқадор барча тармоқлар ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётган республиканинг барча аҳолиси фаровон турмуш кечириши учун моддий негиз яратади. Айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган омил ҳамдир. Бу ҳол Ўзбекистонда айниқса яққол намоён бўлмоқда, чунки ернинг иқтисодий ва демографик вазифаси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Республиканинг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизинигина экин майдонлари ташкил этади. Айни чоғда Ўзбекистон эгаллаб турган майдоннинг анча қисмини Қорақум, Қизилқум, Устюрт каби чўл ва ярим чўл ерлар ташкил этади. Айниқса, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилаётган ер майдонларига тўғри келадиган демографик юз ҳозирнинг ўзидаёқ ўта салмоқли. Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги айниқса юқори бўлиб, 1 квадрат километрга 51,4 киши тўғри келади, ҳолбуки, бу рақам Қозоғистонда — 6,1, Қирғизистонда — 22,7, Туркманистонда — 9,4 ни ташкил этади. Республикаимизда ҳар бир одамга 0,17 гектар экин майдони тўғри келса, Қозоғистонда — 1,54, Қирғизистонда — 0,26, Украинада — 0,59, Россияда 0,67 гектар экин майдони тўғри келади. Барча аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшаётганли-

гини ҳисобга олсак, дадил айтиш мумкинки, бизнинг қишлоқларимизда инсоний захираларнинг нисбий ортиқлиги эмас, балки мутлақ ортиқлиги яққол кўзга ташланади.

Бизда аҳолининг ўсиши нисбатан юқори бўлиб, урбанизация ва ҳосилдор ерларни шаҳарларни ривожлантиришга, уй-жой қурилишига, янги корхоналар, муҳандислик ҳамда транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этишга ажратиб бериш жараёнлари жадал бормоқда. Шунини ҳисобга олсак, яқин йиллар ичида, ҳатто XXI аср арафасидаёқ ер захиралари билан таъминланиш муаммоси янада кескинлашиши мумкин.

XX аср охирида ерларнинг табиий равишда чўлга айланиши юқори даражада бораётганлиги етмаганидек, одамларнинг муносабати туфайли чўлга айланиб бориш жараёни шитоб билан давом этаётганлиги бу муаммони янада кучайтирмоқда. Айни чоғда табиий муҳитнинг ёмонлашуви билан бирга, тупроқ нураши, шўрланиши, ер усти ва ер ости сувларининг сатҳи пасайиши ва бошқа ҳодисалар рўй бермоқда.

Илгари нурашга қарши чора-тадбирлар яхши олиб борилмаганлиги туфайли шамол ва сув таъсирида емирилиш тупроқнинг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу чора-тадбирлар жуда паст суръатларда ва сифатсиз олиб борилган. Ҳатто 80-йилларнинг охирида амалда бутунлай тўхтатиб қўйилган эди. Республикада 2 миллион гектардан ортиқ ер майдони ёки барча суғориладиган ерларнинг қарийб ярми бузилиш хавфи остида қолган.

Ерларнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун улкан экологик муаммодир. Ерларни оммавий суратда ўзлаштириш, ҳатто шўрланган ва мелиорацияга яроқсиз йирик-йирик, яхлит май-

донларни ишга солиш ана шунга олиб келди. Сўнги 50 йил мобайнида суғориладиган ер майдони 2,46 миллион гектардан 4,28 миллион гектарга етди. Фақат 1975 — 1985 йиллар мобайнида 1 миллион гектарга яқин янги ер майдонлари ўзлаштирилди. 1990 йилга келиб суғориладиган ер майдони 1985 йилдагига қараганда 1,5 баравар кўпайди.

Экин майдонлари таркибида сўнги вақтларга (1990 йилга) қадар пахта деярли 75 фоиз майдонни эгаллаган эди. Дунёнинг бирорта ҳам мамлакатида пахта монополияси бу қадар юқори даражага кўтарилмаганди. Бу ҳол ернинг кучсизланишига, тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг сув-физикавий хоссалари ёмонлашувиغا, тупроқнинг бузилиши ва нураши жараёнлари ортишига олиб келди.

Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларнинг қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам ўнлаб баравар ортиқ эди. Улар тупроқни, дарё, кўл, ер ости ва ичимлик сувларини ифлослантирди. Бундан ташқари, янги ерлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмади. Ҳамма жойда пахта назоратсиз суғорилди. Тупроқнинг нами кўпайиб кетди. Бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келди.

Тупроқнинг ҳар қил sanoat чиқиндилари ва маиший чиқиндилар билан шиддатли тарзда ифлосланиши реал таҳдид тугдирмоқда. Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни, sanoat ва қурилиш материалларини сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг кўпол равишда бузилиши ернинг ифлосланишига олиб келмоқда. Ундан самарали фойдаланиш имкониятларини чекламоқда.

Фойдали қазилмаларни жадал қазиб олиш, кўпинча уларни қайта ишлашнинг технологик схема-

лари номукамаллиги кўп миқдорда ағдармалар, кул, шлак ва бошқа моддалар тўпланиб қолишига олиб келмоқда. Булар деҳқончилик учун яроқли бўлган ерларни эгаллабгина қолмай, балки тупроқни, ер усти ва ер ости сувларини, атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларига ҳам айланмоқда. Республикада заҳарли чиқиндилардан фойдаланиш саноати эса ҳозирча яратилган эмас.

Ўзбекистон ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндилар ташланадиган 230 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ ахлатхоналари мавжуд. Уларда тахминан 30 миллион куб метр ахлат тўпланади. Улар асосан стихияли равишда, жўгрофий, геологик-гидрогеологик ва бошқа шарт-шароитларни комплекс ўрганмай туриб ташкил этилган. Уларда қаттиқ маиший чиқиндиларни зарарсизлантириш ва кўмиб ташлаш ибтидоий усуллар билан амалга оширилмоқда. Айниқса, республиканинг йирик шаҳарларида маиший чиқиндиларни ишлатиш ва зарарсизлантириш соҳасида мураккаб вазият вужудга келган. Республикада ҳали-ҳануз маиший чиқиндиларни саноат усулида қайта ишлаш масаласи ҳал қилинмаган. Ягона Тошкент маиший чиқиндилар тажриба заводи 1991 йилдагина ишлай бошлади.

Радиоактив ифлосланиш, айниқса, катта хавф тугдирмоқда. Мойлисув (Қирғизистон) дарёсининг қирғоқлари ёқасида 1944 йилдан то 1964 йилгача уран рудасини қайта ишлаш чиқиндилари кўмилган. Ҳозирги вақтда қолдиқлар сақланадиган 23 та жой мавжуд. Бу ерларда селни тўсадиган тўғонларни маҳкамлаш ҳамда кўчки хавфи бўлган жойлардаги қияликларнинг мустақамлигини таъминлаш лозим.

Навоий вилоятидаги қолдиқлар сақланадиган жой ҳам экологик жиҳатдан хавfli ифлослантириш ўчоғи ҳисобланади. Бу ердаги радиоактив кўмини шамол учириши хавфи бор.

Шу сабабли Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишдаги ғоят муҳим вазифа ерларнинг ҳолатини яхшилашдан, тупроқнинг ифлосланишини камайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишдан иборат. Бу ўринда гап энг аввало табиий захиралардан фойдаланишни тубдан яхшилаш ҳақида бормоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан қараганда, сув захираларининг, шу жумладан ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Республиканинг дарёлари, каналлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари ҳам ҳар тарафлама инсон фаолияти таъсирига учрамоқда.

Суғориладиган ҳудудларда сув табиатнинг бебаҳо инъомидир. Бутун ҳаёт сув билан боғлиқ. Зотан, сув тамом бўлган жойда ҳаёт ҳам тутайди. Шундай бўлсада, Марказий Осиёда сув захиралари жуда чекланган. Йилига 78 куб километр сув келтирадиган Амударё ва 36 куб километр сув келтирадиган Сирдарё асосий сув манбаларидир.

Ҳозирги вақтда халқ хўжалигида Орол денгизи ҳавзасининг барча сув захираларидан тўла-тўқис фойдаланилмоқда.

Дарёлар оқими асосан Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидан бошланади. Сув захираларининг кўпчилик қисмидан Марказий Осиёдаги барча республикаларнинг ерларини суғориш учун фойдаланилади. Шу муносабат билан минтақадаги барча давлатларнинг манфаатлари йўлида ҳамда экология талабларини, дарёлар дельталарида ва Орол денгизида мақбул ҳаётий шарт-шароитларни яратиш мақсадида бу ерларга сувнинг ўтишини таъминлаш зарур. Шу билан бирга Орол денгизи ҳавзасининг чекланган сув захираларини биргалашиб, келишган ҳолда

бошқариш муаммосини амалий ҳал қилиш талаб этилади.

Минтақанинг яна бир муаммоси сувни муҳофаза қилиш ва тежаш тадбирлари мажмуини амалга ошириш зарурияти билан боғлиқдир. Бу тадбирлар сувнинг исроф бўлишини энг кам даражага келтириш мақсадида суғориш тармоғининг режими ва ўлчамларини суғориш техникаси билан мустаҳкам боғлашни ўз ичига олади. Эндиликда коллектор-зовур сувларини ташлаб юборишни тартибга солиш, оқава сувларни дарё ва сув омборларига оқизишни батамом тўхтатиш зарур.

Сув захираларининг сифати энг муҳим муаммолардан биридир. 60-йиллардан бошлаб Марказий Осиёда янги ерлар кенг қўламда ўзлаштирилди. Саноат, чорвачилик комплекслари экстенсив ривожлантирилди. Урбанизация кучайди. Коллектор-зовур тизимлари қурилди ҳамда дарё сувлари суғориш учун муттасил юқори ҳажмларда олинди. Шу боис ҳавзалардаги сувнинг сифати тобора ёмонлаша борди.

Дарё сувларининг ифлосланиши экология-гигиена ва санитария-эпидемиология вазиятини, айниқса, дарёларнинг қуйи оқимларида ёмонлаштирмоқда. Иккинчи томондан, дарё сувлари таркибида тузларнинг мавжудлиги Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқа дарёларнинг дельталарида тупроқнинг шўрланишини кучайтирмоқда. Бу эса қўшимча мелиорация ишларини амалга оширишда, зовур тизимларини барпо этиш ва тупроқ шўрини ювишда яққол сезилмоқда.

Ўзбекистон ва қўшни минтақалар шароитида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Аҳоли пунктларини одатдаги водопровод суви билан таъминлаш кўрсаткичи республикада фақат кейинги беш йилликнинг ўзида тахминан 1,5 баравар ортди. Шунга қарамай,

ушбу муаммо долзарблигича қолмоқда. Ичимлик сув таъминоти манбаларининг ифлосланиши республикада, айниқса, Орол бўйида касалликка чалинишнинг юқори даражасига сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, Орол денгизининг қуриб бориш хавфи ғоят кескин муаммо, айтиш мумкинки, миллий кулфат бўлиб қолди. Орол денгизи муаммоси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Лекин бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавfli даражада ортди. Марказий Осиёнинг бутун ҳудуди бўйлаб суғориш тизимларини жадал суръатда қуриш кўплаб аҳоли пунктларига ва саноат корхоналарига сув бериш баробарида кенг кўламдаги фожиа — Орол ҳалок бўлишининг сабабига ҳам айланди. Яқин-яқинларгача чўлу саҳролардан тортиб олинган ва суғорилган янги ерлар ҳақида дабдаба билан сўзланарди. Айни чоғда ана шу сув Оролдан тортиб олинганлиги, уни “жонсизлантириб қўйилганлиги” хаёлга келмасди. Эндиликда Оролбўйи экологик кулфат ҳудудига айланди.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.

Биз 20—25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ бир авлоднинг кўз ўнгида бутун бир денгиз ҳалок бўлган ҳол ҳали рўй берган эмас эди.

1911—1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқтада бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10-11 граммни ташкил этган эди. Денгиз транспорт, балиқ хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга Сирдарё ва Амудар-

ёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қуйилар эди.

1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувнинг сатҳи — 32,5 метрга, сув ҳажми — 400 куб километрдан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг квадрат километрга тушиб қолди, сувнинг минераллашуви икки барабар ортди.

Оролнинг сатҳи 20 метр пасайиши натижасида у энди яхлит денгиз эмас, балки иккита қолдиқ кўлга айланиб қолди. Унинг соҳиллари 60-80 километрга чекинди. Амударё билан Сирдарёнинг дельталари жадал суръатлар билан бузилиб бормоқда. Денгизнинг сув қочган туби 4 миллион гектардан ортиқроқ майдонда кўриниб қолди. Натижада яна битта "кўлбола" кумли-шўрхок саҳрога эга бўлди. Шамол Орол денгизининг қуриб қолган тубидан туз ва чанг-тўзонни юзлаб километрга учуриб кетмоқда.

Оролнинг қуриб қолган тубидаги чанг бўронлари 1975 йилдаёқ космик тадқиқотлар натижасида аниқланган эди. 80-йилларнинг бошларидан буён бундай тўфонлар бир йилда 90 кун давомида кузатишмоқда. Чанг-тўзон узунлиги 400 километр ва эни 40 километр майдонга етиб бормоқда. Чанг бўронларининг таъсир доираси эса 300 километргача етмоқда. Мутахассислар берган маълумотларга қараганда, бу ерда ҳар йили атмосферага 15—75 миллион тонна чанг кўтарилади.

Буларнинг ҳаммаси Орол бўйи иқлимининг ўзгаришига олиб келди. 1983 йилдан бошлаб Орол балиқ овлашга яроқсиз бўлиб қолди. Соҳилнинг ҳозирги чизигидан йироқларда бўлган балиқчиларнинг қачонлардир қудратли флотилиясининг занг босган қолдиқларини, вайронага айланган балиқчилар посёлкаларини учратиш мумкин. Бўзкўл, Олтинкўл, Қаратма кўрфазлари йўқолди. Акпетки архипелаги қуруқлик билан қўшилиб кетди. Яйловлар ва ўтлоқлар йўқолиб

бормоқда. Худуд ботқоққа айланмоқда. Сувнинг тобора тақчиллашиб бораётганлиги ва сифати ёмонлашаётганлиги тупроқ ва ўсимлик қатламининг бузилишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида ўзгаришлар юз беришига, шунингдек, суғорма деҳқончилик самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Орол денгизининг қуриб бориши ва шу жараён туфайли Оролбўйи минтақасидаги табиий муҳитнинг бузилиши экологик фожиа сифатида баҳоланмоқда. Чанг ва туз бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Орол бўйида эмас, балки денгиздан анча наридаги бепоён худудларда ерларнинг чўлга айланиши, иқлим ва ландшафтнинг ўзгариши — булар ана шу фожиа оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

Орол фожиасини 70-йилларнинг бошларида, жуда кечи билан 80-йилларнинг бошларида, денгизнинг сатҳи унчалик пасаймаган бир пайтда идора қилиш мумкин эди. Ҳозирги вақтда уни бошқариш жуда мураккаб бўлиб қолди. Кейинчалик эса бу жараён яна ҳам мушкуллашади ёки умуман бошқариб бўлмайдиган ҳолга келади.

Орол бўйида денгизнинг қуриб бориши муносабати билан халқаро, кенг кўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди.

Орол денгизининг қуриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиши билан боғлиқ экологик фожиа бу ҳавзада яшаётган барча халқларнинг дарду аламидир.

Сув захиралари билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуаси кенг кўламли ва мураккаб кўп тармоқли ёндашувни, минтақадаги давлатлар билан халқаро ҳамкамият ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қилади.

Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг 1993 йил март ойида Қизилўрдада бўлиб ўтган учрашуви

ана шу муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги туртки бўлди. Бу учрашувда Орол денгизи танглигини ҳал этиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида Битим имзоланди. Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш ва унинг ишчи органи — Ижроия Қўмитаси, шунингдек, Оролни қутқариш Халқаро фонди ташкил этилди. Марказий Осиё республикалари давлат бошлиқларининг 1994 йил январида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи учрашувда Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин уч — беш йилга мўлжалланган, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ ҳаракатлар дастури тасдиқланди. 1994 йил март ойида Тошқовузда бўлган учинчи учрашувда Давлатлараро Кенгашнинг ушбу дастурнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

1997 йил февралда Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг БМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Алма-тида бўлиб ўтган учрашувда Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди — Оролни қутқариш Халқаро фондининг анча ишчан таркиби ва унинг негизида ҳаракатчан Ижроия қўмитаси тузилди.

Орол муаммосининг бутун кескинлигини, уни сақлаб қолиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тушунган ҳолда, Марказий Осиё республикаларининг ҳукуматлари, мутахассислари ва минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Декларациясини қабул қилдилар. Декларация барқарор ривожланиш қоидаларига қатъий амал қилишни назарда

тутади ва эътиборни қуйидаги ғоят муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратади:

— қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг янада мувозанатли ва илмий асосланган тизимига ўтиш;

— сув захираларидан фойдаланишнинг тежамли усулларини ишлаб чиқиш, суғоришда ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда такомиллашган технологияларни қўллаш воситасида ирригациянинг самарадорлигини ошириш;

— минтақанинг табиий захираларини комплекс бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Пировард натижада Орол танглигини барқарор ривожланиш, бу минтақада яшаётган одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик, келажақда ёш авлод учун муносиб турмушни таъминлаш тамойиллари асосида ҳал қилиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва дастурни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш зарур.

Тўртинчидан, ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши ҳам республикада экологик хавфсизликка солинаётган таҳдиддир.

Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ҳар йили республиканинг атмосфера ҳавосига 4 миллион тоннага яқин зарарли моддалар қўшилмоқда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 фоизини углеводород чиқиндилари, 14 фоизини олтингугурт қўш оксиди, 9 фоизини азот оксиди, 8 фоизини қаттиқ моддалар ташкил этади ва 4 фоизга яқини ўзига хос ўткир заҳарли моддаларга тўғри келади.

Атмосферада углерод йиғиндисининг кўпайиб бориши натижасида ўзига хос кенг кўламдаги иссиқхона эффекти вужудга келади. Оқибатда Ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб кетади.

Арид минтақасида жойлашган Ўзбекистон Республикасида тез-тез чанг бўронларини кўзгатиб ту-

рувчи, атмосферани чанг-тўзонга чулғаувчи Қорақум ва Қизилқум саҳроларидек йирик табиий манбалар мавжуд. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида Орол денгизининг қуриб бориши туфайли чанг ва туз кўчадиган яна бир табиий манба пайдо бўлди.

80-йилларнинг бошларида кўшни Тожикистонда алюмин заводи ишга туширилиши муносабати билан Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятига қарашли кўплаб туманларида экологик жиҳатдан танг аҳвол вужудга келди. Завод атмосферага кўп миқдорда фторли водород, углерод оксиди, олтингугурт гази, азот оксидларини чиқариб ташламоқда. Водийнинг юқори қисмида, Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарасида жойлашган заводнинг чиқиндилари тоғдан водий томонга эсадиган шамол билан ундан узоқларга, асосан республиканинг чегарадош туманлари — Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари худудига тарқалмоқда.

Экологияга солинаётган хавф Ўзбекистон учун, умуман бутун Марказий Осиё миқтақаси учун нақадар юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат ва давлат агроф муҳитни ҳимоя қилиш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш масалаларига жуда катта эътибор бермоқда. Агроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги миллий тадбирлари бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан кенг ва ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш иши билан қўшиб олиб борилмоқда. Агроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг турли жиҳатларини тартибга солувчи кўплаб хилма-хил халқаро шартномалар ва битимлар тузилди.

Ўзбекистон МДХ давлат бошлиқларининг 1992 йил 8 февралда имзоланган Битимига мувофиқ тузилган МДХ мамлакатлари Давлатлараро Экология

Кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. МДХ мамлакатларининг ана шу экология Кенгаши доирасидаги ҳамкорлиги аъзо давлатларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида келишиб олинган, мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайди.

Ҳозирги пайтда республикада истиқболга, яъни атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий захира-лардан оқилона фойдаланиш бўйича 2005 йилгача мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилган. Табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги бутун фаолият ана шу дастур асосида ташкил этилган. Дастурда республикада экологик вазиятни соғломлаштириш, йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерациялари кабиларда экологик кескинликка барҳам бериш йўллари белгиланган.

Экологик хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Қишлоқ, ўрмон ва бошқа хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча захарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш.

Қишлоқ хўжалик экинларини, энг аввало, ғўзани суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Коллектор-зовур сувларини дарёлар ва сув омборларига ташлашни тартибга солиш ва оқава сувларни чиқариб юборишни батамом тўхтатиш зарур.

Саноат корхоналарида атмосферага, сув ҳавзаларига ва тупроққа ифлослантирувчи ҳамда зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган махсус солиқдан кенг фойдаланган ҳолда масъулиятни оши-

риш даркор. Уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш керак. Бошланғич хом ашёдан тайёр, пировард маҳсулот олгунга қадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатдан самарали ускуналарни ўрнатиш лозим.

2. Қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайтириш таъминлаган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор.

Республиканинг фойдали қазилмаларидан оқилона фойдаланиш — долзарб масала. У атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг бош омилларидан биридир. Фойдали қазилмаларни олиш ва қайта ишлаш чоғида катта исрофгарчиликларга йўл қўйилмоқда. Бошланғич хом ашёдан тўлиқ фойдаланмаслик ҳоллари мавжуд. Эскирган ускуналарни алмаштириш, янги технологияларни жорий этиш, айрим цехлар, участкалар ва бутун бошли заводларни реконструкциялаш асосида фойдали қазилмаларни саноат усулида янада тўлиқ ва оқилона қазиб олиш муҳим вазифа бўлиб турибди. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан қараганда, тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

3. Катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг намини қочириш, сув чиқариш тadbирларини ва бошқаларни амалга ошириш) лозим.

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўлайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак.

5. Шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш зарур.

6. Экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрага дахлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётганлигини, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим.

Халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш — биринчи даражали вазифадир.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги юқорида тилга олинган таъсирчан чора-тадбирларни рўёбга чиқариш яқин вақт ичидаёқ олдинги тизимдан ёш республикага мерос бўлиб қолган экология соҳасидаги кўпгина иллатлар, камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш имкониятини юзага келтиради. Шунингдек, кенг кўламли экологик танглик таҳдидини барҳам топтириш, республика аҳолиси учун, жисмонан соғлом ёш авлоднинг дунёга келиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар ҳамда экология жиҳатидан мусаффо ҳаётий муҳит яратиш имконини беради.

БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ҲАМДА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ТИКЛАНИШИ

Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок элқадимларимиз тарихидан кўйг асрлар мисобайнида қўри-тиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз.

Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, маънавий қадриятларни ҳамда биз учун муқаддас бўлган ди-

ний қадриятлар ва анъаналарни қайтариш ва тиклаш, ўзлимизни англаш анча мураккаб шароитларда — эски империя тузуми барбод бўлган ва янги ижтимоий муносабатлар қарор топаётган бир шароитда юз берди.

Бир асрдан зиёд давом этган тоталитар қарамликдан кейин бу жараён дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда ўзига хос “инкорни инкор” сифатида кечди. Лекин биз аввалги тузумнинг қадриятларини шунчаки инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдиришини англаб эдик. Шу билан бирга, ўтмиш қадриятларига, анъаналарига ва турмуш тарзига бетартиб равишда, орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка — ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин.

Айни шу инкор этиш онларида экстремистик руҳдаги мухолифатнинг вужудга келиш хавфи туғилди. У аслини олганда, маънавиятга қарши мухолифат бўлиши мумкин эди. Жангари миллатчилик, *диний муросасизлик ва “ўзимизники” бўлмаган* ҳамма нарсага нафратнинг қоришмаси шундай мухолифатнинг сиёсий мақсадларидир. Жамиятимиз ўша кунлари юз берган аниқ экстремистик руҳдаги хатти-ҳаракатларда бундай муносабат нақадар тажовузкорона экаңлигини, ундаги вайрон этувчи омил ҳамда айрим сиёсийлашган жангари гуруҳларнинг идроки доирасига сиғмайдиган нарсаларга нисбатан нафратнинг нақадар кучлилигини кўрмаслиги мумкин эмас эди.

Воқеаларнинг бундай ривожланиши хавфли эканини англаш чуқур ўйлаб ва ҳар томонини ҳисобга олган ҳолда ёндашишни, маънавий тикланишнинг ижобий, бунёдкорлик моҳиятини кучайтиришга қаратилган, бир-бирини тўлдирадиган сиёсий, иқтисо-

дий ва маданий дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни зарур қилиб қўймоқда эди. Ушбу дастурлар, биринчи навбатда, қайта тикланаётган меросга фарқлаб ёндашишга, энг муҳим, умуминсоний қадриятларни бойитадиган ҳамда жамиятимизни демократиялаш ва янгилаш талабларига жавоб берадиган, ахлоқ жиҳатдан аҳамиятли анъаналарни, урф-одатларни танлаб олиш заруриятига асосланган эди.

Айни чоғда ўша даврнинг экстремал шароитларида этнослар ўртасида қарама-қаршилик чиқишидан сақлаб турган заиф чегарани, чизиқни осонгина босиб ўтиши мумкин бўлган эҳтиросларни пасайтириш ва уларнинг жунбушга келишига йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этди.

Ўша кунларда бундай хавф мавжудлиги аниқ эди. Фақат халқимизнинг ақл-идрокига, иродасига, сабртоқатига ва инсонпарварлигига таяниб унга мурожаат қилишгина ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган фожианинг олдини олишимизга ёрдам берганлигига ҳозир ҳам ишонаман.

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг ҳоли ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзлиқни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида гоят муҳим ўрин тутади.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.

Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши — буларнинг барчаси янгидан-янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим. Бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива фақат олимлар ва санъат ижтисомчилари учунгина эмас, балки тарих ва тарихий қадриятлар билан қизиқувчи барча кишилар учун зиёратгоҳга айланган.

Ўзбек олимларининг куч-ғайратлари билан тарихимизнинг кўлдан-кўп ғоят муҳим саҳифалари, энг аввало, теурийлар даври, XIX аср охири — XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди. Шунинг эса тутиш муҳимки, ўтмишимизни “оқлаш” вазифалари умуман олганда бажариб бўлинди; ҳозир эса асосий вазифа тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан ҳолисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир.

Амир Темур юбилейининг байрам қилиниши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ўтган йиллар мобайнида “босқинчи” Темур, “вайрон қилувчи” Темур ҳақида ўқиган ва эшитган вақтимизда неча бор ўзимизга ўзимиз: “Қандай қилиб унинг даврида она заминимизда маданият ва иқтисодиёт бу қадар равнақ топган экан?”, дея савол берар эдик. Мустақилликка эришганимиздан кейингина биз буюк аждодимизнинг ҳурматини ўрнига қўя олдик. Бизнинг бу интилишларимизни Марказий Осиёдаги қўшниларимиз,

маданий халқаро ҳамжамият қўллаб-қувватлади. Бу ҳол тасодифий эмас — соҳибқирон Амир Темур шахси унинг аجدодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир.

Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши маънавий Уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Ҳатто бу ҳудудларни босиб олганлар ҳам Марказий Осиё халқларининг маданияти олдида бош эгибгина қолмай, унинг энг қимматбаҳо анъаналарини, шу ҳудудда мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини авайлаб қабул қилганлар.

Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан, эронлик қабилалар турк қабилалари билан, мусулмонлар насронийлар ва яҳудийлар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар. Сўнгги икки аср давомида ҳам ўзларини “маданиятли” ва “маърифатли” ҳисоблаб келган давлатлар оммавий қирғинлар ва диний таъқиблар билан ўзларига доғ туширган бир пайтда, Ўзбекистон замини халқлар ва маданиятлар тинч бирлашган жойгина бўлиб қолмай, балки қувғин қилинган халқларга бошпана ҳам берди.

Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бутун дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди. Бу эса халқ Руҳи қудратининг биринчи белгисидир. Бу

Руҳ шу қадар ёрқин ва ўзига хоски, у интеграциядан асло чўчимайди, аксинча, жаҳон ҳамжамиятининг ўзвий бир қисмига айланишга ҳаракат қилмоқда.

Истиқлолимиз беш йиллигининг энг муҳим якуни барча халқлар учун “Умумий уй”га асос солинганлиги, янги кўп элатли бирлик вужудга келганлиги бўлди. Ўзбек маданиятининг умуминсоний моҳияти, маънавий-руҳий қадриятларнинг ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши бу бирликнинг негизини ташкил этди.

Ўзбек халқи Руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар, ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тоғувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди.

Халқимиз тарихан туркий халқлар оиласига мансуб бўлишга қарамай, пантуркизмни ва “Буюк Турон” шовинистик ғоясини қатъиян рад этди. Биз учун Турон — минтақадаги туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг ўта сиёсий эмас, балки маданий бирлигининг рамзидир. Бундан ташқари, умумий маданий, тарихий ва антропологик илдиэларимиз бизни тожик халқи билан ҳам туташтиради. Бу ҳол бизга ўз маданиятимизни Марказий Осиё учун маълум даражада ноёб бўлган турк ва форс маданиятларининг синтези деб ҳисоблашга тўла ҳуқуқ беради. Ана шундай бойликка эга бўлган Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари маданий интеграциялашувининг ташаббускори бўлиши мумкин ва лозим. Ўзбекистон минтақавий мезонларга кўра юксак даражадаги урбанизация ва саноатлашувни, шунингдек, илмий-техникавий кадрлар билан таъминланганликни, тур-

муш тартиби ва тарзининг чуқур анъанавийлигини ўзида мужассамлаштирган. Шу боис у Шарқ билан Ғарб мулоқотида воситачи, кўплаб цивилизациялар маънавий алоқасининг рамзи ҳам бўлиши мумкин.

Жамиятнинг диний-руҳий асосларини, халқимизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган Ислом маданиятини тиклаш ўз тақдирини ўзи белгилаш, тарихий хотирага, маданий-тарихий бирликка эга бўлиш йўлидаги ғоят муҳим қадам бўлди. Эски масжидлар таъмирланмоқда ва янгилари бунёд қилинмоқда. Ўқув юртлари тармоғи кенгаймоқда. Диний адабиётлар нашр этилмоқда.

Ислом миллий анъаналарининг, ислом маданиятининг Тикланиш жараёни исломни ташқаридан ҳар қандай “импорт” қилишдан воз кечиш, исломга сиёсий тус бериш ва сиёсатта ислом руҳини бахш этишдан воз кечиш тўғри эканлигини кўрсатди. Мовароуннаҳрнинг мусулмон маданияти этник сабр-тоқат ва бағрикенглик руҳини ўзида акс эттирди. Унинг Форобий ва Ибн Сино асарларида ўз инъикосини топган идеали — Фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизда ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлганлиги тасодифий ҳол эмас. Конституциямизда ёзиб қўйилган динга эътиқод қилиш эркинлиги Ўзбекистон ёппасига “исломлаштирилиши” мумкинлиги ҳақидаги ноўрин ҳадиксирашларга барҳам берди. Бошқа диний оқимларнинг тикланиши ва нормал ривожланишини мумкин қилиб қўйди. Бундан ташқари, Марказий Осиёдаги ислом динининг руҳан ўзига хослигини англаб этиш маданий бойлигимизнинг бир қисми бўлмиш исломдан олдинги маданиятни чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ҳам ўз

ичига олиши лозим. Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида бутунлай суғориладиган деҳқончиликка асосланган минтақада ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунчалик муҳимдир. Ер, ҳаво, сув ва олов (Куёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аждоқларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрлаб келинган.

Афсуски, охириги юз йилликда айнан минтақанинг экологик тизимига жуда катта зарар етказилди. Аждоқларимизнинг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий одоб-ахлоқ қоидалари унутиб юборилди. Бу қоидаларга кўра сув ва ерни ўйламай-нетмай булгаш, исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланар эди.

Марказий Осиё халқлари исломдан олдинги маданиятининг табиатдан оқилона, уйғун фойдаланиш анъаналарини ўрганиш ва оммалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Одамларни дарёларнинг мусаффолиги ва тупроқ унумдорлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга даъват этган зардуштийлик айнан бизнинг заминимизда вужудга келганлиги тасодифий эмас. Бошқа таълимотлар — буддизм ва манихейлик ҳам табиатни авайлаб-асраш идеал жамиятта олиб борадиган энг муҳим йўллардан бири эканлигини тарғиб қилган. Инсон билан Табиатнинг уйғун муносабатлари тўғрисидаги ана шу ғоялар Мовароуннаҳрда мусулмон Уйғониш даврига жуда катта ҳисса қўшган Марказий Осиёдаги сўфийлик таълимотларида ҳам учраши тасодифий эмас.

Ўз вақтида голландлар табиатта оқилона яратувчилик муносабатида бўлишдан иборат ўз миллий моделларини амалга ошириб, денгиздан серҳосил ерларни ажратиб олдилар. Мана шу мисол биз учун

чуқур рамзий маънога эга. Оролдаги экологик фожиа туфайли денгизни қуруқликка эмас, балки қуруқликни денгизга айлантиришимиз керак бўлади.

Маънавий қадриятларнинг яна бир қудратли манбаи анъанавий оила ва қариндошлик муносабатлари одобидан иборатдир. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамиша унинг асосий қоидалари бўлиб келган. Афсуски, бу қадриятларга ҳам совет даврида жиддий пугур етди. Совет тузуми хусусий тадбиркорликни тақиқлаб, “яқинларини қўллаш”га қарши кураш баҳонасида оилалардаги ва қариндош-уруғ ичидаги касбий кўникмаларнинг мерос бўлиб ўтишини йўққа чиқарди. Оилалар ва уруғларнинг анъанавий касбий ва иқтисодий “ўрни” йўқотилишига сабабчи бўлди. Натижанда бу кўникмалар ва ахлоқий нормалар тўсиққа учради. Уруғ-аймоқчилик ва ошна-оғайнигарчиликнинг ижтимоий бузуқ шакллари юзага кела бошлади. Шу билан бирга, қариндошларнинг ўзаро ёрдами баъзи ҳолларда жамият тараққиётини секинлаштириб қўядиган тайёрга айёрликка ва таниш-билишчиликка айланиб кетди.

Оила қадриятлари ва қон-қариндошлик муносабатларининг қайта тикланиши ўз умрини яшаб бўлаётган оила-уруғ муносабатларини абадийлаштиришни эмас, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий ва касб жиҳатидан эркин бўлиш имкониятини англатиши лозим.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашишини ҳам англатади.

Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларни киритамиз. Бу — инсон ҳуқуқларига риоя

этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳоказолардир.

Ушбу демократик қадриятлар жамиятимиз учун муҳим аҳамиятга эгаллиги ҳақида гапирар эканмиз, бу қадриятлар тарихий жиҳатдан ҳам, этник-маданий жиҳатдан ҳам халқимизнинг ўзига хос хусусиятларига зид эмаслигини қайта-қайта таъкидлашни истардик. Қолаверса, тадбиркорлик, эркин савдо, ижтимоий адолат, ўзаро муросаю мадора ва бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилиш деган тушунчалар бизнинг заминимизда тарихий илдишларга эга.

Шу билан бирга, биз ўйламай-нетмай нусха кўчиришга ҳам қаршимиз. Амалиёт бундай қадамнинг тайёргарлик кўрмаган омма онги учун хавfli эканлигини кўрсатмоқда. Сиёсий эркинликни анча тез ва низоларсиз қўлга киритиш мумкин. Бунга собиқ совет республикаларининг сиёсий суверенитетни қўлга киритиши мисол бўла олади. Нисбатан тез иқтисодий эркинликка эришиш мумкин. Буни ҳам биз Шарқий Осиёнинг саноати ривожланган мамлакатлари мисолида кўриб турибмиз. Лекин давлатнинг ичида сиёсий эркинликларни таъминлаш — пухта ўйлаб, ҳар томонни ҳисобга олиб ёндашишни, одамлар онгида узоқ муддат мослашишни талаб қиладиган жараёндир.

Ҳозирги демократик жамиятнинг энг муҳим воқеликларидан бири ижтимоий рақобатдир. Халқимизнинг анъанавий қадриятлари у билан уйғунлаштирилмоғи керак. Бозор тузилмалари ривожланиб борган сари бу рақобат анча бемаъни тус олиши, ижтимоий зиддиятга айланиб кетиши мумкин. Бундай рақобатта маърифий, ижодий тус беришга, уни мусобақага, бунёдкорликка айлантиришга биринчи навбатда иқтисодиёт билан боғлиқ бўлмаган, энг аввало, маданий-ахлоқий механизмлар ёрдамида эришиш мумкин. Бу механизмлар қайта тиклана-

ётган миллий қадриятлар билан ҳозирги замон цивилизацияси сингдираётган яшаш меъёрларининг умумлашмасидан иборат бўлмоғи даркор.

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши, давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишига, ўзини бошқа халқлар оиласидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига янада куч бахш этди. Кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратди. Айни маҳалда ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдоди ривожланишига, унинг тadbиркорлик ва киришимлилиқ, бир неча чет тилларни тез ўрганиб олиш каби ноёб фазилатлари тўла-тўқис рўёбга чиқишига имкон берди. Ана шу алоқалар тўфайли миллий меҳмоннавозлик ва саховат анъаналари янада ривожланди.

Бундай алоқаларнинг кенгайиши ҳақиқий маънавий ва маданий қадриятларни муносиб баҳолаш имконини берди. Ҳозирнинг ўзидаёқ аҳолининг кенг қатламлари орасида 80-йилларнинг охирларида мамлакатимиз томошабинлари ва китобхонларига ёғдирилган ғарбнинг сунъий санъатидан, “кенг истеъмо”даги маданиятидан норозилик сезилиб турибди. Бундай маҳсулотнинг илгариги “ман этилган неъмат”га ҳос “лаzzати”, жозибадорлиги қолмаган. Ҳозирги кунда хорижнинг маданий қадриятларидан фойдаланишга анча жиддий ва танлаб ёндашиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда.

Дунёнинг демократик қадриятларидан баҳраманд бўлишда аҳолининг билимдонлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва, ақсинча, билими кам,

оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонarli тарзда исботламоқда.

Биз ҳамма вақт кенг аҳоли қатламларининг ҳам мумтоз, ҳам замонавий миллий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳра олишига имкон бериб келган маданият сарчашмаларига авайлаб муносабатда бўлишни ўрганиб олишимиз лозим. Ўзбекистонда мусиқа, тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида катта муваффақиятларга эришилганлиги тасодифий эмас. Бу санъат турлари чет элда кенг эътироф этилган. Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва ом-малаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак.

Мустақиллик мамлакатимиз аҳолисининг билим доирасини кенгайтди. Тарих ва ҳозирги замон воқеликларига мурожаат қилиш бизнинг ижтимоий тафаккуримиздан ҳаётни идрок этишнинг мавҳум ва ақидапараствлик қолипларини енгиб ўтишни, мустақил фикр юритиш ва рўй бераётган ҳодисаларни баҳолай олиш қобилиятини талаб этди.

Маънавий Тикланиш — фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлиши демакдир. Бизнинг тушунишимизча, қотиб қолган эски ақидалардан воз кечиш — ўз тарихий ўтмишимиздан воз кечиш дегани эмас. Бу бирёклама ва тор фикрлашдан воз кечиш демакдир. Миллий тафаккур ўз тараққиётида маданий қурилиш вазифаларига дунё миқёсида ёндашиши, бошқа халқларнинг тақдири, уларнинг ўзаро муносабатлари билан яқиндан қизиқиши, улар ҳаётининг энг теран нуқталаригача кириб бориши, миллий манфаатларни ҳисобга олиши керак.

Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий

кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди.

Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажақда янада раванқ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир.

ДАВЛАТЧИЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ

Истиқлол йиллари янги мустақил Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги пойдеворини барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилган давр бўлди. Маълумки, давлатчилигимизнинг минг йиллик тарихи Россия империясига зўрлик билан қўшиб олганимиз натижасида узилиб қолган эди. Фақат мустақилликка эришилгандан кейингина халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган суверен Ўзбекистон янги давлатчилигини қуриш ва ривожлантиришга киришди. Бошқача қилиб айтганда, фақат истиқлолгина халқимизга ўз Ватанида ўзини эркин ҳис қилиш, чинакам миллий қадриятларни тиклаш, ўз миллий давлатчилигини шакллантириш имконини берди.

Мустақилликка эришилгач, халқимиз олдида кескин муаммолар кўндаланг бўлди. Уларни ҳал қилмасдан туриб, демократия ва ҳокимиятни тақсимлаш принципларига асосланган янги давлатчилиқни барпо этиш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мумкин эмас эди.

Ўзбекистон демократия қадриятларини, шахнинг, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор иқтисодиётини барпо этишни ўзи учун энг устувор қадриятлар сифатида танлади.

Эълон қилинган мақсадларга аввалги, мафкуравий тоталитар тузумни тубдан бузиб ташламасдан, ўтмиш одатларидан воз кечмасдан эришиб бўлмасди.

Шу боис қуйидагилар энг асосий вазифамиз бўлиб қолди:

Биринчидан. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизимини, унга мувофиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органларини тугатиш.

Иккинчидан. Янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий асосларини яратиш. Конституция ва қонунларда ижтимоий муносабатларнинг янги тизимини, ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг янги тизимини мустақамлаб қўйиш.

Янги ўзбек давлатчилигининг қарор топиш жараёни ҳам ташқи, ҳам ички мураккаб шароитларда рўй берди.

Ички сиёсатимизда биз бир-бирига боғлиқ икки вазифани ҳал қилишимиз лозим эди. Бу — янги давлатчиликни барпо этиш ҳамда кенг кўламли сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси эди.

Янги мустақил давлатларда ислоҳотларни амалга ошириш шунини кўрсатмоқдаки, бозор ислоҳотларини рўёбга чиқариш иқтисодиётда таназзулга, аҳолининг кўпчилик қисми турмуш шароитининг пасайишига олиб келди. Бу жамиятда ижтимоий кескинликнинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Амалий иш юрита олмайдиган, кўпинча масъулиятсиз ва экстремистик кайфиятдаги, калондимоф муҳолифат бу муаммони айниқса кескинлаштириб юборди. Демократия байроғи остида ўзининг хат-

ти-ҳаракатлари билан жамиятда беқарорликни келтириб чиқарди.

Авваламбор, қўшни Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий можаро ва Тожикистонда давлатчиликнинг қарор топишидаги қийин кечаётган жараёнлар янги давлатчиликни барпо этишга таҳдид туғдирувчи ташқи сиёсий омиллар бўлди. Бу омиллар янада кучайиб кетган тақдирда, бутун Марказий Осиё минтақасига ёйилиши, энг аввало Ўзбекистонни қамраб олиши муқаррар эди.

Советлардан кейинги маконда вужудга келган янги мустақил давлатларда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва ҳамдўстлик доирасида вужудга келаётган давлатлараро муносабатлар, интеграцияни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш шиори остида миллий суверенитетнинг қарор топиши ва мустақамланиши жараёнини тўхтатиб қўйишга турлича уринишлар янги давлатчиликнинг вужудга келиш жараёнига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди.

Булардан ташқари, янги давлатчилигимиз биз кўп ишларни ибтидосидан бошлашга ҳамда ташқи сиёсий фаолият бобида етарли тажрибага эга бўлмаган ҳолда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизни топишга мажбур бўлган бир вазиятда қарор топди.

Мана шу омилларнинг барчаси Ўзбекистоннинг янги мустақил давлатчилиги мураккаб шароитларда қарор топишга сабаб бўлди.

Ҳозир биз бу йиллар мобайнида миллий давлатчиликка пойдевор қўйилганлигини ишонч билан айта оламиз. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унга мос бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари барҳам топтирилди. Сиёсий ва иқтисодий бошқариш ҳамда тартибга солишнинг кўпгина тузилмалари ва органлари тугатилди. Улар маъмурий-буйруқбозлик тизимининг, марказлаштирилган режалаш-тақсимлаш

иқтисодиётининг устунлари эди. Улар демократик қадриятлар ва тамойилларга йўналтирилган янги давлатчиликнинг қарор топиши ва эркин бозор иқтисодиётининг пойдеворларини яратиш йўлидаги асосий тўсиқ бўлиб келди.

1992 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди. Ўзининг Асосий Қонунида давлат тузуми принципларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият-ни ривожлантиришнинг иқтисодий негизлари ва стратегик йўналишларини мустақкамлаб қўймаган давлат чинакам суверен давлат бўла олмайди. Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди.

Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципига асосланган тизими яратилди. Уларнинг ҳар бири фаолиятида ҳуқуқий асосда авторитаризм ва тоталитаризмнинг хуружларини истисно этадиган чинакам демократик меъёрлар ва йўл-йўриқлар қарор топтирилди.

Ташкил этилган ижро этувчи ҳокимият органлари тизими олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Улар режалаш-тақсимлаш вазифаларидан холи бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда. Кўнлаб вазирликлар ўрнига бозор шароитларига мос бўлган хўжалик бирлашмалари, уюшмалари, концернлар, корпорациялар, холдинг компаниялар ташкил этилди.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг янги тизими вужудга келтирилди. Унинг асосини ҳокимлар институти ташкил этади. Унда жойлардаги ижро этувчи ҳокимият билан вакиллик ҳокимияти раҳбарининг вазифалари бирлаштирилган.

Маҳаллий ҳокимият органларининг мунтазам тизимини фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу органларнинг асосини фуқаролар йиғинлари — маҳаллалар ташкил этади. Улар халқнинг тарихий анъаналари ва руҳиятини ҳисобга олиш асосида тузилган. Ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим ижтимоий органи бўлиши маҳалланинг аҳамияти ҳамisha жуда юқори бўлган.

Маҳалла одамлар ўртасидаги муносабатларда яхши кўшничиликни, ҳурмат ва инсонпарварликни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. У фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилади, аҳолининг муҳтож қатламларига аниқ ёрдам кўрсатади.

Айни чоғда, ҳозирги шароитда маҳалланинг вазифалари янги мазмун билан бойитилиши лозим. Гап шундаки, маҳалла иқтисодий ва демократик ўзгаришларни рўёбга чиқаришда амалий мадад бўлмоғи зарур.

Конституцияга мувофиқ, янги демократик сайлов тизими асосида Ўзбекистон тарихида илк бор Республика парламенти — Олий Мажлис ҳамда вакиллик ҳокимиятининг маҳаллий органларига кўшпартиялилиқ асосида эркин, муқобил сайлов ўтказилди. Натижада давлат ҳокимиятининг Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидан иборат қонун чиқарувчи тармоғи вужудга келтирилди. У самарали ишлаб турибди.

Ҳуқуқий ислохотлар борасидаги улкан ва аниқ мақсадга қаратилган куч-ғайратлар натижасида, Асосий Қонуннинг қоидалари негизида республика суд

тизими мустақил ва бошқа тармоқларга боғлиқ бўлмаган ҳокимият сифатида қарор топтирилди. Суд ҳокимиятининг янги тузилмалари вужудга келди. Суднинг ҳуқуқ доираси кенгайди.

Жамиятни демократик ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва қоидаларига мувофиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, миллий хавфсизлик органларининг кўп жиҳатдан янги бўлган тизими барпо этилди. Миллий армия — Ўзбекистон Куролли Кучларининг ташкил этилиши миллий давлатчиликни қарор топтириш йўлидаги гоаят муҳим ютуқ бўлди.

Ташқи алоқаларни таъминлайдиган институционал тузилмалар: Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳамда бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг бутун бошли тармоғи вужудга келтирилди.

Ўзбекистон тарихида илк дафъа жорий этилган Республика Президенти лавозими янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллади. У сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб қолди.

Президентлик ҳокимиятида Президентнинг давлат бошлиғи ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги ваколатлари мужассамлашган. Бу ҳокимият жамиятдаги барқарорликнинг ва Ўзбекистон ислохотлар йўлидан муваффақиятли олға боришининг кафолати бўлгани ҳолда, янги ўзбек давлатчилиги биносининг асосий таянчига айланиб қолди.

Конституциянинг қабул қилиниши, ўтган йиллар мобайнидаги жўшқин қонунчилик фаолияти ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг барча фуқаролар қонун олдида тенглигини, қонуннинг устуворлигини кафолатлайдиган мустаҳкам негизларини яратиш имконини берди.

Шу билан бирга, давлатнинг моҳияти бутунлай, тубдан ўзгарди. Давлат дастлабки босқичда жамиятни янгилашнинг энг фаол кучига айлангани ҳолда, ислохотларнинг бош ташаббускори ва йўналтирувчиси, ижтимоий ҳаётдаги янги ғояларнинг асосий амалга оширувчиси бўлиб қолди.

Янги ўзбек давлатчилигини қарор топтиришнинг биринчи босқичидаги вазифалар бажарилиши Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ортиши ва мустақамланишида, жаҳон ҳамжамиятидаги кўплаб мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишда ва ривожлантиришда ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон мустақил, суверен давлат сифатида энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди.

Ҳозирги вақтда демократик сиёсий тизимнинг энг муҳим субъекти бўлмиш давлатчиликни ислоҳ қилишда янги вазифалар кўндаланг турибди. Бу, авваламбор, ҳозирги босқичда сиёсий институтларнинг ва нодавлат ижтимоий уюшмаларининг хилма-хиллиги ҳамда уларнинг роли мустақамланиши, шунингдек, аҳолининг сиёсий фаоллиги ошиши асосида жамият ҳаётини янада демократиялаш вазифалари муҳим ва долзарб бўлиб қолганлиги билан изоҳланали.

Янги шароитда давлатнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ғоят муҳим вазифаси сиёсий партиялар, нодавлат, ижтимоий структуралар, фуқаролик жамиятининг эндигина пайдо бўлиб келаётган хилма-хил институтлари билан ишлаш ва ҳамкорлик қилишнинг янгидан-янги шаклларини излаб топишдан иборатдир.

Бутун давлат ҳокимияти органлари ишининг самарадорлигини сақлаб қолган ҳолда ҳокимият ваколатларини марказ ихтиёридан соқит қилиш, бу ва-

колатларнинг бир қисмини марказдан минтақаларга, маҳаллий ҳокимият органларига олиб бериш йўлларини излаб топиш заруратга айланиб бормоқда.

Ўз навбатида, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари янги шароитларда ўз ҳокимият ваколатлари ҳамда вазифаларининг бир қисмини фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига топшириш йўли билан уларнинг ролини кучайтириш ва обрў-эътиборини мустақкамлаш имкониятларини белгилаб олишлари лозим.

Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида давлатнинг фаол роли асосий ваколатлар давлатнинг ва, энг аввало, ижро этувчи ҳокимиятнинг ихтиёрида бўлишини тақозо этди. Демократик ўзгаришларнинг ҳозирги босқичи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг узоқ вақтга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бунда давлатнинг роли демократик тараққиётимизнинг пировард мақсади — фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадига асосланган ҳолда тубдан ўзгариши даркор. Биз бунда кучли марказий давлат ҳокимияти ўзининг куч-гайратларини асосий, умуммиллий вазифаларга, чунончи, мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқаролар хавфсизлиги, ташқи сиёсат, валюта-молия ҳамда солиқ тизимларини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва тараққиётнинг бошқа стратегик вазифаларига қаратадиган давлат ижтимоий қурилиш тизимини барпо этишимиз лозим. Бошқа масалаларни ҳал қилиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилмоғи керак.

Бу давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги стратегик вазифамиздир. У биз танлаб олган жамиятни демократик ривожлантириш йўлига асосланади.

Шу билан бирга, ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг янги давлатчилигини мустақкамлаш учун жамиятнинг сиёсий институтлари тизимида давлатнинг ролини янада аниқроқ белгилаш керак. Бу, энг аввало, миллий хавфсизлик асосларини мустақкамлаш, мамлакатнинг барқарорлигини, қатъий сиёсий ва иқтисодий тараққиётини сақлаб қолиш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ташқи ва ички таҳдидлардан кафолатланган тарзда ҳимояланганлигини билдирадиган миллий хавфсизлик — комплекс тадбирлар тизимидир. Унда кучли давлат билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амалга ошираётган фаол ишлар, шунингдек, турли нодавлат тузилмаларининг кенг тармоғи миллий хавфсизликни таъминлашнинг зарур ва муҳим таркибий қисмларига айланиб бормоқда.

Миллий хавфсизликка мамлакат ичида туғилаётган таҳдид демократик нодавлат, фуқаролик тузилмаларини мустақкамлаш йўли билан анча самарали барҳам топтиради. Бу тузилмаларда аҳолининг фуқаролик фаоллиги юзага чиқади ва уларнинг жўшқин фаолияти орқали яширин сиёсий экстремизм хавфи бартараф этилади.

Давлат миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги асосий масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу ҳол давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилиш муаммоларига эътиборни кучайтиришни зарур қилиб қўяди. Бунда ҳокимиятнинг марказдан жойларга ўтиш жараёни минтақавий сепаратизмга олиб келмаслиги керак. Жамият ҳаётини демократиялаш эса турли шиорлар остида сиёсий экстремизмнинг авж олиши учун асос бўлмаслиги лозим. Шу сабабли янги босқичда гап юқтимой тараққиёт жараёнларида дав-

латнинг роли насайиши ҳақида эмас, балки янада аниқроқ юзага чиқиши, стратегик йўналишлар белгиланиши ва уларда яқин келажақда давлатнинг етакчи роли сақланиб қолиши тўғрисида боради.

Миллий хавфсизлик, мамлакатнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга ҳозирги босқичда биринчи галда ташқи кучлар кўпроқ таҳдид солмоқда.

Ватанимиз жанубий чегаралари яқинидаги қуроли моjarоларнинг ўчоқлари ҳарбий хавфнинг потенциал манбаларидир. Бу вазият давлатимизнинг мудофаа қобилиятини, яъни рўй бериши мумкин бўлган тажовуздан ҳимояланишга тайёрлик даражасини фақат бизнинг мамлакатимиз учун эмас, балки бутун минтақа учун ҳам миллий хавфсизликни ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим шарти даражасига кўтармоқда.

Маълумки, давлатнинг мудофаа қобилияти унинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий ва маънавий имкониятларидан таркиб топади. Бу соҳада биз юритадиган сиёсатнинг асослари Олий Мажлис томонидан жамиятимиз ҳамма қатламларининг кенг ва ҳар томонлама муҳокамасидан сўнг қабул қилинган ҳарбий доктринада мустаҳкамлаб қўйилган. Халқимиз унинг мудофаа хусусиятини ҳамда унга асос бўлган қоидаларни маъқуллади. Бу, энг аввало, куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш, мудофаа қобилиятини оқилона даражада сақлаб туриш, халқаро ҳуқуқ қоидалари ва нормаларига оғишмай риоя этиш мажбуриятларини қабул қилиш, халқаро битимлар бўйича ўз зиммамизга олган мажбуриятларни бажариш ва шу кабилардир.

Давлат мудофаа қобилиятининг энг муҳим қисми унинг Қуроли Кучларидир. Уларнинг жанговар қудрати ҳамда босқинчини қуроли моjarолар ва уруш бошлаб юборишдан тийиб туриш вазифалари-

ни бажаришга тайёрлик даражасидан ҳамда мамлакат ҳудудига босқинчилик қилинган тақдирда оддий қурол-яроғларнинг ҳар хил турларидан фойдаланган ҳолда босқинчини тор-мор қилишдан иборатдир.

Ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва қадр-қимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим. Мақсад миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму кўст қуролиланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Қуроли Кучларни шакллантиришдир.

Бизнинг Қуроли Кучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жўғрофий-стратегик мавқеини ва ҳудудининг жўғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчига қуруқликда ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур.

Қуроли Кучларнинг ҳарбий қудрати, жанговар қобилияти кўплаб омиллардан таркиб топади.

Биринчиси — бу, шахсий таркибнинг миқдори ва сифати. Бу сифат унинг профессионал даражаси, ахлоқий-руҳий қатъияти, жисмоний тайёргарлиги ва интизоми билан белгиланади.

Кўриниб турибдики, Қуроли Кучларимизнинг таркиби, тузилиши ва миқдори, бир томондан, минтақадаги ҳақиқий ҳарбий-сиёсий вазиятга, ташқаридан туғилиши мумкин бўлган ҳарбий таҳдидларга мувофиқ бўлмоғи лозим. Иккинчи томондан эса, давлатимизнинг реал имкониятлари ва ресурсларига мос бўлмоғи керак.

Шахсий таркибнинг талабга жавоб берадиган сифат даражасини таъминлашда унинг профессионал тайёргарлиги, ўқув-моддий базанинг ҳолати ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бунда ёшларга ҳарбий таълим берувчи бутун тизимнинг роли ҳам беқиёсдир. У жамиятимизнинг жисмонан ва маънан бақувват аъзоларини, жаҳон цивилизацияси ютуқларини, халқимизнинг маданий ва маънавий қадриятларини ўзлаштириб олган Ватан фидойиларини тайёрлаши керак.

Бу йўналишда анча иш қилинди. Хусусан, хилма-хил қўшин турлари учун офицер кадрлар тайёрлаш тизими барпо этилди. Бизда тўртта ҳарбий билим юрти, шу жумладан учувчилар тайёрлайдиган ҳарбий билим юрти, шунингдек, 1994 йилда очилган, алоқа мутахассисларини тайёрлайдиган ҳарбий факультет ҳам мавжуд. 1995 йилда ташкил этилган Куролли Кучлар Академияси офицер кадрларга олий ҳарбий таълим бера бошлади.

Давр биздан ўқув-тарбия жараёнини, миллий кадрлар тайёрлашни ташкил этиш ва такомиллаштиришга жиддий эътибор беришни талаб этмоқда. Бу жараён энг замонавий талабларга жавоб бериши, ҳарбий фаннинг энг сўнгги ютуқларини, жанговар ҳаракатларни олиб бориш тажрибасини, шу жумладан чет эл тажрибасини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Бунда Марказий Осиё минтақасининг хусусиятларини назарда тутиш, Жалололдин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобур сингари буюк аждодларимизнинг саркардалиқ қобилиятларини, ҳарбий санъатларини ва стратегик тафаккурларини ўрганиш, улардан сабоқ олиш зарур.

Иккинчиси — бу, Куролли Кучлар ҳарбий қудратининг энг муҳим қисми бўлган курол-яроғлар ва ҳарбий техниканинг миқдори ва сифати масаласидир.

Давлат Куролли Кучларни жанговар техника ва курол-яроғларнинг энг сўнгги намуналари билан куроллантириш чораларини кўрмоқда. Зотан, Куролли Кучларни курол-яроғ ва жанговар техника билан куроллантириш, уларнинг сифатини потенциал душмандан устунликни таъминлашга эришадиган даражада тутиб туриш ҳар қандай давлат учун ҳам жуда мураккаб муаммодир.

Учинчиси — бу, ҳарбий инфраструктура бўлиб, Куролли Кучлардан жанговар ҳолатда фойдаланишда унинг роли бекиёсдир.

Куролли Кучларни барпо этиш йилларида бошқарув ва алоқа тизими, ҳарбий, ички ва техникавий таъминот, хилма-хил қўшин турларини жойлаштириш тизими умуман шаклланди. Ҳудудни тезкор жиҳозлаш такомиллаштирилмоқда. У қўшинларнинг бугунги тузилиши, миқдори ва жойлашувига мосдир.

Куролли Кучларни барпо этишнинг галдаги вазифалари бу борадаги куч-ғайратларни ошириб боришни таъминлашдир. Раъшанки, улар ўзаро муносиб бўлиши, бир-бирига муносиб жанговар ва ички қисмлардан ташкил топиши лозим. Ҳарбий инфраструктура қўшинларнинг жойини тезлик билан ўзгартиришни таъминлаши шарт. Биз Куролли Кучларни самарали бошқариш ва барпо этиш учун стратегик ва оператив жиҳатдан олдиндан кўра олиш имкониятини таъминламоғимиз зарур.

Тўртинчиси — саноатни тезда қайта қуриш ва сафарбарлик режаси топшириқларининг бажарилишини таъминлаш учун замин ҳозирлаш. Сафарбарлик ресурсини қабул қилиш ва шароитга мослаштириш. Белгилаб қўйилган энг қисқа муддатда ҳарбий жиҳатдан уйғунлашувни тугаллаш. Кенг кўламдаги босқинчилик юз берган тақдирда жанговар вазифани бажаришга тайёр бўлишни таъмин-

лаш. Булар мамлакатнинг мудофаа қобилияти учун гоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатнинг иқтисодиёти, саноатнинг имкониятлари, унинг сафарбарлик тайёргарлиги мамлакат мудофаа қобилияти ҳолатига таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Зеро, иқтисодий имконият — Ватанимиз мудофаа қобилиятининг асосидир.

Ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятини, ҳарбий хавфсизлигини мустаҳкамлашда ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий соҳаларнинг ҳам роли бебаҳодир.

Ҳозирги шароитда хавфсизлик фақат коллектив бўлиши мумкин. У ҳамфикр давлатларнинг бирликдаги сазй-ҳаракатлари билан, уларнинг имкониятларини бирлаштириш билан таъминланади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон БМТ, ЕХХТ байроғи остида тинчликни қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган ҳар қандай тadbирларда иштирок этишга тайёр. У минтақада коллектив хавфсизлик тизимини вужудга келтиришнинг ташаббускорларидан биридир. Тошкентда 1992 йил май ойида МДХ давлатлари ўртасида ана шундай дастлабки шартномалардан бири имзоланди.

Қўшилмаслик ҳаракатининг аъзоси бўлган Ўзбекистон бирон-бир ҳарбий-сиёсий блокда қатнашишни номақбул деб ҳисоблайди, буни миллий хавфсизликнинг, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг кафолати деб билади. Шунингдек, МДХ ҳудудида ҳарбий-сиёсий блокни шакллантириш дунёни эски, бошдан кечирилган “совуқ уруш” даврларига қайтаришини назарда тутиб, бундай блокни тузишга қарши чиқади.

Биз Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ташқаридан бўладиган таҳдидга қаршилик кўрсатиш борасидаги муносабатларни бевожуб манфаатдор бўлган давлатлар билан шартнома асосида ташкил этиш ниятидамиз. Бунда умумий

хавфсизлик ҳамда минтақада барқарорликни сақлаб қолиш принципига амал қиламиз. Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиманки, бундай ҳарбий-сиёсий шартномаларни тузиш мамлакатимизнинг тўла суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳамда унинг мавжуд чегаралари дахлсизлигини таъминлаши керак.

1994 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик” Дастурига қўшилди. Бу Дастур коллектив хавфсизлик ва барқарорликнинг кенг тизимини, шу жумладан Марказий Осиё минтақасида ҳам вужудга келтиришга қаратилгандир. НАТО билан ҳамкорлик қилиш ҳарбий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб туриш, бу уюшма доирасида амалга оширилаётган тадқиқотлар ва ишланмалардан баҳраманд бўлиш учун имкон беради. НАТО мамлакатларининг тадбирларида, жумладан ҳарбий бўлинмаларнинг биргаликдаги машқларида қатнашиш мумкин бўлади. Буларнинг барчаси қисмларимизнинг жанговар тайёргарлигини кўтаришга, илғор жанговар тажрибани ўрганиш, яъни пировардида мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини юксалтиришга ёрдам беради. Шу билан бирга давлатимизнинг жаҳондаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган демократик мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳалардаги алоқаларини мустаҳкамлашга шароит туғдиради.

Ўзбекистон чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзининг икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлигини кенг ривожлантирар экан, афғидан, улар билан ҳарбий-сиёсий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ҳам фаоллаштириши зарур бўлади.

Хавфсизлик тизимини шакллантириш ҳақида гапирганда, биз мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш муаммоларини самарали ҳал қилиш, биринчидан, битта идора доирасида амалга

оширилиши мумкин эмаслигини, ҳарбий инфра-структурани, саноатнинг мудофаа тармоқларини ривожлантиришга алоқаси бўлган бошқа ташкилотлар ва институтларни ташқи сиёсатни амалга оширишга жалб этишни ҳамда бу идораларнинг барчасининг фаолиятини ўзаро аниқ уйғунлаштиришни талаб қилишини назарда тутамиз.

Иккинчидан, мудофаа қобилиятини таъминлашнинг айрим жиҳатларини ривожлантиришга қаратилган мустақил идоравий режалар ва дастурларни ишлаб чиқишдан воз кечиш ҳамда ягона комплекс режани ишлаб чиқишга ўтишни, мамлакатнинг ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаа қобилияти таъминланишини тақозо этади. Бу эса ресурслар ва маблағлар чекланган бир шароитда, улардан самарали фойдаланиш ҳамда мудофаа қобилияти талаб даражасида бўлишини таъминлаш имконини беради.

Вазирликлар ва идораларнинг мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришда, уни таъминлашга қаратилган ягона комплекс режани ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Миллий хавфсизлик кенгаши муҳим роль ўйнамоқда.

Учинчидан, ички ва ташқи шароитлар, масалан, аҳолининг демографик тузилиши, қурол-яроғларнинг техникавий даражаси ва бошқалар ўзгариб туради. Шу туфайли мамлакатимиз мудофаа қобилиятининг ҳолатини ва уни ривожлантириш истиқболларини, бошқа давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаси ҳамда амалиётини мунтазам ўрганиб боришга ҳар доим эътибор бериш талаб қилинади.

Бу муҳим қойдаларни тушуниш ҳамда бизнинг давлат ва мудофаа қурилишимизнинг муайян шароитларида уларни рўёбга чиқариш, шунингдек, муайян ижрочиларнинг бу соҳа учун жавобгарлигини мут-

тасил ошириб бориш — Ўзбекистоннинг барқарор ва қатъият билан ривожланиб боришини таъминлаб берадиган шартлар ана шулардан иборатдир.

ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги инсоният тарихига буюк ўзгаришлар даври сифатида киради.

Биринчидан, мустамлакачилик ва ирқий камситиш тарихнинг йўқлик қаърига кетди. Социализм ва унинг бутун жаҳонни коммунистик мафкура воситасида босиб олишга бўлган даъволари ҳам ўтмишга айланиб бормоқда.

Иккинчидан, тарих саҳнасига янги мустақил давлатлар чиқмоқда. Уларнинг овози жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари орасида борган сари дадил эшитилмоқда.

Учинчидан, кучларнинг анъанавий жойлашувида Осиё қитъаси мамлакатларининг роли тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, унга тузатишлар киритишга мажбур бўлинмоқда. Бу мамлакатлар жаҳон тараққиёти тажрибасига ўз нуқтани назарлари, меъёрлари ва қадриятларини олиб кирмоқда.

Тўртинчидан, демократик тараққиёт қадриятлари, тамойиллари ва меъёрлари тобора ҳаммабоп бўлиб бормоқда. Эндиликда уларнинг зарурлиги ва амалий таъсирини ҳеч қаерда инкор этиб бўлмайди. Шу билан бирга, демократия ва тараққиёт томон боришнинг ўзига хос йўллари борган сари катта роль ўйнамоқда.

Мураккаблашиб бораётган кўп қутбли дунёдаги шу каби улкан ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасининг иқтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишини бевосита ва билвосита белгилаб беради. Бор-

ган сари очиқлик, демократик тамойилларга, умуминсоний қадриятлар ва меъёрларга мансублик сиёсати республика ижтимоий ҳаётини демократлаштириш жараёнларида ўз изини қолдирмоқда. Шунингдек, бу ўзгаришларнинг жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида идрок қилинишига ҳам таъсир кўрсатмоқда ва бу билан республиканинг ҳозирги обрў-эътиборини шакллантирмоқда.

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг, у пухта ўйлаб амалга ошираётган изчил ташқи ва ички сиёсатнинг нотинч Марказий Осиё минтақасида вазиятни барқарорлаштириш ҳамда кескинлик кенг тарқалишининг олдини олишдаги аҳамиятини ва кучайиб бораётган ролини борган сари кўпроқ англамоқда.

Демократик тамойиллар, қадриятлар ва институтлар ҳаётимизнинг барча соҳаларига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Ўзбекистоннинг ва минтақанинг мавжуд шароитларида ўз мазмунига эга бўлмоқда.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий соҳасида демократик институтларни шакллантириш сиёсий тизимни ислоҳ қилишга ва ижтимоий ҳаётни демократиялаш жараёнларига жўшқинлик бахш этишга қаратилгандир. Янада муҳими — бу иш ислоҳотларнинг олға босишига йўналтирилганлигидир.

Биринчи навбатда, жамиятда мавжуд манфаатлар ва муносабатларни мужассам ҳолда ифодаловчи ижтимоий-сиёсий институт бўлмоғи лозим бўлган демократик, ҳуқуқий давлатнинг қарор топиш жараёнини кўрсатиб ўтиш даркор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Асосий Қонун демократик жамиятнинг қарор топишига қўшган жуда катта ҳисса шундан иборатки, у мавҳум жамият ёки умуман халқнинг эмас, балки муайян инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари,

ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилгандир. Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни оқилона ҳуқуқий ҳал этишни сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради. Конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устуворлиги, улар инсон манфаатини кўзлаб иш тутишга ва шу доирада ижтимоий ўзаро муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг, фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилidir.

Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини қамол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдирди ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт.

Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги қақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахс-

лар жамият ва фуқаро олдидаги ўз масъулиятларини ҳис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур. Барқарор, мустаҳкам тизимларда, агар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда, профессионал асосда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишидек бу демократик жараён тобора кучайиб бормоқда.

Ўтиш даври шароитида, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартияли тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан олганда, давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланишини секинлаштириб кўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир. Зеро, сиёсий партияларсиз ва жамоатчилик ҳаракатларисиз республикада вакиллик демократиясини тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу билан бирга, демократиянинг сифати партиялар сонининг кўп бўлиши билан белгиланмаслигини ҳам ёдда тутиш даркор. Ҳақиқатан ҳам кенг ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган сиёсий партиялар учун нормал сиёсий макон яратиб бериш муҳимдир. Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастурий йўл-йўриқларининг ўзига ҳослиги ва ҳоказолар эса ижтимоий манфаатлар йиғиндиси ва жамланishi орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий

ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим.

Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар халқ билан ҳокимият ўртасида асосий боғловчи бўғин бўлган демократик институтга тезроқ айланиши фоят муҳимдир.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий муаммоларига фуқаролар жонли қизиқиш билан қараганларида, улар у ёки бу партия ёхуд ҳаракатнинг фаолиятида маданиятли иштирок этганларидагина буни амалга ошириш мумкин бўлади.

Жамиятда барқарорликни сақлаш зарурлиги ҳақида гапирар эканмиз, сиёсий институт сифатидаги муҳолифат масаласини тилга олмаслик мумкин эмас. Бундай институтнинг мавжуд бўлиши демократик жамият учун шарт бўлган ва нормал ҳолдир. Айни маҳалда шуниси ҳам муҳимки, у ташкилий жиҳатдан расмийлашган, тегишли юридик мақомга эга бўлиши, конституция ва қонун нормаларини ҳурмат қилиши, ўз ҳаракатлари билан мамлакатдаги давлат ва ижтимоий тузумнинг қатъий, барқарор ҳолати учун масъул бўлиши, давлат қурилишининг муқобил лойиҳаларига эга бўлиши лозим.

Ўзларини хафа қилинган, орзу қилган амалларидан маҳрум этилган деб ҳисоблайдиган, шу сабабли мамлакатимизда рўй бераётган ҳамма ҳодисаларга нисбатан “муҳолифатча” муносабатда бўлаётган, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик манфаатларини кўзлайдиган иззатгалаб одамларни конструктив муҳолифат деб бўладими, ахир?! Афсуски, бундай кимсалар давлат ва жамият олдида турган бирон-бир муаммони ҳал қилиш жараёнида ҳокимият тузилмаларига амалий ва маданий рақобатчи бўлиш ўрнига, фақат расмий ҳокимияттагина эмас, балки давлат-

нинг амалдаги қонунларига ҳам, Конституциясига ҳам қарши чиқишга ҳаракат қиладилар.

Шундай бўлса-да, ишончим комилки, демократик муҳолифатнинг шаклланиш жараёни вақт билан боғлиқ бўлиб, аслида тоталитар тузумдан эркин жамиятга ўтиш босқичини бошдан кечираётган бошқа давлатлардаги каби, Ўзбекистонда ҳам демократик институтларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган мураккаб жараёндир.

Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда бошқа бир ижтимоий институтга — оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги борган сари аён бўлмоқда. Чунки ҳозирги чуқур ўзгаришлар, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини демократиялаш суръатлари қаршисида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талабга жавоб бермаяпти.

Оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш жараёни ҳамма жойда ҳам анча мураккаб кечяпти. Эскича фикр юритиш ўз таъсирини кўрсатмоқда. Эски сарқитлардан жудо бўлиш эса дунёқарашлар, психологиялар, турли даъволар ўртасидаги кўзга кўринмайдиган, лекин тинкани қуритадиган кураш билан бирга бормоқда. Ҳаётнинг ўзи ана шу дунёқарашлар, психологиялар, даъволар орасидан ўтишга мажбур қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам республикадаги янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар оммавий ахборот воситалари олдига мутлақо янги, шу пайтгача нотаниш бўлган вазифаларни қўймоқда.

Ҳозирги пайтда жамият ҳаёти ва фаолиятида оммавий ахборот воситаларининг ролини фаоллаштиришни қандай тасаввур қиламиз?

Биринчидан, оммавий ахборот воситалари имкониятини ошириш учун керакли шароитлар яратиш, уларга жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин бериш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлаш зарур.

Оммавий ахборот воситалари мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасида холис воситачи бўлиши ва, муҳими, инсон ҳамда жамият манфаатларининг фаол ва изчил ҳимоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларини тайёрлаш жараёнини қайта кўриб чиқиш, ахборот олиш, таҳлил қилиш, ишлаш ва етказишнинг замонавий усулларини ва воситаларини ўзлаштиришда уларга ёрдам бериш зарур.

Иккинчидан, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини ва уларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган механизмларни тартибга солувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш муаммоси ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Айни чоғда оммавий ахборот воситаларининг манфаатларини ва уларнинг вакилларини қонун ёрдамида ҳимоя қилиш, уларнинг ахборот олиш манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Нодавлат нашрлар ва телевидение каналларини ташкил қилиш, шунингдек, энг истеъдодли журналистларнинг профессионал жиҳатдан камол топишига халқаро миқёсда ёрдам бериш матбуот ҳамда ахборот воситалари эркинлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Энг асосий ижтимоий институт бўлган мулкка (асосан, хусусий мулкка) муносабатнинг ўзгариши бутун жамиятни ва, хусусан, иқтисодий ҳаётни де-

мократиялашнинг бош бўғини бўлди. Жамиятни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгилаш асосан янги мулкчилик муносабатлари орқали ўтади.

Биз иқтисодий соҳанинг ижтимоий институтларини демократлаштириш ва ривожлантиришга устун даражада эътибор берар эканмиз, энг аввало, мамлакатда иқтисодий барқарорлик бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш мумкинлигига асосланамиз.

Шу билан бирга, жамиятда сиёсий институтларни шакллантирмай, ижтимоий ўзаро муносабатларнинг демократлашувини янада ривожлантирмай туриб, уни иқтисодий ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнини давом эттириш мумкин эмас.

Жамиятни босқичма-босқич ислоҳ қилиб бориш сиёсий тизимнинг турли субъектлари ҳаракатида изчиллик бўлишини таъминлаш имконини беради. Давлат бош ислоҳотчи сифатида ўз вазифасидан фойдаланар экан, ижтимоий манфаатларни пухта ўйлаб табақалаштириш ҳамда босқичма-босқич, уйғун рўёбга чиқариш мақсадида шакллантирилаётган демократик институтлар ва фуқаролик жамияти элементлари имкониятларини оширишга ҳар жиҳатдан кўмак бермоқда. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа социал алоқалар мақбул тарзда амал қилишини йўлга қўйишга барча чоралар билан ёрдам бермоқда.

Умуминсоний тамойиллар ва меъёрларни, бутун дунёда чуқур идиз отган демократик қадриятларни ўрганмай ва улардан фойдаланмай туриб, демократик институтларни шакллантириш, фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш мумкин эмас.

Инсоният минг йиллар мобайнида ишлаб чиққан демократик қадриятларни тўла-тўқис ўзлаштириб олиш жамиятда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шартидир. Умумий тарзда демократия

деганда ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади. Батафсил таҳлил қилинганда эса демократия — халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар ва шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли ҳам эканлиги аён бўлади.

Демократия атамасининг қандай шарҳланиши эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашига қобиллиги муҳимдир. Бинобарин, биз ўз истагимиздаги демократияга қандай мазмун бахш этмайлик, агар у ҳаётимизнинг ҳар бир сониясига сингиб кетмаса, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва таърифлар ё мазмунсиз бақир-чақир, ёки ҳеч нарсани англамайдиган сўз ўйини бўлиб қолаверади. Бундан ташқари, бизнингча, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёр бўлмаган заминда демократиянинг барча тамойилларига — эркин сайловга, сўз эркинлиги, уюшмалар, йиғилишлар эркинлиги ва шу қабилларга “яшил йўл” очиб берсак, ҳақиқий демократияни бўғиб қўйиш хавфи юзага келиши ҳам мумкин.

Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, демократия ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ё халққа ҳушомад қилиш, ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади. Бундай силжишлар эса бир кунда бўладиган иш эмас.

Иқтисодий, сиёсий ва, энг аввало, ҳуқуқий макон тегишлича босқичма-босқич таъминлаб борилмас экан, инсоннинг барча ҳуқуқлари — давлат ишларини юритишда қатнашиши, эътиқод эркинлиги, йиғилишлар, уюшмалар эркинлиги ва шу каби ҳуқуқлар ҳавода муаллақ бўлиб қолаверади. Аниқ йўлга қўйилган қонун тизими бўлмас экан, демократия ҳам бўлмайди. Шу билан бирга қонунларнинг ўзини қабул қилиш, ҳукумат ва беистисно ҳамма мансабдор шахсларнинг амалий саъй-ҳаракатлари айнан шу демократик мезонлар орқали ўтиши лозим. Бу жуда муҳим, чунки демократия ҳуқуқий давлатнинг асосий таркибий қисмидир. Ҳуқуқий давлат эса шунчаки расмий қонунийликни билдирмайди, у инсон шахсини энг олий қадрият сифатида эътироф этишга ва тўла-тўқис қабул қилишга асосланган яхлит амал қилувчи тизимдир.

Ўз-ўзидан равшанки, сиёсий тузум тўла-тўқис амал қилишини ва унинг янада эркинлашувини таъминлаш учун уни ташкил этувчи ҳамма тузилмалар, яъни мавжуд субъектлар — шахс, сиёсий институтлар, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ҳамда қатламлари ва ҳоказолар тўлақонли фаолият кўрсатишига эришиш зарур. Шу сабабли, бунда ушбу жараённинг барқарорлигини таъминлаш зарурлиги назарда тутилмаган бўлса, сиёсий тузумни эркинлаштириш усуларини, унинг механизмини ва суръатларини ишлаб чиқиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий тузумнинг ҳар бир бўлаги, ҳар бир даражаси ривожланиш ва эркинлаштириш стратегиясини ишлаб чиқишда алоҳида ёндашувни талаб қилади. Сиёсий ҳаётни эркинлаштиришда шошқалоқликка йўл қўйиш, мунтазамлилик бўлмаслиги олдиндан айтиб бўлмайдиган хавfli оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш муқаррар равишда шу пайтгача мисли кўрилмаган сиёсий фаоллик шароитида юз беради. Бу ҳол табиийдир. Шу пайтга келиб қарахлик ҳолатидан ҳалос бўлган жамият тўпланиб қолган жами ижтимоий зиддиятларни бир зумда юзага чиқаради. Ана шу лаҳзада аҳолининг сиёсий фаоллиги, сиёсий манфаатлари ва эҳтирослари қайси йўналишга, қандай қилиб ва ким томонидан буриб юборилиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳаммага маълумки, қуришдан кўра бузиш осонроқ. Бунда “ислоҳотчи”, “демократ” деган сиёсий обрў ортириш осонроқ. “Ҳаммасини таг-тубигача бузамиз, шундан кейин эса...” деган машҳур шиорни одат юзасидан “демократия”нинг кўплаб етакчилари кўтариб чиққандилар. Лекин, афсуски, уларнинг кўпчилиги бу машҳур шиорнинг биринчи қисминигина амалга оширишга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистонда демократияга боришнинг бошқа йўли танлаб олинди. Биз мустақил ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг асосий мақсад ва вазифаларини белгилар эканмиз, Ўзбекистоннинг цивилизация ва тараққиётнинг юксак, ёрқин чўққиларига эришишида маданий ва тарихий мероснинг, халқнинг инсонпарварлик анъаналарининг юксак марраларини эгаллаган, умуминсоний кадриятлар ва меъёрларга содиқ бўлган озод ва ҳар томонлама уйғун камол топган шахс асосий таянч бўлишини қайта-қайта таъкидлаганмиз.

Умумий ижтимоий ҳавойилик ва инқилобий вайрон қилувчилик кайфияти ҳукм сурган ўша даврдаёқ, Ўзбекистонда барча тузилмаларни фарқламаган ҳолда парчалаб ташлаш мустақил давлатчилигимизнинг тақдири учун хавфлидир, деган қатъий ишонч пайдо бўлди. Бизнинг мақсадимиз. — деб таъкидлаган эдик биз 90-йилларнинг бошларидаёқ. — бир неча авлод

меҳнати билан яратилган нарсаларни йўқотмаслик, уларнинг энг яхшилариини сақлаб қолиш, демократик меъёрларга, миллий манфаатларимизга, мустақиллигимизга мос келмайдиганларини қайта ташкил этишдан, мазкур тузилмаларни янги мазмун билан бойитишдан иборатдир. Ўзбек халқининг бой маданияти, таълим, маориф тизими, фан тоталитаризмдан қолган мерос деб парчалаб ташланиши мумкин эмас эди. Биз танлаб олган йўл ўзбек халқининг асрий анъаналарига, одатларига, маданияти ва тилига, шунингдек, жаҳон цивилизацияси ютуқларига асосланган ҳолда мазкур тузилмаларни янги мафкуравий негизга ўтказиш, мослаштиришдан иборат эди. Шунинча таъкидлаб ўтамизки, маънавий одамлар қалби ва онгига келажакка ишонч туйғусини олиб кириши, Ватанга муҳаббат, инсонларварлик, мардлик ва сабот-матонат, адолат ҳиссини тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Бир қарашда ушбу фикрлар анъанавий бўлиб кўриниши мумкин. Хўш, анъанавийлик шу қадар ёмонми?! Ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг минг йиллар давомида қарор топиб келган ва биз сақлаб қолишга интилаётган анъанавий шарқона маданияти Фарб маданиятидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Бунда асосий масала — анъанавий маданият ҳозирги вақтда қанчалар очик, бошқа қадриятларни қабул қилишга қанчалар қодир эканлигидир. Фақат ўзига хос маданиятларгина эмас, балки, биринчи навбатда, бир-бирини бойитадиган маданиятларгина яшашга қодирдир.

Анъанавий маданият билан қотиб қолган маданиятни чалқаштириб юбормаслик керак. Анъанавий маданият иккита ўзаро қарама-қарши бўлган, лекин бир-бирини тўлдирадиган тамойилни — маълум даражада маҳдудликни, ташқаридан бўладиган енгил таъсирларга қаршилик кўрсатишни ва шу билан бир-

га, маълум даражада очикликни ўзида уйғунлаштириб, келажакда ривожлантириш учун катта имкониятларга эгадир. Ўзбек маданиятининг, жаҳон халқлари маданиятининг ривожланиш хусусиятларини чуқур билиш ёш давлатни маънавий жиҳатдан қайта тиклаш соҳасидаги бутун сиёсатнинг асоси бўлмоғи лозим. Чунончи, миллий давлатчиликни қарор топтиришнинг дастлабки йилларидаёқ биз Ўзбекистон танлаб олган янгилиниш ва тараққиёт йўлида ўзбек халқини маънавий қайта тиклаш жараёнларининг хусусиятларини муқаррар ҳисобга олдик. Демократиянинг умум эътироф этилган меъёрларига содиқ эканлигимизни қатъий маълум қилдик.

Ҳақиқатан ҳам демократия — фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир. Демократия ғояларини баён қилиш мумкин. Сиёсатда демократияни юқоридан “тушириш” мумкин. Лекин бу билан демократия сизу бизнинг амалий ҳаётимизга сингмайди. Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир. Баъзи давлатларда бунга эришгунча кўплаб авлодлар яшаб ўтган.

Бахтимизга Ўзбекистон ана шундай демократик ривожланиш анъаналарига эга. Шу сабабли демократияга босқичма-босқич, мумкин қадар қисқа муддатда ўтиш ғоясининг стратегик аҳамияти, бизнингча, фақат жамиятда барқарорликни сақлаб қолишдангина иборат эмас. У фуқаролик жамиятининг ҳаётбахш куртакларини авайлаб сақлаш, ўстириш-

дан ҳам иборатдир. Шу билан бирга, биз анъанавий маданиятимиз ва халқимизнинг хусусиятлари, унинг аҳвол-руҳияси ва ижтимоий ташкил бўлиш шарт-шароитлари Ўзбекистон Республикасида демократияни шакллантиришнинг, фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг энг самарали омиллари бўлишини чуқур тушунамиз.

Яна бир жиҳатга тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳатто демократия барқарор бўлган мамлакатларда ҳам индивидуализмнинг баъзи бир салбий оқибатлари анча қаттиқ сезилмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу ҳодисанинг аҳамиятини камситиш ярамайди.

Индивидуализм ҳар бир кишининг психологиясига кириб боради, бевосита таъсир кўрсатади. Инсон табиатидаги онгли ва онгсиз ҳатти-ҳаракатларнинг ҳаммасидан фойдаланади. Ёшларнинг айрим қисми ўқишга, юксак касб маҳоратини эгаллашга интилиш ўрнига енгил-елпи ҳаётни излашга, бозорда савдо-сотик қилиб, мўмай даромад орқасидан қувиб, бозор муносабатларининг ибтидоий йўллари-дан фойдаланиб, мол-дунё орттиришга интилаётганлиги тасодифий эмас. Нигилизм, шафқатсизлик даражасига бориб етаётган худбинлик ҳоллари юз бераётганлиги ҳам тасодифий эмас. Буларнинг барчаси, бизнинг назаримизда, яна ўша индивидуализмнинг бузилган кўриниши, тарбиядаги нуқсонлар ва атроф муҳит таъсиридан бошқа нарса эмас.

Бунга қарши, ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларидан ташқари, яна қандай тадбирларни ишлаб чиқиш зарур?

Маълумки, мафкура соҳасида бўшлиқ, вакуум бўлмайди. Ўзбекистон халқларининг дунёқараши, маънавий ва сиёсий маданиятининг энг илғор анъаналари асосида ишлаб чиқилаётган миллий мустақиллик мафкураси индивидуализмнинг вайрон қилувчи таъсирига қаршилик кўрсатишга қодир.

Мафкуравий иш, мустақиллик, юксак маънавият, ахлоқийлик, маданият ғояларини тарғиб қилиш ўткинчи ҳолга айланиб кетмаслиги керак. Ахлоқ ва маънавият мавҳум категорияларга айланмаслиги, фақат ташвиқотчи ва тарбиячиларнинг иши бўлиб қолмаслиги лозим. Юксак даражада ахлоқли фуқарони вояга етказиш — ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлатни фуқаролик жамиятини ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда келажакимизни куриш учун ҳамма асосларга эгамиз.

Жаҳон цивилизацияси хазинасига улкан ҳисса қўшган бой тарихимиз, буюк маданиятимиз; кўп авлодлар ҳаёти давомида вужудга келган беқиёс табиий ва ақл-заковат имкониятларимиз, халқимизнинг юксак маънавияти ва ахлоқий қадриятлари; заминимизда яшаётган одамларнинг меҳнатсеварлиги, саховатлилиги, бағри кенглиги ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга бўлган истаги бунинг гаровидир.

Минтақамиз ҳудудига асраб-моҳаббат билан кўйиб цивилизацияларнинг равнақ топишига ҳисса қўшган миллий ўзига хосликнинг мазкур барча хусусиятлари, ХХI аср арафасида ва бошларида Ўзбекистондаги ғоят улкан ўзгаришлар ҳамда янгиланишларнинг қудратли пойдевори ва рағбатлантирувчи кучи бўлиб қолиши шубҳасиз.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ВА МУЛҚДОРЛАР СИНФИНING ШАКЛЛАНИШИ

Мустақиллик йўлидан олға борар эканмиз, барқарорликни сақлаш ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг ҳал қилувчи шартлари жамиятимизнинг

сиёсий, иқтисодий ҳаётини, ижтимоий соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнларини жадал амалга оширишдан иборат эканлиги аён бўлиб бормоқда.

Иқтисодий ўзгаришларни устувор деб ҳисоблаётганимиз, тақсимотнинг маъмурий буйруқбозлик тизимидан буткул воз кечаётганимиз ҳамда бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий муносабатларни шакллантираётганимиз жамиятни ислоҳ қилишга қатъий ёндашувимизнинг ифодасидир.

Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бирёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади.

Айни чоғда бизнинг моделимиз жаҳон тажрибаси, мамлакат ва жамиятни янгилаш ҳамда ўзгартиришнинг мураккаб йўлини босиб ўтган мамлакатлар тўплаган энг яхши жиҳатларни ўзида мужассам этган.

Мустақил ривожланишнинг ўтган даврини умумлаштириш ва таҳлил этиш ислоҳ қилишнинг Ўзбекистон модели асосли ва тўғри бўлиб чиқди, деб айтиш учун тўла асос беради. Бутун уни обрўли халқаро иқтисодий ташкилотлар, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари тан олмақда. Энг асосийси — ҳаётнинг ўзи уни тасдиқламоқда.

Советлардан кейинги аҳвол ҳозирги пайтда кўпгина раҳбарлар, сиёсатчи ва иқтисодчиларни бозор ўзгаришларининг биз амал қилаётган моделига хос тамойиллар ва жиҳатларга маълум даражада мурожаат этишга мажбур қилмоқда.

Гап нима ҳақида бормоқда?

Энг аввало, гап шу ҳақдаки, улар иқтисодиётга ортиқча сиёсий тус бериш, уни мафкурага, турли партиялар ва ҳаракатларнинг манфаатларига бўйсун-

дириш иқтисодий ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида фов бўлиб қолишига ўз тажрибаларида ишонч ҳосил қилмоқда.

Иккинчидан. Давлатнинг бошқарув соҳасидаги роли инкор этилса, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан иқтисодиётнинг бозор тамойилларига ўтишини таъминлаш қийин кечади.

Ўз-ўзидан равшанки, бозор муносабати меъёрлари мустақкамланиб, ислоҳотларнинг ортга қайтмаслиги таъминланиб борган сари давлатнинг таъсири ҳам шунга мувофиқ равишда изчиллик билан камайиб бораверади.

Учинчидан. Одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида демократик қадриятларни, қонунга бўйсунини мустақкамлаш, қонун устуворлигига эришиш зарурлигига (совет давридаги ўтмишимизни ҳисобга олган ҳолда) кун сайин кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Мазкур мамлакатларда жамиятнинг коррупция тузоғига илиниши, уюшган жиноятчилик кучайиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу вазифалар алоҳида аҳамият касб этади.

Тўртинчидан. Бозор ислоҳотларининг муҳим таркибий қисми бўлган кучли ижтимоий сиёсатга етарли баҳо берилмаган жойда ижтимоий кескинлик ва қарама-қаршилик вужудга келишини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Бу эса, ўз навбатида, ислоҳотларни обрўсизлантириб қўйиши мумкин.

Бешинчидан. Донишманд халқ ўғит берганидек, ортиқча чираниш белни синдиради, яъни ҳамма муаммоларни бир йўла ҳал қилиб бўлмайди. Муаммоларни, аҳамияти ва устунлигини ҳисобга олиб кетма-кет ва босқичма-босқич ҳал қилиш муҳим.

Бу, бир томондан, чекланган ресурсларни сочиб юбормай, улардан самарали ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда фойдаланиш имконини беради. Иккинчи

томондан, ўз фаолияти натижаларини ҳаққоний баҳолаб, ислохотларни амалга ошириш дастурининг зарур жойларига тегишли тузатишлар киритиш имконини беради.

Шу ўринда республикамиз ҳаётдан олинган баъзи мисолларни келтириб ўтаман. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатни нефть маҳсулотлари, газ, ёқилғи ҳамда дон билан таъминлаш вазифасини қўймаганимизда, олдимизда турган яна бошқа муҳим муаммоларни ҳал қилишга ўтишимиз қийин бўларди.

Иқтисодиётимизни бозор йўлига ўтказишдек кенг кўламдаги стратегик вазифани ҳал этар эканмиз, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетишига ва иқтисодиётни бошқариб бўлмайдиган ҳолга келиб қолишига йўл қўймаслик учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилдик.

Ҳа, макроиқтисодий пропорциялар, инфляцияни пасайтириш, пул ҳажмини ва давлат бюджети тақчиллигини чеклаш — буларнинг барчаси бозор механизми амал қилишининг, иқтисодий, молиявий барқарорликнинг ва собитқадамлик билан ўсишнинг муқаррар, энг муҳим шартларидир.

Шу билан бирга, назаримизда, ана шу мақсадларга эришиш суръатлари ва усуллари муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадларга ишлаб чиқаришнинг ҳалоқатли тарзда пасайиб кетиши, тўхтаб қолиши ва таназзулга учраши ҳисобидан эришишни нормал ва барқарор ҳолат деб бўлмайди. Бунинг оқибатида тўланмаган пуллар ва давлат қарзининг ҳажми бошқариб бўлмайдиган даражада ўсади, бюджет мунтазам суратда ва тобора кўпроқ миқдорда бажарилмай қолади, аҳоли ақсарият қисмининг моддий аҳволи кескин ёмонлашади ва қашшоқлашади.

Модомики, бу мазкур давлатларнинг кўпчилигида иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни тўламаслик билан боғлиқ муаммолар ҳозирги кунда ижтимоий портлаш хавфини туғдираётган экан, бунинг сабабини танлаб олинган ислоҳотлар йўлини амалга оширишдаги хато ва камчиликлардан, бозор ислоҳотларининг ўз шароитлари учун яроқсиз бўлган андоза ва моделларидан кўр-кўрона, ўйламай-нетмай нусха кўчиришдан изламоқ даркор.

Шу ўринда, назаримизда, муҳим бўлган яна бир масала устида тўхталиб ўтиш жоиз. Гап бозор иқтисодиёти қарор топиб бораётган шароитда товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳақида боради. Маълумки, советлардан кейинги макондаги кўпгина мамлакатлар ислоҳотнинг дастлабки босқичларида ички ва қарз олинган валюта захираларининг кўпчилик қисмини энг аввало хориждан истеъмол моллари келтиришни кенгайтиришга сарфлади. Шу тариқа улар ўз ишлаб чиқарувчиларини ички бозорда истаса-истамаса сиқиб чиқарди. Оқибатда миллий саноат ва қишлоқ хўжалиги инқирозга юз тутди, баъзан эса барбод бўлгани ҳолда катта валюта маблағлари еб битирилди.

Биз эса энгил йўлни қидирмадик. Ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичларида истеъмол бозорини бир қадар чеклашга, мажбур бўлдик. Айни чоғда маблағ ва захираларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга сарфлаб, хорижга маҳсулот тайёрлайдиган, илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорни ўз молларимиз билан тўлдириш йўлидан бордик. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, ўз маблағларимиз ва олган қарзларимизнинг асосий қисми инвестицияларга, республикага янги технология ва техника келтиришга сарфланмоқда. Истеъмолни эмас, балки инвестицияларни кўпайтирдик. Бугунга келиб бу сиёсат

Ўз самарасини бермоқда. Бу — Асака шаҳридаги автомобиль заводидир. Бу — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини ишга туширишдан иборатдир. Бу — Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ конларини ишга солиш, чет эллик шериклар иштирокида ўнлаб тўқимачилик ва ип-йигирув фабрикаларини, Андижон, Кўқон ва Янгийўлда спирт ишлаб чиқарувчи корхоналарни, Хоразм вилоятида қанд заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Қорақалпоғистондаги Кўнғирот сода заводини қуриш, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинатини, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатларини, кимё тармоғи корхоналарини қайта таъмирлаш, янги темир йўл ва автомобиль йўллари, янги телекоммуникациялар объектларини барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, шунингдек, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатга қарашли ўнлаб янги ва замонавий корхоналар демакдир.

Шу йилларда яратилган янги илғор ишлаб чиқаришлар ва тармоқлар ривож топгани сари, одамлар биз танлаган янгиликниш ва ислоҳотлар йўли тўғрилигини йил сайин кўпроқ ҳис этиб боришларига ишончим комил.

Ўз давлатчилигимизни ва мамлакатнинг иқтисодий базасини яратиш, республика ва унинг халқи манфаатларини ҳимоялаш учун аниқ мақсадни кўзлаб қаттиқ меҳнат қилинган қийин йиллар ортда қолди.

Ўзбекистонни дунёга танитиш, ҳамкорлик ва жаҳон иқтисодиётига қўшилиш учун зарур ҳуқуқий ва шартномавий негизни яратиш борасида анча иш қилинди.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётни ислоҳ қилишда тўпланган тажриба бутунги кунда ислоҳотларни янада демократиялаш, жамиятда собитқадамлик ва барқарорликни таъмирлаш учун асос бўлиб

хизмат қиладиган бир қатор муҳим хулосаларни чиқаришга имкон беради.

Биринчи хулоса. Зарур шарт-шароитлар яратмай, инсон манфаатларини рўёбга чиқаришнинг таъсирчан воситасини вужудга келтирмай, бу манфаатларни фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида ишта солмай туриб, биз янгилашиш ва тараққиёт йўлидан аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ва тинимсиз илгарилаб бора олмаймиз. Бу оддий ҳақиқатни терең англаб олмоғимиз лозим. Шу боис инсон ва корхоналарнинг, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши даркор.

Кенг кўламли, аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, одамларни ислоҳот жараёнларига кенг жалб этиш натижасидагина тоталитар мероснинг мудқиш оқибатларини енгиш, иқтисодиётга барқарор ривожланиш тусини бериш мумкин. Бинобарин, ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходим, республикадаги ҳар бир илғор фикрли киши ислоҳотларни ўйлаб яшамоғи лозим.

Айни чоғда бошқаришнинг обрўсизланган маъмурий-буйруқбозлик тамойилларидан, марказлаштирилган тақсимотнинг яроқсиз тизимидан, вужудга келган текисчилик кайфияти ва боқимандаликдан қатъиян воз кечиш зарур.

Ўтмишдан мерос бўлиб қолган номақбул бир иллат борки, ундан воз кечиш лозим. Яъни инсон жамиятдаги ўз ўрни ва қадрини тўғри тушуниши зарур. У ўзини кичкина бир мурват деб ҳис этиши, ҳамма муаммоларни унинг ўрнига давлат ҳал қилиши керак деб билиши зарарли тушунчадир. Ҳаётга бундай муносабатда бўлинса, ўз фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги, ўз меҳнати билан муносиб турмуш шароитини яратиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввур сўнади.

Бу мероснинг яна бир камчилиги шундаки, оила, ҳар бир одам бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади, деб эмас, аксинча — давлат бой бўлса, оила, ҳар бир одам бой бўлади, деб ҳисобланар эди. Муносабат шундай бўлганда ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг самарадорлигига эришиш мумкинлигига умид боғлаш қийин. Бундай дунёқарашнинг ҳалокатли томони шундаки, ҳали ҳам айрим кишиларнинг онгида: давлат бой, у бизни боқиб олиши керак, деган ўй-фикрлар маҳкам ўрнашиб олган.

Фақат бозор муносабатларига ўтишгина бутунги кунда одамнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини кенг очишга, боқимандаликни енгишга, йўқолиб кетган хўжайинлик ҳиссини қайта тиклашга қодир.

Иккинчи хулоса. Мамлакатда чинакам ўрта мулкдорлар синфи шаклланган тақдирдагина ислохотлар сезиларли самара беради, мулкчилик масалалари ҳал бўлади.

Иқтисодий жиҳатдан собитқадам ва барқарор жамиятни шакллантириш масалаларини кўриб чиқар эканмиз, энг аввало тадбиркорлик ва умуман мулкдорлар синфи давлат ва жамоат қурилишида, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб туриш ва мустаҳкамлашда қандай роль ўйнашини назарда тутиш лозим. Айни ўрта мулкдорлар синфи шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг таянчидир.

Бу ўринда гап, агар мулк шакллари килма-хиллиги ва биринчи навбатда хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси ҳисобланса, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулкдорларидан иборат кучли қатламнинг мавжуд бўлиши унинг сиёсий асоси эканлиги ҳақида бормоқда. Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламининг кўпчилигини ташкил этиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни

орқага қайтариш имкониятларини бартараф этишининг кафолати ҳисобланади.

Шу сабабли биз иқтисодий ўзгаришлар жараёнини республикада ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғламоқдамиз. Одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди.

Учинчи хулоса. Чинакам мулкдорлар синфи ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни изчил амалга ошириш ҳисобига, ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, қимматли қоғозлар бозорини яратиш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш йўли билан шакллантирилади.

Стратегик жиҳатдан олганда, биз кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш вазифасини қўймоқдамиз. Бунда устуворлик хусусий мулкка, кичик ва ўрта бизнестга берилади.

Ўлкамизнинг ўзига хослиги, ишчи кучининг ҳаддан ташқари кўплиги, ривожланган қишлоқ хўжалик ва хом ашё базаси, ҳатто айтиш мумкинки, аҳолининг анъаналари, руҳияти кичик ва оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни фаол ривожлантиришни объектив зарурат қилиб қўймоқда.

Кичик бизнес — жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу — республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитишдир. Бу — янги иш ўринларидир. Шунини ҳамиша назарда тутиш керакки, фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг, ҳамма жойда ривожлантириш ҳисоби-

гагина ғоят кескин муаммони — аҳолининг (айниқса ортиқча меҳнат захиралари мавжуд бўлган қишлоқ жойлар ва минтақаларда) иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини ҳал қилишга қодир бўламиз.

Халқнинг тарихий илдизларидан, руҳиятидан фойдаланган ҳолда ички бозорни зарур истемол товарлари билан бойитибгина қолмай, шу билан бирга ташқи бозорларда ҳам рақобатта бардошли маҳсулот чиқаришга қодир кичик корхоналарнинг кенг тармоғини вужудга келтириш мумкин.

Аслида яқин келажақда кичик ва ўрта бизнес республиканинг ишлаб чиқариш тузилмасида ва экспорт тузилмасида иқтисодиётнинг ҳаракатчан, осон ўзгартириладиган соҳаси сифатида етакчи ўринни эгаллашига эришиш лозим.

Биз учун оламшумул аҳамиятта эга бўлган ушбу сиёсатни рўёбга чиқаришда аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари самарадорлиги ва маҳсулдорлигини янада ошириш, уларга давлат ёрдамини кўрсатиш муҳимдир.

Бунда биз кичик ва ўрта корхоналар ибтидоий, эскирган асосда эмас, балки сифатли ва замонавий техника негизида барпо этилиши кераклигига асосланамиз. Бунинг учун уларни ривожлантиришнинг янги манбалари ҳам чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ҳисобига, ҳам ички манбалар, банк кредитлари ҳисобига доимо кашф этиб борилиши даркор.

Ўзбекистонда ислоҳот йилларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам берадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва институционал тузилмалар вужудга келтирилди. Булар — Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, “Мадад” суғурта агентлигидир. Шунингдек, консалтинг, инжиниринг ҳамда лизинг фирма ва компаниялар, бизнес-инкубаторлар тармоғи мавжуд.

Энг асосийси, кичик ва ўрта корхоналар ҳозирнинг ўзидаёқ амалда бўй кўрсатди. 1997 йил бошида хусусий ва кичик корхоналар сони 100 мингдан ошиб кетди. Бундан ташқари, 19,5 мингдан ортиқ деҳқон (фермер) хўжалиги ташкил этилган. Муҳими — кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида ташкил этилмоқда.

Тўртинчи хулоса. Бозор тузилмаси ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ҳақиқий ўрта мулкдорлар қатламининг асосий қисми аҳолининг пул маблағларини қимматли қоғозлар бозорига, одамлар учун фойдали турли банк депозитларига ва омонатларга жалб этиш воситасида шаклланаётганлигидан далолат беради. Бинобарин, қимматли қоғозлар бозорининг аҳолига қараб бозор муносабатларининг қарор топиш жараёни қай даражада жўшқин бораётганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ҳисобига аҳолининг бўш турган маблағлари айланишга жалб этилади. Бу айни чоғда иқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасидаги муҳим вазифани ҳал қилишга — пул муомаласини, демакки, миллий валютани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Энг асосийси — акциялаштириш, фонд бозорида қатнашиш орқали аҳолида қимматли қоғозларнинг эгаси бўлишга қизиқиш, улар билан муомала қилиш кўникмалари ва маданияти пайдо бўлади.

Муҳими, улар шунчаки акцияларнинг эгаси бўлганлик учунгина эмас, балки мол-мулк бир қисмининг реал мулкдорлари ҳисобланганликлари ҳамда мулкдорлар сифатида корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятига таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлганликлари учун ҳам акциядорлар деб аталиши даркор. Одамлар қимматли қоғозларни сотиб олишга қодир бўлганларидагина мулкдорлар синфи амалда вужудга келади.

Яна бир гап. Республикада қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича қўйилган мақсадларга қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини жадал шакллантирган, бизнинг бозоримиз халқаро фонд ва валюта бозорларига чиққан ҳамда қўшилиб кетган тақдирдагина чинақамига эришиш мумкин.

Бешинчи хулоса. Биз ҳуқуқий давлат қуряпмиз. Демак, иқтисодиёт ҳам мустақкам қонунчилик ва норматив базага асосланиши, унинг негизиде ислоҳ қилиниши лозим. Ислоҳ қилиш жараёнлари мустақкам ҳуқуқий негизга асослангандагина, улар барқарор ва собитқадам бўлади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишда ҳақсизликка, ўзбошимчалик ва субъективизмга асло йўл қўйиб бўлмайди. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот оёқ ости қилинса, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари, айниқса улар мафкуравий ақидаларга бўйсундирилган тақдирда, қандай оқибатларга олиб келиши яхши маълум.

Башарти ислоҳотлар йўлига тузатишлар киритиш, ниманидир тўғрилаш, ўзгартириш зарурати туғилса, биринчи навбатда норматив ҳужжатларни ўзгартириш, қонун ҳужжатларига зарур тузатишлар киритиш лозим бўлади. Буни ўзбошимчалик билан, маълум муддат иш берадиган қарорларга қараб эмас, балки изчил қонунчилик асосида амалга ошириш зарур.

Ишлаб чиқариш, иқтисодиёт вужудга келтирилаётган ҳуқуқий майдон доирасида ўзгариб бориши керак. Бу ҳол ислоҳотларнинг орқага қайтмаслигини таъминлаш учунгина зарур эмас. Энг асосийси шундаки, бундай ўзгариш ислоҳотларнинг ўзига кафолат бўлади. Шу ўзгаришсиз ислоҳотларнинг обрўси ошмайди, улар аҳолининг барча қатламларини қамраб ололмайди.

Мустақиллик йилларида республикада халқаро амалиётда қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркин-

ликлари устуворлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий қоидалар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Биз тоталитар тузумнинг ўз ҳукмини ўтказиши ва бошбошдоқлигидан воз кечдик. Одамнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан, шунингдек, мулкчиликнинг ҳамма шаклларидаги маъмурий-хўжалик тузилмалари билан хилма-хил муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари сари дадил қадам ташладик.

Олтинчи хулоса. Ислохотларнинг стратегияси ва тактикасини белгилаш чоғида жамиятни ислох қилиш ва янгилашда белгиловчи аҳамиятта эга бўлган бўғинларга алоҳида эътибор бериш даркор.

1. Иқтисодий ислохотларнинг яхлит занжирида биз аграр сектордаги ўзгаришларга айниқса катта аҳамият бермоқдамиз. Ҳозирги вақтда айнан иқтисодиётнинг аграр секторида катта-катта захиралар мавжуд. Уларни ишга солиш яқин вақт ичидаёқ сезиларли натижалар бериши мумкин.

Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни, барқарорлик ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторни қанчалик кенг қамраб олишига, қишлоқда ислохотлар қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлади.

Қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда соҳиблик ҳиссини ўйғотиш мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, жамоа хўжалиқларини қайта тузиб, уларни хўжалиқ мол-мулкнинг бир қисмини, муайян улушини деҳқонларга бириктириб қўйишга асосланган хўжалиқларга айлантириш, хўжалиқларнинг ўзида ижара муносабатларини чуқурлаштириш, ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериб қўйиш орқали, шунингдек, деҳқон (фермер) ҳамда шахсий ёрдамчи хўжалиқларни кенг ривожлантириш асосида рўй бериши лозим.

Энг асосийси — қишлоқда хўжалик юритишнинг шундай механизмини вужудга келтириш керакки, у ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш, етиштирган маҳсулотини мустақил тасарруф этиш, ўз оиласининг маъмурчилигини таъминлаш имконини берсин.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналиши ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган ортиқча ишчиларни бўшатиб олиш ва уларни иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига жалб этишдан иборатдир. Қишлоқ хўжалигининг ўзи қишлоқ жойларда яшаётганларнинг ҳаммасини иш билан таъминлай олмайtir. Натижада бу ҳол қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ров бўлмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг юқори самарали индустриал усуллари, илғор агрокимё усуллари суст жорий этилмоқда. Меҳнат унумдорлиги ҳам паст даражада қолмоқда. Лекин бу фақат масаланинг иқтисодий жиҳати, холос. Унинг ижтимоий жиҳати ҳам бор. Қишлоқда яшовчиларнинг кўплари, айниқса ёшлар, ишга жойлашиш, ўз ҳаётларини йўлга қўйиш имконига эга эмаслар. Бу эса қишлоқда кескин ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ижтимоий беқарорлик хавфининг манбаига айланмоқда.

Шу сабабли биз қишлоқ жойларда замонавий технологияга эга ҳаракатчан кичик корхоналар очиш ҳисобига янги иш жойлари ташкил этишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз. Биз ўз зиммамизга қишлоқда мутлақо янги тармоқларни — ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани, коммуникациялар тармоғини, замонавий маиший ва сервис хизмати кўрсатишни барпо этиш вазифасини олганмиз. Хизмат кўрсатиш соҳаси етарлича ташкил этилса, қишлоқдаги хоҳловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш мумкин. Шу билан бирга, қишлоқ-

нинг қиёфасини, турмуш маданиятини тубдан ўзгартириб юбориш имкони туғилади. Бу эса мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам беради.

2. Стратегик жиҳатдан барқарорликни сақлаш, иқтисодий мустақилликка эришиш ва иқтисодий ўсиш, республика аҳолисининг фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим шarti — иқтисолиётла чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишдан иборат.

Таркибий ўзгаришлар республикамиз иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг муҳим таянчидир. Бизга мерос бўлиб қолган иқтисодиёт таркиби собиқ СССР манфаатларини ҳисобга олиб тузилган эди. У меҳнат тақсимотининг иттифоқ бўйича шартларига мос бўлиб, унда Ўзбекистонга хом ашё базаси ролини бажариш юклатилган эди.

Шу сабабли ички сиёсатимизда энг муҳим вазифа — иқтисодиётимизнинг бирёқлама хом ашё йўналишига, аввалги йиллардаги иттифоққа хос ихтисослашувда чекимизга тушган биқикликка қатъиян барҳам беришдан иборатдир.

Бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиёти Марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги комплексининг бир қисми бўлиб келди. Марказ қабул қилган қарорларнинг кўпчилиги Ўзбекистон манфаатларидан йироқ эди. Республика арзон хом ашё ва стратегик минерал захира етказиб берувчи ўлка бўлиб қолаверди. Айни вақтда унинг катта бозори собиқ Иттифоқнинг бошқа жойларида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот сотиладиган маконга айлантирилган эди. Корхоналарнинг кўпчилиги республика ички бозорини бойитишга эмас, балки четга маҳсулот чиқаришга хизмат қилди. Бу маҳсулот эса асосан дастлабки ишлов берилган чала маҳсулот бўлар эди. Республиканинг улкан табиий имконият-

ларидан аймай фойдаланилар, ундан кўрилалитан даромад эса юртимиздан анча йироқларда қолиб кетар эди.

Бугунги кунда ҳам кўплаб тармоқларда технология жараёни тугалланмаган ишлаб чиқаришлар устун. Бу жараён ҳам ашёни бирламчи қайта ишлаш ва ярим тайёр маҳсулот ҳосил қилиш босқичида узиллиб қолади. Бу эса ҳозир республика иқтисодиётини заиф аҳволга солиб қўймоқда. Унинг барқарор ривожланишини секинлаштирадиган омилга айланмоқда.

Республиканинг мустақиллиги иқтисодиёт таркибий тузилишига мутлақо янги талаблар қўймоқда. Таркибий ўзгаришлар қилиш мураккаб, машаққатли ва узоқ давом этадиган жараёнaddir. Биз таркибий тузилиш борасидаги сиёсатимизни амалга оширар эканмиз, бозор иқтисодиёти талабларига амал қилишимиз, бозор энг юқори самарадорлик ва фойда бериш тамойили асосида меҳнат тақсимотининг мулақо янги шаклини вужудга келтиришини ҳисобга олишимиз лозим.

Иқтисодиётимизнинг ҳудудий тузилиш жиҳатидан такомиллашуви ҳам фойдаланилмаган манбалар ва иқтисодий имкониятлардан юксак даражада ва самарали фойдаланиш, вужудга келган ҳудудий номутаносибликларни бартараф этиш ҳамда ҳозирги кундаги муҳим масала — ишсизликка қарши самарали курашишга имкон беради.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, энг аввало, қишлоқ хўжалик ҳам ашёси ва минерал захираларни янада жиддий қайта ишлашга, технология жараёнининг тугалланганлик даражасини оширишга қаратилиши лозим.

Бунда илғор технологияларга, ишлаб чиқаришнинг замонавий тузилмасига ўтишни таъминлаш, минерал ҳам ашё захираларини комплекс қайта иш-

ловчи тармоқларнинг ўзаро алоқаси тизимини шакллантиришни таъминлаш муҳимдир.

Шунга қарамай, биз иқтисодимизни ва айниқса, истеъмол бозорини ташқи беқарорлаштирувчи омиллар таъсирига қарам бўлишдан асрашимиз лозим.

Қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўла туриб, истеъмол қилинадиган қанд-шакар, қуруқ сут ва болалар озуқаси қарийб ҳаммасини, доғ, гўшт, сут маҳсулотлари, картошка ва истеъмол спиртининг кўпчилик қисмини четдан келтиришга мажбур бўлганлигимиз миллий хавфсизлигимиз манфаатларига жавоб берадими? Ҳатто кундалик рўзгоримизга зарур бўлган нарсалар, масалан, гутурт, тузни ҳам четдан келтиришга мажбур эдик.

Шу сабабли республикани зарур, ҳаётий муҳим товарлар билан таъминлаш, энг аввало, уларни ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига таъминлаш миллий хавфсизлик, собитқадамлик ва барқарорликка эришишнинг асосий вазифаларидан биридир. Бу масала нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир.

Биз учун муҳим вазифа республиканинг ўзидагина эмас, балки энг аввало жаҳон бозорида харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашдан иборатдир.

Қўшма корхоналар тузиш орқали биз ўзимиз учун, бир томондан, замонавий технологияга, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ҳозирги замон даражасига эга бўлиш имкониятини очамиз. Иккинчи томондан, ҳатто энг яхши маҳсулотнинг ҳам экспорт қилинишини таъминлаш ва уни сотиш бозорини топиш учун кучли рақобат шароитида фаолият кўрсатишга қодир шерик — нуфузли чет эл фирмалари керак.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги иқтисодий ислоҳотларнинг асосий натижаларини танқидий баҳолаган ҳолда шуни тўла асос билан айтиш

мумкинки, биз белгиланган янгиликниш ва тараққиёт дастуридаги кўпгина ишларни амалга оширишг муваффақ бўлдик.

Иқтисодиётимиз вужудга келтирилган мустақкам ҳуқуқий нормалар негизида институционал ўзгаришларга таяниб, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич кириб, барқарор ва собитқадам бўлиб бормоқда. Ўтган йиллар, хусусан, 1996 йил якунлари шундан далолат беради.

Биринчидан, бутун иқтисодиётимизни муваффақиятли ислох қилишнинг энг муҳим натижаси сифатида собитқадам макроиктисодий барқарорликка эришилди. Назарда тутилган дастурнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида асосий иқтисодий кўрсаткичлар ўсишига эришилди. Ялпи ички маҳсулот, саноат маҳсулоти ҳажми, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, давлат бюджети тақчиллиги энг кам даражада барқарор туриши, бир йилда пул қадрсизланиши даражаси икки барабар қисқарганлиги — буларнинг ҳаммаси чиқарилган ҳулосанинг ёрқин тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Республикада иқтисодиётнинг бундан буён ўсиши, инвестиция фаолиятининг кучайиши учун мустақкам моддий, молиявий, институционал асос яратилди.

Иккинчидан, милдий пул тизимимизни барқарорлаштириш иши ниҳоясига етай деб қолди. Миллий валютани мустақкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу эса унинг ягона тўлов воситаси сифатидаги родини кучайтириш имконини берди. Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Етарли миқдорда ва барқарор олтин-валюта захиралари яратилган бўлиб, бу захиралар Ўзбекистон республика валюта биржасида ким ошди савдосини мунтазам ўтказиб туриш имконини бермоқда.

Учинчидан, умуман бозор инфраструктураси шакллантирилди. Банк, молия, солиқ тизимлари, фонд ва товар-хон ашё биржалари, суғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бошқа бозор тузилмаларининг янги тармоғи вужудга келтирилди. Қимматли қоғозлар бозорининг фаолияти кучайтирилмоқда. Марказий Осиёда энг йирик, замонавий компьютер техникаси ва телекоммуникация тизими билан жиҳозланган биржа маркази ишга туширилди. Энг муҳими, бозор тузилмалари амалда ишлай бошлади.

Тўртинчидан, хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кўлами кенгайди. Бозор ислохотлари натижасида ҳозирги вақтда халқ хўжалигида банд бўлган аҳоли умумий миқдорининг ва ҳосил қилинган миллий даромаднинг 70 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,5 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 97,7 фоизи давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шу билан бирга, хусусийлаштириш номигагина эмас, балки мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топиши учун, ишлашга қодир бўлган, бошқаришни ташкил этиш олдига қўйилган талабларни чуқур аниқлайдиган, инвестицияларни жалб эта оладиган, одамларнинг ва бутун жамиятимизнинг манфаатларини кўзлаб рақобатга бардошли маҳсулот чиқарилишини таъминлай оладиган кишиларнинг кўлида бўлиши учун амалга оширилмоқда.

Бешинчидан, мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг натижаси ўлароқ, иқтисодиётда салмоқли таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда. Саноатнинг мутлақо янги тармоқлари — автомобилсозлик, микробиология, целлюлоза-қоғоз тармоқлари ва бошқалар барпо этилди. Иқтисодиётимизнинг қиёфасини ўзгартирибгина қолмай, шу билан бирга унинг ташқи омиллардан мустақиллигини ҳам таъминлайдиган ва ялпи ички маҳсулотни ҳамда аҳоли турмуш

даражасини юксалтирадиган тармоқлар жадал ривожланмоқда.

Олтинчидан, одамдаримизнинг руҳияти ўзгармоқда, янгича турмуш шароитларига мослашиш кучаймоқда. Бунинг сабаби, аввало, Ўзбекистон умуман ислоҳотлар ва янгиланиш йўлидан олға ривожланиб бораётганлигида, ва энг муҳими, ислоҳотларнинг бугунги кунда сезиларли бўлиб қолгани уларнинг бутун иқтисодиёт тарзига ва ҳаётимизга кўрсатаётган таъсиридадир.

Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маънавий соҳаларда эришилган ютуқлар фуқароларнинг ижтимоий аҳвол-руҳиясига ижобий таъсир кўрсатди. Дастлабки пайтларда одамлар онгида ва хулқ-атворида ишончсизлик, ҳатто ўзини йўқотиш ҳолатлари сезилган эди. Эндиликда бу ҳол барҳам топди. Ҳозир аҳолининг кенг қатламлари аста-секин иқтисодий воқеликларга мослашмоқда. Мослашибгина қолмай, ўзлари ҳам жамиятимиз ҳаётининг ҳамма жабҳаларини ислоҳ қилиш жараёнида фаол қатнаша бошладилар.

Ўзбекистон фуқаролари ижтимоий хулқ-атвори-ни баҳолаш ва унга муносабатдаги бу ўзгаришлар мамлакатда янгиликнинг ўзига хос, орқага қайтмайдиган, ижобий хусусиятларини эгаллашда бурилиш рўй берди, республикани собитқадам ва барқарор ривожлантириш, унинг хавфсизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлашнинг кучли асослари яратилди, дея худоса чиқаришга имкон беради.

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ВА АҲОЛИ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИНГ ОРТИШИ

Миллий давлатчиликни шакллантириш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий муаммоларга алоҳида эътибор бериш зарур. Жаҳондаги

кўпгина мамлакатларнинг ижтимоий ривожланиш соҳасидаги ғоят бой тажрибаси шундан далолат беради. Янги мустақил давлатларнинг ислоҳот давридаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳолатининг таҳлили ҳам буни тасдиқлайди.

Тарих сабоғи шундаки, унинг айнан кескин бурилишларида, ижтимоий формациялар алмашинаётганда ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар ғоят кескинлашади, миллий ҳавфсизликка, фуқаролар тинчлигига ва барқарорликка таҳдид солувчи омилга айланади.

Бу ҳолни нималар келтириб чиқаради, ўтиш даврида ижтимоий барқарорлик масалаларига алоҳида эътибор беришнинг қандай муҳим сабаблари бор? Менинг назаримда, бу сабаблардан энг муҳимлари қуйидагилар:

Биринчи. Ижтимоий зиддиятлар ўз моҳиятига кўра ҳамиша сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади. Ўзгаришларнинг қай тарзда — ё изчил, тадрижий йўл билан бориши, ё бўлмаса, кескин шаклларга кириши: ижтимоий норозиликлар, стихияли портлашлар, ҳатто фуқаролар урушлари ва инқилоблар тусини олиши тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларнинг қай даражада кескинлигига, ҳукмрон тузилмаларнинг бу муаммоларни ҳал қила олиши ёки ҳал қила олмаслигига боғлиқ.

Шу сабабли тараққиётнинг ҳамма босқичларида одамларнинг ижтимоий кайфиятларини, ижтимоий муаммоларни назар-писанд қилмаслик барқарорликка ва миллий ҳавфсизликка катта ҳавф туғдиради.

Иккинчи. Одамларни даъват этувчи ижтимоий сабабларнинг рўёбга чиқиши жуда муҳим аҳамиятга моликдир. Одам ўз табиатига кўра ижтимоий ҳодисадир. Шу сабабли инсон учун ислоҳотлар жараёнида ўз имкониятларини қанчалик рўёбга чиқара оли-

ши, ислоҳотларнинг мазмуни ва мақсадлари ҳақидаги тасаввурлари ислоҳотларнинг амалий натижаларига қанчалик мос келиши ғоят катта аҳамиятга моликдир.

Заминимизда яшаётган одамларнинг муносиб ва эркин, фаровон ҳаётини таъминлаш, ҳар бир киши ҳуқуқ ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши учун барча зарур шароитларни яратиш — жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш пайтида олдимизга қўяётган ғоят муҳим вазифалардандир. Шу боис эски тоталитар, мафкуравий, буйруқбозлик-тақсимот тузумига ҳамда сохта тенглик ва меҳнатни қадрлаш учун соғлом негиз бўлмаган бир ҳолатга қайтиш биз учун мақбул эмас.

Агар ўтиш даврида пировард мақсадга эришиш — жамиятни демократлаштириш ва бозор иқтисодиётини рўёбга чиқариш учун айрим босқичларда одамларнинг моддий аҳволи ёмонлашувига олиб келадиган номатлуб, баъзан кескин қарорлар қабул қилишга тўғри келиши ҳисобга олинса, аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламларини қўллаб-қувватлашга доир чоралар кўриш қанчалик аҳамият касб этиши аён бўлиб қолади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ислоҳотларнинг моҳиятига тўраларча путур етказиш, ижтимоий адолатни бузиш, ҳокимиятнинг турли поғоналаридаги коррупция аҳолининг шундай ҳам танг аҳволини янада оғирлаштириб, жиддий ижтимоий зиддиятларга олиб келиши мумкин.

Бу ҳол ўтмишни қўмсаш кайфиятлари уйғониши учун қулай замин яратади, шовинизм ва сохта ватанпарварликдан тортиб то муросасоз социалистик кайфиятдаги турли ҳаракатларгача озик берувчи муҳит бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳолатда аҳоли орасида ижтимоий норозилик кайфиятларининг ғаразли, тор сиёсий манфаатларни кўзлаб муттасил кўзга-

тиб турилиши ҳам фуқаролар тинчлигига, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солади.

Учинчи. Кенг кўламдаги узоқ муддатли ислоҳ қилиш жараёнининг дастлабки босқичини мен энг қийин, ижтимоий портлаш хавфи бўлган босқич, деб атаган бўлардим. Бунинг сабаби шундаки, ўтиш даврининг ўзи кўп ҳолларда бир қанча ҳал қилинмаган ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради ва улар замиридаги ларзага соладиган кучни ўзида сақлаб туради. Шу билан бирга бир сиёсий ва иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш ҳам янги муаммоларни туғдириши ва муайян ижтимоий камчиликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Кўп мамлакатларнинг тажрибаси бозор муносабатларига ўтиш силлиқ, ижтимоий қийинчиликларсиз, осон кечмаслигини кўрсатади. Бу объектив жараёндир.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, айниқса истеъмол нархлари ва тарифларнинг “эсанкиратадиган” тарзда қўйиб юборилиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, тўловларни амалга оширмаслик билан боғлиқ тангликнинг кескинлашуви, пул муомаласининг бузилиши кўпчилик янги мустақил давлатларда истеъмол нархларининг кескин ўсишига, жамғармаларнинг қадрсизланишига, аҳолининг анчагина қисми турмуш даражасининг пасайишига, бутунлай ёки қисман ишсизлар сонининг ўсишига олиб келди. Бу даврда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўлаб-қувватлашга қаратилган чораларга етарли эътибор бермаслик аҳолининг анча қисми қашшоқлашувига, уларнинг люмпенлашувига олиб келиши мумкин. Бир қанча мамлакатларда шундай бўлди ҳам. Маълумки, бундай ҳолат ижтимоий беқарорликни вужудга келтирувчи муҳит бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчи. Ўтиш даврининг кескин ижтимоий муаммоси кўн кишилар учун қарор топган турмуш

тарзининг бузилишидан, ҳаётий мўлжалларнинг, фикрлаш тарзи, ижтимоий феъл-атвор, боқимандалик кайфиятининг ўзгаришидан иборат. Ўтиш даврида одамларнинг тафаккур юритиш психологияси ўзгаради, бу эса, аёнки, ҳамма вақт ҳам осон кечармайди.

Собиқ СССР шароитида учдан зиёд авлод вакиллари нафақат хусусий мулкни тан олмайдиган ва мустақил хўжалик фаолияти кўникмаларини бермайдиган мафкуравий ақидалар асосида, балки, устига-устак, марказдан туриб тақсимлаш ғоялари, ижтимоий адолат тушунчаси ҳақидаги сохта тасавурлар асосида тарбияланган эдилар.

Ўтиш даврида эскича ва янгича фикрлаш ўртасидаги, ўтмиш ва ҳозирги замоннинг қадриятлар тизими ўртасидаги зиддиятлар янада кескинлашади.

Халқимизнинг маънавий бойликларини, жаҳон цивилизацияси энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштирган янги авлодни шакллантириш бугуннинг энг муҳим вазифасидир. Фақат ана шу асосдагина, олдимизга қўйилган юксак мақсадлар барчамиз учун ҳаётимизнинг мазмунига айланиб қолганидагина миллатнинг онгли ватанпарварлик руҳини юксалтириб, ривожланган илғор мамлакатлар каби тараққиёт йўлидан илдам қадам ташлаш имкони туғилади.

Ҳар қандай мамлакатда турли кўринишдаги тенгсизликлар кўпайса ёки уларнинг ўсишига имкон пайдо бўлса, улар ижтимоий барқарорлик учун хавф туғдиради. Ижтимоий муаммоларнинг кескинлиги кимларнингдир камбағаллиги ёки бойлигида эмас, балки ушбу ижтимоий табақалар ўртасида ҳаддан ташқари катта фарқ пайдо бўлишидадир. Бу эса беихтиёр уларнинг қарама-қаршилигига олиб келади.

Аёнки, агар жамият манфаатлари ва интилишлари мутлақо қарама-қарши бўлган одамлар гуруҳла-

ридан иборат бўлса, ҳамма вақт ижтимоий зиддият хавфи, демакки, миллий хавфсизликка таҳдид ҳам мавжуд бўлади. Ижтимоий зиддиятларнинг ҳаддан ташқари кескинлашуви жамиятда ижтимоий барқарорликнинг барҳам топишига, ички можароларга ва ҳатто фуқаролар урушига ҳам олиб бориши мумкин.

Шунинг учун ҳам ўтиш даврида демократик давлатнинг энг муҳим вазифаси ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтиришдан, бу даврнинг муқаррар қийинчиликларини эҳтиёт чоралари ҳисобига юмшатишдан ва одамларнинг янги турмуш шароитларига мослашишини осонлаштиришдан иборат. Аслини олганда, Ўзбекистон амалга ошираётган сиёсатнинг бозор муносабатларига ўтаётган бошқа давлатлар сиёсатидан энг муҳим афзалликларидан бири ҳам шундадир.

Ижтимоий келишувни қандай таъминлаш мумкин, ижтимоий ҳамжиҳатликка, шу жумладан миллатлараро тотувликка қандай эришиш мумкин, деган мураккаб саволларга жавоб топишга қодир бўлган давлат демократик ва иқтисодий ривожланишга умид боғлаши мумкин.

Ижтимоий бирдамликни таъминлаш — ижтимоий зиддият ва тенгсизликларнинг ўзларини адолатсиз равишда ҳамма нарсадан бебаҳра бўлиб қолган ёки ҳақ-ҳуқуқлари камситилган деб ҳисобловчи бутун-бутун аҳоли гуруҳлари ва табақалари вужудга келадиган даражага бориб етмаслигига эришиш демакдир.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг ўз янгилиниш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи таъмоийиллардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир. Бу демократик ва иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг, улар орқага қайтмаслигининг жуда муҳим шартини ва гаровидир.

Ишончли ижтимоий кафолатларни ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чораларини таъминлаш бозор ўзгаришларининг ҳамма босқичлари орқали ўтади ва жамиятимизни янгилашдан иборат ғоят кенг жараённинг бошқа йўналишларини ҳам қамраб олади.

Гап ижтимоий ҳимоя тизимининг устуворлиги ҳақида борар экан, бунда энг аввало бозор иқтисодиётини барпо этиш биз учун бирдан-бир мақсад эмаслиги назарда тутилади. Ислохотларнинг мазмуни ва мақсади Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, дини ва маслаҳидан қатъи назар, шахс сифатида намоён бўлиш, ўз қобилиятини, истеъдодини намоёиш этиш, ўз ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий бойроқ қилиш имконига эга бўладиган зарур шартларни яратишдан иборатдир.

Мустақиллик йилларида ҳақиқий иқтисодий вазиятни, мавжуд захиралар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг моҳиятан янги механизми яратилди. Бунда биз жамиятни ислоҳ қилишнинг турли босқичларига ижтимоий сиёсат борасидаги ўз концепциямиз мос келиши кераклигига ҳам асосландик.

Ислохотлар чуқурлашиб, бозор иқтисодиёти томон илгарилаб борилган сари ижтимоий сиёсатнинг устувор жиҳатлари ҳам, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳам ўзгариб бормоқда. Турли босқичларда давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва услубларининг кенг воқиталаридан фойдаланилмоқда. Булар орасида мунтазам суратда қайта кўриб турилган иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақаларнинг миқдоридан иборат бевосита пул тўловлари ҳам, имтиёзлар, товон тўловлари, дотациялар ва субсидиялар сифатидаги бавосита пул тўловлари ҳам бор.

Бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврида биз олдиндан бутун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўли-

дан бордик. Бу чора-тадбирлар одамларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнади. Республикада осойишталик ва барқарорликни сақлаб қолиш омили бўлди.

Ислохотларнинг дастлабки йилларида ҳимоя чораси сифатида истеъмолчиларга субсидиялар бериш тизимидан ва истеъмол бозорини асосий озиқ-овқат товарлари мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишидан ҳимоялашнинг турли шаклларида кенг фойдаланилди.

Бу мажбурий чора эди. Уни зарур қилиб қўйган ҳол шуки, биз нархларни эркинлаштириш шароитида аҳолининг харид қобилиятини ҳимоя қилишимиз керак эди.

Кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ишсизларни, даромади чекланган шахсларни, ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди. Бошланғич синф ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, икки ёшга етмаган болалар учун, шунингдек, камқонлик касалига дучор бўлган ҳомиладор аёллар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва талабаларни имтиёзли овқатлантириш каби ижтимоий имтиёзлар ҳам бюджет маблағларидан тўлаб турилди. Коммунал хизматлар, шаҳар электр транспортида юриш ҳақини тўлаш бўйича ва ёш келин-куёвларга имтиёзлар амал қилиб турди.

Шундай ёндашув туфайли ислохотлар арафасида энг нокулай бошланғич шарт-шароитларга ва сезиларли ижтимоий зиддиятларга эга бўлган Ўзбекистон ижтимоий можароларни четлаб ўтишга муваффақ бўлди.

Олдиндан кўрилган ижтимоий чора-тадбирлар ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш имконини берди, аҳолида амалга оширилаётган ислохотлар йўлига ишонч пайдо қилди.

Айни вақтда ислохотларнинг бошланғич босқичида қўлланилаётган ижтимоий ҳимоя чораларини чуқур таҳлил қилиш уларнинг камчиликларини, энг аввало, исрофгарчиликни ва боқимандалик кайфияти кучаяётганлигини кўрсатди. Дотация ва имтиёзлар муҳтожлик даражасини ҳисобга олмаган ҳолда барча аҳолига баравар тааллуқли қилиб қўйилди. Бу ҳол кўпинча ўзига тўқ оилалар ҳам дотация ва имтиёзлардан фойдаланишига олиб келди.

Шу сабабли ислохотлар чуқурлашиб борган, бозор муносабатлари ривожланган сари амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларига тузатишлар киритилди. Энг катта эътибор ҳақиқатан ҳам муҳтож оилаларга ёрдам беришга қаратилди. Аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоялаш механизминини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида катта ишлар қилинди. Ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бутун тизими тенгчилик ва боқимандалик кайфиятини тугатишга қаратилди. Барча нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали кўрсатиладиган бўлди. Уларни асосан кам таъминланган оилалар, кексалар ва болалар ола бошладилар. Ижтимоий ҳимоя янги тизимининг энг муҳим хусусияти аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашиш хусусияти билан ажралиб туради.

Биз аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш, унинг самарасини кўтариш қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга боғлиқ деб биламиз.

Биринчидан. Бу — ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва муттасил ривожлантириш. Пул қадрсизланишига қарши самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, миллий валютани ва ички истеъмол бозорини мустаҳкамлаш натижасида ислохотларнинг бошланғич босқичидаёқ тур-

муш даражасини сақлаб қолиш ва унинг кескин пассив кетишига йўл қўймаслик имкони яратилди.

Умр кўриш даражаси узайди, гўдаклар ўлими, жиноятчилик камайди. Бизда жиноятчилик МДХ мамлакатлари орасида энг паст даражада.

Иқтисодиётнинг барқарорлашуви, инвестиция фаолиятининг кучайиши, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш йўли янги ишчи ўринларини ташкил этиш, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилиш, иш ҳақи сақланиб қолмаган ёки қисман сақланиб қолган ҳолда тўлиқсиз иш кунда ишлаётган ва мажбуран меҳнат таътилида юрган шахслар сонини кескин қисқартириш учун қулай замин яратди.

Гарчи Ўзбекистон нуфус соҳасидаги вазият мураккаб бўлган, ишга жойлашиш муаммолари ҳамма вақт кескин турган мамлакат бўлса-да, ҳозир республикада иқтисодиёт барқарор ривожланиб бораётганлиги туфайли бу ердаги ишсизлик энг паст даражада дейиш мумкин. Айни чоғда биз бундан буён ҳам иқтисодиётда таркибий жиҳатдан ўзгаришлар қилиш, энг аввало, қишлоқ жойларда ихчам ишлаб чиқариш қорхоналари ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатини фаол амалга оширмоқчимиз.

Иккинчидан. Бу — давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларини кенг жалб этиш.

Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилиши ҳамда масъулияти оширилиши лозим. Улар минтақаларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишга ҳақлидир. Маҳаллий органларнинг асосий вазии-

фаси — одамларга ўз фаровонликларини юксалтириш мақсадида меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Ижтимоий сиёсат, уни амалга ошириш механизмлари одамларнинг меҳнатдаги фаоллигини ва тадбиркорлигини ўстириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилиши даркор.

Учинчидан. Бу — одамларнинг куч ва қобилиятлари тўла-тўқис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли механизмни вужудга келтириш. Бу механизмни биринчи навбатда, ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлиги, унинг ўзи ва оиласининг бахт-саодати учун иқтисодий жавобгарлиги билан уйғунлашадиган шарт-шароитларни яратиш ҳисобига шакллантириш лозим. Ўз қобилият ва меҳнатига таяниб иш тутиш — фаровонликнинг бирдан-бир ва энг барқарор манбаи бўлиб қоладиган муносабатни вужудга келтириш. Бунинг учун хусусий мулк институтининг ривожланишини тезлаштириш жуда муҳим. Бозор шароитларига мослашиш ҳозирги куннинг ўзидаёқ аҳоли жами даромадининг анча қисми тадбиркорлик фаолияти ҳамда мулкдан келган даромад ҳисобига вужудга келишини таъминламоқда.

Тўртинчидан. Бу — аҳолининг даромадларида ва турмуш даражасида асоссиз катта фарқларга йўл қўймаслик. Жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган қатламларни шакллантириш.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг даромадлар даражаси бўйича кескин табақалашиши мумкинлигининг олдини олди. Бугунги кунда аҳолининг энг яхши таъминланган гуруҳи билан энг кам таъминланган қисми олаётган даромадлар ўртасидаги фарқ юқори ҳисобланувчи 8 барабардан 7,5 барабарга тушди. Бу фарқнинг 8 барабардан юқори бўлиши жамият иж-

тимойий жиҳатдан кескин табақаланганлигидан дарак беради.

Бешинчидан, бу — қашшоқликка қарши кураш. Аҳоли энг муҳтож қатламининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш.

Ҳозирги жамиятнинг асосий иллатларидан бири қашшоқликдир. Жаҳондаги биронта ҳам мамлакат, ҳатто энг бой мамлакат ҳам ҳозирча ундан қочиб қутула олмаган. БМТ Бош Ассамблеяси 1996 йилни қашшоқликни тугатиш Халқаро йили деб эълон қилганлиги бежиз эмас.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қашшоқлик муаммоси янада чуқур ҳис этилади. Бу ҳол, энг аввало, камбағаллар тоифасига ижтимоий ночор гуруҳлардан ташқари, аҳолининг илгари улар жумласига кирмаган гуруҳлари, шу жумладан даромадлари ўртача ёки ўртадан юқори даражада бўлганлар гуруҳига мансуб қўллаб кишилар ҳам кириб қолиши билан боғлиқдир.

Қашшоқликни тугатиш муаммоларини ҳал этишда аҳолининг вужудга келган вазиятлар туфайли камбағаллик даражасига тушиб қолиши мумкин бўлган “ночор гуруҳлари”: ногиронлар, ёлғиз оналар, етим болалар, кексаларга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Бироқ бунда кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги яққол кўриниб туриши лозим.

Оилани ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги ижтимоий сиёсатимизнинг тамал тошидир. Биз давлатимизнинг ижтимоий негизларини, унинг барқарорлигини мустаҳкамлашда, жисмонан бақувват, маънавий бой авлодни — мамлакатимизнинг эртанги кунни эгаларини тарбиялашда оиланинг ролини оширишга жуда катта аҳамият бермоқдамиз. Республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича кучли қафолатлар яратилган. Еш

авлодга таълим бериш ва унга касб ўргатиш тизими шаклланишда, оиланинг мустақкамланишига ёрдам бериши, унга моддий ёрдам кўрсатиши керак бўлган турли ижтимоий фондлар ташкил этилган. Сўнгги пайтларда аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига оила орқали бериладиган нафақаларнинг янги тизими жорий этилди.

Миллий руҳиятнинг ва аҳоли турмуш тарзининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий жиҳатдан энг ночор оилаларни маҳалла кўмиталари орқали аниқлаш ва уларга муайян моддий ёрдам кўрсатишдан иборат ижтимоий мадад бериш шакли жорий этилди ва кенг қўллаб-қувватланди. Масалага бундай ёндашиш аҳоли орасида кўп асерлик илдизларга эга. Тажриба бу усул аҳолининг ижтимоий ночор, муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган маблағлар айнан эгаларига тегадиган қилиб тақсимланишига кафолат беришини кўрсатади. Оилани қўллаб-қувватлашнинг биз амалга оширган янги механизми ўзаро ёрдам ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш борасидаги миллий аъёналарни тўла-тўқис ҳисобга олади ва улардан фойдаланади, моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида демократизм ва ошкораликни таъминлайди.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, зиммага олинган вазифаларни амалга оширишда аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш жуда муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлашни истар эдик.

Фуқароларга жуда кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилган, таъбир жоиз бўлса, уларнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши рағбатлантирилган тақдирдагина мамлакатимизни янгилаш ва тараққий эттиришга эриша оламиз.

Ҳар бир киши ўз мамлакатининг фуқароси эканлигини ҳис қилиши, унинг ўзига бериб қўйилган

ҳуқуқ ва эркинликларга онгли муносабатда бўлиши ва қадрлаши, машаққатли меҳнат билан қўлга кири-тилган демократик қадриятларни асраб-авайлаши ва ҳимоя қилиши гоят муҳим.

Одамлар ижтимоий фаоллигининг ортишида, ҳаётимизнинг кўплаб етилган муаммоларини ҳал қилишда нодавлат тузилмалари катта роль ўйнайди.

Биз жамиятимизнинг тузилмаларида кучли ом-мавий, ижтимоий рақобат бўлмас экан, ҳамма дара-жаларда субъективизм ва ижтимоий адолат тамой-илларининг бузилишлари рўй бермаслигига ишонч-ли қафолатлар ҳам бўлмаслигини аниқ тушуниб оли-шимиз зарур.

Республикадаги ҳозирги ижтимоий аҳволни ана шу нуқтаи назардан баҳолаб дадил айтишимиз мум-кинки, халқимиз чекига тушган ва ўтиш даврида муқаррар бўлган энг қийин синовлар ортда қолди. Тор фикр юритиш, мафкуравий маҳдудлик билан боғлиқ бўлган ҳамма ҳолатлар ўтмишга айланмоқда. Мамлакат ичидагина эмас, балки унинг ташқари-сида ҳам юз бераётган барча ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси кучайиб бормоқда. Мустақиллик йилларида нафақат ўзимизнинг, балки бошқа мамлакатлар ми-солида тўпланган оз, аммо аччиқ тажриба кўп маса-лаларда одамларнинг кўзини очди, уларни янада до-нороқ ва сабр-тоқатлироқ қилиб қўйди.

Инсон маънавиятининг, юксак ахлоқ ва мадани-ятининг, гўзал миллий анъаналарни қайта тиклаш-нинг муаззам қатламлари очилди.

Бугунги кунда аҳолининг моддий фаровонлиги-га салбий таъсир кўрсата оладиган омиллар деярли йўқ. Аксинча, барқарорлаштирувчи, аҳолининг тур-муш даражаси ўсиши учун шарт-шароит ва ишончли қафолатлар яратиб берувчи омиллар тобора ортиб бормоқда.

Энг муҳими эса — инсон ва фуқаронинг фикрлаши ва дунёқараши ўзгармоқда, сиёсий ва ижтимоий онги, унинг умумий савияси тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Бугун биз бундан беш йил бурунги кишилар эмасмиз. Ишончим комилки, бундай иймон-этиқодли кишиларни танлаб олган йўлларидан энди ортга қайтариб бўлмайди.

ЖЎҒРОФИЙ-СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАР ВА ТАБИИЙ-ХОМ АШЁ РЕСУРСЛАРИ

Ҳозирги дунёда ҳеч қайси мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам, бошқалардан ажралган ҳудуд эмас. Бу мамлакатлар жаҳон хўжалик алоқаларининг муайян жўғрофий ва сиёсий тизимлари таркибига киради.

Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан ва ўз тараққиёт истиқболлари жиҳатидан қулай жўғрофий-стратегик мавқега эга. Қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бир-бирини бойитиш жараёни жадал кечган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўллар шу ерда кесишади.

Марказий Осиё мамлакатлари мустақиллик ва суверенитетни қўлга киритганидан кейин бу алоқалар жонланиб, аҳамияти яна ҳам ошди. Бу тасодифий эмас. Чунки Марказий Осиё мамлакатларининг ҳудуди Шарқда Хитой чегараларидан бошланиб, Ғарбда Эрон ва Каспий денгизигача чўзилиб кетган. Улар Ҳиндистон ярим оролини Россия ва Европа билан боғлаб туради.

Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиёдаги бошқа республикаларнинг ҳозирги жўғрофий-сиёсий тизимлардаги роли жуда сезиларли ва каттадир. Шу тўғрисида бу республикаларда юз бераётган ҳодисалар жаҳондаги энг йирик давлатлар, турли жўғрофий-сиёсий тузилмаларнинг манфаатларига бевосита дахлдордир. Ҳар қандай давлат ҳам ўзининг жўғрофий-сиёсий йўлини белгилаган вақтида ана шу вазиятни ҳисобга олади ва ўзи учун сиёсий, иқтисодий ва стратегик фойда чиқариб олишга ҳаракат қилади.

Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ҳудудий-макон хусусиятлари, унинг жўғрофий ўрни бизнинг ички ва ташқи сиёсатимизни танлаш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга.

Марказий Осиёда жўғрофий-сиёсий жиҳатдан марказий ўрин тутган Ўзбекистон кучлар тенглиги ва мувозанатини таъминлаш, стратегик муҳим бўлган ушбу минтақада ҳамкорликка мустаҳкам замин яратиш жараёнида сезиларли роль ўйнаш учун ҳамма имкониятларга эга. Унинг ҳудуди ўзининг мавжуд ва потенциал табиий ҳамда хом ашё захиралари билан ҳозирдаёқ — XXI аср арафасида дунёнинг сиёсий ва иқтисодий харитасида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Минтақада ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган мамлакат, катта маънавий ва маданий куч-қудратга эга бўлган Ўзбекистон бугунги кунда қўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон ўртасида боғловчи ҳалқа вазифасини ўтайди. Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиш орқали бугун Марказий Осиё минтақасида манфаатли муносабатлар ўрнатиш имконияти очилади.

Марказий Осиёнинг юраги бўлган Тошкент, рамзий қилиб айтганда, Шарқ дарвозаси ҳисобланади. Кўпгина халқро ташкилотлар буни муносиб баҳо-

лаб, ўз ваколатхоналари ва бюроларини айнан Тошкент шаҳрида очди. Булар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти, Немис техникавий ёрдам жамияти ва бошқа кўплаб ташкилотлардир. 350 дан ортиқ чет эл компаниялари, фирма ва банклари ҳам ўз ваколатхоналарини Ўзбекистонда аккредитация қилган.

Буларнинг барчаси республиканинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, Ўзбекистонни давлатлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликнинг, товарлар ва капитал транзитининг ўзига хос минтақавий марказига айлантиради. Транспорт, сайёҳлик ва молиявий хизматларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб беради.

Ноёб табиий-хом ашё имкониятлари ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим. Қулай иқлим шароити, улкан минерал-хом ашё захиралари, стратегик материаллар ва қишлоқ хўжалик хом ашёсининг катта захиралари ҳақли суратда Ўзбекистонни минтақа ва дунёнинг энг бой мамлакатлари қаторига олиб чиқади.

Ўзбекистон заминида мавжуд бўлган бойликларга эга давлатлар жаҳон харитасида кўп эмас. Бу бойликларнинг кўпчилиги ҳали ишга солинмаган. Бу эса бутун дунёга машҳур чет эл компаниялари ва банкларининг эътиборини жалб этиши аниқ.

Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланили — бу ерда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал-хом ашё турларини ўз ичига олади. Шун-

дан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, умумий минерал-хом ашё потенциали 3,3 триллион АҚШ долларидадан ортиқроқ баҳоланаётганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Ҳоят муҳим стратегик манбалар — нефть ва газ конденсати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металллар бўйича — 40 дан ортиқ, рангли, нодир ва радиоактив металллар бўйича — 40, кончилик-кимё хом ашёси бўйича 15 та кон қидириб топилган.

Қидириб топилган фойдали қазилмаларнинг ҳозирги даражаси ва у билан боғлиқ ҳолда қимматбаҳо, рангли ва нодир металллар, барча турдаги ёнилғи захиралари — нефть ва газ конденсати, табиий газ, кўпгина минерал-хом ашё ва қурилиш материаллари хилларининг ҳоят бой конларини ўзлаштириш республиканинг келажагига ишонч билан қараш имконини бермоқда.

Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 миллиард долларлик миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ёнига 6,0 — 7,0 миллиард долларлик янги захиралар қўшилмоқда.

Бир қатор фойдали қазилмалар, чунончи, олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузлари, фосфоритлар, каолинлар бўйича Ўзбекистон тасдиқланган захиралар ва истиқболли рудалар жиҳатидан МДҲдагина эмас, балки бутун дунёда ҳам етакчи ўринни эгаллайди.

Масалан, олтин захиралари бўйича республика дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш бўйича 7-ўринда, мис захиралари бўйича 10-11-ўринда, уран захираси бўйича 7-8-ўринда туради.

Кўпчилик минерал хом ашёнинг тайёрланган захиралари мавжуд тоғ-кон саноати комплексларининг узоқ муддат давомида ишлаб туришини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга бир қатор стратегик фойдали қазилмаларни қазиб олиш қувватларини оширишга ҳам имкон беради.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон иқтисодиётида минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. У саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатмоқда. Қидириб топилган захиралар негизида 400 га яқин кон, шахта, карьер, нефть-газ конлари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикасида ишга солинаётган фойдали қазилма конлари МДХдаги бошқа мамлакатларникидан ўзининг жуда катта захиралари билангина эмас, балки бир қатор хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. Бу хусусиятлардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, табиий ва минерал-хом ашё захиралари йирик конларда тўпланган бўлиб, уларни қазиб олинган жойнинг ўзидаёқ комплекс қайта ишлаш имконияти бор;

Иккинчидан, фойдали қазилмаларнинг кўпгина турлари таркибидаги фойдали компонентлар юқори даражада бўлибгина қолмай, катта миқдорда йўлдош элементларга ҳам эга;

Учинчидан, конларнинг кўпчилигида очиқ усулда ишлаш мумкин, рудаларни бойитиш технологияси ҳам нисбатан оддий. Бу технология фойдали компонентларни кўп миқдорда чиқаришни ва жаҳон бозорида харидоргир маҳсулот олишни таъминлайди;

Тўртинчидан, кўпгина фойдали қазилма конлари яхши ўзлаштирилган, аҳоли зич яшайдиган минтақаларда жойлашган. Улар транспорт йўллари ва

худудлар ўртасида ресурсларни ташиш воситаларига, шу жумладан суюқ ва газ ҳолатидаги фойдали қазилмалар учун қувур транспортига эга;

Бешинчида, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктура, малакали кадрлар, тоғ-кон мутахассислари тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тизими мавжуд.

Ушбу китобда республикадаги барча минерал-хом ашё захираларини баҳолашга имкон йўқ. Шу боис республика, унинг мустақиллиги ва иқтисодий қудрати учун ҳал қилувчи, стратегик аҳамиятга молик ресурсларгагина эътиборни қаратмоқчиман.

Биринчи. Ўзбекистон ноёб ёнилғи-энергетика ресурсларига эга. Қидириб топилган газ захиралари 2 триллион кубометрга яқин, кўмир — 2 миллиард тоннадан ортиқ. 160 дан ортиқ нефть кони мавжуд.

Нефть, газ ва конденсат захиралари ўз эҳтиёжларимизни тўла таъминлабгина қолмай, шу билан бирга энергия манбаларини экспорт қилиш имконини ҳам беради. Ҳозир бу капитал маблағ сарфлашнинг энг фойдали соҳаларидан бири бўлиб қолди.

Мутахассислар баҳолашча, Ўзбекистоннинг ер остида жуда катта нефть ва газ қатламлари бор. Республика худудининг қарийб 60 фоизда уларни истиқболда қазиб олиш мумкин.

Нефть ва газ мавжуд бўлган бешта асосий минтақани ажратиш кўрсатиш мумкин. Булар: Устюрт, Бухоро-Хива, Жанубий-Ғарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақаларидир. Нефть ва газ ресурсларининг захиралари бир триллион АҚШ долларидан зиёд баҳоланмоқда.

Қидириб топилган захиралар республика эҳтиёжини табиий газ бўйича 35 йилдан кўпроқ, нефть бўйича эса — 30 йилгача қоплайди. Нефтнинг 90 фоиздан ортиқроғи энг арзон фаввора усулида олинмоқда.

1992 йилда Наманган вилоятида истиқболли Мингбулоқ нефть кони очилди. Уни саноат усулида ишлатиш Ўзбекистоннинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш имконини беради.

Яна бир нарса алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистоннинг нефть ва газ конлари бир қанча кўрсаткичлар, чунончи, кудуқларнинг маҳсулдорлиги, қазиб олиш таннархи бўйича қўшни минтақаларнинг конларидан сезиларли даражада ажралиб туради. Бу эса уларда самарали ишлашга ва юқори фойда олишга умид боғлаш имконини беради. Шу билан бирга, ана шу нефть захираларини қазиб олишга сарфланадиган қўшимча харажатлар унча кўп бўлмайди, чунки нефтни қазиб олиш, тайёрлаш ва ташиш учун инфраструктура барпо этиш зарурати йўқолади.

Яна бир хусусияти шуки, Ўзбекистондаги нефть захираларининг қазиб олинганлик даражаси бор-йўғи 32 фоизни ташкил этади. Ҳолбуки, бу кўрсаткич Туркменистонда 61 фоизга, Қирғизистонда 41 фоизга, Тожикистонда 60 фоизга тенг. Табиий газ бўйича ҳам аҳвол шундай.

Ўзбекистоннинг нефть ва газ қазиб чиқариладиган минтақаларида ривожланган инфраструктура мавжудлигини ҳисобга олганда, мазкур омиллар уларни янада ривожлантириш ва инвестициялар қўйиш учун қулайдир.

Республика газ қазиб чиқариш саноатини ҳамда табиий газни ва газ конденсатини қайта ишлаш билан боғлиқ ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга катта умид боғламоқда.

Энг йирик газ конлари Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Бухоро-Хива нефть ва газли минтақаларида жойлашган бўлиб, булар Шўртан ва Муборак гуруҳларига кирувчи конлардир.

Қазиб олинаётган газлар таркибида **этан, пропан, бутан** ва бошқа компонентлар мавжуд бўлиб, улар

полимер материаллар — полиэтилен, поливинилхлорид ва бошқа моддаларни олиш учун яроқлидир. Бундан ташқари, Шўртан газкимё комплексидан олинаётган пропандан нитрил-акрил кислота олиб, ундан нитрон толаси ишлаб чиқариш мумкин.

Газни ва газ конденсатини қайта ишлаш бўйича ишлаб турган ва лойиҳалаштирилаётган объектларнинг ҳаммасида олтингугуртли бирикмалардан фойдаланиш назарда тутилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда нефть ва газ тармоғи илдам ривожланди. Республика ҳудудида иккита нефтни қайта ишлайдиган (Фарғона ва Олтиариқ) ҳамда иккита газни қайта ишлайдиган (Шўртан ва Муборак) заводлари ишлаб турибди. Улар хилма-хил нефть ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Мустақиллик йилларида республикада янги маҳсулот турлари — бензин, авиакеросин, авиабензин, нефть мойларининг хилма-хил турларини, суюлтирилган газ ва бошқаларни олиш ўзлаштирилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ республика хом нефтни ва нефть маҳсулотларининг кўпгина турларини четдан келтиришдан воз кечди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилганидан кейин эса республиканинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлабгина қолмай, уларни экспорт қилишни анча кенгайтириш имконига ҳам эга бўламиз.

Ўзбекистон катта кўмир захираларига эга. Унинг геологик захиралари бўйича Марказий Осиёда иккинчи ўринда туради. Ўзбекистонда кўмир Ангрэн, Шарғун ва Бойсун конларида қазиб чиқарилади. Уларнинг умумий захираси — 2 миллиард тонна.

Улар орасида Ангрэн кўмир кони энг ноёб кон ҳисобланади. Бу ерда кўмир захиралари илғор ҳамда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ усуллар билан: 150—250 метр чуқурликдаги кўмир қатламларини очиқ усулда, ер ости усулида ва ер остида газга

айлантириш усулида қазиб олинмоқда. Бунда чиқит-сиз технологиядан фойдаланилмоқда.

Кўмир билан бирга жуда қимматбаҳо минерал-хом ашё захиралари: каолинлар, оҳактошлар, кварц кумлар, тош қоғишмалар ва кам учрайдиган бошқа элементлар ҳам қазиб олинмоқда. Улар ҳозирги ишлаб чиқаришларнинг кўпгина турларини ривожлантириш учун кучли хом ашё базаси бўлиб хизмат қилади.

Каолин саноат усулида ўзлаштириш учун гоаят катта қизиқиш туғдиради. Ангрен каолинидан саноатнинг кўпгина тармоқларида глинозём (алюминий оксиди) ва алюминий, ўтга чидамли материаллар, керамик қопламалар, пардозлаш ва метлах плиткалари, чинни ва фаянс электр изоляторлар, дренаж ва канализация қувурлари, қоғоз саноатида ишлатиладиган тўлдиргич, оқ ва рангли цемент, ўта пишиқ гишт каби маҳсулотларни тайёрлаш учун хом ашё сифатида фойдаланиш мумкин.

Яхши хом ашё, обод жой, бўш ер, сув, иш кучи ресурслари, электр ва иссиқлик энергияси, туташтирувчи станциялари бўлган темир йўллар, халқаро аэропортнинг мавжудлиги майдаланган ва бойитилган каолин ишлаб чиқарадиган саноат комплексини барпо этиш учун ишончли истиқболларни таъминлаб беради. Биринчи босқичда бойитилган каолин ва глинозём ишлаб чиқарадиган завод қуриш назарда тутилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, сарфланадиган маблағ юқори даражада самара келтиради ва улар тегишли суратда 4 ва 7 йилда қопланади.

Иккинчи. Ўзбекистон дунёдаги жуда катта олтин, қумуш ва бошқа қимматбаҳо ҳамда ер бағрида кам учрайдиган металллар захираларига эга бўлган давлатлар жумласига кирди.

Ҳозирги вақтда 40 та қимматбаҳо металл конлари қидириб топилган. Олтиннинг асосий захирала-

ри олтин конларининг ўзида — Марказий Қизилқумда жойлашган бўлиб, тасдиқланган захиралари бўйича республикани дунёда тўртинчи ўринга олиб чиқади.

Мурунгов кони дунёдаги гигант конлар жумласига киради. У Евроосиё қитъасидаги руда таркибида олтин юқори даражада бўлган энг йирик кондир. Мурунгов конининг топилиши халқаро геология жамоатчилиги томонидан йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида олтин соҳасида қилинган энг катта кашфиёт деб эътироф этилди.

Мурунгов кони — жуда катта манба бўлиб, ундан ҳар йили миллионлаб куб метр кон тупроғи қазиб олинади. Ундан дунёдаги энг сифатли олтин олиш мумкин. Бу ҳолининг ўзиёқ дунёнинг олтин қазиб олувчи саноати учун ноёб намунадир.

Олтин тозалашда аффинаж (энг соф металл олиш) жараёнининг замонавий технологияси жорий этилган. Бу технология бир қатор “ноу-хау”ни ўз ичига олади. Натижада олий товар кўринишига эга бўлган, софлик даражаси “тўртта тўққиз” га тенг асл олтин олинмоқда. Ана шу олтин Ўзбекистонга кўплаб халқаро совринлар келтирди.

Кўп йиллар фойдаланиш натижасида Мурунгов конининг четида катта ҳажмда минераллашган уюмлар ажратилган ва тўплаб кўйилган эди. Унинг таркибидаги олтин миқдорини олиш имкони йўқ эди. Бугунги кунда ана шу минераллашган уюмлар Американинг “Ньюмонт Майнинг Корпорейшн” компанияси иштирокида энг янги технологиялар жалб этилиб, қайта ишланмоқда.

Сўнгги йилларда инфраструктураси яхши ривожланган Самарқанд ва Тошкент вилоятларида олтин рудали конлар аниқланди ва қидириб топилди. Дунёнинг энг йирик олтин рудали вилояти бўлган Қизилқумда Мурунговдан ташқари Ажибутут, Булуткон,

Балпантов, Аристонтов, Тўрбой ва бошқа янги конлар аниқланиб, ўрганилмоқда.

Қизилқум минтақасидаги барча олтин конларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, руданинг таркибида олтин кўп миқдорда бўлиб, у очиқ усулда қазиб олинади. Муҳандислик тармоқлари, коммуникациялар (сув, газ, электр энергияси, темир йўл ва автомобиль йўллари) ҳам мавжуд.

Республикада қумуш конлари ҳам бор. Булар Навоий вилоятидаги Високовольтное, Ўқжетпес, Космоначи конлари ва Наманган вилоятидаги Оқтепа конидир. Тасдиқланган захираларнинг катта миқдори олтин ва мис-порфир конларидир.

Оқтепа кони қумуш қазиб чиқариш бўйича энг истиқболли бўлиб, чет эл инвестицияларини ўзига жалб этадиган кондир.

Ўзбекистонда қимматбаҳо металллар билан бир каторда уран ҳам ишлаб чиқарилади. Унинг учун йирик минерал-хом ашё базаси барпо этилган. Аниқланган уран захиралари 50-60 йил мобайнида қазиб олишга етади.

Уран билан йўл-йўлакай рений, скандий, лантаноидлар ва бошқалар ҳам қазиб олинмоқда. Мазкур элементларнинг аксарияти маълум даражада эритмага ўтади. Бинобарин, уларни ажратиб олиш технологиясини жорий этиш конларни ишлаш самарадорлигини анча ошириш имконини берган бўлур эди.

Учинчи. Ўзбекистон рангли металллар — мис, кўрғошин, рух, вольфрам ва шў гуруҳга кирувчи бошқа металлларнинг аниқланган захираларига эга.

Мис рудалари билан бирга рангли металлларнинг 15 дан ортиқ тури, чунончи, олтин, қумуш, молибден, кадмий, индий, теллур, селен, рений, кобальт, никель, осмий ва бошқалар ҳам қазиб олинади.

Муҳими шуки, руда асосан очиқ усулда қазиб олинади. Бу эса конларнинг рентабелли ишлашини таъминлайди. Ишлаб турган конлар мис ва унга йўлдош металларни 40-50 йил, рух ва кўрғошинни 100 йилдан кўпроқ вақт қазиб олишни таъминлайди.

Рангли металлар рудаларининг захиралари асосан Олмалиқ руда майдонида жамланган. Қалмақир кони ноёб конлардан бўлиб, у мис-молибден рудаларини қазиб чиқариш бўйича чет элдагилардан анча устун туради. Бу коннинг рудасини Олмалиқ кон-металлургия комбинати қайта ишлайди. Комбинат Ўзбекистондаги энг йирик корхоналардан биридир.

Бундан ташқари, истиқболли Дальнее мис кони топилган. Унинг мис, молибден, олтин, кумуш, рений, теллур, селен ва олтингугурт захиралари катта.

Бу конда чет эл сармояси иштирокида мис қазиб чиқарадиган ва йўлдош металларни ажратиб оладиган ишлаб чиқаришлар қурилишини амалга ошириш янги бойитиш фабрикаси қуришни талаб қилади. Бу фабрикани руда хом ашёси билан таъминлаш икки юз йилга мўлжалланган.

Мазкур кон қидириб топилган захиралари, қазиб олишнинг таннархи, фойдали қазилмаларнинг ажратиб олиниши жиҳатидан МДХ мамлакатлари орасида тенги йўқдир.

Кўрғошин-рух асосан Жиззах вилоятининг Учкулоч ва Сурхондарё вилоятининг Хондиза конларида жамланган.

Хондизадаги конда кўрғошин ва рух билан бирга мис, кумуш, кадмий, селен, олтин ва индий бор. Халқаро бозорда бу металларнинг мавқеи ошган сари Ўзбекистонда уларни қазиб чиқаришни кенгайтириш мумкин.

Ишлаб турган корхоналарни техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш учун оз миқдорда инвестиция сарфлаб, мис рудаларини қайта ишлаш чоғида

ажратиб олинадиган нодир металлларнинг олий маркаларини олиш имкони мавжуд. Уларнинг таркибида асосий металл 99,99 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси бир қатор нодир ва тарқоқ ҳолда учрайдиган металлларни ажратиб олиш ҳамда ишлаб чиқариш учун ишончли хом ашё базасига эга. Уларнинг бир қисми, масалан, литий, мустақил конларда жамланган, бошқаларини мис, полиметаллар, уран ва бошқа фойдали қазилмалар конларидан йўлдош моддалар сифатида ажратиб олиш мумкин.

Селен ва теллурдан асосан ярим ўтказгичлар, қуёш батареялари, термогенераторлар, пўлат, шишанинг махсус навларини ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Ўзбекистон ренийнинг ноёб захираларига эга. У Олмалиқ конларидаги мис рудалари билан боғлиқ. Молибден концентратидagi ренийнинг миқдори жиҳатидан бу рудалар жаҳон амалиётида тенгсиздир. Саноатда ренийдан авиация ва космик техника учун ўтга чидамли қотишмалар, электрон ускуналар, нефтни парчалаш учун катализаторлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.

Жаҳонда осмий изотоплари оиласида осмий-187 бор-йўғи 1,6 фоизни ташкил этадиган табиий манбалар (Африка, Швейцария, Россияда) мавжуд. Айни вақтда Ўзбекистон конларидаги таркибида рений бўлган мис-молибден рудаларида барқарор изотопнинг фоиз миқдори анча юқори.

Осмий маҳсулотини саноат усулида олишнинг мақсадга мувофиқлиги шу билан асосланадики, бирламчи хом ашёнинг катта захиралари мавжуд бўлиб, улар Норильск конидагидан 3 баравар ортиқдир.

Ер юзида кам ва тарқоқ ҳолда учрайдиган металлларнинг ноёблигини, улардан фойдаланиш доираси кенглигини ҳисобга олганда, чет эллик инвесторлар-

ни жалб этиб, бир қатор қўшма корхоналар барпо этиш учун жуда катта имкониятлар ва истиқболлар очилмоқда.

Тўртинчи. Республикада 20 та мрамар, 15 та гранит ва габбро кони борлиги аниқланган. Оқ рангдан то қора ранггача хилма-хил безакбоп тошлар олинадиган кўллаб конлар ноёб табиий омборлар бўлиб, улар бутун Евроосиё зонасидаги энг йирик конлардир.

Қоплама тошларнинг умумий захиралари 85 миллион кубометрдан ортиб кетади. Улар тошни қайта ишлайдиган корхоналарни юз йиллар давомида хом ашё билан таъминлайди.

Ана шундай қудратли хом ашё базасига эга бўлган Ўзбекистон тошни қайта ишлаш бўйича МДХ мамлакатлари орасида етакчилардан биридир.

Айни вақтда Ўзбекистонда олинадиган табиий безакбоп тошларнинг ажойиб хусусиятларидан ҳозирги қурилишларда янада кенгроқ кўламда фойдаланиш, мрамар ва гранит маҳсулотларни экспорт қилиш имконияти бор. Коммуникация ва муҳандислик тармоқларига эга бўлган Ҳозгон, Нурота ва Зарбанд конларида мрамар блокларни ҳозирги замон технологияси асосида қазиб олувчи корхоналарни чет элик шериклар иштирокида барпо этиш лойиҳалари мавжуд. Ҳисоб-китобларга қараганда, лойиҳалар икки йил атрофида ўзини оқлайди.

Бешинчи. Республика фосфоритларга бой. Жерой-Сардара фосфоритлар конидаги Марокаш турига мансуб зарра-донадор фосфоритларнинг аниқланган захираси тахминан 100 миллион тоннани ташкил этади. Ҳозирги вақтда Қизилқум фосфорит комбинати қурилмоқда. Унда 2,7 миллион тонна фосфорит концентрати олинади.

Бундан ташқари, Марказий Қизилқумдаги Қорақат конида дастлабки қидирув ишлари олиб бо-

ридли ва Шимолий Жетитов конининг миқдори ҳам аниқланди. Геологларнинг айтишича, фосфоритларнинг тахминий захиралари чексиздир.

Фосфоритларнинг хўжалик оборотига жалб этилишига сабаб шуки, Ўзбекистонда фосфат ўғитлар — аммофос ва аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқарадиган жуда катта корхоналар барпо этилган. Шу билан бирга аниқланган захиралари 300 миллион тоннага яқин бўлган фосфорит конларидан амалда фойдаланилмаётир.

Экспорт учун фосфат ўғитлари ишлаб чиқариш имкониятларини кўпайтириш мақсадида ва катта миқдорда фосфорит захиралари мавжудлигини ҳисобга олганда, Қорақат ва Шимолий Жетитов фосфорит конлари базасида чет эллик инвесторлар иштирокида уларни бойиғиш корхоналари ташкил этиш имкониятлари мавжуд.

Олтинчи. Ўзбекистонда жуда катта калий туз конлари мавжуд бўлиб, булар Қашқадарё вилоятидаги Тубакат ва Сурхондарё вилоятидаги Хўжаикон конларидир. Тахминий ҳисобларга қараганда, калий тузлари 100 йилдан кўпроққа етади.

Тубакат калий тузлари кони негизида чет эллик инвесторлар иштирокида калий ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Тузларни комплекс қайта ишлаш бромли темир, магнезит, гипс ва бошқа материалларни йўл-йўлакай олиш имконини беради.

Еттинчи. Республика тош тузи конларига бой. Аниқланган 5 та тош тузи кони — Хўжаикон, Тубакат, Борсакелмас, Бойбичакон ва Оққалъа конларидан тахминан 90 миллиард тонна хом ашё бор. Ҳозирги вақтда Борсакелмас конининг тузларидан кальций ва каустик сода ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Ана шу мақсадда Кўнғиротда кимёвий усулда кальций ва каустик сода ишлаб чиқарадиган сода заводи қурилиши бошланди.

Минерал-хом ашё базасининг ҳозирги ҳолати ишлаб турган тоғ-кон ва қайта ишлаш корхоналари қувватларини таъминлаб туриш имконини беради. Шу билан бирга у олтин, кумуш, мис, каолин, плавик шпат, фосфорли, калийли ўғитлар ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш учун амалий шарт-шароитлар ҳам яратиб беради.

Жаҳон тажрибаси шунни кўрсатмоқдаки, ликвидлик даражаси юқори бўлган фойдали қазилмаларни ўзлаштиришга қаратилган инвестициялар катта-катта даромадлар келтиради. Дунёдаги етакчи чет эл компаниялари ва фирмалари ҳозирнинг ўзидаёқ бу йўналишда фаол қатнашмоқда.

1992 йилда олтин қазиб олиш бўйича “Зарафшон-Ньюмонт” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Корхонанинг муассиси Американинг “Ньюмонт Майнинг Корпорейшн” компаниясидир. Ушбу қўшма корхона Мурунтов кони ағдармаларининг минераллашган уюмидан олтин ажратиб олиш мақсадида барпо этилди. Қиймати 220 миллион АҚШ доллариға тенг бўлган завод қурилиши 1993 йил октябрида бошланди ва бор-йўғи 18 ойда — 1995 йил майда тугатилди. 1995 йилда қўшма корхона олтиннинг биринчи туркумини ишлаб чиқарди.

1994 йилда “Омонтов-Голжфилдс” Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ташкил этилди. Унинг чет эллик муассислари Лонро компанияси (Буюк Британия) ва Халқаро Молия корпорацияси ҳисобланади. Қўшма корхонанинг мақсади Довғизтов ва Омонтовтойнинг олтинга бой конларини ўзлаштиришдан иборатдир. Бу комплексни 1998 йилда ишга ушириш кутилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонлик шериклар билан машҳур “Ньюмонт Майнинг Корпорейшн” (АҚШ) ва “Мицуи” (Япония) компаниялари ўртасида Тошкент зонасининг олтин рудали конларини ўзлаштириш ҳақида битим имзоланди. Фаолиятнинг кўпгина соҳаларида ҳам бир қанча бошқа истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Республиканинг табиий бойликларини чет эл компаниялари билан биргаликда ўзлаштириш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш борасида Ўзбекистоннинг имкониятлари кенг. Бундай ҳамкорликнинг юқорида келтирилган мисоллари шундай лойиҳаларни амалга ошириш чет эллик инвесторларни юксак даражада қизиқтираётганлигини яна бир бор исботламоқда.

Иқтисодиётнинг совет ҳокимияти йилларида вужудга келган бирёклама, бузилган структураси тўғрисида республикада ярим тайёр, яъни бирламчи иشلлов берилган маҳсулотларнинг турли хиллари кенг қўламда ишлаб чиқаришмоқда. Улар технология цикли тугалланган тақдирда рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун яхши бошланғич материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Республикада жаҳон бозорида ва ички бозорларда талаб юқори бўлган хилма-хил кабель маҳсулоти олиш учун ярим тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилаётган тозаланган мис ана шундай чуқур қайта ишлашга мисол бўла олади.

Яна бир ғоят қимматли ярим тайёр маҳсулот капролактампир. Афсуски, ҳозир республикада ишлаб чиқарилаётган капролактампнинг кўпи билан 10 фозидангина қайта ишлаш мақсадида фойдаланилмоқда.

Капролактампнинг кўп соҳаларда қўлланилишини ҳисобга олиб, уни чуқур қайта ишлашни бевоси-

та республиканинг ўзида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Капролактамини чуқур қайта ишлаш мақсадида капрон толалари ва ишлар чиқарадиган бир қатор корхоналар ташкил этиш имконияти бор. Бу тола ва ишлардан аралаш газламалар, гилам буюмлар, нотўқима материаллар ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Бундан ташқари, капролактамини қайта ишлаш чоғида автомобилсозлик ва самолётсозликда ҳамда ишлаб чиқариш-техника маҳсулотлари чиқарадиган бир қанча бошқа тармоқларда фойдаланиладиган турли конструкцион пластмассалар олиш мумкин. Капролактамдан идиш ва ўров материаллари ишлаб чиқариш учун пленка ҳолидаги полиамидлар ҳам олиш мумкин. Бундай материалларга бўлган талаб республикада ҳам, ундан ташқарида ҳам аслида чекланмаган.

Хом ашё захираларидан янада тўлароқ фойдаланиш мақсадида республикада ишлаб чиқарилаётган капролактамининг камида 70-80 фоизини қайта ишлай оладиган қувватларни вужудга келтириш вазифаси қўйилмоқда.

Бу масалани чет эл капиталини жалб қилиш, капрон ишлар ишлаб чиқарадиган фабрикалар барпо этиш йўли билан ҳал қилиш мўлжалланмоқда. Кейинчалик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган бир қатор енгил саноат корхоналари, шунингдек, конструкцион пластмассалар ишлаб чиқарадиган йирик корхона ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Республикада 23 минг тонна нитрон толаси ишлаб чиқарадиган қувватлар вужудга келтирилган. Маълумки, бу маҳсулот мебель ва дағал газламалар, қўлда ва машинада тўқиш учун йигирилган ип, пайпоқ ва гилам маҳсулотлари, устки трикотаж, мато, адёл, сунъий мўйна ва бошқа қўпгина турдаги маҳ-

сулотлар тайёрлаш учун бошланғич хом ашё бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, жуда кам миқдордаги — кўпи билан 25 фоиз нитрон толаси қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирилмоқда, қолган қисми эса ярим тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилинмоқда.

Нитрон толасини ишлаб чиқариш учун хом ашё захиралари мавжудлигини, республикада ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам унга талаб катталигини ҳисобга олиб, шунингдек, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида келажакда Навоий комбинатини қайта қуриш ва кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон тупроғининг ноёб унумдорлиги унинг муҳим хусусияти бўлиб, бу ҳол республикани қудратли агросаноат салоҳиятига эга мамлакатга айлантириш имконини берди.

Қулай иқлим шароитлари, деҳқончилик суғориш усулида олиб борилиши республикада қудратли қишлоқ хўжалик ресурслари базасини ҳамда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган корхоналарни ривожлантириш учун яхши шароит яратди.

Ўзбекистон — қадимдан суғорма деҳқончилик мамлақати бўлиб келган. Суғорма деҳқончилик озиқ-овқат соҳасида республика мустақиллигининг негизи ва асосий экспорт маҳсулотининг манбаидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи бозорда талаб катта бўлган маҳсулот — пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси дир. Республика пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда тўртинчи ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради.

Республикада пахтани асосли қайта ишлаш йўли изчиллик билан олиб борилмоқда. Бу йўл кўшимча қиймат ҳосил қилиш учун максимал имконият беради. Саноатнинг пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик,

тикувчилик тармоқларига маблағ сарфлаш энг самарали, фойдали бўлиб, ўзини тез оқлайди.

Республиканинг Бухоро, Андижон, Тошкент ва Фарғона шаҳарларида 4 та йирик тўқимачилик комбинати ишлаб турибди. Булардан ташқари, 30 дан ортиқ ип йигирув-тўкув фабрикаси турли минтақаларда жойлашган. Чет эллик инвесторлар иштирокида ўнлаб қўшма корхоналар ташкил этилган. “Кабул-Тўйтепа-Текстайлз” (Жанубий Корея), “Аснам-текстил”, “Катекс”, “Элтекс”, “Самжинтекс” (Туркия), “Супертекстил” (АҚШ) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Республика мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, пилла, қорақўл тери, жун етиштириш бўйича МЛХ мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради. Ноёб табиий-иқлим шароитлари йил давомида картошқадан, сабзавотлар ва бошқа экинлардан бир неча марта ҳосил олиш имконини беради. Бу яратилган моддий-техникавий ишлаб чиқариш базаси билан қўшилиб, янги узилган ва консерваланган хилма-хил мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш имконини бермоқда. Улар билан республика аҳолисининг эҳтиёжлари қондирилибгина қолмай, балки дунёдаги кўпгина мамлакатлар аҳолиси ҳам таъминланмоқда. Бугун Ўзбекистонда 5 миллион тоннагача мева-сабзавот маҳсулоти етиштирилмоқда. Бу эса республика бозорининг эҳтиёжларидан анча ортиқдир.

Шу билан бирга, замонавий совутич сифимлари ва омборларнинг, мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган, идиш-ўраш материаллари ишлаб чиқарадиган ихчам корхоналарнинг орқада қолаётганлиги ва етишмаётганлиги ҳозир жуда катта нобудгарчиликларга олиб келмоқда.

Мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлашга замонавий технологиялар, қadoқлаш ва ўраш техника-

си, маркетинг жорий этилса, тез ва юқори самара беришга қодир.

Истеъмол ҳоссалари билан ажралиб турадиган мевалар ва узум Ўзбекистонга азалдан шон-шухрат келтирган. Бу ерда анжир, анор, хурмо каби қимматли субтропик экинлар ҳам ўсади. Республикада уларни қайта ишлайдиган қувватларни вужудга келтириш ва янги узилган ҳолида республикадан ташқарида сотиш учун имкониятлар мавжуд. Республикада етиштирилаётган мевалар ва узум экологик жиҳатдан соф бўлиб, уларда кўп миқдорда қимматли озиқ моддалари ва дармондорилар бор.

Бундан ташқари янги узилган узум юқори сифатли вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ажойиб хом ашё ҳисобланади. Республика виночилари ҳар йили 16,5 миллион декалитр вино материаллари тайёрламоқдалар. 30 дан ортиқ номда вино, шампан винолари ва коньякнинг турли навлари ишлаб чиқарилмоқда. Халқаро ярмаркалар, дегустациялар, танловлар ва кўргазмаларда Ўзбекистон винолари 92 та медаль билан тақдирланган.

Республика замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ипакчилик саноати, қоракўлчилик маҳсулотларини, чарм буюмларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга.

Ўзбекистоннинг кўпгина ноёб минерал-хом ашё ва қишлоқ хўжалик ресурсларига жаҳон бозорларида талаб катта. Бу ҳол уни ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун жозибадор қилиб қўяди. Чет эллик манфаатдор шериклар иштирокида иқтисодиётнинг ривожланган замонавий тузилмасини шакллантириш учун амалий шароитлар яратади. Бундай иқтисодиёт яқин йиллар ичидаёқ мамлакатнинг барқарор ва олға ривожланишини, халқимизнинг фаровонлиги юксак даражага етишини таъминлаши мумкин.

ИНСОН САЛОҲИАТИ, ИЖТИМОИЙ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Ўзбекистоннинг ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, саҳий ва меҳмондўст халқидир.

Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқ абадий қадриятларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш ва таракқий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради.

Бу омилнинг кучи ва таъсири, энг аввало, юксак маънавият билан, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. У аҳолининг билимдонлик даражаси, иш билан бандликнинг профессионал-малака тузилмаси ва бошқа кўпгина шарт-шароитлар орқали шаклланади.

Инсон салоҳияти ва меҳнат захираларини шакллантиришда ижтимоий-демографик вазият ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. Кейинги йилларда аҳолининг табиий ўсиши бирмунча камайган бўлишига қарамай, у ҳали ҳам МДҲ мамлакатлари орасида энг юқори даражада эканлигини айтиш кифоя. 1990-1996 йилларнинг ўзида мамлакат аҳолисининг сони 13,3 фоиз кўпайди. Аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 1996 йилда 2,0 фоизни ташкил этди ёки аҳоли бир йилда 450 минг кишига кўпайди. Ҳозир республикада 23 миллиондан ортиқ аҳоли яшамоқда. Бу эса кўшни мамлакатлардагидан анча кўп.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-демографик аҳволнинг яна бир муҳим хусусияти — жамиятнинг асоси

бўлган кучли оила тизимидир. Ўзбекистонда никоҳдан ўтиш даражаси юқори ва, энг муҳими, оилаларнинг бузилиши дунё бўйича энг паст даражада. Оила — бизнинг халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Республикада оилалар асосан кўп сонли бўлиб, уларда турли авлод вакиллари бирга яшашади ва бирга хўжалик юритишади. Бу эса болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний маънавий қадриятлардан, анъаналардан баҳраманд қилиш, билим даражасини ошириш учун қулай шароитлар яратади. Худди ана шундай оилаларда одамлар болалик чоғлариданоқ меҳнатсеварликни, катталарга ҳурматни, билим эгаллашга интилишни ўрганадилар.

Ижтимоий-иқтисодий маънода буларнинг ҳаммаси республиканинг меҳнат захиралари барқарор, интенсив равишда тўлдирилиб туришини, демакки, кўп меҳнат талаб қиладиган корхоналар ва ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш учун катта имкониятлар мавжудлигини аниқлатади.

Ҳозир республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга. Меҳнат захиралари бутун аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил этади ва ҳар йили 210-220 минг кишига кўпайиб бормоқда.

Меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти — унинг ёш ва касб таркибидир. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 ёшга тенг. Бу XXI аср бўсағасида меҳнат захиралари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчиликини ташкил этишига имкон беради.

Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга ласқатли ёшларни фаолиятнинг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли захирасидир. Ҳозир

қишлоқ хўжалигида барча ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғи банд. Уларни бўшатиб олиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига, энг аввало, саноатга ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш ҳамда уни жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Шунинг учун ҳам ҳозир республикада ҳал қилинаётган энг долзарб муаммолардан бири ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш ҳисобланмайди. Балки энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришдан иборатдир. Вазифа республиканинг ҳар бир фуқаросига меҳнат фаолиятининг тури ва шаклини эркин танлаш учун чинакам имконият яратишдир.

Ўзбекистондаги меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти — унинг таълим даражаси юқоридигидир. Республикада аҳолининг ялли саводхонлиги муаммоси тўла ҳал қилинган. Саводхонлик даражаси 99,06 фоизни ташкил этади. Бу эса республикани инсон салоҳияти юқори даражада ривожланган иқтисодий тараққий этган мамлакатлар билан бир қаторга олиб чиқади.

Меҳнат заҳираларининг умумий ва профессионал таълим даражаси ҳам юқоридир. Республикада мажбурий умумий ўрта таълим қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай таълимни умумий таълим мактаблари, лицейлар, гимназиялар, ўрта касб-ҳунар ўқув юртлари ва тижорат мактабларининг кенг тармоғи орқали олиш мумкин.

Бу борада қизиқарли ва намунали статистика мавжуд. 15 ва ундан катта ёшдаги ҳар 1000 кишига ҳисоблаганда, олий ва тўлиқсиз олий маълумотлилар сони анча ортди. Ҳозирги вақтда у 143 кишини ташкил этади. Шу билан бирга таълим олиш 11,4 йилга етди. Ҳар 1000 кишининг 200 нафари ўрта мах-

сус маълумотли мутахассислардир. Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган тўрт кишининг биттаси олий ёки ўрта махсус маълумотга эга. Яъни ҳозир билим даражаси жиҳатидан республика ҳақли суратда ўқимишли мамлакатлар қаторига киради.

Бунга олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш, таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳисобига эришилди. Ҳозирги вақтда республикада ўқув юртларининг кенг тармоғи вужудга келтирилган. 59 та олий ўқув юрти, 258 та ўрта махсус ўқув юрти ишлаб турибди, шулардан 75 таси коллеждир.

Республикадан ташқарида ҳам кенг танилган энг йирик университет марказлари — Тошкент ва Самарқанд давлат университетлари, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети, Жаҳон тиллари университети, Тошкент иқтисодиёт университети, Техника университети, Аграр университет, Консерватория, Санъат институти, шунингдек, республиканинг барча минтақаларида жойлашган тиббиёт, гуманитар, техника олий ўқув юртларининг кенг тармоғи таълим тизимининг ўзагидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Банк-молия Академияси ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбар ходимларини, иқтисодий тузилмалар мутахассисларини тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва малакасини оширадиган бош муассасалардир.

Бозор муносабатларини ривожлантириш, хўжалик юритишнинг илғор усуллари ва ишлаб чиқариш-ни илмий-техникавий ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ билим соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш кенгаймоқда. Ҳозир ихтисослаштирилган олий ва ўрта ўқув юртларида 360 мингдан ортиқ талаба ўқимоқда ва малака эгалламоқда.

Ёшларни жаҳон фани ва билимлари хазинасидан баҳраманд қилишга қатта эътибор берилмоқда. Республика ўқув юртларининг чет эллардаги ўқув марказлари билан алоқалари анча мустаҳкамланди. Чет эллик ўқитувчилар ва мутахассисларни хорижий тилда машғулот олиб бориш учун таклиф қилиш, шунингдек, чет эл ўқув ва илмий марказларида ходимларнинг малака ошириши ва талабаларнинг ўқиши кенгайтиб бормоқда. Айни вақтда жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатидан келган 1250 дан зиёд хорижий фуқаро Ўзбекистонда таълим олмақда.

Таълим соҳасида Ўзбекистон АКСЕЛС, АЙРЕКС, Америка Коллежлари Консорциуми, САРЕ, Тинчлик Корпуси (АҚШ), ДААД, Конрад Аденауэр Фонди (Германия), Британия Кенгаши (Буюк Британия), Сауд Ал-Баптин Фонди (Миср) каби халқаро ташкилотлар ва бошқа ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Ўзбекистон-Америка ва Ўзбекистон-Корея Университетларини ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Канада томони билан биргаликда Халқаро менежмент ва бизнес олий магистрлик мактабини ташкил этишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда ўқишини қўллаб-қувватловчи “Умид” жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма ажратилган грант ҳисобига АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг энг нуфузли университетларида кўплаб мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистр даражаларини олиш имконини беради.

Буларнинг барчаси республикада амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислохотларни кадрлар билан мустаҳкам таъминлашга, меҳнат ва ақлзаковат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва оширишга қаратилгандир.

Мамлакатни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфраструктурани ривожлантириш боят мухим аҳамиятга эга.

Республика фани қудратли интеллектуал салоҳиятни яратган. У ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида амалда қўлланмоқда. Ватанимизнинг миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Табиий захиралар чегараланганлиги туфайли корхоналар ҳамда умуман давлат фаолиятининг муваффақияти ҳозир кўп жиҳатдан фан-техника тараққиёти ютуқлари, чуқур илм талаб қиладиган технологиялар қанчалик кенг жорий этилаётганлиги, кадрларнинг касб тайёргарлиги даражаси билан белгиланади.

Тарихан Ўзбекистон Республикасида шаклланган интеллектуал салоҳият XXI аср бўсағасида ўзининг ривожланиш даражаси жиҳатидан, инновацион кашфиётлар, имкониятлари билан ҳозирги вақтда жаҳондаги кўпгина ривожланаётган мамлакатлардан илгарилаб кетган. Кўп жиҳатдан эса иқтисодий ривожланган мамлакатлардан қолишмайди.

Муболағасиз айтиш мумкинки, фанмиз, ақлзаковат салоҳиятимизнинг ноёб ва гўзал биносига бундан кўп асрлар муқаддам пойдевор солинган эди. Мамлакатимиз фани жуда қадим замонлардан юксала бошланганини, унинг чуқур ва қудратли илдилари борлигини фахрланиб айта оламиз. У асрлар давомида ўзбек миллатига, бутун инсониятга табиат сирларини ўрганишда, тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиётшунослик ва тилшуносликда ишончли хизмат қилиб келмоқда.

Узоқ ўтмишдаёқ ўзбек халқининг илғор мутафаккирлари олиб борган тадқиқотлар, уларнинг амалга оширган кашфиётлари жаҳон, умуминсоният фани

ва маданиятининг олтин хазинасини ташкил этади. Билимлар хазинасини очган буюк аждодларимизнинг номлари бутун дунёда машҳур. Булар буюк математик ва астрономлар ал-Хоразмий, Фарғоний, Жавҳарий, Марвазий, Улуғбек; файласуф ва илоҳиётчи-ҳуқуқшунослар Форобий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Марғиноний, Насафий; қомусий олимлар Беруний, Ибн Сино; тилшунос-шоирлар Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Замахшарий, Алишер Навоий; тарихчилар Бобур Мирзо, Абулғози Баҳодирхон, Оғаҳий ва бошқа кўпгина улўф зотлардир.

Олимларимиз энг яхши анъаналарни ўзлаштириб, тарихий меросимизни чуқур ўрганиб, буюк аждодларининг ишларини муносиб давом эттирмоқдалар. Илмий зиёлиларимизнинг муҳим фазилати ҳамма вақт билимга, илғор илмий тафаккурнинг олдинги марраларида бўлишга интилишдан иборат. Улар янги, кам ўрганилган, долзарб муаммоларни тадқиқ қилишга дадил киришиб, ўз меҳнатлари билан республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, инновация салоҳиятини мустақкамлашга сезиларли ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу — мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шarti ва мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Ҳозир Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик илмий марказдир. Бу марказ тадқиқот учун зарур

бўлган ривожланган моддий асосга, кенг илмий фондга, малакали илмий кадрларга эга. Уларнинг меҳнати бутун дунёда эътироф этилган.

Республиканинг илмий-тадқиқот мажмуи академия, олий ўқув юртлари ва тармоқ йўналишидаги 362 муассасани, шу жумладан, 101 илмий тадқиқот институтини, олий ўқув юртларидаги 55 илмий-тадқиқот бўлинмаларини, 65 лойиҳа-конструкторлик ташкилотини, 32 илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тажриба корхоналарини, 30 ахборот-ҳисоблаш марказини ўз ичига олади. Илмий салоҳиятнинг ўзаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясидир. У минтақадаги етакчи илмий ва тажриба маркази бўлиб, ярим асрдан ортиқроқ тарихга эга. Унинг таркибида ташкил этилган Ядро физикаси институти, “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Биолог” ИИБ, Майданак тоғидаги баланд астрономия обсерваториялари мажмуи ва бир қатор бошқа марказлар муваффақиятли тадқиқотлар олиб бормоқда.

Фан соҳасида 46 мингга яқин киши банд бўлиб, шулардан 2,8 мингга фан доктори ва тахминан 16,1 мингга фан номзодидир. Биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси тузилди. Унинг вазифаси ёш илмий кадрлар тайёрлашдир. Айни вақтда фаннинг 20 тармоғи бўйича юқори малакали илмий кадрлар тайёрланмоқда.

Ҳозир республика олимлари замонавий фаннинг кўпгина йўналишларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Республикада қуйидаги йўналишлар бўйича жаҳон даражасидаги илмий мактаблар яратилган бўлиб, уларда тадқиқотлар муваффақиятли олиб борилмоқда.

Биринчи. Математика, эҳтимоллар назарияси, табиий ва ижтимоий жараёнларни математик модел-

лаш, информатика ва ҳисоблаш техникаси соҳасидаги тадқиқотлар.

Математика фанининг эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, дифференциал тенгламалар ва математик физика, функционал таҳлил соҳасидаги ютуқлари республикадан анча узоқда ҳам машҳур.

Ўзбекистоннинг ўз астрономия мактаби шакланган бўлиб, унга бир вақтлар Беруний, Улуғбек ва Гиёсиддин Жамшид асос солган эдилар. Қадим замонлардаёқ ўзбек олимларининг астрономия, осмон ёритқичларининг ҳаракатини ўрганиш борасидаги ишлари бутун дунёда тан олинган эди. Улар биринчи марта осмондаги юлдузларнинг энг аниқ харитасини тузган эдилар. Республикада ўлканинг иқлим-шунослигини ўрганиш учун таянч астрономия тармоғи вужудга келтирилган. 1930 йилда қурилган Улуғбек номидаги Китоб халқаро кенглик станциясида ишлаётган ўзбек олимлари АҚШ, Италия, Япониянинг олим ва мутахассислари билан биргаликда Ер юзасида унинг кутблари ҳаракатланишини ўрганиш соҳасидаги халқаро ишда фаол қатнашмоқдалар.

Иккинчи. Саноат усулида ўзлаштириш учун яроқли минерал-ҳом ашё захиралари ҳосил бўлишига олиб келадиган геологик жараёнларнинг қонуниятларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган, тадқиқотлар, шунингдек тектоника, геофизика, сейсмология ва Ер тўғрисидаги фаннинг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган тадқиқотлар.

Республика геологларининг ер қобиғини геологик-геофизик ва геохимёвий ўрганиш, рудаларнинг ҳосил бўлиши ва металлогенетикани, нефтнинг пайдо бўлишини ўрганиш соҳасидаги ишлари Ўзбекистонда қудратли минерал-ҳом ашё базасини вужудга келтиришга ёрдам берди. Геолог олимлар республика ҳудудидаги ва бутун Марказий Осиё минтақасидаги кўпгина энг йирик фойдали қазилма конлари-

ни очиш, ўрганиш ва ўзлаштиришда бевосита қатнашдилар.

Маълумки, Ўзбекистон сейсмик жиҳатдан фаол зонада жойлашган бўлиб, табиий фалокатларнинг аччиқ оқибатларини бир неча бор бошдан кечирган. Шу сабабли олиб борилаётган тадқиқотларнинг ётакчи йўналишларидан бири сейсмология ва иншоотларнинг зилзилага бардошлиги бўйича назарий ва амалий ишлар ҳисобланади.

Ўзбекистон олимлари зилзилалар юз беришининг геологик сабабларини ва шарт-шароитларини ўргандилар, зилзилалардан дарак берувчи белгиларни излашнинг гидрогеосейсмологик усулларини ишлаб чиқдилар. Бу зилзилаларни олдиндан айтиш имконини беради. Худудни сейсмик жиҳатдан районлаштириш ишлари амалга оширилди ва сейсмик жиҳатдан фаол худудлар харитаси тузилди.

Натижада республикада қурилаётган ишлаб чиқариш бинолари ва уй-жойларнинг зилзилага бардошлилигини таъминлаш имкони туғилди. Ер ости иншоотлари — коммуникация тармоқлари, метрополитен ва бошқаларнинг сейсמודинамика назарияси яратилди.

Учинчи. Молекуляр генетика, ген-хужайра инженерияси, биотехнология соҳасидаги тадқиқотлар. Булар қишлоқ хўжалигида, микробиология саноатида, атроф муҳитни муҳофаза қилишда фан-техника тараққиётини таъминлашнинг зарур асосидир.

Республикада органик ва ноорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси, биология ва генетика, биотехнологияларни яратиш соҳасида илмий мактаблар шаклланди ва ривожланди. Улар юқори самарали, экологик жиҳатдан тоза ўғитлар, кам заҳарли дефолиантларнинг янги турларини, янги дори препаратларини, ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирадиган моддаларни ва уларни ҳимоя қилиш воситаларини

яратишнинг назарий асослари ва ишлаб чиқариш технологияларини вужудга келтирдилар.

Тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун синтетик биологик бошқарувчиларнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва яратиш, қанд ўрнини босадиган ўсимлик — стевияни ўстиришни йўлга қўйиш зарур. Шунингдек, композицион полимер материалларни, жумладан капролактама полимерлари асосида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича экологик жиҳатдан хавфсиз технологияларни яратиш лозим. Юқори сифатли пахта целлюлозаси, ацетат ипларни олиш билан боғлиқ ишларни рўёбга чиқариш даркор. Булар амалий аҳамиятга молик ишлардир.

Ўзбек селекциячиларининг ютуқларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Улар ғўза биологияси муаммолари, унинг генетик, молекуляр-генетик, физиологик-биокимёвий муаммоларини ўрганиш ва шулар асосида ғўзанинг юқори сифатли, касалликларга чидамли янги навларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Кейинги йилларда ғўзанинг 30 дан ортиқ истиқболли навлари яратилди.

Тўртинчи. Моддаларнинг комплекс физикавий-кимёвий хоссаларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар.

Мамлакатимизда ядро ва элементар зарралар физикаси, радиация физикаси ва материалшунослик бўйича фундаментал тадқиқотлар айниқса кенг ривожланди. Янги илмий йўналиш — релятивистик (нисбий) ядро физикаси шаклланди. Бу йўналиш ядро энергетикаси ва амалий ядро физикаси соҳасидаги тадқиқотларга назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳозирги вақтда радиацион материалшунослик ва гелиоматериалшунослик каби йўналишларда бутун дунёда эътироф этилган устунликка эга. Республика радиоактив изотоплар, шу жумла-

дан фармацевтика радиопрепаратлари ишлаб чиқариш бўйича ҳам етакчи марказдир.

Ўзбекистонда юқори энергиялар физикаси соҳида илмий мактаб вужудга келди. Ана шу мактаб доирасида юқори даражада ўтга чидамли ўта соф материаллар олиш, жуда кам едириладиган, иссиққа, коррозияга чидамли ва қимматбаҳо конструкцион материаллар ўрнини боса оладиган, юқори ҳароратга дош бера оладиган материаллар ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини яратиш бўйича салмоқли илмий ишланмалар юзага келди.

Энергиянинг ноанъанавий турларини яратиш — қуёш энергиясини комплекс ва самарали суратда бошқа турдаги энергияга айлантириш ҳамда ўзлаштириш борасида фаол иш олиб борилмоқда. Бу эса мамлакатни энергия билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда катта аҳамият касб этади.

Бешинчи. Жаҳон ва мамлакатимиз тарихини, Ўзбекистоннинг маданий ва маънавий меросини, ўзбек тили, адабиёти ва фольклорининг тарихий ва ҳозирги ривожланишини ҳар томонлама талқин қилиш.

Республиканинг ақл-заковат салоҳиятини ривожлантиришга, халқаро илмий-маданий алоқаларни кенгайтиришга жамиятшунос олимларимиз, биринчи навбатда, тарихчилар, археологлар, этнографлар, тилшунослар ва адабиётшунослар катта ҳисса қўшдилар. Ўзбек халқининг этногенезини ўрганиш ва унинг ҳолисона тарихини қайта яратиш, анъаналари, турмуш тарзи ва маданиятини ўрганиш билан боғлиқ ишлар жуда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўз ақл-заковат, илмий-техникавий салоҳиятимизни ривожлантириш мамлакатимизни барқарор тараққий эттириш омилидир. Биз буни жаҳондаги обрўли талқинот марказлари билан илмий, техникавий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш, кўплаб

долзарб муаммолар бўйича тадқиқотларни бирга ўтказиш билан бевосита боғлиқ деб биламиз.

Ўзбекистонда демографик вазиятнинг ўзига хослиги, инсон салоҳиятининг ривожланиши ижтимоий инфраструктурани, энг аввало, соғлиқни сақлаш ва аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни тегишли даражада ривожлантиришни ҳам талаб қилмоқда.

Республикада аҳолига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ривожланган тизими яратилган. Бу умумий даволаш ва тор ихтисослаштирилган тиббий хизматнинг турли усулларида фойдаланиш имконини беради. Республикада 1,3 мингдан ортиқ касалхона, 3 мингдан зиёд врачлик амбулатория-поликлиника муассасаси мавжуд. Қишлоқ врачлик пунктларининг кенг тармоғи вужудга келтирилган. Барча соҳалар бўйича 76 мингдан ортиқ мутахассис-шифокор малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Бир шифокорга ўрта ҳисобда 298 киши тўғри келади. Бу дунёдаги кўпгина ривожланаётган мамлакатлардагидан анча камдир. Чунончи, Ўзбекистонда Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Кореяга нисбатан 3-4 баравар, Малайзия, Ҳиндистон ва Покистонга нисбатан 6—8 баравар кўп аҳоли малакали тиббий ёрдам билан таъминланган.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ва биринчи навбатда, электр, марказлаштирилган ҳолда сув, табиий газ билан таъминлаш тизими етарли ривожланган. Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш учун республикада махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда республика уй-жой фондининг 73 фоизи марказлаштирилган сув билан, 64 фоизи табиий газ билан таъминланган, амалда барча аҳоли манзилгоҳлари электрлаштирилган.

Айни вақтда аҳолининг ҳаёти ва фаолиятини янада яхшилаш мақсадида, айниқса, Оролбўйининг экологик мураккаб ҳудудларида, умумий эпидемиологик вазиятни яхшилашга, юқумли касалликларни, болалар ўлимини камайтиришга, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун фақат давлатнинг кўплаб маблағлари сарфланибгина қолмай, балки кўпгина халқаро иқтисодий, гуманитар ташкилотлар ва фондларнинг маблағлари ҳам жалб этилмоқда.

Халқаро алоқаларни ривожлантириш нуктаи назаридан Ўзбекистоннинг жуда катта ютуғи шундаки, республика ривожланган энергетика, коммуникация ва сув тизимларига, яғни, бир-бирини тўлдиралган темир йўл ва автомобиль йўллари тармоғига эга.

Маълумки, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш истиқболлари кўп жиҳатдан Ўз энергетика базасига эгаллиги билан белгиланади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон қудратли энергетика тизимига эга. Бу тизим Марказий Осиё бирлашган энергетика тизимининг таркибий қисмидир. Ўзбекистон энергетика тизими минтақанинг марказида жойлашган. У ҳосил қиладиган қувватлар Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимидаги барча электростанциялар ҳосил қиладиган қувватларнинг ярмини ташкил қилади. Шу боис энергетика тизимимиз минтақада электр энергияси ҳосил қилувчи ва узатувчи яхлит занжирнинг асосий ҳалқаси ҳисобланади.

Ўзбекистон энергетика тизимининг асосини йирик иссиқлик электростанциялари — Сирдарё ГРЭСи, Тошкент ГРЭСи, Янги Ангрэн ГРЭСи, Навоий ГРЭСи ҳамда 19 та гидроэлектростанция ташкил этади. Уларнинг энг йириги Чорвоқ ГЭСидир.

Ҳозирги вақтда дарёлар, сув омборлари, каналларнинг гидроэнергетика имкониятидан энергетика

ва ирригация эҳтиёжлари учун комплекс фойдаланиш, қишлоқ жойларни электр билан таъминлашни яхшилаш мақсадида кичик электростанциялар қуриш дастури ишлаб чиқилган.

Ўзбекистоннинг энергетика тизими республиканинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўла қопламоқда ҳамда уни қўшни давлатларга экспорт қилиш имконини ҳам бермоқда.

Электростанцияларнинг мавжуд қувватлари Ўзбекистонда яқин келажақда рўёбга чиқариладиган барча инвестиция лойиҳаларини, электр токи ҳосил қилувчи янги қувватларни қурмаган ҳолда, электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Шунга қарамай, 2000 йилгача Янги Ангрен ГРЭСи ва Муборак ТЭЦи қурилишини тугаллаш ҳамда Толимаржон ГРЭСида биринчи энергоблокни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон ривожланган газ узатиш тизимига эга. Бу тизимнинг умумий узунлиги 12 минг километр бўлиб, МДХ газ қувурлари бирлашган тизимига уланидиган тўққизта магистрал газ қувурини ўз ичига олади. Бу эса табиий газни кўп миқдорда нафақат Марказий Осиё ва МДХ мамлакатларига, балки Европа мамлакатларига ҳам етказиб беришни таъминлайди.

Ҳозирги вақтда Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой ҳамда Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон давлатлараро магистрал газ қувурларини ўтказиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Уларни қуриш келажақда республика нефть ва газ тармоғининг экспорт салоҳиятини 8 баравардан зиёдроқ ошириш имконини беради.

Ривожланган транспорт коммуникациялари тизими мавжудлиги ҳам Ўзбекистоннинг жўгрофий-стратегик мавқеини жозибадор қилувчи муҳим омилдир. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг транспорт тизи-

ми мамлакат ичида юк ташиш эҳтиёжларини амалда қаноатлантирмоқда.

Республикадаги темир йўл ва автомобиль йўллари тармоғи Марказий Осиёда энг зич ҳисобланади. Темир йўллар узунлиги 6,7 минг километрдан зиёд бўлиб, кўпгина йўллар электрлаштирилган. Автомобиль йўлларининг 80 фоиздан ортиғи қаттиқ қопламали йўллардир. Бу йўлларнинг кўпчилиги халқаро ва давлат аҳамиятига молик бўлиб, улар такомиллаштирилган қопламага эга.

Темир йўл ва автомобиль транспорт коммуникациялари тармоғи республиканинг энг олис туманлари ва аҳоли манзилгоҳларини ўзаро пухта боғлаб туради, халқаро транспорт тизимларига уланишни таъминлайди. Шу билан бирга улар бой ўлкамизнинг асосий табиий ва минерал-хом ашё захиралари манбаларига бемалол кириб боришни таъминлайди.

Ўзбекистон халқаро авиация коммуникацияларини ривожлантириш жиҳатидан ҳам қулай ўринда жойлашган. Европа билан Шарқий Осиё ўртасида жойлашган Ўзбекистон жуда истиқболли халқаро транспорт тармоғи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу тармоқ юклар ва йўловчиларнинг ҳаво орқали транзит усулида ташилишини таъминлайди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ИКАО аъзоси бўлиб, унинг таркибида Тошкент аэропортидан ташқари яна 12 та минтақавий аэропорт мавжуд. Шулардан 3 таси халқаро тоифадаги самолётларни қабул қилишга мослаштирилган.

Бундан ташқари, чет эл капитали иштирокида ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Наманган, Термиз шаҳарларидаги аэропортлар қайта қурилмоқда. Минерал захиралар асосий хазиналарининг қоқ марказида — Учқудуқ шаҳрида янги аэропорт бунёд этилмоқда. Ҳозирги вақтда ҳаво йўллари Ўзбекистонни

жаҳондаги кўп мамлакатларнинг йирик шаҳарлари — Нью-Йорк, Лондон, Франкфурт-Майн, Афина, Тель-Авив, Бангкок, Сеул, Деҳли ва бошқа шаҳарлар билан бевосита боғлаб турибди.

Мустақиллик қўлга киритилгач, қўшни давлатлар ва Жаҳон океанига чиқишни таъминлайдиган энг қисқа ишончли транспорт йўларини барпо этиш мақсадида транспорт алоқаларининг халқаро тизимларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бунинг сабаби шундаки, республиканинг жўғрофий жойлашиши туфайли, бир неча ўн йилликлар давомида бизнинг чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларимиз асосан темир йўл орқали амалга оширилган. Юклар собиқ Совет Иттифоқининг Қора денгиз, Болтиқ денгизи, Япон денгизи ва Шимолий денгиз соҳилларидаги бандаргоҳлар орқали ташилган эди. Бундай транспорт йўли бўйича юк ташиш қиммат тушишидан ташқари, жанубий йўналишда транспорт коммуникациялари амалда ривож топмади.

СССР парчаланиб кетганидан кейин ташқи коммуникациялар муаммоси Ўзбекистон учун янада кескинлашди. Чунки энди денгиз бандаргоҳларига чиқиш учун бир неча мамлакатларнинг ҳудуди орқали ўтишга тўғри келмоқда. Ўзбекистон денгиз бандаргоҳларидан энг узоқда жойлашган мамлакат бўлиб қолди. Энг қисқа йўл қарийб 3 минг километри ташкил этади. Бу эса ниҳоятда олис йўлдир. Табиийки, бу ҳол давлатнинг иқтисодий алоқаларини кенг ривожлантириш имкониятларини чегаралаб қўяди. Қолаверса, бу ҳол республикамизни юкларимиз транзит тарзида ўтадиган мамлакатларга қарам қилиб қўяди, шундоқ ҳам юқори транспорт тарифларининг тўхтовсиз ошиб бориши маҳсулотларимизни рақобатга бардош беролмайдиган қилиб қўяди.

Жаҳон тажрибаси бевосита денгизга чиқа олмайдиган мамлакат ташқи иқтисодий операцияларда анча

ютқазиб қўйишини кўрсатмоқда. Бу Ўзбекистон мисолида яна бир бор тасдиқланмоқда.

Шу сабабли биз ташқи иқтисодий алоқаларимизни транспорт билан таъминлаш муаммоларини ҳал қила оладиган, Жаҳон океанига чиқишни таъминлайдиган муқобил йўллارни излаш билан боғлиқ масалаларни фаол ҳал қилишга интилоқдамиз. Шу мақсадда Ўзбекистон БМТнинг “Транзит юк ташишда ҳамкорликни ривожлантириш орқали савдони кенгайтириш” дастурини рўёбга чиқаришда иштирок қилмоқда. Бу дастур доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг транзит транспорт оралиқ йўлларини вужудга келтириш соҳасида биргаликда бажарадиган вазифалари ишлаб чиқилмоқда. Бу транспорт йўллари уларга денгиз бандаргоҳларига чиқишни таъминлайди ва қадимги савдо йўли — Буюк Ипак йўлининг тикланишига ёрдам беради.

Марказий Осиё республикалари, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га кирувчи бошқа мамлакатлар ўртасида ҳукуматлараро шартнома тузилди ва Тажан-Сарахс-Машҳад темир йўлини куриш амалга оширила бошлади. Бу темир йўл Пекинни Истанбул билан боғлайдиган Трансосиё магистралининг таркибий қисми ҳисобланади. 2000 йилда курилиш тугаллангач, бу йўлда иккала йўналишда 6-8 миллион тоннагача юк ташилиши кутилмоқда. Кейинчалик эса бу кўрсаткич икки баравар ортади.

Ушбу транспорт йўли орқали ҳаракат бошланиши Ўзбекистоннинг ҳам Шарқда — Осиё-Тинч океан минтақасидаги мамлакатлар билан, ҳам Ғарбда — Туркия ва у орқали Европа билан ташқи савдо алоқалари қўшимча суратда кучайишига туртки беради. Шу билан бирга, юк ташиш узоқлиги ҳар икки йўналишда ҳам икки баравардан зиёд қисқаради.

“ТАСИС” дастури доирасида Европа Иттифоқининг техникавий ёрдамини амалга ошириш орқали

“Трасека” лойиҳасини рўёбга чиқариш Ўзбекистонни коммуникация ва транспорт билан таъминлашдаги қийинчиликларни бартараф этишда фоят истиқболли аҳамиятга эга. Бу лойиҳа Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбайжон, Грузия ҳудуди орқали Қора денгиз бандаргоҳларига олиб чиқадиган Транскавказ магистралини вужудга келтиришни назарда тутади.

Ўзбекистон темир йўллар қурилишида иштирак этиш билан бир қаторда, Хитой ва Покистонга олиб борадиган Андижон — Ўш — Эргаштом — Қашқар, шунингдек Бухоро — Сарахс — Машҳад — Теҳрон ва Термиз — Ҳирот — Қандаҳор — Карочи автомобиль йўллари қуриш ва қайта таъмирлаш ишларига ҳисса қўшган ҳолда қатнашишдан ҳам манфаатдор. Бу йўллар Ҳинд океанига чиқишимизга имкон беради. Ушбу транспорт йўлидан фойдаланиш ЭКО мамлакатларига олиб борадиган йўлни уч барабар қисқартиради.

Ушбу қитъалараро магистралларни вужудга келтириш ва уларнинг техникавий ҳолатини мустаҳкамлаш ниҳоясига етгач, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи иқтисодий алоқаларини амалга ошириш учун қулай имкониятлар яратилади. Осиё-Тинч Океани минтақаси мамлакатларидан, Ҳиндистон ва Хитойдан Яқин Осиё мамлакатларига, Туркияга, шунингдек, Европа мамлакатларига транзит юк ва йўловчилар ташишни кенгайтириш учун қулай имкониятлар очилади. Бундан ташқари, амалда Буюк Ипак йўлининг йўналишларига мос бўлган шундай коммуникациялар орқали дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан мунтазам маданий, сайёҳлик ва амалий алоқаларни йўлга қўйса бўлади. Аслида, бу билан МДҲ ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун жаҳон бозорига олиб чиқадиган “жанубий йўл”, Жанубий, Жануби-Шар-

қий Осиё ва Яқин Осиё мамлакатлари учун эса Марказий Осиё бозорига олиб борадиган “шимолий йўл” очилади.

Халқаро транспорт ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда мустақкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон ҳозирнинг ўзидаёқ бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни кўрмоқда.

Биринчидан, транспорт коммуникацияларини инвестициялаш қиммат турадиган ва кам фойда келтирадиган бизнес эканлигини жуда яхши тушунамиз. Шунга қарамай, Ўзбекистон ўз манбалари ҳисобидан иккита йирик ва стратегик муҳим темир йўл магистралини: узунлиги 342 километр бўлган Навоий — Учқудуқ — Султон Увайс — Нукус ҳамда узунлиги 223 километр бўлган Фузор — Бойсун — Кумқўрғон магистрالي қурилишини, шунингдек, Ангрэн — Қўқон автомобиль йўлини қайта таъмирлашни бошлаб юборди. Уларни фойдаланишга топшириш нафақат табиий минералларнинг бениҳоя бой захираларига йўл очиб, республика ичида транспорт қатновини арзонлаштириш имконини беради, балки денгиз бандаргоҳларига, халқаро транспорт коммуникацияларига чиқишни ҳам таъминлайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон республика қонунчилик асосининг транспорт муносабатларини тартибга солувчи қисмини умум қабул этилган халқаро норма ва қоидаларга яқинлаштириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Масалан, автомобилда юк ташиш борасида МДП гувоҳномасини қўллаган ҳолда халқаро юк ташиш тўғрисидаги Божхона Конвенцияси, Халқаро юк ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенция, Йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги конвенция ва Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенция ратификация қилинди.

Фуқаро авиацияси соҳасида Ҳаво кемаларини қонунсиз эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция, Ҳаво кемаси бортида рўй берадиган жиноятлар ва баъзи бошқа хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги конвенция, Ҳаво кемаларида халқаро юк ташишга доир баъзи қоидаларни уйғунлаштириш учун конвенция ратификация қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукумати халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияларни ўзгартиришга доир яна 13 та баённомани ратификация қилди.

Республикамизнинг яқин вақт ичида халқаро йўловчи ва юк ташишни ташкил этишнинг турли масалалари юзасидан яна 17 та конвенция ва битимларга қўшилиши устида иш олиб борилмоқда.

Учинчидан, транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш ҳамда коммуникациялар тизими соҳасида чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Ҳозирги вақтда транспорт ва коммуникация хизматлари кўрсатиш бўйича бир неча ўнлаб корхоналар ишлаб турибди. Улар орасида авиацияда йўловчи ва юкларни халқаро ташиш соҳасидаги қўшма корхоналар: “Осиё Рианта” (Ирландиянинг “Эр Рианта интернейшнл” компанияси ва Шеннон аэропорти билан бирга); “Аскон” (Американинг “Конкорд” корпорацияси билан бирга); “АЭРО Абда” (Малайзиянинг “Абди АПР фрейг СНД ВХЛ” компанияси билан бирга); “Интер сервис Карго” (Бирлашган Араб Амирликлари билан бирга) ва бошқалар бор. Ўзбекистоннинг автомобиль транспортида халқаро йўловчи ва юк ташувчилар Уюшмаси (“АСМАП”) доирасида ҳам шундай транспорт корхоналари ташкил этилган. Мазкур уюшма автомобилда йўловчи ва юкларни халқаро ташиш соҳасида самарали транспорт сиёсатини амалга оширишга ёрдам

бермоқда. У республиканинг миллий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминламоқда.

Тўртинчидан, республикада “Моторолла” (АҚШ), “Сименс”, “Алкатель” (Германия), “ДЭУ” (Жанубий Корея) сингари етакчи чет эл компаниялари иштирокида телекоммуникация тармоқларини қайта таъмирлаш ишлари фаол олиб борилмоқда. Замонавий телекоммуникация ва компьютер тизимлари, компьютер ва телекоммуникация техникаси ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этилмоқда.

Давлатнинг фаол қўллаб-қувватлаши натижасида вужудга келтирилган ва жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш инфраструктураси ижтимоий инфраструктура ҳамда транспорт тармоқлари ва телекоммуникациялар тизими республикада инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилмоқда. Булар чет эллик инвесторларнинг қўшма корхоналар барпо этиш билан боғлиқ жами харажатларини сезиларли даражада камайтиради, янги қувватлар ва корхоналарни ишга тушириш муддатларини анча қисқартиради. Натижада сарфланган сармояларнинг самараси ортади.

КЕНГ КЎЛАМЛИ ЎЗГАРИШЛАР ВА ҲАМКОРЛИК КАФОЛАТЛАРИ

Очиқ демократик давлатни куриш, бозор муносабатларини вужудга келтириш халқаро эътироф этилган конституциявий ҳамда ҳуқуқий асосда амалга оширилмоқда. Бу асос иқтисодиётни ислоҳ қилиш, унинг кенг кўламда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви учун кучли ҳуқуқий кафолатлар ва шарт-шароитларни таъминлаб беради.

Республикада қабул қилинган биринчи Конституция ва бир қатор асосий қонунлар ҳаётимизнинг ҳамма томонларини демократиялашнинг, жамияти-

мизни янгилаш ҳамда Ўзбекистонни ўзининг ишончли ва истиқболли шериги деб билаётган жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнлари орта қайтмаслигининг қудратли ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз ўзимиз учун қатъий хулоса чиқариб олдик: демократик жамият, бозор иқтисодиёти сари бошланган ҳаракатнинг ортга қайтмаслиги ва барқарорлиги унинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга бевосита боғлиқдир. Мустақкам ҳуқуқий асос бўлгандагина эски, ўз умрини яшаб бўлган тузумни тўла ишонч билан қайта қуриш, ривожланган юқори самарали бозор иқтисодиётига эга янги жамиятни қуриш мумкин бўлади.

Қонуннинг устунлиги бизнинг ислохотлар моделimizдаги етакчи тамойилдир. У ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилади. Буюк бобомиз Амир Темур “Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади” деган доно сўзларни олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишга амр берган эди.

Ўтган даврдаги қонунчилик фаолиятини таҳлил қилиб ва умумлаштириб, мамлакатда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг қуйидаги асосий туркумларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, давлатчилигимизни мустақкамлашга ва давлат тузилмаларини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари. Улар миллий манфаатларни ҳимоя қилишни таъминлашга, мудофаа қобилиятимизни ва хавфсизлигимизни мустақкамлашга ҳокимият органлари ва бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган қатор қонунлар тизимини ўз ичига олади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятида ҳокимиятларни тақсимлаш тамойилларига амал қилиб, ислохотларни амалга оширишда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини ву-

жудга келтиришда асосий бўғин ҳисобланади. Улар ўз фаолиятини амалга оширар экан, халққа, унинг манфаатларига хизмат қилмоқда, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминламоқда.

Иккинчидан, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий негизини ташкил этадиган қонунлар. Шунингдек, фуқароларни ижтимоий ҳимоялашни, мулкдорлар синфини шакллантиришни, мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли ривожланиши, тадбиркорлик тараққий топиши, молия, солиқ ва банк сиёсати такомиллашуви ва бошқаларни таъминлайдиган қонунлар.

Учинчидан, жамият сиёсий тизимини эркинлаштириш ва демократиялаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини ташкил этадиган қонун ҳужжатлари. Улар фуқароларнинг жамиятни бошқаришдаги иштироки кенгайтиришнинг, матбуот эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари ишини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий таъминланишини вужудга келтирди.

Тўртинчидан, Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида белгилайдиган, республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган, фаол ва кенг кўламли халқаро ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратиб берадиган қонунлар.

Қонун ҳужжатларининг биронтаси ҳам қабул қилинган бошқа қонун туркумларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қила олмаслигини яхши биламиз. Улар ўзаро таъсирда, бир-бирини тўлдирган ва бойитган ҳолда жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ қилиш учун етарли даражада мустаҳкам замин яратади. Масалан, бозор ислоҳотлари кафолатларини ва ортга қайтмаслигини таъминлайдиган қонун асослари ҳақида га-

пирар эканмиз, иқтисодийтни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи қонун туркумлари билангина чекланиб қола олмаймиз.

Бозор муносабатларини қарор топтириш учун ҳуқуқий пойдеворни давлат ва жамият ҳаётининг ҳамма томонларига тааллуқли бўлган қонун ҳужжатларининг бутун мажмуи, энг аввало, мамлакат Конституцияси яратиб беради.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички қонунлардан устунлиги республикада қонунчилик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий қоидаларидан бири эканлигини эътиборда тутиш зарур. Бу ҳол фақат қонунларимиз доимо умум қабул қилган халқаро нормалар ва қоидаларга мувофиқлаштириб келинаётганлиги ва яқинлаштирилаётганлиги билангина эмас, балки мамлакатимиз халқаро нормаларнинг бажарилишини кафолатлайдиган ҳамма мажбуриятларни ўз зиммасига олаётганлиги билан ҳам рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг, фуқароларнинг иқтисодий эркинликлари, тадбиркорлик эркинлиги, маъмурий-буйруқбозлик усулида бошқаришдан воз кечишнинг мустақкам конституциявий асослари белгилаб қўйилди.

Конституцияда жамиятимизнинг асоси — қўп уқладли бозор иқтисодиёти ва фуқароларнинг хусусий мулк қонун ва давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлаб қўйилган.

Сўнгги 75 йил мобайнида биринчи марта хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги қонунан мустақкамлаб қўйилди. Асосий Қонун хўжалик фаолиятига давлатнинг аралashi борасидаги монопол ҳуқуқи олдига қўйилган қудратли тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда. У иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлайди, ху-

сусий тадбиркорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди, эркин ва ҳалол рақобат учун шароит яратиб беради, бозор муносабатларига кенг йўл очади.

Фуқарога мол-мулкка хусусий эгаллик қилишдан иборат конституциявий ҳуқуқнинг берилиши одамда ўз қадрига етиш, ўзгалар иродасига боғлиқ бўлмаслик ҳисси, жамиятимизни янгилаш ва ривожлантиришда унинг фаол, ташаббускор ва бунёдкор роли мустақамланишига ёрдам беради. Конституцияда бундай дейилади: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”.

Иқтисодий ривожланишнинг кўйилган инвестицияларни ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати қонунчилик асосимизнинг барқарорлигидир.

Қисқа вақт мобайнида бир нечта Конституциялар қабул қилиб улгурган советлардан кейинги қатор мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда қонунчилик асосининг барқарорлиги принципига қатъий амал қилинмоқда. Қонунчилик фаолиятининг бутун тизими янги қонунларни тайёрлашга ҳамда амалдаги қонунларни, ислоҳотлар йўлидан жўшқин илгарилаб борилаётганини ва ўзгариб турган шароитни ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштиришга қаратилган.

Айни чоғда қонунчиликдаги ўзгаришлардан ишончли кафолатлар мавжуд. Айтайлик, агар қонунларни ўзгартириш натижасида инвестициялаш шароитлари ёмонлашса, инвестицияни амалга ошириш пайтида ишлаб турган қонун нормалари чет эллик

инвесторларга нисбатан 10 йил давомида қўлланилаверади.

Ташқи сиёсатга доир принципларимизни белгилаб берувчи конституциявий қондаларга асосланган ҳолда, “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, бир қанча бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Улар ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш, чет эллик инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш ҳамда хорижий мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш имконини берди.

Жамиятимизнинг жаҳон цивилизациясига кенг қўламда интеграциялашуви, иқтисодиётимизга инвестициялар олиб кирилиши учун ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратдик. Ўзбекистон “очиқ эшиклар” сиёсатини олиб бормоқда, чет эллик инвесторлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун ишончли ҳуқуқий кафолатлар ва кенг иқтисодий имкониятлар бермоқда.

Хорижий инвесторлар учун энг қулай тартиблар яратилган ва улар муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Чет эл сармояси иштирокида ишлаб чиқариш корхоналари очиш жараёни мумкин қадар осонлаштирилган.

Республикада қабул қилинган қонунлар ва қонун асосидаги ҳужжатлар чет эл фирмалари ва компаниялари Ўзбекистон бозорларида фаол иштирок этиши учун солиқ соҳасидаги имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларининг, сиёсий ва тижорат соҳасидаги хавф-хатарлардан кафолатларнинг яхлит тизимини, қулай қонуний шароитларни яратиб беради.

Амалдаги қонунлар чет эллик инвесторларга берадиган асосий кафолатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати қуйидагилар:

Биринчи. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестициялар национализация ва реквизиция қилинмайди.

Иккинчи. Хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган фойдани ва бошқа маблағларни ҳеч бир чекловсиз чет эл валютасида чет элга ўтказиш кафолатланади. Шунингдек, импорт бўйича олиб кирилатган хом ашё, бутловчи буюмлар ва замонавий технологиялардан олинган тушумни ҳеч монеликсиз чет эл валютасига айирбошлаш таъминланади.

Учинчи. Чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулк олди-сотдисиди эркин қатнашиш кафолатланади. Чет эллик инвесторлар мулк ҳуқуқларни, шу жумладан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига ҳамда турар жой бинолари ва улар жойлашган ер участкаларига мулк ҳуқуқини, ер ва табиий манбаларга эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритишга ҳақлидирлар.

Тўртинчи. Чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни импорт қилиш ҳамда қўшма корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун бож тўламасдан мулк олиб киришга ҳақлидир.

Амалдаги қонунлар чет эллик инвесторлар учун кафолатлар билан бир қаторда солиқ соҳасида кенг имтиёзлар ҳам беради. Агар улар давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни инвестициялаш-

да қатнашсалар, етти йил мобайнида фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинадилар.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкил этилган корхоналар даромадларининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технология билан қайта жиҳозлашга сарфланадиган қисми ҳам солиқдан озод қилинади.

Қўшма корхоналарнинг қайта молиялашга ҳамда инвестицияларни амалга ошириш учун олинган кредитларни тўлашга сарфланадиган маблағларига ҳам солиқ солинмайди.

Чет эл сармояси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан солиқ олишнинг табақалаштирилган ставкалари жорий этилган. Бу ставкалар хорижлик инвесторнинг қўшма корхона устав фондидаги улуши қанчалигидан келиб чиқиб, улар учун солиқ ставкаларининг тегишлича камайтирилишини назарда тутаяди.

Устав фондида чет эл сармоясининг улуши 30 фоиздан ортиқ бўлган, қишлоқ хўжалик мақсулотини, халқ истеъмоли молларини ва қурилиш материаллари, тиббиёт ускуналари, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашга, иккиламчи хом ашё ва рўзғор чиқиндиларини қайта ишлашга ихтисослашган қўшма корхоналар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинади.

Чет эллик шерикнинг ўз эҳтиёжлари учун республикамизга олиб кираётган мулк, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг устав сармоясига мулк билан қўшадиган ҳиссаси ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига умумий ҳажми 50 миллион доллардан ортиқ миқдорда қилинадиган инвестициялар ҳам бож тўлашдан озод қилинади.

Булар чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун ҳозир амал қилиб турган имтиёзларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир. Булардан ташқари, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар республиканинг ҳамма корхоналарига солиқ соҳасида берилган имтиёзлардан ҳам фойдаланади.

Чет эллик инвесторларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистонда ихтисослаштирилган ташкилотлар ва муассасалар тармоғи ташкил этилган. Булар — Чет эл инвестициялари бўйича агентлик, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, “Ўзбекинвест” Миллий экспорт-импорт суғурта компаниясидир. АИГ (АҚШ) билан бирга сиёсий хавф-хатарлардан суғурталаш бўйича қўшма корхона — “Ўзбекинвест Интернешнл” таъсис этилган. Унинг қароргоҳи Лондонда жойлашган. Лизинг компанияси ташкил этилди. Унинг муассислари — Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, “Малайзан Бэнк Берхард” (Малайзия) ва бизнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимиздир.

Республикада чет эл инвестицияларини ишончли суғурта билан химоялаш таъминланмоқда. Суғурталашнинг таянч ставкалари халқаро амалиётда қабул қилинганидан анча паст. Суғурта пули тўланмаган тақдирда ўз сармояларини Ўзбекистон Республикасига инвестициялаган чет эллик кредиторлар суғурта ҳодисаси юз бергач, атиги 30 кун ўтганидан кейин талаб билан мурожаат қилишлари мумкин. Ҳолбуки, жаҳон амалиётида бу муддат 180 кун қилиб белгиланган.

Чет эллик инвесторларга республикада мавжуд бўлган кафолатлар, имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатини келтиришнинг ўзигина Ўзбекистон капитал сарфлаш учун қулай, ҳамкорлик учун ишончли мамлакат эканлигидан далолат беради.

Биз қонунчилик тизимини тубдан ўзгартиришгагина эмас, балки қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни рўёбга чиқариш борасида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари уйғун ҳаракат қилишига катта аҳамият бермоқдамиз. Шу сабабли қабул қилинган қонунларни кундалик ҳаётга татбиқ этиш масаласи биз учун ҳамма вақт долзарбдир. Олдинги маъмурий-буйруқбозлик тизимининг зўравонлигидан фарқли ўлароқ, қонун жамиятни бошқаришнинг мукамал воситаси, барча органлар фаолиятининг, ҳар бир фуқаро хулқ-атворининг мезонига айланиб бормоқда.

Қисқа қилиб айтганда, мустақиллик йилларида республикада халқаро миқёсда қабул қилинган юридик принциплар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Мазкур норма ва принциплар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари устуворлигига асосланади. Бу эса ислоҳотлар, тараққиёт ва ўзаро фойдали ҳамкорликнинг ортга қайтмаслиги учун кафил бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон тажрибаси, кейинги йилларда эса ўзимиз тўплаган тажриба ҳам шуни яққол кўрсатмоқдаки, иктисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда кенг миқёсдаги ўзгаришларни муваффақиятли амалга оширишнинг, ижтимоий муносабатларни тубдан ислоҳ қилишнинг, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиш ва фаол халқаро ҳамкорликнинг фойт муҳим шарти — мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлашдан иборат.

Ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, аиниқса, энг қийин бўлган ўтиш даврида, давлатнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган аниқ сиёсатини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, миллий давлатчиликни қарор топтириш, халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш, ислоҳ

қилинаётган иқтисодиётга чет эл инвестицияларини кенг жалб этишнинг асосий шартидир.

Маълумки, чет эллик инвесторлар ва инвестициялар ўз фаолиятлари учун қонунчилик асослари яратилибгина қолмасдан, балки барқарор фаолият кўрсатиш учун реал шарт-шароитлар мавжуд бўлган, ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланган, сиёсий хавф-хатарлар энг кам даражага келтирилган, миллатлараро ва фуқаролараро нифоқлар бўлмаган мамлакатгагина келади. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва чет эллик инвесторларнинг қизиқиш билан фаолият кўрсатишлари учун жуда яхши қонунчилик асосини яратиш, энг илғор қонунлар қабул қилиш мумкин. Бир, агар жамиятда барқарорлик бўлмаса, сиёсий ла, залар, фуқаролар урушлари ва минтақавий можароларга қарши кафолатлар бўлмаса, қабул қилинган қонунлар ишлаши, ислоҳ қилинаётган иқтисодиётнинг таркибий тузилишини ўзгартириш учун зарур инвестицияларнинг келиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Айнан жамиятдаги барқарорлик ва давлат сиёсатини олдиндан айта билиш мумкинлиги катта кўламдаги туб ўзгаришларни амалга ошириш, кенг инвестиция фаолияти учун асос бўла олади.

Ана шу бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки вазифа: бир томондан ҳаётнинг ҳамма соҳаларини муваффақиятли ислоҳ қилиш ва барқарор ривожлантириш; иккинчи томондан, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш — республикада амалга ошириладиган сиёсатнинг ўзагини ташкил этади. Айнан ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг сақланиб турганлиги мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг муҳим хусусиятидир.

Ўзбекистон советлардан кейинги мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб жамиятда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг беқарорлануви, бузғунчиликдан

иборат митингбозлик ҳамда сиёсий, миллий ва диний экстремизм қандай даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигига ўзининг аччиқ тажрибасида ишонч ҳосил қилди ва тушуниб етди.

Ўзбекистон бошланғич ижтимоий-иқтисодий имкониятлари собиқ СССР таркибидаги кўпчилик республикалардагидан анча ёмон, “демографик портлаш” хавфи мавжуд бўлган вақтда ислохотларни бошлади. Бу вақтда нормал ҳаёт кечирishi учун яроқли ерлар чекланган, иқтисодиёт ҳаддан ташқари бирёқлама ривожланган эди. Ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаш ҳисси тоталитар усулда бостирилган, бу эса издан чиқарувчи ички омилларни туғдирар, жамиятда кучли ижтимоий кескинлик вазиятини келтириб чиқарар эди.

Ўзбекистон халқи Фарғона, Ўш, Бўкадаги фожияли воқеаларнинг гувоҳи бўлди, диний ва миллатлараро нифоқлар хавфи қандай фалокатга олиб келиши мумкинлигини биринчилар қатори кўрди. Ижтимоий-сиёсий қарама-қаршилик, нигилизм, халқимиз меҳнати билан тўшланган жами ижобий жиҳатларни экстремистларча инкор этиш, митинглар орқали тазйиқ ўтказиш эски тузумдан бизга мерос бўлиб қолган ғоят кескин муаммоларни яна ҳам ўткирлаштириши мумкинлигини тушунди. Ҳокимиятни қўлга киритиш учун мамлакатни миллий фалокат ёқасига келтириб қўйишлари мумкин бўлган ҳар хил сохта ватанпарварлар, сиёсатбозлар, дилетантлар, амалпарастлар ва айрим масъулиятсиз гуруҳлар сафсатабозлигининг бутунлай ҳалокатли эканлигини англаб етди.

Ўзбекистон халқи бунинг қандай хавф эканлигини ва у тўхтатиб қолинмаса, бутун жамиятни портлатиб юбориши, жамиятда беқарорлик ва тарқоқликка олиб келувчи қайтмас жараёнларни бошлаб юбориши, янгиланиш ва ислохотлар йўлига, республи-

ликани мустақил ва суверен давлат сифатида қайта тиклаш ҳамда қарор топтириш йўлига ғов бўлиши мумкинлигини яққол кўрди.

Яқин ўтмишимизнинг аччиқ тажрибаси бизни очиқ демократик ва ҳуқуқий давлатни фақат бир шарт билан шакллантириш мумкинлигига қайта-қайта ишонтирмоқда. Бу шарт шундан иборатки, одамлар ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг ҳамда мамлакатда қонунийлик ва тартибни сақлашнинг сўнмас қадриятини англаб етишлари даркор. Ҳар бир фуқаро муайян даражада ўзини жамиятда юз бераётган ўзгаришларнинг иштирокчиси деб ҳис қилиши лозим.

Мамлакатнинг кўп миллатли халқи — Ўзбекистон келажаги буюк давлат, деган жипслаштирувчи ғояни қабул қилди. Танлаб олинган ислохотлар йўлини қўллаб-қувватлади. Бу ҳол ижтимоий ҳамфикрликнинг, давлат ва жамиятни ривожлантириш стратегиясининг асоси бўлиб қолди. Бугун, республика мустақиллиги ва суверенитетининг беш йиллигидан кейин ҳам жамиятни жипслаштиришга қодир бўлган миллий ғоялар ҳамда вазифаларнинг аҳамияти жуда катта.

Янги миллий давлатчиликни қарор топтиришнинг энг қийин даврида биз ҳар хил бузғунчи омилларга ҳамда жамиятни сиёсий, диний, этник ва бошқа белгилар бўйича парчалаб юбориш хавфларига ишончли тўсиқ қўя олдик.

Хуллас, айтишимиз мумкинки, Ўзбекистонда эришилган ижтимоий ва сиёсий барқарорлик қуйидагиларнинг натижасидир:

биринчидан, жамият миллатлараро зиддиятлар, жамиятда тарқоқлик ҳолатини ва беқарорликни келтириб чиқарувчи жуда кучли омил ҳисобланган тор гуруҳий манфаатлар тўқнашувига асосланган фуқаролар қарама-қаршилиги ҳалокатли эканлигини чуқур тушуниб ва англаб етди;

Иккинчидан, жамиятни тубдан ислоҳ қилишнинг чуқур ўйланган дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бу дастур жамият томонидан қабул қилинди ва уни бутун халқ қўллаб-қувватлади. Давлат аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кучли чора-тадбирларни амалга оширди, бу эса ижтимоий тараққиётнинг гоят муҳим мақсадлари ва устувор йўналишлари бўйича ижтимоий келишувга эришиш учун асос бўлди;

учинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳокимиятларни демократик негизда бўлиш тамойилига асосланган янги тизим ташкил этилди ва у самарали ишлаб турибди. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият идоралари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари кенгайтирилди. Турли сиёсий ва ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат тузилмаларининг фаол, энг муҳими, амалий фаолияти учун кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот сақлаб қолинди ва мустаҳкамланди.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатда ижтимоий ва социал барқарорликка, миллатлараро тинчлик ва фуқаролар тотувлигига асос бўлди. Ўз навбатида, жамиятимизни муваффақиятли ислоҳ қилиш ва янгилашнинг энг муҳим шартига айланди.

Шундай шарт-шароитларни таъминламай туриб, иқтисодий ислоҳотни пухта ўйлаб рўёбга чиқариш, бозор муносабатларини жорий этиш, мулкчилик шаклларини ўзгартириш, қисқаси, жамиятни янгилаш борасидаги узоқ муддатли сиёсатни муваффақият билан амалга ошириш мумкин эмаслигини биз жуда яхши англаймиз.

Ҳамиша шунини эсда тутишимиз керакки, айнан жамиятимиздаги барқарорлик — энг катта бойлигимиздир. бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланишимизнинг кафолатидир.

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик — жамиятимизни сиёсий ислоҳ қилиш асоси. У сиёсий тизим институтларининг самарали ишлашини таъминлайдиган, қонунлар ишлаши ва жамоат тартиби, хотиржамлик ва хавфсизлик сақланиши учун негиз яратувчи пойдевордир.

Шу билан бирга жамиятда барқарор вазият мавжуд бўлган шароитдагина сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари жамият тараққиётининг муаммоларини кенг, ошқора муҳокама қилиш имконига эга бўлади. Олдиларига қўйган мақсадларига эришади, ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаради, демократик давлат ва ижтимоий ҳокимият институтларини шакллантиришда қатнашади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий-сиёсий барқарорлик — жамиятнинг жўшқин ва тадрижий ривожланиши, жаҳон тизимига интеграциялашуви учун асосий негиз ва шарт-шароитдир. Энг мураккаб ўтиш даврида жамиятда барқарорликни сақлаб туриш аиниқса муҳим. Бундай пайтда ижтимоий ва иқтисодий зиддиятлар кўпгина ижтимоий ўзгаришларнинг ўткинчи руҳдалиги сабабли янада кескинлашади. Бу эса барқарорликни бир қадар кенгроқ тушуниш имконини беради. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллий ҳамжиҳатлик, фуқаролар тотувлиги — жамиятни янгилаш ва ислоҳ қилишнинг, барқарор ривожланиш ҳамда тараққиётнинг пойдевори ва кафолатидир.

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистонни 165 дав-

лат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очган.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда. Энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Ўтган йиллар мобайнида республика кўплаб жуда муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди.

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиқилган қуйидаги асосий тамойилларга амал қилмоқда.

Биринчидан, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

Иккинчидан, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

Учинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;

Бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Биз ташқи алоқаларни халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича муваффақиятли ривожлантиришни хавфсизлик ва барқарорликнинг кафо-

лати деб биламиз. Ўзбекистон дунё учун очиқ. Биз ҳам дунёнинг Ўзбекистонга жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини ҳис этмоқдамиз. Бу эса Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун энг яхши кафолатдир. Буни биз Ўзбекистон капитал сарфлаш нуқтаи назаридан ҳам, дунё миқёсидаги кенг қамровли хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида минтақада барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам борган сари эътиборга сазовор бўлиб бораётганлигининг далили деб биламиз.

Биз жаҳон ҳамжамияти билан кенг кўламда интеграциялашган замонавий демократик давлатни куришдан иборат стратегик вазифани ҳал қилар эканмиз, жаҳон ҳамжамиятининг ўзи бугунги кунда серқирра бўлиб бораётганлигини жуда яхши тушунамиз. XX аср охирида дунёда жўгрофий-сиёсий аҳамияти ва кўлами жиҳатидан ноёб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришлар бетакрор. Улар нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вужудга келган қарашлар ва уларнинг механизмларини чуқур ўйлаб кўришни, балки кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб қилади. “Совуқ уруш” даврида халқаро муносабатларга асос бўлган кўп қоидалар, тамойил ва ғояларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинмоқда. Бугун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўзи-ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда.

XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих та-

қозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман — бутун сайёрамыз кўламида ҳам собитқаламлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур.

Бу ҳолда масала халқаро интеграция жараёнларида қатнашиш ёки қатнашмаслик тарзида кўйилмайди. Янги мустақил давлат бўлган Ўзбекистон учун, энг аввало, ташқи сиёсатнинг оқилона мақбулликка ҳамда давлатимиз, жамият ва инсоннинг узоқни кўзловчи манфаатларига асосланадиган энг муҳим тамойилларига қатъий риоя этиш улкан аҳамият касб этмоқда.

Биз учун мустақиллик — ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамыз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз кўлимыз билан қуриш ҳукукидир. Шу боис ўз-ўзидан аёнки, агар интеграция мамлакатимизнинг озодлиги, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини чеклаб қўйса ёки қандайдир мафкуравий мажбуриятлар билан боғланса, у ҳолда четдан олиб келинадиган ҳар қандай интеграция биз учун номақбул.

Интеграция ҳақида гапирар эканмиз, манфаатлар бирикувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланамиз. Бунга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошланғич шарт-шароитлари турличалиги сабабдир. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда — дунё миқёсида ва минтақа кўламида — интеграция жараёнларида қатнашса-да, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади. Биз бир субъект билан шерикчиликнинг мустаҳкамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига қаршимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг

жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараёнidir.

Биз мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан ривожланган бозор тизимига эга бўлган демократик давлат ҳақидаги ҳозирги замон тушунчаларига мос келган тақдирдагина жаҳон ҳамжамиятига киришимиз мумкинлигига асосланамиз. Айни чоғда мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик ўрнатган тақдирдагина, яъни халқаро меҳнат тақсимотида ўзининг муносиб ўрнини топганда, минтақа ва бутун дунё хавфсизлик тизимларини барпо этишда фаол иштирок этгандагина уни замонавийлаштириш мумкин бўлади.

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг турли субъектлари билан алоқалари қанчалик чуқур ва кенг бўлса, улар билан муносабатларда ноаниқликлар, ётсирашлар, муаммолар ва ҳал қилинмаган масалалар, кутилмаган воқеа-ҳодисалар шунчалик кам бўлади. Худди шу нарса хавфсизликка солинаётган таҳдидларни бартараф этиш ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг зарур шартидир.

Қолаверса, биз мамлакатлар ва давлатларнинг хавфсизлик даражаси уларнинг интеграция жараёнларида қатнашиш даражасига бевосита боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Мамлакат қанчалик интеграция алоқалари билан боғланган бўлса, унинг хавфсизлигига таҳдид шунчалик кам бўлади.

Биз жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув ҳақида гапирганимизда, энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятида иштирок этишимизни назарда тутамиз. 1997 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганлигига беш йил тўлди. Биз ўзимизнинг бундай обрўли халқаро ташкилот ишидаги иштирокимизни Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, тинчлик ва тотувликни таъминлашнинг кескин муаммоларига жаҳон жамоатчилиги эътибо-

рини қаратиш имқонияти деб биламиз. Ҳозирги пайтда умумий хавфсизлик муаммосига алоқадор бўлган халқаро ташкилотлар ғоят хилма-хил бўлишига қарамай, фақат БМТгина хавфсизликни сақлаш ва таъминлашга хизмат қиладиган — олдини олишга қаратилган дипломатиядан тортиб то тинчлик ўрнатишга қаратилган операцияларда қатнашишгача бўлган воситаларнинг ҳаммасига эга.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йили Тошкентда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро семинар муваффақиятли ўтди. Унда 20 та халқаро ташкилот ва жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакати, шу жумладан АҚШ, ГФР, Франция, Буюк Британия, Россия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа давлатларнинг дипломатия ҳамда ҳукумат вакиллари иштирок этишди.

Бизнинг БМТ билан муносабатимиз халқаро жамоатчиликдан ёрдам ва мадад олиш истагимиздан кўра (гарчи бугунги кунда бу ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлса-да), кўпроқ БМТ сазъ-ҳаракатлари муваффақиятли амалга оширилишига, унинг фаолияти янги мазмун билан бойишига кўмаклашишга интилишга асосланади. Жаҳондаги жўғрофий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши янги минг йилликда БМТ таркибий тузилиши ва БМТ фаолиятини такомиллаштиришни ҳам талаб қилмоқда. Дунёда бир қатор давлатлар пайдо бўлдики, бу давлатлар қудратли ва жаҳон сиёсати кўламидаги таъсири ортиб бораётганлиги туфайли Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлиши мумкин. Айни вақтда БМТнинг тузилмасигина эмас, балки унинг амал қилиши, иш тартиби ва ҳаракатларни амалга ошириши ҳам буюк давлатларнинг таъсир доиралар учун эски кураш таъсиридан ҳали қутула олгани йўқ. БМТнинг минтақавий можароларни тартибга солиш юзасидан амал-

га ошираётган тинчлик ўрнатиш йўлидаги ишлар ҳамма вақт ҳам муваффақиятли бўлмаётганлигини қисман шу билан изоҳлаш мумкин.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон табиатан жаҳоншумул ва универсал бўлган бу ташкилотнинг таркибий тузилиши ва фаолиятини такомиллаштиришни бундан буён ҳам фаол ёқлаб чиқаверади.

Шу ўринда БМТнинг интеграция соҳасидаги имкониятлари гоят улканлигини ва унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари бу имкониятларнинг ташкил этувчилари ҳисобланишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон мазкур ташкилотлар билан бутунги куннинг ўзидаёқ самарали ҳамкорликни ривожлантирмоқда. БМТ доирасида жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувни БМТнинг ихтисослашган муассасалари — ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНКТАД, ЮНИСЕФ ва бошқалар билан кенг ҳамкорлик қилиш маъносида тушунамиз.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувини таъминлашга халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар — Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқалар ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда. Биз мамлакатимизнинг ҳар йили Давос шаҳрида ўтадиган Жаҳон иқтисодий анжумани ишида қатнашиши катта аҳамиятга эга деб биламиз. Анжуманда қатнашиш Ўзбекистонни ва унинг имкониятларини таништириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун муҳим аҳамиятга молик.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг таркибий қисми давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилот-

лар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, НАТО, ЭКО, ОИК, Кўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Булар орасида Европа Иттифоқи алоҳида ўрин тутади. 1996 йилда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди.

Февраль ойида Европа Иттифоқи Кенгаши шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим тузиш юзасидан Ўзбекистон билан ташқи ишлар вазирлиги даражасида музокаралар бошлаш ҳақида қарор қабул қилди, июль ойида эса Флоренцияда Битим имзоланди. Ўзбекистон советлардан кейинги маконда Россиядан сўнг иккинчи бўлиб Европа Иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим имзолади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европа йўналиши анча кенгайди — ушбу йўналиш Европадаги айрим мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишни ҳам, шунингдек, бутун Европа қитъасини ҳам ўз ичига олади. Бу қитъанинг ўз, минтақавий, Европага хос интеграцияси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Европа Иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорликни биз Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлашга қўшилган яна бир ҳисса деб ҳисоблаймиз. Чунки бу шерикчилик иқтисодий, маданий, илмий соҳалар билан бир қаторда, сиёсий соҳани ҳам назарда тутади. Бу ҳужжат ҳамкорлик қилишнинг мутлақо янги босқичини бошлаб беради, Ўзбекистон, Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини яратади, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар учун кенг имкониятлар очади, мунтазам сиёсий мулоқот учун институционал асос яратади.

Имзоланган Битим иккала томоннинг ҳам фаол шерикчилик қилиш учун асос яратишга интилаётганидангина далолат бериб қолмайди. Мазкур Битим Ўзбекистонда демократик жамият муваффақиятли қурилаётганлигини, халқларимизни инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаролик эркинликлари ва ҳуқуқий давлат сингари умумий қадриятлар бирлаштириб турганлигини яққол тасдиқлайди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) билан самарали ҳамкорлик қилаётганимизни алоҳида таъкиллаб ўтмоқчиман. Бу ҳамкорлик даражаси ЕХХТ билан биргаликда амалга оширилаётган тадбирларда ва бу ташкилот расмий мансабдор шахсларининг Ўзбекистонга ташрифида яққол кўзга ташланмоқда.

1996 йил декабрида Лиссабон саммитида иштирок этганимиз Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан муносабатларини ривожлантиришда салмоқли воқеа бўлиб қолди. Мазкур анжуман доирасида Ўзбекистон хавфсизлик муаммосига доир ўз қарашларини баён этиш ҳуқуқига ва имкониятига эга бўлди. Бизнинг ЕХХТнинг Марказий Осиёдаги фаолиятини кучайтиришга оид даъватимиз тушуниб қабул қилинди ва у Лиссабон декларациясида ҳужжатлаштирилди. Бу аслида ЕХХТ ўз ҳужжатларида мазкур минтақада барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва можароларнинг олдини олиш ниятини баён этган биринчи ҳодиса бўлди. Хавфсизлик, шу жумладан Европадаги хавфсизлик ҳам чегара билмаслиги бутун ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Лиссабонда XXI аср арафасида ялпи хавфсизликнинг модели хусусида олиб борилган мунозаралар жараёнида биз хавфсизликнинг бўлинмаслиги ҳақидаги асосий қондани тўла-тўқис қўллаб-қувватлашимизни билдирдик. Шунини мамнуният билан қайд этамизки, можаролар юз бериб турган ҳудудларга

яширинча қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш ҳақидаги таклифимиз Лиссабон учрашувининг якунловчи ҳужжатида ўз ифодасини топди. Умид қиламизки, бу охир-оқибатда XXI аср учун умумий ва кенг қамровли хавфсизлик моделининг таркибий қисми бўлиб қолади.

Шу билан бир қаторда сўнгги вақтларда Тошкентда Ўзбекистон ташаббуси билан ЕХХТнинг бир қатор йирик анжуманлари ўтказилди. ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси (ДИИХБ)нинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар” мавзусидаги халқаро семинар-кенгаши Марказий Осиё, Европа, Америкадаги 21 мамлакат экспертларининг, шунингдек, 29 та халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллариининг иштирокида кенг мулоқот ўтказиш имкониятини берди. Улар Марказий ва Шарқий Европада омбудсмен институти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ривожлантириш, қонунчилик тизимларини такомиллаштириш ҳамда халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги роли масалаларини кўриб чиқдилар.

ЕХХТнинг ДИИХБ ташаббуси билан “Оммавий ахборот воситалари демократлаштириш шароитида” мавзуида семинар ҳам ўтказилди. ЕХХТ Келишгирув ва ҳақамлик суди томонидан ташкил этилган ЕХХТ халқаро семинари ҳам бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси тинчлик ўрнатувчи ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ушбу нуфузли ташкилот билан яқин ва самарали муносабатлар ўрнатилганлигидан далолат беради.

Ҳозир бизнинг мамлакатимиз билан НАТОдек халқаро ташкилот ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик мавжуд деб айтиш мумкин.

Бизнингча, ўз таркибида демократик давлатларни бирлаштириб турган НАТО фақат Европа қитъасидагина эмас, балки ўзининг сиёсий устқурмасини

мустақамлаш ва “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури ҳисобига жуда катта Евроосиё минтақасида тинчлик ўрнатувчи омил бўлиши мумкин. Ўзбекистон “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурига 1995 йил июль ойида қўшилган бўлиб, бу дастурдаги иштирокимизга ўз мустақиллигимиз ва суверенитетимизни мустақамлаш, ҳозирги замон ҳарбий-техникавий ютуқлардан баҳраманд бўлиш, ҳарбий кадрлар тайёрлашда имкониятларимизни кенгайтириш нуқтани назаридан қараймиз.

НАТО Бош котиби Х. Солана ва АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили Р. Хантернинг Ўзбекистонга ташрифлари бутун дунё миқёсидаги ва минтақадаги хавфсизлик муаммолари борасидаги қарашларимиз мос келишини яна бир бор намоиш қилди. Музокаралар давомида минтақада тинчликни сақлашга, Афғонистондаги можарони сиёсий чоралар билан бартараф этишга, Марказий Осиё минтақасини ядросиз ҳудуд деб эълон қилишга қаратилган ташаббусларимизга тўла тушуниш билан қаралаётганлиги ва улар қўллаб-қувватланаётганлигининг шоҳиди бўлди. Биз Ўзбекистоннинг имкониятлари минтақадаги барқарорлаштирувчи омил сифатида баҳоланишига тўла-тўқис қўшилаемиз.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилишида Европанинг имкониятлари миллий манфаатларимиз нуқтани назаридан ҳаётий муҳимдир. Европа ва бутун Ғарб — юксак технологиялар ва инвестициялар манбаидир, ҳозирги замон демократияси ва инсон ҳуқуқларининг рамзидир. Буларнинг барчаси XXI асрга хавфсизлиги таъминланган ва барқарор ривожланаётган, юксак даражада тараққий этган ва замонавий демократик давлат бўлиб кириш мақсадида янгиланиш ва тараққиётни ўзининг стратегик вазифаси қилиб олган ёш Ўзбекистон давлати учун ҳаётий заруратдир.

Биз бунда хавфсизлик ва тараққиёт бир-бирини тақозо этиши тамойилига амал қиламиз. Бу эса, бир томондан, иқтисодиётга инвестициялар олиб келиш учун барқарор ва хавфсиз муҳит яратишни, иккинчи томондан, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга оширадиган мамлакатгина бундай хавфсиз муҳитни таъминлашга қодир бўлишини назарда тутлади.

Жамиятимизнинг демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидан собитқадам ривожлана боришига бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан ва энг аввало Осиё минтақасидаги ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ҳам ёрдам беради. Туркийтилли давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу мамлакатларнинг анъанавий бўлиб қолган саммитлари доирасида дастлабки босқичда учрашувларга сиёсий руҳ бахш этиш жараёни ортда қолганлиги мамнуният ҳиссини уйғотади. Ҳозир унинг қатнашчилари асосий эътиборларини тобора кўпроқ ўз халқлари равнақ топиши учун иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратмоқдалар.

Туркийтилли давлатлар бошлиқларининг 1996 йил октябрь ойида Тошкентда ўтказилган IV учрашуви бунинг далили бўлди. Мазкур учрашув туркийтилли давлатлар муносабатларининг асоси, яъни улар халқларининг тарихий, этник-маданий ва маънавий яқинлигидан иборат эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу ҳол ушбу мураккаб минтақада тинчлик ва хавфсизликнинг кучли кафолатини яратади.

Учрашув чоғида фан, маданият, таълим, иқтисодиёт, транспорт коммуникациялари соҳасида икки

томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. “Буюк Ипак йўлини тиклаш: маърифий туризмни ривожлантириш, туркийтилли давлатларнинг маданий меросини қайта тиклаш, асраш ва барқарор ривожлантириш” дастурини биргаликда ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда. Бу дастурнинг мақсади саёҳат йўналишлари тармоғини кенгайтиришдан ва сайёҳликнинг тегишли инфраструктурасини кенгайтиришдан иборат.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон ўзининг ташқи алоқаларини ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда ташкил этиш тарафдоридир. Икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ҳар қайси томоннинг манфаатларини янада аниқроқ ҳисобга олиш, бир-биримизни яқиндан таниш, узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликка мустаҳкам замин ҳозирлаш, шу тариқа барқарорлик ва хавфсизлик учун мустаҳкам негиз яратиш имконини беради. Ўзбекистон ер юзининг турли чеккаларида ишончли ва манфаатдор шерикларга эга эканлиги мени айниқса қувонтиради. Уларнинг доираси мунтазам кенгайиб бормоқда.

Бизнинг Америка Кўшма Штатлари билан икки томонлама муносабатларимиз давлатлараро алоқаларнинг фоят муҳим йўналишлари бўйича изчил ва собитқаламлик билан ривожланиб бормоқда. Бунга Ўзбекистон расмий делегациясининг 1996 йил ёзида АҚШга ташрифи ёрдам берди. Мазкур ташриф чоғида АҚШ Президенти Б. Клинтон ва бошқа юксак мартабали шахслар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Шунингдек, ўзбек-америка сиёсий маслаҳатлашувлари ҳам ўтказиб келинмоқда.

Дунёнинг етакчи давлати бўлган, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳозир биз учун устувор аҳамият касб этмоқда. Кўшма Штатлар жамиятимизни янгилаш, ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, республикамизнинг давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш жараёнига салмоқли ҳисса кўшмоқда. Биз Америка компаниялари ва фирмалари билан кўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, улар билан узоқ муддатли, ўзаро фойдали шерикчилик муносабатларини ўрнатишга, Америка капиталининг бизнинг бозоримиздаги иштироки кенгайишига катта аҳамият берамиз.

Сўнги йилларда Европалаги кўпгина мамлакатлар — Германия, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Португалия, Греция, Чехия, Словакия, Руминия ва бир қатор бошқа мамлакатлар билан бевосита, икки томонлама муносабатларимиз анча кенгайди ва мустаҳкамланди.

Бизнинг шу мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари билан учрашувларимиз ва ошкора суҳбатларимиз энг муқим сиёсий муаммолар бўйича қарашларимизнинг ўзаро мослигини яна бир бор тасдиқлади. Бу эса мазкур мамлакатлар билан яқиндан, узоқ муддат ҳамкорлик қилишимиз, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, ҳар икки томоннинг мавжуд имкониятларидан фаол фойдаланиш учун катта истиқболлар очиб бераётганлигини мамнуният билан қайд этишим мумкин.

Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари — Япония, Жанубий Корея, Хитой, Вьетнам,

Малайзия, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа мамлакатлар билан алоқаларимиз мустақамланиб бораётганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Кейинги вақтларда Япония минтақамизнинг мураккаб муаммоларини — хавфсиз ва барқарор тинчликка эришиш, атроф муҳит муҳофазаси масалаларини ҳал қилишда фаол ва манфаатдорлик билан иштирок этмоқда.

Минтақавий барқарорлик, минтақа қўламида интеграция жараёнларини ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда илгари Совет Иттифоқи таркибига кирган мамлакатлар ўртасида вуҷудга келаётган муносабатлар алоҳида ўрин тутали. 1991 йил декабрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил этилганидан бери беш йил ўтди.

Бу йиллар МДҲ мамлакатлари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатлари доирасида тенг ҳуқуқли шерикчилик асосида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишлари учун кенг имкониятлар мавжудлигини тасдиқлади. Бундай ҳамкорликка Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жиҳатдан боғланганлигигина эмас, балки чуқур тарихий илдизлар, маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимизнинг тақдири муштараклиги ҳам асос бўлмоқда.

Мамлакатларимиз халқларининг яқинлашуви — табиий кечаётган жараён. Бу яқинлик, Совет Иттифоқи мавжуд бўлганлигидан қатъи назар, ҳамма вақт бўлиб келган. Бу халқ интеграцияси бўлиб, сунъий равишда жорий этиладиган сиёсий интеграциядан фарқли ўлароқ, ҳақиқий интеграциядир. Шунини таъ-

кидлаш керакки, советлардан кейинги давлатларнинг биронтаси ҳам интеграцияга қарши чиқаётгани йўқ. Айни чоғда уларнинг биронтаси ҳам ўз мустақиллигидан воз кечмоқчи эмас.

Биз учун масаланинг моҳияти мустақиллик ёки интеграцияни танлаш эмас, балки бу икки йўналишни уйғунлаштиришдан иборатдир. Биз МДХни ҳақиқий мустақил, суверен давлатлар интеграцияси сифатида кўришни истар эдик.

Масалага бундай ёндашишнинг “МДХ мамлакатларининг чуқур интеграцияси” деб аталган баъзи сиёсий ғояларга ҳеч бир алоқаси йўқ. Тўртлар шартномаси (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь) ва Иккилар шартномаси (Россия ва Беларусь) имзоланганидан бери анча вақт ўтди. Аввало шуни таъкидлашни истардим: бу Шартномаларни имзолаш ва уларни амалга ошириш — бу давлатларнинг ички иши. Ҳар бир давлат биринчи галда ўз манфаатларини назарда тутиб, ўз тақдирини ва истиқболини ўзи ҳал қилади, ҳар қандай ҳужжатларни ҳамда давлатлараро шартномаларни қабул қилиш ва имзолаш ҳуқуқига эга бўлади. Бинобарин, бу ихтиёрий иш эканлигини назарда тутиб, бу жараёнга ҳеч ким аралашмишга ҳақли эмас.

Мазкур вазиятда масала куйидагича кўйилмоқда: ушбу ҳужжатлар ва шартномалар Ўзбекистон учун мақбулми, Ўзбекистон шу шартномаларга қўшила оладими ёки йўқми? Бунинг устига, бизни Интеграциялашган давлатлар ҳамжамияти ёки иттифоқини ташкил этиш бўйича ана шу ҳужжатларни имзолашга зўр бериб тақлиф қилишмоқда, баъзан бу Ўзбекистон учун фойдали, ёки фойдасиз эканлигини бизнинг ўрнимизга ҳал этмоқчи бўлишмоқда.

Худди шунинг учун ҳамда интеграция ва ҳамкорлик жараёнлари ҳақидаги ўз тушунчамизни, ҳар қандай давлатлараро блоklarга асосланган ёндашувлар, шунингдек, барча яхши ниятли манфаатдор давлатлар билан эркин ҳамкорлик қилиш йўлидаги чеклашлар биз учун номақбул эканлигини ҳисобга олганда, Ўзбекистон бундай Иттифоқлар ёки Ҳамжамиятларга қатъиян қаршидир.

Мустақил Ўзбекистонни ташвишга солаётган асосий стратегик масала — эски империяни қайта тиклашга йўл қўймаслик масаласидир. Афсуски, биз ташвишланиш учун жиддий асосларга эгамиз. Бу ташвиш ана шундай йиғинларда қабул қилинган ҳужжатларнинг қоидалари, уларда рўкач қилиб келтириляётган далиллар ва даъволар туфайли туғилмоқда. Хўш, улар нималардан иборат?

Биринчи. МДХ ўзининг бугунги ҳолати билан уни гашкил этиш чоғида назарда тутилган ғояларга мос келмаётганлигини, бу мўрт тузилма ҳеч нарсани ҳал қилмаётганлиги ва у қабул қилган қарорлар амалда бажарилмаётганлигини айтмоқдалар.

Ҳа, бундай фикрларда жон бор.

Лекин қабул қилинган қарорларнинг МДХ доирасида бажарилишини таъминлайдиган механизмларни чинакамига, амалда излаш ўрнига, давлатлар ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, уларни муайян мазмун билан бойитиш ўрнига, кўпроқ эски даврларни қўмсаш ҳисси пайдо бўлмоқда. Давлатлардан юқори турувчи тузилмаларни — парламент, қонун чиқарувчи, ижро этувчи идоралар — Мувофиқлаштирувчи ёки Юқори Кенгаш, кўплаб амалдорлар ишлайдиган Ижроия ёки Маъмурий қўмита, бирлашган ҳарбий-сиёсий тузилмалар ва шу

кабиларни ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда. Со-биқ Иттифоқнинг улкан маконидаги барча масала-ларни ягона Марказдан туриб ҳал қилиш мумкин бўлган даврлардаги тартиб одамлар онгига ниҳоятда чуқур сингиб кетганлиги сезилмоқда.

Агар бирон-бир давлатлараро уюшма ташкил этил-гандек бўлса, нима учундир, албатта, унинг тегишли ҳокимият ва бошқарув органлари ҳам бўлиши керак, деб ҳисоблашади. Агар МДХ давлат бошлиқлари, ҳуку-мат бошлиқлари ва бошқа тузилмаларининг охириги мажлислари кун тартиби кузатиладиган бўлса, ягона йўналиш — иқтисодий ва гуманитар интеграциянинг пишиб этилган муаммолари ўрнига, давлатлар ва халқ-лар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш ўрнига, нуқул ҳар-бий-сиёсий масалаларни, бирлашган қўмондонликни тузиш, чегараларни биргалашиб кўриқлаш ва шу ка-билар қўйилаётганлиги тасодифий эмас.

Бироқ ҳамма шу нарсани яққол англаб олиши керакки, ташкил этилаётган Иттифоқларда давлат-лардан юқори турадиган тузилмалар барпо этилса ва Шартнома қатнашчиси бўлган ҳар бир алоҳида мам-лакатнинг тегишли қонуний органлари бир ёқда қолиб, бевосита амал қиладиган, яъни барча орган-лар ва ташкилотлар бажариши шарт бўлган қарор-ларни мазкур тузилмаларнинг ўзи қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлса, у ҳолда мазкур давлатларни суве-рен ва мустақил деб ҳисоблаш қийин бўлади.

Ваколатли ва қонун чиқарувчи, ижро этувчи, ҳар-бий-сиёсий ва суд органларига эга бўлган ҳар бир алоҳида давлатнинг янги ташкил этилаётган давлат-лардан юқори турувчи тузилмалар билан алоқасини, ифодали қилиб айтганда, туташ томирлар деб тасав-вур қилиш мумкин. Ҳамжамиятнинг давлатлардан

юқори турувчи тегишли тузилмаси ўзига қанчалик ваколат талаб қилса, ҳозирги алоҳида суверен давлатнинг ҳар бири худди шунчалик ваколат ва ҳуқуқларини йўқотади. Бу — инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Бинобарин, Ҳамжамият ёки Иттифоқ ва унинг давлатдан юқори турувчи тузилмалари ташкил топгани билан ҳар бир алоҳида иштирокчи мамлакат ўз суверенитети ёки мустақиллигини тўла сақлаб қолади деб ишонтирмоқчи бўлсалар ёки ваъда берсалар — буни жиддий қабул қилиб бўлмайди.

Мисол учун Россия билан Беларуснинг Иттифоқ тузиш ҳақидаги келишувларини олайлик. Ушбу келишувлардан кўзда тутилган пировард мақсад, бу мамлакатларнинг раҳбарлари айтаётганларидек, бирлашган давлат ёки бирон-бир шаклда конфедерация ёхуд федерация тузишдан иборат. Бизнинг назаримизда, бундай Иттифоқнинг тузилиши авваламбор буюк давлатчилик, коммунистик ва сохта ватанпарвар кучларнинг стратегик мақсадларига жавоб беради. Бундай кучларнинг мақсади Беларусь ва Россия орасида тузилаётган Иттифоққа таяниб, кейинчалик Украинани бунга ихтиёрий-мажбурий равишда қўшилишга мажбур қилиб, сўнгра эса Славян Иттифоқи деб аталмиш уюшмага суяниб бутун собиқ совет маконида қарор топган мустақил давлатларга ўз ҳукмини ўтқозиш ва жаҳон майдонида йўқотган ўз ўрнини қайтаришдан иборатдир. Жаҳон ҳўжалик алоқаларига иқтисодий интеграциялашувдан иборат бош йўналишни танлаб олган Ўзбекистон учун бу йўл мутлақо номақбулдир.

Яна бир фикр: тасдиқланган МДҲ Низоми доирасида иқтисодий ва молиявий интеграцияни чуқур-

лаштиришни, цивилизацияли тўловлар масаласини ҳал қилишни, иқтисодий ва гуманитар интеграция йўлидаги ғовларни олиб ташлашни ҳозир бизга ҳеч ким тақиқламайди. Бунинг учун биринчи навбатда жўғрофий-сиёсий руҳда бўлган шартномаларни имзолаш ва турли хил Иттифоқларга кириш асло шарт эмас.

Иккинчи. Вужудга келган танглик вазиятининг, одамлар мушкул аҳволга тушиб қолганлигининг асосий сабаби, энг катта бало — аввало республикалар ўртасидаги иқтисодий ва хўжалик алоқалари узилиб қолганлигида дея ҳаммани ишонтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Бу советлардан кейинги бутун маконни қараёт қилиб қўйган тангликнинг ҳақиқий сабабларидан одамларнинг эътиборини чалғитишга очикдан-очик уринишдир.

Советлардан кейинги маконда давлатлар иқтисодиётидаги танг ҳолатнинг асосий сабаби, энг аввало, ўз умрини яшаб бўлган тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик, марказдан тақсимлаш тизими мафкурасининг парчалаб ташланганлигидан, бутунги кунда бутун дунё яшаб келаётган бозор муносабатларига, эркин иқтисодиётга ўтишдан иборат эканлиги мутлақо аён бўлиб қолди.

Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган кўп мамлакатларнинг қанчадан-қанча корхоналари ҳозирги пайтда офир аҳволга тушиб қолганлигини, амалда ишламаётганлигини фақат шу билан изоҳлаш мумкин. Уларнинг кўплари ишламай турганлигига сабаб бошқа суверен давлатларнинг корхоналари билан алоқалари узилиб қолганлиги ёки амал қилмаётганлиги эмас. Бу мамлакатлардан ташқаридаги кооперация-

лашган алоқаларга мутлақо боғлиқ бўлмаган юзлаб корхоналар ишламай турибди.

Бунинг бутунлай бошқа сабаблари бор. Улар ҳозирча янги шароитларга мослаша олмаётир, ўз маҳсулотларини сота олмаётир, уларда ишлаб чиқаришни сақлаб туриш ва ривожлантириш учун маблағ йўқ.

Кўриниб турибдики, гап бу алоқалар узилиб қолганлигида эмас. Иқтисодиётни тезроқ ислоҳ қилиш, ҳисоб-китоб механизмларини такомиллаштириш, ҳар бир корхонада зарур маърифий тартиб-интизом ўрнатиш лозим.

Учинчи. “Чуқур интеграция” муаллифлари бир далилга айниқса кўпроқ мурожаат этадилар — бутун дунёда интеграция ер юзининг кўпгина минтақалари учун хос бўлган жараён деб тушунилар эмиш. Бунда кўпроқ Европа Иттифоқини ташкил этиш тажрибасини далил қилиб келтирадилар.

Ҳа, тарихий тараққиётнинг ҳозирги боқичида барча давлатлар бир-бирларига боғлиқ ва ўзаро алоқада яшайди. Дунё харитасидан ҳозирги кунда бошқалардан, биринчи навбатда, ўзини ўраб турган мамлакатлардан мутлақо ажралиб қолган давлатни топиб бўлмаса керак.

Ҳа, Европа Иттифоқида интеграция ва ҳамкорлик асосий тамойиллар ҳисобланади.

Бироқ Европа Иттифоқида интеграция жараёнларига ёндашувлар интеграциялашаётган давлатнинг батамом суверенлиги, ихтиёрийлик ва уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланади.

Ҳа, Европа Иттифоқини ташкил этишга асос бўлган тамойиллар МДҲ мамлакатлари учун жози-

бали бўлиши мумкин. Буни ҳеч ким инҳор этмайди. Лекин бир қатор ҳолатлар борки, улар Европа Иттифоқини советлардан кейинги макондаги вазиятдан кескин ажратиб туради.

Биринчидан, энг муҳими шундаки, Европа Иттифоқини шакллантириш бир неча ўн йилликларни ўз ичига оладиган узоқ тарихга эга, Маастрихт битимлари эса — давлатлар, уларнинг раҳбарлари босиб ўтган катта йўлнинг натижасидир.

Иккинчидан, Европа Иттифоқига барқарор, мустаҳкам демократик ижтимоий давлат тузилмаларига эга бўлган, пухта бозор ва ҳуқуқий қонунчилик нормаларини, уларни рўёбга чиқариш механизмлари ва инфраструктурасини шакллантирган мамлакатлар бирлашган.

Учинчидан, демократик тартиблар ва қадриятлар бу мамлакатлар аҳолиси мутлақ қўлчилигининг ижтимоий онгида мустаҳкам ўрнашиб қолган.

Тўртинчидан, Европа Иттифоқидаги мамлакатларнинг қўпчилиги тахминан тенг, анча юқори иқтисодий имкониятларга эга. Ўзининг ривожланиши жиҳатидан яққол афзалликларга эга давлатлар йўқ.

Бешинчидан, агар бизнинг техникавий ва иқтисодий қолоқлигимизни, гоят эскирган, рақобатта дош беролмайдиган технология ва асосий фондларимизни ҳисобга олсак, собиқ СССР чегараларида аллақандай Иттифоқларга биқиниб олиш — бундай сиёсат ўтмишининг турли мафкуравий андозаларини ўйлаб, ўзимизни жаҳон иқтисодиёти назаридан четда қашшоқ ҳаёт кечиринишга маҳкум этишдан бошқа нарса эмас.

Айни чоғда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, барча иштирокчи мамлакатлар томонидан танлан-

ган ва вужудга келтирилган умумий бошқарувчи тузилмалари фаолият олиб бораётган Европа Иттифоқи билан бир қаторда, Жануби-Шарқий Осиё (АСЕАН) ва Осиё-Тинч океани минтақаси (АТЭС) мамлакатлари тажрибаси ҳам мавжуд. Бироқ уларда миллий давлатлардан юқори турувчи парламентлар, Вазирлар Кенгашлари ва бошқа бирлаштирувчи тузилмалар йўқ.

Марказий Осиё мамлакатлари даражасидаги интеграцияга келсак, у ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу интеграция ўз моҳиятига кўра ҳамisha халқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Бутун тарих давомида бу минтақа халқлари ажнабий босқинчилар ҳукмронлигига қарши елкама-елка туриб курашиб келганлар. Бу халқларнинг вакиллари мустақилликни қўлга киритиш ва мустақил давлатлар тузиш ғоялари бирлаштирган. Бу халқлар Туркистон деб ном олган улкан ҳудудда асрлар давомида яшаб келганлар.

Авалло шунини таъкидламоқчимизки, Марказий Осиё халқларининг интеграцияси орзу ёки келажакка мўлжалланган лойиҳа эмас, бу — бор нарса, бу — мавжуд воқелик бўлиб, фақат ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий шаклларга муҳтождир.

Марказий Осиёдаги интеграцияни биз ҳудудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодийнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштараклиги, сув хўжалиги ва энергетика объектларини биргалашиб ишлатиш, энергия захиралари билан таъминлаш эҳтиёжи тақозо этган объектив зарурият деб ҳисоблаймиз. Бир-бирига чирмашиб кетган умумий теран томирларга эга бўлган халқларимизнинг маданий, тил ва маънавий бирлиги ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Бу минтақа муайян бир шаклда ҳамма вақт интеграция бўлиб келган. Марказий Осиё халқлари мустақилликка эришганларидан кейин биргаликда кучгайрат сарфлаб ўз келажакларини қуришлари зарурлигини яна қайта ҳис этдилар. Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон президентлари томонидан Марказий Осиё минтақасининг бу суверен мамлакатлари ўртасида ягона иқтисодий маконни ташкил этиш ҳақидаги Шартноманинг имзоланиши шу йўлдаги амалий қадам бўлди.

Марказий Осиё республикаларининг интеграциялашуви учун ҳақиқатан ҳам бир қатор дастлабки шарт-шароит ва сабаблар мавжуд. Булар жумласига иқтисодий ривожланишнинг бошланғич даражаси барабарлиги, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг бир хиллиги ҳам, ягона транспорт-энергетика коммуникациялари, сув захиралари ҳам киради. Бундан ташқари, ушбу минтақада яшаётган барча халқларнинг хавфсизлиги учун муштарақ бўлган таҳдидлар ҳам мавжуд. Булар — Оролнинг қуриб бораётганлиги, наркотик моддалар, қурол-яроғ, терроризм, диний фундаментализмнинг кириб келиши, Афғонистон томонидан кескинлик ва беқарорликнинг ёйилиш хавфи ҳамда бир қатор бошқа омиллардир. Бу таҳдидлар, гарчи тарқоқ туюлса-да, бирлаштирувчи омиллардир, чунки уларнинг биронтасини ҳам алоҳида, ўз кучига ишонган ҳолда енгиб бўлмайди.

Айни шу ҳолатлар Марказий Осиё минтақасининг гуллаб-яшнаши тўғрисида қайғурадиган барча сиёсатчилар учун амалий қўлланма бўлиб қолиши даркор.

Марказий Осиё ҳамдўстлигининг келажакига ишонч билан қараш учун ҳамма асослар мавжуд. За-

рур ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилган, Давлатлараро кенгаш тузилган, Ҳамдўстлик дастурларини рўёбга чиқариш бўйича ижроня қўмига, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган. Қатнашувчи давлатлар иқтисодий интеграциясининг 2000 йилгача мўлжалланган, 53 та муайян лойиҳани ўз ичига оладиган дастури ишлаб чиқилди, ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш учун асос солинмоқда.

Биз ўзимизнинг ташқи муҳофаа сиёсатларимизни уйғунлаштиришга ҳам бевосита яқинлашдик — ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисидаги Шартномада қатнашувчи мамлакатлар муҳофаа вазирлари Кенгашининг низоми тасдиқланди.

Марказий Осиё давлатлари Ҳамдўстлигининг ташкил этилиши асло улар бошқа давлатлардан яқаланиб қолишини билдирмайди. Биз уни МДҲ доирасидаги интеграция жараёнларига ҳам қарши қўймаймиз. Бу ҳамдўстлик давлатчилиқни қарор топтириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб даврида минтақадаги мамлакатларнинг куч-ғайратлари ва саъй-ҳаракатларини жипслаштиришга қаратилгандир.

Марказий Осиё Ҳамдўстлиги биз учун шунчаки интеграция удумига эргашиш эмас, устун бўлиб олиш ёки ўз таъсир доирамизни кенгайтиришга интилиш ҳам эмас. Бу XXI асрда бизнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлимиздир. Ишончим комилки, бу бирликни амалга ошириш, ҳеч шубҳасиз, халқларимизнинг манфаатларига тўла мос келади, минтақамизда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Марказий Осиё давлатлари, гарчи ижтимоий-сиёсий, этник ва маданий жиҳатдан хилма-хил бўлса-

да, биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, хавфсизликка ташқаридан туғилаётган таҳдидларга қарши туриш учун, бутун минтақани барқарор ривожлантириш учун қулай муҳитни яратади, амалда бу минтақани хавфсизлик ва барқарорлик минтақаси сифатида шакллантиради. Шу тариқа бу минтақа давлатлари бутун дунё кўламида тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Иймоним комилки, тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради.

Ҳозирги дунёда хавфсизлик ва барқарорлик фақат ҳарбий-сиёсий жиҳатларнигина назарда тутиб қолмайди. Иқтисодий, экологик ва маданий жабҳалар ҳам жуда муҳим бўлиб, хоҳ минтақа бўлсин, хоҳ бутун сайёрамиз бўлсин — бизнинг тинч ва гуллаб-яшнаётган умумий уйимиз ана шулардан ташкил топади.

ХУЛОСА

Китоб устидаги ишни охирига етказгач, унинг мазмунини фикран кўз олдимга келтириб, умумлаштириб, яна ўзимга ўзим савол бераман: “ Шу мавзуга мурожаат қилиш зарур эдим, бугун Ўзбекистон ва у билан бирга Марказий Осиё минтақасидаги бошқа давлатлар кечираётган мураккаб, гоят кескин муаммолар — хавфсизлик, ривожланишни таъминлаш, барқарорлик ва собитқадамлик муаммолари ҳақида гапириш зарурати борми?”.

Ишончим комилки, бунга зарурат бор.

Биринчидан, беш йиллик мустақил тараққиётимизнинг унча катта бўлмаган, аммо баъзи жиҳатлардан аччиқ тажрибаси босиб ўтилган йўлни таҳлил қилишни, камчиликларни ҳам, ютуқларни ҳам умумлаштиришни талаб қилади. Мамлакатимиз, халқимиз бундай тажрибани билмаган эди. Ўтган даврнинг ҳар бир йилини аҳамияти жиҳатидан тарихимизнинг ўн йилликларига, ҳатто асрларига тенглаштириш мумкин, десак муболаға бўлмайди.

Иккинчидан, тилга олинган мавзунинг ўзи — хавфсизлик, барқарорлик, мамлакатнинг собитқадамлик билан ривожланишига эришиш учун ислохотларни амалга ошириш зарурлиги ва ана шу асос-

да одамларимизнинг фаровонлигини ва муносиб турмуш кечирishiни, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш — моҳият-эътибори билан давлат мустақиллиги ва суверенитетига, халқ эркинлиги ва тенглигига эришишнинг асосий мазмуни, айтиш мумкинки, пировард, абадий мақсадидир.

Учинчидан, ана шу улуг мақсад йўлида турган муаммолар ва таҳдидларни аниқ тушуниш жамиятни бирлаштиради, жипслаштиради, ҳар бир кишига ўзининг масъулиятини, ўз ўлкаси, жонажон Ватанининг тарихи ва ҳаётидаги мураккаб воқеаларга дахлдорлигини пухта ўйлаш, янада чуқурроқ англаш имконини беради. Ана шуларнинг ҳаммасини тушунишгина ўтиш босқичида, янгиланиш ва жамиятни ислоҳ қилиш йўлида бошдан кечирishга тўғри келаётган жуда катта қийинчиликлар ва машаққатларни енгишда одамга куч ва қатъият бағишлаши мумкин.

Тўртинчидан, она заминимизда яшаётган ҳар бир инсон ушбу китобни ўқиб чиқиб, тарихимизга, Ватанимиз, Ўзбекистонимиз эга бўлган куч-қудратга, бойликларга ва беқиёс имкониятларга фикран назар ташлаб, шубҳасиз, ифтихор ҳиссини бошидан кечиради.

Айни чоғда мен, ана шу ҳиссиёт билан бирга, ҳар биримиз халқимизга, ўз меҳнати билан жонини фидо қилиб, мамлакатнинг моддий ва маънавий бойликларини, куч-қудратини яратган кишиларга самимий миннатдорлик туйғуларини ҳис этишимизни жуда-жуда истар эдим.

Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва

қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аجدодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

1997 йил

МУНДАРИЖА

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ
ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ**

3

**ЎЗБЕКИСТОН – БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА
ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ**

67

**ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА**

175

**ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАРАСИДА:
ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД, БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ
ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ**

415

Ислам Абдуганиевич Каримов

**УЗБЕКИСТАН
НА ПУТИ
К ВЕЛИКОМУ БУДУЩЕМУ**

На узбекском языке

**Издательство “Ўзбекистон”
700129, Ташкент, Навои, 30.**